

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
“МАЪНАВИЯТ ВА
МАЪРИФАТ”
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ

МУНДАРИЖА

НАСР

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ. Чингизхоннинг оқ булути. Қисса..... 3
ИВОННА КЁЛС. Инжиқ Давиднинг онаси. Роман. Давоми.....72

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

РАБИНДРАНАТ ТАГОР. Кўнглимизда умид ва иймон.....58
ДЕСАНКА МАКСИМОВИЧ. Юрагим — севгининг тиниқ булоғи..... 64

НАЗМ ДАФТАРИДАН

БАҲРОМ РЎЗИМУҲАММАД. Бир зина тушаман зинапоядан..... 106

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

ВИТАЛИЙ ШЕНТАЛИНСКИЙ. Инқилобий кўриқхонадаги овлар..... 110

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ. Туркиялик олим тухфаси..... 142

Апрел '99

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

| | |
|---|-----|
| ЖЕЙМС Х.ЧЕЙЗ. Гонконгдан келган тобут. Роман. Охири..... | 145 |
| ВЛАДИМИР ПЕЧЕНКИН. Тошлар тилга кирганда... .. | 191 |
| ЖАҲОН КУЛАДИ | |
| ФАХРИДДИН АЛИ САФИЙ. Латифалар. “Латофат-ут-тавоиф”дан | 201 |

Бош муҳаррир: Озод Шарафиддинов

Таҳрир ҳайъати: Неъмат Аминов, Муҳаммадали Аҳмедов, Шароф Бошбеков, Жамолiddин Бўронов, Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов, Неъматулла Иброҳимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Мирпўлат Мирзо (Бош муҳаррир муовини), Абдулла Орипов, Ғайбулла Саломов, Жавлон Умарбеков, Шоир Усмонхўжаев, Рустам Шоғуломов, Ғайзи Шоҳисмоил (масъул котиб), Саидбек Ҳасанов.

Жаҳон адабиёти 4. 1999

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, № 172

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Бахтиёр АҲМЕДОВ
Рассом М. КАРПУЗАС
Техник муҳаррир В. БАРСУКОВА
Мусаҳҳиҳ Т. ОРИПОВА

Теришга берилди 15.02.1999 й. Босишга рухсат этилди 06.04.1999 й. Бичими 70×108 1/16.
Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Жами 3000 нусха. К-6940 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг “Ўзбекистон” нашриётида
компьютерда терилиб, ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.

© Жаҳон адабиёти, 1999 й.

Чингиз АЙТМАТОВ

Чингизхоннинг оқ булут

Поездлар бу ўлкаларда Фарбдан Шарққа ва Шарқдан Фарбга елиб боришарди...

Совуқ Сариўзак чўлларидан шамоллар тинимсиз кўтариб келаётган қора қуюнлари оралаб ўтиб бораркан, поездларнинг машинистлари ўша қаҳратон феврал кечаларида бийдай чўлнинг қор ўрайлари орасидан кичкина Бўронли бекатини зўр-базўр илғаб олишарди. Худди нотинч серхавотир тушдаги каби буралиб-буралиб учган қуюнларга бурканган тунги поездлар зулмат ичра келиб, зулмат ичига шўнғиб кетишарди...

Бундай тунларда дунё замҳарир қаҳратон пускуришларига чулғаниб азал бўшлиқларидан қайта бунёд бўлаётгандай, Сариўзак чўллари кўз очирмас зулмот ва ёруғлик талашларида яралаётган тутаб ётган баҳри муҳитга ўхшарди...

Мана шу ҳувиллаган бўм-бўш маконларда кичкинагина бекатда ёлғиз бир даричада ҳар кеча то тонг отгунча чироқ ёниб чиқар, гўё шу дарича ичкарасида аллакимнинг юраги аччиқ изтироблар чекиб ўртанар, гўё бунда аллакимдир оғир бетоб ётар, ўзини қўйгани жой тополмас, ёхуд чидаб бўлмас уйқусизлик-

Китобхонларга роман учун қисса таклиф қилинаётир. Нима бу — янги жанрми? Рост-да, бунақа жанрнинг бўлиши мумкин эмас. Лекин агар ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкинлигини ҳисобга олсак, унда гап бундан ўн йил муқаддам “Новий мир” журналида босилган “Асрга татиғулик кун” романига қўшимча қисса устида бораётир. Кўзидан ҳеч нарса қочиб қутулмайдиган цензорлар ва турли-туман “юқорининг фикрлари” асарнинг тақдирини маъмурий тарзда ҳал қилиб ташлайдиган мафкуравий зўравонлик замонларида нега асл нусхада бу парча бўлмаганлиги ҳақида гапириб ўтирмай қўя қолай. Кўпинча китобни “умуман” ўтказиш учун балонинг кичикроғини танлашга тўғри келарди, бошқача қилиб айтганда, аёвсиз пўртана кўтарилиб турганда китобхон соҳилларига йўл олган кеманинг юки ҳаддан ортиқ оғир бўлиб кетмаслиги тўғрисида ўйлашга мажбур бўлинарди.

“Чала қолган қўшиқни охиригача айтиш” ҳар доим ҳам муяссар бўлавермасди. Лекин мана шундай имконият туғилди. Ва мен энди... ўша эски “янги” романининг бир қисмини эътиборингизга ҳавола қиламан. Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, қиссада Чингизхон ҳақида кўчманчилар ўртасида тилдан тилга кўчиб юрган афсонадан фойдаланилган, у тарихий ҳақиқатга унчалар тўғри бўлмаса-да, лекин халқ хотираси ҳақида кўп нарсаларни сўйлаб туради...

Муаллиф

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

дан тинимсиз тўлганарди. Бу бекат яқинида қурилган баракнинг даричаси бўлиб, унда Абутолиб Қуттибоевнинг бола-чақаси яшарди. Шулар, хотини ва болалари уни кўзлари тўрт бўлиб кутишар, тунлар чироқни ўчиришмас, Зарифа кечаси бир неча марта ўрнидан туриб чироқнинг қорайган пилигини тўғрилаб қўярди. Ҳар сафар яна равшанроқ ёнган чироқ нурида у беихтиёр тўшакдаги болаларига кўз югуртирар — сочлари тўсдай қора ўғилчалари худди иккита кучук боладай ухлаб ётишарди. Юпқа тунги ички кўйлақда бадани совуқдан дилдираб, кўллари кўксига маҳкам босганча, титраб-қақшаб бужмайиб уларга термулиб юраги орқасига тортиб кетар, болаларим отасини туш кўришяпти, йиғлаб, қийқириб, қулочларини кенг ёзиб, кулиб, бақириб-чақириб, бир-бирларидан қувиб-ўзиб жонлари борича унга томон чопиб боришяпти, талпиниб-талпиниб унга ҳеч етишолмаяпти... деб юраги ҳавл оларди... Кундузлари ҳам улар кичкинагина бекатчада бир зумгагина тўхтаб ўтадиган ҳар бир поездни отам тушиб келармикан деб кутишарди. Поезд ғилдираклари фарсиллаб тўхтаб-тўхтамай болакайлар дарчадан бўйинларини чўзиб қарашар, худди ҳозир пешвоз учиб кетадигандай талпиниб-қоқиниб туришарди. Лекин отадан дарак йўқ, кунлар ўтиб борар, у худди баногоҳ тоғ кўчкиси остида қолиб кетгандай, ҳеч ким ҳеч нарса билмас, хат-хабар келмас эди.

Бу қаро ернинг бошқа бир чеккасида, Алмати тергов қамоқхонасининг ер ости бўлмасидаги чўнг темир панжара билан тўсилган дарчасида ҳам ўша кунлар чироқ тун бўйи ўчмас эди. Ўткир электр чирогининг кечаю кундуз шипдан ёғилиб турган кўзни кўр қиладиган нурлари Абутолиб Қуттибоевни мана бир ойдан буён абгор қилар эди. Бу кулфатдан бошини қайга олиб қочишни билмасди. Саранг-саргардон бу бошини, лўқиллаб, ачишиб оғриган кўзларини электрнинг тиғи жуда ўткир, мияга тинимсиз буров солган шуълаларидан қайга олиб қочиш, қандай тўсиш, пана қилишни, жилла курси бир зумгина бўлсин, нега бу ерга келиб қолганлиги, ундан нима кутишаётганини унутиш, бу ҳақда ўйламасликни истарди. У кечаси бошини кўйлаги билан тўсиб, деворга ўгири-

ЭСКИ ВА ЯНГИ РИВОЯТ: ҚЎШИЛИШ

Чингиз Айтматовнинг бу асари жаҳонга ҳукмдорлик даъвоси билан чиққан икки ҳукмдорнинг сиёсати инсон болалари ҳаётида нима оқибатларни келтириб чиқаргани ҳақида ҳикоя қилади. Ҳукмдорларнинг бири XX асрда яшаган Сталин ва иккинчиси XII асрда ўтган Чингизхон бўлса-да, уларнинг сиёсий интилишларининг уқубатлари ва интиҳосиз фожесаларида бири-бирига ўхшашликлар кўзга ташланиб туради. Улар барча тирик ва нотирик нарсалар, уларнинг жаҳондорликларини сақлашга, мустақамлашга хизмат қилишини ва хизмат қилгандагина ўзини оқлашини, яшашга ҳақли бўлишини истаган ва буни ёвуз эътиқод, ёвуз сиёсат даражасига кўтарган эдилар.

Улар ер юзини хавотир, кўрқинч ва харосонлик билан тўлдирган эдилар. Уларнинг панжараси остига кирган ҳар ердан: “Янқамиз!”, “Мажақлаймиз!”, “Отамиз!”, “Ўлдирамиз!” — деган ваҳшиёна саслар янтраб турарди.

Бўлмаса, ўта ҳалол, софдил, диёнатли, ўз болалари ва юртини жондан севган оддий муаллим Абутолиб Қуттибоев қаерда-ю, дунёни ўлим ва меҳнат лагерлари, ўғирланган атом бомбалари, ўта муғомбир арзончиликлари ва ундан ҳам риёкорона фикрлари билан титратган, мўйловининг бир ишораси билан халқларни ўз асрий ерларидан кўчирган, асрий хонумонлари ва тарихларидан жудо қилган жаҳонбон Сталин қаерда!..

Лак-лак қўшинлари гуллаган водийлар, маданиятлар яшнаган шаҳарларни топтаган, чигирткадек талаган ва еб битирган саркарда Чингизхон қаерда-ю, юраги муҳаббатдан маст юзбоши Эрдене билан унинг севгилиси Дўғуланг қаерда!..

Талончилик, босқинчилик, ҳукмдор бўлишга гайрифавқулда интилаш, одамларни забун махлуқларга айлантириш сиёсатининг бутун мудҳишликлари XII асрда Эрдене ва Дўғуланг бошида, XX асрнинг нақ ўртасида эса овлоқ Сарйўзақ бекатининг муаллими Абутолиб ва унинг сабий, бегуноҳ болалари бошида калхатдек айланади. Бегуноҳ, ҳалол, муҳаббатли одамларни то ҳалок қилмагунча тинчимайди. Гуноҳқор, қотил сиёсатнинг аламли қурбонлари!..

Абутолиб Қуттибоев укувчига Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романидан таниш. Романи сиз Асил Рашидов таржимасида мутолаа қилгансиз. Романда Абутолиб Қуттибоевнинг бошидан беҳад хавотирли воқеалар қуюндай айлана бошлаганлигидан хабардорсиз. Хавфсизлик хизматининг хром этик кийган ходимлари Тансиқбоев деган кимса етакчилигида келиб одамларни зўравонларча тергов қилганликлари ва Қуттибоевни бола-чақасидан айириб олиб кетганликлари сизга маълум. Ўша даврнинг яккахоқимлиги учун хизмат қилган сталинча хавфсизлик хизмати Абутолибни ҳеч бир асоссиз “инглиз айғоқчиси”, Югославияда партизан-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

либ ётиши ҳамон эшик туйнугидан қараб турган назоратчи камерага отилиб кирарди-да, уни ётган жойидан тортқилаб туширар ва оёқ остига олиб тепкилай бошларди. “Деворга қараб ётма, аблаҳ! Бошингни буркаб олма, газанда! Власовчи итмялоқ!” Шундан кейин у мен власовчи эмасман деб қанчалик бўғилмасин, бу билан ҳеч кимнинг бир пақирлик иши бўлмасди.

Шундан сўнг у қаттол электр нурларига юзини қаратиб ётишга мажбур бўлар, қизариб кетган, шилпиқланган, оғриқ кўзларини бужмайтириб, қўли билан тўсишга уринар, кўзлари ва мияси бу туганмас азоблардан қутуладиган қоронғулик, зим-зиё зимистонлик, гўр зулумотини ўртаниб, тўлғаниб қўмсарди, фақат мана шунда, фақат ана шунда ҳеч қандай назоратчи, ҳеч қандай терговчи уни ёруғликка солиш, уйқудан маҳрум этиш, калтаклашлар каби чидаб бўлмас қийноқларга дучор этолмас эди.

Назоратчилар бери кетиб иккинчиси навбатга турар, лекин уларнинг бари бир-биридан бешбаттар шафқатсиз эди — биронтасининг раҳми келгани йўқ, биронтаси маҳбус деворга юзини буриб ётганини кўриб индамай қўя қолмади, аксинча, улар худди шуни кутиб тургандай дарҳол унга ташланишар, сўкиниб, қутуриб калтаклашга тушишарди. Абутолиб Қуттибоев қамоқ назоратчисининг кимлиги, қандай вазифаларни бажаришини билса-да, шунга қарамай гоҳо ўртаниб-куйиб ўзига ўзи дерди: “Нега булар бунақа? Кўринишдан одамга ўхшайди. Киши ахир шунчалар разил бўлиши мумкинми? Ахир мен уларга ҳеч қачон ёмонлик қилмаганман-ку? Улар мени кўришмаган, мен уларни илгари сира кўрмаганман, лекин худди отасининг хуни бордай таҳқирлашади, дўппослашади. Нега? Қаердан келиб қолди булар? Қандай қилиб шундай аҳволга етишди? Улар мени нега бунчалар қийнашяпти? Бунга қандай чидаш мумкин, бундан қандай ақлдан озмаслик мумкин, деворга бошингни қандай уриб ёрмаслик мумкин?! Чунки бошқа йўл йўқ, чора йўқ”.

Бир гал у ҳеч ўзини тутиб турулмади. Вужудини бамисли яшин тешиб ўтгандай бўлди. Ўзини тепкилаётган назоратчи билан қандай ёқлашиб кетганини билмай қолди. Улар жон-жаҳдлари билан олишиб пол устида думалай кетдилар. “Сени урушда аллақачон қутурган итдай отиб ташлаган бўлардим!” — деб бўғилиб ҳирқирарди Абутолиб назоратчи гимнастёркасининг ёқаларини шариллатиб йиртиб, чангак бўлиб қолган панжалари билан унинг бўйнидан қат-

лик қилиб юрган кезларида инглизларга ёлланган деган машғум шубҳа остига олиб, унга таъқиб ва таъйиқни зўрайтирадилар. Абутолибнинг “Партизан дафтарлари” деб номланган эсдаликлари ва Сариўзакда ёзиб олган қадим ривоятларидан ўз мудҳиш мақсадлари учун асос ва далолат қидирадилар. Уни душман, миллатчи, айбоқчига чиқариш учун қўлларида нима чора бўлса, барини кўрадилар. “Чингизхоннинг оқ булут”да Абутолиб олиб кетилгандан кейинги икки ойлик тергов ва сўроқ воқеалари давом этади. Абутолиб ўзига ва ўзига ўхшаганларга қарши энгиб бўлмас зўравонлик ва тўхмат, адоват машинаси иш кўраётганлигини англайди. Бош-кети кўринмас тўхматлар, қийноқлар шу азоб машинасининг озукаси эканлигини тушуниб етади. У бу машинанинг ваҳшатидан фақат ўлиб қутулиш мумкин деган қарорга келади ва сўнгги дамда бунинг иложини топади. Ваҳшат машинаси: “Қутулиб кетди!” — деб ўқирганча қолади. Бу қутулиш 1953 йилнинг марти яқинлашаётганда рўй берган эди.

Чингиз Айтматов Абутолибнинг фарзандларини соғиниши, Зарифани бир кўраман деб талпинишлари, чексиз муҳаббатини изтиробга тўлиқ дoston каби чизади. Оддий одамлар ўз инсоний теран муҳаббатларида қанчалар илоҳий юксакликларга кўтарила олишлари мумкинлигини содда реалистик бўёқларда кўрсатади.

“Чингизхоннинг оқ булут” қиссаси романнинг узвий давомидир. Шунинг учун муаллиф уни “роман учун қисса” деб атайди.

Икки ойлик ваҳшиёна тергов ва бир ойлик Европани забт этишга отланган саҳро жаҳонгининг ҳарбий сафар йўли. Икки ривоят неча асрлар оша бир-бирида акс-садо топади. Икки ривоят бизга азал ваҳшийликларнинг қон сирқиб турган томирларини яланғочлаб кўрсатади. Енгилган инсон моҳиятда нима учун сира энгиб бўлмас бир қудратга эгаллигини айтматовча хассослик, ҳаётийлик, теранлик билан тадқиқ этади. Айтматовнинг асарлари фикр — тафаккур қайнаган асарлардир. Шу қайноқ гирдоб ичига ўзини ташлаган ўқувчи ундан тозариб, янги фикр эгаси бўлиб чиқармикин? Агар шу саволни ўз олдига қўйса, унга ўзи жавоб излармикин?

Ҳамлет айтмоқчи, МАСАЛА ШУ ЕРДА...

2 феврал 1999 йил

Таржимон
Иброҳим ҒАҒУРОВ

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

5

тиқ бўғаркан. Агар йўлакдан яна иккита соқчи ёрдамга етиб келмаганда бунинг бари нима билан тугарди — худонинг ўзига аён.

Абутолиб фақат эртасига ўзига келди. Оғриқдан титраб-қақшаб кўзини очиши билан яна ўша шипда ҳамиша ёниб турадиган чироқни кўрди. Шундан кейингина тепасида гимирлаётган фелдшерни пайқади.

— Қимирлама. Сал бўлмаса нариги дунёга жўнаворардинг, — деди унга овозини паст қилиб, пешанасидаги яраларга малҳам қўяркан, — бундай аҳмоқчиликни иккинчи қила кўрма. Соқчиларга ташланганинг учун сени аллақачон асфаласофилинга жўнатар эдилар, бошингни итдай ғажир эдилар, ҳеч ким ҳеч нарса демас эди. Тансиқбоевга раҳмат де, жонингга ора кирди. Унга ўлигинг эмас, тиригинг керак. Билдингми?

Абутолиб саранг бўлиб қолгандай миқ этмас эди. Бошига нима иш тушади, тақдири қандай кечади, унга барибир бўлиб қолган эди. Юраги оғриқни ҳис қиладиган бўлгунча яна анча вақт ўтди.

Ўша кунлар ақл-хушини бирдан йўқотиб қўядиган ҳолатларга тушди — афрофида нима бўлаётганини англамай қўйди, эсининг кириб-чиқиб, гирашира ёришиб туриши уни омон сақлаб қолди. Бундай лаҳзаларда Абутолиб кўзига ўқдай қадалган нурдан ўзини олиб қочиш, кўзини пана қилишликни истамасди, аксинча, у ўзини ақлдан оздираётган шафқатсиз баттол ёруғликка ўзини тутиб бериш, унга пешвоз туришни истар, шунда унга азоб ва ғашлик манбайига тобора яқинлашиб, кўзини кўр қилишга тўхтовсиз уринаётган шуъланинг қудратини енгиб, ҳаволарда парвоз қилаётгандай, йўқлик ичра эриб, ғойиб бўлиб кетаётгандай туюларди.

Лекин шунда ҳам абгор хаёлида ўтган кунлари билан боғлаб турадиган ришталар ҳали батамом узилиб битмаган эди: уни оиласи, болаларининг қисмати тинимсиз эзар, ғам-аламга ботирар, адоқсиз кўрқувга солар эди.

Абутолиб Сариўзақда қолганларни ўйлаб қийналар, тинимсиз ўртанаркан, ўз устидан ўзи ҳукм чиқармоқчи, айби нима эканлигини англамоқчи, қайси қилмиши учун ҳақиқатан ҳам жазога сазоворлигини аниқламоқчи бўларди. Лекин буларга жавоб тополмасди. Балки асирлик учунмикин, бошқа минг-минглаб куршовларда қолиб кетганлар сингари немислар қўлига асир тушгани учунмикин? Бироқ бунинг учун яна қанча жазолаш керак ахир? Уруш тугаганига ҳам неча йиллар бўлди. Ҳаммаси учун тортадиганини тортди — қон деса қонини тўқдилар, лагерларга элтиб тикдилар, уруш кўрганларнинг бари ғўристонларга тарқаб кетадиган вақт ҳам узоқ эмас, мутлақ ҳоким эса ҳамон ўч олишдан тўймайди, ҳамон инсофга келмайди. Бўлаётган воқеаларни бошқача яна қандай тушуниш мумкин? Саволларига жўяли жавоб тополмаган Абутолиб бугун бўлмаса эрта мени янглишиб қамаганлари, аллақандай тушуниб бўлмас англашилмовчилик юз бергани аён бўлади, ана ўшанда мен Абутолиб Қуттибоев барча кўргиликларимни унутаману қайдасан Сариўзақ деб қанот боғлаб учаман деб орзуларга бериларди. Ишқилиб тезроқ озод қилиб уйга кетишга рухсат этсалар, бас, ҳайоҳайт деб Бўронли бекатини кўзлаб, бола-чақа, оиласи бағрига чопади, у ерда болақайлари Эрмак ва Довул, хотини Зарифа кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиришибди, қор босган чўлларда Зарифаси қоракўзларини худди чумчуқдек қаноти остига олиб, иссиқ бағрига босиб, кўзёшларини шашқатор тўкиб, тинимсиз Худога ёлвориб, мушкулларини осон қилиш, қисматларини енгиллатиш, мурувватли бўлиш, эрини бало-қазолардан сақлашни илтижо қилиб сўраяпти...

Абутолиб алам-қайғунинг зўридан дод-фарёд кўтармаслик, эс-хушидан айрилиб телба бўлиб қолмаслик учун ўз-ўзига таскин-тасалли берар, бош-кеги йўқ хаёлларга чўмарди — оқланиб, айбсиз деб топилиб, уйга кутилмаганда, қандай кириб боришини кўз ўнгига келтирарди. Товар вагонда уйгача етиб олиб, ундан йўл-йўлакай қандай сакраб туриши, уйга томон чопиши, болалари, хотини унга қандай пешвоз киқишларини кўз ўнгига келтирарди. Лекин самарасиз хаёллар тугаб, ҳуши ўзига келган дамларда у яна асл воқеликка қайтар, умидсиз, маҳзун бўлиб қоларди, шунда ўзи ёзиб олган “Сариўзақдаги қатл” афсонаси, ундаги қатл этилган эру хотин, уларнинг мурғак гўдак билан видео-

лашувлари эсига тушарди, бу нарсаларда назарида аллақандай абадиёт муҳрлангандек бўлиб туюлар ва эндиликда бунинг ўзига ҳам қандайдир тарзда дахлдорлигини ҳис қиларди. Уни ҳам бошига жудолик солиб қийнар эдилар... Ҳолбуки фақат ўлим ота-онани болалардан жудо этиши мумкин, бошқа ҳеч нарса, бошқа ҳеч кимса...

Ғам-алам шундай ҳаддан ортган онларда Абутолиб мунграб йиғлар, яна ўзидан-ўзи уялар, лекин хўрликдан тўлиб бораётган ўпкасини қандай босишни билмас, худди ёмғир томчилари тошни ҳўл қилгандай кўздан тўкилган ёшлари мардона, бақувват ёноқларини ювиб тушарди. Ахир у урушда ҳам бунчалар қийналмаган эди, у чоғлар Абутолиб шўрлик сўққабош эди, ҳеч нарсага парво қилмасди, энди бўлса, мана, ўзи кўриб, ишонч ҳосил қилиб турибдики, шу ўта одми бир нарса — болаларда ҳаётнинг беҳад улуг бир маъноси мужассамлашиб ётар экан ва ҳар бир муайян воқеа, ҳар бир муайян инсоннинг ўзига яраша бахти-толеи бор, болаларнинг борлиги ўзи бахт, улардан айрилиб қолсанг, бундан оғир бахтсизлик йўқ... Ҳаёт ундан айрилиб қоладиган дамларда янада ширинроқ бўлиб қолади, энди буни у аниқ билади, зулмат қўйнига муқаррар шўнғиш олдидан, ана шу энг охириги дамда, ҳаётнинг сўнги машъум зиёси тушиб турганда, сарҳисоб қилишга тўғри келади. Ҳаётнинг энг муҳим хулосаси болалар. Эҳтимол, табиат атай шундай қурилган бўлса керакки, ота-онанинг умри ўздан кейин қоладиганларни вояга етказиш учун сарф бўлади. Шунинг учун ҳам, отани боладан айириш, уни қазову қадарнинг ўзида белгиланган вазифасини ўташдан маҳрум этиш, бу демак, унинг ҳаётини охир-оқибатда тамомла баҳосил қилиб қўйиш билан баробар. Мана шундай фикри ёришган пайтларда ўзини умидсизликнинг бостириб келган гирдобидан сақлаб қолишга ожизлик қиларди. Абутолиб болалари билан дийдор кўришадиган дамларни шундоқ кўз ўнгига келтириб, юраги ёмон ўйноқлаб кетар, умидининг рўёбга чиқишига ақли етмас, ўзини тамом боши берк кўчага кириб қолгандай сезарди. Аламангез соғинч кундан кунга унинг бутун жисми жонини чуқурроқ қамраб олар, иродасини букар ва ожиз қилиб кўярди. Баланд тоғ ёнбошида қалин ҳўл қор йиғилганидай ночор умидсизлик устига умидсизлик қалашиб борар, бунда бирдан кўчкининг кўчмоғи ҳеч гап эмасди...

Давлат Хавфсизлик вазирлигининг терговчиси Тансиқбоевга худди шу нарса керак эди. Унинг бутун мақсади қандай қилиб бўлмасин шунга эришиш эди. Юқори идораларнинг розилиги ва қўллаб-қувватлаши остида у собиқ ҳарбий асир Абутолиб Қуттибоевнинг ишини иблисона маккорлик билан чуватмоқда, уни инглиз-югослав махсус хизматлари билан алоқа қилиш ва Қозоғистоннинг узоқ чекка жойларида маҳаллий аҳоли ўртасида мафкуравий кўпуровчилик олиб боришда айбламоқда эди. Ҳа, умумий айбнома шундай эди. Лекин ҳали баъзи бир тафсилотларини аниқлаш, уларга баҳо бериш юзасидан терговни давом эттириш, Абутолиб Қуттибоевнинг қилган жиноятларини тўлалигича бўйнига қўйиш, тан олдириш, иқдор олдинда турар эди. Бироқ энг асосий муҳим гап айбноманинг ўзидаёқ ифода қилиб ўтилган, бу гап фавқуллода сиёсий аҳамиятга молик бўлиб, Тансиқбоевнинг хизмат юзасидан кўрсатаётган ғайрат-шижоати ва мислсиз хўшёрлигидан дарак бермоқда эди. Бу иш Тансиқбоевнинг ҳаётда омади чопаетганидан нишон берса, айти пайтда бу Абутолиб Қуттибоев учун турган-битгани ёмон тузоқ бўлиб, ундан қутулиб кетиш амри маҳол эди. Бинобарин, бундай даҳшатли айбноманинг оқибати фақат битта бўлиши мумкин эди — Абутолиб Қуттибоев гарданига юкланаётган барча жиноятларни улардан келиб чиқадиган барча уқубатлари билан биргаликда тан олишга мажбур эди. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Бу иш олдиндан мутлақо ҳал қилиб қўйилган эди, юкланаётган айбнинг ўзи жиноятнинг ҳеч қандай иккиланишга ўрин қолдирмайдиган далолати бўлиб хизмат қиларди.

Шу боисдан Тансиқбоев бошлаган ишининг муваффақият билан якунланиши тўғрисида ташвишликни ўтирмаса ҳам бўларди. Шу қиш кезлари унинг учун хизмат пиллапояларидан кўтарилишнинг юлдузли онлари балқиган эди. У ўз ишида илгари андак камчиликка йўл қўйиб бир неча йил майор унвонида қолиб кетди. Аммо мана энди унинг учун тамомла янги умидларнинг уфқлари

очилмоқда эди. Бундай узоқ чекка жойларда Абутолиб Қуттибоевниқига ўхшаш ишни фош этишга ҳар ким ҳам муяссар бўлавермайди. Омаднинг кулиб боққани мана шу-да.

Шундай, 1953 йилнинг ўша феврал кунлари толе Тансиқбоевга кулиб боқмоқда эди. Мамлакатнинг тарихи унинг тегирмонига сув қуйиш учунгина яратилганга ўхшарди. У тарихнинг бу фараҳбахш тортигини тушуниб, билиб эмас, балки кўпроқ юракдан ҳис қилиб турар, бу қилаётган хизматининг қанчалар муҳим, биринчи даражали аҳамиятга молик эканлигини яна таъкидлаб кўрсатар, шу билан ўз наздида аллақандай юксакликларга кўтарилар, билъакс қаттиқ ҳаяжонланар, ичи-тоши тошқин туйғуларга тўларди. Баъзан ойнага қараб ўзи ҳайрон бўларди — унинг киприк қоқмас лочин кўзлари не вақтлардан буён бунчалар нурафшон чарақлаб боқмаган эдилар. У қаддини кериб, елкаларини ўйноқлатиб қўяр, соф рус тилида кўп ҳузурланиб минғирлаб хиргойи қиларди: “Туғилганмиз чин қилгали афсоналарни...”

Эрининг нималарга умид боғлаганлигини юракдан ҳис қилган хотинининг ҳам димоғи чоғ, ўрни келганда: “Майли, тез орада биз ҳам ўз ҳақимизни олмай қўймаймиз”, деб гап орасига қистириб кетарди. Юқори синфда ўқийдиган комсомол фаолларидан саналадиган ўғли ҳам, баъзан ўз айтганидан қолмай қайсарлик қилиб туриб олса ҳам, гап асл мақсад устида борганда, “дада, қачон бу подполковник унвони билан муборакбод этамиз” — деб чин юракдан сўраб қўярди. Гарчи Тансиқбоевга тўғридан-тўғри дахлдор бўлмасда, лекин ҳар қалай... бундай гаплар қўзғалишининг ўзига яраша сабаблари ҳам йўқ эмас эди.

Гап шундаки, унчалик узоқ эмас, бундан ярим йилча илгари Алматида ёпиқ суд бўлиб ўтган эди: ҳарбий трибунал бир гуруҳ қозоқ буржуа миллатчилари устидан ҳукм чиқарди. Меҳнаткаш халқнинг бу каби душманлари шафқатсиз тарзда таг-туғи билан абадул-абадга қуридилар эди. Миллатчиларнинг иккитаси машъум патриархал феодал ўтмиш идеаллаштирилган, қозоқ тилида ёзилган илмий ишлари учун энг оғир жазо — отишга ҳукм этилдилар, Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг бошқа иккита илмий ходими — йигирма беш йил сургун жазоси олди... Қолганлари — ўн йилдан қамоққа маҳкум этилдилар... Лекин энг муҳим гап бу эмас эди, муҳими, кўрилган иш бўйича буржуа миллатчиларини фош қилиш ва шафқатсизлик билан қуриштида бевосита иштирок этган махсус ходимлар марказдан йирик давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Рост, улар давлатнинг ошкор этилмайдиган мукофотлари бўлишига қарамай, бу уларнинг салмоғи ва эътиборини заррача пасайтиролмас эди. Навбатдаги унвонларнинг муддатидан илгари берилиши, орден ва медаллар билан тақдирлашлар, топшириқларни намунали тарзда адо этганлик учун катта пул мукофотлар, буйруқларга кирадиган ташаккурномалар ва бошқа шуларга ўхшаш иззат-икром белгилари ҳаётни ўзига яраша завқ-шавқ билан тўлдириб, безар эди. Алоҳида ўрнак кўрсатган кишиларнинг янги квартираларга кўчишлари ҳам айни муддао эди. Буларнинг баридан тиззалар янада кучқувватга тўлар, овозлар янгроқ, қадамлар шаҳдамлик касб этар эди.

Тансиқбоев унвон олганлар ва мукофотланганлар гуруҳи ичида йўқ эди, лекин ҳамкасбларининг тантаналарида фаол иштирок этарди. Ҳар оқшом у хотини Ойқўмиш билан бирга янги унвонлар, орденлар, янги уйларга кўчишларни “ювиш”ларга боришарди. Янги йил арафасидаёқ кетма-кет байрам зиёфатлари бошланиб кетди, гапнинг очиғи, улар жуда ҳам чиройли, унутилмас зиёфатлар эди. Алматининг аёзли, ғира-шира ёритилган кўчаларидан жиндаккина совқотиб кирган меҳмонларни янги квартираларнинг соҳиблари илиққина кучоқ очиб қаршилар эдилар. Эшикка пешвоз чиққан мезбонларнинг чеҳралари нур сочиб, шод-хуррам чарақлар, юз ифодаларида қанчалар ғурур-ифтихор балқиб турарди! Ҳақиқатан ҳам, бу сийланган, иззатли, янгидан бахт-иқбол топган одамларнинг нашидали байрамлари эди. Ҳолбуки, куни кечагина бўлиб ўтган уруш йилларининг очлик ва йўқчиликлари ҳали унутилмаган бир кезларда, давлатнинг чеккароқ ўлкаларида илгари кўрилмаган жозибали, пўрим, янги қулайликлар бошни айлантирадиган даражада шод-хуррамлик ҳамда мамнуни-

ят билан қабул қилинар эди. Бу чекка вилоятларда жаҳонга машҳур ноёб коньяклар, порлоқ, биллур қандиллар ва ялтираган биллур идиш-товоклар энди энди урф бўла бошлаган эди. Шиплардан ўлжа туширилган нурафшон қандилларнинг ярқ-юрқ шуълалари тараларди. Столларга ёзилган қордай оплоқ дастурхонларда ўлжа олинган немис чинни идишлари ярақ-юрқ қилиб кўзни олар ва буларнинг бари гўё уларда тирикликнинг энг олий маъноси яширингандай ва худди дунёда шулардан кўра арзийдиганроқ бошқа ҳеч нарса йўқдай, ўзига оҳанрабодай тортар, кайфиятни кўтариб, димоқларни бениҳоя чоғ қилар эди.

Эшикдан ичкарига кирмасданоқ димоққа ёқимли ҳидлар урилар, бунда бошқа ажиб таомлар қатори ота-боболарнинг кўчманчиликларидан мерос қолган энг суюмли овқат — мазали, хуштаъм от гўшти ҳозирланар, у мана бундай янги уйларда ажиб бир тарзда қадим чўлларнинг тароватини таратгандай бўларди. Барча йиғилганлар зиёфат бошланишини кутиб одоб-икром билан жой-жойларига ўтиришарди. Лекин зиёфатдан мурод фақат еб-ичиш эмас, зотан киши қорни тўйгач, олдига қўйилган таомларнинг мўл-кўллигидан ич-ичидан қийналади, шундай суҳбатлашиб ўтириш — табриклар, қадаҳ сўзлари айтишга эҳтиёж сезилиб қолади. Зиёфатларнинг мана шу одат-қондасида туганмас бир роҳат-фароғат яшириниб ётар ва мана шу лаззатли кайфият юракда яшириниб ётган жамики нарсаларни қамраб олар ва ўз домига тортар эди. Шундай чоғларда ҳатто ҳасад ҳам ҳасадга ўхшамай қолар, у илтифот каби қабул қилинар, рашк ҳам рашк эмас — ҳамдўстлик, ҳамкорлик каби кўринар, мунофиқлик эса шу зумларда баайни самимият ўрнига ўтарди. Меҳмондорчиликка келганларнинг бари ҳайратомиз тарзда яхши томонга ўзгариб, иложи борича ақллироқ кўринишга ва энг муҳими, чиройлироқ сўйлашга интилар ва бунда беихтиёр бошқалар билан худди мусобақа қилаётганга ўхшарди. О, бу ўзига хос мафтункор бир иш эди! Ўлжа қандиллар осилган шиплар сари қандай улуғвор қадаҳ сўзлари парвоз этмасди, бамисоли турфа рангларга безанган қушлардек, баайни сипсиллик қоғозда ёзиб қўйилгандек, қандай чиройли сўзлар янграмасди дейсиз, ўтирганларни юксак кўтаринки руҳи билан ром этиб, жўштириб...

Тансиқбоев билан унинг хотинини айниқса, янги кўтарилиб келаётган қозоқ подполковникнинг қадаҳ сўзи ҳаяжонга солди. Подполковник тантанавор тарзда ўрнидан турди-да, худди тахтга чиқаётган қиролнинг ролини қотириб ўйнаётган драма театрининг артисти каби виқор билан тўлқинланиб сўзлай кетди:

— Асл дўстлар, — деб бошлади подполковник атрофда ўтирганларга улуғвор бир сузилиш билан кўз югуртириб ва ўзи айтаётган сўзларга мутлақо жиддий, ҳар томонлама эътибор қилишлари зарурлигини таъкидлагандай бўлиб. — Ўзингиз тушунасиз, юрагим тўлқинланиб, ўзимни худди бахт денгизи оғушида тургандай сезяпман, тушуниб турибсиз. Сўз айтгим келяпти. Менинг соатим келди ва шу соатда сўз айтишни истайман. Тушунасиз-ку. Мен доим худосиз бўлганман. Мен комсомолда ўсганман. Мен ўз оёғида мустақкам турган болшевикман. Тушунасиз. Бу билан жуда фахрланаман. Худо мен учун ҳеч нарса эмас. Худо йўқ, бу ҳаммага маълум, ҳар бир совет мактабининг ўқувчисига маълум. Лекин мен бутунлай бошқа бир нарсани айтмоқчиман, тушунасиз. Мен дунёда худо бор демоқчиман! О, шошманг, тўхтанг, кулманглар, азизлар. Оббо сизлар-ей! Сўзидан адашиб кетди деб ўйлаяпсизми? Сира ундай эмас! Тушунасиз-ку. Мен инқилобга қадар меҳнаткаш оммани эзувчилар тўқиб чиқарган худони айтаётганим йўқ. Бизнинг Худо — бу давлатнинг устуни, унинг азму иродаси билан ер юзида янги давр бунёд бўлади. Газеталар шундай деб ёзишади. Ва биз дунёда ғалабадан ғалабаларга коммунизмнинг тантанаси сари борамиз. У давримиз жиловини қўлида маҳкам тутган доҳий йўлбошчимиз, у нортуюмизни етаклаб бораётган улуғ карвонбоши Иосиф Виссарионович! Биз унинг изидан, у кўрсатган йўлдан борамиз, у карвонни етаклайди ва биз унинг ортидан қадам босамиз — йўлимиз бир, йўлимиз ягона. Биздан бошқача ўйлайдиган ё калласида бизнинг ғояларимиз бўлмаган кимсалар чекистларнинг омонсиз қиличидан қочиб қутулолмайдилар. Бу шамширни бизга темир иродали Дзержинский васият қилиб қолдирган. Ўзингиз тушунасиз. Душман билан охиригача жанг қиламиз. Уларнинг уруғини қуритамиз. Уларнинг оилаларини ҳам, бошқа ҳар қандай хайрихоҳлик қилувчиларни ҳам йўқсиллар ишининг тантанаси учун қурита-

миз. Худди кузда тўкилган япроқлар тўплаб ёқиб юборилгандай ёқиб, кулини кўкка совурамиз. Чунки, ўзингиз тушунасиз, мафкура фақат битта бўлади, бошқа мафкуранинг бўлиши мумкин эмас. Мана, биз сиз билан бирга ер юзини мафкуравий душманлар — буржуа миллатчилари, ўзингиз тушунасиз ва бошқа турли унсурлардан тозаламоқдамиз. Шуни билиб қўйинглarki, душман қаерда биқиниб ётмасин ва башарасига қандай ниқоб тутиб олмасин, унга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмайди, унга омонлик йўқ. Синфий душман қаерда ва қандай бўлмасин, уни албатта даф этамиз, фош этамиз, ўртоқ Сталин бизга ўргатганидай, душман агентурасининг башарасини очиб ташлаймиз, ўзингиз тушунасиз, ёвларнинг адабини берамиз, халқ оммасининг руҳини кўтарамиз — бизнинг шиоримиз мана шу. Бугун мени тақдирлаган эканлар, муддатидан илгари унвон бериш тўғрисида фармон ўқилиб турган бир пайтда, мен бундан кейин ҳам Сталиннинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилишга ваъда бераман ва қасам-ёд этаман, ўзингиз тушунасиз-ку, ахир, душманларни қидириб топиб, уларнинг жинояткорона ниятларини очиб ташлаб, шафқатсиз жазо олишларига бутун куч-қувватимни сафарбар этаман. Биласизми, биз миллатчиларнинг етакчиларини тамомила зарарсизлантирдик. Лекин институтлар ва редакцияларда уларга хайрихоҳ бўлган кимсалар яшириниб олганлар. Аммо улар ҳам биздан ҳеч қаерга қочиб қутулолмайдилар. Уларга ҳам ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмайди. Биласизми, тергов пайтида бир миллатчи менга нима деди? Сизларнинг тарихингиз барибир боши берк кўчага кириб қолди ва ҳаммангиз худди иблисдек тавқи-лаънатга учрайсиз, дейди. Билдингизми?!

— Уни ўша ернинг ўзидаёқ отиб ташлаш керак эди! — Ўзини тутиб туролмади Тансиқбоев ва камоли жаҳли чиққанидан ўрнидан туриб кетди.

— Рост айтасиз, майор, мен худди шундай қилмоқчи бўлдим, — деб унинг гапини маъқуллади подполковник, — лекин у ҳали тергов учун керак эди, шунинг учун мен унга айтдим, билдингизми, айтдим: биз боши берк кўчага киргунимизча сен аблаҳ ер тагида чириб кетасан! Ит хураб, Сталин карвони олға борар...

Ҳамма бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Ўша арзимас, ярамас пасткаш миллатчига муносиб зарба берилганлигини маъқуллашиб чапак чалдилар, қўлларида тўлдирилган қадаҳларини кўтариб барчалари баробар ўринларидан турдилар. “Сталин учун!” — деб баравар ҳайқирдилар. Бу сўзларининг ҳақ ва ўзлари унга содиқ эканликларини тасдиқлаб ва намоёиш этиб барчалари бирданига қадаҳларини бўшатдилар.

Кейин бу фикрни давом эттириб яна кўп сўзлар айтилди. Ва бу сўзлар ўз-ўзидан кўпайиб, ўз ичидан ўзи туғилиб, урчиб, йиғилганлар бошида ғазаб ҳамда нафрат уруғларини экди ва теварақда худди қутурган қовоқарилардек ғувиллаб, ғўнғиллаб учди. Бинобарин, қовоқарилар ўзларининг нечоғли захарли издиҳом эканликларини билганларида янада қутуриб, ваҳшийлашиб кетадилар.

Тансиқбоевнинг бошида эса мисоли бир гирдоб қайнарди, дадил ҳаракат қилишга ундаб фикрлар ғужғон ўйнарди. Албатта, бундай фикрлар унинг учун янгилик эмасди. Ундай эмас, аксинча, унинг бутун ҳаёти ҳамда кўплаб ҳамкасбларининг ҳаёти ва бутун теварақ-атрофни қуршаган муҳитнинг ўзи кунма-кун, ойма-ой, йилма-йил мана шундай синфий кураш деб аталмиш аёвсиз курашда ўтар, ўз-ўзини тинимсиз чархлар, қайрар ва барча жабҳаларда мутлақ ўзини оқларди. Аммо бунда ошкор айтилмайдиган бир муаммо бор эди. Курашни мудом қизитиб, алангалашиб туриш учун янгидан-янги қурбонлар, фош қилишлар учун янгидан-янги йўналишлар талаб этиларди. Шу маънода кўп нарсалар аллақачон сайқал топиб, ишловдан ўтиб, қўллаб бўлинган, қудуқларнинг суви тагигача олинган, ҳар ҳолда уларнинг таги кўриниб қолган, ҳатто бутун-бутун халқлар Сибир ва Ўрта Осиёга шафқатсизларча сургунга жўнатилган, чекка миллий ўлкаларда катта муваффақият билан қўллаб келинган энг эски синалган усул — одамларни буржуа миллатчилигида айблаш тобора қийин кўчарди.

У ёки бу кимсанинг устидан чақув тушиб, мафкуравий шубҳа остида қолса, дарҳол унинг ўзини ҳам, яқин қавм-қариндошларини ҳам қийин-қистовга олишларидан бешиб қолган одамлар энди хатарли хатоларга йўл қўймас, миллатчи-

ликка йўйиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни қилмас, сўйламас, ёзмас эдилар. Билъакс, кўпчилик ғоятда эҳтиёткор ва хушёр бўлиб қолган, миллатга дахлдор, қадр-қимматга эга барча нарсаларни бор овоз билан инкор этишар, ҳатто ўз она тилидан воз кечишгача бориб етар эдилар. Ҳар қадамда Ленин тилида сўзлашаётгани ва ўйлаётгани тўғрисида писанда қилиб турадиган бундай одамларни қани қўлга илинтириб кўр-чи...

Воқеалар қашшоқлашиб, сийқаси чиққан, янгидан-янги хуфия душманларни фош қилиш юзасидан курашни кучайтириш қийинлашган кезлар гарчи тасодифий тарзда бўлса ҳам, майор Тансиқбоевнинг омади чопиб қолди. Бўронли бекатида турадиган Абутолиб Қуттибоев деганнинг устидан тушган чақувни унинг қўлига у қадар жиддий аҳамиятга эга бўлмаган, иккинчи даражали иш каби жиддий тергов олиб бориш учун эмас, шунчаки бир танишиб чиқиш учун берган эдилар. Бироқ Тансиқбоев оғзидаги ошни олдириб қўядиганлардан эмас эди. Бир нимани сезган кўнгли уни алдамади. Тансиқбоев эриниб ўтирмади, воқеанинг тагига етиш учун ўша жойга бориб келди. Мана энди, бир қарашда жўнроқ бўлиб туюлган иш мабодо яхшилаб ишлов берилса, залворли ва салмоқли бир ҳодисага айланиши мумкинлигига ишончи орта бошлади. Шундай бўлгач, агар ҳаммаси жойида бўлса, юқорида уни ҳам унутишмаса керак, балки тақдирлашсалар ҳам ажабмас. Худди мана шу дақиқада, мана шу дастурхон устида унинг ўзи ана шундай тантананинг шоҳиди бўлиб ўтирмаяптими, бундай нарсалар қандай ташкил қилинишини у билмайдими? Ахир Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳига сифинган, унга жонини аямай хизмат қилаётган ва шу боисдан столи устида ҳам, шипи остида ҳам биллурлар чароғон нурлар сочаётган, роҳат-фароғат топаётган мана шу ўзига қадрдон одамлар орасида, нима, ёмон сезяптими ўзини? Лекин Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳига яқинлаштирадиган йўл битта — у ҳам бўлса, ниқобланган душманларни қидириб топиш ва башарасини очиб ташлашда ғайрат-шижоат, фидокорлик кўрсатиб хизмат қилиш.

Душманлар орасида эса айниқса, асирликда бўлиб қайтганларни сира кўздан қочирмай хушёрлик билан кузатиб бориш керак. Улар айб иш қилиб қўйиб ҳам ўзларини отиб ташламаганликлари учун жинояткор саналдилар. Улар қўллари кўтариб асир тушиш эмас, ўзларини ҳалок этишлари ва фақат шу йўл билан Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳига бутунлай содиқ эканликларини исботлашлари керак эди. Зотан, Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳи улардан ҳар қандай ҳолда ҳам ҳалок бўлиш, бироқ асир тушмасликни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам, бас, асир тушдимми, демак, у жинояткор. Бунга бериладиган жазо ҳамма замонлар — барча наслларга ибрат ва огоҳлантириш бўлмоғи даркор. Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳи — доҳийнинг йўл-йўриқлари, кўрсатмалари шундай. Тергов ўтказиш мақсадида қўлга олинган Қуттибоев эса баайни ана шундай ҳарбий асирликка тушганлардан, ҳаммадан ҳам муҳими, унинг ишида ўта нозик бир нуқта, ҳаддан ташқари замонбоп долзарб бир тафсилоти бор — агар бу борада Қуттибоевнинг айбини бўйнига олишига муваффақ бўлинса, ана унда унчалик катта бўлмаса ҳам, бу далил зўрабор бир ишни очишга асқотиши мумкин. Ана шунда михни айни керакли жойга урилган бўлади ва Сталиннинг розилигини олмай туриб, Югославиянинг ўзига хос йўли бор деб даъво қилиб чиқаётган муртад Тито — Ранкович тўдасининг асл хиёнаткорона мақсадларини очиб ташлашга хизмат қилади. Кўнгиллари тусаган нарсани кўринг-а! Урушнинг куни кечагина тугаганига қарамай, дарров ажралиб чиқишни истаганликларини қаранг! Жаноблар, хомтама бўлманг! Қўлингиздан келмайди! Сталин бу хомхаёлларингиз кулини кўкларга созуриб ташлайди. Майли, гарчи кичикроқ эса-да, бир далилга асосланиб туриб, бундай хойнона ўй-хаёллар Югославияда узок йиллардан буён, ҳали уруш кетаётган пайтлардаёқ партизан командирлари ўртасида ва тўғридан-тўғри инглизларнинг махсус хизмати таъсирида урчиб тарқанглигини яна бир карра исбот қилинса, асло ортиқча бўлмайди. Абутолиб Қуттибоевнинг кундаликларида эса Югославия партизанлари инглизлар билан қандай учрашганликлари ҳақида хотиралар ёзилган, шундай экан, ҳозир талаб этилаётган нарсани унинг бўйнига қўйиш учун барча асослар мавжуд. Бинобарин, қандай қилиб бўлмасин, бунга эришмоқ зарур. Бошингни тошга уриб мажақлайсанми, осмонга чиқасанми, ерга кирасанми, ҳар қалай, шу Сарийўзакдан

чиққан ёзувчини тилга киритишинг керак. Сиёсатда шамол эсаётган томонга қараб учаётган ҳамма нарса ишга ярайди. Ҳа, ҳар қандай жуда майда-чуйда бўлиб кўринган нарса ҳам душманга қарши тош қилиб отишга, уни ғоявий жанглarda мажақлаб ташлашга яраб қолиши мумкин. Шунинг учун ана ўша тош ёхуд жуда бўлмаганда, кичкинагина тошчани, майли рамзий маънода бўлса-да, топиш ва уни чин юракдан Мутлақ Хукмронлик Илоҳи қўлига тутқазиш вазифаси олдимизда кўндаланг бўлиб туради. Кейин У мабодо ўзи бўлмаганда ҳам, кимгадир топширади ўша тош билан худди газеталарда ёзишганидай, ман-фур ревизионист Титонинг думлари ҳамда унинг малайи Ранковичнинг бошига айлантриб уришни. Бир нарсага яратмаганлари, майдароқ гап экан деб қараганларида ҳам, барибир қилинган жонбозлик ерда қолиб кетмайди... Омад кулиб боқса, мана шу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси унинг уйига қадам ранжида қиладилар, унинг дастурхони устида ўтирадилар, бажарган хизматларини тилга оладилар. Ахир, ҳаётнинг маъноси — бахту иқболда, омад, ютуқ эса — бахту саодатнинг дебочаси.

Ўша тунги зиёфат чоғида қирғийкўз Тансиқбоев ана шулар ҳақида ўй сурар, дастурхон атрофидаги бошқа меҳмонлар билан ундан-бундан сўйлашиб ўтирса-да, ич-ичида худди тезоқар, шаддод дарё бағрида, ўз эҳтирослари, илинж-орзуларнинг шовуллаган шовваларида қулоч отиб сузиб бораётгандек сезарди. Фақат эрини яхши билган хотини Ойкумушгина унинг дилидан нималар кечаётганлигини, худди тунда овга чиққан йиртқич сингари ўлжа исини туйиб, нималаргадир ҳозирланаётганлигини англади. У буларни эрининг дам ҳаяжон чирмашган, дам ҳаддан зиёд совуқ боққан, киприк қоқмас қирғий боқишли кўзларидан уқди. Шунинг учун у эрининг қулоғига секингина шипшиди: “Бу ердан ҳамма билан бирга турамиз ва тўппа-тўғри уйга борамиз”. Тансиқбоев истар-истамас бошини қимирлатиб қўйди. Одамлар олдида гарчи тили қичишиб турган бўлса-да, эътироз билдириб ўтирмади. Унинг калласида қулочни кенгроқ очиш керак экан, деган янги режа этилиб келмоқда эди. Ахир Қуттибоев билан бирга югослав партизанлари ичида бўлган бошқа ҳарбий асирлар ҳам кўп, — улар ҳозирда бурчак-бурчакларда пусибгина ўтиришибди, — демак, улар ҳам бир нарсаларни билишади, нималарнидир эшлашади, уларнинг энг фаолларининг номларини айтасан деб Қуттибоевни мажбур қилиш унчалик қийин эмас. Материаллар, ҳужжатларни кўтариш, эртагаёқ зарур сўровлар юбориш керак. Ёки бўлмаса, иложи борича тезроқ марказга бориб келгани маъқул. Аниқлаш, кавлаш, қидириш ва Қуттибоевдан энг муҳим гапларни тасдиқлатиб олиш зарур. Кейин унинг кўрсатмалари асосида Югославияда жанг қилган со-биқ ҳарбий асирларга айбнома тақалади, бу кимсаларни Совет Иттифоқига кўчириш комиссиясидан ўтаётган чоғда Югославия резизионистларининг хиёнаткорона мақсадларини яшириб, уларни рўй-рост ошкор этмаганликлари учун яна янгидан жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади. Бундай кишилар юзта ёки мингта эмасдир, юзлаб, минг-минглаб чиқса керак, уларни иложи борича тезроқ тергов тегирмонидан ўтказиш керак, — бу фикрни юқорига махфий хат ёзиб етказиш маъқулга ўхшайди, — ана ундан сўнг бу кимсаларни лагерларга жўнатилади ва шу билан уларга батамом берилади...

Турли-туман ноз-неъматлар ва коняк қадаҳлари қўйилган дастурхон устида бошига келган ушбу фикрлардан жўшиб кетган, ҳаётида аллақандай янги тотли ўзгаришлар юз беришини олдиндан ҳис қилган Тансиқбоев яна ичгиси, яна ноз-неъматлардан тотиниб, ашула айтиб, ён-атрофидагилар билан ҳазил-ҳузул қилишиб, хандон отиб кулгиси, ўйнагиси келди. У сирли тарзда порлаб кетган кўзларини ён-верида ўтирганларга миннатдорлик ҳислари тўлиб-тошиб югуртириб чиқди, ахир йиғилганларнинг ҳаммалари ўз қадрдон одамлари, бир аравага тушган, бир ашулани айтадиган, бир маслақдаги ўз одамлари эди, шунинг учун ҳозир уларни жуда яхши кўриб кетди, қадрдонлари эса шу тобда унинг калласида улуг ғоялар пишиб этилаётганидан беҳабар, валақлашиб, чақчақлашиб ўтирардилар. Шуларни ўйларкан, боши бирдан қизиб кетди, юраги ҳапқириб, ўйноқлаб, шиддат билан гурсиллаб урди.

Юрагида этилиб пишган бу режалар хизмат пиллапояларидан юқорилаб боришига ишончли имконият яратади. Буларнинг бари ақлга мос ва мантиққа

тўғри келарди: яшириниб ётган душманларни қанчалар кўп фош қилсанг, ўзинг бундан шунчалар ютасан, манфаат кўрасан. Бундай келажак юракка қанот бағишлар эди. У фахр-ифтихорга тўлиб ўйланди: “Ақлли одамлар ўз ишларини мана шундай бошлаб дундирадилар! Мен ҳам, нима бўлмасин, ярим йўлда қолиб кетмайман!” Шунда унинг ишни дарҳол бошлаб юборгиси келди — шу тобдаёқ гараждан машина чақириб, ўша ер остидаги дарчалари панжара билан тўсилган, Абутолиб Қуттибоев ўтирган, тергов изолятори деб аталадиган жойга қанот боғлаб учгиси ва вақтни бой бермай дарҳол тўғри камеранинг ўзидаёқ сўроқни бошлаб юборгиси келди. Сўроқ қилганда ҳам, шундай қилсинки, ўтакаси ёрилиб, жони товонидан чиқиб кетсин. Ишнинг пировард-натижаси устида ҳеч қандай иккиланишлар бўлиши мумкин эмас; Қуттибоев айбини бўйнига олиб, инглиз-югослав топшириқларини тасдиқласа, ўзи билан бирга партизанлик қилганларнинг барчасини номма-ном айтиб берса, унда 58-бобнинг I-“Б” пункти бўйича 25 йил лагер олади, агарда бўйнига олмаса — хиёнат, чет элларнинг махсус хизматлари агентураси билан ҳамкорлик қилгани ва маҳаллий аҳоли ўртасида мафкуравий кўпуровчилик тарғиботи ўтказгани учун отувга ҳукм этилади. Ҳа, танасига қаттиқ ўйлаб кўрсин.

Буларнинг ҳаммасини кўз олдига келтирган Тансиқбоев кўп нарсаларни олдиндан ўйлаб қўйган эди: сўроқ пайтида гап нима устида боришини ҳам, Қуттибоев йўқ деб оёқ тираб туриб олишини ҳам, унинг белини синдириш учун қандай чоралар қўллашни ҳам кўзда тутиб қўйган эди. Шу билан бирга у Қуттибоев ҳеч қаерга қочиб қутулолмаслиги, жонини сақлайман деса, шундан ўзга йўл қолмаганлигини ҳам яхши биларди. Албатта, ўламан саттор айбдор эмасман, асирга тушган бўлсам, кейин югослав партизанлари билан бирга жанг қилиб гуноҳимни ювганман, ярадор бўлдим, қон тўқдим, уруш тугагач, депортация комиссиясидан ўтдим, ҳозиргача ҳалол меҳнат қилмоқдаман ва ҳоказо ва ҳоказо деб ўзини оқлашга уринади. Буларнинг бари ҳеч нарсага арзимайдиган қуруқ гаплар. Қуттибоев бундай бир киши сифатида эмас, бутунлай бошқа бир нарса учун керак бўлаётганлигини қаёқдан билсин. Ундан талаб қилинаётган ҳолатда у биқиниб ётган давлат душманларини фош этиш ва таг-томири билан қуриштиш ишларига хизмат қилади. Шунга у битта ҳалқа сифатида керак, ана ундан кейин барча ҳалқалар тортиб чиқарилади. Давлат манфаатларидан ҳам юқорироқ нарса бўлиши мумкинми? Баъзилар инсон ҳаёти қимматли деб ўйлашади. Галдирлар! Давлат бу вужуд, бу — тандир ва бу тандирнинг ўтини фақат битта — одамлар. Акс ҳолда тандир ўчади, совийди, кераги бўлмай қолади. Лекин ўша одамларнинг ўзлари давлатсиз яшолмайдилар. Ўзларини ўзлари ёқиб юборадилар. Гўлаҳлар эса тинмай ўтин етказиб туришлари керак. Ҳаммаси шу асосга қурилган.

Партия мактабида бир маҳаллар қадим таълимотлар тўғрисида қулоғига бир нималар чалинганлиги боис мана шуларнинг ҳаммаси устида бош қотираркан, унинг кўнглидан кечган нарсаларни сира назардан қочирмайдиган хотини билан ёнма-ён ўтираркан, ўртада қизиб бораётган суҳбат асносида ёнидагиларнинг гапларини бош қимирлатиб маъқуллар ва тасдиқларкан, Тансиқбоев юрагининг тубида инсон қанчалар ғаройиб яратилганлигидан завқланарди.

Мана, олайлик, у зиёфатда сара дўстларнинг даврасида шу ажиб дамларнинг кайфи, сурурини суриб ўтирибди, айни чоқда ўзи бутунлай бошқа бир нарса устида ўйламоқда. У нималарни мўлжалга олаётгани, қандай режалар миёсида пишиб етилаётганини ким тасаввурига келтира олади?! Мана, ўзи даврада тинчгина ўтирибди, лекин шу ўтиришида ёлғиз унинг иродасига боғлиқ даф қилиб бўлмас қақшатгич бир қудрат яшириниб ётибди ва ҳозирча ҳеч ким унинг нима ниятда эканлигини англаб етишга қодир эмас, бу ниятлар шунчалар махфий бир кучга эгаки, улар амалга ошган чоғда одамларни унинг қарши-сида тиз чўктиради ва у орқали Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳининг ўзи қошида ҳам чўк тушиб туришга мажбур бўладилар, шу маънода у кўплар қатори битта зина, ҳар қалай Мутлақ Ҳукмронлик Илоҳининг даҳшатли ҳайкали сари олиб чиқадиған санокли зиналардан биттаси ва шуни ҳис қилиб туришнинг ўзи ҳам унга туганмас жисмоний фароғат бағишлар, худди лаззатли таомни кўрганда ёхуд висол онлари қўшилиш лаззати яқинлашганда, одам шундай сабрсиз ва

бетоқат бўлиб қолади. Кўтарилган навбатдаги ҳар бир қадахдан унинг ҳаяжони янада ортар, бутун вужудини ширин бир жимирлаш қамраб олар, қонларини қизитар, мен эртагаёқ ўз режаларимни рўёбга чиқараман ва ҳали ҳаммасига тўла улгураман, деб ҳайқириб юбормаслик учун ўзини базўр босиб турарди.

Тансиқбоев миясида бўлажак ишнинг барча тафсилотларини пишитаркан, ўз олдига қўйган мақсадларининг ўта асосли ва фикрларининг пишиқ-пухта, минтиқли эканлигидан ич-ичидан қувонарди. Шундай бўлса ҳам, ҳали яна нимадир етишмаётгандай, ниманидир ҳали яхшилаб каллада пишитиш керакдай, қандайдир далиллар ҳали етарлича ишга солилмагандай ва етарлича мағзи чақилмагандай бўлиб туюларди.

Олайлик Қуттибоевнинг манқурт тўғрисида ёзганларини. Ахир бунинг остида нимадир яшириниб ётгандир-ку. Манқурт! Ўз онасини ўзи ўлдирган лақма манқурт! Албатта-куя, бу эски чўпчак, лекин чўпчакни ёзиб олган Қуттибоев ниманидир ахир назарда тутгандир?! Бу афсонани у бекорга қунт ва хафсала билан батафсил ёзиб олмаган чиқар, бу шунчаки бир тасодиф эмасдир-ку. Ҳа, манқурт, манқурт... Агар буни мажоз десалар, бу мажозиде нима яширинган, у нимани англатади? Энг муҳими, Қуттибоев манқурт воқеасидан ўз қўпурвчилик мақсадларида қай тарз, шаклда фойдаланмоқчи бўлган? Тансиқбоевга манқурт ҳақидаги афсонада мафкуравий жиҳатдан қандайдир шубҳали бир нима бордай туюлса-да, бироқ буни ҳали қатъий ва узил-кесил қилиб айтолмас, аниқтаниқ бўйнига қўйиш учун тўла ишонч ҳосил қилмаган эди. Бундай ҳолатда одатда бу каби афсоналарни халққа ёт деб баҳолаб ва шундан сўнг жавобгарликка тортилса, соз бўларди-я, лекин бунинг чораси қандай? Шунга келганда Тансиқбоевнинг билими етишмас эди, ўзи ҳам буни яхши тушунарди. Биронта олимга мурожаат қилинса, ёмон бўлмасди. Мана бугун ўзлари буржуа миллатчиларини фош этиб, шу ғалабани нишонлаб, ювиб зиёфатда ўтирибдилар. Ахир бу иш шундай юз бермадимми, шундай очилмадимми? Тўда аниқлангандан сўнг сафарбар қилинган бир гуруҳ олимлар бошқаларини миллатчиликда, сталинча социалистик даврни кўролмасликда ва ўтмишни улуғлаганликда айблаб чиқмадиларми. Тегирмон гулдираб кеча-кундуз ишлаб туриши учун шуларнинг ўзигина кифоя қилди, холос. Шундай бўлса ҳам, Қуттибоевнинг манқурт воқеасини бунчалар қунт ва ихлос билан ёзиб олишида нимадир яшириниб ётгандай эди. Яна бир карра ҳар бир сўз устида диққат билан мулоҳаза юритишга тўғри келади ва зигирдакина илтирадиган жойи чиқса, унда афсонани ёзиб олиш ҳам ишга тиркалади, бўйнига айб сифатида қўйилади.

Бундан ташқари Қуттибоевнинг қоғозлари орасида “Сариўзақдаги қатл” деб номланган бошқа бир Чингизхон замонларидан қолган афсона ҳам чиқиб қолди. Тансиқбоев эски замонларнинг бу афсонасига аввал унчалар эътибор қилмаган эди, мана энди бу ҳақда ўйланиб қолди. Ягар яхшилаб мағзи чақилса, унда қандайдир бир сиёсий имо-ишоралар йўқ эмасмикин.

* * *

Чингизхон кунботиш ёқларни қўлга киритиш учун Осиёнинг кўз илғамас беоён даштларидан лашкарларини эргаштириб борарди. У Сариўзақ чўллари-га етиб келиб ўз юзбошиси билан унинг ёшгина хотинини қатл этишга буюрди. Шу хотингина Чингизхоннинг зардўзларидан бўлиб, хоннинг комидан ўт сочган аждаҳолар сурати тикилган нусратли ипак туғларини тикарди...

Бу чоғларга келиб Чингизхон Осиёнинг кўп ерларини босиб олган, ўғиллари, набиралари ва лашкарбошиларига улус қилиб бўлиб берган эди. Энди навбат Итил орти ерларга, Европага келган эди.

Сариўзақ даштларида куз ҳавоси кезарди. Кетма-кет ёққан ёмғирлардан сўнг ёз бўйи қуриб қолган кичкина қўлчалар ва сойлар чучук сувларга тўлиб, сафарда энди отлар ташналикдан қийналмас эди. Дашт лашкари жадал йўл босарди. Сариўзақ чўллари йўлнинг энг оғир қисми ҳисобланарди.

Уч бўлак лашкар — ҳар бири ўн минг аскардан иборат уч туман чап ва ўнг қанотларини кенг ёйиб қўшин олдида борарди. Туманларнинг куч-қудратини

шундан ҳам билса бўлардики, худди ер юзини оламшумул ёнғин қоплагандай чўл осмонини узоқ-узоқларгача неча-неча чақиримлаб уфқларни чанг-тўзон худди тунундай қоплаб ётарди. Яна икки туман заҳирадаги йилқилари, ўғрук, кўч-кўронлари ва кунда сўйиладиган мол-ҳўкизлари, қўй-қўзилари билан орқадан келар — у томонда ҳам кўк юзига беҳисоб чанг-тўзон ўрларди. Яна булардан ташқари жанговар қисмлар ҳам бўлиб, бу ердан анча олисда жойлашганликлари учун уларни кўриб бўлмасди. Уларга етиш учун бир неча кун от чоптириб боришга тўғри келарди — улар қўшиннинг сўл ва ўнг қанотлари бўлиб, ҳар бир қанотда учтадан туман бор эди. Қанотдаги қўшинлар Итил сари мустақил ҳаракат қилардилар. Совуқ қиш тушгунча Итилга чиқиб, у ерда хон қароргоҳида ўн битта туман бошлиқларининг машварат-кенгашига йиғилишлари қутиларди. Кейинги ҳаракатларнинг режа йўриқларини келишиб олиш керак эди. Сўнг муз билан қопланган Итидан ўтиб, Чингизхон ва унинг лашкарбошилари шуҳрати оламга кетган жуда бой ўлкаларга йўл оладилар, у ерларни босиб олишни қай бир аскар кечаю-кундуз орзу қилмаган дейсиз...

Қўшин шу тариқа ҳеч нарсага қарамай, ҳаялламай, вақтни бой бермай шитоб билан жадалларди. Орқада келаётган кўч-кўронда хотин-халаж ҳам бор бўлиб, ишкालнинг ҳаммаси шу ерда эди.

Чингизхоннинг ўзи арим минг қўриқчи кезегуллари ва шотир-аркон-давлати — ясовуллари қуршовида худди сузиб кетаётган орол каби мана шу улуг издиҳомнинг қоқ ўртасида борарди. Лекин унинг ўзи алоҳида — улардан бир оз илгаридан кетарди. Тўрт Томон Дунё Ҳукмдори ўз яқин-атрофини кўллаб одамлар қуршаб туришларини истамас, юриш чоғларини-ку қўяверасиз, бундай кезлар кўп гапирмай, нигоҳингни олға тикиб, фикр-хаёлингни жамлаб боришинг керак.

Хоқон ўзининг севган оти Хубани минган эди, бу от хон билан бирга дунёнинг ярмини кезиб чиққан десак, муболаға бўлмайди, у худди тез оқар сув ялтиратиб юборган миқти қайроқ тошдай эди, кўкракдор ва яғрини кудратли, оқ ёлли, думи қора, юриши бир текис ва ипакдай юмшоқ эди. Хоннинг юрғун ва чидамли бошқа икки оти эса бош сайислар етагида шоҳона эгар-жабдуқларини ярақ-юруқ қилиб салт ҳолда келарди. Хон тагидаги от терчилай бошлаган ҳамон дарҳол бошқасига минарди.

Чингизхоннинг теварагини тап тортмас, қўрқмас ботир кезегуллар ва ясовуллар қуршаган, уларнинг жони ўзларидан кўра кўпроқ Чингизхонга тегишли эди, улар бамисоли ханжар тиғидай ўтқир ва юз йигитдан бири танланган эди, уларнинг минган отлари ҳам ноёб, худди олтин ёмбилари каби сараларнинг сараси эди. Гарчи шундай бўлса-да, диққат-эътиборни ўзига энг кўп тортган нарса Чингизхоннинг баъсаёю дабдабаси эмас эди. Йўқ, бу юришда бутунлай бошқа бир нарса диққатни кўпроқ тортарди. Йўл бўйи Чингизхоннинг боши узра куёшдан унга соябон бўлиб бир парча оқ булут бирга сузиб келарди. У қайга юрса, булут ҳам шу ерга юради. Худди жуда катта чодирдай оппоқ булут хоннинг ортидан баайни тирик хилқатдай эргашарди. Ҳеч ким бунинг нималигини билмасди, илло, кўк юзида оламни кезиб юрган дайди булут озми. Ҳолбуки, бу бир каромат эди. Осмон жаҳон ҳукмдорини мана шундай тарзда алқарди. Бироқ Чингизхоннинг ўзи буни билар, булутга ўқтин-ўқтин киши билмас қараб қўяр ва борган сари ҳақиқатан ҳам, бу Осмон Тангрисининг иродаси, унинг бир ишораси эканлигига ишончи ортарди.

Бир пайтлар аллақайлардан келиб қолган бир мусофир башоратгўй шундай булут пайдо бўлишини олдиндан айтган эди. Уша чоғлар Чингизхон уни ўз ёнига олган эди. Ушанда мусофир тиз чўкиб бошини ерга урмади, оғиз кўпиртириб маддоҳлик қилмади, хонга ёқадиған башоратлардан лоф урмади. У олтин ўрдасидаги ўз тахтида ўтирган дашт ҳукмдорининг қаҳрли чехраси қарши-сида бошини тик тутиб турар, ўзи эса ориқ, эски-туски кийинган, сочлари ўсиб, пагила-пагила бўлиб аёл сочларидай елкаларига ёйилган эди. Мусофир қорачароқдан келган, боқишлари жиддий, соқоли тўрвадай осилиб кўксига тушган, чехрасидан ҳеч нарсани уқиб бўлмасди.

— Улуғ хоқон, — деб мурожаат қилди у хонга уйғур тилмоч орқали, — Олий Осмон иродаси билан сизга кўкдан ўзгача бир башорат бўлди. Сизга шунинг хабарини етказмоғим керак.

Чингизхон бу кутилмаган гапдан бир зум тек қотди. Мусофирнинг ақл-хуши жойидамикин, бундай нарсаларнинг оқибати нималар билан туташи мумкинлигини билмасмикин.

— Белги башорат деганинг нима ва сен буни қаердан биласан? — манглайи тиришиб, газабини базур босиб қизиқди ҳукмдор.

— Қаердан билишимни айтишга ҳаққим йўқ. Белгига келсак, уни айтаман — бошинг устида бир булут пайдо бўлади. У сенга эргашиб боради.

— Булут дейсанми?! — қошларини қаттиқ чимириб, ажабланиб хитоб қилди Чингизхон. Шунда ҳозир бўлиб турганлар дарҳол сергак торгдилар, хоннинг газаб отига минишини кутдилар. Қўрқиб кетган тилмочнинг лаблари гезарди. Хон қаҳрининг ўти уни ҳам куйдириб кетиши ҳеч гап эмасди.

— Балли, булут, — жавоб берди мусофир кароматгўй. — Бу сенинг ер юзидаги олий мақомингни қўллаган Юқори Осмоннинг нишони бўлмай. Бироқ сен ушбу булутни асрагайсан. Билгакс, уни йўқотиб қўйсанг, унда ўз иқтидорингдан маҳрум бўлурсан.

Олтин ўрдага оғир сукунат чўкди. Шу дамда Чингизхондан ҳар нарсани кутса бўларди. Лекин бирдан унинг кўзларида чақнаган қаҳру газаб алангаси ёниб битаёзган гулхоннинг сўнги ўтидай сўнди. Мусофирни ич-ичида нимта-нимта қилиб ташлагиси келса-да, лекин бу ваҳший истагини босди, дайди кароматгўй бу гапларни унинг иззат-нафсига тегиш учун айтмаётганлигини тушунди, мабодо, уни жазолаган тақдирда ҳам, бу хоннинг шан-шавкатига ярашмаган иш бўларди. Шунда Чингизхон ғаддор табассумини сийрак тарғил мўйлаби остига яшириб, деди:

— Борингки, Юқори Осмон сенга бу сўзларни аён қилмоқни буюрган ҳам бўлсин. Борингки, мен уларга ишондим ҳам дейлик. Лекин қани, ўзинг айт-чи, эй доно мусофир, кўк юзидаги ўз эрки ўзида бўлган булутни мен қандай ушлаб тураман? Уни қўриқлаш учун тулпор минган чавандозларимни жўнатишим керакми? Балки ҳар эҳтимолга қарши уни асов отдай тушовлаб қўйишга ҳам тўғри келар? Шамоллар измида бўлган осмондаги булутни ўзинг айт ахир, мен қандай тутиб тураман?

— Бунинг ғамини сен ўзинг ейишинг керак, — қисқа жавоб қилди мусофир.

Яна ҳамма тошдек қотди. Яна ўртага ўлик жимлик чўкди. Яна тилмочнинг лаблари кўкарди. Олтин ўрда ичра тик турганларнинг биронтаси ҳам шўрлик бахшига бошини кўтариб қарашга журъат этмади. Бечора мусофир тентаклик қилибми, ё бошқа бир тушуниб бўлмас нарса туфайлими, бошини ўлим комига суққан эди.

— Унга ҳадясини беринг, ўз йўлига кетсин, — бўғиқ сўзлади Чингизхон. Унинг бу сўзлари йиғилганларнинг кўнгилига ташнаком ерга тушган ёмғир томчиларидай таъсир қилди.

Одам ишонгиси келмайдиган ғалати бу воқеа кўп ўтмай ёддан кўтарилди. Рост, ёруғ дунёда не-не ажойиб-ғаройиб одамлар йўқ эмишми дейсиз. Кароматгўй эмиш! Лекин ўша мусофир қаровийи бир истак учун бошини ўтга тикқан экан-да, дейишлик ҳам унча адолатдан эмасдир. У бошига нима кўргиликлар тушиши мумкинлигини билмаслиги мумкин эмас эди. Ахир хоннинг чапдаст кезегуллари шу ернинг ўзидаёқ унга ташланишиб, қўлларини қайириб, асов отнинг думига боғлаб, тўнглик ва бетгачопарликнинг жазоси шу деб шармандаларча ўлдириб юборишлари ҳеч гап эмасди-ку. Шунга қарамасдан, ўша марди майдон мусофирнинг кўнглига нимадир қўл солди, нимадир илҳом берди ва у шу боис саҳроларнинг арслони, ёруғ жаҳондаги энг шафқатсиз, қаҳрли ҳукмдор қошида тиззаси қалтирамай тик туриб айтар сўзини айтди. Бу телбароқ одамнинг савдони қилиги эдими ёки ҳақиқатан ҳам, Осмон башоратими?

Югуриб ўтаётган кунлар издиҳомиди бу гаплар унутилаёзган ҳам экан. Орадан роппа-роса икки йил ўтгач, ўша парвойи фалак башоратчи кутилмаганда яна Чингизхоннинг эсига тушди.

Салтанат Фарбга юриш тайёргарлигини кўриб икки йилни ўтказди.

Кейинроқ Чингизхон мана шу икки йил салтанатни тўхтовсиз кенгайтириб бориш, бутун дунёни ўз ҳукм-ҳиккасига олиш, қанчадан-қанча ерлар ва ўлкаларни батамом бўйсундириб энг олий мақсадига эришиш, яъни, унинг енгил-

мас чавандозлари тўфон каби етиб бориши мумкин бўлган дунёнинг у чеккаси-дан бу чеккасигача қўлга киритиб, сўнг Тўрт Томон Дунё Хукмдори ҳақини қозонмоқ тадоригида ғайрат билан куч тўплаш, ҳозирлик кўриш пайти бўлганлигига ишонч ҳосил қилди. Дашт ҳукмдорининг бешафқат мақсад-аъмоли, унинг тарихий вазифасининг моҳияти мана шу мутлақ ҳукмрон бўлиш, мутлақ қудрат касб этиш ниятига бориб тақаларди ва бунда аллақандай туганмас савдойилик, ортга қайтмас қайсар, ташна истак яшириниб ётарди. Шунинг учун ҳам, унинг бутун салтанати — поёнсиз Осиёда унга тобе бўлмиш барча улуслар, унинг қаттиқ қўли остида бўйнини эккан турли-туман қабила ва уруғлар, барча шаҳарлар ва чорчаманларда яшовчи бойлару бечоралар, қўйинг-чи, ким бўлмасин ва нима билан шуғулланмасин, ҳар бир одам бу ерда ўша азал-азалдан еб тўймас, кўриб тўймас, олиб тўймас иблisonа ҳирсу ҳавасга — янгидан-янги босқинчиликлар, янгидан-янги ўлкалар ва халқларни босиб, эгаллаб олиш истагига бўйсунмишга маҳкум этилган эди. Шу сабабдан, ҳамма бир юмуш билан овора, ҳамма ягона бир мақсадга бўйсунар — ҳамма бир жон-бир тан бўлиб Чингизхоннинг ҳарбий қудратини кучайтириш, кўпайтириш, камолга етказиш пайида бўларди. Тоғу тошлардан конлар қазиб қурол-аслаҳа ясаш учун олинган барча зарур нарсалар, барча жонли, яратувчилик ишлари ҳарбий юриш эҳтиёжига, Чингизхоннинг Европага, унинг мислсиз бой-бадавлат шаҳарларига соладиган қудратли босқин ҳамласини ҳозирлашга қаратилган эди. Унда хоннинг ҳар бир аскарини мўл-кўл ўлжалар, шохлари шохларига чирмашиб кетган ям-яшил ўрмонлар ва отнинг белидан келадиган ўт-ўланлар ўсган яйлов чаманлар кутар, у ерларда қимизларнинг дарё бўлиб оқишини кўринг эди. Чингизхоннинг комидан олов сочган аждарҳолар сурати тикилган яловлари остида юришда қатнашган ҳар бир кимсани ҳукмронликнинг завқи шавқлари, лаззатли фароғатлари кутар; уларнинг ҳар бири бағрида тенгсиз лаззатни жо айлаган аёлни қучган каби, ғалаба сурурини тотажак. Улуғ хоқон ўлкаларга юриш, зафарлар қозониш, ерларни эгаллаб олишни амр этар ва амри ҳар ерда вожиб эди...

Чингизхон бениҳоя корфармо, тадбиркор ва фаросатли зот эди. Европани қўлга киритишни кўзларкан, у ҳамма ишни майда-чуйда тафсилотигача чама-лаб, ҳисоб-китоб қилиб қўйган эди. Садоқатли жосуслар, айғоқчилар, савдогарлар, зиёратчилар, жаҳонгашта дарвешлар, ишбилармон чинликлар, уйғурлар, араблар, форслар орқали у сон-саноксиз лашкарларининг юриши учун зарур жамики нарсаларни — барча энг тўғри йўллар ва кечикларни аниқлаб, билиб олган эди. У шавкатли қўшинлари борадиган ерларда яшайдиган одамларнинг урф-одатлари, дину диёнатлари ҳамда машғулотларини ҳам ўрганишни эътиборидан соқит қилмаган эди. У ёзиш-чизишни билмасди. Шунинг учун сафарда юз бериши мумкин бўлган барча нарсаларнинг фойда-зарарини назаридан ўтказиб, барини ёдида сақлашига тўғри келарди. Фақат шундай қилгандагина ишларнинг бари ўнгидан келар ва энг муҳими, қаттиқ темир тартибинтизом ўрнатилар, фақат шундай йўл тутибгина ғалаба қозонмоқ мумкин бўларди. Чингизхон зигирдаккина бўлсин, бўшангликка йўл қўймас, Европани босиб олишдек катта мақсадига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлмаслиги керак эди.

Чингизхон бу юришининг тадбир-тадориклари устида бош қотираarkan, одамзод тарихида мисли кўрилмаган бир қарорга келди — у лашкар орасида бола туғишни ман этди. Ҳамма гап шунда эдики, жанговар суворийларнинг хотин-бола-чақалари одатда қўшин ортидан кўч-кўронлари билан бирга лашкар қаерга борса, шу ерга борар, жойдан жойга кўчиб юрарди. Эски замонлардан қолган бу одатни ҳаётнинг ўзи заруратга айлантириб қўйган, зотан, тинимсиз ўзаро низо, жангу жадалларда ганимлар жойларда ҳимоясиз қолган хотин-халаж, кичик болаларни аёвсиз қиргин қилиб, кўҳна ўч олиш истаklarини қондирар эдилар. Уруғ ёки қабилаининг илдизини қуритиш учун ҳаммадан бурун ҳомиладор аёлларни ўлдирардилар. Лекин замон-замонлар ўтиб ҳаёт ўзгарди. Аввал бир-бирлари билан адоват қилиб урушиб келган қабилалар Чингизхон пайтида ягона улуғ давлат гумбазлари остида яқинлашар, бирлашар эдилар.

Ёшлик чоғларида, у замонлар ҳали Чингизхонни Темучин деб аташарди, — унинг ўзи ҳам қўшни қабилалар билан оз жанг қилмаган, ўзи ҳам қаттиқ-қаҳрли кунларни кўрган, не азобларни бошидан ўтказган, суюкли хотини Бўртэ

меркитлар босқини чоғида ўмариб олиб кетилган, чўриликнинг аламли қисматини тотган эди. Чингизхон ҳокимиятни қўлига киритгач, барча ўзаро низо-ларни шафқатсиз тарзда бостирди. У турли жанжал-можаролар давлатнинг куч-қудратини қирқиб, унга тинмай ҳалал беришини яхши англаб етган эди.

Йиллар ўтиб, хонадонларнинг бутун кўч-кўронларини эскичасига кўтариб, кўчиб юришларига аста-секин эҳтиёж ҳам қолмади. Гап шунда эдики, орқада кўч-кўронни эргаштириб лашкарга ортиқча дахмаза бўлиб, катта ҳарбу зарб-ларда ва айниқса, кутилмаган босқинлар, сув-сулукдан шитоб билан кечиб ўтиш-ларда қўлни боғлаб ҳаракатни сусайтирарди. Даштлар ҳукмдори мана шунинг учун ҳам, қўшин ортидан кўч-кўрон солиб келаётган хотин-халаж Фарб юри-шида тўла ютиб чиқилмагунча ҳомиладор бўлмасинлар деб, олий фармон бер-ган эди. Фармон юриш бошланмасдан бир ярим йил бурун муҳрланганди. Ўшанда хоқон шундай деган эди:

— Кунботар ерларни қўлга киритайлик, отларимизни тўхтатайлик ва оёқла-римизни узангидан узайлик — ана ундан сўнг кўрондаги хотинлар қанча туға-ман десалар, туғаверсинлар. Унгача кўронларда биров туғибди деган гап қуло-гимга чалинмасин...

Чингизхон урушларда енгиб чиқмоқлик учун ҳаёт ва ҳатто Худонинг ўзига қарши бориб, куфрони неъмат қилишдан тоймас, азал табиат қонуниятларини инкор этишдан чўчиб ўтирмасди. У ҳатто Худони ҳам ўзига хизмат қилдириш-ни истар, зотан, юкли бўлиш бандага Худонинг иноятидир.

На улус ва на лашкар ичидан ҳеч ким бунга қаршилиқ билдирмади, ҳеч кимса зўравонликка қарши чиқишни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмади, Чингиз-хоннинг куч-қудрати шу даражага етган эдики, барча бола туғилишига қарши чиқарилган фармонга сўзсиз бўйсунди, бинобарин, уни бажармаган кимсалар-ни омонсиз ўлим жазоси кутарди...

Чингизхон мана ўн етти кундан буён Кунботарга юриш қилиб йўл босаркан, руҳида ўзгача, мисли кўрилмаган бир ҳол сезарди. Улуғ хоқон ташқаридан қара-ганда, ҳар қачонгидай шан-шавкатига муносиб тарзда ўзини худди сокин ўтир-ган лочиндай жиддий, сипо, холис тутарди. Бироқ нечүкдир ичи-ичидан дили яйраб, қўшиқлар хиргойи қилар ва байтлар тўқирди:

Булутлар югурган кечалар
Тўйнуги беркилган чодирим
Қўриқлайди уйғоқ соқчилар
Уйқу аста мени аллалар

Ёғий келса қўзғалиб
Қайин садоқ сирғалиб
Шитир этса илғайиб
Шатта босган соқчилар!

Арзийди уларни сийласам
Мард, ботир, сотилмас соқчилар
Бошига хон кўтарган мени!

Соқчилар сергак, хушёр
Уларни сийлов даркор:

Қор ёғади бўралаб
Жала жонини таталаб
На иссиқ, совуқ демас
Қуршаб турар атрофимни
Мудрамас ҳеч соқчилар!

Ёллари тик бўрилар
Ойдинда илдам илгар
Ўраб олар сардорини
Ов пайти кўк бўрилар!
Кунботишни босармиз
Кулин кўкка сочармиз!

Арзийди уларни сийласам
Шон-шавкатли қўриқчиларим
Хоқон қилиб кўтарган мени!

Тахтим-бахтим тишида тишлаб
Ҳар балодан асрар мени қўриқчиларим...

Бу тизмаларни овоз чиқариб айтса, Чингизхонга ярашмаган бўларди — дий-диё қилиб ўтириш унинг шаънига сира тўғри келмасди. Лекин эртадан-кечгача от устида ўтириб йўл босиб унинг ўзга не чораси бор эди.

Кўнгли қувонч, хуррамликдан тошар, бунинг боиси яна шунда эдики, мана ўн етти кундан бери эртаю кеч Чингизхоннинг боши узра оқ булут кезар — у қайга борса, булут ҳам шу ёққа қўзғаларди. Башоратчининг айтган гапи ўнги-

дан келди. Ақл бовар қилмайди. Ўша дарвеш тушмагурни қилган сурлиги, бетамизлиги учун ўлдириб юбориш ҳеч гап эмас эди. Лекин толенинг ёзиғи шундай экан. Мусофир бечора омон қолди.

Юришнинг илк куниеқ, барча туманлар, кўч-кўронлар ва подалар эрта кўкламнинг айқирган қора дарёлари каби бутун атроф тумонотни қоплаб кунботар сари жадаллар экан, Чингизхон кун ўртаси отини алмаштирди ва баногоҳ кўкка кўзи тушди, лекин оҳиста сузиб юрган, балки унинг нақ боши узра муаллақ қолган оқ булутга эътибор бермади — дунёда осмон бетиде сузиб юрган дайди булутлар озми.

У ўзидан андак нарироқ тегра олган кезегуллари ва ясовуллари ўртасиде эгарде ўтирганча чор атрофга разм солиб, ўз хаёли ўзи билан бўлиб, бутун дунёни ишғол этиш учун интизом ва шиддат билан бораётган неча минглаб лашкарларига кўз югуртирарди. Ҳа, уларнинг бари ёлғиз унинг иродасига бўйсундилар, амру фармонларини жон куйдириб адо этадилар ва шу билан бирга ҳаммалари юракларининг туб-тубларида худди унинг каби ҳукмдор бўлмоқликни орзу қиладилар. Бир қарашда уларнинг бари одам-подамга ҳам ўхшамайдилар. Балки баайни унинг жиловни маҳкам қисимлаб бораётган бармоқлари каби эдилар.

Чингизхон яна кўк бетига назар солди ва яна ўша оқ булутни боши узра кўриб, яна бунга парво қилиб ўтирмади. Дунёни забт этиш фикрига мубтало бўлган бу зот нега осмондаги булут ердаги суворий қайга юрса, шу томонга эргашиб бораётганлиги устида йўқ, ўйлаб ҳам ўтирмади. Ердаги суворий билан тепадаги булутнинг бир-бирларига қандай алоқаси бўлиши мумкин дейсиз?

Сафардаги сон-саноксиз лашкар ичиде бирон кимса бу бир парча булутга кўз солмади, ҳеч кимнинг у билан иши-хуши ҳам йўқ эди. Ҳеч ким куппакундуз куниеқ мўъжиза рўй берганлигини ҳам фаҳмламади. Оёқнинг тагига қараб юриш талаб этилган бир пайтда тубсиз кўк юзига кўз тикиб ўтиришнинг не маъноси бўлсин. Лашкар мўрмалахдек йўл босар, жарлар, ўрлар, адир-тепаликлардан ғилдираклар ва туёқлар остидан чанг-тўзон кўтариб ўтиб борар, не не масофалар, маконлар, балки энди абадул абадга буткул ортда қолиб кетарди. Буларнинг бари хоннинг хоҳиш-иродаси билан рўй берар, неча-неча минглаб одамлар шон-шавкат, давлатдорлик, ҳукм суриш, ўзга ерларни эгаллаш иштиёқиде ёнган зотга маҳлиё бўлиб, унинг ҳукм-ҳикасидан илҳомланиб, бахтиёр бўлиб, ҳар нарсага ҳозире нозир ҳолда йўл қатъ айлардилар.

Лашкар издиҳомлари шундай борар ва кеч туша бошлаган эди. Қўшин қоронғу тушган ерда тўхтар, тун ҳозирлигини кўрар, тонг отиши билан яна йўлга отларди.

Хон ва унинг ўрдаси учун хизматкорлар олдиндан саройга муносиб чодирлар тортар эдилар. Чодирларнинг оқ қуббалари олис-олислардан кўзга ташланиб турар эди. Шундоқ хон ўрдасига кираверишда Чингизхоннинг байроғи шамолда ҳилпирарди. Четларига қизил ҳошия тутилган байроқнинг қора матоси узра ипак ва тилла иплардан тикилган алвон рангли аждаҳо ўт-олов пуркарди. Сара паҳлавон, тунд кезегуллар кўзларини йўлдан узмай ҳукмдорни кўриқлаб шахд-шиддат билан сафланардилар. Ҳаммалари худди мана шу ерда кечлик егулик қилишлари керак эди. Худди шу ерда Чингизхон таомдан сўнг сафарнинг биринчи куниеқ натижалари ҳамда эртанинг йўриқларини кенгашдан ўтказиш учун қўшинларнинг нўёнларини чорлаган эди. Чингизхон сафарнинг қутли бошланганидан мамнун эди. Шу кеча у нўёнлари шарафига зиёфат беришликни кўзлар, уларнинг машваратларини тинглаб, ўзи ҳам зарур йўл-йўриқлар, амру фармойишлар бериш ниятида эди. У нима демасин, ҳамма, ҳар ким сўзларини жон-дилдан тинглайди, қулоғига исирға қилиб тақиб олади, ҳа, Оламининг Тўрт Томони унга қулоқ тутаети, тез орада ёруғ жаҳоннинг бари унга тобе бўлади, шунинг учун у лашкар тортиб борапти, оламини ўз амру фармониға бўйсундирапти. Амру фармон эса боқий қудратнинг белгиси.

Бироқ Чингизхон зиёфат қилиш фикридан қайтди. Паришон кўнгли ҳаловат тиларди. Негаки...

Чингизхон қўналға манзилига яқинлашиб келаркан, шу билан учинчи бора яна бир карра боши узра муаллақ оқ булутга кўзи тушди. Шунда бирдан унинг юраги орқасига тортиб кетди. Миясидан ақл бовар қилмас бир фикр ярқ этиб ўтди, у ниманидир англагандай бўлиб лол қолди ва эти муз қотиб жимирлади, кўз ўнги қоронғулашиб, ер чир айланди — у йиқилиб тушмаслик учун отининг ёлига ёпишди. У ҳеч қачон бундай ҳолга тушмаган эди, зотан, умр сурмоқ ва ҳукмронлик қилмоқ учун Кўкдан ато этилмиш оламнинг ўзгармас асоси бўлмиш қорабағир Ўтуган ерларида тик турган, ётган, қимирлаган неки бор, ҳеч бири ҳеч қачон уни лолу ҳайрон қила билмас, ҳеч нарса уни чўчитиби, хуркита олмасди; у ҳамма нарсани кўрган, бошидан кечиргандай, энди унинг шафқатсиз ақлини дунёда ҳеч нарса ҳайратга сододмас, қон тўкавериби тошдай қотган дилини ҳеч нарса шодлантира ёхуд қайғу-ғамга ботира олмайдигандай туюларди; ҳеч қачон у хоқонлик шаънини ерга уриб, юраксиз заифалар сингари от ёлига кўрқиб ёпишмаган эди. Бундай бўлиши мумкин эмас эди, бундай бўлмаслиги керак эди, чунки у бир нарсани жуда эрта англаб етган, бунга ҳам э-ҳа, не замонлар бўлди, ҳали унда бир қориндан талашиб тушган иниси, мурти энди-гина сабза урган Бектер билан сойда тутилган балиқни талашиб, аслида эса бўриларга хос ички сезги билан қисматнинг биттагина эгарига икковлари сигмасликларини англаб, уни ёй ўқи билан ўқлаган чоғларидаёқ ҳаётнинг азал тузугини бехато тўппа-тўғри бир тарзда билиб олган эди, у ҳам бўлса шуки, куч ишлатиб эзиш керак экан, куч олдида бўйсунмаган, тиз чўкмаган, ранги ўчмаган, ваҳший қудрат шиддатидан гуноҳкор одамзотни-ку ҳали қўя турайлик, — тошми, сувми, оловми, дарахтми, дарранда ё паррандами — хуллас, куллари кўкларга совурилмаганлигини ҳали ҳеч кимса кўрган эмас. Зўр зўрдан зўр чиққанда, энг ажойиб кўринган нарсаларнинг ҳам туси ўчади, арзимас бир нарсага айланиб қолади, гўзалликнинг шўрига шўрва тўкилади. Мана, шундан ана энди бира хулоса келиб чиқади: топталаётган, эзилаётган нимаики бор — бари ночор, бари ҳеч нарсага арзимайди, тиз чўккан, букилган, бош эккан нимаики мавжуд — бари раҳм-шафқатга сазовор, фақат раҳм қилгувчининг инон-ихтиёрига кўра, албатта. Дунёнинг ишлари шу асосга қурилган...

Бироқ гоҳи Ҳимолайни кезиб юргувчи дарвешлар ва дарбадар бахшилар масалу ривоятлар айтиб юрадиган Боқийлик ва Поёнсизлик мужассами бўлмиш Кўк Осмон ҳақида сўз борганда, бу бутунлай бошқача. Шундай. Ўша сира англаб бўлмас сир-синоатга тўла Кўк Осмонгина унинг ҳукмига кирмас, бўйсунмас, тутқич бермас эди. Кўк Тангри ҳузурида у ҳеч ким, ҳеч қандай қурбу қудратга эга эмас — на исён қилолар, на кўрқитар ва на унга қарши жангга отлана оларди. Ер юзидаги жамики жонзотларнинг қисмати, Ҳимолай дарвешлари айтмоқчи, оламларнинг йўл-йўриғини ўз ҳукмида сақлаган Кўк Тангрига сифиниб, сажда қилмоқдан ўзга чора йўқ эди. Шунинг учун ўлим шаробини муқаррар тоггувчи ҳар бир бандаси каби у Кўк Осмонга қурбонликлар келтириб, чин дилдан илтижолар қилиб ёлворар, раҳм-шафқатини дариг тутмай ўз ҳифзи ҳимоятида асрамоқни тилар, одамлар салтанатларини ўз қўлида маҳкам тутмоқликда мадад ўтинар ва мабодо, дайди ҳақимлар айтганларидай, чексиз коинотда худди шу замин каби оламларнинг сон-саногӣ бўлмаса, Кўк Осмондан биттагина куррасини ўзининг Чингизхонига, унинг фарзандлари ҳамда наслларига абадулабад эгалик ва ҳукмронликка топширмоқликни сўрарди. Зотан, дунёда одам болалари ўртасида ундан кўра қудратлироқ ва муносиброқ бошқа кимса бормикин ўзи; Оламнинг Тўрт Тарафига ҳукмронлик қилиш учун ундан кўра кучлироқ кишини топиб бўлмас. Кўнгил мулкининг тубсиз қаърларида у шунга қаттиқ ишонардики, Олий Кўк Тангрининг даргоҳидан илгари ҳеч ким ҳеч қачон сўрашга ботинмаган нарсани тиласам, яъни барча халқлар устидан барча замонларда ҳукмронлик қилиш ҳақини сўрасам, бунга ўзгача ҳақ-ҳуқуқим ҳам бор деб тушунади. Ахир кимдир ягона, ёлғиз ҳукмдор бўлиши ҳам керак-ку, шундай экан, бошқаларни куч ишлатиб тобе қилиб, бўйсундиришга қодир кимса ҳукмрон бўлсин. Кўк Осмон чексиз мурувват кўрсатиб, унинг бошқа мамлакатларни босиб олиши, ҳукмронликни кучайтиришига тўсқинлик қилмас, вақт ўтиб боргани сари у Кўк Осмон ўзига алоҳида бир марҳамат кўрсатаётгани, одам болаларига номаълум бўлган Осмоннинг Олий Қодир кучлари у

томонда эканлигига инон-ишончи ортарди. У ҳамма нарсага қодир эди, бўлма-са, у ўт қўйиб, кулини қўқларга совуриб, қиличдан ўтказган элларнинг барчасида ҳам унинг бошига тўхтовсиз лаънат-қарғишлар ёғдириб фарёд кўтараётганлар қанчадан-қанча; лекин ул шўрлик бечораларнинг қарғишлари унинг тобора шиддат билан ортиб бораётган кудратига, ҳаммани зир қақшатган шоншавкатига заррача таъсир қилган эмас. Аксинча, уни қанча кўп лаънатлаб қарғасалар, у Кўк Осмондан ялиниб-ёлвориб раҳм-шафқат сўраганларнинг нола-фиғонларига шунча эътибор этмасди. Бироқ шундай бўлса ҳам, баъзан-баъзан дилига оғир шубҳа ва хавотирлар ёпирилиб кирар, Осмоннинг қаҳру-ғазабига қолмасам эди, Кўк Тангрининг ғазаб ўқиға дучор бўлмасам эди, деб ўртанарди. Шундай чоқларда улуғ хон бир зум тек қотар, ўзини ўзи босар, раъиятга нафас ростлашга имкон берар, Кўк Осмоннинг одил таъна-дашномларига қулоқ тутар, ва ҳатто тавба-тазаррулар ҳам қиларди. Лекин Кўк Осмон ғазаб сочмас, ундан норози бўлаётганини билдирмас ва ундан ўз чек-чегарасиз марҳаматини асло дариг тутмас эди. Ана шунда у, худди катта қиморға бошини тиккандек, Кўк Осмон ёзиғи деб аталмиш нарсага басма-бас борар, ортик даражада таваккал қилар, Кўк Осмоннинг сабру бардоши қаергача етишини синамоқчи бўларди. Кўк Осмон ҳам чидар, тоқат этарди! Мана шундан у ҳамма нарсага қурбим етади деб хулоса чиқарарди. Йиллар ўтгани сайин у ўзини мен Кўк Осмон сийлаган ва сайлаган одамман, мен Кўк Осмоннинг ўғлиман, деб тобора қаттиқроқ ишонарди. Чўпчаклардагина бўладиган нарсаларга унинг ишонганининг сабаби бошқа ерда эди. Улуғ байрамларда от минган бахшилар халойиқ орасида юриб, уни Кўк туққан деб дoston қилганларида ва минглаб қўллар кўқларга шодон кўтарилганда — булар бари одамларнинг тубан кучшомадгўйлигидан бошқа нарса эмаслигини у яхши биларди. У ўз бошидан кечирганларига қараб шундай хулоса чиқарар эдики, Илоҳий Осмоннинг барча ишларда унга ҳомийлик қилишининг боиси фақат битта — у Кўк Тангрининг хоҳиш-иродасига жавоб берар ва унинг ҳукмини адо этар, бошқача айтганда, у — Олий Осмон иродасининг ердаги сояси эди. Осмон эса худди унинг ўзи каби фақат куч-қудратни, фақат куч-қудратнинг намoён бўлишини, фақат куч-қудрат эгасинигина тан олади, илло, у ўзини ўзи фақат шундай ярлақанган зот деб биларди...

Акс ҳолда азал-азалдан овчилик ва чорвачилик билан кун кечириб келган, камбағаллашиб қолган, оз сонли арат-қиётлар уруғидан бўлган етимча бола дунёга ҳукмдор бўлади, одамнинг ваҳимаси келадиган, ақл бовар қилмайдиган шон-шухрат чўққиларига худди лочин каби шиддат билан кўтарилади деб ким хаёлига келтирибди ва буни бошқа нима билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ахир ҳаёт шаддод етимчага нари борганда, чапдаст от ўғриси қисматини раво кўриши мумкин эди. Шундай экан, тарихда мисли кўрилмаган бундай чек-чегарасиз ҳукмронлик қаердан пайдо бўлди? Бунга фол очиб ўтиришининг ҳожати борми? Кўк Тангрининг хоҳиш-иродаси бўлмаса, тагидаги отдан ўзга ҳеч вақоси йўқ Темучиннинг боши узра комидан ўт сочган аждаҳо суврати солинган олтин ҳалли байроқлар ҳилпираб турмас, ҳеч қачон Чингизхон деб ном қозонмас ва ҳеч қачон Олтин ўрдугоҳ куббалари остида баланд тахтда ўтирмасди!..

Ҳаммаси шундай, ҳаммаси айни ҳақиқат эканлигини яна бир карра тасдиқлаб ва аён этиб, Кўк Осмоннинг Осиё хоқонига марҳаматини кўрсатароқ ҳеч бир инкор этиб бўлмас башорати зоҳир бўлди! Мана, мана ўша мўъжиза оқ булут! Унинг пайдо бўлмоғини саёқ башоратчи каромат қилган, телба-тентаклиги боис, бошидан айрилишига оз қолган эди. Бироқ унинг башорати рост чиқди! Бўлажак буюк зафарлардан дарак берароқ Кўкнинг Осмон ўғлини қўллаб, йўллаб, маъқуллаб ва марғуб кўриб юборган башорати — мана ўша оқ булут.

Сафардаги неча минглаб лашкар ичида шундай ғаройиб мўъжиза бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмас, ҳеч ким бошлари узра муаллақ оқ булутни пайқамас, ҳеч ким унинг қаердан нима учун пайдо бўлганлигини билмасди. Осмонда эркин кезган булутлар билан кимнинг не иши бор?.. Саҳройи лашкарларини дунёни қайта бир бошдан эгаллаш учун бошлаб бораётган улуғ хоқонгина оқ булутнинг не сабаб, не мақсад билан кўкда сузиб юрганлиги маъносини тушунди ва хаёлига келган фикрдан лол қолди, бундай кўз кўриб қулоқ

эшитмаган ҳодисага унинг ўзи ҳам дам ишониб, дам ишонмасди. Кўрган-кузатганларини бировга айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмас — ўй-хаёлига оғир шубҳалар ораларди. Бу сирни кўнгил очиб бировга айтса, оқ булут кейин кўз очиб юмгунча ғойиб бўлса, унда не аҳволга тушади? Одамлар бу ақлдан озиб қолибди деб айтмайдиларми?

Кейин яна кўнгли ёришар ва бу оқ булут осмонга менинг тепамга бекорга чиқмаган ва ўз-ўзидан йўқолиб ҳам кетмайди, ахир Кўк томонидан бир башорат каби юборилган деб ишонар, шунда уни яна шод-хуррамлик чулғаб олар, ўзини қудратли парвозга отлангандек сезар, ақл-заковатига ишончи ортар, кунботар мамлакатларни эгаллаш учун кўшин тортиб тўғри қилдим, қилич сермаб, ўт-оловдан ўтказиб бутун дунё салтанатини қураман деб, кўнглидаги аҳдини янада қаттиқ мустаҳкамларди. Шу ният, ўй-хаёл билан йўл босарди. Ҳукмдорликнинг ҳеч қачон тўймайдиган ҳирси эди бу. Қанча кўп эгалик қилса, яна кўпроқ-кўпроқ бўлишини хоҳларди...

Юриш давом этар, кунлар оқиб ўтарди. Оқ булут юксакда оҳиста маром билан ҳеч қаяққа оғишмай Хуба деб аталган оқ ёлли, думи қора, довруқли йўрғасида адл ўтирган Чингизхоннинг кўз ўнгида сузиб бумарди.

Синчилар Хуба каби от минг йилда бир марта ўзгача юлдуз остида туғилади дейдилар. У чин йўрға эди, қичаганда қушдек учадиган тулпор эмас, ҳориш нималигини билмайдиган мислсиз йўрға эди. Хуба тўхтамай ёғадиган жала каби ерни алангали нафаси билан тўлдириб, тинмай бир зайлда шитоб билан йўрғаларди. Мабодо жиловини тортмасангиз, бундай от қайноқ ижтиҳод ичида охириги нафасигача жадаллаб кетаверади. Ва узоқ тўхтамай ёғган ёмғир томчиси каби ерга сингиб кетади. Кўҳна бир бахши айтган экан: бундай от минган одам энди ўлмайман дейди...

Чингизхон мамнун ва бахтиёр эди. Танаси мислсиз қувватга тўлиб бораётгандай юраги ичига сиғмас, ҳаракат қилсам, мақсадга етсам дер, худди ўзи чарчамас йўрғадай, худди тўхтамай бир маромда чопиб ҳаволайдигандай, худди дарёлар қўшилгандай бутун вужуди, бутун нафаси учиб бораётган отнинг кўпириб тошган қонига қўшилиб, қуйилиб кетаётгандай эди.

Ҳа, от ҳам, от эгаси ҳам бир-бирларига муносиб эдилар, куч — кучга жўр бўларди. Шунинг учун суворийнинг эгарда ўтириши баайни лочиннинг қояда ўтиришини эслатарди. От устида миқти ўтирган яғриндор, юзлари шамолларда курч пишган чавандознинг оёқлари узангига мағрур ишонч билан ўрнашган эди. У отда бамисоли тахтда ўтиргандай, бошини баланд кўтариб, қийиқ кўзли, икки ёноғи туртиб чиққан юзида тош-метин вазминлик муҳрланиб қолгандай бўлиб адл ўтирарди. Сон-саноксиз аскарларини шон-шараф ва ғалабалар сари етаклаб бораётган улуг ҳоқондан атрофга куч ва ирода ёйиларди...

Чингизхон тўлиб-тошиб турар ва бунинг боиси унинг боши узра сузаётган оқ булут эди, худди тимсол каби, худди буюк қисматнинг тожи каби. Шу маънода ҳаммаси бир-бирига мувофиқ, бир-бирига уйғун эди. Булут... Осмон... Илғорда, қўшинлар олдида байроқдорнинг қўлида сафар ялови ҳилпирар, ҳаммаша Чингизхон қаерда бўлса, ялов ҳам шу ерда эди. Туғ кўтарганлар уч киши, уч байроқдор бўлиб, улар ўзларига ишониб топширилган фахрли вазифадан мағрур ва ўктам эдилар. Уччала байроқдор ҳам худди атай танлангандай бир турли қора от минган эдилар. Ўртада — туғбардор, икки ёнида қуроли жангга шай найзабардорлар. Ипак ва зардан тикилган қора байроқ хоқон бораётган томонни кўрсатиб, шамолда парпирар, комидан ўт-олов пуркаётган аждар эса худди тирикка ўхшарди. Аждар худди хужумга отилиб бораётгандай қилиб тасвирланганди. Унинг ҳамма нарсани кўрадиган, қон тўлган, худди нор туяники сингари дарғазаб кўзлари мато билан сакрар, вариллар, бамисоли чиндан ҳам, жон битганга ўхшарди...

Чарчаш нималигини билмайдиган хоқон эрталабдан от устида ўтириб қўшинларини бошқарарди. Унинг қошига ҳар томондан хабарлар олиб нўёнлар келар, хоқондан кўрсатмалар олиб яна зудлик билан лашқарга қайтардилар. Шошилмоқ керак эди, кеч кузак ёмғирлари, лойгарчиликлар бошлангунча йўлларидаги энг катта тўсиққа, улуг дарё Итил бўйларига етиб олмоқ даркор, бу ерда

қишнинг совуқлари тушишини кутиб, дарё музлагач ундан ўтадилару яна қайдасан Кунботар диёри деб йўлга тушадилар.

Юриш кеч хуфтонгача давом этди. Шом қорайиб келар, ботаётган куёшнинг қиялаган шуълаларида кечки дашт кўз илғамас олисларга ёйилиб ётарди. Уфқ бағрига чўкаётган алпон куёш нур таратган маконларда минг-минглаб суворийларнинг сафлари ҳар бири ўз чекида ҳаракат қилар, уларнинг бари кунботиш томон силжир, узоқдан улар қуюқ туман босган қора дарёларнинг оқимларини эслатардилар.

Отларнинг уззу кун эгар-жабдуқлар ва чавандозлардан эзилган, ҳорган абгор елкалари фақат тунда, қўшин қўнган чоғлардагина дам оларди.

Аммо тонг азонлаб яна қўрхоналарда довулбошлар гумбурлар — ҳўкиз терисидан тортилган улкан довуллар қўшинни яна тинмай сафарга отлантирарди. Ун минглаб одамларни уйқудан бирдан уйғотиш осон эмасди. Уйқудан уйғотувчилар бўлқо-бўл деб гайрат қилишар — довулбошларнинг вазмин даранглаган садолари бутун атрофга таралиб, барча қўр-қароргоҳларга етиб борарди.

Бу фурсат хоқон уйқудан аллақачон турган бўларди. У чамаси, барчадан илгарироқ ўрнидан турар, илк кузнинг сарин, мунаввар соатларида ўрдугоҳ атрофини кезиб юрар, фикрини бир жойга жамлар, тунда ўйлаб чиққанларини яна қайта мулоҳазадан ўтказар, зарур амру фармонлар берар ва шу билан бирга қўшинларни отлару аробаларга отлантираётган довулларнинг чорлагувчи сасларига диққат билан қулоқ тутарди. Янги кун туғилиб келар, говур-ғувур, шовқин-сурон кучаяр, ҳамма ҳаракатга кирар, тунда тўхтаган юриш қайта бошланарди.

Наққораларнинг тарақа-туруқлари тинмас, улар тонг отганини аён қилиб, қўзғалишга чорлабгина қолмай, балки ундан ҳам ортиқроқ бир нарсаларни аңлатарди. Чингизхон ўзи билан улуг юришга отланган ҳар бир кишини шундай нуқиб, ниқталаб турар, бу қаттиққўл, метин иродали ҳукмдорнинг эслатмаси бўлиб, шу тариқада у уйқудан тураётган лашкарининг миясига довулларнинг даранглари қанотида худди ёпиқ дарвозани очиб киргандек бостириб кирар, лашкарнинг хаёлини унинг ўзидан, иродасидан, ҳукмидан бўлак, ташқари нарсаларнинг эгаллаб олишига йўл қўймас эди. Уйқудаги одамлар на ўзларига ва на ўзгаларга тобе бўладилар, бинобарин, уйқу серкулфат, бемаъни ғафлат босган бир эркинликдирким, уйғониш палласи етганда, дарҳол ундан дағал шахдшиддат билан қутулмоқ лозим, уйқудан халос бўлганларни яна хизматларини ўташга тортиш, яна бўйинларига тобелик бўйинтуруғини илиш, яна ҳар томондан иш-кучга жалб қилишга тўғри келади.

Кўсу ноғораларнинг кўтослар ўкиргани янглиғ вазмин суронлари ҳар сафар олис хотираларни эслатиб, Чингизхон юрагига ғулгула солади: ўсмирлик пайтлари икки қадамгина нарида икки буқа ёввойи ўкириб, қудратли туёқлари билан тошларни шалдиратиб титиб, чанг-тўзон кўтариб, бир-бирлари билан дағдағали сўқишар эканлар, уларнинг ўкирган товушларига маст бўлиб, ўқ-ёйни қўлига олиб, мудраб турган укаси Бектерни қандай ўқлаб қўйганини ўзи ҳам билмай қолди. Ушанда оғани дарёдан тутилган балиқ ваҳидан айтишиб гижиллашиб қолган эдилар. Бектер дод солиб ўрнидан туриб кетди ва шу заҳоти яна ерга қулади, ўз қонига гарқ бўлди. Темучин эса, ҳа, у пайтларда ҳали фақат Темучин, бевақт ўлиб кетган шўрлик Есугай баҳодирнинг етимча ўғилчаси эди, ушанда Темучин ўтов олдида ётган довулбошни елкасига кўтариб, қўрққанидан тоққа қараб қочган эди. Тоғ бошида у тинмай довул қоқиб ўтираверди. Онаси Оқўлан эса пастда сочларини юмдалаб йиғлар, тинмай фарёд солар, уканг қонини тўкдинг, деб қарғарди. Кейин бошқа одамлар ҳар ёқдан чопиб келишди, ҳаммалари унга алланималар деб бақирарди, қўлларини силкитишар, лекин у ҳеч нарсани эшитмас, довул қоққани қоққан эди. Негадир ҳеч ким унга тегмади, яқинлаб келмади. Тонг отгунча у тоғ тепасида довул чалиб чиқди...

Мана энди юзлаб довулбошлар унинг жанговар чорлови, унинг шиддатли ҳайқириқлари, ёвқур, қўрқмас, шафқатсиз чақирғи каби янграйди — ва у билан бирга юришга отланганларнинг барига — тингламоқ, турмоқ, бажармоқ, мақсад сари жадал босмоқ дунёни эгалламоқни амр этади. Ҳа, энди улар хоқон

билан биргаликда дунёнинг энг сўнгги чеккасигача боражаклар — ахир қайлар-дадир уфқ тугаши ҳам керак-ку. Ҳа, дунёда неки қимирлаган жонзот мавжуд бўлса — эшитиш, кўриш, билишга қодир барча одамлар ва махлуқлар вужудлари титраб-қақшаганча унинг жанг ноғораларига қулоқ тутадилар. Ҳа, ҳатто яқин вақтлардан бери унинг яширин ўй-хаёлларига гувоҳ бўлиб келаётган оқ булут ҳам, бошқа ҳеч ёққа оғишмай, кўс-ноғораларнинг тонгги қалдиروқларини тинглаганча оҳиста сузади, оҳиста кўпиреди. Асов шамол комидан олов сочар, худди тирикка ўхшаб кўринадиган аждарли салтанат яловини пар-пар дариллатади. Аждар ялов қатлари, тўлқинларида қатланиб чопади, оғзидан қип-қизил ўтлар сочади...

Бу кунлар тонгларнинг ҳавоси енгил ва сарин.

Чингизхон тунлар уйку олдидан атрофни айланиш учун чиқади. Поёнсиз, хувиллаган даштларда ҳаммаёқда гулханлар ёнар, улар яқинроқлардан пориллаб, олислардан эса живирлаб, учқунлар сочган ҳолда кўзга ташланарди. Жанговар лашкаргоҳлар ва кўронларда, йилқи ва пода ҳайдовчиларнинг кўриқхоналарида ер бағирлаб оқиш тутунлар сузар, ҳамма ушбу пайт терлаб-пишиб шўрва ичар ва тўйиб-тўйиб ҳил-ҳил пишган гўшларни ер эди. Қайнаб турган дошлардан кўтариб олинаётган йирик-йирик гўшт бўлаклари ҳуш бўй таратиб, даштнинг оч ваҳшийларини ўзига тортар, безовта қиларди. Дам унда-дам бунда қоронғулик кўйнида ваҳшийларнинг ёниб йилтираган кўзлари лип-лип кўринар, шўрлик жониворларнинг юракни ўртовчи увиллашлари эшитиларди.

Сўнг лашкар қаттиқ уйкуга толди. Фақат лашкаргоҳни айланиб юрган тунги соқчиларнинг товушлари кечаси ҳам ҳаёт ўз қатъий тартиб-интизоми билан давом этаётганлигини кўрсатарди. Аслида ўзи шундай бўлиши керак эди — ҳамма нарсанинг ўз ўрни, вазифаси бор — ҳамма нарса оқибатда ягона ва олий мақсадга — Чингизхоннинг оламини ўз тасарруфига киритишига ҳар жиҳатдан тугал-тўқис хизмат қилади. Шундай пайтлар дили сурур ва фароғатга тўлиб, ўзининг нималарга қодир эканлигини англаб етар — ҳукм суришга енгил бўлмас, тузатиб бўлмас, қайтариб бўлмас ташналик, бедаво бир эҳтиёж сезадиган энг олий одам деб билар, қанча кўп ҳукмронлик ва эгалик қилса, яна шунча кўп ҳукмронлик ва эгалик қилгиси келар ва ана шунга боғлиқ ҳолда муқаррар ҳамда мутлақ бир хулоса келиб чиқар — унинг ҳукмронлигига ҳукмронлик қўшадиган ва ҳукмронлигини мустақкамлайдиган нарсаларгина мақбул ҳамда яроқли, бу ишга ярамайдиганлари эса, яшашга ҳақли эмас деб топиларди.

Шунинг учун ҳам Сарийўзақда одам қатл этилган, кўп замонлар орадан ўтиб эса бу тўғридаги ривоятни Абутолиб Қуттибоев пешанасининг шўри учун ёзиб олган эди...

Сафар кечаларидан бирида отлиқ соқчи тунқаторлар ўнг қўл туман кўшинлар қароргоҳларини кузатиб юришарди. Жанговар лашкар кўнган ердан ташқарида ўғруқ — турли кўронлар, подачилар ва ўзга юмушчиларнинг манзилгоҳлари жойлашган эди. Соқчи тунқаторлар бу ерларни ҳам кўздан кечириб чиқишди. Ҳаммаси тинч, жойида эди. Кун бўйи йўл босиб қаттиқ ҳориган одамлар ўтовлар, чодирлар ва ҳатто кўпчилик очиқ ҳавода, пилпиллаб ёнаётган гулханлар атрофида тонг қотиб ухлардилар. Атроф жим-жит, барча чодирлар ва ўтовлар ичи қоронғу эди. Тунқаторлар ишларини охираб бўлаётган эдилар. Уч киши эди — тунги соқчилар. Улар отларининг жиловларини тортиб, нималарнидир сўйлашиб қолдилар. Улар ичида каттаси — юзбоши қалпоғини кийган азамат гавдали отлиқ — овозини баланд кўтармай буюрди:

— Ҳўб, бўлди ҳисоб. Сизлар бориб бир оз мизғиб олинг. Мен бу ерни яна бир пас айланаман.

Икки соқчи отлиқ отларини буриб кетишди. Анави қолган киши — юзбоши дастлаб атрофга диққат-эътибор қилиб қаради, қулоқ тутиб турди, кейин пастга тушиб отини етаклаб олди-да, кўч-кўронлар қатор-қатор жойлашган, сафар устахоналари, косиблар, тикувчилар, қуролсозлар қаторларини оралаб ўтиб, кўроннинг энг четдаги ёлғиз ўтовга йўл олди. У ўй-хаёлга толганча бошини қуйи эгиб тевааракдан келаётган турли товушларга қулоқ тутиб бораркан, Кўк

тоқидан қуюлган ой нури унинг йирик юзини ёритар, ортидан вазмин эргашиб келаётган отнинг катта-катта кўзларида ярқираб шуълаланарди.

Юзбоши Эрдене ўтовга яқинлашиб қолди, бу ерда афтидан, уни кутишаётган эди. Бошига елкалари аралаш рўмол ташлаган бир аёл ўтовдан чиқиб, останада кутиб турди.

— Самбайну, — овозини паст қилиб аёл билан саломлашди юзбоши. — Хўш, нималар бўляпти? — сўради у хавотирланиб.

— Ҳаммаси жойида, ҳаммаси яхши ўтди, Худога шукур. Бўлди, энди кўрқма, — шипшиди аёл. — У сени кўзи тўрт бўлиб кутяпти. Эшитдингми, кўзи тўрт бўлиб.

— Ўзим ҳам зўрға чидадим! — жавоб қилди юзбоши Эрдене. — Аксига олиб нўёнимиз уордаги отларни санаб чиқишни буюрди. Уч кун ҳеч иложи бўлмади, келолмадим, уюрларда юрдим.

— Вой, ўзингни ўртайверма, Эрдене. Бунақа пайтда сен нима ҳам қилардинг бу ерда? Одамларнинг кўзига ташланмаганинг тузук. — Хотин таскин бергандай бошини чайқади-да, кўшиб кўйди: — Омон-эсон оппон-саппон кўзи ёриганини айтсанг-чи. Миқ этиб овозини чиқармади, ҳаммасига чидади бола пақир. Тонг қоронғусида уни усти ёпиқ аравага жойлаштирдим. Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетди. Хўб ажойиб хотининг бор-да. Вой, мен нима қилиб турибман! — Бирдан питирлаб қолди хотин. — Қўлингга қўнган лочин сенга ҳамиша кут келтирсин! — деб алқади у. — Ўғилчанга ўзинг исм кўй.

— Дуоларинг Осмоннинг қулоғига етиб борсин, Олтун! Дўғуланг билан бирга сендан дунё тургунча қарздормиз, — миннатдорчилик билдирди юзбоши. — Исмини ҳам кўярмиз, қочиб кетмас.

У аёлга отнинг жиловини тутқазди.

— Хавотир олма, қанча вақт десанг, шунча қараб тураман, ўрганиб қолганман. — Йигитни ишонтирди Олтун. — Бор, бор, Дўғуланг сени интизор бўлиб кутяпти, жуда, жуда кутяпти.

Юзбоши нафасини ростлагандай бўлиб бир зум туриб қолди, кейин ўтовга яқинлашиб, огир наMAT тўсиқни ярим кўтариб, энгашиб ичкарига кирди. Ўтовнинг ўртасида мўъжазгина ўчоқ ёнар, ўчоқнинг ғира-шира шуълаларида тўрт томонда елкаларига савсар чопон ташлаб ўтирган Дўғулангни кўрди. У ўнг қўли билан устига жун кўрпа ташланган беланчакни оҳиста тебратиб ўтирарди.

— Эрдене! Мен бу ерданман, — деб овоз чиқарди у юзбоши ичкарига кирганлигини кўриб. — Биз бу ёқдамиз, — уялинқираб, жилмайиб гапини тўғрилади у.

Юзбоши совут, ўқ-ёй, қинли шамширини ечиб, қурол-яроқларини пойгакда қолдириб, аёлининг ёнига ўтди ва қўлини чўзди. У тиззалаб ўтирди ва уларнинг юзлари юзларига тегди. Улар бошларини бир-бирларининг елкаларига қўйиб қучоқлашдилар. Шу қўйи тек қотдилар. Олам ўтов ичида улар учун шу тариқа жам бўлди. Шу кўчма қўналгадан ташқарида нима қолган бўлса, бари ўз маъносини йўқотди. Фақат икковлон топишганлари маънога эга эди. Уларни эҳтирос ва ҳарорат билан қовуштирган ҳамда бундан уч кун бурун ёруғ дунёга келган жажжигина жон маънога эга эди.

Эрдене биринчи бўлиб сўзга оғиз очди.

— Хўш, ўзинг қалайсан? Тузукмисан? — деб сўради тез-тез ураётган юрагини базўр босиб. — Нима бўлдийкин деб кўп хавотир олдим.

— Энди ҳаммаси ўтиб кетди, — деб жавоб берди аёл хира ёруғлик ичида оҳиста жилмайиб. — Буни ўйлама. Уни сўра, ўғилчамизни сўра. Миқтигина бўлиб туғилди. Кўкрагимни қаттиқ тортиб сўради. У қуйиб қўйгандек сенга ўхшайди. Олтун ҳам, “қаранглар-а, худди ўзгинаси-я”, дейди.

— Уни менга кўрсат, Дўғуланг. Қани, бир кўрай!

Дўғуланг бир оз сурилди ва беланчак устидаги кўрпачани очишдан олдин беихтиёр қулоғини динг қилиб ташқаридаги овозларни тинглаб турди. Атроф жим-жит, сукунатга фарқ эди.

Юзбоши ухлаб ётган чақалоқнинг ҳали тархи ноаён юзида ўзига ўхшаш томонларни ўқмоқчи бўлгандай анчагача тикилиб қараб турди. Янги дунёга келган одамчага нафасини ичига ютганча термуларкан, азал ҳукми билан наслнинг оламга келишининг илоҳий маъно-моҳиятини балки умрида биринчи маротаба

англаб етаётгандай бўларди. Шунинг учун ҳам, ҳар бир сўзини мисқоллаб ўлчаб, шундай деди:

— Мана энди мен ҳамиша сен билан бирга бўламан, Дўғуланг. Бошимга нима иш тушмасин, барибир доимо сен билан бўламан. Чунки сен менга ўғил ато этдинг.

— Бирга бўламан дейсанми? Кошкийди! — алам билан хўрсинди аёл. — Болакай худди Будда каби иккинчи қиёфам демоқчисан шекилли. Уни эмизиб ўтириб мен ҳам шу тўғрида ўйладим. Уч кун бурун у йўқ эди. Мана энди қўлимда балқиб турибди. Шунда ўзимдан ўзим у сенинг дунёга янгидан келишинг бўлса керак, деб ўйланиб қолдим. Сен ҳам ҳозир шундай демоқчи эдингми?

— Шуни ўйладим. Лекин сал бошқачароқ. Мен ўзимни Буддага солиштиролмайман.

— Солиштирмаганинг ҳам яхши. Сен Будда эмассан. Сен менинг аждаримсан. Мен сени аждарга ўхшатаман, — эркалаб шивирлади Дўғуланг. — Мен хон яловларига аждарларга тикаман. Ҳеч ким билмайди. Улар ҳаммаси сенсан. Ҳамма тиккан байроқлардаги аждарларим ўзингсан. Тушларимда ҳам уни кўраман. Тушимда аждар суратини чизаман, кейин у тирилади, сен фақат кулма. Уни тушимда кучоқлайман, қўшиламан, кейин биз учамиз. Аждар мени олиб кетади. Мен у билан бирга учаман. Энг ширин пайтида мундоқ қарасам, аждар эмас, сен бўлиб чиқасан. Сен тушимда дам аждар, дам одам бўлиб қоласан. Уйғониб кетаману нимага ишонишимни билмайман. Мен сенга, Эрдене, илгари ҳам айтганман — сен менинг ўтли аждаримсан. Бу ҳазил гап эмас. Ўзи шундай. Мен сени, сенинг аждар қиёфанинг яловларга кашта қилиб тикаман. Мана энди қисмат экан, мен аждардан ўғил кўрдим.

— Сенга шу маъқул бўлса, майли, айтганингдай бўла қолсин. Лекин гапимга кулоқ сол, Дўғуланг, сенга бир нарсани айтиб қўйишим керак. — Юзбоши жим қолди. Кейин яна сўзини давом эттирди: — Мана энди фарзандлик бўлдик, бу ёғига энди нима қилишимизни ўйлашимиз керак. Ҳозир шуни гаплашиб оламиз. Олдиндан айтиб қўяй: сен буни билиб қўйганинг яхши, балки ўзинг ҳам билсанг керак, лекин барибир айтаман: мен соғинаман, доим сени соғинаман. Бир нарсадан жуда кўрқаман. Жангда бошимдан жудо бўлишдан эмас, соғинишдан айрилиб қолишимдан кўрқаман. Лашқар билан бирга дам у ёққа-дам бу ёққа от суриб борганларимда соғиниш мен билан бирга ногоҳ ҳалок бўлмаслигини истайман. Уни ўзимдан ажратиб, қандай қилиб сен билан бирга қолдирсам экан деб бошим қотади. Ҳеч иложини ахтариб тополмадим. Лекин мен соғинишим кушга ёки шунга ўхшаш бирор жонзотга, ишқилиб, қандайдир тирлик бир нимага айланиб қолишини хоҳлайман. Шунда уни сенинг қўлингга тутқизсаму: “Мана, ол, бу менинг соғинчим бўлади, майли, у ҳамиша сен билан бирга бўлсин”, деб айтишни орзу қиламан. Ана шунда мен ҳалок бўлишдан кўрқмайман. Мен мана, энди тушундим — ўғлим сенга бўлган соғинчимдан дунёга келган экан. Бундан буён у ҳамиша сен билан бирга бўлади.

— Лекин унга ҳали исм қўйганимиз йўқ. Сен унга исм топдингми? — сўради аёл.

— Топдим, — деди юзбоши. — Агар сен маъқул кўрсанг, унинг исмини Кунан деб қўямиз.

— Кунан!

— Ҳа.

— Вой, мунча яхши. Кунан! Жийрон той!

— Ҳа, уч яшар той. Отнинг энг кучга тўлган пайти. Ёллари ҳам худди бўрондай, туёқлари чақмоқдек.

Дўғуланг чақалоқ устига энгашди:

— Кулоғингни оч, отанг сенга исмингни айтади!

Шунда юзбоши Эрдене деди:

— Сенинг исминг — Кунан. Эшитяпсанми, болам? Сенинг исминг — Кунан.

Шундай бўлмай. Омин.

Ушбу дам қанчалар қимматли эканлигини ҳис қилиб, улар беихтиёр жим қолдилар. Тун сукунатга чўмган, фақат қўшни кўронда ит баногоҳ вовиллаб

қўйди ва узоқдан отнинг пишқириб кишнагани эшитилди — тун чўкканда балки от тоғлардаги юрти, асов сойлар, қуюқ лаззатли ўт-ўланлар, отлар сағрида яп-ярқираган қуёш нурларини эслаб соғиндимми?.. Исм эгаси бўлиб қолган чақалоқ эса мириқиб ухлар, унинг бегуноҳ, мурғак қисмати ҳам унинг ёнида у билан бирга уйқуда эди. Лекин у тезда чўчиб кўзини очмоққа маҳкум.

— Мен боламизнинг исми нима бўлади деб ўйлаганимгина йўқ, — ўртадаги жимликни бузиб деди юзбоши Эрдене ва мўйловларини бақувват кафтлари билан силаб қўяркан, хўрсинди, — мен бошқа бир томонини ҳам ўйлаганман, Дўғуланг. Ўзинг биласанки, ёш гўдак билан бу ерда қолишинг мумкин эмас. Тезроқ кетиш керак бу ердан.

— Кетамизми?

— Ҳа, Дўғуланг, кетиш керак, яна қанча тез бўлса, шунча яхши.

— Мен ҳам шуни ўйлаган эдим. Лекин қаёққа, қандай кетамиз? Сен нима қиласан?

— Сенга ҳозир шуни айтмоқчи бўлиб турибман. Биз бирга кетамиз.

— Бирга кетамизми? Бунинг ҳеч иложи йўқ-ку, Эрдене!

— Бирга кетамиз, тамом. Бошқача бўлиши мумкинми?

— Бу айтаётган гапларингни ўйлаб кўрдингми? Сен ахир, ўнг қўлнинг юзбошиси бўласан-а!

— Ўйлаганман буни, қаттиқ ўйлаганман.

— Лекин хоқоннинг қўлидан қочиб қаерга борасан? Ер юзида бунақа жой йўқ. Эрдене, ҳушингни йиғиб ол!

— Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Гапимга яхшилаб қулоқ сол. Олдинлари имкон борида одамлари, бозорлари, санқиган саёқ дайдилари кўп шаҳарларда турганимизда ҳеч кимдан беркиниб ўтирмаганмиз. Ўша пайтларда сенга бекорга айтмаган эдим, Дўғуланг: бегона юртларнинг кийим-кечагини устимизга илиб, дайди саёқларми дарвешларга қўшилиб, ҳайё-ҳув деб бошқа ёқларга кетайлик деб!

— Қаёққа кетамиз, Эрдене? — алам билан деди каштачи аёл. — Эмин-эркин яшайдиган юртни биз қаердан топамиз? Худодан қочсанг, балки иложи бору лекин хоқондан қочиб қутулиб бўлармикин? Шунинг учун у пайтлар журъат қилмаган эдик. Ўзинг тушунасан-ку, лашкар ичида қайси марднинг бунга журъати етади? Кўрқиб-пусиб юрдик, сиримизни ҳеч кимга ошкор қилмадик. Сен бошинг кетишидан кўрқиб лашкардан кетолмадинг. Мен сендан, ўз бахтимдан айрилгим келмади. Мана, энди ёнимизга ёнбош қўшилди. Ўғилли бўлдик.

Шу тоб аллақандай хавотир бостириб келиб, улар жимиб қолдилар. Шунда юзбоши айтди:

— Одамлар шармандалиқдан қочади, номус-орини йўқотиб, қочади. Ишқилиб, бошимни қутқарсам бас, дейди. Биз тақдир фарзанд ато этгани учун қочишга мажбурмиз. Қочмасак, бизни бир балога гирифтор қиладилар. Асло раҳм-шафқат қилиб ўтирмайдилар. Хоқон ҳеч қачон ўз амр-фармонини бекор қилмайди. Вақт борида кетайлик, Дўғуланг, бошқа иложимиз йўқ. Бахт ва бахтсизлик битта илдиздан кўкаради. Бахтимизни тотиб кўрдик. Энди кулфатидан ҳам кўрқмайлик. Кетиш керак.

— Ҳаммасини тушуниб турибман, Эрдене, — деди оҳиста пичирлаб аёл. — Гапларинг тўғри. Фақат мен қайси бири тузук экан деб, ўйланиб турибман. Тирик қолишни ё ўлиб кетишни? Мен ўзимни айтаётганим йўқ. Сен билан шунчалар бахтлиманки, ўзимга ўзим: керак бўлса ўлимга тайёрман дейман. Фақат сендан орттирганимни ўлдиришга сира рози эмасман. Худо менга ақл берганми, бермаганми, лекин бу қўлимдан келмайди...

— Қўй, ўзингни қийнама. Яшайми, яшамайми деб бунақа қийналишнинг сира ҳожати йўқ. Ҳали туғилмаган болани қурбон қилишни истамадик. Мана, у дунёга келди. Энди уни деб яшаймиз. Яшаш учун бу ерлардан бош олиб кетамиз. Сен ҳам, мен ҳам, ўғлимиз бўлса эди деб орзу қилган эдик.

— Мен ўзимни айтмаяпман. Бошқа нарсани демоқчийдим. Менга бир нарсани айтиб беролмайсанми? Агар мени ўлдирсалар, сени ва ўғилчангни тирик қолдиришармикин?

— Қўй, ундай дема. Мени ерга урма, Дўғуланг. Гап бу ҳақда кетаётгани йўқ-ку? Ўзинг яхшимисан, ахир? Қандай ҳис қилипсан ўзингни? Йўлга чиқишга қурбинг етадими? Сен аравада Олтун билан бирга борасан, у тап-тайёр. Мен ҳар эҳтимолга қарши ён-верингизда бўламан, сизларни қўриқлаб бораман...

— Ўзинг биласан, — деб қисқа жавоб қилди каштачи аёл. — Бирга бўлсак, бас! Ёнма-ён...

Улар бошларини беланчак устида эгиб жимиб қолдилар.

— Айт-чи, — пичирлади Дўғуланг, — кўп ўтмай лашкар Ёйиқ даштларига чиқармиш, ростми? Олтун одамлардан эшитдим дейди.

— Рост. Икки кунлардан кейин етамиз. Оз қолди. Қайирларга эртагаёқ етиб борамиз. Кейин ўрмонлиқлар, бутазор, тўқайзорлар бошланади. Ундан кейин Ёйиққа чиқамиз.

— Катта, чуқур дарёми?

— Итилга етгунча энг катта дарё шу.

— Чуқурми жуда?

— Унча-мунча от сузиб кечиб ўтолмайди, айниқса, тезоқар жойларида. Дарё тармоқлари пича саёзроқ келади.

— Демак, дарё чуқур, тез оқар экан-да?

— Ойнадай текис оқади. Асов, шўх жойлари ҳам йўқ эмас. Биласан-ку, болалигим Ёйиқ даштларида ўтган. Бизнинг уруғимиз шу ерлардан. Ёйиқ барча қўшиқларимизнинг онаси. Ойдин кечаларда айтишади ўланларини.

— Эсимда, — хаёлга толиб деди каштачи аёл. — Бир сафар менга ўлан айтиб берган эдинг. Ҳалигача эсимдан чиқмайди. Севганидан айрилган қизнинг айтими эди. У ўзини Ёйиққа ташлаган эди.

— У жуда эски ўлан.

— Менинг бир орзуйим бор, Эрдене. Ипак матога кашта солиб тикмоқчи эдим: қизни сув ютиб бўлган, фақат энгил тўлқинлар атрофга жимирлаб таралади. Тезарақда ўт-ўланлар, қўшлар, капалаклар... Аммо шўрлик қиз аллақачон аламига чидолмай сувга чўкиб кетган. Каштага кимнинг кўзи тушмасин, унга қайғули дарёдан қайғули ўлан овози эшитилиб турсин.

— Яна бир кундан сўнг сен у дарёни кўрасан. Гапларимни диққат билан эшитиб ол, Дўғуланг. Эртага тунда сен тап-тайёр бўлишинг керак. Мен иккита от олиб келаман. Қандай вақт бўлмасин сен дарҳол беланчакни кўтариб чиқ. Имилласак, бўлмайди. Энди имиллайдиган вақт эмас. Мен сени шу бугуноқ бош оққан ерларга олиб кетсам деган эдим. Лекин атроф бийдай дашт. Беркиниб, яшириниб, бошни панага оладиган жой йўқ, ҳаммаёқ қафтдек текис, бунинг устига ҳозир кечалар сутдек ойдин. Даштда аравада отлиқ қўриқчилардан узоққа қочиб бўлмайди. Лекин нарида Ёйиқ атрофларида тўқайлар кўп. У ерлардан бизни ҳеч ким қидириб тополмайди...

Улар яна анчагача қисматнинг бул ажаб ўйинлари олдида нима қилиш кераклиги устида бош қотириб, дам сўйлашиб, дам жим қолишиб, кенгашиб ўтирдилар. Ҳар қалай, энди маъсум гўдак дунёга келгач, улар бир эмас, икки эмас, уч кишининг тақдирини ўйлашга мажбур эдилар. Бу орада гўдак ҳам узоқ ётмади, сал ўтмай беланчакда қимирлаб, пиқиллаб, сўнг ингалаб йиғлашга тушди. Дўғуланг болани дарҳол кўлига олди, ҳали унчалар ўрганиб кетмаганлиги учун уялиб, ийманиб, бир оз четга ўтирилди-да, болага кўкрагини тутди. Бу кўкрак юзбошига яхши таниш, ипақдек силлиқ ва оппоқ бу маммаларни у эҳтиросга тўлиб сон-саноксиз, неча бора ютоқиб ўпган, уларни алланимадандир ҳуркиб ўзини панага тортиб турган ўрдакнинг тўшига ўхшатарди. Ёри она бўлгач, энди булар ҳаммаси унинг кўзига бир бошқача бўлиб кўринди. Юзбошининг юраги тўлқинлашиб кетди, кўзи ҳайрат ва қувончдан порлади, ниманидир хаёлига келтириб, индамасдан бошини қимирлатди — кейинги кунларда қанча нарсаларни бошидан кечирди, мана, ниҳоят, табиатнинг ўзи ўлчаб қўйган фурсати етиб, бўладиган иш бўлди: ўзи энди — ота, Дўғуланг — она, ўртада — фарзанд, она шу тобда гўдагини эмизяпти... Азалдан шундай бўлиши ёзиб қўйилган. Майса майсадан кўкаради, бу табиатнинг иродаси, махлуқлардан махлуқлар дунёга келади, бу ҳам табиатнинг иродаси ва фақат одам боласининг гайир хоҳиш-истагигина бу табиийликнинг йўлига ғов бўлиши мумкин...

Гўдак она кўксини чапиллатиб эмар, ўрдакнинг бўлиқ бағридай сийналар уни тўйдиргандан тўйдирарди.

— Вой, қитигим келяпги, — деб шўх кулиб юборди Дўғуланг. — Вой, мунинг шўхлигини қаранг. Бир ёпишса, сира ажратиб бўлмайди-я, — беихтиёр худди кулгисини яширгандай бўлиб, ўз-ўзича сўзланди у. — Чиндан ҳам, худди сенинг ўзинг-а, бу Қунанбой. Катта аждарнинг боласи кичкина аждар! Ана кўзини очди! Қара, қара, Эрдене, кўзлари худди сенинг ўзинг, бурни ҳам шундай, лабларини айтмайсанми, қуйиб қўйгандай...

— Рост, ўхшайди, жуда ҳам ўхшайди, — бажонидил рози бўлди юзбоши. — Кимгадир ўхшатаман, аммо жуда-жуда ўхшайди.

— Вой, кимга ўхшатасан? — ҳайрон бўлиб сўради Дўғуланг.

— Ўзимга, ўзимга ўхшатаман-да!

— Мана, ол, ўзинг қўлингга ол. Бир парча тирик эт. Пардай енгил. Худди куён боласини қўлингга ушлагандай.

Юзбоши болани кўрқа-пуса кўлига олди. Шу тобда қудратли, залворли қўлларини қаерга қўйишни билмай, улар худди ортиқчалик қилаётгандай туюлди, у ўз кафтларини гўдакнинг ҳали жиш, мурғак вужудига қандай мослашни билмай, уни оҳиста авайлаб кўксига босди, тўғрироғи, юрагига яқин олиб келди, ҳали шу пайтгача бошидан кечирмаган эркалаш ҳиссиётига ичида ўхшашлик қидираркан, ушбу дақиқада унга эндигина аён бўлган нарсадан оғзининг таноби қочиб жилмайиб, ҳаяжонланиб, деди:

— Биласанми, Дўғуланг, бу куёнча эмас, бу кафтимдаги менинг юрагим.

Гўдак тез ухлаб қолди. Юзбошининг лашкарга қайтар вақти етган эди.

Юзбоши Эрдене ярим тунда суюкли ёри ёнидан чиқиб, кузги Сарийўзак осмонида ярқираган тўлин ойга қаради ва бирдан ўзини бутунлай ёлғиз сездди. Кетгиси келмади, яна Дўғуланг ёнига, ўғилчаси олдига киришни истади. Даштнинг тубсиз тунни бағрида янраган сирли сасларга юзбоши бир зум қулоқ тутиб турди. Тақдирнинг тақозоси билан улуғ хоқоннинг юмушларига қўшилиб, у билан бирга Кунботарга юришда қатнашиб, унинг хизматини адо этиб, яна устига-устак, бошлари хавф-хатар остида қолиши баробарида аллақандай англаб етиш қийин, мудҳиш бир сир очилаётгандай эди — изнсиз тугилган бола туфайли у исталган бир пайтда муқаррар жазога тортиб, ҳаётларини поймол этиши мумкин эди. Бундан чиқди уларни Тўрт Тараф Дунё Ҳукмдори билан боғлаб турган нарсаларда аллақандай гайритабиийлик, бундан буён ўз ҳаётлари билан сира ўнғай келтириб бўлмайдиган, бир-бирини бутунлай инкор этадиган алланималар бор экан-да, демак, шундай хулоса келиб чиқади — кетиш керак, эркин қуш бўлиб учиш керак, гўдакни қутқариш керак...

Ташқарига чиқиб у нарироқда отига қараб, унга тўрвада ем едириб турган чўри Олтунни топди.

— Ҳа, ўғилчангни қўриб хурсанд бўлдингми? — қизиқсинди Олтун.

— Ҳа, раҳмат, Олтун.

— Унга исм қўйдингми?

— Унинг исми Қунан!

— Яхши исм Қунан.

— Ҳа. Ишқилиб, Осмон рози бўлсин. Энди Олтун, бир гапни сенга кечиктирмай айтиб қўяй. Менга туғишган опамдай бўлиб қолгансан, Олтун. Дўғуланг билан боласига сени Худонинг ўзи етказди, уларга худди она ўрнидасан. Агар сен бўлмасанг, бу юришда у билан бирга бўлолмас эдик. Айрилиқ азобини тортардик. Яна ким билсин, балки Дўғуланг билан бошқа ҳеч қачон кўришмай кетармидик. Нега деганда, ким уруш чиқарса, ўзининг бошига икки қатла уруш тушади... Сендан жуда миннатдорман...

— Мен-ку тушунаман-а, — оҳиста сўйлади Олтун. — Гап нимада эканлигига ақлим етади. Сен ўзинг ҳам, Эрдене, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишларни қилиб юрасан! — Олтун бошини лиқирлатди. Кейин қўшиб қўйди: — Ишқилиб, Худодан бўлиб ҳаммаси ўтиб кетсин. Мени-ку ақлим етади-я, — давом этди у, — улуғ лашкар ичида бугун сен юзбоши бўлсанг, эрта бир кун туманбоши — нўён бўлардинг, бутун умринг иззат-икромда ўтарди. Унда сен билан манавиндай сўзларни гаплашиб ҳам ўтирмас эдик. Сен — юзбоши, мен — чўри-

ман. Гапнинг пўскаласи шу. Лекин сен бошқа йўл танладинг, юрагинг амрига кулоқ солдинг. Сенга нима ёрдамим ҳам тегарди, нари борса, отинга қараб тураман. Дўғулангнинг хизматини қиламан, унга ёрдамлашаман, ўзинг ҳам биласан. Унга жуда ўрганиб қолганман, нега десанг, Худо уни шундай гўзалликда танҳо қилиб яратган, унга менинг кўзим билан шундай қарагин. Рост, рост! Бир қултум сув билан ютгудек яхши! Лекин мен буни эмас, бошқа нарсани айтмоқчийдим. Дўғулангнинг қўли гул. Бир ўрам ип, бир парча мато ҳар ерда топилади. Аммо Дўғуланг тиккан кашта дунёда ягона. Ўзимдан қиёс қиламан. Тиккан туғларида аждарлар худди жон битгандай чопади. Юлдузлари худди кўкдагидай чарақлайди. Худо берган чевар қиз. Мен уни ташлаб кетмайман. Сизлар кетсангиз, мен ҳам сизлар билан бирга кетаман. Ёлғиз ўзи қочиб қайга боради? Бунинг устига кунни кеча кўзи ёриган.

— Мен ҳам шуни айтаман-да, Олтун. Эртага ярим тунда йўлга тайёр бўлиб туриш керак. Кетамиз. Сен Дўғуланг ва чақалоқ билан ёпиқ аравада, мен эса иккита от билан ёнларингизда бўламан. Ёйиқ томонга юрамиз. Тонг ёришгунча кўздан йироқ кетиб, бошимизни панага олсак, марра бизники. Эрталаб орқамиздан қувлаб етиб олмасалар бас. У ёғига қорамизни сира кўрсатмаймиз...

Улар жим қолдилар. Юзбоши Эрдене эгарга ўтирмасдан олдин бошини эгиб чўри Олтуннинг қуруқшаган қўлларини тутиб ўпди. Олтунни Худонинг ўзи ярлақаб уларга еткизган эди. Бу кичкинагина аёл кўп йиллар бурун Чинмочинда асир қилиб олинган, ўшандан буён Чингизхон қўшинларининг ўғруқиди чўрилик қилиб қолиб кетган эди. Бундоқ олиб қараганда, у Эрденега ҳеч ким ҳам эмас: Кунботарга юриш қилаётган Чингизхон издиҳомида дуч келган тасодифий ҳамроҳ, хизматкор. Аммо аслини олганда, ҳаёт-мамот ҳал бўлаётган дамларда ошиқ-маъшукларнинг бирдан-бир вафодор таянчи. Юзбоши фақат чўри Олтунгагина ишониш мумкинлигини яхши тушунарди. Бошқа ҳеч ким йўқ, бошқа ҳеч ким! Улуғ юришдаги ўн минглаб қурол-яроғли майдон кўрган, жангжў кишилар орасида ёлғиз шу муштипар чўри хотингина унга қайишиб, унинг ёнини олиши мумкин. Ёлғиз шу чўри хотин, бошқа ҳеч ким. Кейинчалик худди шундай бўлиб ҳам чиқди.

Ўша кунни алла-паллада ўзининг оққашқа Оқюлдуз деган отига миниб, ўғруқ, кўронлар ва қароргоҳларда уйкудаги қўшин оралаб ўтиб бораркан, юзбоши эртанги кунни ўйлаб, Худодан бегуноҳ мурғак гўдакка мадад беришни ўтинарди, зотан, ҳар бир янги туғилган чақалоқ Худонинг иродасидан мужда; ўша иродага кўра кимдир қачондир одамлар ўртасида, одамлар либосида худди Худо янглиғ пайдо бўлади ва ўшанда ҳамма инсон аслида қандай бўлишини кўради. Худо эса бу — Осмон, англаб бўлмас, муаззам Осмон. Ким туғилади, ким яшайди, кимга қандай тақдир ато этади — буни ёлғиз Осмонгина билди.

Юзбоши Эрдене от устида ўтириб, юлдузли осмонга кўзларини югуртирар, хаёлан Осмондан мадад ўтинар, дилидан тақдирнинг жавобини изларди. Аммо осмон садо бермасди. Ой тиккада, кўк тоқида ёлғиз ҳоким, унинг кумуш нурлари тун сирлари ва уйку оғушидаги Сариўзак чўлларига қуйилиб ётарди...

Эртаси тонг қоронғусида яна довулар даранглаб жамики лашкарни уйкудан туриш, қурол-аслаҳаларни тақиш, отларга миниш, сафар анжомларини аробаларга ортишга даъват этди ва яна хоқоннинг шаддод ҳукм-ҳиккасидан оёққа қалққан, жунбушга келган Чингизхоннинг дашт ўрдуси Кунботар сари йўл олди.

Юришнинг ўн еттинчи кунни эди. Сариўзак чўлларининг ўтиш энг қийин бўлган не-не машаққатли маконлари орқада қолди. Бир-икки кундан сўнг Ёйиқнинг қайир ерлари бошланади. У ёғига йўл Итил дарёсига олиб чиқади. Бу улуғ дарёнинг сувлари одамлар яшайдиган заминни икки бўлакка — Шарқ ҳамда Фарбга ажратарди.

Яна бари аввалгидай. Олдинда ўйноқлаб жавлон урган қора отларда яловбардорлар боришади. Улар ортида кезегуллар ва аёнлари қуршовида Чингизхон. Унинг тагида оқ ёлли, думи қора, суюкли оти Хуба бир маромда йўрғалайди. Хоқоннинг боши узра эса яна ўша доимий ҳамроҳи — оқ булут парчаси кўзларини гизли қувонтириб, хоқон юрагини яшириш қийин бўлган ғурур-

ифтихор билан тўлдиради, сузади. Хоқон қайга юрса, оқ булут ҳам ўша ёққа сузади. Ерда эса Чингизхоннинг саф-саф лашкарлари, ўғруқлари, кўронлари чўлнинг у чеккасидан бу чеккасигача мўрмалахдек қоплаб, одам издиҳомлари Кунботар қайдасан деб йўл босади. Кўшин суронлари узоқда гулдурос солаётган денгизни эслатади. Ушбу сон-саноксиз издиҳом, одамлар, отлар, арвалар, курол-аслаҳа, кўч-кўрон, қорамоллар селдай оқади, буларнинг бари Чингизхон куч-қудратининг тимсоли, ундан бино бўлган, унинг ниятларидан туғилган эди. Ушбу соат у эгарда ўтириб Худонинг камдан-кам бандалари хаёлга келтиришга журъат этадиган ўша-ўша — дунёга якка ўзи ҳукмронлик қилиш орзуси, осмон остидаги ягона абадий салтанат ва бу салтанатда ҳатто ўлимидан сўнг ҳам ҳукмронлик суриш ҳақида ўй ўйларди. Қандай дейсизми? Тош лавҳаларда олдиндан битилган ясоқлар орқали. Дунёни қандай идора қилиш ҳақидаги қоя тошларга ўйиб битилган амру фармонлари — ясоқлари мустаҳкам тураркан, ёруғ оламда ҳеч қачон унинг иродаси ўлмагай. Хоқон йўл қатъ айларкан, шуларни миясида пишитарди. Тошларга муҳрланган битиклар унинг учун ўлмасликнинг гарови бўлажак. Бу фикр унинг ўй-хаёлини бутунлай ўзига машғул қилиб олди ва унга тинчлик бермай қўйди. Бу иш билан шу қиш ичи Итил бўйига етиб, ўйлаган ишлари билан шуғулланишни кўнглига маҳкам тугди. То кечик пайти келгунча у олимлар, донишмандлар ва башоратчиларни чақиради-да, мангу салтанат тўғрисидаги ўз олтин ўй-хаёллари, амру фармонларини баён этади ва уларнинг бари қоя тошларга бирма-бир муҳрланади. Унинг сўзлари дунёни ағдар-тўнтар қилиб юборади ва бутун борлиқ жаҳон унинг оёқларига тиз чўкади. У ана шуларни ўйлаб юришга отланди, дунёдаги жамики нарсалар бари мана шу мақсадга хизмат қилмоғи, ва нимаики бу ишга зид бўлса, юришда ғалабага хизмат қилмаса, кули кўкка совурилмоғи, йўлдан улоқтириб ташланмоғи даркор.

Яна юрагига байт куйилиб кела бошлади:

Салтанатга олмос чўққи деб

Осмонимга ойни ўрнатай...

Балли!...

Чумоли ҳам қочиб қутулмас

Лашкарим отининг остидан

Балли!...

Тарихнинг юк тўла жилдини

Миннатдор наслар олишар

Отимнинг устидан тушириб

Кудратим қадрини англашиб...

Балли!...

Шундай тўғри келиб қолдики, худди мана шу куни чошгоҳ пайти Чингизхонга кўрондаги аёллардан бири хоннинг қаттиқ ман этганига қарамасдан туғиб қўйганлиги хабарини етказдилар. Бола туғибди — кимданлиги номаълум. Бу гапни хептегул Арасан топиб келди. Кўзлари жайноқланиб турадиган, икки юзи қип-қизил нақшин, доим ҳамма нарсани биладиган, юриб чарчамайдиган хептегул бу сафар ҳам хабарни барчадан илгари етказди. “Улуғларнинг улуғи, хоқоним, сенга бу хабарни маълум қилиш менинг вазифам, ўзинг бу борада қаттиқ огоҳлантириб қўйгансан”, — ёғ босган кўкси хириллаб ўз хабарини тугатди хептегул Арасан. У шамолда хоқон сўзларимни яхши эшитсин деб, унинг узангиси ёнида отини йўрттириб борарди.

Чингизхон даҳватан англамади, хептегулга дарҳол жавоб бермади. Ўша дамда унинг хаёли муқаддас тош битиклар билан банд эди, бостириб келаётган кўнгилхираликка дастлаб рўйхуш бермади, бундай хабар ўзига шунчалар қаттиқ таъсир қилишини кутмаган эди ва буни анчагача сира тан олгиси келмади. Чингизхон хафаланди, ранжиди, индамади, жаҳли кўзиб отини қичади, шунда унинг енгил савсар пўстинининг этаклари худди кўрқиб учган кушнинг қанот-

лари каби икки ёққа кўтарилиб парвоз қилди. Хептегул Арасан хон ёнида жадалларкан, нима қилишини билмай қийин аҳволда қолди: у хоқоннинг ёнгинасида ортиқча бир ҳаракат билан унинг газабини келтирмаслик учун дам оти жиловини тортар, дам сўз айтса, баногоҳ эшитмай қолмай деб, узанги-баузанги боришга тиришарди. У ҳукмдорнинг нега бунча узоқ жим бўлиб қолганлиги сабабини тушунмас, бунга фаросати етмасди. Бор-йўғи икки оғиз гапни айта қолса-ку, олам гулистон: уни ўлдирилсин деса, бас — ўша заҳоти аёлни ҳароми боласи билан бирга хоннинг олий фармонини бузиб бола туққани учун кўронда бўғиб ўлдириб қўя қоладилар. Баччағарни кигизга ўраб бир пастда тинчитадилар — бошқаларга ҳам ибрат бўлади — тамом-вассалом.

Бирдан хоқон елкасидан ошириб шаҳд билан сўз айтдики, хептегул ҳатто эгаридан сапчиб кўтарилиб кетди.

— Кўч-кўрондагилар бу қанжиқнинг туғишини кутиб ўтиришган эканми? Унинг иккиқат бўлганини ҳеч ким кўрмаган эканми? Ёки кўриб кўрмасликка олишганми?

Хептегул Арасан воқеанинг қандай бўлганини тушунтириш учун оғиз очган эди, сўзлари узук-юлуқ чиқди, шунда хон уни амрона тўхтатди:

— Оғзингни юм!

Бир оз вақт ўтгач, у заҳарханда қилиб сўради:

— Агар ҳеч кимнинг хотини бўлмаса, унда асли ким ўзи ўша туққан хотин, ошпазми, кирчими, молчими?

Хон туққан хотин каштачи эканлигини эшитиб, ғоятда ажабланди. Бинобарин, илгари ҳеч қачон кимдир унинг олтин байроқларини тикишини хаёлига келтирмаган экан. Худди шунингдек, у ҳеч қачон кимларнингдир унга этик ясаши, бошпана ўтовлар кўндириши ҳақида сира ўйлаб кўрмаган экан. Нимага ҳам бунга бошини қотирсин, ахир байроқлар у билан ёнма-ён — ё у келмасдан илгари унинг қўшинлари ичида ҳамма ёқда худди олдиндан ёқиладиган гулхан оловлари каби лашкаргоҳлар, селдай оқаётган суворийлар орасида, жанггоҳлар ва базмгоҳларда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди сабил? Мана, ҳозир ҳам — олдиндан яловбардорлар унга йўл очиб, отларини ўйноқлатиб, гижинглатиб бормоқдалар. У Кунботарга ўз байроқларини ўрнатиш, ўзгаларнинг туғларини улоқтириб ташлаб, поймол этиш учун юришга отланган. Ҳа, шундай бўлажак... Ҳеч ким ва ҳеч нарса унинг йўлига тўсиқ бўлолмайди... У билан бирга жаҳонни эгаллаш қасдида келаётганларнинг ҳар қандай, ҳатто энг арзимасдай туюлган интизомсизлиги дарҳол қақшатқич тарзда жазоланади, бўйсунмаганлар ўлим шарбатини тотажақлар. Жазо бўйсундириш учун қўлланади — бир кишининг кўп одамлар устидан ҳукмронлик қуроли мана шу ва у ҳеч қачон ўзгармайди.

Лекин бу воқеада ёлғиз каштачининг ўзи айбдор эмас, албатта лашкар ёки кўронда яна аллаким бор, бўлиши керак... Лекин ким у?..

Шу ондан бошлаб Чингизхон қовоғини дарғазаб уйди, буни унинг тошдай қотган юзидан, қоплонникидек кўзларининг киприк қоқмай оғир боқишидан, эгарда худди шамолга қарши бораётгандек бўлиб таранг тортилиб ўтиришидан билса бўларди. Лекин зудлик билан битириладиган зарур ишлар билан унинг қошига келишга журъат этган кимсаларнинг биронтаси хоқон қандайдир каштачи хотин билан унинг номаълум ўйнаши йўл қўйган тийиқсизлик туфайлигина эмас, балки бу воқеа унга бошқа бир аччиқ, аламли ҳодисани эслатиб юборганидан озурдадил эканлигини билмасди. Зотан бу ҳодиса унинг юрагида битмас-туганмас алам, уят, изтиробга тўла из қолдирган.

Яна ёшлик чоғлари бўлиб ўтган ўша воқеани эслаб яраси янгиланди, юраги ачишиб жизиллаб кетди. У пайтлар ҳали унинг асл исмини айтиб Темучин деб чақирардилар. У чоғлар ҳали ҳеч ким отасиз ўсган етимча Темучин Тўрт Тараф Дунё Ҳукмдори бўлади деб хаёлига ҳам келтирмасди. Ўша пайтлар унинг ўзи ҳам ҳатто бундай нарсаларни ўйлаб кўрган эмасди. Ўшанда ёшлик чоғлари у фожиа ва шармисорликка дуч келди. Ҳали болалик кунларидаёқ унга бешиккертти қилиб қўйилган навраста хотини Бўртэ келин-куёв бўлганларига ҳали бир ой ўтмай қўшни меркитлар қабиласининг босқини пайтида ўғирлаб кетилди. Кейинча уни улардан тортиб олиб келгунча неча кунлар, неча тунлар ўтди, уларни бармоқ билан санаб чиқай деса, ҳамон журъати етмайди, юраги орқаси-

га тортиб кетади... Ҳолбуки, у эндиликда сон-саноксиз лашкар тортиб, Кунбогарни ишғол этиш, дунё салтанатининг тахтида ўз номини абадул-абадга ўчмас, етиб бўлмас қилиб қолдириш, ҳаммадан шон-шухратда ўтиш... ва бари-барини нутиш учун йўл юрмоқда.

Ўша тунга ҳам қанча замонлар бўлди, қон-жон талашиб уч кун омонсиз жанг қилдилар, сўнг ифлос меркитлар жонларини ҳовучлаб тирақайлаб қоча бошладилар. Улар йилқилари, қўралари, манзилларини ташлаб пала-партиш чекиндилар. Улар даҳшатли, шафқатсиз босқинга дош беролмай сабил жонларини кутқариш учун қасос ўтидан қўрқиб қочардилар. Ушанда ўч олиш учун ичилган қасамнинг сўзлари амалга ошди. Унда шундай дейилган эди:

Аждодлардан қолган шонли юксак туғимни
 Қурбонликнинг қони билан тўлғаб бўядим
 Жанг олдидан ногоранинг терисин тортиб
 Қалдиратиб уни чалиб, суронлар солдим
 Қора ёлли тулпоримга сакраб ўтириб
 Совут-сипаримни тортиб устимга илдим
 Шамширимни кескир қилиб қўлимга тутдим
 Удит-меркит билан жанг қиламан ўлгунча...
 Меркитларни битта қўймай қириб ташлайин
 Қимирлаган жон қолмасин ғаним юртида...

Бу даҳшатли қасамёд тўла ўз уҳдасини топгач, тун қўйнида дод-фарёд кўтариб жон ҳолатда қочиб бораётган, таъқиб қилинаётганлар орасида бир усти ёпиқ арава — телеган ҳам узоқлашарди. “Бўртэ! Бўртэ! Қаердасан? Бўртэ!” — деб қичқирарди хуноби ошиб Темучин. У ўзини ҳар ёққа уриб Бўртэни қидирар, уни ҳеч қаердан тополмасди. Ниҳоят у шитоб билан қочиб бораётган телеган аравани қувиб етди. Темучиннинг одамлари арава ҳайдаётганларни бир зум ичида қириб ташладилар. Шунда Бўртэ бирдан унинг чақирқиқларига жавоб берди: “Мен бу ердан! Мен Бўртэман!” У ёпиқ аравадан пастга сакради. Темучин ўзини отдан таппа ерга отди. Улар бир-бирларининг кучоқларига ташландилар ва тун бағрида шундай яна топишдилар. Навраста хотинини соғ-саломат бағрига босган ўша дамда Темучиннинг юраги кутилмаганда ўқ теккандай сирқираб кетди. У хотинининг қайноқ, ипақдек майин бўйнида аллақандай ёт, бегона ҳид анқийганлигини сездди. Бу сассиқ ҳид кимнингдир мўйлабидан юққанга, кимдир хотинига тегинганга ўхшарди. Шунда Темучин лабларини қаттиқ тишлади ва тек қотди. Унинг атрофида жанг, олишув давом этарди, бир томон иккинчи томондан ўч олар, қийратарди...

Ўша ондан эътиборан у бошқа жангга аралашмади. Асирликдан қутулган хотинини аравага ўтказиб орқага қайтди. У ичини ўт каби ёндирган ва ит каби талаган аламини айтиб солмаслик учун ўзини қаттиқ босишга уринарди. Бари-бир кейин бир умр қийноқдан қутулмади. Хотини ўз ихтиёри билан ғанимлар қўлига асир тушмаганлигини у яхши тушунарди. Шунга қарамасдан, қандай қилиб навраста хотин асирлик уқубатларидан қутулиб қолдидикин? Ахир бошидан лоақал бир тола сочи тўқилмаган-ку? Афтидан, Бўртэ асоратда кўп қийинчиликлар кўрмаганга ўхшарди. Унинг турқи-тароватига қараган одам ҳеч кўп азоб чекибди-да, бечора, деб айта олмасди. Йўқ, кейин ҳам икковлон бу ҳақда ҳеч қачон чурқ этиб оғиз очмадилар.

Бутунлай тор-мор бўлгач, бошқа ўлкаларга ёки бориш қийин овлоқларга қочишга улгурмаган ва энди ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмайдиган оз сонли меркитлар чўпон-чўлиқ, хизматкорга айланиб қуллик бўйинтуруғини олдилар. Лекин ўшанда ҳам Темучиннинг қаҳри сўнмади, ўч олишдан тўхтамади. Буни тушуниш қийин эди. Ҳолбуки, бу пайтга келиб энди у Чингизхон бўлиб қолган эди. Қочиб улгурмаган барча меркитлар бир бошдан қириб ташланди. Улар орасида асирликда юрган Бўртэни эслайдиган бирон зот қолмади.

Кейинроқ Чингизхон яна уч маротаба уйланди. Лекин тақдирнинг зарбасидан етган ўша жароҳатни ҳеч нарса даволай олмади. Хоқон шу битмаган ёмон жароҳат билан яшарди. Бу кўҳна жароҳатдан доим қон силқиб турар, бироқ

уни ҳеч кимса билмасди. Бўртэ кейин унга тўнғичи Жўчини туғиб берди. Чингизхон калласини бир жойга қўйиб обдон ҳисоблаб чиқди — ундай олиб қараганда ҳам, бундай олиб қараганда ҳам, тўғри чиқарди. Бола унинг ўз пушти камаридан туғилган бўлиши ҳам мумкин эди, бўлмаслиги ҳам. Номальумлиги-ча қолган аллақим унинг номусини ерга уриб, шу билан бир умрга уни ҳаловатдан маҳрум этди.

Гарчи байроқ тикадиган аёл туққан боланинг отаси хоқонга ҳеч қандай дахли бўлмаса-да, ҳукмдорнинг нечукдир қони қайнаб кетди.

Баъзан одам боласи учун дунё бир зум ичида ўзгариб кетиши, ағдар-тўнтарга учраши ҳеч гап эмас. Ҳолбуки, ҳозиргина олам унга маъноли, бут ва солиқалли бўлиб туюлиб турган эди... Улуғ хоқон қалбида худди мана шундай ағдар-тўнтар ўзгариш юз берди. Теварак-атрофдаги ҳамма нарсалар хабар келгунча қандай бўлса, шундайлигича турарди. Бали, илгариде қора тўриқ отларини ўйнатиб яловбардорлар аждар байроқларини шамолда ҳилпиратиб борадилар; тагидаги содиқ оти Хуба бир текисда йўртади; ён-атрофда ва орқа томонда чопағон отларга минган аъёнлари иззат-икром сақлаб келаётир; теваракда вафодор жасур соқчилари — “ярим туман” бўлаклари — кезегуллар: бутун чўл бўйлаб то кўз илғамас уфқларга довул қўшинларнинг туманлари — жанговар кучлар ва уларнинг таянчлари — туман ўғруқлари ҳаракатда. Унинг боши устиде, мана шу одамлар издиҳомлари узра осмонда оқ булут садоқат билан сузиб боради. У сафарнинг илк кунлариданоқ Олий Осмон ҳимоятидан гувоҳлик беради.

Ҳамма нарса афтидан аввалгидай эди. Бироқ нимадир оламда ўзгарган, силжиган ва бу хоқоннинг қаҳр ўтини тобора аланга олдирадди. Демакки, кимдир унинг амрига қулоқ солмаган, демакки, ўзининг тийиқсиз ҳирсу ҳавасларини унинг буюк мақсадларидан юқорироқ қўйишга журъат этган, демакки, кимдир унинг фармониға атайдан қарши борган! Унинг сипоҳларидан кимдир жон куйдириб фидокорона хизмат қилиш ўрниға, хоқонға сўзсиз бўйсуниб, фармонбардорлик ўрниға кўпроқ тўшақда хотин билан ўйнашиб ётишни афзал билган! Яна бунинг устиға аллақандай нотавон хотин, каштачи — гўё ундан кейин байроқ тикувчи ҳеч ким қолмайдигандай? — хоқон манъ этганиға қарамай бола туғиб ўтирганини кўрмайсизми? Ҳолбуки, ўғруқлардаги бошқа барча хотинхалаж токи хоннинг изни бўлмагунча ҳомила бўладиган андомларини бутунлай беркитиб ташлаганлар!..

Хаёлида гўжғон ўйнаган бу фикрлар унинг кўз ўнгини қоронғулаштириб, худди ёввойи ўт-ўлан, худди ёввойи ўрмонзор каби тобора авж оларди; гарчи у умуман олганда, бу воқеа жуда майда, ҳатто хон алоҳида эътибор қилиб ўтиришиға арзимайдиганлигини тушуниб турса-да, бошқа амрона, қаҳрли овоз тобора жумбушға миниб, шафқатсиз жазо беришликни, хоқон амриға бўйсунмаганларни бутун қўшин олдида қаттиқ жазолаш, қатл этишни талаб қилар ва бошқа фикрларни тобора хиралаштириб, четға сурарди.

Ҳатто ўша кунни чопағон, ҳориб-чарчамас Хуба хоқон устидан уззукун тушмагач, ўзини худди юк устиға юк ортиб бораётгандай туйди, шунданмикин, доим худди камон ўқидек текис елиб бора турган чарчамас йўрға кўпириб қора терға тушди, илгари ҳеч қачон у бундай ҳолни бошидан кечирмаган эди.

Чингизхон дам урмай қаҳру ғазаб оташида йўлни давом эттирадди. Гарчи сафарға ҳеч нарса тўсқинлик қилмаётган, саҳройи лашкар издиҳоми Кунботар сари ҳеч қандай тўсиқсиз олға жилиб бораётган эса-да, бироқ хоқоннинг дунёни бўйсундиришдек улуғвор мақсадлари йўлида алланимадир рўй берган эди: унинг ўзгармас амру фармонлари чўққиларидан қандайдир кўзға кўринмас, жуда ҳам ушоқ бир тош юмалаб кетди баногоҳ. Унинг тинчлигини мана шу нарса ўғирлаган эди. Йўлда у шуни ўйлаб борди, шу уни худди тирноқ остиға кирган зирапчадек безовта қилиб, ташвишға солаётир, у фақат шунинг устида бош қотираркан, аъёнлару мулозимларидан тобора қаттиқроқ ранжирди. Қандай қилиб улар бу гапни хотин туғиб қўйгандан кейингина айтишға журъат этдилар? Аввал қаерда эдилар, қаерға қараган эдилар, бир хотин иккиқат бўлганини кўриш-билиш шунчалар қийин эканми? Мабодо олдин кўриб хабар етказганларида, унда ҳаммаси бутунлай бошқача бўларди — хотинни бўйниға уриб худди қанжиқ итдек ҳайдаб юбормас эдиларми унда? Энди нима қилиш керак?

Воқеани унга баён қилганларидан сўнг у ўғруқлар устидан турган нўённи ҳузурига чақиртирди, қаҳрини сочиб сўраб-суриштирди — қандай қилиб каштачи хотиннинг кўзи ёрмагунча буни ҳеч зот кўрмаган, билмаган, фаҳламаган, то содиқ хизматкорлар бола йиғисини эшитиб хабар қилмагунларича ҳеч кимнинг иши бўлмаган? Шундай ҳам бўлиши мумкинми? Нўён хоқоннинг бу зардали саволларига тутила-тутила жавоб берди: ки Дўғуланг деган байроқ тикувчи каштачи хотин энг чеккадаги ўзига холи ўтовда турган, иш билан жуда банд эканлигини баҳона қилиб, ҳеч ким билан борди-келди қилмаган, ўзининг алоҳида араваси, алоҳида чўриси бўлган, қачон унинг қошига хизмат юзасидан кирганларида каштачи хотин доим байроқларнинг ипак матоларига ўралиб ўтирган. Одамлар буни каштачи хотин ипак матоларга безаниб ўтиришни яхши кўрса керак, деб тушунишган. Шунинг учун унинг ҳомиладорлиги кўзга ташланмаган. Чақалоқнинг отаси ким — номаълум. Каштачи хотин ҳали сўроқ қилинмаган. Чўрининг эса ҳеч нарсадан хабари йўқ эмиш. Ана энди топиб кўринг-чи айбдорни...

Чингизхон дилгир бўлиб бу воқеа унинг олийшон диққат-эътибор кўрсатишига арзимаслигини ўйларди. Лекин ҳамон кўшинда сафар чоғида бола туғишни таъқиқлаб фармон чиқарган ва ҳамон ҳар бир кўшин бошлиги рўй берган ҳодиса ҳақида юқорига маълумот бериб турган экан, хоқон шу вазиятда ўзи чиқарган олий фармонга гаров бўлиб қолганлигини сизди. У ўз фармонини бекор қилолмасди. Жазога тортиш шарт эди...

Тун яримга оғгач, юзбоши Эрдене зудлик билан иш чиқиб қолди, туманбошининг ҳузурига боряпман деб, ташқарига чиқди. Лекин бу лашкаргоҳдан чиқиш учун бир баҳона эди, холос. Шу кеча у ўз маъшуқаси билан қочишни келишиб кўйган эди. У ҳали бари хоқонга етиб борганлиги, Дўғуланг билан биргаликда чақалоқни олиб қочиб кетолмаслигини билмасди.

Иккинчи отни худди овчи итдек жиловидан етаклаб олган юзбоши Эрдене лашкарларнинг қароргоҳларидан омон-эсон ўтиб, Дўғулангнинг ўтови қурилган ерга яқинлашаркан, ишқилиб, нўённинг тунги соқчиларига дуч келиб қолмайин-да, деб Худодан сўрарди. Нўён кўриқчилари жуда қаттиқ суриштиришади, шафқатсиз бўлишади, агар сипоҳийлардан биронтаси сутдан тайёрланган ароқ ичиб, маст бўлганини кўриб қолишса, аямай жазолашади, аравага от ўрнига кўшишади ва ўласи қилиб қамчилаб арава торттиришади...

Юзлик бўлуқини ташлаб қочишга чоғланган Эрдене шуни яхши билардики, агар қўлга тушса, унга энг қаттиқ жазо берилади — ё кигизга ўраб бўғиб ўлдирадилар, ё дорга осадилар. Агар қочишга муяссар бўлса, узоқ мамлакатлар, бошқа ўлкаларга бош олиб кета билса, жазодан омон қолиши мумкин...

Бу вақтлар чўл кечаси ойдин эди. Ҳаммаёқда қароргоҳлар, йилқилар, қаёққа қараманг, чўғлари қизарган гулханлар атрофида аскарлар ухлаб ётишарди. Бунчалар кўп одам ва юк-юмушлар орасида кимнинг қайга, нимага бораётганлиги билан ҳеч кимнинг иши-ҳуши йўқ. Юзбоши Эрдене мана шуни ҳисобга олган, толейига ёзилган бўлса, Дўғуланг билан чақалоқни ўнгариб олиб қочиб кетади...

Уста ҳунармандлар манзилига яқинлашган заҳоти у ёмон бир кори ҳол юз берганлигини сизди. Юзбоши остидан сакраб тушиб, жиловини кўлида маҳкам тутганча, отларини пана қилиб тек қотди. Ҳа, иш чатоқ эди! Энг чеккадаги ўтов олдида катта гулхан ёнар, бутун атрофни хавотирли лапанглаган шуълалари билан ёритарди. Ўнлаган отлиқ ясовуллар олов теварагида баланд овоз билан ўзаро гаплашиб туришарди. Уч ясовул эса отларидан тушиб, улар Дўғуланг билан қочишга бўлжаллаб кўйишган аравага от кўшарди. Кейин Эрдене ясовуллар Дўғуланг билан чақалоқни ўтовдан олиб чиқишганини кўрди. Олов ёғдусида Дўғуланг савсар пўстинчасида боласини бағрига босиб турар, ранги оқарган, ночор, уни қаттиқ кўрқув босган эди. Ясовуллар ундан ниманидир сўрашарди. “Жавоб бер! Айт, айт дейман сенга! Қанжиқ, жалаб!” — деган бақир-чақирлар эшитиларди. Кейин чўри Олтуннинг додлаган саси келди. Ҳа, ростдан ҳам, бу унинг овози эди. Олтун: “Мен невай?! Нега мени урасиз? Кимдан туққанини мен қаердан биламан? Чўлда бутун бўлмаган-ку бу! Тўғри, у

яқинда туғди, кўриб турибсиз. Нима, ўзингиз тушунмайсизми, бу тўққиз ой илгари бўлганини?! Хўп, мен невай қачон ким билан бўлганини? Нега мени урасиз?! Нега уни кўрқитасиз, юрагини ёриб юбордингиз-ку, ахир унинг янги кўзи ёриган, чақалоғи бор! Ахир у сизларнинг хизматингизни қилмадимми, байроқларингизни бошлаб тикиб бермадимми, сафларингиз бошида кўтариб борма-япсизми у тиккан байроқларни? Нега энди ўлдирасиз, нега, нега?!”

Шўрлик Олтун туёқ остида қолган майсадек, қўлидан нима ҳам келарди. Юзбоши Эрденининг ўзи ҳам ҳатто қаршилик кўрсатишга ботинмади, бунинг устига ўнлаб қуролланган ясовулларга қарши нима ҳам қила оларди?! Бир-иккитасини гумдон қилиб ўзи ҳам ҳалок бўлсинми? Бироқ бундан нима фойда? Ясовулларнинг одати маълум — одамга тўда бўлиб ташланишади. Ҳаммалари бирдан ёпишадилар. Ур калтак-сур калтак қилиб қон чиқармагунча қўймайдилар.

Юзбоши Эрдене ясовуллар Дўғуланг билан чақалоқни аравага ўтқазиб, чўри Олтунни ҳам улар ёнига улоқтириб, тун қўйнида аллақайгадир олиб кетаётганликларини кўриб турди.

Шу билан бари босилди. Атрофга сукунат чўкди. Манзил бўшаб ҳувиллаб қолди.

Кейин шунда олисдан итнинг акиллаши, отларнинг кишнаши, тунги манзиллардан алланечук ноаён саслар эшитилди.

Каштачи Дўғуланг ўтовни олдидаги олов ёниб бўлаёзди. Инсон азоблари, уринишлари, тортишиб-талашишларини ўз комига ютиб, осуда, сассиз нур сочган юлдузлар ҳувиллаб ётган бўшлиқ маконларга совуқ нигоҳ ташлар, гўё азал-азалдан ҳаммаси худди шундоқ бўлиши керакдек...

Бамисли туш кўраётгандек бўлиб юзбоши Эрдене бир пасда увишиб, муздек қотиб қолган қўллари билан иккинчи отнинг калласидан юганини чиқарди ва ўзининг нима қилаётганлигини англамай, отнинг оёғи остига ташлади. Сувлиқ шақирлаб ерга тушди. Эрдене нафаси қисилиб, ўзининг қисқа-қисқа ҳаво олаётган товушини эшитди, нафас олиш тобора оғирлашиб борарди. Шундай бўлса ҳам, у отнинг яғринига уриб уни ҳайдаб юборишга ўзида куч топди. Энди бу отга ҳожат қолмаган, уни ўз эркига қўйиб юбориш даркор эди. Жабдуқдан бўшалган от ўз тунги уюрини қидириб йўртганча ғойиб бўлди. Юзбоши Эрдене эса қаёққа ва нимага бораётганлигини ўзи ҳам билмай, чўлда боши оққанча кетди. Унинг садоқатли ва айрилмас оқ қашқа оти Оқюлдуз эса орқасидан жиловда оҳиста эргашарди. Юзбоши Эрдене Оқюлдуз билан кўп жанглари кўрди, лекин минг афсуски, суюкли ёри ва янги дунёга келган чақалоғини аравага ўтқазиб тақдирнинг ёвуз чангалидан олиб қочишга муяссар бўла олмади.

Эрдене худди кўр бўлиб қолгандай, оёқ остида ҳеч нарсани пайқамай юриб борарди. Унинг кўзлари жиқ ёшга тўлган, соқолларини ҳўл қилиб дувиллаб оқиб тушарди. Ойнинг осуда тўкилган нурлари унинг букилган қақди, титраган елкаларида безовта қўлкаларди... У ёруғ оламда ўз ҳолига ташлаб қўйилган, тўдасидан айрилган ёлғиз жонивор каби сандирақлаб қадам ташларди. Қўлингдан келса — яша, қўлингдан келмаса — ўлиб кет. Бошқа ҳеч қандай йўл йўқ... Энди у нима қилсин, қайга борсин? Ўлимдан бошқа чора қолмаган эди. Кўксидан чидаб бўлмас даражада нолиб оғриётган юрагига пичоқ санчиб, шу билан бу аламангез оғриқ азобидан бир йўла қутулган беҳ эди, ё бўлмаса бу ерлардан буткул бош олиб кетиб, аллақайларга қочиб даф бўлмоқ, йўқолмоқ керак эди...

Юзбоши ўзини ерга отди ва ўкириб йиғлаб, қаттиқ шағал тош ерларни қўллари билан сидириб, таталаб, тирнаб қорнида судралди, лекин ер ёрилмади, унга жой бермади. Кейин у тиззалаб ўтирди ва белидаги пичоққа қўл юборди...

Чўл сукунатга фарқ бўлган, ҳувиллаб ётар, кўк осмон юлдузлари чарақларди. Фақат вафодор от Оқюлдузгина ой нурига кўмилганча эгасининг амрини кутиб оҳиста пирқиллаб-пирқиллаб қўярди...

Ўша сахар чоғи бутун қўшин йўлга тушмасдан олдин ноғорачилар баланд тепаликка тўпланиб, лашкарни жам бўлишга чорлай бошладилар. Довулбошлар янгради. Тумонот атрофни суронли товушларга тўлдирди, ҳаволар зирил-

лади, юраклар ларзага келди, довулбошлар тобора шиддат билан гумбурларди. Хўкиз териси тортилган кўс ноғоралар худди панжара ичида қамалган ваҳший махлуқлар каби дам тарақлаб, дам гумбур-гумбур қилиб, жумбушга келар, ҳам-мани бузуқ хотин, байроқ тикувчининг қатлига чақирарди. Бу сафар чоғида туғиб қўйган хотиннинг оти Дўғуланг эканлигини кўпчилилик билмасди.

Ноғораларнинг шомоний садолари остида худди кўрикка чиққандек, отлич қўшинлар барча қурол-ярроғларини тақиб, тепа ён-атрофида юзлик-юзликларга бўлиниб, ярим ҳалқа бўлиб жойлашар, қўшинларнинг қанотларида эса ўғруқлар арава-паравалари, кўч-кўронлари ва барча хизматчи, уста-хунармандлари — ўтовчилар, қуролсозлар, от абзалчилар, тикувчилар, аёллар ва эркалар, бари энг сара мева берадиган чоғидаги ёш-яланглар. Бу ибратли жазо аввало шулар учун, шуларни кўрқитиб қўйиш ва тартиб-интизомга солиш учун уюштирилмоқда эди. Юрак бетлаб хоқон амридан тонган ҳар қандай кимса мана шундай қатл этилажак!

Довулбошлар тепалик устида этни жунжиқтириб, дилларга кўрқув ларзасини солиб, тинмай гумбурлар. Чингизхон амру иродаси билан бўлаётган бу воқеага одамларни кўниктирар ва ҳатто бу чорани маъқуллашга ундарди.

Мана, ниҳоят довулбошларнинг тинимсиз айқоҳаннос солишлари остида тепаликка олтин тахти равонда итоатсиз хавfli хотинни қатлга буюрган хоқоннинг ўзини олиб ўтишди. Шунча қийин-қистовга солсалар ҳам, аёл кимдан туққанлигини барибир айтмади. Тахти равонни сарғайган дўнг устига, қуёшнинг илк шуъаларида чулганган, чўл шамолида ҳилпираётган, ипак билан қатланган, комидан олов пурқаётган аждарли байроқлар ўртасига қўйдилар. Шиддат билан ҳужумга катилган аждар хоқоннинг буюклик тимсоли эди. Лекин каштачи ўз жонли каштасида уни эмас, тамомила бошқани назарда тутганлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Аёл ўз кучоқларида шиддаткор ва ёвқур бўлган ўз аждарини ипак билан битган эди. Мана, энди худди шунинг учун ширин жонидан жудо бўлаётганлигини ҳеч ким билмасди.

Ўша мудҳиш дақиқа яқинлашарди. Ноғоралар айни қатл пайтида унларини ўчириш учунми, аста-секин овозларини пасайтирар ва бу билан оғир сукунатни янада оғирлаштирар, бунда вақт гўё кутиш ваҳшати ичида қолиб сизилиб оқар, тирқираб тарқалар, мисоли нафаси ичига тушиб кетарди. Сал кейинроқ ноғоралар ҳаётнинг маҳв бўлиш онларини ваҳшиёна даранглаб, қулоқларни батанг қилиб, оғир, шиддатли жумбушга киради, қатлни томоша қилаётганларнинг барчасини ўзига ром этади, уларнинг ҳушини йўқотган каллаларида ваҳшиёна ўч олиш эҳтиросини кўзғатади, ажаб аччиқ ва гизли қувонч уйғотади, ахир ўзингиз кўринг, баайни уни эмас, бутунлай бошқа бир одамни осиб ўлдираяптилар-да.

Ноғоралар унлари пасайди. Барча жам бўлганлар асаблари таранг тортилиб кутишар, ҳатто суворийларнинг отлари ҳам қимирламасди. Чингизхоннинг тошдек чеҳраси тек қотган. Унинг маҳкам қимтилган лаблари, қисик кўзларининг совуқ, сўхта қарашни бамисоли илонни эслатарди.

Қатлгоҳга яқин ўтов ичидан байроқ тикувчи Дўғулангни олиб чиққанларида, ноғоралар овози ўчди. Барзанги ясовуллар унинг қўлтиқларидан тутиб, иккита от қўшилган аравага чиқардилар. Дўғуланг аравада тик турар, унинг орқасидан ёш бадқовоқ ясовул тутиб суяб турарди.

Сафларга тизилган одамлар гувиллашди, ва айниқса, хотин-халаж: э, ўша каштачи деганлари шу экан-да! Бузуқ! Эрсиз хотин! Шундай навраста ва кўҳлик экансан, биронта нўённинг иккинчи ё учинчи хотини бўлиб олсан ўларминдиг? Агар у қартайган бўлса, янаям соз. Уйнаб-қулиб, қайғу-ғам нималигини билмасдинг. Қайда! Бунинг ўрнига ошиқ-маъшук, ўйнаш бўлишиб, бола туғиб олганини қаранг, шарманда! Хоқоннинг юзига оёқ қўйиб-а! Энди жаззасини тортсин! Туянинг устида оёғи осмондан бўлиб кетади! Ҳолинг шу экан-ку, ойимча! Издиҳомнинг бу шафқатсиз суронли ҳукми довулбошлар наърасининг айни давоми эди. Хўкиз териси тортилган ноғоралар худди мана шунинг учун, яъни хоқон қаҳрига олган кимсага қарши нафрат ва ғазаб кўзғаш, ҳаммани ҳангманг қилиб қўйиш учун даранглар, сурон устига сурон солар, қулоқларни қоматга келтирарди.

— Ана чўриси чақалоқни кўтариб чиқди! Қарангларо! — қий-чув кўтаришиди юмушчи хотинлар. Ҳа, бу чиндан ҳам чўри Олтун эди. У болани латта-путталарга ўраб-чирмаб кўтариб олганди. Олтун кўзлари аланг-жаланг, қўрқиб-қалтираб барзанги ясовул қўриқчилигида арава ёнида келар, унинг қўлидаги чақалоқ гўё ўлимга ҳукм қилинган каштачи аёлнинг гуноҳкор эканлигига тирик далолатдай эди.

Уларни қатл олдидан барча йиғилганларга сазойи қилиб кўрсатиб қўрқитиб қўйиш учун олиб борардилар. Дўғуланг энди тақдирга тан берди: ҳеч қандай раҳм-шафқат, афв қилинмаслигига кўзи етди.

Уни шармандаларча ташқарига судраб олиб чиқмасларидан пича олдин у гўдакка охирги маротаба кўкрагини тутди. Шўрлик болакайгина ҳеч нарсдан хабари йўқ, ноғораларнинг оҳиста сўниб бораётган така-тумлари садосидан енгилгина мудраганча маммасини мазза қилиб чапиллатарди. Чўри Олтун шу ерда эди. У мунграниб йиғлар, қаттиқ ўкириб юбормаслик учун дам-бадам оғзини қўли билан тўсарди. Шу кўз очиб юмгунча ўтган фурсатда улар пичагина сўйлашиб олдилар.

— У қаерда? — шивирлаб сўради Дўғуланг болани шоша-пиша у кўкрагидан бу кўкрагига солиб. Ҳолбуки, у ўзи билмаган нарсани Олтун ҳам билмаслигини яхши тушунарди.

— Билмадим, — йиғи аралаш деди Олтун. — Узоқларга кетгандир бошини олиб.

— Айтганинг келсин! Айтганинг келсин! — ёлворгандай илтижо қилди Дўғуланг.

Чўри жавоб ўрнига алам билан бошини лиқирлатиб қўйди. Икки аёл ҳам бир нарсани хаёлларидан ўтказишарди: ишқилиб, юзбоши Эрдене бошини кутқариб кетган, қўл етмас жойлардан паноҳ топган бўлсин.

Ўтовдан ташқарида қадам товушлари, ғала-ғовур эшитилди:

— Олиб чиқ уларни! Оёғидан кўтариб судра!

Каштачи болани сўнгги марта бағрига босди, гўдакнинг сут ҳиди анқиган вужудини ўртаниб симирди ва сўнг қўллари қалтираб болани чўрига узатди:

— Ўлмагай ишқилиб, қараб тургайсан...

— Э қўйсанг-чи, бунга ўйлама! — ўкириб юборай деб ҳиқиллади Олтун. Кейин барибир ўзини ҳеч тутолмади. Овози борича уввос солиб алам билан йиғлади.

Ясовуллар уларни ташқарига судраб чиқардилар.

Чўл офтоби кўтарилиб қолган, уфқда осилиб турарди. Каштачи аёлнинг қатлидан сўнг сафарни давом эттиришга ҳозир турган қўшинлар ва кўронлар оша ҳаммаёқ Сариўзақ чўллари — поёнсиз текис дашт ястаниб ётарди. Баланд тепаликда хоқоннинг олтин тахти равони ярқирарди. Ўтовдан чиқаётганда Дўғуланг кўз қири билан шу тахти равонни кўришга улгурди, унда хоқоннинг ўзи етиб бўлмас Худо каби ўтирарди, тахти равон атрофида эса унинг қўллари билан тикилган олов пуркаган аждарли байроқлар чўл шамолида елпинарди. Гулдор чойшаб тагида ўтирган Чингизхонга тепадан ҳаммаси — дашт ҳам, лашкар ҳам, юмушчилар ҳам, кафтда тургандек кўринарди, осмон бағрида эса унинг нақ боши узра вафодор оқ булути оҳиста сузарди. Каштачи аёлнинг қатли қўшинни йўлдан қолдирмоқда эди. Лекин бир ишни битирмагунча иккинчисини бошлаб бўлмайдди. Бу унинг иштирокида ўтаётган биринчи ёки охирги қатл эмасди — турли-туман итоатсизликлар худди мана шундай йўл билан жазоланарди ва ҳар сафар хоқоннинг шунга ишончи ортардики, олий ҳукмдор томонидан ўрнатилган ягона тартиб-қоидага улуснинг бўйсунуши учун мана шундай очиқ жазо чораси зарур. Бинобарин, даҳшатли ўлим жазоси сенинг чекингга эмас, бошқа аллакимнинг қисматига тушганидан бир чеккаси қўрқасан, бир чеккаси суюниб ҳам қўясан пастарин бир тарзда. Буларнинг бари мудҳиш жазони зарур бир чорадай кўриб, ҳокимиятнинг бу ишини оқлашга ва ҳатто уни маъқуллашга ҳам олиб келади.

Каштачи аёлни ўтовдан олиб чиқиб сазойи қилиб айлантириш учун аравага итқитганларида, издиҳом бу сафар ҳам уяси бузилган арилардай ғувиллаб жумбушга кирди. Чингизхоннинг юзи қилт этмади. У шамолда ҳилпираган гулдор

соябон тагида, пориллаган байроқлар ўртасида, туғ оғочлари ёнида тошдай қотган кезегуллар қуршовида ўтирарди. Қатлдан кўзланган мақсад ҳам худди мана шунда эди — қимирлаган тирик жон борки, билиб қўйсин — Кунботар сари улуғ юришда заррача тўсиққа йўл қўйилмагай. Хоқон юрагининг тубида яхши англарди, янги туққан аёлни бунчалар оғир жазога тортмай, уни афв этса ҳам бўларди. Лекин бундан ҳеч қандай маъно кўрмас, зеро, ҳар қандай олижаноблик ҳамisha ёмонлик келтиради — ҳокимият заифлашади, одамлар сурбет бўлиб кетади. Йўқ, у ачинмайди, фақат бир нарсдан норози, холос — каштачи аёлнинг ўйнаши ким эканлигини бари бир аниқлаб бўлмади.

Осиб ўлдиришга маҳкума аёл эса кўкси пора-пора йиртилган, сочлари паршон тўзгиган — эрталабки қуёш нурларида тўсдек йилтираган қуюқ қора ўрамлари бўздай оқарган юзини тўсиб тўкилган ҳолда арава устида лашкар ва кўронлар сафлари олдидан ўтиб борарди. Бироқ Дўғуланг бошини эгмади, атрофга тик боқди, кўзларининг аламли чоҳи бўм-бўш эди — энди унинг ҳеч кимдан яширадиган нарсаси қолмаганди. Ҳа, мана у, эркакни ўз ҳаётидан ҳам ортиқроқ севган аёл, мана, унинг ҳароми боласи, ўйнашдан туғилган!

Аммо издиҳом билишни истар ва тинмай қичқирарди:

— Ҳой байтал, айғиринг қани? Кўрсат айғирингни!

Издиҳом ўзини ўзи кўпиртириб, жумбушга келтирар, ўзининг ҳар қандайдир тарзда айбдор эканлигини тан олгиси келмас, қизишар, тубан гуноҳни ўзидан тезроқ соқит қилиш учун бўкирарди:

— Қанжиқ осилсин! Тез осинглар! Нимасини кутамиз?

Қатлни тайёрлаганлар худди мана шуни ҳам ҳисобга олганлар чоғи. Ки бўкирган, наъра тортган оломон каштачи аёлнинг ихтиёрини синдиради. Шунда хон аъёнлари орасидан от минган, овози наърадор, кўп жанг-жадал кўрган бир нўён ажралиб чиқди-да, тавбасига таянтираш ишини ўз устига олди. У мусибатзада карвон — каштачи аёл тушган арава, унинг ёнида бораётган бола кўтарган чўрига от чоптириб яқинлашди.

— Қани, тўхтанглар, — деб шўридаларни тўхтатди ва сипоҳийлар сафларига қарата баланд овоз билан қичқирди: — Кулоқ солиб эшитинглар! Бу уятсиз ҳайвон кимдан туққанлигини айтсин! Ўйнаши ким — айтсин! Ҳей, қани айт, шу эркаклар ичида болангнинг отаси борми?

Дўғуланг, йўқ, деди. Сергак тортган оломон ичида норози сурон кўтарилди.

Арава у бўлукдан бу бўлукка ўтар, юзбошилар баланд овоз билан қичқирарди:

— Менда йўқ! Балки у бошқа ердадир!

Наърадор нўён эса каштачи аёлдан тинмай отасини кўрсат деб талаб қиларди.

Мана, яна аравани суворийлар сафи олдида тўхтатдилар ва ўша талабни такрорладилар:

— Айт, шарманда, кимдан туққансан?

Айни худди мана шу сафда юзбоши Эрдене ўзининг Оқюлдузига минганча турарди. Дўғуланг билан Эрдененинг кўзлари тўқнашди. Улар бир-бирларидан кўзларини узолмадилар. Дўғуланг пешанасига тўзғиб сочилган сочларини тузатди. Бир сесканиб тушди. Юзи бир зум ичида лов этиб ёниб, яна шу ондаёқ сўнди — лекин ҳеч ким издиҳомда буларни пайқамасди. Фақат Эрденегина бу оний лаҳзаларда Дўғуланг бошидан нималарни кечираётганлиги, у қанчалар қувонч ва алам билан тўлиб-тошиб турганлигини англарди. Ҳушёр тортиб, ўзини қўлга олган Дўғуланг наърадор нўённинг саволига қатъият билан жавоб берди:

— Йўқ, йўқ бу ерда боламнинг отаси!

Юзбоши Эрдене бошини қуйи эгди. Лекин шу заҳоти яна ўзини тутиб олди, унинг бу ҳолатини ҳеч кимса пайқагани йўқ. Узун қора чакмон кийган, энглари шимарилган уч киши ўртага икки ўркачи жуда баҳайбат туяни олиб чиқдилар. Туя шунчалар катта эдики, от минган одамнинг калласи базўр унинг қорнига етарди. Яйдоқ даштларда оғоч бўлмаганлиги учун кўчманчилар қадим замонлардан қатлнинг шундай усулини қўллар эдилар — туя ўркачи орасидан арқон ўтказиб, маҳкумларни унинг ҳар иккала томонига, агар маҳкум бир киши

бўлса, иккинчи томонга қум тўлдирилган қанор осиб, ўлдирадилар. Каштачи аёл Дўғуланг учун ҳам шундай қум тўлдирилган қоп тайёрлаб қўйилган эди.

Жаллодлар ҳайт-ҳайт деб қичқиришиб, таёқлар билан калтаклаб қутуриб бўкираётган туяни узун сержун пахмоқ оёқларини букиб чўккалашга мажбур қилдилар. Дор тайёр бўлган эди.

Ноғоралар яна такатумни бошлади. Сал ўтмай улар айюҳаннос кўтариб даранглаб одамларнинг қулоқ-мияларини танг қилиб, юракларни ларзага келтирадилар.

Шунда наърадор нўён яна бир карра — бу сафар эрмак учун бўлса керак — каштачи аёлдан сўради:

— Охирги маротаба сўрайман. Сен суюқоёқ аҳмоқ бари бир ўлиб кетасан. Болангнинг ҳам куни битган! Сени нима дейлик? Наҳотки боланг кимдан бўлганини билмасанг? Балки аҳмоқ каллангни жойига қўйиб эсларсан?

— Кимданлиги эсимда йўқ. Бунга анча бўлган. Бу ердан узоқда эдик, — жавоб берди шўрлик каштачи аёл.

Даштни эркакларнинг тўнг, хунук хахолашлари ва хотин-халажнинг кинояли чувиллашлари тутиб кетди.

Нўён эса сўрашдан қўймасди:

— Бундан чиқди, нима, бозорга солганмидинг ўзингни?

— Ҳа, бозорга солган эдим! — терс жавоб берди Дўғуланг.

— Савдогармиди ё дайди саёқмиди? Бозор ўғриси эмасмиди, ишқилиб?

— Билмадим. Савдогарми, дайдами ё бозор ўғриси, — такролади Дўғуланг.

Яна издиҳом хахолаб, қий-чув кўтарди.

— Унга нима фарқи бор. Савдогарми, дайдами, ўғрими — ишини бозорда битирса бўлди-да!

Шунда кимдир кутилмаганда сипоҳийлар орасидан овоз берди. Кимдир қаттиқ қичқириб деди:

— Менман боланинг отаси! Керакми шу сизга — менман боланинг отаси!

Издиҳом сув қуйгандай жимиб қолди. Ҳамма ҳайрон, қарахт. Ким бу? Ким у ўлимнинг сўнгги қақригига лаббай деган? Каштачи ўлим олдида ҳам очмаган сирни ким очди?

Ҳамма лол. Юлдуз қаншар отини илгари суриб юзбоши Эрдене олдинга чиқди. У Оқюлдузни ўз жойида маҳкам тутиб, узангидан кўтарилиб издиҳомга қарата баланд овоз билан ҳайқирди:

— Мана, менман! Бу менинг ўғлим! Ўғлимнинг оти Қунан! Онасининг оти Дўғуланг! Мен юзбоши Эрдене бўламан!

Шу сўзларни айтиб, ҳамманинг кўз ўнгида отдан сакраб тушди. Оқюлдузнинг бўйнига кафти билан қарсиллатиб урди, от ўзини четга олди. Эрдене йўл-йўлакай устидаги совут-сипар, қурол-яроғларини ечиб атрофга улоқтириб ташлади. У жаллодлар тутиб турган каштачи аёл томонга юрди. Атроф сукунатга чўмди. Одамлар ўлимга азот юриб бораётган кишини кўз ўнгиларида кўриб турардилар. Қатлга тайёр турган суюкли ёри ёнига етгач, Эрдене унинг оёғига тиз чўкди, қучоқлади, аёл унинг бошига қўлини қўйди. Ўлим остонасида улар яна қовушиб жонсиз қотдилар.

Шу ондаёқ довулар даранглаб, оламни худди ҳуркиб тўзғиган ҳўкизлар тўдаси каби ўз ўқиришларига тўлдириди. Ноғоралар ҳаммани ўзига итоат эттириш, барчанинг эҳтиросини жумбушга келтириш учун такиллай кетди, ҳамма бирдан хушёр тортди, ҳаммаси яна жой-жойига тушди, амрона ҳайқириқлар янгради — барча йўлга тушишга, сафарни давом эттиришга ҳозирлансин. Ноғоралар таранг дарангларди: барча барчадай бўлсин, ҳар ким ўз бурчинни адо этсин! Жаллодлар дарҳол ишга тушдилар. Уларга яна уч ясовул кўмакка отилди. Улар юзбошини ерга йиқитиб, дарҳол унинг қўлларини орқасига боғладилар, каштачи аёлни ҳам шундай боғбанд қилдилар ва ҳар икковини чўккалаган туя олдига судрадилар; битта арқоннинг икки учини сиртмоқ қилиб туя ўрқачларининг ўртасидан ташладилар, бир сиртмоқни юзбошининг бўйнига, иккинчисини каштачи аёлга илдилар ва ноғораларнинг тинмаган сурони остида шоша-пиша туяни оёққа турғиза бошладилар. Жонивор ўрnidан туришни истамай қаршилик кўрсатарди. Туя ўқира, оғзидан кўпик сочар, тишларини ғазабланиб ка-

сирлатиб, ғажиб ташламоқчи бўларди. Бироқ калтак зарбларига чидолмай ўридан кўзғалишга мажбур бўлди ва баҳайбат гавдасини тик кўтариб оёққа қалқди. Икки ўрқачли нортунинг икки ёнида ўла-ўлгунча бирга бўламиз деб аҳд-паймон қилган севишганлар сиртмоқда осилиб қолдилар, уларнинг гавдалари жон таслим қилиш даҳшатида қалтирар, тўлғанарди.

Ноғораларнинг шовқин-сурони ичида хоқоннинг тахти равонини тепаликдан қандай олиб тушганларини ҳеч ким пайқамай қолди. Хоқон қатлгоҳни тарк этди, унинг иши битган эди; жазодан қутилган мақсад амалга ошди, ҳатто кўзлангандан кўра ҳам аълороқ бўлди, ахир каштачи аёлнинг кўнглини ром этган номаълум кимса топилди, у кўрпа -тўшакда бўладиган эрмак-ўйинларни яхши кўрадиган юзбоши бўлиб чиқди; ҳа, юзбоши бутун эл-улуснинг кўз ўнгида тавқи лаънатни ўз бўйнига олиб тақдирига тан берди, қилмишига яраша жазосини олди; балки бу иш ҳам бир ёқаси ҳўв ўша Бўртэни ўз қучоқларига босган ва охиригача кимлиги номаълум қолган кимса эвазига олинган ўчдир; ўшандан кейин Бўртэ унга тўнғич ўғил туғиб берди, лекин хоқон умр бўйи юрагининг туби-тубида уни суймай, ёқтирмай ўтапти...

Ноғоралар эса тақатумни авжга миндириб, сурон солар, зўриқиб, кучаниб ғарқи ғазаб бўлиб, ошиқ-маъшуқларнинг осилган гавдаларини кўтариб сафлар қаршисидан ўтаётган нортунни кузатарди, бечора севишганлар туянинг икки ўрқачи ўртасидан ўтказилган бир арқоннинг икки учига осилган эдилар. Юзбоши ва каштачи аёлнинг жонсиз жисмлари туянинг икки биқинида лопирлаб борар — булар бўлғувси жаҳон ҳукмдорининг қонли шоҳсупасига келтирилган қурбонлик эди.

Довулбошлар юракларни ларзага солиб, кўрқинч ва харосонликка ботирар, қулоқларни қар қилиб, қоматга келтирарди. Шу куни ҳар ким ўз мақсади сари қатъият билан бораётган хоннинг амру иродасига қарши борса, бошига нима кун тушишини ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилди...

Жаллод ясовуллар кўчма дорга айлантирилган нортун билан лашкар ва кўронлар оралаб ўтиб бораркан, сўнг улар ўлдирилганларнинг жасадларини олдиндан қазиб қўйилган чуқурга ташлаб кўмарканлар, довулбошлар тўхтамай гумбурлаб турди, ноғорачилар қора терга тушдилар.

Бу орада қўшин йўлга тушди ва яна Чингизхоннинг саҳройи лашкари Кунботар сари ҳаракатга кирди. Сон-саноксиз суворийлар, ўғруқ кўч-кўронлари, озиқ-емиш учун ҳайдаб кетилаётган подалар, қуролсозлар ва араваларга жойлашган бошқа ҳунарманд усталар, кимки сафар билан кетаётган бўлса бари, бирон тирик жон қолмай зудлик билан йўлга отланар, зудлик билан Сариўзақдаги бу Худо қарғаган ерни тарк этар, бир зум бўлсин пайсаллашни истамас эдилар; ҳамма ташлаб кетган ерда ўзини қаерга уришни билмай довдираган, гангиган, дардини кимга айтишни билмаган саргардон бир жонгина қолди — у ҳам бўлса қўлида бировнинг боласини кўтариб олган чўри Олтун эди. Уни бирдан ҳамма бирваракайига унутди, у ҳали ҳамон ҳаёт эканлигидан ҳаммалари худди уялгандай бўлишиб, уни ўз ҳолига ташлаб кетишди, ҳаммалари гўё уни кўрмаганга олишди, ҳаммалари худди ўтдан қочгандай қочишди, ҳеч кимнинг у билан иши-хуши бўлмади.

Кўп ўтмай атроф тумонат жимиб қолди, на довулбошлар, на савту сурон ва на байроқлар... Фақат от тақаларидан тушган излар, тезакларгина сафарнинг қайга кўчганлигини англатарди. Лекин Сариўзақ даштларида унча кўп ўтмай бу излар ўчиб кетади шаксиз...

Ташлаб кетилган, ҳайқирган чўлда ёлғиз қолган чўри Олтун кечаги манзилларнинг ўчоқларидан унутилган, ташланган овқат сарқитлари, чала-ярим тозаланиб улоқтирилган суяк-сўпоқларни йиғиб халтасига соларди; турли-туман нарсалар орасидан у кимнингдир ёдидан чиққан пўстагини топди ва уни ҳам елкасига ортди; кечаси ўзи билан боланинг тагиги солишга ярайди, ахир у энди беихтиёр она бўлиб қолди...

Чиндан ҳам, Олтун нима қилишини, бошини қайга уриш, қаердан бошпана топиш, болани қандай боқишни билмасди. Кундузи-ку қуёш чарақлаб туради, бир кунини амал-тақал қилиб ўтказса бўлади, ҳатто қутилмаганда бахти кулиб боқиши ҳам ҳеч гап эмас, эҳтимол шундоқ рўпарасидан лоп этиб бирон қўнал-

ға чиқиб қолар — овлоқ дашт пучмоқларида ташлаб кетилган чўпон-чўлиқнинг хароба ўтовлари учрамайди дейсизми. Ҳеч қутилмаганда бирдан озодликка чиққан чўри шуларни ўйлар, ўзини ўз хаёлларига ишонтирмоқчи бўлиб уринарди. У ўз эмгагига тушган қисмат юкидан қаттиқ хавотирда эди. Ахир чақалоқ тезда уйғонади, очиқади, сут талаб қилади ва очликдан унинг қўлида ўлиб қолади. У худди мана шундан жуда қўрқарди. Бирон чора-тадбир топиш, эпини қилишга ожиз эди.

Олтуннинг ишониш қийин бўлган ёлғиз умиди — агар бу бийдай даштларда одам қораси қолган бўлса, чўлдан бирон кимсани топиш, мабодо, улар орасида эмизикли хотин чиқса, унга болани топшириш ва бунинг эвазига ўзини ихтиёрлий суратда қулчиликка тақдир этиш...

Чўри чўлда сарсон-саргардон кезар, қаёқ тўғри келса шу ёққа — дам шарққа, дам ғарбга, дам яна кунчиқарга қараб кетарди... У қўлида бола билан тиним билмай йўл босарди. Кун пешинга яқинлашарди, гўдак борган сари безовта бўлиб гимирлар, гингишиб йиғлаб, кўкрак талаб қила бошлади... Чўри чақалоқни бошқатдан ўраб-чирмаб уни қўлида аллалаганча яна йўлга тушди. Лекин кўп ўтмай бола янада қаттиқроқ йиғлади. Энди у сира йиғидан тўхтамас, йиғининг зўридан юзи кўкариб борарди. Шунда Олтун юришдан тўхтаб нима қилишини билмай фарёд кўтарди:

— Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар! Мен нима қилай ўзи?

Поёнсиз дашт маконларида на тутун ва ўт учқуни кўринарди. Атроф кетакетгунча ҳувиллаган йилдоқ дашт, кўз илғайдиган ҳеч вақо йўқ... Боши ва охири йўқ чўл, боши ва охири йўқ кўк осмон, фақат бир парча оқ булут оҳишта осмон юзида айланади...

Чақалоқ йиғи зўридан ғужанак бўлиб қолди. Олтун ёлвориб ўз-ўзича абдирай бошлади:

— Хўб, мендан нима истайсан ўзи, бўталоғим?! Дунёга келганингга эндигина етти кун бўлди! Шўрингга шўрва тўкилди ёруғ дунёга келиб... Сени нима билан овутай, етимчагинам? Кўрмайсанми ҳатто зоғ учмайди бу ерларда! Сен билан мендан бошқа ҳеч зоғ йўқ бу оламда, фақат сену мен икки аламдийдамиз, ҳа, яна осмонда бир парча оқ булут, ҳатто қуш учмайди, фақат бир парча оқ булут кезади... Қайга борайлик, бошимизни қайга урайлик? Сени нима билан боқаман? Ҳамма бизни ташлаб кетди, ҳеч кимга керагимиз йўқ, ота-онангни осийди ва қора ерга тикишди. Нима қилишаркин одамлар урушиб, нимага бир-бирлари билан куч синашади байроқлар кўтариб, ноғора чалиб. Нималар топаркинлар бу одамлар сен шўрлик гўдакни ҳар нарсадан айириб, жудо қилиб?!

Олтун яна чўл бўйлаб чопиб кетди. У болани бағрига маҳкам босганча югурар, ишқилиб тўхтамасам, ишқилиб ўтириб қолмасам, ишқилиб алам-ангездан юрагим ёрилиб ўлмасам... бўлди дерди... Гўдак эса англашни истамас, чинқириб, бўғилиб йиғлаб, сот бер, қайноқ она сутимни бер деб ҳиқилларди.

Олтун умидини йўқотиб тош устига ўтирганини билмай қолди. У кўзидан ёшлари шашқатор қуйилиб, алам билан кўксини шариллатиб очди ва болага ҳеч қачон фарзанд дудоғини кўрмаган, қуриган, сўлгин кўкрагини тутди:

— Бўлди, ма, ма! Кўр ўзинг! Сутим бўлса сен етимчага аллақачон бермасмидим! Чапиллатиб эммасмидинг! Ма, ол! Ўзинг кўр, балки шундан кейин мени қийнашни бас қиларсан! Нималар деб валдираяпман! Кимга гапиряпман! Бу қуриб шалвираган кўкракдан нима фойда, бошингга урасанми! О, Осмон, қаттиқ бошимга солмаган яна не кўргиликларинг бор?

Гўдак кўкракни оғзига солгач, шу заҳоти жимида, кичкина вужуди билан тўйиб-тўйиб эмишга чоғланиб, милкларини чапиллатиб ишга солди, қувонч акс этган кўзларини дам очиб, дам юмиб пирпиратди.

— Ана, кўрдингми? — деди хотин гўдакка таънаомуз сўзланиб. — Ишондингми? Энди ишондингми ҳеч нарса йўқлигига? Сен мана ҳозир илгаригидан бешбаттар дунёни бошингга кўтариб йиғлайсан, унда мен нима қиламан кейин бу Худо урган чўл малиқда? Нега алдадинг дейсан? Ахир ўзимга қолса, сени ҳеч алдармидим? Умрим чўриликда ўтди, лекин ҳеч қачон ҳеч кимни алдаган эмасман. Онам менга болалигимда айтарди: Бизнинг авлодимиздан ҳеч ким Хитой-

да бировни алдамаган деб. Майли, майли, эмавер, эмавер эрмак қилиб, шу сенга ёқса, бир пасдан кейин кўраман ҳолингни...

Чўри хотин Олтун ҳозир рўй бериши муқаррар бўлган аламли фарёд сасини кутиб, ўз-ўзича шундай гудранарди. Лекин не кўз билан кўрсинки — гўдак унинг қуруқшаган кўкрагини сира қўйворай демас, аксинча ажаб, унинг тирноқдай кичкина юзиде ажиб бир фароғат акс этарди...

Олтун боланинг оғзидан оҳистагина эмчагини чиқарди ва кўксидан оппоқ сут отилганини кўрди, у инграб юборди. Камоли ҳайрат ичида у эмчакни яна бола оғзига солди, кейин яна унинг оғзидан аста олиб, яна сут баралла оқаятганини кўрди. Унинг кўкрагига сут келибди! Энди у бутун аъзойи баданига кучкуват ёйилиб кираётганлигини аниқ ҳис қилди.

— О, Худойим! — беихтиёр тўлқинланиб кетиб деди чўри Олтун. — Сут келибди менга! Чинакам сут! Эшитяпсанми, кичкинтойим, энди мен сенга она бўламан! Энди сен ўлмайсан! Оҳимиз осмонга етиб борди! Сен менинг азоб билан топиб олган боламсан! Сенинг отинг Қунан. Сени ота-онанг шундай деб аташган. Улар сени дунёга келтиришган бир-бирларини севишиб. Шунинг учун улар ширин жонларидан жудо бўлишди! Сенга йўқдан сут ато этиб ўз мўъжизасини кўрсатди, шукрингни унга айт, болакайим...

Рўй берган воқеадан лолу ҳайрон Олтун жимиб қолди, вужуди қизиб кетди, пешанасига тер чиқди. Поёнсиз яйдоқ чўл уфқларига кўз югуртириб, у бирон қимирлаган тирик жонни кўрмади. Фақат қуёш кўкда нур сочар ва боши узра ёлғиз оқ булут айланарди.

Оғзи сутга тўлиб тўйиб эмган бола кўзи уйқуга толди, чўрининг ярим букилган қўлида қулайгина ўрнашиб олган вужудчасини эмин қўйиб юборди, бўшашди, бир маромда нафас олди. Хотин бечора бошига тушган барча кўргилик шўришларни унутиб, яқингинада қулоғини батанг қилган довулларнинг қаҳрли суронидан қутулиб, ўзини аста-секин ўнглади, илгари ҳеч тўйиб кўрмаган, оналик, бола эмизиш ҳиссиётлари лаззатларига фарқ бўлди. Шунда у ер, осмон, сут шарофат ҳамда саховатга тўлиқ ягона бир яхлит нарса эканлигини алланечукдир сезди...

Бу орада ҳарб сафари давом этарди... Жаҳонгирнинг мўрмалахдек қўшини саҳройи забт билан Кунботар томон тўхтамай илгариларди. Лашкар, кўронлар, подалар...

Чингизхон қўриқчилар ва аёнлар қуршовида, ипак билан оғзидан ўт сочган аждарлар тикилган яловларини кўтарган туғбардорларини олдига солиб, худди қисматнинг ўзидай ҳайратангез, ёллари оппоқ, думи қора, чарчамас, вафодор тўриқ отига миниб йўл босарди.

Тўриқнинг кучли туёқлари остида замин гулдираб орқага сузиб ўтар, ер ортга қочар, лекин ҳеч камаймас, охири кўринмас, аксинча яна ва яна пайдо бўлаверар, ҳеч етиб бўлмас азал уфқлар ичра макон-маконларга ажралиб кўпайиб бораверарди. Бу маконларнинг чек-чегараси йўқ эди. Бу поёнсиз ер олдида ниҳоятти бир заррагина бўлган хоқон кўзга илинган ва илинмаган неки бор, барини эгаллашни, ўзини Тўрт Тараф Жаҳоннинг Ҳукмдори деб тан олишларини истарди. Шунинг учун ҳам, босиб эгаллаб олиш, қўлга киритиш учун йўлга чиққан, саноксиз қўшинларини ҳарбу зарбга етаклаб борарди...

Хоқон қаҳрли ва жим эди, асли ўзи ҳам шундай бўлиши керак. Лекин ҳеч ким унинг кўксиде қандай тўфон кўтарилганлигини хаёлига келтирмасди. Ҳатто хоқон қутилмаганда бирдан отининг бошини кескин шиддат билан орқага буриб юборганида ҳам ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмади; у отни шунчалар тез орқага қайтардики, изидан келаётган аёнлари сал бўлмаса у билан тўқнашиб кетардилар, улар ўзларини базўр четга тортдилар. Хоқон қалтираган кафтларини пешонасига соябон қилиб, хавотир ва ташвиш ичида кўк юзига кўз соларди. Йўқ, йўқ эди оқ булут, на ортда, на олдинда, қайда қолган, қайда тўхтаган, ном-нишонаси кўринмасди...

Мана шундай, ҳеч қутилмаганда ғойиб бўлди унинг боши узра соя солган оқ булут. Шу ғойиб бўлганча ҳеч қорасини кўрсатмай кетди. Булут хоқонни тарк этди.

Итилга етгач, Чингизхон Кўк Осмон мендан юз ўғирди деган қарорга келди. У ёғига оёғи тортмади. Европани эгаллаш учун ўғиллари ва набираларини жўнатди. Ўзи эса ортга, Ўрдосга қайтди ўлгали шу ерда, балки кўмилгали шу ерда...

* * *

Бу ўлкаларда поездлар ғарбдан шарққа ва шарқдан ғарбга ўтиб борадилар...

1953 йилнинг февралда шарқдан ғарбга, Сариўзак чўлларидан ўтиб бораётган йўловчи поездлар орасида бир поезд қаторнинг бош қисмида махсус вагон тиркалган ҳолда йўлга чиққан эди. Юк ташувчи вагонга уланган, ҳеч бир рақам билан белгиланмаган ушбу вагон ташқаридан қараганда, бошқаларидан ҳеч қандай фарқи йўқ эди, лекин ичкараси тамомила бошқа эди — вагоннинг бир қисми алоқа бўлими бўлиб, ундан бутунлай ажратиб ташланган иккинчи қисми эса давлат хавфсизлик идораларининг алоҳида назорати остидаги шахслар олиб юриладиган терговхонага мослаштирилган эди. Қозоғистон давлат хавфсизлик тезкор бўлимларидан бирининг катта терговчиси Тансиқбоев кўриб чиқаётган махсус иш туфайли бу ерга тушиб қолган одам Абутолиб Қуттибоев эди. Қамокқа айлантирилган вагоннинг бу томонида Абутолиб Қуттибоевни Тансиқбоевнинг ўзи ва кучайтирилган соқчилар кўриқлаб боришарди. Уни аллакимлар билан юзлаштириш учун бошқа шаҳарларга элтардилар.

Олдига қўйилган мақсадига етиш учун Тансиқбоев ҳеч нарсадан қайтмасди. Тергов қилиш йўлда ҳам тўхтамади. Немислар қўлига асир тушиб, сўнг асирликдан шубҳали бир вазиятда қочган, тақдир тақозоси билан Югославияга бориб қолган ва бу ерда бўлажак югослав ревизионистлари ҳамда инглиз разведкаси билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатган, кейин душманнинг махсус хизматиغا ёлланган бир гуруҳ кимсалар томонидан тузилган кўпоровчилик тармоғини қадам-бақдам фош қилишга Тансиқбоев бел боғлаган эди. Тинимсиз сўроқлар, кўрсатмалар бевосита ва бавосита далилларни солиштириш ва энг муҳими, тергов илоҳасининг тўла тантанасига эришиб, айбланувчиларнинг ўз қилмишларини тўла ўз бўйниларига олишларини таъминлаш, тавбаларига таянтириш ва шу йўл билан Совет ҳокимиятининг вақти-соати етгунча пусиб ётган, чет элларга сотилган душманларини ҳар томонлама фош қилиб ташлаш зарур эди.

Ишга етарли асос солинган эди — Абутолиб Қуттибоев терговлар чоғида Югославияда жанг қилган ўнларча собиқ ҳарбий асирларнинг номларини тилга олди. Текширувлар давомида уларнинг кўплари тирик ва соғ-саломат эканлиги, мамлакатнинг турли бурчакларида яшаётганликлари маълум бўлди. Бу кимсалар аллақачоноқ қўлга олинган, улар ўз навбатида терговларда яна қанчадан-қанча кишиларнинг номларини эслаган, шу билан Югославия хоинларининг рўйхатини янада тўлдирган эдилар. Хуллас, иш анча жонланган, душман унсурларни фош қилишда олдиндан чора-тадбир кўриб қўйиш ҳеч қачон зиён келтирмайди, деб ҳисоблайдиган юқоридаги катталарнинг маъқуллашлари туфайли анчагина жиддий тус олган эди. Югославия компартияси билан халқаро тортишувлар тобора қизиқ борар, Сталиннинг шахсан ўзи Титонинг бошига тавқи лаънат ёғдириб турар, шундай бир пайтда ташаббус кўтариб чиққан Тансиқбоевнинг ишлари юришиб кетса ажаб эмас, бу фақат унинг ўзигагина эмас, бошқа шаҳарлардаги жуда кўп ҳамкасбларига ҳам “катта ўлжа” ва омад келтириши тайин эди. Шу маънода улар бу ишга ғоятда қизиқиб, манфатдорлик билан қарашар, вазиятдан фойдаланиб ҳаммалари янги амал курсиларига кўтарилишни мўлжаллар эдилар. Шунинг учун ҳам, ҳаммалари бир ёқадан бош чиқариб ҳамжиҳатликда иш кўрардилар. Ҳар ҳолда, Чкалов (собиқ Оренбург), Куйбишев сингари вилоят шаҳарларида ва юзлаштириш, икки томонлама сўроққа тутиш мақсадида Абутолиб Қуттибоев олиб борилаётган Саратовда Тансиқбоевнинг келишини сабрсизлик билан кутаётган эдилар.

Тансиқбоев вақтни бой бермас, ишда тезкорлик ва зўр беришликни ёқтирарди. У тергов бериб қамокда ётган кимсага ташқарига чиқиш қандай таъсир

қилиши, маҳбус панжара билан тўсилган дарча ортида ўтиб бораётган бекатларга қанчалар алам ва соғиниш билан қараётганлигини ҳам назардан қочирмай ҳисобга оларди. Тансиқбоев Қуттибоевнинг кўнглидан нималар кечаётганлигини фаҳмлаб турар, мен терговчи бўлсам ҳам, сизга ёмонликни раво кўрмайман, деб иложи борича уни ишонтиришга уринар, тинмай қўйнига қўл солиб кўрар, сизнинг гуноҳингиз ҳам у қадар катта эмас, албатта, сиз резидентлик ҳам қилмаганиз, бу менга кундай равшан бўлиб турибди, деб кўярди. У ўсмоқчилаб, мамлакатда агарда фавқулодда ҳолат юз бериб қолгудек бўлса, махсус хизматлар томонидан мўлжаллаб қўйилган агентура тармоғининг бошлиғи ҳам бошқа одам бўлса керак, дерди. Шунинг учун агар Қуттибоев терговда бош резидентни аниқлашга кўмаклашса, ва энг муҳими, юзма-юз учрашганда, буни очиб ташлаб, қатъият билан исботлаб берса, унда ўз тақдирини ҳам анча-мунча енгиллатиши мумкин. Ҳа, анча-мунча енгиллатади. Қарабсизки, беш-олти йилдан сўнг ўз оиласи, бола-чақаси бағрига қайтади. Ҳар қалай, агар у терговга холис ёрдам берса, энг оғир жазо — отилиб кетишдан қутулади ва аксинча, қанча қайсарлик қилса, ишни чигаллаштира, жазо идораларидан бор ҳақиқатни яширса, ўзига баттар қийин бўлади, оиласининг бошига бундан ҳам ёмонроқ бахтсизлик солади. Яна ким билсин, балки ёпиқ суд уни ўлимга ҳукм этар...

Тансиқбоев кўзлаган ишида мўлжалга аниқ уриш учун бошқа бир ғаламисликни ҳам пишитиб қўйган эди. У маҳбуснинг миясига яна шуни ҳам қуярдики, агар биз билан ҳамкорлик қилсангиз, унда Сариўзақда ёзиб олинган ривоятлар ва айниқса, “Манқурт афсонаси” ва “Сариўзақдаги қатл” ишга тиркалмайди. Аксинча, агар Қуттибоев ҳамкорликка кўнмаса, унда Тансиқбоев судда бу қўлёзмалар усталик билан ниқобланган эски миллатчилик ташвиқотлари сифатида қаралишини талаб этади. Шубҳасиз, “Манқурт афсонаси” — аждоларнинг унутилган ва ҳеч кераги бўлмаган тилини тирилтиришга бўлган зарарли уриниш; “Сариўзақдаги қатл” эса — кучли юқори яккаҳоқимликни қоралаш, давлат манфаатларининг шахс манфаатларидан устунлиги ғоясини бузиб кўрсатиш, чириган буржуа индивидуализмига хайрихоҳлик, коллективлаштиришнинг умумий йўналишини, яъни коллективнинг ягона мақсадга бўйсунуши заруратини қоралаш, буларнинг баридан эса социализмни салбий йўсинда кўрсатиш ва изоҳлашга уриниш келиб чиқади. Ўзингизга маълумки, социалистик манфаатлар ва принципларни ҳар қандай тарзда бузишга уринишлар омонсиз тарзда жазоланади... Даладаги жамоа бошоғини ижозатсиз кўтариб кетган кимсани бекорга ўн йилга лагерларга жўнатмайдилар. Мафкуравий “бошоқлар”ни териб юрганларни нималар кутаётганлигини гапириб ўтиришга ҳожат бормикин! Иш мана шундай тарзда тақдим этилганда суд яна қўшимча моддалар қўйиб, қўшимча айбларни кўриб чиқиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шуларни айтarkan, Тансиқбоев ўз сўзлари янада ишонарли бўлиши учун ўзининг Сариўзақ ёзмалари ҳақидаги аниқ-равшан хулосаларини овоз чиқариб бир неча маротаба ўқиб берди. У яна ҳар гал шуни ҳам таъкидлаб ўтардики, бу қўлёзмалар Қуттибоевни қамаш, унга қарши иш қўзғатишга асосий сабаблардан бўлди...

Поездга тушганларининг мана, иккинчи куни ҳам ўтди. Абутолиб Сариўзақка яқин қолгани сари панжара билан тўсилган дарчадан липиллаб ўтаётган кўз илгамас кенгликларга қараб тобора қаттиқроқ ҳаяжонланарди. Терговчининг зўр бериб кўндираман деб уринишлари, ғазабини сочиб дўқ-пўписи қилишларидан, терговдан бўшаган, қутулган соатларда у ичи қалин темир тунука билан қопланган ҳибсхона — купесидда ўзи билан ўзи ёлғиз қоларди. Худди Алматидаги ертўла каби бу ер ҳам ростмана қамоқ эди, бу ерда ҳам дарчага худди у ердаги каби мустақкам панжара қоқилганди, бунда ҳам эшикдаги туйнукдан назоратчининг ўқрайган кўзи мўраларди. Лекин шундай бўлса ҳам, бу ҳар ҳолда йўл эди, жой алмаштириш эди, ва ниҳоят, бу ерда у куну тун шипда кўзини кўр қилиб ярқираб ёниб турувчи ваҳшиёна электр чироқдан қутулган эди. Ҳаммадан ҳам муҳими, унинг юрагини бир умид дам ёниб, дам ўчиб, тинимсиз орзиқтирар, ўртагандан ўртарди. Абутолиб Бўронли бекатига етиб болаларим, хотинимни кўзимнинг қири билан бўлса-да, бир мартагина кўрсам эди, дерди. Ахир мана, шунча вақт ўтиб, уларга бир оғиз хат ёзиб, хабар жўнатолмади, улардан ҳам на хат келди ва на хабар.

Абутолибни қамоқхонанинг ҳаммаёғи ёпиқ машинасида Олма-ота яқинидаги темир йўл бекатига келтириб, махсус вагоннинг купесига жойлаштириб қорувул қўйганларидан бери унинг кўнгли шундай умид-армон, ташвиш-хавотирлар ичида ўртанарди. У қайси томонга йўлга тушганликлари, поезд сариўзакка қараб жилганлигини сезгандан кейин юраги илгаригидан баттарроқ ҳаприқиб, типирчилади. Бир зумга бўлса ҳам, кўз қирида бўлса ҳам, болаларини, Зарифани бир кўрсайди, ана ундан кейин нима бўлса майли эди, бир кўрса, шундоқ кўз қирини ташласа, бас...

Уйни шунчалар соғинган эдики, энди бошқа ҳеч нарса хаёлига сиғмас, уззукун Худодан Бўронли бекатидан кундузи ўтайлик-да, ишқилиб, кечасига, тун қоронғусига тўғри келиб қолмасин-да, илойим Зарифа билан болалари поезд ўтаётган маҳалда барак ичида бўлмасинлар-да, айтинг-айтинг, улар ташқарида юрган пайтга тўғри келсин-да, деб тинмай ёлворарди.

У толедан ёлғиз мана шунигина илтижо қилиб сўрарди. Бор-йўғи шу, холос. Лекин бундоқ ўйлаб қараганда, ҳақиқатан ҳам, Худонинг қудрати билан бошқача эмас, айнан мана шундай бўлиб чиқса, унда нима қиларкин — нега ахир болалари ва Зарифа худди ўша соатда ҳовлида юришмасин, нега болалар одатдаги ўйинларини ўйнашмасин, Зарифа эса худди мана шу вақтда кирларини ташқарига олиб чиқиб ёяётган бўлмасин ва шунда тасодифан, кўз учида ўтиб кетаётган поездга бир қараб қўямасин, ва шунда болалар ҳам турган жойларида таққа тўхтаб, вагонларнинг лип-лип ўтаётган ойналарига қараб қолишмасин. Балки бирдан Худодан бўлиб, поезд кутилмаганда, бекатчада бир неча дақиқага шартта тўхтаб турса-чи! Ахир жуда камдан-кам бўлса-да, бўлган-ку шундай ҳодисалар! Шунда Абутолибнинг юраги қинидан отилиб чиқиб кетишига оз қоларди: бир қараса, шундай омад кулиб боқшини истарди, яна бир ёқаси, яхшиси керак эмас дерди. Йўқ, мен бундай даҳшатли синовга бардош беролмайман, ўлиб қоламан, бунинг устига болакайларнинг кейин ҳоли нима кечади — отасини панжара билан тўсилган ойна ортида кўрсалар, нима аҳволга тушадилар, уввос тортиб йиғи-сиғи бошлаб юбормайдиларми... Йўқ, йўқ, яхшиси, кўрмаганлари маъқул...

У ўзига далда бериш, тақдирни юмшатиб, ўз томонига оғдириш, марҳаматини қозониш ва шунинг баробарида орзу-истакларига етишни осонлаштирмоқчидай бўлиб, дам-бадам турли темир йўл бекатлари, йўл ёқаларидаги белгилар, поездлар ҳаракатининг ҳар турли жадвалларини хаёлидан ўтказиб, миясида айлантирар, ҳаммасини ҳисоблаб кўрарди. Куннинг қай вақтида Сариўзакнинг Бўронли бекатидан ўтишини аниқлаш унинг учун ҳозир жуда муҳим эди. Лекин барча ҳисоб-китоблари қулай келган чоғда ҳам, уни шубҳа ва хавотир бир зум ҳам тарк этмасди. Ахир мумкин-ку поезд ушланиб қолиши, графикдан чиқиб кетиши, кечикиши — қалин қор тушган кезларда бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради. Энг алам қиладигани, Худо кўрсатмасин, поезднинг бекатдан тунда ўтиши эди, ана унда Зарифа болакайлари билан ухлаб ётган бўлади, отаси уйдан атиги бир неча қадам наридан поездда ўтиб кетаётганлигини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмайди. Бу тахминни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак эди. Шунини ўйлаб Абутолиб оғир изтиробга тушар, ўзининг қурби ҳеч нарсага етмаслиги ҳамда вазиятдан қочиб қутулиб бўлмаслигини англаб ўзини кўярга жой тополмасди.

Абутолиб бошқа бир нарсадан ҳам ёмон хавотирга тушар ва ёлвориб Худодан бундан сақлашни сўрарди — ишқилиб, қирғийкўз терговчи Тансиқбоев навбатдаги терговни худди мана шу пайтда, улар Бўронли бекатидан ўтаётганларида бошлаб қолмасин-да.

Одамнинг ўз жондан азиз кишиларини шундайгина кўз учида кўришдек оддий тоза бир истагига қанчадан-қанча тўсиқлар, хавф-хатарлар қарши туриши мумкин экан-а. Озодликдан маҳрум бўлишнинг кулфати шу-да. Абутолибга фақат бир нарсагина қувонч ва умид бағишларди. Ҳар ҳолда жиндек бўлса ҳам омади бор экан! Унинг купе-камерасининг дарчаси поезд ҳаракатининг худди ўнг томонида жойлашган, Бўронли бекатидаги узун пастак барак йўлнинг худди мана шу ёғига тўғри келарди. Мана шу изтиробли ўй-хаёллар, қўрқинч-хавотирлар, шубҳа-гумонлар Абутолибни аламли кечинмалар гирдобига тор-

тар, ўз қисмати устида қайғуришдан чалғитарди. У кутишнинг музтар дақиқаларига бошдан-оёқ шўнғиган, энди сира ўзини ўйламас, рўй бераётган воқеанинг таг-заминини англашни истамас, терговчи Тансиқбоев томонидан қўйилаётган мудҳиш айбловлар бошига не қора кунларни солиши мумкинлиги ҳақида бош қотиргиси келмасди. Тансиқбоев эса зўр бериб бу айбларни унинг бўйнига қўйишга уринар, ҳеч нарсага қарамасдан, қандай қилиб бўлмасин, ўз олдига қўйган мақсадига етишни кўзларди — гўё уруш йилларидан бери мавжуд душманнинг яширин агентура тармоғини очиб ташлаб, унга барҳам бериб, гўё шу билан давлат хавфсизлигини сақлаш пайида бўларди. Ҳолбуки, бу сохта, уйдирма ишни унинг шахсан ўзи тўқиб чиқарган эди.

На Худо ва на Шайтондан кўрқадиган Тансиқбоев ҳаммасини худди Худо ва Шайтон каби олдиндан кўрган, ҳисоблаб чиққан, энди гап ҳаракатда қолган эди. Шу мақсад билан у йўлга чиққан, шу мақсад билан у Абутолиб Қуттибоевни бошқа шериклари билан юзлаштириш учун купе, Ҳибсхонага солиб олиб борар, барини кўндалангига ҳал этишни мўлжалларди.

Абутолиб эса Худодан фақат бир нарсани сўрарди — вагон деразасидан бир зумга бўлса ҳам, болакайлари Эрмак ва Довулни, Зарифани кўрса бас, ишқилиб, ҳеч нарса ҳалал бермаса бўлгани, ахир яна қачон дийдор насиб этади. У эндиликда ҳаётдан шундан ортигини сўрамас, юрагининг туб-тубида шундай аччиқ, аламли бир хулосага келган эдики, унинг манглайига шу шўришлар битилган! Бу унинг толе лавҳасида бахтнинг энг сўнгги лаҳзаси бўлажак. Зеро, сўнг у ҳеч қачон ўз оиласи бағрига қайтмаяжак, зотан, Тансиқбоев томонидан унинг бўйнига юкланаётган айб унга ҳалокатдан ўзга ҳеч нарса келтирмагай. Уни сал олдинроқ ё сал кейинроқ лагерларнинг фалоқати кутади. Негаки у Тансиқбоев олдида ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга эмасди ва ҳеч ким уни ҳимоя қилмасди. Шунингдек, ҳамма нарсага қодир ҳукумат олдида ҳам у ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқ ва ҳимояга эга эмасди. Абутолиб қатъий хулоса чиқарган эди: у Тансиқбоев қўлида ўлиб кетишга маҳкум. Ўз навбатида Тансиқбоев ҳам доим ўзини чархлаб турадиган бемаъни жазо тизимининг кичкинагина бир мурвати эди, холос. Бу жазо тизими социализмнинг оламшумул ҳаракатини тўхтатиш, бутун ер юзида коммунизмнинг тантана қозонишига тўсқинлик қилиш пайида юрган душманларга қарши тинимсиз кураш олиб борарди.

Кимлигидан қатъи назар, бирон киши мана шундай сеҳру жодули сўзлар билан айбдорга чиқарилса, билингки, кейин унга ҳеч қандай омонлик йўқ эди. Бунинг ортидан албатта, у ёки бу тарзда жазо етиб келарди: ё отилиш, ё йигирма беш йилга озодликдан маҳрумлик, ё ўн беш ёки ўн йилга кесилиб кетиш тайин эди. Бошқача бўлиши мумкин эмасди. Бундай пайтларда ҳеч ким бошқача бўлишини кутмас ҳам эди. Маҳкум ҳам, жазога тортувчи ҳам шуни бир хилда тушунар эдиларки, агар ушбу сеҳру жодули айблов сўзлари кучга кирса, бу жазо берувчини фақатгина ойлабгина қолмай, балки шу билан бирга, душманларни таг-томири билан йўқотиш учун истаганча чора-тадбир қўриш мажбуриятини юкларди. Ўзгача фикрда бўлувчилар қириб ташланишга маҳкум эди. Бу қонли тегирмонга янчиш учун тинимсиз қурбонлар келтириларди. Таъқиб ва тазйиқ остида қолган одамга ўзининг тамомила маҳкум эканлигини уқтириш ва бунинг инкор этиб бўлмас зарурат эканлигини миясига қўйиш ҳам талаб этиларди.

Шундай бўлиб чиқди ҳам. Поезд Сариўзак чўлларида ўтиб борар, ғилдираklar тинимсиз айланар, Тансиқбоев ва унинг маҳбуси битта вагонда кетишар — уларнинг ҳар бири ўз наздида меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб тер тўқмоқда. Чунончи, бирови яшириниб ётган мафкуравий душманларни яна бир карра омонсиз фош қилишни кўзлайди, нега десангиз, мана шундай фош қилишларсиз социализмни тасаввур қилиб бўлмайди. Нега десангиз, акс ҳолда социализм ўз-ўзидан барҳам еб, омманинг онгида қуриб битади. Шунинг учун доимо ким биландир курашиш, кимнидир фош қилиш, ниманидир тугатиш, мажақлаш талаб қилинарди...

Поезд эса елиб борарди. Абутолиб тақдирни ўзгартиришга ожиз, қўлидан ҳеч нарса келмагани сабабли энгиб бўлмас зулмга, ўз аччиқ қисматига тан беришга мажбур эди. Олдин бунга у қанчалар қайсарлик қилиб, жон-жаҳди би-

лан қаршилик кўрсатган бўлса, эндиликда бу воқеаларнинг барига шунчалик лоқайд, умидсизлик билан қарарди. Эндиликда у: агар Худодан бўлиб дунёга қайтадан туғилганимда ҳам, барибир Тансиқбоевларнинг орқасида турган ғайриинсоний бадбашара кучга дуч келардим, у билан ҳеч қачон тўқнашишдан қочиб қутулмаган бўлардим, деб ўйлар ва бунга тобора кўпроқ ишончи ортарди. Бу баттол куч урушдан ҳам даҳшатлироқ ва асирликдан ҳам кўрқинчлироқ эди. Зотан у муддати тугамайдиган, охири кўринмайдиган ёвузлик, золимлик эдики, эҳтимол бу зулм дунё яралгандан буён давом этиб келарди. Чамаси, коинот чексизликлари ичра Иблис узоқ вақтлар ишсизликдан зерикиб қолганлиги учун одамзод болалари ўртасида жазо тортиш навбати камтарин мактаб муаллими Абутолиб Қутғибоевнинг чекига тушган эди. Инсон зоти ер юзида пайдо бўлиши ҳамон бошқа барча махлуқлардан олдинроқ ёлғиз ўзи дарҳол Иблис билан топишди ва кунлар оша, асрлар оша ёвузликнинг тантанасини ўрнатди. Ҳа, ёлғиз инсонгина шундай ашаддий ёвузлик эгаси бўлиб қолди. Шу маънода Тансиқбоев Абутолиб назарида мана шундай азал шайтонийликнинг рамзи эди. Шунинг учун ҳам, улар битта фавқуллодда муҳим иш юзасидан битта поезд, битта махсус вагонда бирга йўл босмоқда эдилар.

Тансиқбоевни турли бекатларда маҳаллий даражадаги ҳамкасблари кутиб олишар, ким дўстона, ким хизмат вазифасига кўра турли-туман совға-саломлар, ноз-неъматлар кўтариб чиқишар, терговчи кўп пайт шу ошналари билан овора бўлар, Абутолиб эса бундай пайтда эркин нафас оларди. Ҳар қалай бундай пайтда терговчининг тергаш учун вақти кам қоларди. Гўрга, йўлда димоғини чоғлаб кетаверсин. Қизил Ўрдага етганларида ҳамкасблар вокзалда алоҳида тантана билан қучоқ очиб кутиб олишди — ошнарлар Тансиқбоевнинг вагонига устига оқ сочиқ ёпилган ҳовури чиқиб турган лаган кўтариб киришди. Эшик орқасида, вагон йўлагига сийловни қабул қилиб олган кўриқчилар у ёқдан-бу ёққа тапир-тупур чопқиллаб қолишди: “Қази, қовирға! — оғзидан суви қочиб шипшиди улардан бири. — Оҳ, ҳидини қара-я! Шаҳарда бунақасини топиб бўлсан. Чўлнинг гўшти ҳўб мазали-да!”

Абутолиб панжара тугилган деразанинг бир четида туриб, Тансиқбоев елкасига шинелини ташлаб, шериклари билан хайрлашиш учун чиққанини кўрди. Уларнинг ҳаммалари яғриндор, елкалари кенг, худди бир-бировига мослаб олингандай, қоракўл тумоқлар кийган, икки юзи қип-қизил йилтираб турган, чеҳраларидан табассум аримаган кишилар эди. Улар кўлларини тўхтовсиз силкитишиб сўйлашар, бир гапириб ўн кулар эдилар. Балки ҳали теша тегмаган мавзудаги биронта ҳангомани айтишарди. Улар шундай пастда давра олиб кўр тўкиб туришар, ҳаво совуқ бўлгани учун оғизларидан оппоқ ҳовур кўтарилар, ҳали унчалик қалинламаган қор узра пошналари ғарчиллаб-ғарчиллаб кетарди. Сергак милиция бу томонга ҳеч кимни ўтказмас — тансиқбоевчилар ҳаммалари ўз одамлари хандон-хушон, мамнун-мағрур, ўктам, бахтиёр ҳолда поезднинг бош томонида, махсус вагон ёнида туришар, улардан тўрт қадамгина нарида эса ҳибсхонага айлантирилган купе ичида ғам-қайғуга ботган бир киши турганлиги билан ҳеч кимнинг иш-хуши йўқ эди. Ҳолбуки, бу уларнинг ғайрати, саъй-ҳаракати билан қамалган одам ўғри эмас, босқинчи зўравон эмас, аксинча, ҳалол, диёнатли, виждонли, уруш ва асирликнинг кулфатларини бошидан кечирган, ўз болалари ҳамда хотинига меҳру муҳаббатдан ўзга эътиқоди бўлмаган ва ҳаётнинг асл маъно-мазмунини ушбу эътиқодда деб билган бир инсон эди. Лекин уларнинг қамоқхоналарига худди мана шундай ҳеч бир партиёга аъзо бўлмаган, ва шунингдек, ҳеч қандай қасамёд қилмаган, тавбасига ҳам таянмаган кимса керак эди. Бу меҳнаткаш омманинг бахтиёр фаровон яшаши учун зарур эди...

Қизил Ўрдан сўнг таниш қадрон ерлар бошланди. Кеч тушарди. Қор босган ўр-увалар, пасттекисликлар оралаб оҳиста буралган Сирдарё ярақлаб кетди. Кўп ўтмай куёш ботаётган чоғда чўлнинг нақ ўртасида Орол денгизи кўринди. Бошида Денгиз дам қайрилма қамишзорлари, дам олисларда йилтираб кетган ложувард сувлари, дам унда-мунда қорайган ороллари билан кўзга чалинган бўлса, сал ўтмай Абутолиб шундоққина темирийўлга ёношиб келган соҳилнинг намчил қумлоқларини юваётган шалдираган денгиз тўлқинларини

кўрди. Буларнинг барига бир оннинг ўзида бирваракай кўз ташлаш ажиб гашт-ли эди: ҳам қор, ҳам қум, ҳам соҳил бўйидаги тиккайган тош-қоялар, ҳам шамол югургилаган феруза денгиз, ҳам тошлоқ яриморолдаги қўнғир туялар тўдаси ва боз буларнинг бари устига оқ булутларнинг пароканда югурган парчалари, булутлар тўдаланган юксак осмон.

Абутолиб шу Орол денгизи атрофларида Бўронли Едигей туғилганлиги, Қозонгапнинг балиқчи ошналари эса, у яхши кўрадиган қоқланган сур балиқларни товар поездларнинг ходимлари орқали совға-салом қилиб жўнатиб туришларини эслади ва юраги алам, ўксинишдан сирқираб кетди. Бўронли бека-тига энди унчалар узоқ эмасди. Яна бир кеча йўл босилса, қарабсизки, эрталаб соат тўққизларда ёки пича кечроқ бошига махсус вагон тиркалган йўловчи по-езд Бўронли бекатининг шамоллар юлқилаган эски кўналгалари, пастқам са-ройчалари ва тиканли сим ўрамлари билан қуршалган кўтонлари ёнидан қич-қириб ўтади, чопқиллаган изларни орқанда қолдиради ва зумда кўздан йўқола-ди, келади ва кетади. Қанчадан-қанча поездлар шарқдан ғарбга ва ғарбдан шарққа ўтади, бироқ ўша кун Зарифанинг юраги айтармикин, Абутолиб мах-сус вагоннинг ҳибс-купесиди кунботар ёқларга шу ердан ўтиб бораётганлиги-ни, балки болакайларнинг диллари ноаён, тушуниксиз, хавотирилли аланимал-ларнидир туйиб, худди ўша сонияда гулдураб ўтаётган поездга қараб қўйгилари келармикин мабодо? О, Яратган Эгам, одамларга бунчалар оғир ва аччиқ ҳаёт-нинг нима кераги бор экан?

Феврал кўёши думалаб чўкар, осмон ва ер ўртасига совуқ қизаринқираган шафақларини ёйиб узоқларда сўна бошлар, хуфтон тушиб келар, оҳиста би-лингирмай қиш кечаси кирарди. Хуфтон ғира-ширасида ташқаридаги нарса-лар липирлаб ўтиб, қоронғуликка қоришиб кетар, бекатларда чироқлар ёнар-ди. Поезд эса бурала-бурала чўл туни қаърига йўл солиб еларди...

Уйку келмас, Абутолиб Қуттибоев эзилиб, тўлганиб ётарди. Сирли қалин ту누ка қопланган купе ҳибсхонага қамаб қўйилганча у ўзини қўярга жой топол-мас, тор ерда у бурчакдан бу бурчакка тентирар, дам-бадам қаттиқ хўрсинар, назоратчининг ғашига тегиб ҳадеса, ёзилгиси келаётганини айтиб, чиқишга рухсат сўрарди. Назоратчи купе эшигини очиб бир неча марта огоҳлантирди:

— Маҳбус, нега жойингда тинч ўтирмайсан? Қоидани билмайсанми? Бас, тек ўтир!

Аммо Абутолиб ҳеч ўзини босиб ололмас, охири бўлмади, у қўриқчига му-рожаат қилиб ёлворди:

— Менга қара, ҳой навбатчи, барака топ, менга бир дона уйку дори топиб бер, бўлмаса, ўлиб қоламан. Рост айтяпман! Ўлган маҳбусни бошингизга ура-сизми? Бошлигинга бориб айт, ўлигим керакми сизларга? Жонимга тегди, ҳеч ухломаяпман!

Таажжубланидиган ери шунда эдики (Абутолиб бу меҳрибончиликнинг са-бабини эртасига англаб етди), назоратчи Тансиқбоевнинг купесидан икки таб-летка уйку дори келтириб берди, ана шундан кейингина ярим кечага бориб Абутолибнинг кўзини уйку элитди, лекин барибир росмана тўйиб ухлай олма-ди. Чала қуш уйкусида ётаркан, филдиракларнинг бир маромда тақиллаши, таш-қарида шамолнинг гувиллаб увлаши остида у туш кўрди: у паровознинг олдига тушиб, жони халқумига тикилиб, ҳансираб, ҳирқираб, кўрқиб, зўр бериб чоп-ётганмиш, ҳозир поезд тагида қолиб кетаман деб ваҳимадан юраги ёрилай дер-миш, поезд эса унинг ортидан пишқириб югурармиш. Ўша ақлдан оздирадиган харосон кечада у темир йўл изидан поезд олдига тушиб қочди. Булар бари худди ўнгида бўлаётгандай эди. Шунчалар кўрқинчли чинга ўхшарди ҳаммаси. Ташнаком бўлди, томоғи қуриди. Паровоз эса ўтқир чироқларини даҳшатли пориллатганча унинг ортидан қувар, чолиб бораётган йўлларини машъаладай ёритарди. Абутолиб изгирин изгиган атроф тумонотга кўзларини йириб-йириб тикилар, икки темир из ўртасида югурар, ҳар томонга аланг-жалаңг боқиб, аянчли қичқираб, қақирарди: “Зарифа, Довул, Эрмак, қаердасизлар? Келин-лар менинг олдимга! Мен, мен отангизман! Қаердасизлар? Жавоб беринглар!” Ҳеч ким садо бермасди. Олдинда зулмат қоронғулик шовуллар, орқанда эса уни

эзиб, мажақлаб ташлашга тайёр паровоз гулдурос солиб етиб келарди. У энди тамомила ҳолдан тойган, ортидан тобора яқинлашиб пишқириб учаётган паровоздан қочиб қутулиш, яширинишнинг на иложи ва на имкони бор эди... Аҳволи борган сайин ёмонлашиб борар — қўрқув, ваҳима унинг бутун вужудини қарахт қилиб ташлаган, оёқлари унга бўйсунмас, нафаси тикиларди...

Абутолиб эрталаб барвақт уйғониб, ранги ўчган, забун ҳолда қора пахталикни елкасига ташлаб, панжарали дарча олдида чўлга тикилиб ўтирарди. Ташқари ҳали жуда совуқ, қоронғу эди, бироқ ер оҳиста ёришиб келар, тонг ёғдуси ўз кучини кўрсатарди.

Кун булутли бўладиганга ўхшайди. Балки қор ёғар. Лекин осмоннинг у ер-бу ерида олачалпоқ ёришган жойлар кўзга чалинарди...

Бу ёғига Сариўзак ерлари бошланди. Уларни қор босган, қуюнлар чуллаган эди. Шундай бўлса ҳам, диққат қўйиб қараган одам белгили жойларни танирди — ўша-ўша баланд тепаликлар, жарлик-ўрликлар, қўра-қўналғалар, илгари ўтган чоғларида кўзга таниш бўлиб қолган томлардан ўрлаётган тутунлар. Мўрконларидан қишнинг тутун ўрлаётган мана шу нотаниш, бегона уйлар унга ҳозир кадрдондек туюларди. Тез орада Қумбел бекати келади. Ундан сўнг уч соатлар ўтиб Бўронлига етадилар. Кўз очиб юмгунча бориб ҳам қоладилар — ахир худди мана шу ерларга Едигей билан Қозонгап вақт-бевақт туяда келиб-келиб туришмасмиди — таъзияга дейсизми, тўй-тўйчиққа дейсизми... Мана ҳозир ҳам ҳали жуда эрта бўлишига қарамай, кимдир кўнғир туясига миниб бошига катта тулки тумоқни кўндириб қайгадир кетиб боради — Абутолиб панжарага қаншарини қаттиқ тираб тикилиб қаради — балки ўзимизнинг одамлардан бирови бўлиб чиқса-чи?.. Балки бу Едигейдир, Қоранорга миниб бирон юмуш билан йўлга чиққандир? Қудратли нортуясига миниб юз чақиримлаб йўл босиш унга чўт бўлибдими. Бу ҳайбатли туя худди Африканинг жирафасидай оёғини қўлига олиб чопади-я...

Нима бўлди-ю, Абутолиб ўзи ҳам билмаган ҳолда қай бир хаёл билан бўлсайкин — нарсаларини йиғиштириб, поезддан тушиш учун отлана бошлади. Бир-икки бор оёқ кийимини бошқатдан кийиб, пайтаваларини қайтадан ўради, юк халтасини жойлади. Кейин кута бошлади. Лекин жойида ўтиролмади, ҳожатхонада барвақтроқ ювиниб олиш учун соқчиларни кўндирди, сўнг яна купега қайтарилди. Яна нима қилиш, ўзини нимага машғул қилишни билмади.

Поезд эса Сариўзак чўлларини ютиб борарди... Абутолиб ўзини босиб, кафтларини жуфт қилиб икки тиззаси орасига суққанча ўтирар, фақат онда-сондагина ойнага қарашга журъат этарди.

Қумбелда поезд етти дақиқа турди. Бу ерда унга ҳаммаси таниш. Бу катта бекатда поездлар турли томонга тарқалишади. Бекатда у бораётган поезд билан рўпарадан келиб учрашган бошқа йўловчи ва юк ташувчи поездлар негадир Абутолибнинг кўзига худди кадрдон бўлиб қолгандай иссиқ кўринар, ахир нима деманг, улар яқиндагина Бўронлидан, ҳа, унинг хотини ва болакайлари яшайдиган Бўронлидан ўтиб келаётган эдилар-да. Шунинг ўзиёқ унга бу жонсиз нарсаларни севиб қолиши учун кифоя қиларди.

Мана, ниҳоят унинг поезди яна ҳаракатга тушди. Поезд перрон ёқалаб бораркан ва сўнг бекат чегарасидан ўтаркан, Абутолиб одамларнинг ўзига нечукдир таниш бўлиб туюлган чехраларига кўз югуртириб улгурди. Ҳа, ҳа, мана шу қумбелликларни биларди, улар ҳам ўз навбатида эҳтимол Бўронлининг эски одамлари — Қозонгап, Едигей ва уларнинг оила аъзоларини танишар, билишарди. Ахир Қозонгапнинг ўғилчаси Собитжон шу ердаги мактабни тугатган, ҳозир институтда ўқирди...

Поезд бекат йўлларини орқада қолдириб тезликни оширар, борган сари жадал олға силжирди. Абутолиб бу ерларга бола-бақра билан бирга тарвуз олгани келганини эслади. Яна бир гал бу ердан янги йилга арча олиб кетишган эди. Бошқа иш-юмушлар билан ҳам келиб турарди бу ерга...

Нонуштага берилган овқатга Абутолиб ҳатто қўлини ҳам узатмади. У тинмай Бўронлига энди озгина қолганлигини ўйларди — қолса, икки соатдан ор-

тиқроқ вақт қолгандир. Энди Абутолиб ишқилиб, қор ёғиб қолмасин-да, қуюн бошланмасин-да, деб қайғуларди — агар қуюн турса, унда Зарифа ва болакайлари уйдан чиқмайдилар, ана унда уларни ҳатто узоқдан кўришдан ҳам маҳрум бўлади...

“Ё Худойим, — деб ўратанарди Абутолиб, — шу сафар қорингни ёғдирмай тур. Бир озгина сабр қил. Ахир кейин ҳам бунга сенинг вақтинг кўп-ку. Эшит-япсанми? Ялинаман!” Абутолиб гужанак бўлганча, панжаларини чалкаштириб, тиззалари орасига қаттиқ қисиб, фикр-хаёлини жамлаш, сабр-тоқат билан кутиш, чамалаган орзусидан адашиб кетмаслик учун хаёлини йиғиштириш, қандай бўлмасин, тақдирдан сўраган нарсасига етишни истарди — ишқилиб, вагон ойнасидан хотиним ва болаларимни кўрсам, бас, дерди. Улар-чи, улар кўриб қолсалар-чи, уни... Эрталаб у назоратчи кўз остида ҳожатхонада ювинаётганида занглаган тос тепасидаги кўкариб ётган ойнага қаради, рангида ранг қолмаган, бўзарган, қаҳрабодай сарғайган, нақ мурданинг ўзи, ҳатто асирикда ҳам у бунчалар сарғаймаган эди. Соч-соқоллари оқариб қолибди, кўзлари ҳам бошқача, ғам-аламдан сўниб битаётган кўзлар, ажинлар эса пешонасини шудгор қилиб юборган... Ҳолбуки, ҳали унинг қаридим дейишига вақт эрта... Агар болакайлари Довул ва Эрмак, агар хотини Зарифа уни шу аҳволда кўришса, танимасликлари турган гап — балки кўрқиб кетишармиди. Лекин кейин ажабмас, суюнишармиди. У оиласи бағрига қайтса борми, болажонлари ва Зарифа қучоғида ҳаловат топса борми, яна худди аввалги ҳолига қайтарди...

Шуларни хаёл қиларкан, Абутолиб дарчага қараб-қараб кўярди. Яна, яна таниш ерлар — баланд тепалар, уларнинг эгардай ботган ораликлари. Бир маҳаллар у Бронлининг болакайлари шу ерга олиб келишни кўнглига тугиб қўйган эди. У тепадан бу тепага худди тўлқинлар устида сакрагандай чопишиб, қийқариб, ўйнаб қувонишсин деб.

Шу асно купе ҳибсхона эшигининг калити шарақлади, эшик очилди, остонада икки соқчи турарди.

— Сўроққа чиқ! — буюрди уларнинг каттаси.

— Нима сўроқ? Нега? — ҳайрон бўлганча оғзидан чиқиб кетди Абутолибнинг.

Назоратчи ҳайрон бўлиб, ҳатто унга яқинроқ келди. Касал-пасал эмасмикин ишқилиб:

— Нега бўларди? Тур ўрнингдан! Терговга чиқ!

Абутолиб алам бошини эгди. Ҳозир ихтиёр ўзида бўлса ҳеч ўйлаб ўтирмай ўзини дарчага отарди, ташқарига тошдай учиб тушарди агарда дарчанинг темир панжараси бўлмаса... Бўйсунушдан ўзга чора йўқ. Демак, тақдир раво кўрмабди. Демак, у деразадан қараб уларни кўролмайдди, ваҳоланки, қанча орзу қилган, қандай кутган эди бунди. Абутолиб худди елкасига оғир юк ортилган одамдай ўтирган жойидан базўр кўзғалди ва назоратчилар етагида Тансиқбоевнинг купесига йўл олди, назарида уни худди дорга олиб кетаётгандай эдилар. Шундай бўлса ҳам, яна сўнгги умид бирдан ярқ этиб кўринди — ҳали олдинда ахир бир ярим соатчалик йўл бор, балки унгача сўроқ тугаб ҳам қолар. Фақат шунгагина умид қилса бўларди. Тансиқбоевнинг купесига ҳам бўлган масофа бор-йўғи тўрт қадамгина келарди. Абутолиб шу тўрт одимни жуда узоқ босиб ўтди. Терговчи эса уни кутаётган эди.

— Келавер, Куттибоев, бир гаплашиб олайлик, ишлайлик, — деди Тансиқбоев ўткир кўзларини унга қадаб. У соқоли эндигина қиртишланган, сассиқ атир суртилган юзини мамнуният билан силаркан, чеҳрасида ва товушида вазминликни сақлашга уринди. — Ўтир. Сен ўтирсанг ҳам бўлаверади. Шундай қилсак, сенга ҳам, менга ҳам қулай бўлади.

Соқчилар бирон кори ҳол рўй берса, ташланишга тайёр ҳолда ташқарида қолдилар. Қийғиркўзни ўлдиришнинг сира иложи йўқ эди. Яланғоч қўл билан нима ҳам қилиш мумкин. Қўл етгудек ерда на бир стакан ва на бир шиша кўзга ташланар, ҳолбуки, қирғийкўз қиттай-қиттай отиб туришни ҳеч қачон қанда қилмасди. Қаердандир анқиётган ароқ ва газаклар иси шундан дарак берарди.

Поезд эса ҳамон Сариўзак чўлларини ёриб ўтиб борар, Бўронлига етишга энди жуда оз вақт қолган эди. Тансиқбоев шошилмас, қандайдир ёзувларини ўқир, қоғозларини титкилаб varaқларди. Шунда Абутолибнинг юраги сиқилиб паққос ёрилиб кетишига оз қолди, бир неча дақиқа ичида унинг сабр-тоқати тугади. Унга бу сўроқ шу қадар чидаб бўлмас даражада оғир туюлаётган эди. Шунда бирдан у Тансиқбоевга ёрилди:

— Мен тайёрман, гражданин бошлиқ.

Тансиқбоев ҳайрон бўлиб бошини кўтарди:

— Сен тайёрсан? — таажжубланди у. — Нимани кутяпсан? Нимага тайёрсан?

— Сўроққа тайёрман. Саволларни кутяпман...

— Э шундай демайсанми! — деди чўзиб Тансиқбоев шу дамда кутилмаганда ўзининг тантана қилаётганлигини яширишга уриниб. — Нима ҳам деймиз, бу ёмон эмас, Куттибоев, мен сенга айтсам, унчалар ҳам ёмон эмас. Айбланувчи тавба қилиб, ўз ихтиёри билан терговнинг боришига ёрдам бераман деса, саволларга жон-дилдан жавоб қайтарса, бу ёмон эмас, гапнинг очиғи. Демак, унинг айтадиган гапи бор, тергов органларига ошкор этадиган нарсалари бор. Шундай эмасми? — Тансиқбоев бугун дўқ-пўписаларни кўйиб, сўроқни ширин ва сохта дўстона оҳангда олиб бориш зарурлигини англади. — Демак, сен тушуниб етибсан, — давом этди у, — айбингни. Совет ҳокимиятининг душманларига қарши курашда тергов идораларига ёрдам кўрсатмоқчисан. Гарчи ўзинг ҳам ўша душманларнинг биттасисан. Муҳими шуки, совет ҳокимияти сен билан менга ҳар нарсдан афзал, ота-онадан ҳам ортиқроқ. Албатта, ҳар ким буни ўзича тушунади, — у бир пас жим бўлиб қолди-да, сўнг қўшиб қўйди: — Мен сени доим ақли-ҳуши жойида одам деб ўйлаганман, Куттибоев. Шунинг учун доим сен билан тил топишиб кетамиз деб ишонардим. Нега индамайсан?

— Билмадим, — мубҳам жавоб қилди Абутолиб, — гуноҳим нима эканлигини тушунмайман, — деб кўшимча қилди у вагон ойнасига яшириқча кўз қирини ташлаб. Поезд жадал илгарилар, бадқовоқ ер бўйлаб сузган булутлар қошлаб олган Сариўзак чўллари худди тилсиз кинодаги каби чарх уриб орқада қоларди.

— Сенга бир гапни айттай. Очиғига ўтайлик, — давом этди Тансиқбоев. — Билиб қўй, сени бу махсус вагонда худди подшолардай бекорга олиб кетаётганимиз йўқ. Бунақа ишлар шунчаки эрмак учун қилинмайди. Арзимаган нарсага алоҳида купеда олиб юришмайди. Демак, сен тергов ишида жуда муҳим бир шахс саналасан. Кўп нарса сенга боғлиқ. Сенга талаб ўзгача. Ўйлаб кўр. Жуда қаттиқ ўйла. Энди менинг гапларимга қулоқ сол. Бугун қоронғу тушганда Оренбургга, яъни Чкаловга етамиз. У ерда бизни кутишяпти. Бу биз борадиган жойларнинг биринчиси. У ерда сенинг иккита шеригинг яшашини биласан — Александр Иванович Попов билан татар Ҳамид Сайфуллин. Уларнинг иккаласи ҳам ҳозир қўлга олинган. Дарвоқе, уларнинг номларини бизга ўзинг айтгансан. Иккаласи сен билан бирга Баварияда асирликда бўлганларини тан олишди. Кейин биргаликда қочгансизлар. Қочишингиз ҳам шу жуда галатиноқ бўлган, нима учундир тош қонидан фақат сизнинг тўдангиз қочиб кета билган, биз буни ҳали аниқлаймиз. Кейин Югославияга бориб айтишган. Иккаласи ҳам инглиз миссияси билан алоқада бўлган эдик деб кўрсатма беришди. Сен гап нима ҳақида бораётганини яхши биласан. Буни ўз эсдаликларингда ёзгансан. Тан олишим керакки, ёмон ёзмагансан. Бизга Поповнинг — резидент, Сайфуллин унинг ўнг қўли бўлганлиги маълум. Куттибоев, сен агентура ичида етакчилардан бўлмагансан. Шунинг учун терговга кўмаклашсанг, ишинг анча енгиллашади.

— Қандай агентура? Илгари ҳам айтган эдим. Мен қирқ бешинчи йилда уруш тугагандан бери уларни кўрган эмасман, — деб қўшиб қўйди Абутолиб.

— Бу муҳим эмас. Бунинг ҳеч аҳамияти йўқ. Кўз кўзга тушадиган бўлиб шахсан кўришиш шарт эмас. Кимдир ўртада алоқачи бўлган. Мисол учун ўша ҳақиқатчи Едигей Жонгелдин Оренбурггами ёки бошқа бирон ёққа, бормаганмиди? Ахир шундай бўлиши ҳам мумкин-ку. Сизлар кимдир орқали алоқа қилиб тургансиз. Сен олдин яхшилаб ўйлаб ол.

— Агар мен Едигей Оренбургга Қоранорини миниб борган эди, десам, шу етадимми? — сабри чидамади Абутолибнинг.

— Сен яна эски ашулани бошлаяпсан, Қуттибоев. Бекор қиласан. Ахир мен сен билан яхшиликча гаплашяпман. Сен бўлсанг, бурнингни жийирасан. Қаршилик кўрсатаверсанг, ўзингга жабр қиласан. Едигейнинг ташвишини чекма. Керак бўлса уни ҳам туясига қўшиб қамаймиз. Агар уни тинч қўйишимизни истасанг, юзлашган пайтда қилиқ қилма.

Олдиндаги паровоз қаршидан келаётган поездга узоқ, кудратли товуш берди. Унинг кучли овози Абутолибнинг юрагини зирқиратиб юборди. Бўронлига жуда озгина вақт қолди. Қирғийқўзнинг муҳокамалари Абутолибни қўрқитарди. Бундайлар учун шу мамлакатда мумкин бўлмаган ҳеч нарса йўқ. Қўллари-дан ҳамма нарса келади. Лекин ушбу соатда Тансиқбоевнинг сўзамол бўлиб қолгани, ҳали-вери сўроқни тугатиш иштиёқида эмаслиги Абутолибни ҳаммадан ортиқ эзар, хит қиларди.

— Шундай экан, — жимликни бузди Тансиқбоев олдидаги қоғозларни нари суриб. У Абутолибга бошини кўтариб қаради. — Ишончим комилки, биз бир-биримизни тушуниб оламиз. Шунда қутуласан. Оренбургдаги юзлашишга қўп нарса боғлиқ. Ё сен менга кўмаклашиб ишлайсан, ё мен шундай қиламанки, кейин сен умр бўйи армон қилиб юрасан. Тўрт баравар ортиққа кесилиб кетасан, ё қаншарингдан отиласан. Ўзинг билсанг керак бу нарсаларнинг фарқини. Биз Титога ҳам етиб борамиз. Ҳаммаларинг шунча вақтдан бери унга хизмат қилгансизлар. Ишни Иосиф Виссарионовичнинг ўзи кузатиб турибди. Ҳеч ким жазодан қочиб қутулолмайди. Таг-томири билан суғуриб ташлаймиз. Шунинг учун азизим, шукур қил, сенга мен ёмонлик истамайман. Лекин сен ҳам қараб турмаслигинг керак. Гап нимада эканлигини тушунаясанми?

Абутолиб индамас, вужуди муздай қотиб, Бўронлига кириб бориш сонияларини миясида ҳисобларди. Демак, болакайларни лоақал ойнадан кўриш ҳам nasib этмас экан-да. Бу фикр миясини тинимсиз пармаларди.

— Нимага индамайсан? Сендан сўраяпман, гап нимада эканлигини тушуняпсанми? — синчиклаб сўрарди Тансиқбоев.

Абутолиб бошини лиқирлатди. Албатта, у гап нима ҳақида бораётганлигини фаҳмларди.

— Э боракансан-ку! — Тансиқбоев Абутолибнинг бош қимирлатганини ўзича тушунди, у ўрнидан туриб Абутолибга яқин келди-да, ҳатто унинг елкасига қўлини қўйди. — Мен билардим, сен тушунадиган йигитсан. Сен охирида тўғри йўлни топиб оласан, дердим. Демак, сен билан келишиб олдик. Ҳеч нарсадан иккиланиб ўтирма. Ҳаммасини мен айтгандай қил. Энг муҳими — юзлашганда, ҳаяжонланма. Кўзига қараб туриб, бор гапни айтавер. Попов — резидент. Қирқ тўртинчи йилдан бери инглиз разведкасига ёлланган, ватанга қайтишдан бурун Тито ҳузурда кенгашда бўлган, ғалаёнлар чиқишини мўлжаллаб узоқ муддатли топшириқ олган. Ана шунинг ўзи етарли. Энди анави татар Сайфуллин масаласида гап шундай: Сайфуллин — Поповнинг ўнг қўли. Гап тамом. Шу етарли. Қолганини ўзимиз эплаймиз. Шунга айтсанг, бас. Иккиланиб ўтирма. Сенинг қўрқадиган жойинг йўқ. Ҳеч нарсадан чўчима. Менга ишонавер. Хуллас калом, ана шундай. Душманлар билан гапимиз қисқа, душманларни мажаклаймиз. Дўстлар билан бирга ишлаймиз — уларнинг раъйига қараймиз, аҳволини енгиллатамиз. Ёсингда тут. Яна яхшилаб уқиб ол. Мен ҳазил-мазахни ёқтирмайман. Нега бунча рангинг оқариб кетди? Нима қилди, тобинг қочди-ми? Ҳаво етмаяптими?

— Ҳа, тобим йўқроқ, — деди Абутолиб кўнгли озиб, тинимсиз чириллаб айланаётган бошини базўр тутиб. У худди ёмон овқат еб қўйиб кўнгли озаётгандай эди.

— Э ундай бўлса, сени ортиқ ушлаб ўтирмайман. Ҳозир жойингга қайтиб бориб, то Оренбургга етгунча дамнингни ол. Аммо Оренбургда ўқланган милтиқдай бўлиб тур. Тушундингми? Юзлашганда ўзингни у ёқдан бу ёққа ташлама. Ҳеч қанақа “эсимда йўқ, билмадим, унутибман” деганга ўхшаш гаплар бўлмасин... Бор гапни кўндаланг айт, тамом-вассалом. Қолгани билан ишинг бўлма-

син. У ёғини ўзимиз эплаймиз. Шунақа. Ҳозир қоғоз олиб ёзиб-чизиб ўтирмаймиз, бор, дамингни ол. Оренбургда юзлашгандан кейин бир хулосага келиб, қоғозларга имзо чекамиз, қоидаси шу. Кўрсатмаларга қўл қўйиб берасан. Энди боравер. Сен билан ҳаммасини келишиб олдик ҳисоби. — Тансиқбоев шу сўзларни айтиб Абутолибни купе-ҳибсхонага жўнатди.

Мана шу дамдан бошлаб, Абутолиб учун аллақандай ўзгача бир ҳаёт бошланди. У худди янги бир маррага чиққанга ўхшарди. Унинг назарида поезд ўз ҳаракатини тезлаштиргандай эди. Ойна ортида кўзга яхши таниш жойлар липлип ўтар, Бўронлигача саноқли дақиқалар қолган, нафасни ростлаш, ўзини қўлга олиш, воқеанинг қандай боришига тайёр туриш лозим эди, лекин ҳаммадан бурун поезднинг тезлигини бир оз бўлса ҳам пасайтириш керак эди. “Қандай бўлмасин, поездни секинроқ юрадиган қилиш керак”, — деб хаёлидан ўтказди Абутолиб қандайдир илоҳий кучларнинг ўзига мадад беришига негадир ишониб. Кўп ўтмай у поезд ўз тезлигини пасайтираётганлигини сизди. Балки унга шундай туюлгандир. Бироқ ҳақиқатан ҳам, ойна ортида унинг қаттиқ гашини келтираётган липиллаш тўхтади. У шунда ўзига ўзи деди: “Ҳаммаси мен айтгандай бўлади!” — шунда у бир оз нафасини ўнглади, ҳансираши босилди, тўсиқли дарчага пешанасини тираганча кута бошлади.

Поезд ростдан ҳам Бўронли бекатига яқинлашарди. Бу ерларга Абутолибни кулфат абгор қилиб ҳайда келганди. Шу ерда у туп отди. У болалар ўсиб катта бўлгунча тарихнинг гурбатлари ўтиб кетишини кутаган деб орзу қиларди. Лекин бу орзуси ҳам рўёбга чиқмади. Хонадони тақдирнинг ёмон ўйинларига дучор бўлди, ўзи эса мана, ҳибсхонага айлантирилган купеда қадрдон уйи рўпарасидан ўтиб борапти.

Абутолиб барини гўё бир умрга, охириги нафаси қолгунча, кўзларидан энг сўнгги нур кетгунча эслаб қолишни истагандай, дарчага шунчалар орзиқиб, зўриқиб, зўр бериб тикиларди. Қишнинг феврал ойи, кун пешинга оғиб борар, шу дамда у ниманики кўрган бўлса: уюм-уюм бўлиб ётган қорлар, темир йўл бўйидаги олачалпоқ қорайиб турган ялангликлар, дам унда-дам бунда қор тўдаланиб ётган чўллар — буларнинг ҳаммасини у худди муқаддас бир маъво каби муҳаббати қалбидан тошиб, куйиб-ўрганиб, жони ҳалқумига келгудай бўлиб қабул қиларди. Мана ўша тепа, мана ўша тепанинг ўртаси, мана ўша сўқмоқ; бу ердан улар Зарифа икковлари асбобларни елкаларига кўтариб, йўл тузатиш учун ўтган эдилар; мана ўша ёз чоғлари Бўронлининг чурвақалари унинг болакайлари Довул ва Эрмак билан бирга ўйнайдиган яланглик майдон... мана бир неча бош туялар, ана нарироқда яна бир жуфти турибди. Уларнинг бири — Едигейнинг қоранори — уни узоқдан ҳам таниб олиш мумкин, ўша-ўшандай ҳайбатли, кучли, шошилмай қайгадир кетиб боради; лекин нима бўлди? Бирдан қор ёға бошлади, ташқарида қор учкунлари тезлашди, бежиз эмас экан эрталабдан осмоннинг булутларга бурканиб олгани: жиндаккина, яна жиндаккина қор ёғмай турганда эди; мана, туяларнинг қўтонлари ва мўрконида тутун ўрлаётган биринчи том ҳам кўринди, мана, кўрсатгичга ҳам келдик, поезд иккинчи йўлга ўтпти, филдираклар излар уланган ерлардан ўтган чоғда қаттиқ тақиллайди, ана, ҳужрача олдида йўл кўрсатиб, байроқча кўтариб кимдир турибди, ийе, қаранг, бу Қозонгап-ку, худди қуриган оғочдай қотма; о, Худойимей, Қозонгапнинг будкаси лип этиб ўтди, поезд бекатда тўхтамай юриб кетпти: анави уйчалар, уларнинг томлари, дарчалари, ана, кимдир уйга кириб кетди, Абутолиб фақат унинг елкасини кўриб қолди, ана, аллаким ёғоч тахталар орасида болакайларга нимадир ясапти. Ийе, Едигей-ку бу, ҳа, бу Едигей — эгнида пахталик, енглари шимарилган, унинг ёнида қизалоқлари, э ана Эрмак тойчоғим, Эрмак ҳам шу ерда экан, жондан азиз болагинам, Едигейнинг ёнгинасида турибди болагинам, Едигейга ердан ниманидир олиб берапти, о, Худойим, унинг юзи лип этиб кўриндию кўздан ғойиб бўлди. Э, бу Довул қаерда? Зарифа-чи? Ана ҳомиладор бир хотин аста қадам ташляпти, бу бекат бошлигининг хотини Саула, э, ана, Зарифа, рўмол ўраб олган, рўмоли елкасига оғиб тушган; Зарифа ва Довул; онаси кичкинтойини қўлидан ушлаб етакляпти, улар Едигей билан болалар нимадир ясаётган томонга боришпти, уларнинг

ҳеч хабарлари йўқ Абутолибдан. Абутолиб эса қичқириб, бақириб, дод-фарёд кўтармаслик учун қўллари билан оғзини маҳкам ёпиб, титраб-қақшаб не ал-фозда турганини кўрмайдилар, билмайдилар. “Зарифа! Меҳрибоним! Довул! Довул! Тойчоғим! Бу менман! Мен сизларни охирги марта кўряпман! Алвидо! Довул! Эрмак! Алвидо! Унутманглар! Мен сизларсиз яшолмайман! Сизлар, жондан азиз болаларимсиз мен ўлиб қоламан. Суукли хотиним Зарифасиз менга ҳаёт ҳаром! Алвидо!”

Поезд шунча ўрганиб, орзиқиб қутилган Бўронлидан пишқириб ўтиб кетди. Лекин Абутолибнинг нигоҳида нимани кўрган бўлса ҳаммаси гўёки муҳрланиб қолди ва анчагача кўз ўнгидан кетмади. Ташқарида қалин қор гупиллаб ёғар, аллақачон бари орқада қолган, бироқ Абутолиб Қуттибоев учун вақт ўша ўтиб кетган маконда тўхтаган, йўлнинг ўша озгинагина бўлагиди унинг бутун ҳаёти, ҳаётининг маъноси, дарду азоблари қолган эди.

У барибир ойнадан нари кетолмас, гарчи бўралаб ураётган қор туфайли ташқарига қарашдан ҳеч бир маъно қолмаган эди. У деразага ёпишганча тураверди, у адолатсизликка бўй бермаган, унга тоқат қилмаган, мурасага келмаган ҳолда ўша қайсидир енгиб бўлмас кучга бўйсунибга мажбур бўлди. Унинг бутун вужуди бундан ларзага тушди. Ахир хотин бола-чақалари ёнгинасидан биқиниб, пусиб, жимгина худди забонсиз махлуқдай ўтиб кетишнинг ўзи бўладими? Уни озодликдан маҳрум этган куч шунга мажбур қилди ва у поезддан сакраб тушиб улар билан кўришиш, соғиниб, кўзлари тўрт бўлган бола-чақалари қошига пешвоз чиқиш ўрнига, хўрланган, афтода бир кўйда дарчадан томоша қилиб турди. Тансиқбоев унга ит ўрнида кўриб муомала қилса-да, майли деди, кўнди, кўйиб берди худди бурчакда қимирламай ўтиришга буюрилган итдай! Шунда Абутолиб ўзини қандай овутиш, таскин бериш мақсадида бир нимага аҳд қилди, сўз берди, лекин аҳдини тилига чиқармади, лекин у энди аён тушунди...

Кўз очиб юмгунча ўтиб кетган учрашувнинг аччиқ шарбатини Абутолиб энди охиригача ичарди. Фақат шугина унинг кўлидан келарди. Фақат шугинага унинг ихтиёри ўзида эди. У ҳаммасини қайтадан кўз ўнгимдан ўтказсам, кўз ўнгимда бутун тафсилотлари билан батафсил гавдалангирсам дерди: Қозонгапни даҳватан кўрган пайти кўз ўнгига келади, ўша-ўша чайир қўлларида кўймайдиган байроқча, ўша-ўша айрилмас кути-уйчаси, у бекатчанинг дам у бошида, дам бошида туриб қанчадан-қанча поездларни кузатиб кўймадийкин, кейин Бўронлининг пастак уйлари, мол қўралар, мўрконлардан буралиб чиққан тутунлар кўз олтидан бир-бир ўтади; кейин — Эрмакнинг илк бор кўрган пайтини эслайди, кўксиди вулқондай отилиб чиқишга тайёр турган қичқириқ, фарёдни ичига ютиб қўллари билан оғзини маҳкам беркитиб олгани-чи; Эрмак болалар билан Бўронли Едигейнинг ёнида ўйнаб юрар, Едигей эса ўша пайтда болаларга нимадир ясамоқда эди. Ҳа, Едигей, бу дунёда худди мустаҳкам қоя каби ўзини йўқотмаган, садоқатли Едигей. Эрмак Едигейга тахта бўлагиними ё бошқа бир нарсаними узатиб турган эди. Мана шу бир зум. Шу бир зумнинг лаҳзалари унинг миясида жуда қаттиқ ўрнашиб қолди: йирик гавдали, гирдигумдан келган, қорача юзли, енглари шимарилган, устига пахталик кийган, оёғида кирза этик Едигей болақайларнинг жони-дили эди, унинг шундоқ ёнгинасида бошига эски телпак ва оёғига кигиз этикча кийган тирмизак, улар томонга оҳишта юриб бораётган Зарифа ва Довул. Шўрлигим, меҳрибон Зарифам — шундай яқингинадан уни кўрдим — рўмоли елкасига сидирилиб тушиб, қоп-қора тўлқинли тўс сочлари очилиб қолибди — унинг оқаринқираган чехраси шунчалар маъсум ва дилбар эди; камзулининг тугмалари ечилган, оёғида ўзим олиб берган пишиқ этик, бошини ўғилчиси томонга бир оз эгган — унга нималарнидир сўйлаб келар — буларнинг бари Абутолибга шунчалар яқин, қадрдон, азиз, унутилмас нарсалар эди. Шунинг учун бу кўринишлар унга яна анчагача ҳамроҳлик қилди, улар билан хаёлан қайта-қайта хайрлашди, чунки бу уларнинг охирги кўришувлари эди... Энди бу айрилиқнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди, ҳеч нарса билан ва ҳеч қачон...

Йўл бўйи қор бўралаб ёғди, куюн, бўрон турди. Оренбургга етмасларидан бир бекатда поезд бир соатча тўхтаб қолди — йўлни қор уюмларидан тозалаёт-

ган эканлар... Ғовур-ғувур овозлар эшитилар, одамлар ёмон айниган ҳавони ва умуман ёруғ дунёдаги барча нарсаларни қолдирмай сўкиб, қарғаб ишлашарди. Кейин поезд қор қуюнларига бурканганча яна йўлга тушди. Оренбургга узоқ кириб бордилар. Йўл ёқаларидаги дарахларнинг таналари тумтайиб, ғира-шира қорайиб кўринар, улар бамисоли ташландиқ қабристондаги қурилган оғочларга ўхшардилар. Шаҳарнинг ўзи кўринмасди. Тақсимлаш бекатида кечаси яна анча турдилар — махсус вагонни тизимдан чиқардилар. Абутолиб буни вагонларнинг бир-бирига қарсиллаб урилиши, ишчиларнинг бақир-чақирлари, ёрдамчи локомотивларнинг қичқириқларидан билди. Кейин вагонни яна қайгадир судраб кетишди, афтидан, чекка йўлга чиқариб қўйишди.

Махсус вагон ўзига ажратилган ерга қўйилганда тун ярим кечадан оғган эди. Охириги силтаниш билан пастдан охириги бир товуш янграб чиқди: “Бўлди! Орқанга қайт!” Вагон таппа-тақ тўхтади.

— Бўлди! Келдик! Қани, маҳбус, йиғиштир! Чиқ жойингдан! — деб буюрди соқчилар бошлиғи Абутолибга купе эшигини очиб. — Бўла қол! Ўмиллама! Тез чиқ! Ухлаб қолдингми? Тоза ҳаводан нафас ол!

Абутолиб унга томон базўр кўзгалди ва назоратчига бақамти келиб ҳиссизгина деди:

— Мен тайёрман. Қаерга борай?

— Тайёр бўлсанг, юр! Қаерга боришни соқчи айтади, — назоратчи Абутолибни вагон йўлагига чиқарди, лекин орқасидан ҳайрон бўлиб қичқириб тўхтатди:

— Нима? Юк халтанг шу ерда қоладими? Қаёққа? Нега халтангни олмайсан? Ё сенга юк ташувчини чақириб берайликми? Қайт орқанга, юкингни ол!

Абутолиб купега қайтиб, унутилган юкхалтани истамайгина кўтарди, у яна вагон йўлагига чиққанда шу ерлик икки махсус ходимга дуч келди, улар вагондан шошилишч юриб келар, юзлари жиддий эди.

— Тўхта! — Абутолибни вагон деворига тақади назоратчи. — Ўтказиб юбор, ўртоқлар ўтиб кетишсин!

Вагондан чиқаркан, Абутолиб ҳалиги иккиси Тансиқбоевнинг купесини тақиллатганларини эшитди.

— Ўртоқ Тансиқбоев! — янгради уларнинг ҳаяжонли овози. — Яхши келдингизми? Кўп кутдик сизни! Бизда қор ёғяпти! Кечирасиз! Рухсат этинг, ўртоқ майор, ўзимни таништирай!

Аскарый қалпоқ ва кийимлар кийган уч соқчи пастда маҳбуснинг тушишини кутиб туришар, уни темир йўл изларидан олиб ўтиб ёпиқ машинага жойлашлари керак эди.

— Э, бўл, тез туш! Нимани кутяпсан? — шоширди соқчилардан бири.

Назоратчи кузатувида Абутолиб вагон зиналаридан аста тушди. Шу заҳоти қаттиқ совуқ бурнини ачитди. Қор майда учқунлаб уриб турарди. Музлаб қолган зина тутқичлари қўлини игна санчгандай зирқиратиб юборди. Нотаниш бекатнинг чироқлари тун зулматини ёритар, темир йўл изларида қор қуюнлари эланар, вагонларни уловчи локомотивларнинг безовта чинқириқлари янгарди.

— Тўқсон еттинчи рақамли маҳбусни топшираман! — деб маълумот берди катта назоратчи пастдаги соқчиларга.

— Тўқсон еттинчи рақамли маҳбусни қабул қилиб олдим! — акс садо берди катта соқчи.

— Тамом! Шулар билан борасан! — деди Абутолибга катта назоратчи охирида. Кейин нима учундир қўшиб қўйди: — Машинага солиб олиб кетишади...

Абутолиб релслар ва шпалларни тусмоллаб қадам босганча, соқчилар қорувулигида юриб кетди. Улар чимдиб ураётган қордан ўзларини пана қилиб боришарди. Абутолиб елкасига юкхалтасини осган эди. Дам унда-дам бунда тунги навбатчи локомотивлар чинқириб қўярди.

Тансиқбоевни кутиб олиб уни меҳмонхонага кузатиш учун келган оренбурглик ҳамкасблар купеда сафар тугаганини ювиб андак ушланиб қолдилар. Ҳамкасблар танишиб олишгани шарафига шу ернинг ўзидаёқ қадаҳ кўтариш ва газак қилишни таклиф этишди, бунинг устига тун, ишдан холи вақт эди. Ким рози бўлмайди дейсиз. Гангур-гунгур суҳбат чоғида Тансиқбоев гишт қолипдан кўчганлигини айтиб, юзлаштириш энди яхши натижалар беради деб умид билдирди. Акс ҳолда Олма-отадан овора бўлиб шунча йўл босиб келишнинг сира маъноси қолмасди.

Ҳамкасблар жуда тез апоқ-чапоқ бўлиб кетишди, кайфлари чоғ, қизгин суҳбатга шўнғишди.

Бирдан ташқарида ҳаяжонли ғала-ғовур кўтарилди. Вагон ичи тапир-тулур бўлиб қолди. Купега соқчи ва катта назоратчи отилиб киришди. Соқчи қонга беланган эди. У юзи ёмон қийшайиб кетган, овози ваҳшиёна ҳирқираган ҳолда Тансиқбоевга қарата қичқирди:

— Тўқсон еттинчи рақамли маҳбус ҳалок бўлди!

— Ҳалок бўлди? — дик этиб ўрнидан туриб кетди ҳуши учиб Тансиқбоев. — Нега ҳалок бўлади?

— Ўзини поезд тагига ташлади! — деб тушунтирди катта назоратчи.

— Нега ташлайди? Қандай ташлайди? — назоратчини қаттиқ силталади Тансиқбоев.

— Темир йўлдан ўтаётганимизда ўнг ва сўл тарафдан икки локомотив келиб қолди, — деб тушунтира бошлади соқчи тутила-тутила. — Тизимни судраб олиб ўтишди, у ёқдан бу ёққа... Тўхтаб кутиб туришга мажбур бўлдик... Маҳбус бўлса бирдан юкхалтаси билан бошимга урди. Кейин ўзини паровознинг тагига отди...

Ҳаммалари бу кутилмаган ишдан ўзларини йўқотиб ҳангуманг бўлиб қолдилар. Тансиқбоев ташқарига чиқиш учун апил-тапил у ёқ-бу ёғига қаради.

— Оббо аблаҳ-ей! Қутулиб кетди-я, ифлос! — сўкинди у овози қалтираб-қақшаб. — Ишнинг белига теғди! А! Оббохолам! Қутулиб кетди-я, қутулиб кетди! — у қўлини жаҳл билан силтаб ўзига стаканни тўлдириб ароқ қуйди.

Унинг оренбурглик ҳамкасблари бу орада соқчига қаттиқ писанда қилиб қўйишни эсларидан чиқаришмади: бу ишга сенлар жавоб берасанлар...

* Чингиз Айтматов. Тавро Кассандры. Москва — 1995 йил нашридан ўзбек тилига таржима қилинди.

*Жаҳонга таниқли,
севимли адиб*

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ 70 ёшга тўлди.

*Шу муносабат билан биз ўзбек журналхонларига
унинг “Чингизхоннинг оқ булут” қиссасини тақдим этдик.
“Жаҳон адабиёти” таҳририяти ўз муштарийлари номидан
буюк ёзувчимизни қутлуғ сана билан
чин юракдан табриклайди
ва унга энг яхши тилақларини йўллайди.*

Рабиндранат ТАГОР

Кўнглимизда умид ва иймон

БАЙРАМ ТОНГИ

Калбим эрта тонгдан шод бўлди беҳад,
Ва жо-бажо бўлди дунё бесарҳад.
Офтоб ёғдулари — тилло-заъфарон,
Лол этди боз мени, айлади ҳайрон.

Субҳидам Тангриси боқаркан кулиб,
Сайрай кетди қушлар шавқ-завққа тўлиб.
Тонг васфин куйлашар жўровоз ёниб,
Дунёнинг васлига бўлмас ҳеч қониб.

Оғамдай бағрига чорлади осмон,
Кўксига бош қўйдим беғам, беармон.
Офтоб ҳимматидан кўнглим сарафроз,
Нурдан қанот боғлаб айладим парвоз.

Офтоб-эй, сен билан пайваста жоним,
Мудом равшан бўлгай шарқий осмоним.
Ложувард самонинг бағрига мен ҳам,
Жо бўлай сен каби, жо бўлай беғам!

ОДДИЙ ОДАМ

Оқшом, қўлда асо, бошида тугун,
Соҳил бўйлаб деҳқон қайтарди юпун.
Юз йил ўтиб рўё рўй бериб агар,
Шу кўйи шу йўлдан ўтса у магар.

*Абдулҳамид
ПАРДАЕВ
таржимаси*

Донишманд Шарқ башариятга етиштириб берган улкан сий-молар қаторида Рабиндранат Тагор (1861—1941) нинг алоҳида салмоқли ўрни бор. Тагор қитъамиздан биринчи бўлиб Адабиёт соҳасида Нобель мукофотини қўлга киритгани билан ҳам эътиборга молик ижодкор саналади. Улуғ шоир, адиб, драматург ва публицистнинг ижоди ўзбек китобхонларига яхши таниш. Журналхонларимизни унинг беназир шеъриятидан қилинган янги таржималардан яна бир марта баҳраманд этиш-ни лозим топдик.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

58

Бошида тугун-у, дастида асо,
 Анграйса атрофга мисли норасо,
 Тўплангай томоша талаб оломон,
 Қуршаб ҳам олгайлар бари лол-хайрон.
 Қисмати-исмати, дарди-қувончи,
 Далаю-чорваси, севги севинчи,
 Уйи, маҳалла-қўй ҳаёти шаксиз,
 Ҳайратга соларди барчани сўзсиз,
 Ажиб қиссасини тинглаб ҳар инсон,
 Достон экан дерди, чинакам достон!

* * *

Босиб келар экан булутлар вазмин,
 Зулматга чулгангай тўрт томон ҳазин.
 Кўнглим, улар янглиғ сен ҳам қанот ёз,
 Сирли ўлкаларга айлагил парвоз.
 Қадрдон гўшангдан кечақол, кечгил,
 Булутлардан юксак учақол, учгил.

Кўнглингда ғуссадан қолмайин асар,
 Қақшатқич яшинга айлангай яксар.
 Пўртана-долғага эш бўлгин сен ҳам,
 Шиддатинг-шаҳдингдан титрагай олам.
 Энг гизли сирлар ҳам бўлгайлар аён,
 Ва бўронлар билан сайр айлаб чунон,
 Чақмоқ чақиб олам ёришган замон,
 Ниятингга етгил сен-да беармон!

* * *

Эй Ҳинд! Гарчи тужжор бағри тош,
 Фазаб билан боқсин, эгма бош!
 У Мағрибдан келган ёт, дайди,
 Эҳтиромга, йўқ, арзимади.
 Ваъдаларга алданма, учма,
 Ҳақ йўлингдан ҳеч қачон кечма.

Қалбингдаги жавоҳир, гавҳар,
 Кулбангни боз этгай мунаввар.
 Ва шоҳона тож бўлиб қўнар,
 Бойликдан-чи ёвузлик унар,
 Дабдабага бегона меъёр,
 Тубанлашма бироқ сен зинҳор!
 То кўнглинг тинч, қушдайин ҳурсан —
 Қашшоқлигинг билан маъмурсан!

ЖАҲОЛАТ

Кимки бўлса жаҳолатга қул,
 Хунрезликни ўйлагай нуқул.
 Ким йироқ гар сажда, тавобдан,
 Қуруқ қолмас бироқ савобдан,
 Тафаккури ёритаркан йўл,
 Эзгу ишга қўл уради, қўл.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ғайридинни ўлдириб жоҳил,
 Жинойтга боз бўлди дохил.
 Худо берган ҳаётни ундан,
 Тортиб олди кечиб имондан.
 Қонли туғни тутганча қўлда,
 Қонга — қон деб борарлар йўлда.
 Кин-адоват, ўтмиш иллатин,
 Қаҳру ғазаб, қўрқув кулфатин,
 Муқаддас деб қилдилар ҳавас,
 Жаҳолатга ботдилар, хуллас.
 Бироқ замон бамисли бўрон,
 Иллатларни янчгай бегумон.

Тоғдайин чўнг бу манфур қусур,
 Яроғ бўлди ёвуз не аср.
 Унут бўлди севги-ишқ тамом,
 Авжга минди қиргин, қатли ом.
 Қайта-қайта ёвлашиб гумроҳ,
 Қазидилар ўзларига чоҳ.

Йо раб! Ўзинг шафқат қил, шафқат,
 Осийларни тарк этгай нафрат.
 Қонга чўмган қирмизи, алвон,
 Қасрларни яксон эт, яксон.
 Жаҳолатни янчиб муқаррар,
 Кўнгилларни айла мунаввар!

МАҒРУРЛИК

Кираркан ёлворди: “Бир боқ!” дея зор,
 “Кет!” дедим мен парво қилмайин зинҳор.
 Шунда ҳам кетмади йўқ, дугонажон,
 Кўзим чиқсин булар бўлса гар ёлғон.

Яқинлашди. Дедим: “Бир оз нари тур!
 Жаҳлим чиқар бўлса, сўнг ўзингдан кўр!”
 Ҳатто бу зарба ҳам қилмади таъсир,
 Асир бўлган эди, шунчалар асир.

Рубару бўларкан менга дафъатан,
 Жиркангандай юзим ўгирдим ундан.
 Ҳатто шундан сўнг ҳам бу жўмард шоввоз,
 Дугонажон, мандан воз кечмади, воз.

Юзларимдан бўса оларкан илиқ,
 Силтаб ташладим рост: “Бу нима қилиқ?!”
 Тушмиди, ўнгмиди, билмадим бироқ,
 Ҳатто ўйламасди кетишни йироқ.

Гулчамбар тақди у қўшиб меҳрини,
 “Ўзингга сийлов!” деб сочдим қаҳримни.
 Дугонажон, ҳамон ҳайронман, ҳайрон,
 Шунчалар ҳам қайсар бўларми инсон!

Гулчамбарни олиб кетди у бадар,
 Интиқман йўлига ҳозирга қадар.
 Дугонажон, менга ўзинг бер айтиб,
 Наҳотки келмас ҳеч, келмайди қайтиб?!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

* * *

Бенгалия! Азиз юртим, Ватаним, онам,
Юрагимда мангу янграр шўх-шаън таронам.
Гулга кирган анбахзорлар дардимга дармон.
Сеникиман, сеники мангу!
Ҳосили мўл ғаллазорлар тенгсиздир, ёху!

Тонгларингнинг таровати лол айлагай, лол,
Яйловлару қир-адирлар нашъаси — иқбол,
Ҳаётим ҳам мамотимсан, юртим, бегумон,
Сеникиман, сеники мангу!
Бошингга ҳар тушган кулфат — мен учун оғу!

Долғалардан йироқ ўсдим ҳам қувнаб, яйраб,
Кўксимдаги кумри мадҳинг куйлагай сайраб,
Оқшомлари чироқларинг порлагай, аён,
Сеникиман, сеники мангу!
Кучоғингга боз талпинган дилбандингман шу!

Яйловларда тўп-тўп уюр, кўзилар-қўйлар,
Сой бўйи ҳам ўрмонларда тизилган уйлар.
Кўли қадоқ элинг ором билмагай ҳамон,
Сеникиман, сеники мангу!
Ҳар чўпонинг — иним, ҳар бир деҳқон — оғам-ку!

Тавоб этгум тақрор юртим, эй меҳригиё,
Хок-туробинг кўзларимга қилгум тўтиё!
Жисму жоним сенга нисор этгум беармон.
Сеникиман, сеники мангу!
Неки менга бегонадир, менга ҳам ёт — у!

ДАЪВАТ

Қайтаролмас ҳеч изимизга,
Ҳеч битга жон, ҳеч қачон.
Фов бўлса гар кимдаки бизга,
Ғам кутар, ғам бегумон.
Кишанларни узгаймиз. Шаҳдам —
Шўх-шаън қиш-ёз ташлаймиз қадам.
Чоҳ қазиса бизга қай одам,
Тушгайдир ўзи, инон,
Ғам кутар, ғам бегумон.
Шиванинг бу даъвати янграр,
Янграётир шиддаткор.
Бизни нурли манзиллар чорлар,
Минг битга йўл интизор.
Қалбимизда синоат-сеҳр,
Дилларда — нур, кўзларда қаҳр,
Кул бўлса ким зулматга ахир —
Зиёдан кўрқса қай жон,
Ғам кутар, ғам бегумон.

От солгаймиз юксак-юксакка,
Кўлга киргай бор уммон.
Чўчима ҳеч. Эмассан якка,
Дўстлар мудом ёнма-ён.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

81

Титрасалар қўрқоқлар ночор,
 Ёлғизликка ким бўлиб дучор,
 Тутқинликда нотавон, абгор,
 Узоқ йиллар қусар қон,
 Ғам кутар, ғам бегумон.

Шива — Ҳаёт! Ва бошлангай жанг,
 Яловимиз ҳилпирар шоён.
 Ғовлар қулар, Йўллар равон, кенг,
 Мушкуллар бўлгай осон.
 Уммон жўшсин, тошсин, қайнасин,
 Мангуликни ҳада айласин.
 Ким ажални ҳақ деб ўйласин —
 Қисмати кундай аён!
 Ғам кутар, ғам бегумон.

* * *

Кишан-тушов қаттиқдир қанча,
 янчгаймиз тез барчасин шунча.
 Қонга тўлгай кўзлари майли,
 устун келгай қаҳримиз хайли.

устун келгай қаҳримиз хайли.
 Ҳамжиҳатлик фурсати етди,
 хомхаёллар замони ўтди,
 Арслон янглиғ тортайлик наъра,
 асрий ғафлат тарк этса зора,
 асрий ғафлат тарк этса зора!

Бари бўлгай майлига яксон,
 хўп яхшироқ тиклаймиз чандон,
 Бошимизга ёғсин балолар,
 қаҳримиз ўч тусини олар,
 қаҳримиз ўч тусини олар.

Кўнглимизда умид ҳам имон,
 бошимизда Тангри соябон,
 Қутлуғ айём яқин кун сайин,
 туғларини топтаймиз тайин,
 туғларини топтаймиз тайин!

* * *

Кемамизни бошлагил олға!
 Писанд эмас пўртана-долға!
 Шарафлармиз сени то абад!
 Майли қўпсин бўрону тўфон,
 Қайтмагаймиз ортга ҳеч қачон!
 Шарафлармиз сени то абад!
 Сен ўзингсан бизга қўш қанот,
 Юракларда шижоат, сабот,
 Раҳнамомиз, эй алпқомат!
 Чорлаётир бизни хур манзил!
 Кемамизни бошқаргил фозил!
 Шарафлармиз сени то абад!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Кимки ожиз, ким заиф, беғам,
 Бўлолмагай бизларга ҳамдам,
 Раҳнамомиз, эй алпқомат!
 Биз барчамиз бир жону бир тан,
 Қиёматли туғишган — яктан,
 Шарафлармиз сени то абад!
 Пири комил Ўзинг бегумон!
 Бор бу дунё Ватан жонажон,
 Раҳнамомиз, эй алпқомат!
 Йўлимизни айла мунаввар
 Чўчитолмас на хавф, на хатар,
 Шарафлармиз сени то абад!
 Интилгаймиз олдинга шитоб.
 Дадил олға термилар шу тоб
 Раҳнамомиз, эй алпқомат!
 Гирдоб, тўлқин гар даҳшат, ваҳма,
 Руҳимизга сололмас раҳна,
 Шарафлармиз сени то абад!
 Қўрқув ила ортга қайтмаймиз,
 Ва мадад бер деб ҳам айтмаймиз,
 Раҳнамомиз, эй алпқомат!
 Тўрт томону ҳам жон-да, инон —
 Собит руҳинг мудом намоён!
 Шарафлармиз сени то абад!

* * *

Қайда мағрур, қайда хур инсон,
 Қайдаки бош эгмас ҳеч қачон;
 Қай манзилда бу чархи даввор,
 Бўлинмаган тортилиб девор —
 Минг бир хона, минг бир йўлакка;
 Қайда — Ҳақ Сўз қанот юракка;
 Қайда қайнар илҳом булоғи,
 Қайда эркин ҳам сўлу соғи;
 Ёвузликнинг зарбаси қайда,
 Эзгуликни боз этмас майда;
 Қайда Ҳақ бор, қайда ўзинг хон —
 Қайда мудом кўланканг майдон, —
 Ҳиндистонни ғафлатдан бедор,
 Айлаб шундай юртга қилгил ёр!



Десанка МАКСИМОВИЧ

Юрагим — севгининг тиниқ булоғи

ҚОП-ҚОРА ЁШЛАР

Ғам-ғуссанинг кўз ёши қора,
тинмай вақт-бевақт
томчилайди ернинг бағрига.

Мавжуд экан заҳарли яра,
ғазаб ва офат
илдиз отар ернинг қаърига.
Ғам-ғуссанинг кўз ёши оғир,
қоп-қора ёшлар
қай зулматдан сирқирамоқда.

Ғам-ғуссанинг кўз ёши сағир,
қонли бардошлар
ернинг нақ кўксидан тирқирамоқда.

Ойгул
СУЮНДИҚОВА
таржимаси

Десанка Максимович — Серб адабиётининг энг ёрқин юлдузларидан. Тугаб бораётган асримизнинг 20-йилларидан то 90-йилларигача давом этган шоиранинг ижоди улкан ва баракалидир.

Хассос сўз санъаткорининг илк китоби 1924 йилда дунё юзидан кўрган бўлса, энг сўнггиси 1987 йилда чоп этилди. У Белград Дорилфунунда таҳсил олиб юрган кезларидаёқ отадан эрта айрилган етти жонли оиласида онасига кўмақдош бўлди — гимназия, мактабларда дарс берди. Жанна д'Арк тўғрисида илмий иш қилиш мақсадида Францияга бориб изланди, ўрганди.

Ўзига шай шоиранинг биринчи шеърлари “Югославия шеърляти” мажмуасида чоп этилди, сўнгра — “Бўз пахлавон” (1930), “Янги шеърлар” (1936), “Тушлар тутқуни” (1960), “Тупроқ ҳиди” (1955), “Гуноҳимдан ўтинг” (1964), “Вақт мутлоқ эмас” (1973), “Перун аждодларининг солномаси” (1976), “Эгасиз ер” (1979), “Муҳаббат ҳақида сўз”, “Хотира чегараси” (1983), “Олтин ёз”, “Сўзлар фестивали” (1987) каби дурдона асарлари яратилди. Анна Ахматова бу дилбар шоиранинг жозибали шеърларини севиб таржима қилди.

Югославия халқ шоираси, Серб илмий ва санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси, кўплаб адабий мукофотлар соҳиби Десанка Максимович номи жаҳон адабиётида ўз овози, ўз ўрнига эга чин ва катта маънодаги Муҳаббат ҳақида сўзидир.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

СИРЛАР

Сиру синоатсиз яшашим қийин.
 Камлик қилар менга шеърлар инъоми —
 худдики гулгунча бағридан майин
 тупроққа сингиган табиат сири,
 ва ёхуд, ёйилиб-ёйилиб
 тарқаган булутнинг тўсатдан ийиб
 кўз илғамас тубсизликка тушган кўз қири.

Сиру синоатсиз яшашим қийин.
 Борлиғимдан йиллар сизиб ўтгани сайин
 ҳарорат олади дилнинг қайғуси.
 Тазарру қиламан момо ер каби
 сўзларим —
 гуллар, майсаларнинг бебош туйғуси.

Тазарру қиламан, тазарру танҳо,
 ижозат бераман қалбимга яёв
 бормоққа черковнинг пойигача то.
 Меҳробга қадарлик — изн йўқ асло.

ҚУЁШ БИЛАН ДЎСТЛАШМОҚЧИМАН

Шундай,
 куёш билан дўст бўлмоқчиман,
 унга пешвоз чиқаверар йўлларим.
 У — осмонда, мен эса — тоғда.
 Шошилганим сайин қадамин
 секинлатар, кучоққа сизмас
 кенгликлардан завқланган чоғда.
 Кун ярмига етганда йўли
 куёш тўхтар, ерда ўтириб
 нафасимни ростлайман мен ҳам.
 У мовий қияликдан энгашиб борар,
 мен эса ёнма-ён юраман тоғда
 подачи ва подалар билан.
 Тун чўқар, мен билан хайрлашар, куёш,
 тушимда ҳам қадам-бақадам
 бораяпман, унинг номаълум
 кўз илғамас изидан бардам.

МЕНИ МАСТ АЙЛАДИ БАҲОР ТЎСАТДАН

Мени маст айлади баҳор тўсатдан,
 Дунё очиқ денгиз каби тўлғонди.
 Ойни қарши олган хаёлпарастдай
 Мени интиқ кутган шеърлар уйғонди.

Билмам, не қудратли — юрак энтикиб
 қайноқ туйғулардан қувонмоқликму,
 сатрлар қатига жонингни тикиб,
 янги япроқлардай барқ ёнмоқликму...

Очдим сеҳргарлик калити билан
 Борлиғимнинг пинхон пок сирларини.
 Туйдим, менинг учун туғилган бу шаън —
 денгизлар тубини ишғол айламоқ,
 ўйнамоқ, қувнатмоқ кўк нурларини.
 Гўё уйқудаман, лек бари ёдда —
 сўзлар табиатнинг ҳар тирик жони.
 Идрок мўъжизаси буюк ва содда,
 мусиқа оқмоқда — дарё тошқини.

СУҲБАТДОШИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Тақдир кўтарилиб келаётган қуёш,
 зумда шу йўл билан қайтолар ортга.
 Тақдир — дардлари-ла севимли бардош,
 ўчмаган кул, қуюқ туман тушади ёдга.

Тақдир — қачонлардир кимнингдир ёзи
 тўхтаб қолганича кечиккан онлар
 уни қувиб етган ўзга баҳорлар.
 Тақдир — ҳаёт ҳаққи отганда тонглар
 адашмаслик учун ичилса қасам,
 қилмайман деганин қайтадан қилса,
 ҳаёт қасоскордир, тазарру, бекор.

Тақдир — ҳеч ўнгидан келмаётган иш
 ногоҳ тушдагидай ўнгланиб қолса.
 Тақдир — чўққисига кўтарилган ишқ
 кимнингдир қалбидан қабр тошини
 парчалай олса.

ХИЛЛАР

Саҳар — гўдак қалби каби нечоғ соз,
 Ноннинг хилларида ҳаёт елади.
 Нафасингдан, тупроқ, созланар овоз,
 Фарамлардан майса иси келади.

Қалин чимдан шартта ёриб ўтарми
 чимзор ва тумандан анқиётган ис,
 Пармаланиб синган гирдоб тутарми
 август ўтлоғига қадрдон пок ҳис...

Авайлаб асрагин кўз қароғида —
 ёмғирли сувларни, музликлар ҳидин.
 Яшиллик нутқи шу ҳид ардоғида,
 жони бор табиат, замин умидин.

Ёдмаикан, қушча қанотин ҳидин,
 тонг палласи босиб ўтганим — йўлда
 ёзги ёмғирларнинг ёқимли дуди?!

Гуллаётган арғувонни аллалар
бу тонгги насимлар! Сархуш паллалар!
Ёддамикан, майин пўстлоқнинг ҳиди —
баридан-да нозик туйғунинг диди!..

ҒУССА НА ДАРКОР

Қадрдон дўстларни тупроққа қўйдик —
майин киприқларни санаб беармон,
бегона қитъалар ёйинки осмон
тубларидан келган номадай обдон
ўрганган чехрадан сабоқлар туйдик.

Вақт етди, оғриқли хотирни буткул
зудлик-ла бартараф этмоқ — қўймоққа.
асабий баҳорнинг қайғулари мўл,
дарёлар-ла эркили тушга чўймоққа —
сўнгги дам ҳам бўлмоқ сукунатга қул.

Дарҳол ўчирмоқлик зарур оловни,
йўқса, идрокларда тутай бошлайди.
Итқитмоқ баҳорнинг йўлидан говни,
алдоқчи туйғулар — шошқин, жангари,
энг осуда дамлар қадам ташлайди
музлик остидаги денгиз сингари.

Қайтар йўлларини топган қалдирғоч
қанотидан турфа муждалар кутмоқ —
булбулнинг алёри каби жарангдор,
ҳорғин хасратларни сўндирад мутлоқ
бокира оромнинг бағрида қийғоч
очилган ҳайрат бор, ғусса на даркор!

ЕРНИНГ СЎЗЛАРИГА ИШОНАМАН — ЧИН

Ернинг сўзларига ишонаман — чин.
У — сирли ҳалқадир, биз билан борлиқ
орасинда ётган ришта, изларни
боғлайдир, илк бора бу ҳаёт отлиқ
яралди — жон олди инсон ва замин,
суратини чизар туб илдизларнинг.

Ернинг сўзларига ишонаман — чин.
Жами яшилликнинг жони, шарбати,
лойнинг бўлаклари, сувлар бус-бутун
очиб берар — пинҳон юлдуз шуъласин,
ўтмиш кунларининг пок ибодатин,
келажак тонгининг бахт ашуласин.

Ернинг сўзларига ишонаман — чин.
Истардимки, ишончимга инонгин.
Олислардан келган коинот кучи
ерни забт этмоқдан аввалроқ кучли
жумбоқлар эшиги очилар бирдан —
сезиб юрган каби бу малҳамларни,
қутгандай ғамлардан озод дамларни
кўнгилга хушвақтлик сочилар бирдан.

ҚУЁШ ВА ЎЛИМ

Қуёшли ўтлоқда ям-яшил кўкат
сингари мамнунман — ўтирибман шод.
Рўпарамда бетин оқар фароғат,
туюлади тонглар отар умрбод
уммондай қучоғи озод ва обод.

Томир-томиримдан сизади нурлар
Жўшади ҳаётбахш гиёҳ орзуси,
ғусса сололмайди ўлим қайғуси.
Қирларнинг ортига чўккалар офтоб,
тубсиз қоронғулик чулғанган сари
ўтлоқ билан мени, ҳис этдик шу тоб —
бемаҳал бостириб келар жангари
ўлим ҳақ, эҳтимол, ўйи сарсари
янги кун сояси яширар бизни —
тупроққа тўлдириб кетадир кўзни.

ҚИШЛОҚНИНГ НОМСИЗ ДАРЁСИ

Урилади дарё шовқини
Дала томон қумларни отиб.
Бу қандай сир — номи йўқ унинг,
наҳот исмин қўйган йўқотиб?

Ёзилмаган, қайд ҳам йўқ, қара,
Харитада на чизиқ, на сўз.
Овозлари майин шаршара
бахтли яшар номсиз, доврўқсиз.
Қайда, қачон туғилган ўзи,
Қайга бориб туташар изи?

У — гўёки қўшиқ барҳаёт,
қадимийроқ шоирлардан ҳам,
ё рассоми номаълум сурат.
Унда буюк соддаликлар жам —
шоирдан-да бебаҳо ҳайрат,
мусаввирдан аълороқ сурат.

ХАЛҚ ҚАРҒИШИ

Қайдаки, яшилик барқ урди сўлим,
топталди туёқлар остида хун-хун,
Золим,
Сени жазолайди қонунлар бир кун!

Қайдаки, янгроқдир қўшиқлар, тиним
билмас овозлари эди қушларнинг,
энди тутқунидир сукут тушларин.
Золим,
изинг қолар бўлса қай бир сўқмоқда
қарғиш тўфонлари қувсин тўқмоқдай!

Қайдаки, қабристон — сўнги манзил бор,
аждодлар руҳидай дарахтлар ҳам жим,
кўрарлар, айтолмас — тупроқ бўлди хор,
лаънат, лаънат бўлсин қонингга, золим,
ўлим, ўлим келсин, зотингга ўлим!

АЁЛ

Юрагим — севгининг тиниқ булоғи.
Сўзларим — ям-яшил шифобахш гиёҳ.
Дардмандга малҳамдир, меҳрим чироғи —
Йўлбошчи, зулматда кимки чекар оҳ.

Бахтсизларга содиқ ҳамроздир қалбим —
Бешафқат ҳасратда ким бўлди адо,
жонига қасд қилмоқ истади ҳатто.
Юзимга ишониб боқинг, аввало,
мен сизга бепарво кимсамас, илло,
сабр-қаноатли ҳамшира бўлдим.

Қайғусиз, кўз ёшсиз сева билмадим,
Ўзгалар ғамини ғамим деб билдим.
Кимники безовта қилар бедор туш,
Кўз очиб юмгунча учиб келган қуш —
Уйқусизлик дардин олай деб келдим.

Қайғусиз, кўз ёшсиз сева билмадим.
Кимки осойишта тонгларни кутса,
Кимки уйқусизлик дардин унутса,
Қўлимни қўлига ишонч-ла тутдим,
Кўнгилдан кўнгилга нур сизиб ўтди.

Башар толесидай дунёга келдим,
Бағрим ватанидир — ишқ ила тақдир.
Қўлларимда қуёш гўдакдай кулди,
Нигоҳим тарк этмас абадий меҳр —
Бахтга айлантирди ғамни табассум.

СОНЕТЛАР

1. ЁЛГИЗ ОДАМ

Одам кетиб борар йўл бўйлаб тонг пайт,
узилган япроқлар ер бағрин қучар.
Тиниқ кўк остида хаёлчан дарахт —
на қўшиқ, на ҳислар, на қушлар учар.

Одам кетиб борар, қийнар нимадир,
тўнғиган чигиртка мисоли ўйлар
кимсасиз, совуган уйга қамалур,
шубҳа ва қўрқувлар зулматдан сўйлар.

Бу кенг олам нечоғ бўм-бўш ва совуқ!
Ўтди — Микеланжела, Тацит ва Байрон,
Пушкин ўлдирилди, Толстой ҳам йўқ.

Кузги барглар каби қайтмас халқ, туйғу,
тириклар сафида қолмади бирон
суюкли қадрдон, ёлғиз қолди — у.

2. ЎЛИМ

Бўйчан майсаларнинг бағрида ётар
билмам, тулкичами, олмахонмикан...
Унинг жонсиз тани тупроққа ботар,
шамоллар нафаси гунг, сарсонмикан...

Сезмас — пояларнинг шарбатин ийлар
ғиёҳлар чайқалар, ариқча оқар.
Ўрмалар, югурар, учар ваҳшийлар
мурда — очкўзликнинг нафсини боқар.

Яшаб ўтди — кўзин очди ва юмди,
Камгарин меҳмони бўлди дунёнинг,
уни қурт-қумурсқа қўшини кўмди.

Ўрмоннинг азалий анъанаси бор —
уни хазонбарглар ўрайди тун-кун,
шамоллар куйлайди ғамгин ва бедор.

3. ВАЙРОНА ЧЕРКОВ

Урушнинг қурбони бўлди бу черков,
Қаровсиз бағрида нималар бўлмас:
Иконалар тушиб кетса-да, биров
билмас, ойналар ҳам синар басма-бас.

Динсизга черковнинг кераги ҳам йўқ,
Бу менинг ишиммас, деб ўйлар ҳар ким.
Хиралашиб қолган ранглар-ла совуқ
моғорлашиб борар деворлар ҳам жим.

Қорайиб келаётган иконаларга,
урилар, юлқинар шамоллар дайдиб,
хазонлар тўлади бўш хоналарга.

Қишда жон сақлайди эчкилар бунда —
кимсасиз черковда қаҳратон тунда
омон қолмоқ учун қорли қирғиндан.

4. ҲИДЛАР БЎРОНИ

Ҳидлар саргардондир юраклар мисол,
дарвешона ҳидлар изтироб ҳидлар.
Кўёш ҳиди урар соядан хаёл,
туман ҳиди анқир хилватга қадар.

Куйлар ҳиди қалбга оқиб киради,
ҳар оннинг ҳиди-ла гуркирар кўклам.
баҳсу низо, сирлар суҳбат қуради —
бахт шивирлар, шитирлар совуққина ғам.

Уچار руҳлар ҳиди — учқур сулувлар,
қамишдаги унут ҳидлар суронин
йўллар менга ногоҳ уйғонган сувлар.

Чирмашар, кенгаяр ҳидлар кўлами,
ҳидларнинг мастона танти бўрони —
табиатнинг майин лирик тўплами.

5. ШОИР

Шоир ҳаммавақт ҳам эркин ва уйсиз,
Вақтнинг қонунлари унга ҳокиммас,
Худонинг қудрати энг бахтли нафас
сув, ҳаво, шоирни яратди туйқус.

Вақтга ҳам бўйсунмас илҳомдир, бешак,
У — йигирма ёшда даҳо ва кўшиқ,
тўқсонга кирса ҳам навқирон ошиқ.
шоир денгиз, тоғлар билан эгизак.

Ёлғизликда унинг ҳамрози — илоҳ,
ҳалал бермас сирли тушлар кўрса ҳам,
мўъжизалар тортиқ эт баногоҳ.

Жазоламас уни севги худоси,
сидирар қалбига инса қатра ғам,
юксақларга чорлар ҳайрат маъвоси.



Ивонна КЁЛС

Инжиқ Давиднинг онаси

Роман¹

III

У й доктори Симонни Рассомлар ва ижодий хунармандлар марказига ишга жойлаб қўйди. Муҳитни бутунлай ўзгартиришга тўғри келди. Дам олиш, ўқиш, ўйнаш керак эди. Худди унга ўхшаб у ёки бу тарзда асаблари қаттиқ чарчаган бошқа одамлар билан яқинлашиш керак эди. Об-ҳаво қулай келган пайтда ях-тада ҳам сайр қиларди. Мен уни кўргани борган кунларимда боғда ёки хонада бегоналардай бир-биримизнинг қаршимизда ўтириб олардик. Биз Давид ҳақида гапирмасдик, ўша кунги мудҳиш тун ҳақида гапирмасдик, уйга қайтиш ҳақида ҳам, у ишини қачон бошлаши ҳақида ҳам лом-мим демасдик. Симон ҳар қандай масъулиятдан холи этилган эди. Уни кузатиб борган ва мен билан қатор суҳбатлар ўтказган руҳий касалликлар ҳакими Симонда яхши томонга ўзгаришлар бўлаётганини айтди.

— У ўзини ҳимоя қилишга киришди, — тушунтирди ҳаким. — Ҳозирги вақтда у нимани кўриб, нимани эшитаётганини гапираяпти, холос.

Ундаги бу ўзгариш гашимни келтирмоқда эди. Мен ўзимни мусибатда ёлғиз қолиб кетгандек ҳис қилардим. Бир ёқда нашаванд ўғил, бир ёқда олдингидан ҳам ташвишлари кўпайган уч бирдай ёш бола, чалдеворга айланган уй, азбаройи молиявий танқислик — мана шундай дўзах азобида қолганимни англаб турардим. Бунинг устига биз турган туман биздан тамоман юз ўгирганди. Фақат Герри билан Томгина мен билан муносабатларини узишгани йўқ.

— Сирасини айтганда, мен ҳам энди ўзимга қарамасам бўлмайдиганга ўхшаяпти, — дедим алам билан. — Нима қипти? Бир ой таътил оламан-да, мен ҳам фақат кўрган гуллариму сайрашини эшитган қушларим ҳақида гапираман.

— Жудаям заҳарсизлар сиз хотинлар, — деди врач. — Сизлар ўз ҳаётларингизни ҳам, ўз эрларингизни ҳам аямайсизлар. Уйга боринг-да, қаттиқ бир калтак топинг. Иккита болишни олинг, уларни ерга қўйинг, болишларни эрингиз деб тасаввур қилинг-да, хумордан чиққунча саваланг.

Ҳа-я, бир қилмаган ишим шу эди.

Давид неча марталаб менга панд бермади. Энди у жим турар ёки қўпол муомалада бўлар эди. Кўнглидаги гапларини ва “ёмон трип” пайтдаги кечин-маларини у фақат Кеес билан муҳокама қиларди. У Кеесга кунда икки, гоҳида эса уч марта сим қоқарди, тушлиқдан кейин эса муттасил унинг уйига қатнар эди. Мактабни энди эсга ҳам олмасдик. Ҳатто буюртма қилинган китоблар келганда ҳам бу тўғрида оғиз очмадик. Мен китобларни кўздан узоқроқ жойга, жовонга тахлаб қўйдим — навбатдаги мағлубият, бу борада энди куйиб-пишмасам ҳам бўлаверарди, чунки бусиз ҳам уйдаги ҳаётимиз чидаб бўлмас даражага келиб қолганди. Арнольд келиб қолишидан хавфсираб дераза ёнида ётишга

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

кўрқардим. Тиқ этган товушдан чўчиб уйғониб кетардим, телефон ҳар жиринглаганда баданимни совуқ тер қопларди, мен ухлатадиган дори ича бошлагандим, уй докторимиз менга “либриум” ёзиб берди.

Давид ўзининг эски одатларига қайтганди: ўринда нақ соат биргача ағанаб ётарди. Мен эса эрталаблари унинг хонасидаги ҳар бир тасодикий товушга қулоқ солардим. Тураятимикин? Ҳа, турапти... йўқ, турган-у, лекин ҳожат-хонага борапти. Келаётган душнинг товушими ё менга шундай туюлаптими? Ростини, ўлгудай сичқонюрак бўлиб қолгандим. Чангютгичда уй тозалашни бутунлай бас қилгандим, бир куни Давид чангютгич овозини эшитиб бор кучи билан хонаси эшигини қарсиллатиб ёпгандан кейин бу ишни бутунлай йиғиштириб қўя қолгандим. Мен кўрқардим, у қилган ҳар бир ишдан ўлгудай кўрқардим. Ниҳоят, у пастга тушарди-да, ўзига овқат пиширарди. У помидор билан тухум қовурарди, жавончалардан ҳамма нарсани чиқариб ташлар ва ошхонани қараб бўлмайдиган ҳолга солиб, чиқиб кетарди. Агар сал оғиз очгудек бўлсам, эшитардим эшитадиганимни, мен эса ўз навбатида унга шанғиллаб берар, унинг бутун хонани ўзиники қилиб олиб телефонда узоқ-узоқ гаплашиши ёки ўриндикда ағанаб ётишини ночор томоша қилишдан ўзга чора топмасдим. Ундаги кўрқувлар, назаримда, йўқолгандек эди, Кееснинг жон куйдириб қилган ҳаракатлари зое кетмаганди. Барибир кўнглимнинг бир чеккасида Кеесга нисбатан шубҳа бор эди. У энди мутлақо уйимизга келмай қўйганди, телефонда эса мен билан гапни жуда кескин қиларди, суҳбатлашиш тўғрисидаги илтимосимни эса кескин рад этарди. У Давид билан шуғулланаётган эмиш. Агар ёрдамга муҳтож бўлсам, бошқа жойдан ёрдам қидиришим керак экан.

— Йўқ, мен Давид тўғрисида гаплашмоқчиман, — ўтиндим мен. — У сира эпқага келмай қолди.

— Унда шартга ҳайдаб юборинг уни, — жавоб берди Кеес.

— Ҳайдаб юборинг? Қаёққа?

— Бу энди унинг иши. Қаёққа боришини Давиднинг ўзига қўйиб беринг. Сизнинг олдингизда эпқага келмайдими, демак, орқасига бир тепиб ҳайдаб юборинг.

— Яхши, аммо тарбияга муҳтож ўн олти яшар болани ҳайдаб бўларканми?

— Сиз уни тарбиялаяпсизми?

— Йўқ, ҳозирги пайтда тарбия қилаётганим йўқ.

— Борди-ю, у тарбияга эмас, фақат меҳрга муҳтож бўлса-чи? Борди-ю, сиз уни ҳайдаб юборгач, у кўнглига қарайдиган одамларни ўзи қидириб топса-чи? Шундан энгил тортса-чи?

— Ахир у кракерлар ичига бориб тушади-ку?

— Ҳа, ёки шунга ўхшаган бир жойга, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам гиёҳвандлик нима эканини тушунадиган одамлар орасига бориб тушади-ку.

— Менимча, у кўпроқ гиёҳвандликка муккасидан кетишга ёрдам берувчи одамлар орасига бориб тушади.

— Бу билан ўзингиз унинг гиёҳвандликка муккасидан кетишига ёрдам бераяпсиз.

— Мен-а?

— Ҳа, сиз, чунки сиз уни кун бўйи ёнингизда олиб ўтирасиз, у ўзини кўпроқ айбдор ҳис қилади, оилангиз барбод бўлаётганини унга тинмай пеш қилганингиз-қилган. Сиз нолишингизни, жазавага тушишингизни қўймайсиз. Сиз уни тобора гиёҳвандлик қилишга ундайсиз, чунки сиз уни мутлақо тушунмайсиз. Сиз ёрдамга муҳтожман дейсиз, сиз ёрдамни қидириб топишингиз керак, лекин мендан эмас, чунки мен Давидга ёрдам бераяпман.

Кеесдан ростақамига ғазабландим. Мен билан бундай гаплашишга нима ҳаққи бор? Мен бор кучимни Давидга сарфлаяпман, унга жонимни ҳам беришга тайёрман. Мен нолир эмишман, жазавага тушар эмишман... Кеесдан қаттиқ кўнглим қолди ва юрагимдаги дардни энгиллатиш учун Геррининг ҳузурига йўл олдим.

— Сен бу маҳмадона врачнинг гапларига кўпроқ қулоқ сол, — кесатди Герри, — улар ҳам доим айбни ота-оналарга ағдариш пайдан бўлишади. Улар ёрдам беришади, беришмайди эмас, лекин ҳўжакўрсинга хизмат қилишади.

Агар Давид билан Кеес биргаликда гиёҳвандлик қилишади десалар сира тааж-жубланмаган бўлардим, ахир қачон қарама, улар мана шу дорисини доим шунақа ёрдамчиларидан олишади-ку. Хўш, бундай олиб қараганда Кеес ҳақида сен нима биласан? У ростданам руҳий касалликлар врачими ўзи? Бунақа ошначиликлар кўпинча энг шубҳали кишилар орасида бўлади.

Шубҳам кундан-кун кучайиб борарди. Шу даражага етдимки, кунда бир марта Давиднинг хонасини тингувдан ўтказадиган бўлиб қолдим. Нимани қидираётганимни ўзим билмасдим. Тушликдан кейин у уйдан чиқиб кетгач, мен гоҳо машинага ўтириб, изидан кетардим. Кўпинча уни кўздан йўқотиб кўяр эдим, фақат бир мартагина унинг велосипедда Кееслар томонга бурилиб кетганини кўрдим. Мен машинамни кўча бошида тўхтатдим-у, ўзим ундан тушмадим. Бориб эшик қўнғироғини боссаммикан деб узоқ ўйлаб қолдим. Мен уларни кутилмаганда тутмоқчи, ростдан ҳам уларнинг биргаликда гиёҳвандлик қилишларига амин бўлмоқчи бўлдим. Лекин, табиийки, мен бундай қилмадим. Умуман, мен бирон-бир нарса қилишдан ожиз эдим. Мен харид қилишни эсимдан чиқарардим, кечки овқатни ҳам ярим хаёл билан тайёрлардим, бошқа болаларимнинг гаплари қулоғимга кирмасди, ихтиёрим бутунлай ўзимда эмасди. Мен Давиднинг хатги-ҳаракатларига тўла боғлиқ ҳолда яшар эдим.

Бир куни кечаси у яна уйга келмади. Тушдан кейин Кеесникига кетганди, мен буни билардим, изидан тушиб, ўз кўзим билан кўргандим-да. Кеч оқшомгача хонада ўтирдим. Устма-уст чекар, хапдори ютар ва ичар эдим. Илгарилари сигаретани оғзимга олмас, спиртли ичимликдан саккиз чақирим қочар эдим. Мен пинакка кетар, яна уйғонар, ечиниб, каравотга ётишга ўзимни мажбур қилардим-у, жойимдан қимир этмасдим, охири тонгги соат бешгача қотиб ухлаб қолибман. Сапчиб ўрнимдан турдим-да, телбаларча зинадан юқорига учиб чиқдим. Йўқ, Давид келмаганди. Мен болаларни кириб кўрдим. Улар ухларди, мен яна пастга тушдим. Эй худоим, бу уйда мен яна нима қилишим керак?.. Беихтиёр пальтомни кийдим, шляпамни бошимга қўндирдим — кўчада қаҳратон қиш. Зимзиё қоронғилик кўйнига кириб кетдим. Қор уюмларидан оша-оша денгизга қараб кетаяпман. Лекин денгиз қаердалигини сира мўлжаллай олмаёғандим: балки тўғри сувга тушиб кетарман? Балки бутунлай тесқари томонга қараб кетаётгандирман? Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Мен шунчаки кетишим зарур эди. Зулмат, аёз, хапдориларнинг кайф берувчи таъсири яхши, ҳаммаси яхши, фақат шу уйда қолмасам бўлгани.

Эҳтимол, икки соатча юргандирман, денгиздан эса ҳамон дарак йўқ. Тўсатдан мен туманимизнинг бошқа қисмидаги уйлар орасидан чиқиб қолдим. Мен деразадан мўраладим. Ичкарида одамлар ухлаётган эканлар. Боланинг арчани безаб турган шамларга боқаётганини, уй халати кийган ёшгина онани кўрдим. У дастурхон тузар, нон кесар, чой дамлар эди.

Уларникига кирсам бўлармикан, ўйладим, мен ҳам улар оиласининг бир қисми бўлсам майлими деб сўрасам нима қиларкин?.. Лекин мен нари кетдим, чироқлари ёниқ уйга яқинлашдим. Бу ерда ҳам тўхтадим-да, қарай бошладим — шу ҳолатда менинг ўзгалар ҳаётини ўғринча кузатаётган савдойидан фарқим йўқ эди. Аста-секин, бирин-кетин бутун тумандаги уйларнинг чироқлари ёна бошлади. Фақат бизнинг уйдагина зулмат ҳукмрон, у ерда эрталабки халатини кийган, нонушта тайёрлайдиган, болаларини уйғотадиган она йўқ экан...

Шу фикрдан дарҳол хушёр тортдим, мен шартга бурилдим-да, уйга йўл олдим. Чироқлари ёнган деразалар, машиналар чиқиб кетган уйлар олдидан ўтиб бораёпман. Мен қадамларимни жадаллатдим, бирданига кўчанинг аёзли совуғини ва бармоқларим қотиб қолганини ҳис этдим. Мен ўзимга кела бошлагандим. Дарҳақиқат, оёқларим муз қотган эди. Вақтни, нималар бўлаётганини қайтадан ҳис қилаётган эдим. Соат неча бўлдийкин... болалар мактабга бориши керак... Мен жон-жаҳдим билан турдим, шошиб эшикни очдим, зинадан чопиб чиқдим ва халатимни олдим. Дастурхон ёздим, нон кесдим, чой дамладим — одатдаги кундалик юмушлар. “Одатдаги кундалик юмушлар”, такрорладим мен, ахлат челақ тўлибди — гугурт тугабди — бутерброд қилишга ҳеч вақо йўқ — музхонани эритиб қўйиш керак... одатдаги кундалик юмушлар, шулар ме-

нинг жонимга ора кира оларди. Шулар билан одамдай яшашим мумкин, фақат шундай кечган кун билан. Мен ўзимни ўзим қутқаришим керак — шарақлаб қайнаётган човгум билан, тўлдириб чой дамлайдиган чойнак билан, чайишим керак бўлган пиёлалар билан ана-мана қайнайдиган сувдан тортиб, минг хил икир-чикир юмушлар билан қутқаришим керак ўзимни. Бу менинг уйим, чирокни ёқдим, тепада эса болаларим ухляпти. Давид йўқ, лекин у келади. Қачон келишини, қандай келишини билмайман, руҳий безовталикнинг қайси босқичида турганини ҳам билмайман. Бу тўғрида мен ўйламаслигим керак. Мен фақатгина ана-мана қайнайдиган сувдан тортиб минг хил икир-чикир юмушлар ҳақида ўйлашим керак...

Вақт ҳаракат қилаётганини ҳис қилмаган ҳолда мен шу тахлит кунни кеч қилдим. Симонга ўхшаб иш тутдим: фақат айна палла муайян мантиққа эга, ўтмиш ҳам, келажак ҳам, масъулият ҳам бир пулга қиммат, нимани кўриб турган ва нимани эшитиб турган бўлсам, фақат шу ҳисоб.

Бу гап тўрт кундан кейин, кечки соат олти яримда, икир-чикир юмушларга кўмилиб турганимда бўлди. Телефондан нотаниш кимсанинг овози келди:

— Сиз билан Сустербергстраатдаги полиция участкаси навбатчи қисмининг бошлиғи гаплашяпти. Сиз бир минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йил учинчи июлда туғилган Давид С. нинг онасимисиз?

Гўшақдан кимнингдир нарёқдан туриб қичқиргани эшитилди.

1959 йил 3 июлда туғилган Давид С. нинг онаси қўлидаги юмушни беихтиёр қўйди, унинг вужуди кесакка айланганди.

— Ҳа, — деди у, — мен бир минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йил учинчи июлда туғилган Давид С. нинг онасиман.

— Ундай ҳолда сизни ВТХ¹ врачлари доктор П. билан улайман.

Гўшақда у кимнингдир нарёқдан туриб қичқирган овозини эшитди.

— Алло, сиз билан ВТХ врачлари доктор П. гаплашяпти. Сиз бир минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йил учинчи июлда туғилган Давид С. нинг онаси бўласизми?

— Мен бир минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йил учинчи июлда туғилган Давид С. нинг онасиман.

Гўшақда кимнингдир қичқириви эшитилди.

— Хоним С., мен сизга кўнгилсиз бир хабарни айтмоқчиман. Сизнинг ўғлингизни кўчада тутиб олишган, у жуда ҳам оғир аҳволда. Дарвоқе, сиз унинг қандай қичқираётганини эшитиб турган бўлсангиз керак? Сизга ўғлингизни Х. даги руҳий касалликлар шифохонасига жўнатаётганимизни хабар қилиш учун кўнғироқ қилаяпман. Хайр, хоним.

Гўшақда қичқирик, орқасидан ширқ этган овоз эшитилди.

1959 йил 3 июлда туғилган Давид С. нинг онаси қилиб турган юмушига қайтди: у ловия шўрвали кострюлдан суякларни чиқарди-да, улардаги гўштни санчқи билан қириб олиб, қайта кострюлга солди, суякларни эса ахлат челақка итқитди. Бу юмушни тугатгач, ўйлай бошлади: нимадир содир бўлган ва шу “нимадир” унинг навбатдаги юмушга қўл уришига йўл қўймапти. Нимадир содир бўлган. Кимнингдир нарёқдан туриб қичқиргани ҳамон унинг қулоғи остида жарангларди. 1959 йил 3 июлда туғилган Давид С. нинг онаси зинадан ётоқхонага кўтарилди. Нимадир содир бўлган. Икир-чикир юмушлар англаб бўлмайдиган бир тарзда узилиб қолди. Қичқирик тобора кучаймоқда эди. Она хонада у ёққа бориб келарди, она ниманидир қидирибди, аммо нималигини билмасди. У жовонларни бир очиб-бир ёпарди. Ваннахонага кириб, у ерни тимирскилади. Яна пастга тушди ва яна тимирскилади. У ошхона плитасини очди ва у ерда товук қовурадиган темир хивични топди. Ётоқхонага қайтиб келди, каравотдан болишни олиб ерга қўйди. Темир хивич билан болишни савалай кетди. Кучининг борича қулоқкашлаб савалайверди, савалайверди — то ақл-хушини тўплаб, бутунлай ўзига келмагунча болишни обдон савалади.

Қулоқларим остида кимнингдир қичқириви янгради. Бирдан ким қичқираётганини англадим-у, мен ҳам қичқириб юбордим.

¹ Вилоят тиббий хизмати.

— Давид, улар Давидни кўчада тутиб олишган! Улар боламни жиннихонага ётқизишмоқчи, сен бўлсанг у ёқда ижодий ходимларингу расомларинг билан гурунглашиб ўтирасан. Сен мени жаҳаннамга ташлаб кетдинг! Сен бу барча офатларни менинг бошимга ташлаб кетдинг! Мен сени ўлгунча савалайман! Сен ҳам шундай қичқирмагунингча савалайвераман, ўлдираман сени... Мен ҳеч кимнинг олдида қўл қовуштириб ялинмайман, онамникига ҳам қайтиб бормайман. Яхтанг билан қўшмозор бўл! Мен сени ўлдираман! Мана шу хивични юрагингга санчиб ўлдираман!.. Симон, нега мени Давид билан ёлғиз ташлаб кетдинг...

Мен болишга юзтубан йиқилдим, ув тортиб, овозим бўғилгудек ўкраб йиғлай бошладим, менга ҳеч ким тасалли беролмаслигини англаб турардим. Бўғзимдан мутлақо товуш чиқмай қолгунча йиғладим, шунда мен яна ташқаридан келаётган товушларни эшитиш қобилиятига эга бўлдим. Шарақлаб очилган эшик товуши, мен томон кўтарилиб келаётган қадамлар товуши қулоғимга чалинди. Мен сочимдан силаётган қўлни ҳис этдим. Жюльетнинг жажжи қўлчиси.

— Ойижон, — деди у, — бу мен, ойижон... Сизнинг яна йиғлай олишингизни кўриб шундай суюндимки.

Жюльет билан биргаликда мен шифохонага кўнғироқ қилдим. Мени бўлим ҳамшираси билан улашди.

— Сиз унинг олдида келишингиз мумкин эмас, — деди ҳамшира, — ҳозирча мумкин эмас, унинг касали жиддий. У жисман ўзини қаттиқ олдириб қўйган, аъзойи баданида эса тошмага ўхшаш бир нарса. Рухий жиҳатдан ҳам соғлом эмас, у восвосга чалинган. У фақат немисча сўзлашади ва ўзини баржада турибман деб ўйлайди. Телефон рақамларингизни қолдилинг, қачон келиш мумкин бўлганда ўзим хабар қиламан.

— Бу ёғи нима бўлади энди? — сўрадим мен.

— Ҳозир аниқ бир нарса айтолмайман: то у восвосдан халос бўлмагунча сизнинг келишингиз мумкин эмас.

— Восвос? Унга нима бўлганди ўзи?

— ЛСД — руҳий касаллиги.

Телефондан Симоннинг тетик овози янгради:

— Мен ҳозир миҳдайман, — ахборот берди у, — кейинги икки ҳафта ичида соғлигим жуда яхшиланди. Мен Рюд билан гаплашдим, менимча кейинги ҳафтадан секин ишга тушиб кетсам керак. Ҳозирча билмайман, бир йўла уйга бораверайми, йўқми, аста-секин сафга қайтишим керак экан, бирданига эмас.

Мен жим эдим, кўнглимда унга нисбатан заррача хусумат ҳис этмадим. Ҳамма захримни мен болишга тўкиб бўлгандим. Мен уни қадимги кўринишида тасаввур қилмоқда эдим: ана у, турибди телефон олдида, бўйнида талабалик галстуги, ҳали ота вазифасини бажаришга мутлақо яроқсиз навниҳол.

— Симон, — дедим мен, — уйга қайт, нима бўлса ҳам, бутуноқ етиб кел.

— Ҳа, лекин... тўғриси айтсам, менимча, яхши бўларди, агар...

— Уйга кел, — тақрорладим мен, — бошқа иложинг йўқ, энди сичқон-мушук ўйинини бас қил.

— Нега бошқа иложим йўқ бўлар экан?

— Менинг ҳам бошқа иложим йўқ. Иккаламиз ҳам бир хил аҳволга тушиб қолганмиз. Давидни шифохонага ётқизишди, у ЛСД — руҳий касаллиги билан оғрибди. Унинг полиция участкасида қандай қичқирганини эшитсанг эди... Ҳозир унинг олдида боролмас эканмиз, чунки аҳволи оғир экан, у восвосга йўлиқибди. Телефон олдидан жилмас эканмиз — сенга айтадиган бор-йўқ гапим — шу. Агар барибир бориб у билан учрашаман десанг, уйга кел.

Орага жимлик чўқди, унғача кўнглимдан шундай ўйлар кечди: агар “йўқ” дейдиган бўлса, мен уни зўрлаб етаклаб келмайман, худога шукурки, мендаги ўтиб кетди, ғазабим алангаси сўнган. Ҳа, у “йўқ” дейдиган бўлса, у ҳам мен учун йўқ бўлиб қолаверади, вассалом.

— Падарига лаънат, — деди у, — қачонгача бу ерда ивирсиб юраман ўзи? Бу вақт ичида нималар бўлмабди-я! Нега у полиция участкасида қичқиради? Бу

ерда шунча вақт нима қилиб ўтирибман? Падарига минг лаънат, уйга кетиш керак!

Аввал таксида, сўнг поездда ва яна такси кира қилиб Симон ўн икки бўлар-бўлмас уйга етиб келди.

— Ўлан тўшагингизга хуш келибсиз, жаҳонгашта ота, — дедим мен ва иккаламиз шарақлаб кулиб юбордик.

— Мен сен билан гаплашиб олмоқчиман, Лен. Мен сизларни жуда кўп ўладим.

Орамизда Давид билан Жюльет ва биз ўзимизни уларга бегоналардек ҳис қилган худди ўша оқшомдагидек диванда бир-биримиздан узоқда ўтирардик. Ҳозир иккаламизнинг ўртамазда тагин нимадир ётар эди — Симон соғлигини тиклашга ажратган ва мени эндигина денгиз қаъридан сал-пал сузиб юзага чиқиб келаётганим гирдобга улоқтирган уч ойлик муддат эди бу. Бу гирдоб менинг барча газабимни комига тортиб кетганди. Биз тун бўйи мижжа қоқмай гаплашиб чиқдик: Кеес ҳақида, ундан гумонсираётганим ҳақида. Мени мусибат дамларида ёлғиз ташлаб қўймаган Герри билан Том ҳақида сўзладим. Қарийб ҳар куни Давиднинг изидан тушганларим ва кундан-кунга ҳолдан тойиб борганларимни гапириб бердим. Арнольддан қўрққанларим ҳақида, қанчалаб ютганим хапдорилар ҳақида ҳикоя қилдим. Чироқлари порлаган уйлар ҳам, кундалик икир-чикир юмушлар ҳам, шулар билан ўзимни овутганларим ҳам қолмади. Гўшақдан, сиз 1959 йил 3 июлда туғилган Давид С. нинг ойисимисиз деб сўрашганини, мен унга “ҳа, мен унинг ойисиман” деб жавоб берганимни айтдим. Гўшақдаги қичқириқ ҳақида, ЛСД — руҳий касаллиги ҳақида гапирдим. Ловия шўрвадаги суяклар ҳақида гапирдим. Ошхонадаги плитанинг темир чивиклари ҳақида гапирдим. Савалаган болишим, Жюльетнинг жажжи қўлчаси ҳақида гапирдим.

— Сен ростданам мен билан орани очиқ қилиб қўйганмидинг? — сўради Симон.

— Ҳа, азбаройи сени ёмон кўриб қолганимдан.

— Бу жиҳатдан мен ҳам сен билан орани очиқ қилган эдим.

— Хўш, улдасидан чиқдингми кейин?

— Мен у ерда ўтказган дастлабки вақтларда сенга бўлган нафратим йўқолгандай бўлди, бу борада ҳеч нарса эсимда қолмаган. Айтишларича, мен кун бўйи бир жойда ўтираверар эмишман... Кимдир мени сайрга судраб олиб чиқар экан, мен билан яхтада сузаркан, кейин мен тараша ёрарканман, яна қандайдир саройнинг расмини чизган эмишман. Қолганларини ҳам элас-элас эслайман. Сизлар кейин-кейин, аста-секинлик билан эсимга туша бошладинглар, аввал болақайлар: эсимда, бир куни тушлик чоғида мен уларнинг фотосуратларини кўрсатаётган эдим. Кейин бирдан Жюльет эсимга тушди, лекин у менда кучли безовталиқ кўзгади. Эсингдами, ўша куни дастурхон устида у менга қанақанги ўқрайиб қараганди? У ликобчани Давиднинг олдига олиб чиқмоқчи бўлган эди, Давид бўлса қочиб кетганди. Мана, кўрдингларми, ҳаммасига дадам айбдор, чунки у бизни ёмон кўради, деганди Жюльет. Ўшанда у менга шунақанги ёмон ўқрайган эканки, унинг бу қараши сира кўз олдимдан кетмасди. То бирданига ғойиб бўлмагунча бу манзара мени бир неча ҳафтагача таъқиб қилди. Шунда сен пайдо бўлдинг, сен билан боғлиқ барча кўнгилсиз ҳолатлар пайдо бўлди, сенинг ҳукм қилишларингга чидаёлмасдим. Мен ўзимиз ҳақимизда руҳий касалликлар врачига жуда кўп нарсаларни гапирардим, лекин сен тобора авж олавердинг, кучайиб кетавердинг, бир куни тунда кўрқиб уйғониб кетдим: тушимда сен устимда ўтириб олиб, томоғимдан хиппа бўғаётган эмишсан. Каравот ёнида ётган таёқни кўтариб кирганим шундан эди...

У жим бўлиб қолди. Биз бир-биримизга қараб қўйдик-да, хахолаб кулиб юбордик.

— Иккаламизнинг врачимиз битта экани аниқ, — дедим мен. — Сен бу таёқни каравотинг олдига қўйиб қўйганмидинг?

— Мен кун бўйи уни қўлимда кўтариб юргандим.

Эҳтимол, бу асабдан бўлгандир, бироқ мен ҳеч ўзимни тўхтатолмаётгандим.

— Шунда сен менинг...

— ... шунақанги пўстагингни қоқдимки, чанг тугул гарди ҳам қолмаганди.

Мен тобора қаттиқроқ кулмоқда эдим. Менинг бу кулгимни кулги демаса ҳам бўларди. Аччиқ кўз ёшига айланиб, юрагимда тўпланиб қолган аламлар энди кулги бўлиб отилиб чиқмоқда эди. Мана, ниҳоят кўз ёши ҳам қуйилиб келди.

— Симон, — дедим мен пиқ-пиқ йиғлаганча, — Давидимиз, ўғлинг, жинни-хонада ўтирибди. Улар буни шифохона дейишади, лекин бу жиннихонанинг айнан ўзи-ку...

Соат тўққиз эди. Болалар мактабга кетишганди. Бирдан телефон жиринглаб қолди ва гўшакдан Давиднинг жуда ҳам ваҳимали овози келди:

— Ойи! Олиб кетинг мени! Ҳозироқ! Бу ердаги деразалар панжарали экан!

— Давид, — дедим мен, — сенга нима бўлди ўзи, биласанми?

— Бу ердаги деразалар панжарали экан, мен бир каталакда ёғувдим, мени дори ичасан деб қўйишмаяпти, мен эса хоҳламайман. Мен бу ерда шунақанги бақирдимки, бутун касалхона оёққа турди, мен: ойим мени олиб кетишлари керак бу ердан, ойим олиб кетишлари керак, деб бақирдим. Ҳозир эса сизга кўнғироқ қилишимга, мени бу ердан олиб кетишингизни айтишимга рухсат бериши, олдимда санитар билан ҳамшира турибди. Сиз мени олиб кетмасангиз бўлмайди, ойи, олиб кетинг мени бу ердан...

Унинг қўлидан гўшакни олиб қўйишди. Мен узоқлашиб кетаётган Давиднинг қичқирингани эшитиб турардим:

— Ойим келади, келади! Ойим мени олиб кетади!

Мен уни сургаб олиб кетишаётганини, у мени чақираётганини, қичқираётганини, эшик қарсиллаб ёпилганини эшитиб турардим. Сўнг гўшакда мулоким аёл овози янгради:

— Кўрқманг, илтимос. У банг ҳолатидан чиқиб олди, ҳозир аҳволи яхши. Бу ердан тезроқ кетишни истайди, бу қайтанга яхши, лекин сиз уни олиб кетмаслигингиз керак. Сиз уни бугун келиб кўришингиз мумкин, у сизга мени уйга олиб кетинг, деб тикилинч қилиши табиий, сиз ҳам ишонасиз бунга, аммо биз ҳозирча уни шу ерда ушлаб турамыз.

— У немисча гапирмаяптими? — дедим мен.

— Йўқ, ўзининг баржада эмаслигини ҳам билади. Хулласи калом, бир оз силжиш бор, бироқ Давид жуда ҳам асабийлашган, шунинг учун сиз бугун илож борица ўзингизни хотиржам тутишингиз керак. Мени сўранг, мен — ҳамшира Фос бўламан.

Калитни бураб эшикни очишди ва орқамиздан яна кулфлаб қўйишди. Ҳамшира Фос бизга пешвоз чиқди ва бизни шип-шийдон, файзсиз бир хонага олиб кирди.

— Шу ерда кутиб туринглар, мен Давидни олиб келаман.

Бурчакда тўртта тўқима курси ва устида журналлари бор стол турарди. Бу хонада на гул тувак, на китоб, на деворда суврат бор.

— Ё тавба! Симон, қанақа бедаво жойлар-а.

— Қўйсанг-чи, бу вақтинчалик, холос, келаси ҳафта у уйга қайтади.

Эшик очилди. Давид кириб келиши билан эшик ёпилди. Бир ўзи турарди. У биз томон бир қадам ҳам босмади.

— Агар мени бу ердан олиб чиқиб кетмасангиз, яхшиси кўзимга кўринманг, — деди у.

— Давид! — Симон у томон одимлади.

— Сизга бу ерда пишириб қўйибдими? Мен ойимга айтдим, мени сиз олиб кетинг, деб.

— Биз сени олиб кетгани келмадик, — деди Симон, — биз сени кўргани, агар истасанг, сен билан гаплашгани келдик, лекин агар сен бизнинг кетишимизни маъқул кўрадиган бўлсанг, унда биз яхшиси бошқа сафар келайлик.

Давид отасига узоқ тикилиб турди-да, бирдан оёғи билан эшикни бир тепди. Сўнг хиёл чайқалганча бошини солинтириб ва қўлларини чўнтакка суқиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Мен бир бурчакда ўтириб, жимгина кутар эдим.

Эшик олдида турган Симон эса нигоҳи билан Давидни кузатарди. Ҳар гал Давид отасининг ёнидан ўтаётганда худди урмоқчидай қўли билан кескин ҳаракат қиларди. Бир вақт у тўғри мен томон юриб келди-да, қаршимда ўтириб олди.

— Нега уни бирга олиб келдингиз, мен сизга олиб келинг деганмидим? У бизни ташлаб кетган-ку, нега яна қайтиб келди?

— Отанг уйга қайтиб келди, чунки ҳозир соғлиги яхши, мен ҳам суюндим қайтиб келганига, энди биз яна ҳаммасини биргаликда қиламиз ва агар сен йўқ демасанг сени биргаликда кўргани келамиз.

У муштумини бир силтаб, кескин ўгирилиб олди. Мен чурқ этмадим, бир оздан кейин эса у яна менга қаради.

— Мен бу ердан қочиб кетаман, — деди, — агар сиз мени олиб кетмасангиз, мен ўзим чиқиб кетаман бу ердан. Агар зарур келса битта-яримтасини ўлдираман ҳам, аммо чиқиб кетаман!

Мен индамай қўлларимга қарай бошладим.

Давид стол устидан мен томон эгилди.

— Ўлдираман биронтасини, — такрорлади у.

— Эшитдим.

— Ахир...

— Бу сенинг ишинг, биз билан отангнинг эмас. Яна шуни айтиб қўяйки, унда сенга ҳеч ким ёрдам бермайди.

— Ҳозир менга ёрдам беришяптими?

— Ёрдам бериш учун сени бу ерга жойлаштиришган-да.

— Менга дори ичасан деб мажбур қилишяпти, мен хоҳламайман ҳам, ичмайман ҳам. Бу ерда ётганларни кўрдингизми? Уларнинг ҳаммаси қанақадир гангиган. Доридан. Мен ичмайман дорисини. Кейин мен сизга айтиб қўяй: агар сиз мени бу ердан олиб кетмасангиз, мен ўзимни ўлдираман, ё томиримни қирқаман, ё деразадан ташлайман, бир йўлини қиламан, аммо ҳеч қанақасига бу ерда қолмайман.

Мен деразага қарадим.

— Деразаларда панжара бор экан, Давид.

— Бир йўлини топаман-да, шунда аттанг дейсиз, қаттиқ пушаймон бўласиз, мана мени айтди дерсиз.

Мен “ух” тортдим.

— Давид, бу аҳволда ҳеч нарса қилолмаймиз. Сен шу ерда қолишинг керак, иложимиз қанча. Вақтинчалик, буни ўзинг биласан-ку. Эртага биз сени кўргани тағин келамиз, албатта, телефон қилиб келманглар демасанг.

Мен ўрнимдан турдим, эшик томон юрдим-да, уни итардим. Эшик ўша заҳоти очилди. Давид изимдан келарди, остонада эса у менга жон-жаҳди билан ёпишиб олди.

— Ойижон, — қичқирарди у, — олиб кетинг мени бу ердан, олиб кетинг! Мен ўзимни ўлдираман, билиб қўйинг, яшаш аллақачон жонимга теккан!

Иккита санитар унинг қўлларини маҳкам боғлаб қўйди.

Ташқарида турарканмиз, ҳамон унинг қичқириқлари кулоғимизга чалинарди. Калтаклаб ташланган одамдай биз машина томонга йўл олдик.

Шу куни кечкурун мен ойимникига кетдим. У ҳам ниманидир билиши керак-ку, қачонгача ундан ҳамма нарсани сир сақлаймиз? Хўш, мен нима дейман унга? Неварангиз наркоман бўлди, у руҳий касалликка чалинди, уни жиннихонага ётқизишди дейманми? Агар биз сиздан болаларимизга қараб туришингизни илтимос қилгудек бўлсак; шунда биласиз бунинг нимага кераклигини. Мен унча-мунча баҳоналарни кўнглимда пишитиб қўйган эдим, лекин уларнинг ҳаммаси назаримда ҳақиқатдан узоқдек туюлди, охири нима бўлса бўлар деб, барини гапиришга аҳд қилдим. Машина ичиданоқ ойимнинг уйида биронта ҳам чироқ ёнмаганини кўрдим. Бундан қаттиқ таажжубга тушдим, чунки кечкурунлари у ҳеч қачон чиқмасди. Бир оз ташвишланганча мен калитни кулф тирқишига солдим. Лўкидони ичкаридан суриб қўйилган экан — киришнинг иложи йўқ. Эшикдаги дарчадан йўлакда ҳам чироқ йўқлигини кўрдим. Агар ойим бир ёққа кетган бўлганида ҳам у ҳар доим чироқни ёқиқ қолдирарди... Мен

илгарилари калитни унутиб қолдирганимда одат бўлиб қолганидек битта қисқа, иккита узун кўнғироқ босдим ва нима бўларкин, деб кута бошладим. Уйда ўша-ўша жимлик. Баттар ташвишлана бошладим, эшик ичкаридан берк — демак, ойим шу ерда. Бирдан деразадаги парда аста қимирлади, бир четга сурилди ва мен ойимнинг юзини кўрдим. Парда қайта ёпилди, бир оз ўтиб хонада чироқ ёнди ва йўлакдан қадам товушлари қулогимга чалинди. Ойим лўкидонни суриб, эшикни очди ва мени ичкарига олди. Кейин тезгина хонага қайтиб келди ва хиёл тарадуд билан менга ўтир дегандек курсига ишора қилди.

— Мен... э-э, ухлаб қолибман, — деди ойим. — Келишингни билмовдим-да.

Нега ойим ёлгонлаяпти? Асабийлашаяпти? У чой қўйгани ошхонага йўрғалаб кетди.

— Нима ичасан, чойми ё қаҳвами? Менга барибир, шунинг учун ўзинг айт.

У ухлаб қолмаган. У жўрттага ҳамма чироқларни ўчириб, эшик лўкидонини суриб қўйган.

— Келганинг жуда яхши бўлди-да. Тез-тез шунақа кечкурунлари келиб турганинг дуруст, бўлмаса мен доим бир ўзим қолиб зерикаман.

У шоша-пиша пиёлаларни тўғриларкан, болалар ҳақида сўрамасди.

— Симон қайтиб келди, — дедим мен.

Ойим менга қаради, унинг кўзларида ёш ўйнади.

— Болажоним, — деди у, — бу яхши гап. Сизлар бирга бўлишларинг керак. Ёлғизликдан ёмони йўқ. — Яна пиёлаларни олиб-олиб қўя бошлади. — Чой дамлай қолай, шуниси маъқул, тўғрими?

Мен у билан бирга хона ичига кирдим ва тунги чироқни ёқдим.

— Совуқ эмасми? Печкага ўт ёқайми?

Хона ўртасида — каттакон стол, чапда идиш-оёқ қўйиладиган жавон, ўнгда — рояль, мен бу ердан кетгандан бери уйдаги ҳолат ўзгармаганди.

— Ойи, — сўрадим мен, — нега сиз қоронғида ўтирибсиз?

Ойим пиёла устидан бошини кўтарди, юзи унинг етмиш ёшидан кексароқ кўринади. Бешафқат кексалик. У кўзини дастрўмол билан артди.

— Эҳ... Давид... — деди у.

— Нима Давид? У бу ерга ҳам келдими? — сўрадим мен.

Ойим елка қисиб қўйди.

— Бор гапни сенга айтишим керак, болажоним...

У яна дастрўмол билан кўзларини узоқ артди, пиёлани столга қўйди.

— Давиднинг аҳволи яхши эмас, — деди у, — сизлар унга кераклича эътибор бермайсизлар. У жудаям кўнгли нозик бола, болаларингиз орасида эса у доим охириги ўринда турарди, шунинг учун ҳам у шунақа бўлиб қолган. У ўзини жуда гариб ҳис қилади, лекин буни ёлғиз менгина кўраман. У менинг уйимда туғилганди-да...

Ойим гапни жуда узоқдан бошлаган эди, бу эса тоқатимни тоқ қилиб юбораётганди. Мен сабрим чидамай унинг сўзини бўлдим:

— Тезроқ айта қолсангиз-чи, худо ҳаққи, ўзи нима гап? Нега қоронғида ўтирибсиз?

Ойим товуш чиқармай йиғлай бошлади.

— Нега сен менга тагин бунақа зарда қилиб гапирасан? Бусиз ҳам юрагим тўкилиб тамом бўлган. Қоронғида ўтирганим, чунки мен... чунки мен кўрқаман, яна Давид келиб қолади деб. Ҳеч бўлмаганда сен буни биласан-ку. Кейинги ойларда у кечкурунлари келарди-да... айтишга тилим бормайди, лекин мен кўрқаман ундан. Ўз неварамдан кўрқаман... Ё сенга ҳеч нарса билинмаяптими? Ўз уйимда дунёга келган неварамдан ўзим кўрқсам-а...

Эй худо, қачон тамом бўлади ойимнинг бу дийдиёси? Мен унинг елкасидан тутдим-да, меҳрибонлик билан силкаладим.

— Илтимос, гапни ҳадеб айлантирмасдан тезроқ айтинг, ойи! Демак, Давид сизникига кечкурунлари келарди, сиз ундан кўрқардингиз. Нега? У сиздан нима сўрарди? Пулми? Нима сўрарди у?

— Пул, — жавоб берди ойим.

Мен уни қўйиб юбордим ва курсига ўтириб қолдим. Пул. Ойлар давомида. Бўлмаса-чи, тушунмай ўлибманми. У пулни мендан олмасди. Демак, бувисини қон қақшатар экан-да.

- Сиз ундан бу пуллар сенга нега керак деб сўрамас эдингизми?
- Сўрардим. Унинг қарзи бор экан, агар шу қарзни узмаса, унинг ҳаёти хавф остида қоларкан... кейин, сенга ҳеч нарса айтмаслигимни уқтирарди.
- Сиз унга қанча пул бергансиз?
- Эҳ, эсимда бор дейсанми? Ҳар гал юз, икки юз гульдендан оларди...
- Ҳар гал... Ҳўш, қанча вақтдан бери? Неча ҳафта бўлди? У тез-тез келармиди сизникига?
- Сен бекорга менга жаҳл қиляяпсан. У ҳафтада бир, гоҳо икки марта келарди, айниқса, кейинги ойларда оёқ узмай келиб турди. Лекин сўнгги вақтларда мен худди уйда йўқдай қоронғида ўтирадиган одат чиқардим, бир ҳафтадан буён кўринмаяпти.

Ҳа, ҳаммаса тўғри, сўнгги ҳафтада у сизнинг ўша пулларингизга сотиб олган ЛСД — асаб касаллиги билан жиннихонада ўтирибди. Ҳа, энди кўз ёши қилишдан фойда йўқ...

— Ҳаммадан ҳам ёмони, — давом этди ойим, — унга пул нима учун кераклигини билиб турардим. Йўқ, унинг ўзидан эмас, лекин биламан, мен доктор билан гаплашган эдим. Бизга фақат шу етмай турувди. Доктор, сиз албатта қизингиз билан гаплашиб кўринг, деди. Бугун ўз оёғинг билан келганингдан суюниб кетдим, сўнгги ҳафтада дом-дараксиз бўлиб кетдинглар, ўзим бораё десам, сира оёғим тортмади-тортмади... Доктор Давидга пул нима учун кераклигини тушунтирди. Қарзларни узишга, ҳа, қарзларни у бировдан пул олгани ё қиморда ютқазиб кўйганидан орттирмаган, балки гиёҳвандликка берилганидан шундай бўлган, доктор шундай деди, ҳар ҳолда у шундай ўйларкан, чунки ҳозирги пайтда жуда кўп ёшлар шунақанги берилиб кетишганмиши.

— У сизга бу пулларни унга бериб туришингиз керак, деб айтмадими ҳеч?

— Йўқ, албатта, йўқ, у бунга аралашмайди, чунки ўзи бу нарсаларни кўп тушунмас экан, у шундай деди. У фақат, қизингиз билан гаплашинг, дерди, холос. Лекин аввалига ўйланиб қолдим: бусиз ҳам сен толиққан эрингнинг дастидан бошингни қаёққа уришингни билмай юрибсан, аввал пулни берайчи, балки ўшанда ўзининг ташвишларидан оғиз очар, дебман. Ахир мен қаёқдан билай бунақа бўлишини, ахир у... ахир у...

— Ҳўш, ойи? Сиз мenden ҳеч нарсани яширманг.

Ойим дастрўмоли билан юзини артди.

— У ўз бувисига дўқ қилиши тушимга кирибмиди. — Энди ойим пиқиллаб йиғлай бошлади. — Айтиш оғир-у, аммо мен сенга очигини айтишим керак: ўғлинг — наркоман. Оҳ, бизга шуниси етмай турувди ўзи.

— Бундан менинг хабарим йўқ деб ўйловдингизми? — вужудимни ғазаб чулғамоқда эди. — Дўқ қиларди деддингизми? Сиз нимани назарда тутаяпсиз?

— Нимани бўларди, мен пул бермасам, у ўзини ўлдираман дерди, чунки у гиёҳвандлик қилмаса туролмайдиган бўлиб қолган эмиш.

Мен бутунлай ғазабга келган эдим. Давиддан ғазабланмоқда эдим, ойимдан ғазабланмоқда эдим, улар ўйнаган барча мана шу ўйиндан ғазабланмоқда эдим.

— Эй худо, унинг дўқларидан кўрқиб сиз индамай туравердингизми?

— Ҳўш, мен нима қилишим керак эди? — ўзини тутолмай қичқирди ойим.

Ҳеч нарса, албатта. У нима ҳам қила оларди? Модомики, она бўлиб Давиднинг дўқларига мен бардош беролмаган эканман, ўз уйида дунёга келган неварасини жонидан ортиқ кўрувчи кекса бувидан бундан ортиқ нимани кутиш мумкин эди?

— Ойи, — дедим мен, — келинг, йиғи-сиғини, бақирӣқ-чақирӣқларни бас қилайлик, келинг, ақлни пешлаб ўйлаб кўрайлик. Давид — наркоман. У ЛСДни кўзига қарамай истеъмол қилади. Ҳозирги пайтда руҳий касалликлар шифохонасида ётибди. Бунинг нима эканини сиз ҳам билмайсиз, мен ҳам. У даволаниши керак, муолажа қанча давом этишини ҳам мен билмайман. Соғми ё носоғми. Вақти келиб ўз ҳолига қайтадими, йўқми. Энди сиз унга пул бермайсиз, хўпми? У келганида менга хабар қиласиз, бўлди. Кейин, илтимос, бундан кейин қоронғида ўтирманг.

Ойим хўп дерди-да, бош ирғарди, хўп дерди-да, бош ирғарди. У руҳий касаллик деганидан шу қадар юрак олдириб қўйгандики, ЛСД ўзи нима дегани,

деб сўрашга журъати етмаётганди. Энди менсиз ҳеч нарса қилмасликка қатъий сўз берди. Мен пальтомни кийдим ва ойим мени кўча эшиккача кузатиб чиқди. Кўчада турарканман, эшик лўкидонининг ширқ этиб сурилган овози қулогимга чалинди.

Жюльет даҳлизда менга пешвоз чиқди.

— Бувимга айтдингизми? Давиднинг қилмишидан роса қўрқиб кетган бўлсалар керак? Йиғладиларми? Бу ерда Бернарднинг ота-онаси ўтиришибди, улар ундан хат олишибди, қамоқхонадан, дадам эса Давид ҳақида ҳаммасини ҳикоя қилиб бердилар. Дадам қайтиб келганларидан шундай қувондимки! Улар сира-ям жаҳл қилмаптилар, уларга нима бўлганини тушунтириб бердилар. Хуллас, энди дадам яхшилар, зўр-а, тўғрими, ойи? Мен қаҳва дамлаб қўйганман, улар ичишяпти. Сизга ҳам дамлаб берайми? — Жюльет мени ичкарига етаклади. — Биласизми, дадам менга кечроқ ётишимга рухсат бердилар, ўзлари майли дедилар.

Жюльет ўриндиқда отаси пинжига кириб ўтириб олди, Симон эса уни маҳкам кучганча жилмаярди. Улар ўртасида яна тинчлик ва хотиржамлик ҳукмрон эди.

Герри билан Томга кўзим тушиши ҳамон юрагимда илиқлик пайдо бўлди. Улар билан ҳамма нарса тўғрисида гаплашиш мумкин. Бизлар ўзимизни бир хилда ҳис этар эдик ва агар ўзимиз қандай чора кўришни билмай қолсак, мусибатдошлар бир-биримизга бемалол маслаҳат бераверар эдик. Ота-оналар, деб ўйлардим мен, наркоманларнинг ота-оналари бир-бирларига далда беришлари лозим. Мен бу ҳақда ҳаммага эшитдириб айтган эдим, бироқ Том эътироз билдирди:

— Ахир бу бутун бир ташкилот-ку. Бунақа ота-оналарни қандай тўплайсан? Истасанг, эълон чоп этдир — улар шунақанги қўрқиб қолишганки, инларидан бошларини чиқармайдилар, чурқ этмай юраверадилар. Бирон-бир одам билиб қолмаганига таваккал қилгандан кўра улар ўз томларига ёққан қорни ўзлари курашни афзал кўрадилар. Эҳтимол, бир-икки йилдан кейин вазият бошқача бўлиб қолар, бироқ ҳозирча бу соҳа истисно.

— Агар ота-оналарнинг шундай гуруҳи ҳозир мавжуд бўлганда, — деди Герри, — бу кони фойда бўларди. Мисол учун қамоқхонада ўтирган Беннини олинг. Бизга уни ҳар чоршанбада бориб кўришга рухсат берилган, мана, роса бир ойдан бери у мендан илтимос қилади: янаги сафар келганингизда наша олиб келинг. Бу ерда наша ҳаммада бор, дейди. Ҳатто ижтимоий хизмат кўрсатиш идораси ходими ҳам бундай дейди: хоним, бемалол олиб ўтаверинг, бунинг сира ёмон жойи йўқ. Биз бундай қилмадик. Натижа нима бўлди денг: Бенни, модомики ҳеч нарса олиб келмас экансиз, бу ерга оёғингизни босманг эмиш. Мана, оёғимизни босмай ҳам қўйдик. Лекин буни мен шунчаки айтаяпман, аслида эса биз нақ онамизни ... кўраяпмиз. Борди-ю, агар анавиндақа гуруҳ мавжуд бўлганда, бу гуруҳ ичида шундай тажрибага эга ва буни қандай эплаш кераклигини айтиб бера оладиган битта-яримта инсон албатта топиларди. Биз эса яхшими, ёмонми, бир ўзимиз чиранганимиз-чиранган. Ҳар чоршанбада ўйлайман: йўқ, барибир бораман, майли, Томдан бекиниб бўлса ҳам бораман. Бораман-да, унинг учун “Троя оти” бозорида мана шу ўлгурдан сотиб оламан. Мен ростданам эзилиб, адойи тамом бўлганман, — у жилмайиб қўйди. — Мени у ерда бир тасаввур қилиб кўр-а! Эгнимда катак юбка, бўйнимда дур — “Троя оти” бозорида наша сотиб олаётган хотин.

— У билан бутунлай орани очиқ қилиб бўпсизлар-ку, — деди Симон, — сен энди уни бориб кўролмайсан ҳам.

— Ҳа, ҳамма бало шунда-да, биз уни роса бир ойдан бери кўрганимиз йўқ. Лекин у бизга хат ёзди, хат ёнимда, сизлар уни ўқиб чиқишларинг керак, ҳеч нарса олиб бормаё биз тўғри қилганимизни мен эндигина билдим. Мана у, — деди Герри, — мен уни ўқиб бераман, бу бизнинг ҳаммамиз учун ибрат бўлади... “Азиз ота, онажоним, мен сизларга қамоқхонада нималар бўлиши ва менинг бунга муносабатим тўғрисида гапириб бермоқчиман. Бу ердаги шароит яхши эмас, чунки маҳкумлар ўзларининг заифликлари фош бўлиб қолишидан ўлгудек қўрқишади ва ўзларини енгилмас баҳодирлардек қилиб кўрсатиш учун

ўлиб-тирилишади. Ҳар нарсадан сапчиб кетавериш мумкин эмас, чунки унда сени ожизга чиқариб қўйишлари мумкин. Мен ўзимни четда тутишга ўрганиб олдим. Бахтимга бу ерда бир қанча болалар бор, улар билан ҳеч қанақа дўстлик ёки ишонччи ўртага солмасдан шунчаки гап сотса бўлади. Яна бу ерда кулранг либосли назоратчилар юришади, улардан фақатгина камера эшикларини очишни илтимос қилиш мумкин, ахир ўзингиз биласиз-ку, агар сени “мент”лар билан ошначилиги бор деб ёзиб қўйишса борми, ёруғ дунёдан умидингни узавер. Гоҳо шундай бўладики, ўйлаб қоласан: ҳаммаси яхши бўлиб кетади, фақат ролдан чиқиб кетмасанг бўлгани. Лекин мен ролдан чиққанимдан хурсандман. Бу ерда муқова устахонасида ишлаяпман, ишим менга ёқади. Эрталаблари соат еттида уйғотишади, шундан кейин соат етти яримгача ювиниб, нонушта қилинади. Саккиздан ўн дақиқа ўтганда иш жойида бўлиш керак, чорак кам ўн иккида эса камерага қайтиб келиш керак. У ерда сенга иссиқ овқат беришади, ўн иккидан иккигача камера эшиги қулфлаб қўйилади. Одатдагидек, бу пайтда мен койкамда ётаман. Кейин яна ишга, соат бешгача. Бешдан беш яримгача душга боришинг ёки ўз камерангни саришта қилишинг ёки гап сотишинг мумкин, беш яримда эса нон ортилган аравача келади ва сенга нон ва қаҳва беришади. Чорак кам еттида яна камера эшиги очилади ва сен қўнглингга келган ишни қилишинг мумкин. Телевизор кўрасанми, бильярд ё пинг-понг ўйнасанми ёки қушларга қафас ясайсанми, ўзинг биласан. Мен худди шу нарса билан шуғулланаман, чунки бир жуфт тарғил тўтиқуш сотиб олмоқчиман. Улар озгина қўлга ўргангандан кейин олдида бўлганимда қафасдан чиқариб кўраман. Чорак кам ўндан то эртаси кун тонгги еттигача камерани яна қулфлаб қўйишади, сўнг яна ҳаммаси қайтадан бошланади. Мен ҳам спорт билан шуғулланаман, ҳафтада тўрт марта бир соатдан волейбол ўйнайман, бу жуда зўр нарса. Чунки ўзим мутлақо бемаъни деб ҳисобласам-да, волейбол туфайли қамоқхонада кечган умрга чидаса бўлади. Нега? — деб баъзан ўзимга ўзим савол бераман. Аҳмақона иш қилиб қўйганимни ва жамият жиноятчи жазоланиши кераклигини хоҳлашини тушунаман. Лекин биргина жазолаш билан ишларнинг яхши бўлиб кетишига ёрдам бериб бўлмайди-ку. Бу ҳеч қанақа яхшиликка олиб бормайди, болаларнинг кўпчилиги жамиятга нафрат ва умримизнинг бир ё ундан кўпроқ йилларини ҳазон қилди деган ўй билан қайтишади. Менимча, кам деганда ўн миллион нидерланд халқи қамоқхона нима дегани ва у одамларни руҳан майиб қилиши ҳақида ҳеч нарса билмаслиги кишига алам қилади. Энг катта адолатсизлик, эркинликка чиққандан кейин сени билганингни қил, ўласанми, қоласанми ишимиз йўқ деб ташлаб қўйишларидадир, чунки қайта даражалаш учига чиққан фирибгарликдан бошқа нарса эмас, буни мен бу ерда қайта-қайта ўтириб чиққан болалардан билиб олдим. Улар қиладиган бирдан-бир иш прокурорга, вазирликка ва яна аллақаяқларга хат ёзишдир, қолганига уларнинг дасты мутлақо қалталиқ қилади. Тўғриси айтсам, гиёҳвандликка ружу қўйган одамларни жиноятчилар билан бир поғонага қўйишнинг ўзи жиноятга киради, ахир аслида улар касал-ку, агар йўқ дейишмаса уларга ёрдам бериш керак, бутун жамият айбдор бўлиб тургандан кейин унга жазо бериш мумкин эмас-ку. Мен бу ерда дарҳол гиёҳвандликдан воз кечишимга тўғри келади. Начора, икки ҳафтадан кейин бари ўтиб кетди, бироқ фақат жисмоний жиҳатдан, руҳий жиҳатдан эмас. Мен ўзимни жуда ёмон ҳис этардим, шунинг учун сизлардан менга наша олиб келинг деб доим илтимос қилардим. Бошқа болалар эса нашани бемалол олиб туришарди, ҳатто ижтимоий ёрдам ходимларидан ҳам. Барибур мен сизларнинг бундай қилмаганингиздан фахрланаман. Мен сизларни таслим бўласизлар деб ўйловдим, лекин бундай бўлмади. Сизлар ҳам бардош бердингиз, на икки ҳафтадан кейин, на уч ҳафтадан кейин сизлар наша олиб келмадингиз. Тўғри ҳам қилдингиз. Энди сизлар яна менинг олдимга келаверишингиз мумкин, мен наша олиб келинглар деб тиқилинч қилмайман. Бу ердан чиққанимдан кейин ўзимни тутишга уриниб кўраман. Менга уй керак, албатта улар менга ниманидир тавсия этишади, лекин бу бир чақага қиммат нарса. Балки сизлар мен учун бирон нарсани қараб кўрарсизлар. Хайр, Бен”.

Герри секин хатни буклади-да, авайлаб, сумкасига солиб қўйди.

- Кўрдингми, у биздан фахрланади, чунки биз чидаб бердик, — деди Том.
- Мен ҳам у билан фахрланаман, — меҳрибонлик билан деди Герри.

Герри Бенни билан алоқани узишга тўғри келса ҳамки Герри билан Том наша олиб боришмаган. Бир ой ичида улар “бутунлай адоий тамом бўлишган”. Геррининг миясига ҳатто эримга билдирмасдан наша олиб борсаммикан, деган фикр келган, лекин улар сабр қилишган, эр-хотин бир жон-бир тан бўлишган. Ўғиллари ҳам энди улар билан фахрланади ва бу уларда янги умид туғдирган. Умид — умидсизлик. Лекин ҳозирча уларда умид бор. Герри билан Том ота-она сифатида биз ҳеч қачон бундай қилмаслигимиз кераклиги, бунинг мутлақо масъулиятсизлик эканини билиб қўйишимиз кераклиги, аммо бунинг учун энг аввало бир жон-бир тан бўлишга ўрганишимиз кераклиги ҳақида бизга сабоқ бериши.

Биз Симон иккаламиз учун бу жуда муҳим эди, чунки биз ҳам Давиднинг талабларидан “адоий тамом бўлган” эдик-да. У бизни чирмандасига ўйнатмоқда эди, бир-биримиз билан ҳамжиҳатмизми, йўқми, орамиздаги муросасизликдан ўз манфаати йўлида фойдаланса бўладими, йўқми — зийраклик билан кутарди. Биз иккинчи бор уни кўргани борганимизда, у бизни ланг очиқ панжарали деразада кутарди ва етиб бормасимизданоқ башарамизга болохонадор қилиб сўқинди, унинг сўқишга олдиндан тайёр тургани шундоқ кўриниб турарди, охирида эса шундай деди:

— Нима қилиб ўтирибсизлар? Маймун ўйнатаётгани сизларга бу ерда? Мени олиб кетмас экансизлар, жўнаб қолинглар!

Бу жуда ҳам даҳшатли ҳол эди, лекин биз жимгина ичкарига кирдик. Бизнинг чурқ этмаётганимизни кўриб у бошқача мақомга ўтди. Овозига амрона оҳанг бериб хитоб қилди:

— Нима, бу ерда менга яхши деб ўйлаяпсизларми? Бу ажойиб шифохона мени гиёҳвандликдан халос қилади деб хомтама бўлаяпсизларми? Чучварани хом санабсиз, бу чиркин жиннихонада, агар хоҳласанг, санитардан истаганча қорадори олсанг бўлади, бир оғиз сўрасанг, бас.

— Қанақа санитардан? — тезгина сўради Симон.

— Бўлимиздаги санитардан, сизлар уни кеча кўргандинглар. Кеча у менга мана бундай қўлбола папирос берди, бугун эрталаб ҳам, агар мен яна хоҳласам, яна истаганча беради.

— Роса омадинг келибди, — дедим мен ва сен жим тур дегандек Симонга имлаб қўйдим. Ичимда бир нарса ёнгандек бўлиб кетдим, бу гапларни, албатта, зудлик билан ойдинлаштириш керак эди.

— Бу ерда ким қанча хоҳласа, бемалол олаверади, бу ерда шунақа маразли бозорча бор.

— Пастда пинг-понг столига кўзим тушди, — деди Симон.

— Мени у ёққа қўйишмайди, мени қочиб кетади деб қаттиқ қўрқишади. У ерга онаси ё отаси билан қўйишади, лекин мен сизлар билан бормайман.

Биз яна жимиб қолдик.

— Сиз пинг-понг ўйнайсизми? — сўради Давид отасидан.

— Агар стол бўш бўлса...

— Сўраса бўлади.

Давид турди-да, эшикни тақиллатди. Санитар кирди.

— Менга қара, — деди Давид, — биз пинг-понг ўйнамоқчимиз. Олиб бор бизни.

Давиднинг сурбетларча амрона гапириши менга оғир ботди. Мен Симонга қарадим, у ҳам мен каби ўзини базўр тутиб турарди. Бироқ санитар ўзини Давиднинг гапини эшитмаганга олди ва бизга мурожаат қилди:

— Сизлар уйга кетмоқчимисизлар?

— Биз пинг-понг ўйнамоқчи эдик, — деди Симон, — агар мумкин бўлса, албатта.

— Мумкин, — жавоб қилди санитар, — мен сизлар билан бирга бораман.

Давид эшик тагида тик турарди.

— Мен бормайман, — деди у.

Биз учовлон ҳам индамадик. Тўсатдан Давид эшик кесақисига бир тепди.

— Бормайман! Бормайман... иккалангизни ҳам жин урсин!

У биз томонга муштини дўлайтириб қўйди. Санитар унинг қўлидан ушладида, эшик ортига судраб кетди.

— Тинчлан, — овуларди у, — ота-онанг уйга кетишаяпти, улар билан дурустгина хайрлашсанг бўлмайдим.

Биз Симон иккаламиз бирин-кетин эшикдан чиқдик, менинг аъзойи баданим қалт-қалт қиларди.

— Хайр, Давид, — секин дедим мен ва тезроқ бу ердан қорамни ўчириш учун йўлакдан чопиб кетдим. Яна қаршимиздаги эшиклар очилиб ёпилар эди.

Мен пальтомни елкамга солиб олдим, енгларим халтадай осилиб турарди. Симон қўлтигимдан олмоқчи бўлган эди, бироқ бўм-бўш осилиб турган енглар қўлига илинди. Бошқа вақт бўлганда ҳузур қилиб кулган бўлардим, ҳозир эса бу бизнинг ночорлигимизни намойиш этиб турарди ва беихтиёр оғзимдан шу сўзлар учиб чиқди: — Мен бошқа бу ерга изимни босмайман, ҳолим қолмади, мен энди бу ерга келолмайман.

— Бошқа бу ерга келишимизнинг ҳожати ҳам йўқ, ҳеч бўлмаганда ҳозирча.

— Кейин-чи? Биз унинг аҳволи қандайлигини билишимиз керак-ку?

— Эртага бу ерга қўнғироқ қиламиз. Мен унинг врач билан гаплашмоқчиман.

Биз эртаси куни қўнғироқ қилдик. Ҳамшира қиз хотиржамгина Давиднинг изоляторда ўтиганини айтди.

— Ҳа, сиз врач билан гаплашишингиз мумкин, кутиб турунг, мен сизни унинг котибаси билан улайман.

— Доктор В. бугун кенгашда бўлади, лекин у сизни кенгашдан кейин, соат тўрт яримда қабул қилиши мумкин. Бўладими?

Ҳа, раҳмат, жуда соз, соат тўрт яримгача чидай оламиз. Изолятор. Давид изоляторда. Миямда кўрқинчли қиёфалар гавдаланарди. Умрим давомида мен кўплаб даҳшатли воқеалар ҳақида эшитганман ва ҳозир уларни Давидга таққосламоқда эдим. У дорилардан қарахт қилиб ташланган бир алпозда касалхона кўйлагига ётибди. У шип-шийдон деворлар орасида қичқираяпти. Эшикдаги шиша тирқишдан, монитордан уни кузатиб туришибди. Мониторлар қаршисида хариталарга кўзларини тикиб олган санитарлар.

— Симон, ортиқ чидолмайман. Изолятор нима деганини тушунтириб берадиган кимса борми? — Саволимга ўзим жавоб бердим: — Кеес! Шундай дедим у, телефонга ташландим...

— Менга қаранг, — деди у, — сиз ҳеч бўлмаганда Давид уйга қайтиб келмаганда бирров телефон қилсангиз бўлар эди-ку. Ахир олти кун ўтибди-я. Энди қандай ёрдам беришим мумкин унга?

— Изолятор нима дегани? У қанақа таъсир қилади? Давид у ерда неча кун бўлади?

У жим қолди. Ниҳоят, шундай деди:

— Менинг англашимча, менда ота-оналарга руҳий хотиржамлик бахш этувчи эртақлар айтиб беришимни кутаяпсизлар. Менинг эртақ айтишга ҳушим йўқроқ. Бизнинг бутун расво жамиятимиз Давидга ўхшаган болалар учун жавобгардир. Сиз ҳам, эрингиз ҳам, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек осонгина битаверса дейсизлар, бу болаларнинг хулқ-атворларидаги салбий ҳолатларнинг туб сабабларига ҳеч қачон қизиқиб қарамагансизлар. Хўш, изолятор нима деганини телефонда мени икки оғиз қилиб тушунтириб бера олади деб ўйлаяпсизми? Айтмоқчи, нима учун келиб-келиб шу сўз керак бўлиб қолди? Бу шундай воситаки, ночорлигини тан олишга мажбур бўлганида жамиятингиз шунга таяниб қолади. Худди шундай тарзда сиз мендан гильотина нима дегани, деб сўрашингиз мумкин. Шунда мен у ёки бу тарзда Франция инқилобининг туб сабабларидан бошлашим керак бўлар эди. Аминманки, сиз ҳам инқилоб ҳақида фақатгина унинг бир минг етти юз тўқсон бешинчи йилда бошланганини биласиз, холос.

У гўшакни қўйиб қўйди. Шунда миямга лоп этиб урилди: Кеес мендан нафратланади. У мен билан Симонга ўхшаган ота-оналарининг пулига ўқиган, дан-ғиллама ҳовлиларда яшайдиган, унинг фикрича, зориқиш нималигини билмайдиган, бу чиркин жамият учун жавобгар одамлардан нафратланади. Ўқийман деб давлатдан қулоғигача қарзга ботган, велосипед минган бу насроний Давидга ўхшаганлар томонида турарди. Уларга ёрдам бера олишлари ёки ёрдам бермоқчи бўлганлари учун эмас, балки унинг назариясини маъқуллаганлари учун. “Кеес менга ҳаммасини “яхшилиқ” ниятида ўргатапти”, — деган эди Давид Кеес билан ўзининг дастлабки суҳбатидан кейин. Ўшанда у нимани назарда тутаётганини англамагандим.

“Гиёҳванд моддани қандай қилиб “яхши ниятда” истеъмол қилиш мумкин” — унинг гапининг маъноси шу эди. Кеес бошчилигида Давид ҳойнаҳой ЛСДни истеъмол қилиб юрган бўлиши керак. Бир зумда барчаси ойдинлашди-қўйди.

Давиднинг врач бизнинг турмушимизни остин-устин қилиб юборди. Афтидан Давидни эмас, балки бизни руҳий касалхонага жойлаштиришганга ўхшарди.

— Мен Давиднинг онаси билан яна бир неча бор суҳбат қилиш ниятим бор, — деди у гапининг ниҳоясида, — чунки мен Давиднинг болалиги ҳақида барча нарсани билишим жуда муҳим. Илтимос, котибам билан яқин вақтларда тўрт янги учрашув хусусида келишиб олинглар, яхшими?

— Нега энди онаси билан алоҳида? — сўради Симон.

— Менинг тушунишимча, сиз ўзингиз руҳий касаллик врач назоратидасиз, мен бу жараёнга суқилишни истамайман, умуман олганда, онанинг ўзи мутлақо кифоя.

— Бунда Давиднинг ўзи ҳам бўладими? — сўрадим мен.

— Йўқ, биз яккама-якка гаплашамиз.

— Менга маъқул бўлмаяпти, яхшиси, Давид ҳам иштирок этсин, ахир гап у ҳақида кетаяпти-ку.

У менга совуқ қараб қўйди.

— Хоним, буни мен ҳал қиламан. Сиздан фақат ҳамкорлик талаб этилади, холос.

— Давид ёш бола эмас, — дедим мен, — мен нимани гапиришимни у билишга мутлақо ҳақли. Бундан ташқари, агар менинг сиз билан яккама-якка гаплашганимни эшитгудек бўлса, у мендан ғазабланади ва менимча ғазабланиши бежиз бўлмайди.

Врач яна совуқ қараш қилди.

— Хоним, қандай тўхтамга келиш менинг ихтиёрим. Сиздан фақат ҳамкорлик қилишни кутаман, вассалом.

Берган саволларимизга биз нуқул ноаниқ ва бир хилдаги жавобни олавердик.

— Доктор, айтолмайсизми, ЛСД — руҳий касаллиги нима дегани?

— Бу унинг “ёмон трип”и билан боғлиқ. Қўрқиш ва ғазабланиш ҳолати юзага келади. Беморга олдинги фикрлаш ва яшаш тарзига қайтиши учун ёрдам кўрсатиш керак бўлади.

— Давиднинг айтишича, у дориларни ичгиси келмас эмиш, шу тўғрими?

— Ҳозирги пайтда у, афсуски, ҳаммасига қаршилиқ кўрсатапти. Ҳар бир бемор ўз касаллиги муддатига боғлиқ равишда зарурий дориларни ичади. Давид шу нарсани англамоғи керакки, буюрилган дориларни ичмасдан у ҳеч қачон ўзининг аввалги ҳолатига қайта олмайди.

— Давид, агар сўрасам, қорадори ҳам беришади, дейди.

— Сиз унинг чекканини кўрдингизми?

— Йўқ, у фақат шу тўғрида гапирди.

— Унда, ўйлайманки, бу бўлмаган гап, — деди доктор В. — Бизнинг шифохонамизда фақат дорилар берилади. Бемор учун биз гиёҳвандлик моддалари қўлламаймиз ва ҳеч қанақа истиснога бормаимиз.

— Давид нега изоляторда ўтирибди?

— Ўзингизга маълум, у дориларни ичмаяпти. Шу боис у мунтазам ваҳима ҳолатига тушаяпти, бу билан беморнинг соғайиб кетиши асло мумкин эмас. Бундай ҳолларда ягона йўл — бу изолятордир.

— Бемор учунми ё Давид учунми? — гижиниб сўради Симон.

— Мен умуман вазият ҳақида, соғайиб кетишга олиб келиши керак бўлган бутун жараён ҳақида гапираяпман. Дорилар, изолятор — бу барча воситалар бемор қаршилигини енгишга ёрдам бериши керак, мен эса ўғлингиз бутунлай ювош тортгандан кейингина у билан ишлай оламан.

Кейинги икки ҳафта ичида биз бир соатдан тўрт марта суҳбат ўтказдик.

Мен Давиднинг туғилишидан тортиб ҳамма нарсани сўзлаб беришим керак эди ва имкони борича тўғриси сўзлар эдим, чунки бу ҳақиқатан ҳам Давиднинг фойдасига деб ўйлагандим-да. Врач менга аҳён-аҳёндагина қарарди, у тўхтовсиз ёзар ва суҳбат сўнггида қуйидаги сўзлар билан папкани шап этиб ёларди:

— Бас, бугунча етарли. Биз яна бир қадам олдинга силжидик.

Охирги учрашувда у:

— Хўш, шу билан бўлди қиламиз. Ортиқ келишингизга ҳожат йўқ, — деди.

Мен ҳайрон эдим.

— Қанақасига? Бор-йўғи шуми? Сиз буни нима қиласиз энди? — Мен папкага ишора қилдим. — Сиз менинг бутун шахсий ҳаётимни ёзиб олдингиз-ку.

— Бемор ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қила олишимиз учун мен бундан у тўғридаги ҳисоботда фойдаланмоқчиман.

— Ўқиб кўриш учун менга бериб турасизми? — сўрадим мен.

— Ҳисоботда бемор ҳақида сўз юритилади. Танишиб чиқиш учун уни сизга бермаймиз.

Мен ўрнимдан турдим ва бир оғиз ҳам сўз айтмай хонадан чиқдим. Врач мени ҳам қўйдаи ювош қилиб олишга астойдил бел боғлаганлиги кўриниб турарди.

Шундай бўлса-да, Давид биз билан муносабатда бўлишга имкон қидирарди. Сўнги кўришувимиздан уч кун ўтгач, у менга жуда хотиржам бир тусда қўнғироқ қилди.

— Олдингизда гуноҳимга иқроп бўлишим керак деб ўйлайман, — деди у. — Шунинг учун кечирим сўрайман.

Мен унга нисбатан мутлақо нотўғри муомалада бўлган эдим. Суюнганимдан йиғлаб юбораёздим ва гўшакка қичқирдим:

— Телефон қилганингдан шунақа суюндимки, Давид, ахир бу ёқда биз тунлари ухламай чиқамиз. Бўлмаса-чи, биз сендан сира ҳам хафа эмасмиз, озмунча қийналдингми, ҳаммасини тушунамиз! Олдингга борайликми? Унда биз бугуноқ етиб борамиз ва ўтган гаплар ҳақида чурқ этмаймиз, хўпми?

Давид эса худди шу тўғрида гапирмоқчи эди. Ҳар қандай ақли расо бола каби ўзининг аблаҳона фёль-атвори учун бошлаб жазосини олиши керак эди. Бунинг ўрнига мен ўзимнинг сулҳпарвар ҳасратларим билан унга ён босган ва шу тариқа яна бизни исканжага олиши учун йўлни кенг очиб берган эдим. Аслида эса мен унга шундай дегандим: “Ота-онанг сенинг ҳар қандай жинни-лигингни кўтаради, бизни истаган мақомда ўйнатавер, чунки сен суддан оқ, мусичадай хокисор норасидасан, бизлар эса олдингга гуноҳқори азиммиз ва буни жуда яхши тушунамиз”.

Мен Симонни Рюд билан учрашувини эртаси кунга қолдиришга бир амаллаб кўндирдим. Бу учрашув эса ғоят муҳим эди, қайтадан ишга жойлашуви масаласини бир ёқлик қилиши лозим эди. Аммо буни тантанавор воқеа билан таққослаб бўларканми: Давид айбига иқроп бўлиб, кечирим сўради. Қанча қора кунларни бошдан кечирган бу бола Симоннинг ҳам жигар-бағрини эзиб юборганди.

Биз шифохонага бордик. У билан қора терга ботгунча пинг-понг ўйнадик. Биз уни паркда сайр қилгани олиб чиқиш учун руҳсат олишга муваффақ бўлдик. Атиги ўн беш дақиқа, ҳа-ҳа, бўлмаса-чи, биз унга кўз-қулоқ бўлиб тураемиз. Сайр Давидга жуда ёқиб қолгани боисидан биз ўша аснодаёқ унга энди ҳар куни сен билан бирга сайр қиламиз деб ваъда бердик. Албатта, санитардан руҳсат оламиз. Албатта, келишамиз. Кейин эса албатта сайр муддатини узайти-

ришларини сўраймиз. Бир ҳафта ичидаёқ Давид “имтиёзли беморлар” сафига тиркаб қўйилди. Уйда ҳам биз фақат Давид ҳақида гапирардик. У нимани ўйлапти, нима деди, кўриниши қанақа, одамга қанақа қарайди. Бошқа болаларимиз эсимиздан ҳам чиқиб кетганди, Симоннинг иши тўғрисида бир оғиз ҳам сўз айтилмасди, “янги” ҳаёт учун бизда мутлақо вақт қолмаганди.

Бу орада Давид бизга жуда ҳам нозик бир ўйин кўрсатди. Қарасаки, дўқ-пўписалару беҳуда бақриқ-чақриқлар унда бир қадам ҳам олға силжиш ясамади, у ҳамон шифохонада ётибди. У бошқача йўл тутишга мажбур бўлди, у бизнинг ташвишларимиздан фойдалана бошлади. Биз танҳо қолдик демагунимизча Давид вақти-вақти билан ўзини уйқу босгандек қилиб кўрсатадиган одат чиқарди. У гапимизга қулоқ солмас ёки бир нуқтага тикилиб оларди, лекин у бунга жуда меъёрида амал қиларди, акс ҳолда биз ўша заҳоти врачга югуриб қолган ва нима гаплигини аниқлай бошлаган бўлардик-да. Бизнинг ҳаддан ташқари асабийлашганимизни сезгач, у яна “ўзига келарди”.

— Шу дорилари ҳам жонга тегиб кетди-да, — дерди у. — Менга шунчалик кўп беришадими, жинни бўп қолай дейман.

Фақат анча кейин, Давид шифохонадан чиққандан сўнг у бизни роса тузлаганини орқаворотдан эшитдик. У биронта ҳам хапдори ичмаган, руҳий касалликлар врачига эса умуман тутқич бермаган экан. Ўзини уйқу босгандек қилиб кўрсатган ўйини билан эса кўнглимизда шубҳа пайдо қилишга муваффақ бўлаётган экан, чунки туну кун биз биргина гап билан ич-этимизни ердик: уни у ерда сақлаб биз тўғри қиляпмизмикин? Унга тўғри муолажа кўрсатилаяптимикин? Балки уни собиқ наркоманлар учун ташкил этилган махсус масканга жойлаштирганимиз дуруст булар? Биз, ота-оналар, айнан ҳозирги пайтда ара-лашишимиз керакми, йўқми?

Биз Герри ва Том билан маслаҳатлашдик.

— “Эмилихуве” шифохонасига бир мурожаат қилиб кўринглар, — деди Том. — У ерда қариндошларимдан бирининг акаси ишлайди, мен у билан сизлар тўғрингизда келишиб оламан.

Биз бу одам билан учрашдик ва Давид билан гаплашиш учун “Эмилихуве”дан махсус гуруҳ юбориладиган бўлди.

Биз қордан қутулиб, ёмғирга тутилган эдик...

Шифохонага энди ётқизамиз деб турганда Давид Френк Заппанинг концертига иккита чипта сотиб олди. Шундан бери унинг жағи тинмасди.

— Мен концертга боришим керак, — оёқ тираб туриб олди у, — агар мени у ёққа қўйишмаса, мен учун ҳаммаси тамом.

Биз яна итоткорона аввал санитарга, кейин руҳий касалликлар врачига йўл олдик. У дедик-бу дедик, ишқилиб, Симон Давид билан бирга концертга бориш учун рухсат олишга муваффақ бўлди. Симон ундан ваъда берасан, деб қаттиқ туриб олди:

— Ҳеч қанақа қорадори, ҳеч қанақа бошқа бало-баттари кетмайди, йўқса “Эмилихуве”дан умидингни узавер.

Давид ҳам чин йигитлик сўзини берди:

— Бўлмаса-чи, ҳеч қанақанги гиёҳвандлик кетмайди, ахир жинни эмасман-ку, мутлақо хушёр бўлиш кераклигини биламан, йўқса, “Эмилихуве”да ишим ўнгидан келиши қийин.

Бироқ у залга кирмасидан олдинроқ берган ваъдасига хилоф иш тутди. Бир таниш боладан қўлбола папирос илинтирди-да, оломон орасида ғойиб бўлди. Симон уни концертдан кейингина, обдон чекиб олган бир алпозда топиб олди. Унга бўлган ишончимиз яна қаттиқ зарбага учраганди, концерт давом этган уч соат мобайнида Симоннинг нақ она сути оғзига келиб кетди ўзиям. Кўзлари ҳалигиндай йилтиллаб чиқиб келаётган Давидни кўрганида унинг не аҳволга тушганини бир худо билади. Кейинчалик у менга шундай ҳикоя қилганди:

— Кўриб кўзимга ишонмайман. У тап тортмай яна мени алдади, ҳамма ҳаракатларимизни бир пул қилди. Мен энди чидолмасдим бунга, аъзойи баданимни ғазабдан ўт олди. Афтидан, аввал уни айлантириб бир солдим, кейин эса кўчага судраб чиқдим. У сира қаршилик кўрсатмасди, йўловчиларнинг эса унга раҳми келарди. Машинагача қандай етиб олганимизни, Давид қаршилик кўрсат-

дими, йўқми, эслолмайман. Давидни ёнимга ўтқаздим-да, телбаларча машинани уй томон учуриб кетдим. У ҳеч нарса демасди, мен ҳам, фақат шифохонага боролмай қолганига узрли сабаблар қидиравериб миям шишиб кетганди. Уни бу аҳволда у ёққа қандай олиб бора олардим?

Симон уни уйга олиб келди ва баҳона қидириб, биргаликда бош қотира бошладик. Давид шу ерда, бошига қўлларини тираганча мутлақо бепарво ўтирарди.

— Агар бунақа десак-чи...

— Йўқ, нима дейишимиз кераклигини мен биламан, — дедим мен. — Мен ҳозироқ кўнғироқ қилиб, сени Роттердамдан телефон қилди дейман. Машинаси билан бахтсиз ҳодиса рўй берибди дейман. Битта-яримтани уриб кетишинг мумкин-ку?

— Буни полицияда текширишлари мумкин.

— Бўпти, одам урмагансан, машинангга бир нима бўлган... чироғи ёнмай қолган, уйга қайтолмай Роттердамда қолишга мажбур бўлгансан, у ерда бизнинг танишларимиз бор. Сизлар у ерда тунаб қолгансизлар, эрталаб эса сен уни қайтариб олиб келгансан.

— Танишлар, яхшиси, керак эмас, чунки улар унда адресни сўраб олишади-да, албатта текширишади.

— Демак, сен у ерни билмайсан, тунаб қолиш учун битта-яримтани суриштираясан, — шундай дейман.

Мен сурбетларча телефондан худди шу гапларни айтдим. Мана, кўрдингизми, бизлар қай даражага бориб етмагандик: Давидга ўхшаб ёлғонни тўқиб-бичишга устаси фаранг бўлиб кетгандик, чўккан чўпча ёпишар деганларидай, кунимиз фақат ёлғон-яшиққа қолган эди. Чунки қандай қилиб бўлмасин, Давидни “Эмилихуве”га жойлаштириш керак эди, бу бизга эмас, кўпроқ Давид учун зарур эди, лекин биз ҳали бу нарсани тагигача чуқур тушуниб етмагандик.

Яна озгина муддат сўраб олгани эрталаб тагин кўнғироқ қилдим, чунки Давид ўрнида мутлақо ўзини билмай чўзилиб ётарди.

— Эрим машинасини Роттердамдаги гаражга шатакка олиб борибди, солашга бир оз вақт кетар экан, аммо тушга қолмай ўғлимизни ҳар қандай ҳолатда ҳам етказамиз.

Ниҳоят, йўлга чиқдик. Давид қопга ўхшаб орқада ўтирарди. Мен дам-бадам унга ўгирилиб қарар эдим. Йўқ, башарасидан деярли ҳеч нарса сезилмасди. Шунчаки чарчаган, деб қўя қоламиз. Сал шамоллаган деймиз, ҳозир ҳамма ёқда тумов тарқалган. Бунинг устига биринчи марта машинада узоқ юргани учун йўл қоқиб қўйган деймиз.

— Ундан бирон нарсани сезаяпсанми? — сўрадим мен.

— Йўқ, — ёлғонлади Симон ойначадан қараб, — айтарли ҳеч нарса сезаётганим йўқ.

Иккинчи суҳбат учун “Эмилихуве”дан махсус гуруҳ етиб келди. Давид уларни узоқ авради, охирида майли, кела қолсин, деган ҳукм чиқаришди. Аслида бу нотўғри ҳукм эди. Энди ўйлаб қарасам, Давид гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилишда давом этиб, бундан кейин яшай олмаслиги учун эмас, балки роса беш ҳафтадан буён қамалиб ётган шифохонадан қандай қилиб бўлмасин ситилиб чиқиш учун “Эмилихуве”га интилаётган экан. Симон билан мен учун-ку бу халоскорлик эди. Ниҳоят, ҳеч бўлмаганда иш сал олдинга силжигандай бўлди-ку. Биз бутунлай ва тўлиқ ҳолда “Эмилихуве”га ишонган эдик, гиёҳвандликни ташлашга улар албатта ўғлимизга ёрдам беришади. Бундан ташқари дастлабки ойларда унинг биз билан кўришувимизга рухсат этилмасди, шунинг учун биз ўз ишларимизни эпқага солиб олишимиз учун имкониятга эга бўлар эдик, Давиднинг врач биизнинг бу фикримизга жуда афсус-надомат билан муносабат билдирди.

— Модомики Давид бу ердаги шароитга кўниколмадим, “Эмилихуве”да у ҳеч нарсага эришолмайди.

Бироқ бу донишманднинг фикри бизни заррача қизиқтирмасди — нима деса дейверсин, бизга нима!

Биз Симон иккаламиз яна кула бошладик. Яна режалар тузишга киришдик. Масалан, Давиднинг хонасини тартибга келтирамиз: у пичоқ билан ҳамма деворларни тирнаб ташлаганди, бундан ташқари, шишалар ва сигарета қолдиқларини тўғри келган жойга итқитаверганди. Биз барча изларни ўчиришга аҳд қилдик. Давид соғайиб қайтиб келади, яна мактабга қатнай бошлайди, ўшанда у янги хонада ўзининг янги ҳаётини бошлайди. Биз бўёқлар сотиб олдик ва дарҳол ишга киришиб кетдик. Мана, неча ойки, қўлларимиз биронта ҳам нарса яратгани йўқ эди. Бирданига оппоқ девор пайдо бўлди. Созлаш ишларида олга қадам қўйганимиз сайин олдинги ҳаётимизга қайтиш иштиёқимиз шунчалик кучаймоқда эди. Бир куни эрталаб Симон шундай деб қолди:

— Охирини ўзинг қила қол, фақат деразалар қолди, мен энди бутундан ишга борай.

Давидни “Эмилихуве” одамлари олиб кетиши керак эди, мен унга янги кийимлар тўғрилаб, шифохонага йўл олдим. Лекин бирданига ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Биладан, ҳозир йиғлаб юбораман, йўлакда ҳамшира Фосга дуч келишим биланоқ худди шундай бўлди ҳам.

— Бу ёққа беринг, — деди у ва қўлимдан нарсалар солинган сумкани олди, — мен бераман унга. Сиз уйингизга бораверинг, хотирингиз жам бўлсин. Ҳаммаси яхши бўлади, мени айтди дерсиз.

Лекин мен уйга қайтмадим. Қандайдир ғайритабиий равишда Давид билан боғлиқ эканимни дарҳол ҳис қилдим. Мен машинани бекатнинг шундай жойига олиб бориб қўйгандимки, у ердан шифохона эшиклари баралла кўриниб турар эди. Қора кўзойнагимни тақдим-да, чиқиб келаётган Давидни кўрмагунимча кутиб ўтиравердим. Ана у, менинг болам, гиёҳвандликка берилган, энди ундан қутулолмай ётган жигарбандим. Узун бўйли, қотмагина ўғлимнинг кўзлари гўдакдай жавдираб боқарди. Қўлида сумка билан у иккита бегона бола ўртасида келарди. Улар машинага ўтиришди. Мен унинг учун ҳеч нарса қилолмадим. Унга бошқалар ёрдам бераяпти. Худди беҳуш одамдек мен уларнинг изидан йўлга тушдим. Эҳтиёт бўлиб юриш кераклигини билардим, орада масофа сақлаш керак, акс ҳолда улар мени кўриб қолишади. Монстерсевал... Мендан сал кам эллик метр нарида улар чапдаги хиёбонга бурилишди. Мен тезликни оширдим ва чапга бурилдим. Давид ўтирган машина у ерда кўринмасди. Лекин бирдан кўзим “Эмилихуве” деб ёзилган лавҳачага тушди. Худди ўша лавҳача ёнида тормоз бердим.

— “Эмилихуве”, — баланд овозда дедим мен, — “Эмилихуве”, “Эмилихуве”... “Эмилихуве”...

Давид ғойиб бўлганди. Дарахтлар саф тортган камбар кўчадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Тепаликда “Эмилихуве” деб ёзилган лавҳача. Тўсатдан мен беҳол бошимни рулга ташладим, кўзойнагим тушиб кетди ва юрагимдаги барча ҳасрат ташқарига отилиб чиқди.

Ўша куни кечаси мен яна уни тушимда кўриб чиқдим. Мен Давидни ваннахонага олиб кирибман-да, бир қўлим билан бошини сувга қилиб кўтариб турибман. Агар уни ташлаб юборсам... агар уни ташлаб юборсам, у ўлади... Қўрқиб кетганларим. Қичқирганларим. Давиднинг оёғидан тутиб қолган ойижоним. Ойим унинг орқасига ва думбаларига шапатилаяпти. Давиднинг оғзидан сув варақлайди. Тўхтовсиз. Кўкрагидан фаввора бўлиб отилади. Тўхтовсиз варақлаётган сув бошига тошдек ёғилаётгандек бўлади.

Тушимни бир амаллаб ҳайдагандан кейин мен ҳайрат ичида англадимки, Давид эмас, мен ўзим сув ютиб қолган эканман.

Давидсиз оиламиз оилага ўхшай бошлаганди. Биз яна болаларга эътибор бера бошлагандик, тўққиз ой бадалига биринчи марта мен жинси сотиб олгани ва музқаймоқ егани Жюльет билан шаҳарга тушдим. Биринчи марта биз Симон билан яна кинога ва мактабда ўтказилган ота-оналар йиғилишига бордик. Мен бошқатдан энг оддий нарсаларга ўрганишим керак эди. Дам-бадам соатга қарай-вермасдан харид қилишим керак эди: мен рўзгордан ҳаддан ташқари узоқлашиб кетгандим, Давидга бир нима бўлиб қолмадимикан дея юрагим мудом така-пука бўлиб юрардим-да... Ундан кейин ухлашим, ҳа, энг аввало мириқиб

ухлаб олишим керак. Ахир Давид дайдиб кетиб қолмадимикан, дея ойлаб уйку нималигини билмай келаётиман. Симоннинг ҳам, худди бошқа оталардай, эрталаб ишга кетишига, энди ҳамёнимни ортиқ беркитмаслигимга кўникишим лозим эди... Пуллаш, шанба кунига эса нимадир бирон тотли нарса сотиб олиш керак; Брамметъенинг курсоқчасидаги асаб оғриқлари ёхуд Йосиннинг кўтир қўлчалари шарофати билан эмас, балки икир-чикирлар сабаб, оиламизнинг Давид бошимизга солган наркомания балоси туфайли қанчалик азоб тортганини англаб етдим. Бизни фақат бир нарса қутқариши мумкин эди: ҳаётимизни Давидсиз изга солмоғимиз лозим, унинг кундан-кун авж олиб борувчи хархашаларига энди зинҳор қулоқ солмаслигимиз керак. Давид энди “Эмилихуве”-да, яъни энг ишончли жойда эди, у ерда унга мутахассисларнинг бутун бир жамоаси ёрдам кўрсатмоқда эди. Биз ўзимизни ўзимиз даволаш йўлидан бормоғимиз талаб қилинарди. Чунки мен аниқ сезар эдим: бизлар бемор эдик, оиламиз бемор эди, на дўстимиз, на бирон танишимиз борлигидан биз кўчага чиқишга ҳам кўрқар эдик... Худога минг қатла шукурки, ҳаётга қайтишимиз учун энди бизга қулай имконият туғилганди.

Бизга роппа-роса эллик саккиз кун муҳлат берилганди. Шу эллик саккиз кун ичида оилавий ҳаётимиз баланд-паст йўллари босиб ўтиши керак эди. Симон яна ишига боши билан шўнғиб кетиши ва Рюд билан муносабатини яхшилаб олиши учун эллик саккиз кун муҳлат берилганди. Бу муҳлат асносида биз Симон иккаламиз чинакам танмахрам эр-хотинлардек бир-биримизни ялаб-юлқашимиз, мен ҳам шайтонлигимни ташлаб, Симон билан баб-баравар ўринга кириб ётишим ва Симон билан баб-баравар ўридан туриб кетишим керак эди. Бу муддат ичида Симон яна ўз ота-онаси билан борди-келдисини тиклаши лозим эди. Бироқ қуёшли май кунларининг бирида айни туш чоғида “Эмилихуве”да ишлайдиган бир аёл бизга телефон қилиб қолди.

— Давид қочиб кетди, — деди ҳалиги аёл, — афтидан у уйига боришни хоҳлайди. Лекин уни уйга қўйманглар. Уни бу ёққа қайтариб юборинглар. Агар бугун ярим кечасигача бу ерга қайтиб келса, биз унинг қолишига руҳсат беремиз. Хуллас, гап шу: қайтариб юборинглар. Уйга қўйманглар. Қайтариб юборинглар, биз унинг фойдасини кўзлаб айтаяпмиз бу гапни... агар бориб қолса, дарров бизга кўнғироқ қилинганлар.

Мен шу қадар ҳангу манг бўлиб қолдимки, ҳатто нима деб жавоб қайтаришни ҳам билмадим. Мен фақат аёлнинг сўзларини изма-из такрорлар эдим, холос:

— Қочиб кетди... қайтариб юбориш керак... ярим кечагача... — Ҳатто нега қочиб кетди деб сўраш ҳам миямга келмабди. Гўшакни қўйдиму кўз ўнгимда нималар содир бўлаётганини кўриб баттар ўзимни йўқотдим. Иккала кичкиннам ирғиб столдан турди-да, жон талвасасида қичқириб, бир-бирига гал бермай нима бўлганини сўрай бошлади.

— Кимни қайтариб юбориш керак, оий? Давид қочиб кетибдими? Уни нима қилишибди? Уришибдими? Айтсангиз-чи! Кераги йўқ, уни қайтариб юбормай-сиз! Оий, бир нима десангиз-чи, нега индамай-сиз?

Лекин мен бир оғиз сўз айтишга ожиз эдим. Мен Жюльетга қарадим. У бемалол овқатини емоқда эди. Демак, у шундай бўлишини олдиндан биларкан. Ҳар гал телефон жириглаганда ҳам, эшик кўнғироғи чалинганда ҳам бу Давид бўлиши мумкинлигини билиб тураркан. Шундай бўлишини олдиндан билгани учун ҳам у менга ўхшаб талвасага тушиб қолмади. Мен бемалол ўз ишини қилиб ўтирган Симонга қарадим. Наҳотки, у ҳам шундай бўлишини олдиндан билган бўлса? Нега битта мен шундай бўлиши мумкинлигини ҳаёлимга ҳам келтирмадим? Мен учун “Эмилихуве” энг сўнги умид эди. Давид у ердан қочиб кетиши мумкин эмасди, ҳа, мумкин эмасди, шунинг учун ҳам мен бундай бўлишини ҳаёлимга келтирмаганим. У фақатгина батамом тузалгандан кейин уйга қайтиши керак эди.

Симон болаларни қайтадан столга ўтқазди.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, — деди у. — Ойинглар ҳар доим ҳаддан ташқари тез кўрқади, ҳамма оналар шунақа. Менимча, Давид уйни соғиниб қолган. Икки

ой — бу ҳазилакам муддат эмас. У ҳаммамизни кўришни истайди, кейин эса қайтиб кетади. Бемалол овқатларингни еб олинглар, сўнг ҳаммамиз биргаликда дастурхонни йиғиштирамиз. Давиднинг келишига ҳамма ёқ чиннидай бўлиб турсин.

Жюльет индамай кўзларини дастурхонга тикиб ўтирарди, афтидан у бу ўйинда иштирок этмоқчи эмасди. Мен кўлимни унинг елкасига қўйдим ва шу тариқа уни кўзларини кўтаришга мажбур этдим.

— Сен нима деб ўйлайсан? — сўрадим мен.

У елка қисиб қўйди.

— Давидга осон тутиб бўлмайди, — жавоб қайтарди Жюльет.

— Жюльет, — деди Симон, — сизлар ойнинг икковларинг бир айланиб келмайсизларми?..

Мен қатъиян қаршилик билдирдим, Давид келганда уйда бўлмоқчи эканимни айтдим. Бундан ташқари Симон уни фирра изига қайтариб юборишини ҳам билардим. "Эмилихуве" дагилар шуни талаб қилишарди. Бу қарорнинг қанчалик тўғри-нотўғрилигини билмадим-у, лекин бу нарса менсиз бўлиб ўтишини зинҳор истамасдим. Бироқ Симон айтганида туриб олди:

— Давид бу ерга яна камида бир соатдан кейин келади, Жюльет, ойнингни ол-да, айланиб келинглар.

Жюльет ўрнидан турди ва отаси билан кўз уриштириб қўйди, бу кўз уриштириш маъносини улар иккаласигина тушунар эди.

— Нимчангизни кийинг, — деди Жюльет менга. — Дадам тўғри айтаяптилар, сиз уйда бўлсангиз, Давид келганда ўзингизни тутолмай, бақириб берасиз.

Мен чурқ этиб оғиз очишга ҳам журъат этолмай қизим билан ёнма-ён кетиб борардим. Кўзимдан тўхтовсиз ёш қуйиларди.

— Сиз ростданам ўта содда экансиз, — деди Жюльет, — Давид қочиб кетиши мумкинлигига наҳотки кўзингиз етмайди? Шунчалик ҳам содда бўласизми? Сиз ўта хаёлпарастсиз, хаёл қилганларингиз амалга ошмаса, жиғибийронингиз чиқади. Давид уйга қочиб келди, энди ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилади, уйни эндигина эпқага келтириб олувдик, Давид ҳамма ҳаракатларимизни бир пул қилади, деб бу ёғига ҳам чидаёлмайсиз. Лекин биз уйдаги шинамликни бемалол сақлаб қола оламиз, фақат Давиднинг ҳаддан ошишига биз йўл қўймаслигимиз керак. Аввал биз билан туриб, биргаликда оилавий саришталикка ҳиссасини қўшсин, кейин эса бошқа бирон жойда ўзи саришта яшашга уриниб кўрсин. Сиз буни кулоғига қуйишингиз керак. Ёки дадам айтсинлар унга. Дадамнинг кўзлари анча пишиб қолди, менимча сиздан ҳам дадамнинг кўзлари кўпроқ пишди, ана шунақа. "Эмилихуве"га қайтиб кет деб дадам айтсинлар акамга, агар дадам айтмасалар, мен ўзим айтаман...

Жюльет ёнимда одимлаб бораркан, шу гапларни айтди, ниҳоят, менинг ҳам кўз ёшим тиниб, тилим калимага келди:

— Сенинг бу нарсаларга ақлинг етиб турган экан. Сен буларни олдиндан биларкансан, мен эса — йўқ. Нега?

Бир вақт кўзим боғ эшигида турган Симонга тушди. Комбинезон кийган, сочи устарада олинган қандайдир бир бола унинг қаршисида тик турарди. Бу Давид эди.

— Қара, улар нима қилишибди, — дедим мен, — сочини устарада қиртишлаб ташлашибди.

Мен қадамимни жадаллатдим, энди уларнинг товуши менга бемалол эшитилмоқда эди. Симон куйиниб, қатъият билан, Давид эса, аксинча, чайналиб, гуноҳқорона бир оҳангда гапирарди. Мени икки хил туйғу қамраб олди: бири, Жюльет жиғибийрон деб атаган лоқайдлик бўлса, иккинчиси боламини кўришдан пайдо бўлган қувонч. Мен югуриб бордим-да, Давидни ушлаб, эшикдан ичкарига итариб киргиздим. Бироқ Симон уни қайта ташқарига суриб чиқарди.

— Мен унга дарҳол изига қайтиб кетиши кераклигини айтдим. Агар у соат ўн иккигача қайтиб борса, улар уни қабул қилишади.

— Симон, сенда инсоф борми ўзи? — қичқирдим мен. — Наҳотки унинг ранги-рўйини кўрмаётган бўлсанг? Аввал овқат-повқат еб олсин, ахир! Қара,

улар уни нима аҳволга солиб қўйишибди? Унинг бошини кўраяпсанми, Симон? Қўй, ичкарига кирсин.

Мен Давидни яна уй томон сургадим, бироқ Симон йўлни қоядай тўсиб турарди.

— Жинни бўп қопсан! Сен ҳамма ишнинг пачавасини чиқармоқчисан. Мен унга дарҳол қайтиб кетиши кераклигини айтдим, қайтиб кетсин.

— Ойижон, қўйиб юборинг уни, — деди Жюльет ва бармоқларимни бўшатиб олишга ҳаракат қила бошлади. — Уйга кириш, ойижон, биз дадам иккаламиз бир ёқлик қиламиз.

Бироқ кўзимга мана бу комбинезон, сочи қарийб бутунлай қиртишлаб олинган бош, касалванд чеҳраю боламнинг кўзларидаги кўрқувдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

— Йўқ, — қичқириб дедим мен, — ўғлим уйга киради, бўлмаса бутун маҳаллани бошимга кўтариб дод соламан.

Симон атрофга аланг-жалаңг кўз югуртирди. Маҳалла. Бу тўғрида у сира ўйлаб кўрмаганди. Маҳалла.

Симон ўзини орқага олди ва мен Давидни ҳеч бир қийинчиликсиз уйга етаклаб кирдим.

— Лекин у қайтиб кетиши керак, — деди Симон, — унинг ихтиёрида ўн дақиқа вақт бор, қайтиб кетмаса бўлмайди.

Яхши, ўн дақиқа бўлса, ўн дақиқа-да. Мен иккита пўртахолни сиқдим, пишлоқ кесдим. Ол, болажоним, ош бўлсин. Ахир сенинг ҳам ризқи насибанг бор-ку бу рўзғорда. Вой худойим-ей, афт-ангоринга қараб бўлмайди-я.

Жюльет деворга суянганча менинг ҳаракатларимни кузатиб турарди.

— Сиз чўрисиз, — деди у, — ўз ўғлингизга чўрисиз...

Давид пўртахол шарбатини қийинчилик билан ичди, афтидан, у ютишга қийналмоқда эди.

— Кўнглим айнияти, — деди у. — Неча кундан бери овқат еёлмаяпман.

Биз уни қуршаб ўтириб олган эдик, у эса ундамасак ҳам ўзи ҳикоя қила кетди.

Унинг гапларига қараганда “Эмилихув” унинг кўнглига унчалик ўтирмаган. У ердаги талаблар, у ерда ҳукм сурган вазият, энг аввало, қаттиққўллик унга тўғри келмаган.

— У ерда сенинг ўзингдан ҳеч нарса қолмайди. Кийимларингни ечиб олишади, халта иштон билан комбинезон беришади. Дастлабки икки ойда сен шунда юришинг керак. Кейин сенга ўзингнинг кийимларингни қайтаришади. Мен кийимларимни индинга олишим керак эди. Сочингни устарада қиртишлаб олишади, албатта, атайлаб шундай қилишади, сендаги такаббуриликми ё шунга ўхшаган нарсани йўқотиш учун, лекин мен бунда роса қийналдим. Ҳар куни бошимни ойнада кўраман-да, қийналаман, сира шунга кўниколмадим-кўниколмадим. Кейин у ердаги қичқириқларни айтмайсизми! Узлуксиз ҳамма бир-бирига қичқиргани-қичқирган, ҳар доим кимдир сенга ўкириб туради, ҳаммадан ёмони мен ўзим ҳам бўлар-бўлмасга ўкирадиган бўлиб қолгандим. Ҳатто ўкиришга сира ҳожат бўлмаса ҳам, барибир ўкиравераман. Ортиқ чидаёлмадим. Кейин, яқинларингдан ҳеч кимни кўришинг мумкин эмас.

У жимиб қолди, тақир бошини чайқарди, холос. Шу чайқаганча у бошини қўллари орасига олди.

— Қаҳва дамлаб берайми? — сўрадим мен.

Унинг кўнгли қаттиқ беҳузур бўлмоқда эди, неча кундан бери овқат емагандан ошқозони зилдай бўлиб кетганди назаримда. Ўзи қаҳвани кўпам хуш кўрмас эди. Лекин гапимни эшитиши билан бошини кўтариб, менга мунгли қараб қўйди. Қаҳвахона уйимизнинг бир қисми эди.

— Ўзингиз ҳам ичасизми? — сўради у.

Мен “ҳа” дегандек бош ирғаб қўйдим-да, ўрнимдан турдим. Қаҳва қайнатар эканман, қулогим унинг гапларида эди.

— Бугун кундузи “бахс” бўлди, бу — одам ўзи билан ўзининг олишувига ўхшаган бир нарса. Буни улар шундай аташади. Асли бу ўзи нимани англити-

шини ҳалигача тушунмайман. Мен учун у бошдан-оёқ қичқириқдан иборат. Шунда бирдан миямга бир нарса келиб ургандай бўлди: ортиқ чидолмайман. Танаффус пайти эди. Шундан кейин биз давом эттиришимиз керак эди. Эртага ҳам худди шунинг ўзи. Эҳтимол, индинга ҳам бўлса керак. Мен ортиқ чидаёлмасдим. Қочиб кетдим. Олдинига узоқ чопдим. Дўнгликлардан ошиб ўтдим, пляждан ўтдим, охири оёқларим мени бу ерга олиб келди. Мени кўчага ҳайдаб чиқарсангизлар ҳам энди у ерга қайтиб бормамайман.

— Қайтиб боришинг керак, — деди Симон, — бундан бошқа иложинг ҳам йўқ.

Мен Давидга пиёлада қаҳва узатдим.

— Даданг тўғри айтаяпти, — дедим мен, — сен қайтиб боришинг керак. Биз сени уйга қўймаслигимиз керак эди аслида.

Симон ўрнидан турди-да, телефон ёнига борди.

Давиднинг кўнгли бир нарсани сезиб, ҳушёр тортди.

— Қаёққа? Нима қилмоқчисиз? Агар телефон қилсангиз, мен бу ердан бошим оққан томонга қочиб кетаман. “Эмилихуве”га телефон қилманг!

— Менга қара, болакай, — деди Симон, — шундай қилки, менинг телефон қилишимга ҳожат қолмасин. Ўзинг қайтиб бор! Ҳеч нарсани хаёлинга келтирмагин-да, тўғри “Эмилихуве”га қайтиб кет! Чунки улар билишади, биз эса билмаймиз, сен ҳам билмайсан. Сени қандай оёққа турғазини улар билишади.

Бироқ Давид сочсиз бошини чайқади ва ўрнидан турди. Қўлида қаҳвали финжонни тутганча ошхона томон йўналди. Менинг олдимдан ўтиб кетаётганда, унинг юзида табассум пайдо бўлди, бу менга қилинган шама эди.

— Нима бўлганда ҳам менга финжонни ошхонага элтиб қўйишни ўргатишди.

Бу орада Симон хонадан чиқиб кетди. Бир оздан кейин мен унинг машинага ўтирганини кўрдим. Ҳа, “Эмилихуве”га кетди. Бу ўз-ўзидан равшан эди. Буни бир мен эмас, ҳамма билиб турарди.

— Дадам “Эмилихуве”га кетди, — деди Давид унинг қайтиб кирмаётганини кўриб. — Демак, барибир ўша ёққа кетибди-да, аҳмоқ. Барибир қайтиб бормамайман дедимми, бормамайман! Қизиқ, у ҳали ҳам мени у ёққа олиб бориб ташлаш кўлимдан келади деб ўйлаётибдими?

Жюльет акасининг ёнига борди.

— Дадам аҳмоқ бўлсалар, агар қайтиб бормасангиз сиз ундан ҳам аҳмоқроқ бўласиз.

Бир дақиқа улар бир-бирига юзма-юз туриб қолишди, сўнг Давид шартта орқасига бурилди-да, газаб билан уйдан чиқиб кетди. Мен Жюльетнинг елкасидан тутдим, чунки у акаси ортидан қувиб етмоқчи эди.

— Йўқ! — қичқирдим мен. — У сени бир нима қилиб қўяди!

Бироқ Жюльет кўлимдан юлқиниб чиқиб кетди. Изидан чопдим. Қизгина кўча ўртасига етиб келди-да, кўлини оғзига карнай қилиб, акасининг ортидан қичқирди:

— Аҳмоқ! Уччига чиққан тентак! Иблис! — Кейин хўнграб йиғлаб юборди.

Мен уни пинжимга тортдим ва иккаламиз уйга қараб кетдик. Арслондай болажоним-а, нима қилиб қўйдик сени? — титраб-қақшаб дилимдан ўтказдим мен.

Роса бир соатдан кейин Симон уйга қайтиб келганида газабдан вужуди дагдаг титрарди.

— Минг лаънат “Эмилихуве”сига ҳам! Тупурдим бунақа шифохонасига! Қани Давид! Жуфтакни ростлаб қолган, албатта. Баттар бўлсин. У ерга етиб боришдан олдин йўлда автоматдан неча марта телефон қилдим — ҳеч ким гўшакни олмади. Етиб боргандан кейин айтдим: “Давид уйда, аҳволи ҳалигидақа, илтимос, мен билан юринглар, ўзларинг олиб келинглар”, дедим. — “Қулоғидан тортиб келиш бизга зарур кептими, — дейишди улар. — У ўзи кела олади — соат ўн иккигача. Агар эртага келадиган бўлса, қабул қилмаймиз”, эмиш. — “Унинг хуши жойида эмас, — деб кўндиришга уриндим мен, — у билан ўзларинг гаплашиб кўринглар”. — “Йўқ, биз бундай қилмаймиз. У ўз ихтиёри билан келсагина қабул қиламиз”. Одамзот ҳам шунақа муздан совуқ, тошдан қат-

тиқ бўлар экан. Шунда қанақанги ғазабим келганини, қанақанги ҳафсалам пир бўлганини бир кўрсангиз эди! “Бу қандай майнавозлик! — дедим мен. — Давид сизларда бўлган мана шу бир неча ҳафта ичида сизлар буюрган нарсани чурқ этмай бажариб келдик. Биз сизларга ишонган эдик, ҳамма ишда сизларга ҳамкорлик кўрсатгандик. Лекин биз ҳозир қийин аҳволга тушиб қолдик, биз ўзимиз уддасидан чиқолмаймиз — кўчада ушлаб туrolмаганимиз учунгина биз уни уйга олиб киришга мажбур бўлдик. Шунинг учун сизлардан ўтинаман, мен билан бирга юринглар-да, у билан ўзларинг гаплашинглар, ахир у ниманидир англаб етолмаяпти. Лекин у англолмаётган нарса нима эканини мен эмас, сизлар биласизлар. Биламан, бу нарса сизлар учун писта пўчоққа ҳам арзимаиди. Соат олтида сизлар бизга телефон қилдиларинг ва йўл-йўриқлар бердиларинг. Давидни уйга қўйманглар, қайтариб юборинглар, дедиларинг. Сизлар ўзи бизни ким деб ўйлаяпсизлар? Биз кўр-кар одамлар эмасмиз, тош девор эмасмиз. Бизлар тирик одамлармиз, бу бола эса бизларни букиб қўйди. Биз сизларнинг буйруқларингизни бажаришдан мутлақо ожизмиз. Бизга ёрдам керак, ёрдам... Неча марталаб телефон қилдим — гўшакни ҳеч ким кўтармайди. Йўлда бу ерга келаётиб уч марта қўнғироқ қилдим. Бўлмаса нима учун, ўглингиз уйга боргудек бўлса, дарҳол бизга қўнғироқ қилинг, дедиларинг? — “Тўғри, дейишди, лекин кечқурун бизда “баҳс” бўлаётганди, шунинг учун телефонни ўчириб қўйгандик”, эмиш! Минг лаънат, — деди Симон ҳолсиз курсига чўкиб, — мен бўлсам бу итваччаларнинг гапига ростдан ишониб юрибман...

Давид хусусида биз бошқа ҳеч нарса эшитмадик. Полицияга яна мурожаат қилишдан эса тирноқча наф йўқ эди. Шундай бўлса-да, уч кун ўтгач, полицияга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Келди-ю, қайтиб кетди, шундан бери дом-дарак йўқ, дедим мен. Топсак, ўзимиз сизларга хабар қиламиз, дейишди маҳкамадагилар. Кейин нима бўлиб-нима қўйди — ҳеч нарса билмаймиз. Симон иккаламиз аввалгидек яшашга уриниб кўрамиз, деб ўзаро келишиб олдик. Симон ишлай бошлайди, мен рўзғорга қарайман.

— Расм чизишни ҳам бошлаб юборавер, — деди Симон. — Ўтган галгидек яна мана бунақа ишларга ўралашиб қолмайлик.

Расм чизишни ҳам бошлайвер эмиш. То ўзимни бунга кўниктиргунча икки ҳафта шувиллаб ўтиб кетди. Мен пастга баъзи расм қуролларимни олиб тушдим ва столга чизиладиган нарсаларни териб қўйдим. Олма, пўртаҳол, бир шиша мусаллас. Мен уларни идрок этдим-у, лекин шу билан бир вақтда буларни чизишнинг ҳеч қандай маъноси йўқдай туюлиб кетди ўзимга. Мевалар бирам табиий эдики. Улар қорни оч одам учун оддийгина емиш экани шундоқ кўришиб турарди. Мен эса портретлар яратишни ўзимга мақсад қилиб олганман. Буюмнинг замиридаги маънони юзага чиқаришим керак. Биров айтолмаган нарсани олдиндан айтишим керак. Бошқалар нигоҳидан пинҳон нарсаларни мана деб чиқариб қўйишим керак. Айнан шу табиийликкина ҳозир жонимга ора кириши мумкинлигини, барибир, мен англаб турардим. Олманинг, пўртаҳолнинг ва бир шиша мусалласнинг табиийлиги керак эди.

— Бир пулга қиммат, — овозимни чиқариб дедим мен, — лекин барибир мен бунга адо этаман. Олма, пўртаҳол ва бир шиша мусаллас сувратини чизаман...

Шу пайт Давид кириб келсами. Ҳеч нарса бўлмагандек у мендан тўрт метрлар наридаги ўриндиққа чўкди-да, ўз буюмлари рўпарасида ҳайкалдай қотиб ўтирган онасини томоша қила бошлади.

— Қанақа бемаъни нарсалар билан шуғулланасиз-а? — деди у. — Нима бу ... олма, пўртаҳол, бир шиша мусаллас...

Вужудимни яна бир-бирига қарама-қарши ғайритабиий туйғулар қамраб олди. “Эй худо, тирик экан-ку”, дедим аввал ичимда, сўнг қўшиб қўйдим: “Хайрият, қайтиб келди!” — бироқ орқасидан овозим борича ғазаб билан қичқариб дедим:

— Яна тўнғиздай бўкиб келдингми?! Бундай аҳволда сен билан гаплашишни истасангизимни ўзинг биласан-ку?

— Мен фақат кийимларимни олгани келдим, бизнинг гаплашишимизга ҳожат йўқ.

Энди юрагимни ташвиш чулғади.

— Давид, қаерда турибсан? Кимникада? Ейиш-ичишинг қалай? Ошқозонинг-чи? Кимнинг кийими керак сенга?

— Мен бир дўстимникада турибман, кийим уники.

У ўрнидан турди-да, юқорига чиқиб кетди. Аввалига у билан изма-из мен ҳам юқорига чиқсамми дедим-у, бироқ ўзимни тутдим ва зўр бериб суврат чишига тутиндим. Унинг жавонида кийимлар бор эди. Мен уларни ювиб, ямаб-ясаб қўйгандим. Хонасини ҳам чиннидай қилиб қўйгандим. Биз бир вақтлар чин дилдан ишониб юрган унинг янги ҳаётига тап-тайёр эдик. Оппоқ деворларга у ҳойнаҳой эътибор ҳам қилмаган бўлса керак. Кийимларни қўлтиқлаганча тушиб келди-да, тўғри музхонага ўтиб, уни очди ва ичидан битта пиво олди. Кейин мен ўтирган хонага қайтиб келиб, бирпас ишимни, ҳаракатларимни томоша қилиб турди. Мен бўз матога нозик чизиқлар тортар эдим. Олма, пўртаҳол ва бир шиша мусаллас шаклини туширмоқда эдим. Бирдан Давид қўлини чўзди-да, шишани юлқиб олиб, кийим ичига суқди. Башарасида кино-яли табассум ўйнади. У шарт ўтирилди-да, хонадан чиқиб кетди.

Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Ҳатто нима бўлганини англашга ҳам улгуролмай қолдим. Мен кўзимни бўз матодаги сувратдан узмасдим. Сўнг столдаги таянч марказидан жудо бўлган композицияга қарадим. Кимдир сувратимни чаппакка чиқарганидан пайдо бўлган иблисона туйғу вужудимни ларзага солди.

— Бунга йўл қўйиб бўлмайди, — деди Симон, — мен эшикка бошқа қулф ўрнатаман. У сандироқлаб юраверади, худо кўрсатмасин, миясига нималар келмайди унинг, бу ердан хоҳлаган нарсасини кўтариб кетади-да, бутун ҳаётимизни барбод қилади. Модомики у қандай тузалишини биз билан ўйлаб кўришни истамас экан, бу ерга қадамни босмай қўя қолсин.

— Тўғри, лекин бу қандай гап! — дедим мен тоқатим тоқ бўлиб. — Эндигина ўн еттига тўлган бола бўлса! Ахир биз бола учун жавобгармиз-ку. Унинг биздан пул олиб туришга ҳақи бор, у ҳам еб-ичиши керак... борди-ю, тўсатдан касал бўлиб қолса-чи... Бундан ташқари у ўқиши ҳам керакми, йўқми?

— Керак, лекин у ўқишни истамайди. Мен бошқа қулф ўрнатаман.

Бошқа қулф эмиш...

Биз ўринда ётар эдик, бир вақт эшик тагида Давиднинг ивирсиётгани қуломимизга чалинди.

— Симон...

— Жим! Чироқни ёқма. Ёт. То гиёҳвандликдан воз кечмагунча уйга қўймаслигимизни у англаб етиши керак.

— Лекин у қўнғироқни босавериб, болаларни уйғотиб юборади.

— Мен қўнғироқни узиб қўйганман.

Мен каравотда ўтириб олдим.

— Унда у деразани синдириб киради.

— Синдирмайди! — Бироқ унинг овозида иккиланиш сезиларди.

Бирдан ўзимга таниш бўлган тиқ-тиқ овози қулоғимга чалинди. Аслида бу тикиллаган овоз эмасди. Бу почта қутисининг шиқирлаган овози эди, бу товуш қулоғимга чалиниши ҳамон юрагимни бир нарса тилиб ўтгандай бўлди. Уйга кирмоқчи бўлганида болагигида у шундай қилар эди. Қутини шиқирлатганига қараб унинг қай аҳволдалигини ажратиб олар эдим. Аста шиқирлатса, бу — шошманг, ҳали дўстларим билан гурунглашяпман, дегани бўларди. Қаттиқ шиқирлатса, тез келинг, улар мени хафа қилишяпти, ичкарига мени тезроқ қўйиб юборинг, дегани эди.

— Буниси қаттиқ! — дедим мен ва устимдан адёлни улоқтирдим.

— Ёт! — деб қичқирди Симон ва елкамдан тутиб мени орқага қайтарди. — Билсин! Тушунсин!

Мен олишар, ҳўнграб йиғлардим ва жазавога тушаётганимни ҳис этиб турардим.

— Кўйиб юбор мени! Эшикни очаман унга! Кераги йўқ! Кўйиб юбор!

Симон юзимга шاپалоқ тортиб юборди. Мен кўрқиб кетдим, нафасим бўғилиб қолди. Атрофни чуқур сукунат босгандан кейин дарҳол англадимки, шикирлаш энди эшитилмаётди. Демак, Давид кетган.

— Давид кетди, — дедим мен.

Симон бош ирғади, унинг юзида тантана жилва қиларди. У мени кўйиб юборди.

— Энг асосийси — таслим бўлмаслик, — деди у.

Мен унга тескари ўгирилиб олдим-да, бошимни адёлга тикдим. Бу тантанаси учун эримдан қаттиқ нафратланмоқда эдим, шунақа бераҳм бўлиш кўлидан келиши мумкинлиги учун, лекин ҳаммадан ҳам Давиднинг ёшлигида почта кутисини шикирлатгани ҳақида лоақал бир оғиз эслаб кўймагани кўпроқ алам қилмоқда эди.

Кейинги ҳафтalar жанжал билан ўтди. Мен Давидга пул берганимда Симон буни яхши иш эмас деб баҳоларди. Симон пул берганда эса мен буни тўғри қилмаяпсан, деб ёзғирардим.

— Давидга ҳозир пулдан қанақа наф бор? — дердим мен. — Бу пулга у ановидан сотиб олади. Худо ҳақи, у билан гаплашишга уриниб кўр.

— Ўйламай-нетмай ҳар нарса деяверасанми, хотин, ахир ўзинг ҳам худди шу ишни қилаяпсан-ку.

— Ёлғон! — қичқирардим мен, чунки энди менинг фақат қичқаришгагина кучим етарди. — Мен пул берганим билан уни ўз ҳолига ташлаб қўйганим йўқ, у билан шуғулланаяпман.

— Пўртаҳол шарбати билан тоза кийимларни кўтариб орқасидан чопишингни айтаяпсанми шуғулланаяпман деб? Кир кийимларини эса у ахлат кутисига иргитаяпти.

— Ёлғон!

— Қичқирма бунақа. Сен унинг ҳамма инжиқликларига қулоқ солиб, айтганини қиласан-да, устига-устак, пул ҳам берасан.

Эрим ҳақ эди. Симон нима қилса, мен ҳам шуни қилардим, лекин у буни бошқача тушунарди, мени, боласини ҳаддан ташқари яхши кўради, деб ўзини ўзи кўпроқ шунга ишонишга мажбур этарди.

— Бунақада бўлмайди, — деди Герри бизнинг айтишганимизни кўриб. — Бир-бирингиз билан келишиб олинглар-да, шунга амал қилингллар. Қизиқ, нега болангиз қанақадир дўстиникида яшаяпти? Унга қулоқ солингллар, унинг учун бир уй топиб берингллар. Ҳа, шошманг, мен Томдан сўраб кўрай-чи, кўз тагига олиб қўйган бирон жой бормикин.

Бир ҳафтадан кейин биз эски шаҳарда бузилиши мўлжаллаб қўйилган, эгалари кўчиб кетган бир кулба топдик.

— У ҳали-вери бузилмайди, — деди Том, — озгина пул билан озгина ғайрат бўлса, бу ер жаннатнинг ўзи бўлади-қўяди. Одатдаги мижозни бу ерга олиб келиб бўлмайди, албатта. Мен эгаси билан танишман, у майли, Давид тура қолсин, бўлмаса уйни кракерлар эгаллаб олиши мумкин, деди.

Кулба. Эгаси кўчиб кетган кулба. Ўғлим эгаси кўчиб кетган кулбада яшай бошлайди, лекин мен энди бундан ортиқ тубан кетишига ўлсам ҳам йўл қўймайман. Шунинг учун мен сал тартибга солиб, саришта қилгани ўша кулбага қараб йўл олдим. Кун охирига келиб иккала кўлим шол бўлиб қолди, кечкурун эса шишиб кетган бармоғимдан ягона узукни суғуриб чиқаришга мажбур бўлдим. Мен уни ошхонадаги ишчи стол устига қоқилган тоқчага қўйиб қўйдим. Кулбада биллур узук ва ўғлим бор эди.

Уч кун ичида мен ахлат, шағал, бўш ва синган шишалар билан оғзигача лиммо-лим тўлдирилган ўтгизта қопни териб қўйдим. Шундан кейингина, Давид янаги сафар пул сўраб келганида, ундан мен билан кулбага бирга боришини юрак ютиб сўрадим.

— Уй чинданам ҳавас қилса арзийди. Тўғри, озгина созлайдиган ишлари ҳам йўқ эмас, лекин бунда биз ўзимиз сенга қарашиб юборамиз. Агар сен ўша

ерда турсанг, ўз уйинг дегандай... агар дўстларингникига бориб овора бўлмай десанг... унда... эҳтимол сен...

У мен билан кетди. Албатта, қўлимдан пулни олгандан кейин. Ҳалиги узугимнинг ҳам тагига сув қуйди. Кечкурун эса мен Симонга тантанали равишда ҳикоя қила бошладим:

— Давид ўша ерда туришга рози, созлаш ишларида қарашиб юборадиган ҳам бўлди. Балки, уни тўғри йўлга солишнинг яхши воситаси мана шудир? Ҳаммадан ҳам у наркоман дўстлари даврасидан четлашади-ку.

Лекин мен Давиднинг уйни ҳафсаласизлик билан айланиб чиққанини, зерикканидан ҳожатхона сувини ўн марта туширганини айтиб ўтирмадим. “Қизиқчилик учун”, — деди у. Шундай бўлса-да, Давид у ерда яшашга рози бўлди ва биз Симон иккаламиз енгил нафас олдик. Агар у бошида ундай бўлганида, агар у бошида бундай бўлганида, агар, агар — ундан у ёғи нима бўлишини биз ўзимиз ҳам билмас эдик.

Бутун дам олиш кунларимиз уйни созлаш ва бўяш ишлари билан ўтди. Гап шундаки, Симон дурадгорлик қилди, мен бўёқчилик қилдим. Давид эса ёнимизда турганча, эринчоқлик билан қилаётган ишларимизни томоша қиларди, холос. Ниҳоят, у деворга ишлов бериш учун тайёр эканлигини маълум қилди. Ганж билан сувамоқчи эканини айтди. У ганчли деворни хоҳларкан, қайси бир одамникида кўрган экан шунақасини. Шунда қанчалик суюнганимизни бир кўрсангиз эди, кўзимизга ҳамма нарса яхши кўриниб кетди. Ганч бўлса ганч-да. Бор, олиб кела қол. Мана, сенга пул, дедик. Давид бир дунё ганчни кўтариб келиб қолди. Ёлғиз эмас, ёнида бир ошнаси билан. У Давидга ёрдам бермоқчи экан. Лекин ҳозирча унинг кайфи тароқ бўлганидан оёқда зўрға турарди. Бир ҳафта улар деворларга ганч чаплашди ва челақларни умивалник билан раковиналарда чайишди. Улардан сув секин оққан пайтларда барча ганчлар ҳожатхона қувурида ўтириб қолар эди. Деворга чапланган ўн сантиметр қалинликдаги ганч ҳали-вери қурийдиган эмасди. Ҳафта охирига бориб кулба яшаш учун бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолганди, чунки барча сув ва ҳожатхона қувурлари қотиб қолган ганч билан тўлиб қолганди. Бироқ бу Давиднинг парвосига ҳам келмади, унинг ганчли уйи бор, нима ғами бор! У бизнинг ковушимизни тўғрилаб қўйди.

— Билган номаъкулчилигини қилсин, — деди Симон, — бу итга тенг келиб бўларканми, энди бу ерни елкамнинг чуқури кўрсин. Сен ҳам, хотин! Энди болам-болам деб югуришни бас қил!

— Ахир унга пул керак бўлмайdimи?

— Сўраса, овқатлик пулини бериб турадим, бир ҳафталик. Уй ҳақини ўзимиз тўлаймиз. Кийимларига ҳам ўзинг қарайсан. Пулни фақат овқатга олади, ортиқ сариқ чақа ҳам бермаймиз. Аммо эсингда бўлсин: уникига изингни боса кўрма!

Лекин мен бориб турардим. Яширинча. Егуликлар тўла сумка билан. Янги шим билан. Олти жуфт ички кийимлар билан. Матрац билан. Гиламча билан. Тағхонамизда нимани ғамлаб қўйган бўлсак, ҳаммасини ўша ёққа ташмалярдим. Мен ҳамма нарсани топширдим-да, эвазига улар мени остонаданоқ бўкириб ҳайдашарди: “Йўқол бу ердан, мен сени чақирган эмасман!” Ҳар гал Давиднинг ёнида арвоҳга ўхшаган ҳалиги ошнасини кўрдим, у ҳамон кайфи тарақ ҳолда зўрға оёқда турган бўларди. Бир сафар у ерда мен ўтган гал олиб келган топ-тоза ва ювилган майкани кийиб олган ёки ярим яланғоч ҳолда сандироқлаб юрган қизларни кўрдим. Яна бири эса Симоннинг жуда ҳам қимматбаҳо чўмилиш халатини кийиб олганди. Бу халатни, ўз-ўзидан маълум, Давид ўмариб келган. Менга нима далда бераётганини билмайман-у, аммо мен ўз бурчимни бехато адо этаётган эдим ва егулик тўла сумка элтишни сира қанда қилмаётгандим. Агар бир тартибга солиб ололсам эди, деб ўйлардим мен, агар яхшими-ёмонми ўғлимнинг ҳаёти изга тушиб олса эди, агар бу кулбани озми-кўпми бошпана ҳолига келтириб беролсам эди, агар ундай қилсам эди, агар бундай... Ўзимнинг уйим эса ифлосга тўлиб кетганди, Давиднинг уйини бир оз бўлса-да, шинам ҳолга келтириш учун айвондаги гул ўтқазилган қутиларни ўша

ёққа элтиб ташлагандим. Гулларга сув қуядиган жўмракли челақ ҳам ўша ёққа кетганди, натижада энди ўзимнинг жўмракли челагим билан ўзимнинг гулларимни бегона кўчада сугораётгандим.

— Бас қил, — деди Герри, — сен ҳаммамизни кулгига қўйиб, ўғлингга чўрилик қилаяпсан.

— Кимни айтаяпсан “ҳаммамиз”ни деб?

— Болалари наркоман бўлган барча ота-оналарни-да.

— Барча ота-оналар? Қаерда экан улар?

— Билмайман, улар беркиниб олишган, уялганларидан, аслида эса бир-бирларини бу балодан асрашлари учун бир ёқадан бош чиқаришлари керак. Сен ҳам шу балога гирифтор бўлганларнинг биттасисан.

Доим кайфи тарақ, оёқда зўрға турадиган ва мен Арвоҳ деб атаган бола уйнинг иккинчи доимий яшовчисига айланганди. Учинчиси Давид Йет деб, Арвоҳ эса Сильвия деб атаган қиз эди. Бир куни мен ундан ҳақиқий исминг нима деб сўраган эдим, у пинагини ҳам бузмасдан шундай жавоб қилди:

— Сенга барибир эмасми. Лекин билиб қўй — мен героинга ўрганганман.

Давиднинг “уйли бола” деган номи чиқиб кетди. Доимий бирга яшовчилардан ташқари у мунтазам равишда тунагани уйига одам қўяр ва афтидан, бунинг учун пул олар эди. Олганда ҳам мўмайгина оларди, чунки биздан ҳар ҳафтада “овқатлик” учун оладиган пулни у ўзига хос мукофот деб биларди ва унга “тансиқ таом”лар сотиб оларди. Шулардан бири лососли банклар бўлиб, уларни ўша захотиёқ паққос туширарди. Ундан ташқари коньякка қўйилган узум сиркаси, оқ шоколад, авокадо ва креветкалар. Булар унинг учун тансиқ таомлар ҳисобланарди. Венессарлик бир бой хонадоннинг Герритян деган боласи уйнинг тўртинчи доимий яшовчисига айланганди. Пул дегани унда ачиб-бижиб ётарди. У Давиддан ягона катта уйни “ижарага” олган бўлиб, қолган учаловлари кичик хонага олиб ўтилган биттагина каравотда сиқилиб ўтиришарди (ёки навбати билан ётиб ухлашарди). Бир вақтнинг ўзиде бу каравот уй олдида олиб келиб қўйилган машина тагида болалаган уч рангли мушук учун ҳам ошиён бўлиб хизмат қиларди. Уч рангли мушукнинг бешта боласи бор эди. Мушук ётадиган кўтини газеталар билан тўлагиб қўйишарди, ҳаддан ташқари сасиб кетганда эса ундаги нарсаларни унитазга олиб бориб тўкишарди. Егулик солинган сумкада мен энди мушукка ҳам овқат ташимоқда эдим.

Бир кун эрталаб мен Давидни кўзлари жиққа ёш ҳолда кўрдим. У ҳатто бўсагадан туриб менга дағдаға ҳам қилмади. Эғнида жинси шимдан бошқа кийим йўқ, ярим яланғоч, жуда эзилиб, руҳи чўккан. Полда, каравот ёнида ўтирибди. Геррит-Ян мени ичкарига қўйди-да, чамаси шу сўзларни мингирлаб гапирди: “У ерда нимадир ўлганга ўхшайди”. Давид йиғламоқда эди, миямга келган биринчи фикр шу бўлибди: худога шукур, у ҳали йиғлашни биларкан. Давид йиғларди ва қўлида муштдеккина ўлик мушукчани кўтариб турарди.

— Устига ётиб олибман, — деди у. — Эй худо, қанчалик мараз одамман-а!

Мушукчанинг ўлими ундаги ниманидир туғёнга солиб юборган эди. У яна расм чиза бошлади. Уйда стол йўқ эди, шунинг учун у полга чизарди. Пол шайтоннинг турли-туман қиёфалари билан тўлиб-тошиб кетганди. Тўқ сариқдан тортиб қондай қизил тусдаги шайтонгача бор. Баржадаги “ёмон трип”дан кейин у тасвирлаб берган шайтон қиёфаси ана шунақа эди. Шайтоннинг бошлари орасида мушукчалар ўйнардди. Бир куни мушукчалар роса беш ҳафталик бўлганда Давид бирданга уларни ҳарбийча курткаси остига тикди. Шу тарихи уларни пинжида олганча биринчи марта очик ҳавога олиб чиқди. Сабаби: Давид кетмоқда эди. Газеталар тўшалган қўти ўз ишини қилган эди. Ҳожатхона қувури батамом ифлосланиб кетган ва ахлату сийдиклар йўлакдан оқиб чиқа бошлаганди. Яшовчилардан биронтаси бирон-бир чора кўришни хаёлига ҳам келтирмасди. Улар бадбўй ҳид ва йўлакдаги ифлосдан қочиб кета бошлашди. Аввал Сильвиясини олиб Арвоҳ ғойиб бўлди. Сўнг Геррит-Ян ва энг охирида

Давид. У ҳамма нарсани қандай бўлса шундайлигича ташлаб кетганди: кийим-кечақлар, мебел ва мен уйдан ўгринча кўтариб келган жамики ашёлар. Мен келганимда чипор она мушук ланг очиқ эшик тагида турарди, қаршидаги уйда турувчи кўшни киши эса деразадан менга қараб қичқирди:

— Қочиб қолишди, ҳаромилар! — кейин батафсил ҳисобот берди. Она мушук оёғимга суйкалар ва очликдан тинмай миёвларди. Мен уни ердан олдим, чунки унга анча ўрганиб қолгандим, шунинг учун уни худонинг қарғиши теккан бу фалокат жойда ташлаб кетишга кўнглим бўлмади.

— Бенни озодликда, — деди Герри. — Унга уй олиб беришди, энди эса унга иш қидирапти.

Мен кўрқиб кетдим.

— Наҳотки тўққиз ой ўтиб кетган бўлса?

— Қарийб бир йил ўтди, уни бир неча ой олдин озод этишганди, лекин у дам олишга кетганди. Икки ойга Испанияга. Кеча эса у бизникида бўлганди. Кўриниши миҳдай, юрагимда умид қайтадан ниш урди, ўзимни чинданам бахтиёр ҳис қилаяпман.

Менинг эса унга ҳам ҳавасим, ҳам ҳасадим келди.

— Давид адойи тамом бўлди, — дедим мен. — У қўлтиғида тўртта мушук билан шаҳар кезиб юрибди.

Герри жилмайди.

— Гапингни қара-ю, — деди у. — У анчадан бери бошқа бир жойда, эҳтимол, яна қандайдир ўртоқлариникида яшаётган бўлиши керак. Агар сенга Давид адойи тамом бўлгандек туюлаётган бўлса, бундан шу нарса келиб чиқадики, сенинг ўзинг ҳам адойи тамом бўлгансан.

“Нега унақа бўларкан?” — ўйладим мен. Бир йил олдин бу аёлни биринчи марта кўрганимда у бутунлай ўзини йўқотган ва адойи тамом бўлган бир ҳолда эди. Энди бўлса жуда ақли бўлиб қолганди, вазиятни хушёрлик билан англаб, ўз ҳаётини давом этдиришга астойдил бел боғлаганди.

— Бунга қандай қилиб эришдинг? — сўрадим мен.

— Билмайман, — жавоб берди Герри. — Фақат шуни биламанки, ўз ҳаракатингни ўзинг қил экан, борди-ю, бунда бирон натижани қўлга киритолсанг, бир нарсани зинҳор унутмаслигинг керак: ҳар бир дақиқада сен ўзингинг олдинги ҳолатингга қайта оласан.

Герри олдинги ҳолатига қайтганди ҳам. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас у менга телефон қилиб қолди:

— Мен сен билан гаплашишим керак, тезда.

— Нима бўлди, тинчликми?

— Келиб эшитасан. Бизникига чиқ, илтимос.

Герри пальтода мени кутиб олди-да, ичкарига олиб кирди ва йўл-йўлакай менга таҳдид қила кетди:

— Анови ўғлинг тўртта мушуги билан Бенниникида яшаётганидан хабаринг борми?

— Ё худойим!

— Ана шунақа, “ё худойим”лаб қоласан! Бугун Беннини бир бориб кўрай, унга у-бу нарсалар олиб борай дегандим, орамиз яхши бўлиши учун ўлиб-тирилиб ётибман-да. Ҳаётини бошқатдан бошлаш учун ҳам унда барча имконият бор. Ҳали ишга ҳам кирмоқчи, шинам уйи бор, энди узоқ вақт гиёҳвандлик қилмайди. Уникига бориб, ўринда кимни кўрдим дегин? Сенинг ўғлингни! Тагин Бенни эндигина ҳаётини изга солишга ҳаракат қилаётган бир пайтда-я.

— Ё худойим!

— Бунча “ё худойим, ё худойим” дейсан? Сен дарров ўғлингни у ердан олиб кет, вассалом. У бўлмаса Беннининг яхши бўлиб кетишига кўзимиз етиб турибди.

— Мен уни у ердан олиб кетолмайман, буни ўзинг биласан-ку.

— Агар Том билиб қолса, уни кўчага улоқтиради.

— Герри, илтимос, кел, ваҳима қилмайлик. Сен Давидни олдинга қўйма, деб Беннига айтолмайсан, мен эса Беннининг олдига бормайсан, деб Давиднинг йўлини тўсолмайман. Лекин шуни деб иккаламиз, албатта, жанжаллашимиз керак эмас-ку.

Герри кафтлари билан юзини яширди.

— Мен ўша сафар чинданам умид қилган эдим, энди эса... Мен ҳаммасини аниқ кўриб турибман. Улар битта хонада туришибди. Бир неча кундан кейин улар бу уйни отхонага айлантиришади, биргаликда гиёҳвандлик қилишади, Давид ишламаганидан кейин, ўз-ўзидан маълум, Бенни ҳам ишламайди. Ўғлинг менинг ўғлимни бутунлай бузиб юборади. Дилдан афсус қиламан, Лен, лекин сени кўргани кўзим йўқ, балки мен у қадар инсофли одам эмасдирман, лекин сени кўргани кўзим йўқ, нима деб ўйласанг ўйлайвер-у, ҳаммадан ҳам даҳшатлиси шундаки, мен сендан қаттиқ хафаман, азбаройи хафаман.

Геррининг шубҳалари тўғри чиқди. Улар хонани чинакамига отхонага айлантириб юборишганди. Улар биргаликда гиёҳвандлик қилишга ҳам киришиб кетишганди, икки кунлик “иш”дан кейин эса Бенни бўларича бўлдим, деган қарорга келибди. Биз Герри билан биргаликда ўғилларимиз билан гаплашишга уриниб кўрдик. Улар бир-бирларини тинч қўйишларини сўраб, ялиниб-ёлбордик, ҳеч бўлмаса биз оналаринг учун гиёҳвандликни ташланглар деб ялиндик, дўқ-пўписа қилдик, таъна-дашномлар бердик, ёмон сўзлар билан қаргаб, яхши сўзлар билан авраб ҳам кўрдик. Ўзимизнинг жуда оғир аҳволга тушиб қолганимизни англатиш учун қилмаган ҳунаримиз қолмади, ўғилларимиз эса ҳамон парвойи фалак — шунча гапларимиз уларга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. Охири Бенни хотиржам тусда бизнинг у ердан даф бўлишимизни илтимос қилди. Давид иккаласи нима қилаётганини жуда яхши англаб турарди. Улар бирга яшашга аҳд-паймон қилишганди. Битта хона, албатта, торлик қиларди, яна бир хона топмаса бўлмас экан.

Бирга яшаш. Буни биз ўзимизча тушунар эдик, яъни биргаликда гиёҳвандлик қилиш, деб билардик. Зеро, ҳамма нарса бизга нимқоронғилик ичида содир бўлаётгандек туюлмоқда эди. Биз бу ҳақда Том билан Симонга чурқ этиб оғиз очмасликка қарор қилдик. Биз барча дарду аламларимизни ичимизда сақлардик, бу ҳол то иккаламиз бир-биримизга шердай ташланиб, оғзимиздан боди кириб-шоди чиқмагунча, бир-биримизни қаттиқ беобрў қилмагунимизча давом этди. Ошхонамизда бир-биримизга шунақанги мағзава ағдаришга тушиб кетдикки, қўяверасиз. Биз йиғлардик, чийиллардик, бир-биримизнинг кўзимизни ўйиб олишга тайёр турардик, охири батамом ҳолдан тойиб, бир-биримизни бағримизга босдик.

— Ё тавба, оғзимдан қанақанги сўзлар чиқмади!

— Мен-чи? Мен нималар демадим!

— Сира бундай дейишни хаёлимга келтирмовдим.

— Мен ҳам. Нима жин уриб бунақа қилдик ўзи, а?

— Ўйлаб кўрайлик-а, бу жинниликимиз ўзи қаердан бошланувди, — деди Герри. — Ҳаммаси менинг бунга жим қараб туролмаслигимдан, Давиднинг Бенни билан бирга яшашига тоқат қилолмаслигимдан бошланганди. Демак, мен худди шундай бўлиши керак деб ҳисоблашим, шу қароримда туришим лозим.

— Балки уларга бундан яхшироқ, кенгроқ жой топиб берсак бўлармиди?

— Унда Томдан ёрдам сўрашимизга тўғри келади. Етар яширганимиз, биз ҳаммасини Том ва Симон билан муҳокама қилишимиз керак.

“Муҳокама” намоийшчиларнинг полиция билан тўқнашувига жуда ҳам ўхшаб кетди. Симон бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, бу табиий эди, албатта, ахир бизга ўхшаб у ҳам даҳанаки жангдан ўтмаса бўлмасди-да. Томнинг эса сал бўлмаса юраги хуруж қилаёзди, эҳтимол, у ўзини атайлаб шунақа кўрсатгандир. Лекин Герри ўзини хотиржам тутиш учун бор кучини аямай сарфлади, энг қўпол таъна-маломатлар ва қичқириқларини у одатдаги одамийларча муомала ўзанига олиб ўтди ва кеча сўнгида қутилмаган хулосани ўртага ташлади:

— Шундай қилиб, биз шунга келишдикки, барибир болаларимиз бирга яшашларига имкон беришимиз керак. Лекин аллақандай қавак-мавақда эмас, бузиладиган уйда туришлари керак улар.

— Яхши, — деди Симон, — лекин улар, бу иблислар, биз билан шартнома тузиб олишлари керак, унда бизнинг барча шартларимиз миридан-сиригача ўз аксини топмоғи зарур. Борди-ю, улар бу шартларни лоақал бир марта бузгудек бўлишса, мен ўша заҳоти иккаласини ҳам кўчага улоқтираман.

— Демак, биз шартнома тузиб олишимиз керак, — жиддийлик билан якун ясади Герри.

— Анови тўртта мушук ҳам уйдан қорасини ўчирсин, — деди Том, — бу ҳам шартномада бўлиши керак.

— Учта мушукни уйдан гумдон қилинсин — шундай деб ёзамиз, — деди Герри.

— Яна бир гап: ҳеч қанақанги гиёҳвандликка йўл қўйилмасин, ўз-ўзидан равшанки, қорадори чекишга ҳам, — деди Симон. — Бу лаънати заҳарни таг-туғи билан батамом қуритиш керак.

Яна Герри хотиржам тусда якун ясади:

— Шартномада турли шартлар акс этмоғи лозим...

Том уй топишга киришиб кетди. Ижарага уй топишнинг деярли иложи йўқ эди, лекин у ўз ишини пухта биларди ва бир неча кундан кейин бир йўла иккита жойни мўлжалга олиб қайтди, унинг фикрича, бу ҳар иккала жойни олган одам “куйиб” қолмайди.

— Мен шу уйлардан биттасини сотиб оламан, — деди у, — уйлар ҳозир пул, мен ҳеч нарса йўқотмайман, манови икки гўрсўхта эса ўша жойга кўчиб ўтаверсин.

Шу тариқа Том иккала гўрсўхта йигитни машинасига ўтказди-да, улар билан “янги уй”ларни кўриб келишди. Бу иккала гўрсўхта учун яна ҳамма нарса аъло даражада ҳозир нозир этиб қўйилди. 1 октябрдан бошлаб улар Бельгия парки мавзесидаги бўш уйга кўчиб кираверишлари мумкин эди, бу ҳимматга энди бефарқ қараш мумкин эмаслигига, ҳарқалай, иккаласининг ҳам фаҳми етди.

— Ҳа, бизга ёқди.

— Ҳа, бўлади.

— Яхши, лекин бу билан ўзим хон, кўланкам майдон экан-да, деган хомхаёлга борманглар. Уй бир дунё пул туради, шунинг учун ҳаммаси мутлақо расмий равишда хатга олинади, биз сизлар билан шартнома тузамиз.

— Ўз-ўзидан равшан, қайтанга яхши бўлади. Биз бунни жуда тўғри деб ҳисоблаймиз.

Албатта, уларнинг шартнома тузишгача етиб олишлари учун имкон бериш лозим эди, ўз арваларини ўзлари тортиб кўришлари ҳаммасидан зарур эди. Улар кекирдақларигача ўз ифлосларига ботиб, охирида дуч келган кимсадан ёрдам сўраб ёлворишларига, шундан кейингина юввош тортиб қолишларига мажбур этиш лозим эди. Шунда бу уларнинг биринчи марта мустақил яшашлари учун сабоқ бўлиши мумкин эди. Бунинг ўрнига эса биз яна ҳамма нарсани улар учун ўзимиз муҳайё қилдик ва бу қилмишимиз учун юзимизга тик қараб “ўл” дейдиган одам йўқ эди. Биз яна уларни ўзлари танлаган ҳаёт йўлида мустақил ҳаракат қилишдан маҳрум этиб қўйгандик, ҳеч бўлмаганда бирровгина ўзларининг ёғига қоврилишларига жиндай йўл қўйиб қўйишимиз керак эди.

29 сентябрь куни бизникида шартнома имзоланди. Ҳамма кўтаринки руҳда эди. Мен бутун уйни гуллар билан безаб чиққандим — гулларни бундай воқеа шарофати билан “башанг” кийиниб олган йигитларнинг ўзлари олиб келишганди: дастурда — биргаликда зиёфат ва энг яхши шароб кўзда тутилганди...

Том “ҳеч ким қоидани бузишга ҳақи бўлмаган” шартномани тузди. Босиқ овозда у матни ўқиб эшиттирди. Биз қадаҳларни кўтардик ва шу тариқа шартнома имзоланган бўлди. Биз бу дақиқаларнинг улугворлигини дилдан ҳис этиб турардик, бу бурилиш нуқтаси эди, аини шу дақиқадан бошлаб ҳаммаси бош-

қача бўлади. Бундан буён ҳеч қанақа гиёҳвандликка йўл қўйилмайди — шартнома шартлари ана шундай эди. Ифлосланишга ҳам йўл қўйиш мумкин эмас — бу шартни биз алоҳида таъкидлаб ўтгандик. Бенни иш қидириб топиши керак — бу ҳам шартномада акс этдирилганди, ҳолбуки йигитлар бунга бир парча ҳожатхона қоғози деб қарамоқда эди. Давид кечки мактабга ўқишга қатнаши лозим эди.

— Мен Эркин академияга боришим мумкин эди, — деди у менга кўз қирини ташлаб қўяркан, бундан қаттиқ ҳаяжонга тушдим. Умуман, ҳаммамиз ҳаяжонда эдик. Фақат Жюльеттина бундан мустасно. Унинг юзида кинояли табассум ўйнардди, лекин буни мендан бошқа ҳеч ким илғаёлмади. Кечамиз “Монополия” қўшиғини жўрликда ижро этишимиз билан ниҳоясига етди. Бенни устига “Қамоқхона сари” деб ёзилган қартани ўртага қўйганида биз ҳатто бир оз аски-явозлик қилишга ҳам журъат этдик.

Эркин академияга бадал тўлиб қўйилди ва умидимиз борган сари мустаҳкамланмоқда эди. Дастлабки ойда эса биз фақатгина ўзимизни оқлаш йўллари-ни қидириб топиш билан машғул бўлдик. Ҳар ҳафта “ташриф куни” мизда биз Герри иккаламиз, табиийки, унинг тобора ифлосланиб бораётганини кўрардик ва бир-биримизга шундай дердик: “Майли, уларнинг яшаётганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ, аста-секин ўрганиб кетишади”. Албатта, биз иккала йигитнинг туш чоғида ҳам кўрпада узала тушиб ётганини икки кўзимиз билан кўрардик, бироқ ўзимизга тасалли бериб дердик: “Бирданига ҳаммасини эп-лаб, изга тушишининг ўзи бўлмайди. Бенни иш топгандан кейин ҳаммаси ўзи-дан-ўзи бошқача бўлиб кетади. Давид мунтазам машғулотларга қатнай бошлагандан кейин эса гапиришга ҳам ўрин қолмайди, тўғрими?”

Бироқ Бенни ҳали-вери ишлайдиган эмасди, чунки унинг сочи ҳаддан ташқари узун бўлиб, бундай аҳволда мени ҳеч қаерда ишга олишмайди, дерди нуқул.

— Бўпти, мана сенга сартарошга пул.

— Яхши, лекин мен тўғри келган сартарошхонага кириб, сочимни қайчила-тиб чиқмайман-ку. Мен яхши сартарошхонага боришим керак, бунақаси эса жуда қиммат туради.

— Бўпти, ма, буни ҳам ол.

Барибир у сартарошхонага бормади. Барибир у иш топмади.

Давидга расм чизадиган нарсаларга пул керак эди — мўйқаламларга, бўёқларга, этюдникларга, готовальнийларга ва яна худо билсин нима балоларга. У бундан ташқари ҳам мендан пул олиб турарди. Лекин бирон марта ҳам мўйқалам сотиб олгани йўқ. Пулларга иккаласи ягона нарса — гиёҳвандлик моддалари оларди, холос. Бенни қорадорининг катта бир бўлагини сотиб олганди, уни улар майда бўлакларга бўлиб, бошқа муҳтожларга пуллашни мақсад қилиб қўйишганди. Тушган пулларга эса бирмунча вақт гиёҳвандлик моддаларини ўзлари сотиб олмақчи эди. Давид бутун шанба кўрпада узала тушиб ётар экан, шу пайтгача тотиб кўрмаган нарсаси қолмаган Беннининг нафси ҳақалак отиб, ҳалиги катта бўлак қорадоридан шунақанги отиб олган эдики, кечга бориб бутунлай қутуриб кетди ва Том “сотиб олса куйиб қолмайди” “бозоргир” уйни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Барча ойналарнинг дабдаласи чиққан, идиш-товоғу мебеллар кўчага улоқтирилган, деворлар тирнаб шилинган, умивальник чил-чил қилиб ташланган эди. Шеригидан қолишмайдиган Давид ҳам Беннининг жасоратидан илҳомланиб кетганди, лекин у ўзининг каравотидаги матраци парча-пурча қилиб ташлаш билан кифояланганди, холос. У бундан ҳам кўпроқ томоша кўрсатиши ҳеч гап эмасди, лекин бунга қаноат қилишга мажбур бўлганди, чунки қўшнилар полиция чақиринганди, полиция — вилоят тиббий хизматини чақиринган ва Беннини Кризис марказига олиб кетишганди. Давид эса Беннининг каравотига ётиб олишдан бошқа чора тополмаган. Томнинг дағдағалари билан оёққа турган Симон уни каравотдан судраб олиб чиқиб, нима бўлганини суриштирмагунча у ухлаб ётаверган.

Ундан кейин нима бўлганини мен аниқ билмайман. Нима бўлганда ҳам “баёнот бериш” пайтида Том ҳам бўлган ва иккала ота ўртасида кўз кўриб, қулоқ

эшитмаган жанжал келиб чиққан. Том ота-бола иккаласини: Симонни ҳам, Давидни ҳам кетига тепиб уйдан ҳайдаб чиқарган. Бир вақт иккаласи узун-қисқа бўлиб уйга кириб келди — бири мушук билан, иккинчиси мушук турадиган қути билан. Уларни кўриб, Жюльет бир оғизгина гап айтди, холос:

— Менимча, шартномада бу нарса йўқ эди, шекилли...

Шундай қилиб, Давид яна уйга қайтиб келди. Бир вақтлар уларнинг янги ҳаёти учун тайёрлаб қўйилган ўзининг яп-янги хонасига қайтди. У дарҳол ўзини таппа каравотга ташлади, биз Симон иккаламиз эса асабларимизни бўйсундиришга ҳаракат қилганча пастдаги столда ўтирардик.

— Осойишталик, фақат осойишталикни сақлаш керак, ҳеч қанақанги ваҳима кўтаришга ҳожат йўқ.

— У бу ерда қолиши мумкин эмас, — деди Симон. — Уни кимникигадир жўнатиш керак.

— Балки уни гиёҳвандликдан қайтарадиган бирон жамият ё шунга ўхшаш жой бўлса керак бу шаҳарда?

— Уни касалхонага ётқизиш керак, бошқа гап йўқ, аммо қанақа касалхонага — гап шунда.

— Балоғат ёшига етмаган бўлса ҳам уни шундайлигича ҳеч қаерга ётқизиб бўлмайди.

— Беннига ўхшаб у ҳам ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилсагина ётқизишади.

— Ёки ўтган галгидек, унда руҳий касаллик аломатлари топилса.

— Тўғри, лекин Давиднинг ўзи ҳеч қаёққа боришни хоҳламаяпти-ку.

— Бунга шубҳа йўқ, лекин у бу ерда қолиши мумкин эмас.

— Қизиқ, нима учун, нима учун мана шунақа болаларни ҳеч қаерга ётқизишмайди, а? Мажбурий тарзда-я? Нега шундай қилишмайди? Ахир, уларни ҳозир қаерга юборишмасин, у ердан бемалол қочиб кета оладилар-ку...

Биз уй докторига телефон қилдик, бу хушахлоқ одам бундай муаммолардан шу қадар узоқ эдики, жўяли бирон гап айтишга ҳам ярамади. Биз ММС руҳий касалликлар шифокори ҳузурига бордик, лекин у Давиднинг ўзи келсин, деди. Батамом боши берк кўчага кириб қолгач, биз ёрдам сўраб Болалар руҳий касаллиги марказига мурожаат қилдик. У ерда оиламизни назорат қилишга тайёр эканликларини, “аммо Давидни ўзимиз билан бирга олиб келишимизни” айтишди. Давид эса буларнинг ҳеч бирини бир чақага олмас, ўша-ўша ўринда чўзилиб ётар, у ердан гоҳ-гоҳда, шунда ҳам энг ноқулай пайтда овқат ейиш учунгина чиқиб келар эди.

Менинг асабларим ишдан чиқа бошлаганди. Бир неча кун ичида шу пайтгача бошимдан кечирган барча босқичларни бирақайига кечириб ўтказдим. Мен дакки-дашномлару айбловлардан бошладим, сўнг икир-чикирларга ёпишиб олдим, нолишга уриниб кўрдим (“Ахир кўрмаяпсанми, шу ўлгурни деб ҳаммамиз адойи тамом бўлаяпмиз”), дўқ-пўписаларга ўтдим (“Агар ундоқ қилмасанг ё агар бундоқ қилмасанг — биздан сариқ чақа ҳам ололмайсан”), аммо ўзим унга пул тутқазиб, барча гапларимни ўзим елга учирар эдим: “Агар ундоқ бўлсанг, агар бундоқ бўлсанг... Агар шу қилигингни ташласанг” дердим-да, охирида пешонамга уриб қолаверар эдим. Ниҳоят, бутунлай ақл-хушимдан айрилиб, мен уни эшикдан ҳайдаб чиқарардим ва “Менга деса ўлиб кет, сендай болам йўқ!” — деб қарғар эдим, лекин унинг қаршилик кўрсатишга ҳам мажоли етмай гандираклаганича уйдан узоқлашаётганини кўриб, юрагимни ваҳима босиб кетарди ва мен орқасидан чопиб бориб, қайт-қайт, деб ёлвора бошлардим. У менга эргашиб келарди-да, яна кўрпага кириб кетарди, мен эса унга “ғамхўрлик” қилган бўлиб, ҳар томонда ивирсир эдим. Кечқурунлари Симон иккаламиз уй қидиргани чиқиб кетардик. Бу бекаси бўлмаган уй бўлиши керак эди, акс ҳолда Давидни кўчага ҳайдаб чиқариши турган гап эди.

— Нега Давиднинг ўзи қилмайди бу ишни? — сўради Жюльет.

— Сени қара-ю, кўрмаяпсанми? — жавоб бердим мен. — Касал ҳоли билан бунақа ишга ярар эканми?

— Касал ҳоли билан? — қайта сўради Жюльет. — Кечқурунлари чиқиб кетади-ку.

— Ҳа, — дедим нима деётганимни ўзим билмаган ҳолда, — кечқурунлари у чиқиб кетади, лекин уй қидиргани эмас, шунинг учун бу ишни биз қилаяпмиз.

Жюльет елка қисиб қўйди, у ҳамон тез-тез дугонасиникида қолмоқда эди, чунки уйимиздаги муҳитни энди у сира ҳам кўтаролмай қолганди.

Охири биз уй топшириш идорасига мурожаат қилдик ва осмон барабар нархга учинчи қаватдаги орқа хонани ижарага олдик. Ундан ҳар қандай мақсадда фойдаланиш ҳуқуқига эга эдик, лекин хона ҳали фойдаланиш учун тайёр эмасди — у ўта ифлос эди. Биз “уй кўргани” Давидни ёнимизга олиб олдик, кейин уни уйга қайта элтиб ташладик, чунки у бирданига ўзини ёмон ҳис қила бошлади, унга каравот ва матрац, ундан ташқари това ва кострюл сотиб олгани яна фирра изимизга қайтдик. То биз бу нарсаларни олиб келамиз дегунча у бизнинг радио аппаратурамизни олиб изсиз ғойиб бўлибди. Қаёққа кетдийкин?

Мен “дўстлари”дан баъзиларининг адресларини билардим, ҳаммасиникига бир-бир бордик. Йўқ, Давид уларникида эмасди. Унинг қаердалигини ҳеч ким билмасди. Мана, бир неча ойдирки, бизлар унинг дийдорини кўришга муш-тоқмиз. Дўстлари эса ёлгонни дўндиришда бири биридан ўтаман дерди — улар бир-бирининг кирдикорини яширишга устаси фаранг бўлиб кетганини мен жуда яхши билиб олгандим, — оч ва яланғоч кўчама-кўча дайдиб юрган шўрлик болам деб мен ўзимни ўтга-чўққа уриб юрибман-у, Давид ҳайнаҳой ким бўлмасин бировникида маза қилиб яшаётган бўлиши керак. Чунки бир нарса кундай равшан эди: у бирон марта ҳам шаҳар паркидаги скамейкада тунамаганди, биз Симон иккаламиз эса мижжа қоқмай ярим тунгача уни қидириб топиш умидида барча “чодир”ларни тинтиб чиқар эдик, чунки бизда яна ўша “Биз уни қутқаришимиз керак” номи остидаги давр кечмоқда эди. Биз уни Схевенинген деган жойда топиб олганимизда у уйга келиш учун жон-жон деб рози бўлиб турган экан: пули тугаб қолибди, қўйдаи юввошлик, хокисорлик билан бизга эргашиди. Мусиқа аппаратурасини ўғирлаганини биз кечириб юбордик ва бунинг эвазига зинҳор гиёҳвандлик билан шуғулланмасликка ваъда берди. Рождество яқинлашиб келаётганидан биз арча сотиб олдик-да, оила даврасида кеча ўтказдик. Давид “топ-тоза” эди ва кичкиналар билан ўта самимий муомаллада бўлди, беихтиёр ўзимга-ўзим дедим: “Ҳа, бечора ростданам ваъдасига вафо қилди. Ҳаммаси ортда қолди, у энди ўзини қўлга олиб олди”. Бироқ ордан бир кун ўтгач, у яна эски нағмасини бошлаб юборди. Давид оғзи ярим очиқ ва кўзлари бежо бир аҳволда курсида шалпайиб ўтирарди. Дам-бадам хонадан чиқиб кетар эди-да, ташқарида нималаргадир туртиниб ивирсирди. Бу ҳам етмагандай, ойимники ошиб тушаётганди, у бундай савдоларни қабул қила олмас, шунинг учун рождество арчаси тагида ўтириб олиб, пиқ-пиқ йиғларди, холос.

(Давоми бор)



Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

Бир зина тушаман зинапоядан

* * *

Чуволчанг каби
ўтгим келмас дунёдан
томиримда сиёҳ оқади
қон ўрнида оқади сиёҳ
битта сўз қолдиргим келади
осмон ҳиди келадиган сўз
ялтироқ ифори юлдузларнинг
ўша сўзга ҳошия бўлсин
булбул ҳавасини келтирсин
муסיқага айланганида
қотган шуъла каби
чақнаб чақнаб чарчамасин
шунчаки ўтгим келмас дунёдан
боши қуйруғи бир чуволчанг каби
лой салтанатининг фуқаросидек
ўтиб кетгим келмайди менинг
битта СЎЗ қолдиргим келади
руҳ ертўласидан ўғирланган сўз
осмон ҳиди келадиган сўз
дунёнинг ўзи қадар
англаб бўлмас сир қадар.

* * *

Булбул чаҳ чаҳи уйғотдим
ё япроқ шивир
ё сув шалдираши
ё орзиқтирадиган ҳаво
фақат имо ишора бор
битта қафас ва битта кенглик
оламнинг энг чиройли томони
сизнинг қиёфангиз
сизнинг кўзингиз
на яшагим келар ва на да ўлгим
имо ишора бор эрур фақат
бор йўғи шу
бошқаси мавҳум

мени тонг уйғотдимикан
 тундаги сеҳр уйғотдими ё
 шафаққа тугилган бир ҳовуч шуъла
 жонни алишгудек фараҳбахш нигоҳ
 фақат ишора бор фақат имо бор
 сўз йўқ сўз йўқ худога шукур.

* * *

Ўрик шохи қарсиллаб синди
 дув дув тўкилди гуллар
 анвойи ифорга қоришди шамол
 биз дераза ромларини
 яшил рангга бўяётганда

япроқ қандай титраши керак эди
 сиз қандай маслаҳат берардингиз япроққа
 қанақа нур сочиши керак эди юлдуз
 кўнғирми мовийми ёки сап сариқ

мен қандай яшашим лозим
 қандай бўлсам сизга ёқаман
 қайси усулда ёзсам шеъримни ўқийсиз
 аруздами бармоқдами сарбастдами ё

кўпроқ нималар ҳақида ёзай
 табиат тасвирими аёллар ҳақидами
 шеър буюртма беринг марҳамат

аммо биз дераза ромларини бўяётганда
 шамол қўшилгандай бўлди бўёққа
 ўрикнинг қарсиллаб сингани
 бўёққа сингиб кетди бутунлай.

* * *

Тонг кечикди
 қуёш бору тонг йўқ
 ой билан баробар бўлганда қуёш
 булутлар мумдек эриди чак чак

ва ниҳоят иккинчи тун бошланди
 биринчисига қўшилиб кетган тун
 тун тун билан туташган жойда
 кўршапалак шаклида
 қора учкун чақнади

қоронғиликни салгина ёритди қуёш
 сеҳру жоду чўкди атрофга
 “ҳеч қачон тонг отмасайди” шивирлар аёл
 бу шивир япроқ шивирига ўхшамас сира.

* * *

Қайғули куй тинглагандекман
 гўё совуқ хабар келмоқчидай
 нотаниш кўчадан кетиб бораётсам

барча нарса
танишдек туюлар гоҳо
худди илгари ҳам ўтгандайман шу кўчадан
эҳтимол тушимга киргандир бу кеча
ортига қайтгандек кечган бир лаҳза
шу битикларни илгари ҳам ёзгандекман
шунда кимдир
совуқ хабарни етказгандек
шарпасиз келиб

кейин хотирадан кўтарилди бари
фақат уфқ ялт этди
қонталаш
уфқ.

* * *

Чаённинг ниши отилмаган ўқ
чўян дарахт
ва
гул
хурсандчилик фасли келади
энди

даврада хотиржам
айланар пиёла
сулув жувон пиёз арчийди
сигналари оша
сирғалиб ўтади сабо
“бу йилги ёз қандай келаркан”
бурнини кавлайди чол
куртак соясини чирт узиб.

* * *

Давом қилдирмоқ керак қўнғироқ садосини
мовий ранг қиёмига етмабди ҳали
атиргул ифори
устиди юрибди
ойпараст бир жин

аёлни қаттиқроқ севмоқлик лозим
соч ҳиди жилмайиш ва ширин бўса
ёлғизликни инъом
этади чунки
ишвагар аёлнинг осмонлари кўп

қайғу давоми жаранглар қалбда
бора бора ўлим гўзал кўринар
ниҳоясига етказмоқ
керак ўлимни
жаннат ва дўзахнинг дарбозасигача

озодлик аталган адоғсиз даргоҳ
сен ҳақда ўй сурмоқ қандай ёқимли
мен ўзим истаб келмаган эдим
ва энди кетмоқни жуда истаيمان
тилка пора бўлсайдим нурга айланиб.

* * *

Тилла ёнғоқзорда
шаффоф олмахонлар ўйнар эмишлар
ирғитармишлар ёнғоқларни
пуштиранг йўлак очилармиш осмондан
биз эса тилла қўзиқорин терар эмишмиз
овлоқ ва сарҳади йўқ ўрмонда

юлдуз юлдузга тегиб
жаранглаб кетармиш тушларимизда
қорачуғингда акс этганимда
жаннат шумикан дея ўйладим

мени аллалади энг улкан титроқ
вақт шарчасини улоқтиради олмахонлар
иккимиз зим-зиёликка кириб кетарканмиз
олчалар басма бас гуллайди
изимиздан елади бўйлари

тилла ёнғоқзорда
иккита шаффоф олмахон
олча гуллари қўринади баданидан.

* * *

Сен эшитган эртақларингни
қуёшга ва менга тақдим этасан
ахир хўроз қичқириви
уйғотиб юборди болалигимни

шунда оғир силкиниб қўйди
аквариумга қамалган митти кит
ёғдулар пар каби сочилди
ва қўлим ухлади ҳавода

кўздан ичкарида йўл йўқ
сўздан ичкарида йўл йўқ
аммо хўроз қичқириви ортига
шафақранг қишлоғим бекиниб олган

бир зина тушаман зинапоядан
шубҳага қоришиб кетар ҳаётим
сени зўрға топдим-ку нега
нега севмай қўйсам севгилим

болалик овози билан сен
қушга ўхшаб чуғурлайсан бетиним
барибир эшитган эртақларингни
менга ва қуёшга тақдим этасан.



ЎЗБЕК ХАДА НОУ
801

Виталий ШЕНТАЛИНСКИЙ

Инқилобий кўриқхонадаги овлар

(Кечаги адабиёт ҳаётидан айрим манзаралар)

СТАЛИННИНГ ТЎНФИЗ ҚЎПМОҒИ УЧУН!

Ақл бовар қилмайдиган бу қадах 1939 йилнинг 1 декабрида Москванинг қоқ марказида Тверь хиёбонидаги ёзувчилар истиқомат қиладиган уйда баралла янграган. Ўша кезларда бутун мамлакат ва жамики прогрессив инсоният ҳамма замонлар ва ҳамма халқлар дохийсининг олтмиш йиллигини нишонлашга тайёрланмоқда эди. Сон-саноқсиз тантанали нутқлар, гулдирос қарсақлар, мадҳиялар, шарафлашлар, газеталардаги кети-охири кўринмайдиган аюҳаннослар орасида бояги ёлғиз овоз чивиннинг гинғиллашича ҳам бўлгани йўқ. Лекин шу ҳам Лубянканинг кулоғига етиб борди.

Ақл бовар қилмайдиган воқеадан икки кун ўтгач, “Богунец” деган лақабли махфий агент учта ёзувчи — Андрей Платонов, Андрей Новиков ва Николай Кауричевларнинг улфатчилик қилишгани ҳақида маълумот беради:

“1939 йилнинг 1 декабрида ёзувчи Платоновнинг уйига Новиков билан Кауричев келишди. Улар ўзлари олиб келган ароқни бирга ичишни таклиф қилишади. Биринчи қадахни Новиков Платоновнинг ўғли тезроқ қутулиб келиши учун ичишни таклиф қилади (у ўн йил қамоққа ҳукм қилинган). Иккинчи қадахни ҳам Новиков таклиф қилади:

— Сталиннинг тўнғиз қўпмоғи учун!

Платонов ўшқириб беради:

— Бу нима, иғвоми? Қани, жўнаб қолларинг бу ердан! Йўқолларинг дарҳол!

Кауричев унга жавоб беради:

— Сен кўрқоқ экансан! Номусли одамларнинг ҳаммаси шундай деб ўйлайди. Сен ҳам бошқача ўйлашинг мумкин эмас...”

Суҳбат уч кишининг ўртасида кечган бўлса, бегона одам иштирок этмаган бўлса, “Богунец” буларнинг барини қаердан билган бўлиши мумкин? Албатта,

*ШЕРЗОД
таржимаси*

Виталий Шенталинскийнинг номи журналхонларимизга таниш — журналнинг 1997 йил 1-сонида унинг “Яшка Ҳамён ва Владимир Ленин” деган ҳужжатли ҳикоясини эълон қилган эдик. У XX аср адабиётини тадқиқ қилувчи мунаққид. Унинг мақола ва тадқиқотлари ҳужжатларга, архив материалларига асосланган. Шунинг учун уларда XX аср шўро адабиётининг кўпчиликка маълум бўлмаган қирралари ёритилади. Унинг нашрга тайёрланган “Эркинлик қуллари” шундай асарлар жумласидандир. Дикқатингизга ҳавола қилинаётган очерклар ҳам шу китобнинг айрим бобларини ташкил қилади. Биз уларни “Новый мир” журналининг 1998 йил 12-сонидан олдик.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

бирор тўртинчи кишининг гапидан эшитиб билган. Бунинг устига кейинчалик ўтказилган терговдан маълум бўлишича, воқеа бутунлай бошқача тарзда кечган ва ҳатто Платоновнинг уйида бўлмаган ҳам экан...

Юбилей тантаналари ўтиб, бир оз нафасларини ростлаб олишгач, чекистлар ишга киришди.

Нақд янги йил арафасида — 31 декабрь куни биринчи бўлиб Андрей Платоновни чақирди. Кўлига қоғоз беришиб, бўлган воқеани оқизмай-томизмай ҳаммасини рўйи рост ёзиб беришни талаб қилишди. Бирон нарсани яшириб ўтиришнинг маънисини йўқ эди. Ҳам хатарли эди. Гишт қолипдан кўчиб бўлган. Бирдан-бир илож — ростини айтмоқ. Платонов ёзишга тугинди.

“Шу йил ноябрнинг охирида 6 декабрь ойининг бошларида ёзувчи А.Н.Новиковнинг уйида куйидаги воқеа содир бўлди. Биз уч киши эдик: А.Н.Новиков, Ник. Кауричев (у ҳам ёзувчи) ва мен. Новиков ва Кауричевларнинг кайфи баланд эди. Улар ўзаро баланд овозда гаплашишар экан, тўсатдан Новиковнинг “Сталиннинг тўнғиз қўлмоғи учун!” деган хитобини эшитдим. Мен нотўғри эшитдим, деб ўйладим ва қайтариб сўрадим. Шунда Кауричев стулдан туриб, хона бўйлаб юрар экан, менга қараб: “Ўзингни овсарликка солма, сенинг ўғлинг қамокда ўтирипти, сенинг сиёсий кайфиятинг яхши бўлмоғи мумкин эмас”, деб гапира кетди.

Мен унга жавобан “Новиков айтган нарса учун мен ҳеч қачон ичмайман, Сталинсиз биз ҳаммамиз нобуд бўламиз, бундан ташқари, мен аҳмоқ ва каллаварам эмасман, ўзимнинг шахсий бахтсизлигимни (ўғлимнинг қамалганини) ҳеч қачон Совет ҳокимиятига муносабатимга кўчирмайман”, дедим.

Шунда Кауричев менга жавобан “сенинг қандай одам эканлигинг асарларинг орқали очиқ-ойдин кўришиб туради, биламан, кимлигингни...” деди. Мен унга “Менинг асарларим эълон қилинган, улардан жамоатчилик хабардор” деб жавоб бердим. Таклиф қилинган қадаҳ учун ичишдан қатъиян бош тортдим. Гапимиз жанжалга айланди. Мен қадаҳдаги ароқни тўкиб ташладим-да, хайрлашмасдан уйимга чиқиб кетдим.

Бу воқеадан бошим қотиб қолди, ташвишга тушдим, ўз танишларимдан бунақа даҳшатли гапни эшитишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Назаримда, улар менга қарши атайин ифвогарлик қилишмоқда эди.

Бунга қадар мен на унисидан, на бунисидан бунга ўхшаган гапни эшитмаган эдим. Тўғри, баъзан улар бирор сиёсий воқеага кинояли муносабатда бўлишарди, лекин бу турмушда тез-тез учраб турадиган арзимас воқеалар бўлгани учун мен уларга эътибор бермас эдим.

Кауричевни мен тузукроқ билмайман, Новиковни яхшироқ биламан. Мен уларнинг орасида муштарак мақсадларга асосланган мустақкам дўстликни сезганим йўқ. Уларнинг муносабатлари ўзаро ичкилик билан боғланган одамларнинг муносабатидан бошқа нарса эмас. Бу фақат менгагина маълум эмас. Ўтмишда Новиков “Перевал” деган троцкийчи адабий ташкилотга аъзо бўлган. Бу ҳаммага маълум.

Кауричевнинг ўтмишидан яхши хабарим йўқ, у ўқитувчи бўлган шекилли. Одатда у жон-жаҳди билан шўро руҳида гапирарди. Камдан-кам ҳолларда оғзидан бирор бўлмағур гап чиқиб кетарди.

Мен юқорида айтган мудҳиш воқеа ҳам шундайлар сирасига киради. Афтидан, ўшанда Кауричев Новиковнинг гапини маъқуллади, шекилли.

Умуман олганда эса, Кауричев ҳам, Новиков ҳам сиёсий мавзуларда гаплашишдан ўзларини олиб қочишарди. Одатда, суҳбатларимиз у ёки бу бадий асар устида борарди, кўп ичилган ҳолларда эса тил айланмай қолиб, валдирашдан нарига ўтилмасди.

1939 йил 31 декабрь.

ПЛАТОНОВ.

Қабул қилиб олдим — НКВД ГУГБ 2-бўлими, 5-бўлимаси фавқулодда вакили — давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Кутирев”.

Қўлимиздаги ҳужжат асл нусха эмас. У Платонов баёнотининг машинкада кўчирилган нусхаси бўлиб, остида Платоновнинг имзоси йўқ. Лубянкадаги

ишларнинг деярли ҳаммаси неча қайталаб сохталаштирилган. Шунинг учун бундай қаватма-қават сохталаштиришлар натижасида ҳужжат қандай пайдо бўлиб қолганини аниқ тиклашнинг ҳожати йўқ. Эҳтимол, Платоновдан тушунтириш хатини чекистлар эмас, бошқа бошлиқлар — адабийми ёхуд партиявийми раҳбарлар талаб қилгандир. Ҳар ҳолда, ҳужжатнинг юқори қисмида “Нухаси НКВДга” деган ёзув бор. Воқеа содир бўлгандан кейин кўп йиллар ўтгач, прокуратура чиқарган хулосада бундай дейилган: “Платоновнинг НКВДга ёзган аризасидан олиниб, ишга қўшиб қўйилган нусхага ишонмоқ қийин, чунки КГБнинг Ҳисобот-архив бўлимида Платоновнинг ҳеч қанақа материали йўқ.

“Материал йўқ” деганига ҳайрон бўлманг — материалларни бир марта эмас, бир неча бор тонналаб йўқ қилишган. Шундоқ бўлганми ё бошқача бўлганми, ҳар ҳолда, Платонов ёзма ё оғзаки равишда тушунтириш берган ва бу тушунтиришлар ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Ҳамма гапни ҳужжатнинг ўзи айтиб турипти.

Новиковни январда қамоққа олишди.

Асосий айб: “Сўнгги вақтларда... ўзига яқин одамлар қатнашган гурунгларида партия раҳбарларига қарши террористик кайфиятларни намоён қилмоқда”.

Лубянкадаги тергов ишлари бири-биридан бемаъни, бири-биридан даҳшатли айбловларга тўлиб кетган. Лекин ҳатто шулар билан қиёслаганда ҳам Андрей Новиковнинг иши ўзининг бемаънилиги билан лол қолдиради. Кайф билан айтилган икки пуллик гапни жиноятга айлантирмоқ учун терговчилар роса тер тўкишгани кўриниб турипти. Новиков билан шунчаки кўзтаниш бўлган бошқа қамалган ёзувчиларнинг ишлари синчиклаб титкилаб чиқилган. Қўлларига илинган нарсаларнинг ҳаммасини ишга солиб, улардан зараркундалик, троцкизм, терроризм деган айблар ясаганлар.

Мана, Новиковга унинг ҳамкасби ёзувчи Никифоров томонидан 1938 йил 23 февралда берилган тавсифнома:

“...Новиков Андрей содда, бўшашган ва босиқ одам, бироқ ўзига етгудек томонлари ҳам бор. Масалан, бир вақтлар унинг хонаси деворида осиглик суратда шинел кийган Троцкий ва оғзида трубкаси билан Радик савлат тўкиб туришарди, кейин бу портрет ғойиб бўлиб қолди. Новиковнинг гаплари ҳамма вақт чалкаш ва баландпарвоз. У камдан-кам ҳолларда ичмаган бўлади. Биров билан гаплаша бошласа, гапининг бошидаёқ ундан бошқа ҳеч ким ҳеч нарсага тушунмаслигини писанда қилади. Гаплари тахминан бунақа бўлади: “Наҳотки, жўнгина бир нарсани тушунмайсан-а, овсар. Бировлар буйруқ беради, бошқалар жонини жабборга бериб, буйруқни бажаради. Мана, қулоқни фош қилишди, мужик унинг устидаги иштонигача шилиб олди. Хўш, сен яна нимани ис-тайсан? А.Новиков ўзини ҳажвчи деб ҳисоблайди. А.Платонов билан оғиз-бурун ўпишиб юришга тиришади. Улар теварак-атрофларига пичинг билан кулиб қарашади, фақат ўзаро гап-сўзларида эмас, балки асарларида ҳам ҳамма нарсани масхара қилиб, ҳеч нарсага ҳайрон қолмасликка ҳаракат қилишади. Бирор одам манаман деб ажралиб турса, Хўжайин (Сталин) бундайларни ёқтирмайди ё уларни қувиб солади, ё амалидан пастлатади. А.Новиковнинг дунёқараши ва мафкураси тўғрисида фикр юритмоқ учун унинг “Туманликларнинг келиб чиқиш сабаблари” деган асарини ўқиб чиқиш кифоя...”

Чақимчиларнинг эски чақувлари ҳам асқотиб қолди. Агент “Белецкий” 1936 йилдаёқ Новиковнинг “кескин аксилшўровий кайфиятлари” ҳақида маълум қилган эди.

— Ҳозирги адабиёт қанақа? — деган экан Новиков. — Бизда адабиёт йўқ. Бунга ҳайрон бўлишнинг ҳам ҳожати йўқ. Чинакам фикр аллақайларга ғойиб бўлган жойда ҳақиқий адабиётнинг бўлиши мумкин эмас...

Лубянкадаги шоввозлар Новиковнинг ҳадисини жуда тез олишди. Учинчи сўроқдаёқ у унга қандай айбни ёпиштиришса, ҳаммасига айбдорман, деб тўла иқроор бўла бошлади. У, айниқса, ўзининг Андрей Платонов билан дўстлиги тўғрисида батафсил гапириб берди.

— Сизларнинг яқинлигингиз нимада кўринар эди? — деб сўрайди терговчи.

— Платонов билан мен 1922 йилдан бери танишмиз. У пайтларда мен “Ишчилар йўли” газетасининг муҳаррири бўлиб ишлардим... 1938 йилдан бошлаб биз, яъни мен, Кауричев ва Платонов тез-тез учрашиб турадиган бўлиб қолдик. Биз бир-бирларимизнинг уйимизга бориб турардик. Ҳар гал учрашганимизда мунтазам равишда аксилшўравий гаплардан гаплашардик.

— Қандай аксилшўравий гаплардан гаплашар эдинглар?

— Бизнинг гурунглариимиз одатда танқиддан бошланарди... Биз адабиётга раҳбарлик қилишни бутунлай ёзувчиларнинг ўзига қўйиб бериш керак, бу масалада партия таъсири бўлмаслиги керак. Шўро ҳокимиятининг сиёсати ёзувчиларнинг ижодий қобилиятлари кўламини чеклаб қўйди, яъни уларни муайян қолипга солиб қўйди, деб гаплашардик.

Платоновни биз энг яхши ёзувчи ва энг яхши танқидчи деб ҳисоблардик. Платонов табиатига кўра жуда писмиқ одам, гурунгларда ҳам ўзининг қарашларини айтганда, ҳамиша тагдор қилиб айтади; агар у бирон нарсанинг устидан кулаётган бўлса, бу кулгиси билан ўша ҳодисани қоралаётганими ёки унга хайрихоҳлик билдириятганими — тушуна олмай гаранг бўласан. У асарларини ҳам худди шундай тарзда ёзади, яъни уларнинг ҳаммасида коса тагида нимкоса...

Мен Платонов билан, айниқса, НКВД органлари томонидан ўгли қамоққа олингандан кейин жуда яқин бўлиб қолдим. Учрашувларимизда ҳамиша ичкилик ичар эдик. Бизнинг гурунглариимизда қатнашар экан, Платонов бизнинг нуқтаи назаримизга қўшилар ва ўзининг аксилшўравий кайфиятларини ифода қилар эди...

17 январь куни терговчи Адамов Новиковнинг асосий жиноятдан оғиз очди.

— Сиз бўлган гапларнинг ҳаммасини тўла-тўқис гапириб берганингиз йўқ. Тўғриси айтинг: яна аксилшўравий гаплардан гаплашганимизлар?

— 1939 йил ноябрь ойининг охирими ё декабрь бошларидами — аниқ эсимда йўқ, мен билан Кауричев кайфимиз тароқ ҳолда вино кўтариб Платоновнинг уйига бордик. Ичишиб, суҳбатлашиб ўтирган вақтимизда Кауричев НКВД органлари томонидан қамоққа олинган ёзувчи Иван Катаев жуда яхши одам, уни айбсиз қамадилар деди, шекилли.

Платонов Катаевни ёқтирмасди, шунинг учун сизнинг Катаевингиз ифлос одам эди. Мана, менинг ўғлим қамоқда ўтирипти, деб қўшиб қўйди. Платоновнинг шу сўзларидан кейин қайси биримиз унинг ўғлининг тезроқ қутилиб келиши учун ичишни таклиф қилдик, сўнг Троцкийнинг соғлиги учун қадаҳ кўтариш таклиф қилинди.

Троцкий шаънига кўтарилган қадаҳ Платоновга ёқмади, у қўлидаги ичкиликнинг ҳаммасини намойишкорона ерга тўқди-да, агар эсингда бўлса, бизни уйдан ҳайдаб чиқарди.

Бошқа бир гал, тахминан, 1939 йил декабрь ойининг охирида эди, шекилли, яна Платоновнинг уйда тўпланиб ичишдик. Мен “Сталиннинг тўнғиз қўпмоғи учун!” деб қадаҳ кўтардим. Платонов билан Кауричев бу қадаҳни қўллаб-қувватлашди. Бу аксилинқилобий гап-сўзлару қадаҳларнинг ҳаммаси, албатта, бизнинг Шўро ҳокимиятига ва ВКП (б) раҳбариятига душманларча муносабатларимизнинг натижаси эди...

Кейин туҳмат гулхани борган сари гуриллаб ёнади. Кейинги сўроқларда Адамов Новиковни шунчаки “аксилшўровий қарашларни” айтганингизга эмас, бошқа жиддийроқ гуноҳларни ҳам бўйнига олишга мажбур этади.

— Демак, сизлар биргаликда душман ишини қилгансизлар, шундайми?

— Ҳа, қилганмиз.

— Сизлар қандай аксилшўровий ишларни амалга оширгансизлар?

— Моҳият эътибори билан айтадиган бўлсак, биз аксилшўровий гуруҳ эдик...

Ҳамма иш Платоновни қамашга қарата олиб борилмоқда эди.

Бу вақтга келиб Николай Кауричевни ҳам қамоққа олиб улгурган эдилар. У юбилей муносабати билан айтилган қадаҳнинг машъум тарихини ўзича баён қилади.

— Эсимда, бу куни Новиковнинг уйда, унинг иш кабинетига ичишиб ўтирганимизда Новиков “Сталиннинг тўнғиз қўпмоғи учун” қадаҳ айтди. Кейин Троцкийнинг саломатлигига ичдик...

— Новиковнинг уйида бунақа душманона қадаҳлар айтилганда, сиздан бошқа яна ким бор эди?

— Мен билан Новиковдан ташқари яна Платонов бор эди.

— Ўша пайтда Новиковнинг хотини уйдаими?

— Буниси эсимда йўқ...

Новиковнинг хотиними? Бу гапларнинг барини эшитган тўртинчи аёл шу эмасмикан? Эшитгану, бу бемаза воқеа туфайли қалбида жўш урган ғазабни бирон дўсти ёки дугонасига тўкиб солган. Шу тариқа буларнинг бари “Богунец” деган агентга етиб борган ва кейин Лубянканинг мулкига айланган. Албатта, бунинг бариси тахмин, холос. Бутунлай бошқача бўлган бўлиши ҳам мумкин. “Богунец”нинг чақувлари бошқа ишларда ҳам кўп учрайди. Шунга қараб ҳукм қилганда, бу одамнинг ўзи ёзувчилар тоифасига мансуб бўлса керак. Шундоқ бўлгач, бу одамнинг ўзи ҳам Тверь хиёбонидаги “Герцен уйи”да, яъни ёзувчилар истиқомат қиладиган чумолилар инида яшаган ва ҳамма гапни ўзи эшитиб билган бўлиши ҳам мумкин-ку? Агар Новиков билан Платоновнинг девор-дармиён қўшнилари бўлганини инобатга олсак, чақувда йўл қўйилган хатони, яъни квартираларни алмаштириб юборилганини ҳам изоҳлаш қийин бўлмайди...

Бир-бирлари билан юзлаштирилганда Новиков ҳам, Кауричев ҳам Сталинга нисбатан террорчилик ниятида бўлганларини тан олдилар. Мастликда айтилган бемаза гаплар эндиликда улуғ бир суиқасдга тайёргарликдай кўрина бошлаган эди.

Иш пишди. Ашёвий далил сифатида унга Новиковнинг “Туманликларнинг чиқиб келиш сабаблари” деган қиссаси илова қилинган эди. Шунингдек, ишга мунаққид Гурвичнинг шу қиссага ёзган тақризи ҳам қўшиб қўйилган эди. Тақризи НКВДнинг топшириғи билан ёзилган бўлиб, муаллифни турли-туман оғир гуноҳларда айблар эди: “Айтиш мумкинки, муаллиф бу асарда ўзини ўзи маҳв этган... У ўз қаҳрамонининг қилмишларини такрорлагандек бўлади... У ҳаётини ўз жонига қасд қилиш билан тугатади... Андрей Новиковнинг ҳажвиёти сира ҳам маъқул эмас...”

Тўрт ойлик терговдан кейин узоқ муддатлик турғунлик бошланади — гўё маҳбус ҳамманинг эсидан чиқиб кетгандай эди. Маҳбусликнинг иккинчи йили бошланди. Бу вақт мобайнида Новиков ўпка касалига чалиниб, ҳар йўталганида қон кетадиган бўлиб қолди. У Сталинга мактуб билан мурожаат қилиб, муруват қилишни — унинг гуноҳидан ўтишни илтимос қилади: “...Ўша қадаҳ мен томонимдан айтилган-айтилмагани аниқ эсимда йўқ, айна чоқда мен уни айтилмаган ҳам деёлмайман. Мен ўзимни билмайдиган даражада маст эдим...”

Мактуб кишини зирқиратиб юборадиган ғалати бир хотима билан тугайди: “1941 йилнинг 31 мартида мен мангу ҳаракат қонунини кашф этдим. Бунинг тафсилотларини терговчи Адамовга ёзган икки мактубимда буён этганман. 1941 йил 4 май куни у мени юқорида зикр этилган мактублар бўйича чақирди, терговчи менга тегишли жойларга маълум қилажагини айтди. Ўз кашфиётимга ҳақ-ҳуқуқим борлигини айтишнинг бошқа имкониятларига эга бўлмаганим учун, Сиздан юқорида зикр этилган мактубларнинг нусхалари билан танишиб чиқингизни ўтиниб сўрайман ва кейинчалик уларни назардан соқит қилмасангиз...”

Новиковнинг ишида унинг “кашфиёти”нинг бошқа ҳеч қанақа излари йўқ.

Тақдирнинг қандай бўлишини билиш фурсати кам қолган эди. Бир неча кун ўтгач, 8 июль куни Олий Суд Ҳарбий коллегиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Новиковнинг гапи қисқа бўлди:

— Мен айбдор эканимни тан оламан — аксилшўровий қадаҳ айтганман ва бўлар-бўлмас аксилшўровий гаплар гапирганман. Зараркунандаликдаги айбловни қатъиян рад этаман. Мен иштирокчиси бўлган гуруҳ ошқора иш юритувчи гуруҳ эди, шунинг учун менга қаратилган айбловларни нотўғри деб ҳисоблайман. Жиноятимни маст ҳолимда қилганман...”

“Мен олий жазога — отишга ҳукм қилиндим. Мени афв этишни ўтиниб сўрайман...” — бу сатрлар Новиковнинг яна бир аризасидан олинган. Ариза

ўша кунларда йирик-йирик нотекис ҳарфлар билан битилган бўлиб, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Калинин номига битилган. — Менинг ижтимоий келиб чиқишим батрақлардан. Батрақнинг ўғлиман, ўзим меҳнат фаолиятимни батрақликдан бошлаганман. Инқилобга ёт одам бўлган эмасман”.

Новиков 28 июлда отиб ташланди. Кауричевни бир оз олдинроқ — 9 июлда отиб ташлашган.

“Инқилобга ёт одам бўлган эмасман” — бу сўзлар Андрей Новиковнинг Лубянканинг зулматли қаъридан бизгача етиб келган сўнгги сўзлари эди.

У Воронеж қишлоқларидан бирида қашшоқ оилада ўсиб-улғайди, мактабнинг тўрт синфини тугатади, сўнгра оилани боқиш учун ишлашга мажбур бўлади — ер кавлайди, ёғоч қирқади, ҳаммоллик қилади. Биринчи Жаҳон уруши бошлангач, солдат бўлади. 1917 йилда большевиклар партиясига киради, Совет ҳокимиятини ўрнатишда иштирок этади. Аввал вилоятларда, кейин Москвада коммунистик газета ва журналларда муҳаррирлик қилади, жуда кўп миқдорда очерклар ва мақолалар ёзади. 1929 йилда эса ҳажвчи ёзувчи сифатида ярқ этиб кўзга ташланади. Новиковнинг “Туманликларнинг келиб чиқиш сабаблари” деган қиссаси жуда катта шов-шувга сабаб бўлади — мунаққидлар ёзувчини совет воқелигига тўхмат қилишда ва уни қора бўёқларда тасвирлашда айблашади. Уни ҳимоя қилишга Горький аралашшига тўғри келади. Чиндан ҳам бу қисса анча-мунча жиддий адабий ҳодиса бўлган эди — у бутун мамлакат бўйлаб ёйилиб бораётган бюрократизм иллатининг ҳалокатли ҳавфини фош этган биринчи асарлардан эди. Қиссадан кейин “Овсарларнинг ҳарбий жасоратлари”, “Камарниц мужиги ҳақида қисса” асарлари, туркум ҳикоялар пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммаси китобхонларни лоқайд қолдиргани йўқ — уларнинг қизиқишига ва баҳоларига сабаб бўлди.

Ҳозир деҳқонлар орасидан чиққан бу туғма адиб адолатсиз тарзда унутиб юборилган. “Менсиз халқ тўкис бўлмайди” деган эди Андрей Платонов. Андрей Новиковсиз адабиётимиз тўкис бўлмайди. Ёзувчи нобуд бўлганидан кейин унинг олиб қўйилган қўлёмалари бевосита қайтариб берилган эди. Новиковнинг беваси янги муносабатлардан қўрқиб, қўлёмаларни маҳв этиб ташлаган.

Бир вақтлар ижодий фаолияти энди бошланган кезларда Андрей Платонов дўсти ва ҳамюрти Новиковга мактуб ёзиб уни огоҳ қилган эди: “Бизнинг ҳаётимиз офтобга қўйилган муз парчасидай гап. Уни шимишга ҳаракат қилма: ўзи эриб кетади...”

Коинотдаги сирли “қора ўпқонлар” бутун бошли юлдузларни, сайёраларни, улар билан бирга, эҳтимолки, аллақандай жонли махлуқлар мавжуд дунёларни, номаълум цивилизацияларни ютиб юбориши сингари, Лубянканинг шум ҳалқуми ҳам миллион-миллион одамларни ямламай ютиб, яна янги-янги қурбонлар талаб қилар эди. Лубянканинг қаърида нафақат одамлар, балки уларнинг самаралари ҳам ғойиб бўлиб кетарди. Лекин ҳамма нарса ҳам изсиз йўқолиб кетгани йўқ, бир вақтлар ҳукумат таъқибига учраган ёзувчилар учун аламли бўлган талафотлар бугунги кунда биз учун омадли топилмалар бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Андрей Платоновни эркинликда қолдиришди, лекин уни ҳамиша назорат остида тутишган, унинг ижодини ҳам кузатиб боришган, қўлёмаларини ҳам ўз ҳолига қўйишган эмас.

Андрей Платоновнинг Лубянка омборларидан топилган “Техник романи” ёнига бугун унинг яна бир асарини қўшиб қўйиш мумкин.

Бу қўлёзма ОГПУнинг махфий-сиёсий бўлимига “Красная новь” журнали таҳририятдан келиб қолган. Биринчи саҳифада ўша пайтларда журналда наср бўлимини бошқарган ёзувчи Всеволод Ивановнинг қўли билан: “Ф.Раскольниковга. Менимча — эътиборга лойиқ!” деб ёзиб қўйилган. “Мен босилишига қаршиман” деб шу ернинг ўзида фармойиш беради Раскольников. У “Красная новь” журналининг бош муҳаррири. Санани ҳам аниқ ёзиб қўйган: “1928 йил 11 февраль”.

“1921 йилга саёҳат” деб сарлавҳа кўйилган кўлёмза (машинкалангандан кейин муаллиф ўқиб, сиёҳ билан тузатиб чиққан) — Платоновнинг бўлғувси романи “Чевенгур”нинг катта бир қисмини ёхуд вариантларини ташкил қилса керак. Унда шундай саҳифалар борки, улар романнинг эълон қилинган матнида йўқ. Уста ижодининг бу синиқ парчалари нақадар қимматли эканини гапириб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ. Унинг услубининг ўзига хослиги шундаки, у маталларни кўп қўллайди, унинг баёни бир-бири билан ташқи сюжет орқали ва қаҳрамонларнинг ички кечинмалари билан бирикиб кетган маталлар ҳамда нақллар занжиридан иборат. Шу тарзда айрим саҳналар яхлит бир нарсаларнинг парчалари бўлганлари ҳолда алланечук тугаллик ҳам касб этадилар ва мустақил қимматга эгадирлар.

“Бу қиссанинг бир бобидир, — деб тушунтиради Платонов кўлёмзанинг хошиясида ва асосий қаҳрамонларга қисқача тавсифнома беради: Дванов вайронгарчиликка қарши кураш масаласида губернани текшириш учун губисполком томонидан юборилган коммунист. Коленкин унинг тасодикий ҳамроҳи, собиқ партизан, “дала большевиғи”.

Умид қиламизки, Андрей Платоновнинг ҳанузга қадар эълон қилинмаган бу саҳифалари унинг ижодининг профессионал тадқиқотчилари кўлига етиб боради ва улар бу матни эълон қилишади ҳамда адибнинг нашрга тайёрланаётган биринчи асарлар тўпламидан уларга ўрин берадилар.

МАШАҚҚАТЛИ МУҲАББАТ

Совет адабиёти тарихида ёлғизгина бир киши ҳам Сталин мукофотининг, ҳам Нобель мукофотининг лауреати бўлган. Бу — Михаил Александрович Шолоховдир. Бу ўринда нечундир истеъдод билан эътироф, ҳукмдорларнинг хайрихоҳлиги билан китобхонларнинг муҳаббати бир-бирига тўғри келиб қолган.

Лекин бунинг бир ғалати жойи ҳам йўқ эмасди — бир бочка асалга бир қошиқ қора мой тушиб қолганди.

Шолоховнинг энг асосий асарига — бутун адабиётда катта воқеа бўлган “Тинч Дон” романига соя тушиб қолди — уни адабий ўғирликда айблаб бошладилар. Бу гумон ёзувчидан ҳозиргача ҳам ариган эмас. Ана шу китоблари кўп ўқиладиган ва кўпларнинг ҳурматига сазовор бўлган адибни айни чоқда ёмон ҳам кўришарди — унинг тили аччиқ бўлиб, кўпинча юксак минбарлардан номуносиб нутқлар сўзлар, бошқача фикрлайдиганларни аямай, тор-мор қилишга чақирарди. У ижодини жуда яхши бошлаганди, ёш даҳо бўлган эди, аммо аста-секин алланечук сўниб қолди — ўзининг иккинчи романини сохта тугалланма билан расво қилди. Сўнгги романини эса ўнлаб йилларга чўзди, шунда ҳам уни тугатгани йўқ.

Ташқи фаровонлик, маънавий носоғломлик яшириниб ётарди. Халқ бошига тушган фожеа унга ҳам таъсир қилмай қолмас эди — бу унинг онгини парчалаб юборди, шахсиятини парчалади; адиб санъаткор билан цензор ўртасидаги кескин ички зиддият исканжасига тушиб қолди, масхарабозлик билан пиёнисталик ўртасида икки йўл оворасига айланди.

1929 йилда Сталин Шолоховни давримизнинг энг атоқли ёзувчиси деб эълон қилди. Шундан кейин у Сталиннинг шахсий ҳомийлигига ўтди, дахлсиз бўлиб қолди. Лекин бу тақиқларнинг бизга ортиқ дахли йўқ. Эндиликда биз адибга кўкларга кўтариб мақтамай ҳам, ерга уриб қораламай ҳам, ортиқча мадҳияларсиз ва ортиқча қораловсиз, пардозсиз ва таҳқирсиз ёндошмоғимиз мумкин.

Ҳамманинг назарига тушган одам, Лубянкада ҳам алоҳида эътиборга сазовор эди. Шолохов замондошларига тааллуқли гоҳ у, гоҳ бу тергов ишида, гоҳ йўл-йўлакай, гоҳ анча бафуржа унинг номи учраб қолади. Ишлар орасидан ҳатто унинг мактублари ҳам чиқиб қолди. Худо билсин, ҳали яна нималар топиларкин?

Бироқ бугуннинг ўзидаёқ махфий архивларда қилинган янги кашфиётлар Шолохов биографиясига янги фактлар қўшади. Шу пайтгача яшириб келинган бу фактлар унинг портретига шундай чизгилар қўшадики, уларни ҳафсала билан ўчириб, силлиқлаб кетган эдилар.

“Дастлабки терговда тан олмаганим каби бу гал ҳам ўзимни айбдор деб тан олмайман... Менга тўхмат қилишган... Менинг мутлақо ҳеч қандай гуноҳим йўқ” — бу сўзларни судда дипломат ва журналист Георгий Александрович Астахов айтган. У поляк жосуси ва аксилшўровий фитнанинг иштирокчиси сифатида ўн беш йил қамоқ жазосига ҳукм этилган эди, қирқ беш ёшида шимолий лагерлардан бирида ҳалок бўлди.

Астахов Шолоховнинг юртдоши ва дўсти. Атоқли ёзувчининг унга йўллаган мактублари айна шу одамнинг тергов ишидан чиққан.

Албатта, Астахов ҳеч қанақа халқ душмани эмас эди. “У овсар одамлар тоифасига мансуб. Бунақа одамлар баъзан илм аҳли ўртасида учраб туради. Эҳтимол, қисмати бошқача бўлганда у ҳам илм аҳлларидан бири бўлармиди? Агар бўлганда ҳам шарқ масалалари бўйича чакана олим бўлмаган бўларди. У жуда тиниқ, равшан ақл эгаси, мустаҳкам ички интизомга амал қилади, шу билан бирга кундалик турмуш ишларида алланечук бесўнақайлиги, қовушмаслиги бор...” Бу табиий овоз Лубянкадаги расмиятчилик оҳангларида нақадар узоқ. Бу — эрининг қисматига қай бир йўл билан таъсир кўрсатиш мақсадида НКВДга ариза билан мурожаат қилган Наталянинг овози: Астахов “ҳаддан ташқари ҳалол одам, у ўзига билдирилган ишонччи на майда, на йирик ишларда оқламасликка мутлақо қурби етмайди”.

Ўзининг қарашларига кўра у типик шўро одами эди. Бир вақтлар у ёшларга хос шижоат билан эски дунёни ва унинг маданиятини кунпаякун қилишда иштирок этган эди.

У 1920 йилда Владикавказда Пушкин ҳақидаги ошқора мунозарада Михаил Булгаковнинг муҳолифи бўлиб иштирок этган эди, “Пушкинни мажақлаб ташлади” деб эслайди Булгаков “Кўйлак енгидеги қайдлар”ида. Партия газетаси “Коммунист”нинг муҳаррири бўлган, пролеткультчи Астахов ўша паллаларда чиндан ҳам роса ўзини кўрсатган эди. Владикавказнинг Ёзги боғида ўтган кечада қилган докладида у Пушкин тўғрисида шундай деган эди: “Ва биз мутлақо хотиржам қалб билан мукамал асарлар тўпламини инқилоб гулханига улоқтирамиз ва тавалло қиламизки, унинг асарларида йилт этган олтин бўлса, умумий гулханда эски-туски нарсалар билан бирга ёниб кетмайди”.

Булгаков билан бўлган даҳанаки жанг ҳатто унинг рақиблари хотирасида ҳам сақланиб қолади. Астаховнинг Лубянкадаги ишида унга ёзилган бир ҳазил-мутуйиба мактуб ҳам сақланиб қолган. Унинг муаллифи Астаховнинг жанговар инқилобий йилларда ном чиқарган шоир ўртоғи Константин Юст бўлиб, мактуб “шахсий, чин юракдан, мутлақо махфий хат” деб номланган. “Булгаковни бизнинг Цехимиз бор кучи билан мажақлаб ташлади, — деб ёзади Юст. — Биз қатлимизни амалга оширдик. Масалан, Пушкинга ўт қўйилди. Слезкин увиллаб йиғласин. Майли, БеМе жирилласин...” (БеМе дегани Булгаков Михаил эканига шубҳа йўқ, Слезкин эса Булгаковнинг адабиётчи ошналаридан). Шуниси борки, Юстнинг ҳазил-мутуйибасини маҳв этмай, ишда сақлаб қўйган эканлар, бунинг бошқа сабаби бор. Унда шахсан ўртоқ Сталинга қарши қаратилган жойлар йўғон-йўғон қизил чизиқлар билан қайд этилган: “Сен нечун у ёлқинли грузиндан коммунистик ишлар эмас, лоақал коммунистик иборалар кутдинг-а?..”

Астаховни кетма-кет ўн марталаб сўроққа тутишади. Астахов жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатади. Унинг ишида партия Марказкомига ва ички ишлар халқ комиссари Берия номига ёзилган бир туркум аризалар бор.

1940 йилнинг 10 марти: “Қамалишим ва турмада кечирган кунларим ҳали мени маънавий жиҳатдан синдирганича йўқ... Лекин терговчи ваъда қилаётганидай, мени “латта”га айлантириб қўйсалар, ҳатто оқланган тақдиримда ҳам мен ортиқ ишга ярамасам керак, менинг фақат соямгина қолади. Шунга йўл

қўйилмаслигини илтимос қиламан. Мен шундай жазога арзийдиган иш қилган эмасман”.

1 апрель: “Терговда менга “сенинг жиноятчилигинг исбот қилиниб бўлди” дейишяпти. Дунё ағдар-тўнтар бўлса бўлар эмишки, лекин менинг жиноятчи эканимга ишонч сира ўзгармас эмиш. Қамалишимнинг ўзини менинг жиноятчи эканимни исботловчи далил сифатида келтиришибди. Мен бунақа нуқтаи назарни қабул қилолмайман”...

12 май. “...Мен ҳеч қандай жиноят содир қилмаганим учун, ҳеч қанақа кўрсатма бера олмайман. Бунинг учун мени ўжарликда, терговга қарши кураш олиб боришда айблашмоқда ва жазо чораларини кучайтирамиз, деб пўписа қилишмоқда. Мени НКВДдан Лефортово ҳарбий турмасига ўтказиш билан жазо чоралар ҳам авж олдирилди. Ҳар нима қилиб бўлса-да, мени “синдириш”га қарор қилишган эмиш. Менинг ишимни чуқурроқ текшириб кўришни ва менга бирор чора йўлини кўрсатишни илтимос қиламан. Такрор айтаман, ўзимни жосус ва фитнакор деб тан ололмайман, чунки бу ёлғон ва ўз-ўзимга тухмат бўларди... Нима қилмоғим керак? Мен раҳм-шафқат сўраётганим йўқ, фақат ўзимнинг гуноҳсиз эканимни исбот қилишимга имкон беришингизни илтимос қиламан, холос”.

18 май. “Шу ой 14 дан 15 га ўтар кечаси терговчилар мени резинка таёқлар билан калтаклашди. Мен... бундай йўллар билан мендан олишлари мумкин бўлган кўрсатмалар учун масъулиятни бўйнимга ололмайман. Чунки мен жисмоний оғриққа кўниккан эмасман, шунинг учун жисмоний оғриқ таъсирида ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни айтаверишим мумкин. Лекин кейинчалик буларнинг ҳаммасидан бўйин товлашга тўғри келади. Агар бу калтаклаш биринчиси ва охиргиси бўлганида мен уни тунги босинқираш деб унутиб юборишга тайёр эдим, бироқ терговчилар мени ишонтириб айтишдики, бундан кейин яна бошқалари, аввалгисидан ўн чандон кучлироқлари бўлар экан... “Сизга нажот берадиган кимсанинг ўзи йўқ” дейишади менга терговчилар. Мен уларга “Шўронинг одил судига ва биринчи навбатда НКВДга ишонаман, улардан нажот кутаман” десам, бу гапларимни пичинг билан қарши олишади ва мени мазақ қилишда давом этишади...”

Лаврентий Павлович, мен сизнинг меҳрибонлигингизга ва одамларга ғам-хўрлигингизга ишонаман. Менинг овозим беҳуда янграб қолаверишига ишонамайман. Сизнинг эътиборингиз менга нечоғлик куч-қувват бағишлаши, мени қанчалар бардам қилиши тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Шундай эътибор бўлганида мен сўнги йилда бошимга тушган ҳамма мушкулотларни бажонудил эсимдан чиқариб ташлаган бўлардим. Услубимдаги дағаллик учун, аризамни пухтароқ ёзолмаганим учун узр. Езиш — жуда қийин...”

29 май. “...Ҳодисалар шуни исбот қилдики, мен 1939 йилда Германия билан олиб борилган музокараларнинг тўла махфийлигини таъминлаганман. Бу муайян мамлакатларнинг қисматини ҳал қилган. Мени шу мамлакатлар фойдасига жосуслик қилганликда айблашмоқда. Ана шуни назардан қочирмаслигингизни илтимос қиламан...”

Астахов совет-герман битими тўғрисида эслаяпти. Бу битимнинг имзоланишида у ҳам Берлиндаги ваколатхонамизнинг маслаҳатчиси сифатида иштирок этган ва ҳатто Гитлер томонидан қабул қилинган эди. Уни Берия билан биринчи марта рўпара қилган нарса ана шу махфий топшириқ бўлган эмасмикин? Эндиликда у ана шу воқеани ҳам эслаётган эмасмикин? “Ижозат берсангиз, Сизга Халқ комиссари сифатидагина мурожаат қилмасам. Қисқа муддат мобайнида менга сизнинг назоратингиз остида ишлашга тўғри келган эди. Сиз мен тўғримда ҳозирга қадар мен учун номаълум бўлиб қолаётган қандайдир материаллардан тасаввур ҳосил қилмайсиз, балки мени бевосита кўргансиз, кузатгансиз... Менинг гуноҳкорлигим масаласи қамалишимдан олдинроқ узил-кесил ҳал бўлган дейишганда мен бунга сира ҳам ишона олмайман...”

1941 йилнинг 7 январи: “...Менга жинояткорона фаолиятингиз ҳақида кўрсатма беринг дейишди. Акс ҳолда, қисматим қаттиқ режимили турма бўлармиш, жазо чоралари кучайтирилармиш. Менга айтишларича, менга қарши шунақа

чоралар кўрилар эмишки, улардан кейин мен ҳатто кўрсатма ҳам беролмай қолармишман. Бироқ бу нима дегани? Ҳозир мен муайян бир йўлда турибман. Бундан бошқа қаршимда фақат бир йўл бор: бу йўл ўз-ўзимга тухмат қилиш ва бўҳтон йўли. Бу йўл — аксилнқилобий, душман йўли...

Терговчилар менинг Шарқ ҳақидаги, шу жумладан, Туркия тўғрисидаги китобларимни ҳам жинояткорона асарлар дейишмоқда. Ҳолбуки, Туркия ҳақидаги китобим бошдан-оёқ 1922-1924 йилларда “Известия” ва “Правда” газеталарида эълон қилинган мақолаларимдан таркиб топган. Ҳатто менинг ёшлик йилларимда ёзган ВЧК ҳақидаги шеъримни (1918) ҳам оқғардиячилик руҳи билан суғорилган дейишмоқда. Ҳолбуки, бу шеърни 1920 йилда Тифлисидаги оқлар матбуоти қутуриб танқид қилган эди. Мен шоир эмасман, шунинг учун уларнинг адабий қимматини ҳимоя қилолмайман. Шунингдек, уларда айрим сўзлар ноҳўя ишлатилган бўлса ишлатилгандир. Лекин беихтиёр қаршимда бошқа бир савол кўндаланган бўлади: иш менинг хориждаги махсус фаолиятим билан боғлиқ анча мураккаб фактлар таҳлилига бориб тақалганда мен терговчилардан нима кутишим мумкин? Ахир, мен хорижий фаолиятим давомида орган ходимлари билан бир неча марта низоларга ҳам борганман.

Мен ўртоқ Сталинга мактуб ёзмоқни истардим — мақсад арз қилиш ёхуд тергов билан баҳслашиш эмас, балки менинг дипломатик фаолиятимнинг (айниқса, Германияда сўнгги даврдаги) айрим нуқталарни батафсилроқ ёритиб бериш. Нухасини Сизга юборсам дегандим. Бир қатор масалалар борки, уларни менинг ишим билан боғламаган ҳолда ҳам қоғозга тушириб қўйса, зарар қилмайди.

(Илова ёддан):

ВЧК

Лубянка манзилин кўрсатиб аён
Олис сарҳадларга — мубҳам, туманли,
Алвон шуъла сочиб товланар неон,
ВЧК ҳарфлари ялтирар қонли.

Унда мужассамдир мулойим нафрат,
Унда имони йўқ қалбнинг қаҳри жам,
Унда мавжланади шу қўшиқ фақат:
“Қарши кураша бил виждонингга ҳам!”

Уч ҳарфдан таралган сержило ёғду
Чорлар нигоҳларни ажиб афсунвор.
Жунбуш оломонга илҳом берар у,
Зероки шўролар шу сабаб пойдор.

Нечун юракларда беҳад шубҳа, ғам?
Нечун гуссанинг ҳеч кўринмас чеки?
Ахир, порлаб турар жиддий, хотиржам
Пештоқдаги қонли имло: ВЧК.

Бу шеър 1918 йилнинг декабрида ёзилган. Ўша кезларда ВЧКнинг биноси чироқлар билан безатиб қўйилган эди. Мен иш юзасидан бу ерда тез-тез бўлиб турардим. Шеър ўша пайтдаги таассуротлар натижасида туғилган. Албатта, эсингизда бўлса керак, ўша пайтларда чет эл истилоси, фуқаролар уруши, қиргинлар жуда авжида эди”.

Ана шу раҳм-шафқат сўраб, адолат тилаб қилинган таваллолар, шеъринг мушоахалатлар тергов ишидан нари ўтган эмас, унинг саҳифалари ичида жавобсиз

қолиб кетаверган. Ўша қалам билан ўша сиёҳда чизилган суврат ҳам. Уни “аксилшўровий” ҳужжат сифатида Астаховдан тортиб олиб, жинойи ишга тиркаб қўйилган.

Сувратда сочлари тўзиган бир шўрпешона одам сизга қараб турипти. Унинг башарасини турма деразасига тутилган темир панжара тўсиб турипти. Кўзларида шашқатор ёши — улар иккита ирмоқча бўлиб оқаяпти. Сувратнинг ёзувлари ҳам бор: юқорида “фалон турма” деб ёзилган, ўнг томонда эса “Беш йиллик маҳбуслик вақтида бошидан кечирган бахтиёр дақиқалар ҳақидаги аламли хотиралар ва пушаймон ёшини оқизаётган одам”, чап томонда эса “одам бўлиб савоб ишлар қилмаган мендай гуноҳкор осий банданинг шўри курсин” деб Инжилдан олинган бир ибора ёзиб қўйилган.

Худди ана шу ерда суврат ва шеър билан ёнма-ён Шолоховнинг мактублари ётипти. Нега уларни ишга “тиркашди” экан? Ёзувчининг халқ душмани билан алоқасини фош қилувчи материал-да! Тўртта мактуб, уларга қўшиб яна битта мактуб аллақандай сабабларга кўра “ишга дахли йўқ материаллар” сифатида бир тўп қўлёзмалар ва ҳужжатлар билан бирга йўқ қилинган.

Мактубларга қараб ҳукм қилинганда, Шолохов билан Астахов ўттизинчи йилларда жуда яқин бўлишган, оилавий борди-келдилари бўлган, бир неча марта учрашишган ва мунтазам равишда ёзишиб туришган. Ёзувчи ўзининг дипломат дўстини эркалатиб “Егорушка” деб атайди ва зўр бериб уни ўзининг ёнига — Дондаги Вешченская станциясига меҳмонга чорлайди.

Мактублар қисқа-қисқа, кўпроқ маиший мавзуларда ёзилган — афтидан, Шолохов жиддийроқ гапларини почтага ишонмай, учрашганда айтмоқ учун асраб қўйган бўлса керак. Бундан ташқари бу кезларда Шолоховнинг вақти анча тигиз бўлган — у боши билан “Тинч Дон” романига шўнғиган эди.

Биринчи мактуб 1935 йилнинг 22 мартда ёзилган. Ўшанда Шолохов хориждан, хизмат сафаридан қайтиб келган эди. Сафар чоғида Астахов билан учрашган (бу вақтда Астахов Лондондаги ваколатхонада маслаҳатчи бўлиб хизмат қиларди).

“Азиз ҳамюртим!

Донликлар ҳамиша хиёнаткорлиги, тутуриқсизлиги ва бошқа салбий белгилари билан ажралиб туришган. Аммо сен — ярамас ҳамюртларингнинг ҳаммасини ортда қолдириб кетдинг. Икки ойдан бери бир сатр хат ёзмабсан-а! Вой, ноинсоф-ей! Бундан буён ҳам шу аҳвол бўладими ёки хат-пат ёзиш ниятинг борми?

Мен сизлардан қайтаётиб Москвада роппа-роса бир кеча-кундуз тўхтаб ўтдим, кейин уйга равона бўлдим. Столга михлаб қўйгандай ўтирибман, “Тинч Дон”-ни тугатяпман. Таассуротларим ҳақида бирор нарса ёзиб беришни талаб қилиб газеталар ҳол-жонимга қўйишмаяпти, лекин мен мухбирлар қамалига мардоналик билан дош беряпман ва таассуротлар ўрнига роман ёзяпман. Шундоқ қилганим тузук, албатта!..”

Ўша йилнинг кузида Шолохов Астаховга яна иккита мактуб йўллайди ва буларда ҳам уларни ўз хузурига меҳмонга чорлашда давом этади. Унинг ўзи ҳеч қаёққа сафар қилолмайди, чунки “Тинч Дон”нинг тўртинчи китоби уни қаттиқ боғлаб қўйган. “Лекин, барибир, бир амаллаб кўришамиз. Китобни бир ёқли қилсам, эркин қуш бўлардим. Ёзи билан деярлик ишлаганим йўқ, энди бой берилган фурсатни етказиб олишга тўғри келяпти...”

Сўнги мактуб 1939 йил 24 октябрда ёзилган бўлиб, бошқалари ичида энг қисқаси. Унда ҳам тезроқ учрашишга — бу гал Москвада кўришишга умид билдирилган.

Бу учрашув бўлганми-йўқми — маълум эмас. Бу пайтга келиб, Астаховнинг дипломатик фаолияти тўхтаган эди — уни Ташқи ишлар Халқ Комиссарлигидаги лавозимидан бўшатишганди. Орадан кўп ўтмай қамоққа олинди. Бундан

буёғига унинг босиб ўтган йўли Лубянка — Лефортова — Сухановдаги қийноқ турмаси орқали ўтди ва шу йўлнинг охирида номи узилди.

Астахов қамоққа олинмасдан бир ой олдин эса бир одам отиб ташланган эди. Тақдир тақозоси билан унинг жинойий ишида Михаил Шолохов ҳаётидан яна бир воқеа муҳрланиб қолган.

“Энди тергов ахбороти учун алоҳида эътиборга молик бўлган яна бир воқеани — Хаютина-Ежова билан ёзувчи Шолохов ўртасидаги ишқий муносабатларни маълум қилмоқчиман..”

Шолохов — қонхўр халқ комиссари Ежовнинг ишқ-муҳаббатдаги рақибими? Шунақа ҳам бемаъни гап бўлиши мумкинми? Агар буни бирорта тийиқсиз қаламкаш ёзганида, биз истехзо билан кулиб кўя қолардик — сайра-я, сайра, булбули! Аммо ҳаёт ҳар қандай тўқимадан бойроқ!

Ежовнинг ўрнига келган янги ички ишлар халқ комиссари Лаврентий Берия ўзидан аввалги халқ комиссари ва унинг муҳитини тугатиш ишларини якунламоқда. Ёзувчилар уюшмаси Хорижий комиссиясининг ходимаси Зинаида Фридриховна Гликина ҳам қонли воқеалар оқимиға тушиб қолади. Уни жосусликда айблашади — уни Ежовнинг хотини Евгения Соломоновна Хаютина-Ежова ёллагану, кейин икковлари биргаликда хорижий разведкалар фойдасига жосуслик қилишган.

Гликинадан кечагина Сталиннинг суюклиси бўлган, бутун мамлакатнинг бошида қонли зулм қамчисини ўйнатган Ежовнинг зараркундалик фаолияти ҳақида билганларининг ҳаммасини батафсил ёзиб беришни талаб қилишади. Гликина бажонудил рози бўлади — бутун бошли бир дафтарни тўлдириб, батафсил кўрсатма беради, лекин ўзининг жосуслик фаолиятини рад этади.

“Аммо ўзимни мутлақо бегуноҳ қилиб кўрсатмоқчи эмасман, аксинча, бир масалада айбимга иқрорман: мен Н. И. Ежовнинг хотини билан яқин муносабатда бўлганман, шунингдек, шахсан Н. И. Ежовнинг ўзи билан ҳам яқин эдим. Шунинг учун Н. И. Ежовнинг жамики аксилпартиявий фаолиятдан хабардор эдим. Аммо унга садоқатим ҳаддан ташқари зўр бўлгани учун бу масалада менга маълум бўлган гапларнинг ҳаммасини яшириб келганман ва бу тўғрида ҳеч кимга хабар қилган эмасман. Эндиликда гарчи кечикиб бўлса ҳамки, бу масалада менга маълум бўлган нарсалар тўғрисида тергов органларига ахборот беришни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман.

Савол туғилиши мумкин: сен билан Ежов орасида қанақа муштараклик бор эди? Унинг разолати ва бузуқлиги ҳақидаги фактлар менга қаёқдан маълум бўлиши мумкин? Мен буни тушунтириб бераман.

Мен Н. И. Ежов билан 1931 йилда у Евгения Соломоновна Хаютинага уйланган чоғда танишган эдим. Хаютина билан эса мен жуда кўп замонлардан бери танишман, қалин дугонаман. Биз у билан Гомелда бирга ўқиганмиз, кейин эса Ленинградда учрашганмиз, 1924 йилдан бери эса Москвада кўришиб тураимиз.

1935 йилнинг бошларигача мен Ежовларнинг уйига тез-тез бориб турган бўлсам-да, у билан муносабатларимиз жўнгина эди. Кейин мен билан Ежов ўртасида яхши муносабатлар майдонга келди. Бунга туртки бўлган сабаб шу эдики, мен ўша кезларда эрим билан ажрашган эдим... Шунда Хаютина-Ежова менга уларнинг уйида бирга туришни таклиф қилди. Шундай қилиб, Хаютина-Ежова билан орамиздаги иноқлик аста-секин менинг Ежов билан муносабатларимга ҳам кўчди.

Менинг Хаютина-Ежовага қадрдонлигим, уларнинг уйига тез-тез бориб туришим менга Ежовнинг шахсий ҳаётининг ипидан-игнасиғача хабардор бўлишимга имкон берди. Шу сабабдан мен 1930—1934 йиллар оралиғидаёқ Ежовнинг мунтазам ичиб туришидан ва кўпинча ўзини йўқотар даражада ичиб, учиб қолишидан воқиф эдим... Ежов фақат пиёнисталик билан машғул бўлган эмас. Шу билан бирга у ҳаддан зиёд фаҳш ишлари билан ҳам шуғулланар ва нафақат коммунистик қиёфасини балки ҳар қандай инсоний қиёфасини йўқотиб кўярди. Унинг бузуқлиги ва фаҳш ишларидан олинган фактлар менга кўп

қолларда Хаютина-Ежованинг сўзларидан маълум. Улардан қуйидагилар эсимда қолган...”

Зинаида Фридриховнанинг аризаси ана шунақа сон-саноксиз “аниқ далиллар”дан иборат. Аксилпартиявий фаолият ҳақида лом-мим дейилмайди, бу — тушунарли, чунки ўзининг бемуқсон партиясининг муносиб фарзанди бўлмиш Ежовда бунақа фаолиятнинг ўзи бўлиши мумкин эмас эди. Фақат Гликина аризасининг охиридагина Ежовнинг жинойтларини тилга олади:

“...Баъзи одамлар, шу жумладан, мен ҳам деярлик ҳамиша маст бўладиган Ежовдан Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги фаолиятининг айрим махфий усуллари ҳақида хабар топардик... Ежов бир неча марталаб Лефортова турмасининг мавжудлиги тўғрисида, у ерда маҳбусларни катлаклашлари тўғрисида ва бу ишда ўзи ҳам шахсан иштирок этиши ҳақида гапирган эди. Бу гаплар гапирилаётганда иштирок этган Фриновский (Ежовнинг муовини — В. Ш.) тилғламалик билан ҳиринглаб куларди. Ежов шунингдек, менинг хузуримда отишга ҳукм қилинганлар устидан ҳукм қандай ижро қилиниши тўғрисида ҳам гапирган. Маҳбусларни отишда ўзи ҳам шахсан қатнашгани тўғрисида мақтаниш оҳангида гапирган...”

Л. П. Берия СССР Иттифоқи Ички ишлар халқ комиссарининг муовини қилиб тайинлангандан кейин Н. И. Ежовнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. У негадир асабийлаша бошлади. У аввалгидан беш баттар ича бошлади ва кўпинча ишга кечқурунлари борадиган бўлиб қолди. Мен билан суҳбатда Хаютина-Ежова Л. П. Бериянинг тайинланиши тўғрисида шундай деганди: “Берия жуда ҳам қаҳри қаттиқ одам, Николай Иванович у билан ишлашиб кетолмаса керак...”

Ежовни бартараф қилгач, Гликина ўзининг қадрдон дугонаси Хаютина-Ежовага ўтади: “Хаютина-Ежова ҳам худди Н. И. Ежовга ўхшаб фаҳш ва разолат ботқоғига ботганмиди-йўқми билмайману, лекин ҳар қалай у ҳам эридан қолишмас эди...” Гликина унинг учта қонуний эри бўлганини маълум қилгач, бир қатор донгдор ўйнашларини санаркан, улар қаторида Шолоховнинг номи ҳам тилга олади. Афтидан, шу ерда терговчи кўрсатма берган шекилли, шу масалада у анча тўхтади, воқеа тўғрисида батафсил кўрсатма беради: “Энди тергов ахбороти учун Хаютина-Ежованинг ёзувчи Шолохов билан ўрталарида бўлиб ўтган ишқий можаро ҳақида маълумот бераман. Ўйлайманки, бу ишнинг тафсилотларига алоҳида эътибор берса арзийди...”

Баъзиларнинг бурун жийираётганларини кўриб турибман — бу гапларнинг нима ҳожати бор деб. Бу донгдор одамнинг орамиздан кетганига ҳали унча кўп вақт ўтмаган бўлса, унинг хотираси ҳали хира тортмаган бўлса, шахсий ҳаётининг тафсилотларини титкилаб ўтириш — муносиб ишми?

Нима қилмоқ керак? Ахир, қўлингда ишончли ҳужжат бўлса, уни кўздан нари қилиб, яна яшириб қўйиш керакми? Келажак авлодлар ихтиёрига қолдириш керакми? Қолдирилса, неча йилга — ўн йилгами? Эллик йилга, юз йилгами?

Менимча, ҳар қалай ҳозир эълон қилавериш керак. Чунки бу ўринда эътиборни тортадиган нарса “ишқий алоқалар тафсилоти” эмас. Балки давлат ўша кезларда инсоннинг шахсий ҳаётига қанчалик сурбетлик билан бостириб кирганида, унинг ҳар қандай ҳақ-хуқуқини беҳаёлик билан поймол қилганида. Бу ишда халқ комиссаридай олий рутба берадиган имтиёзлару, юксак адиблик шуҳрати ҳам инобатга олинмаган.

“1938 йилнинг баҳорида Шолохов Москвага келиб, аллақандай ишлар бўйича Ежовнинг қабулида бўлган эди, — деб кўрсатма беради Гликина. — Шундан сўнг Ежов Шолоховни ўзининг чорбоғига таклиф қилади. Ўшанда Хаютина-Ежова Шолохов билан биринчи марта танишган эди. Шолохов унга маъқул тушади. Хаютина-Ежова ҳам Шолоховнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлади. Шу билан уларнинг биринчи учрашуви тугайди.

1938 йилнинг ёзида Шолохов яна Москвага келади.

Хаютина-Ежова “СССР қурилишда” журналининг таҳририятида ишлар эди. Шу журналнинг қизил казакларга бағишланган сонини чиқаришда қатнашиш-

ни баҳона қилиб Шолохов журнал таҳририятига боради ва Хаютина-Ежова билан кўришади. Бироқ журналнинг махсус сонини чиқариш билан боғлиқ ҳамма масалалар ҳал қилингандан кейин ҳам Шолохов таҳририятдан кетмай, Хаютина-Ежованинг ишдан бўшабини кутиб туради. Ушанда Шолохов уни уйига кузатиб қўяди. Уларнинг орасида бўлиб ўтган гап-сўзлардан аён бўладиги, Хаютина-Ежова Шолоховга аёл сифатида манзур бўлипти. Лекин улар ўртасида алоҳида ишқий яқинлик кейинроқ майдонга келди. Айтганча, Хаютина-Ежова Шолоховга манзур бўлганини Ежовга маълум қилган эди.

1938 йилнинг августида Шолохов яна Москвага келади ва ёзувчи Фадеев билан бирга журнал таҳририятига Хаютина-Ежовани қўргани боради. Ўша куни Шолоховнинг таклифига кўра Фадеев уювлари “Национал” меҳмонхонасида тушлик қилишади.

Уйига кеч қайтган Хаютина-Ежова уйда Ежовга рўпара келади. У хотинининг қаерда ким билан бўлганини ўсмоқчилаб суриштиради ва унинг “Национал” меҳмонхонасида Шолохов ҳузурда бўлганини билгач, жуда қаттиқ дарғазаб бўлади. Шу муносабат билан мен НКВД органларининг ўзларини қизиқтирган шахсларни кузатишда қўллайдиган махфий усуллардан бирини билиб олдим. Жумладан, мен “Национал” меҳмонхонасида махсус ускуналар борлигини, уларнинг ёрдамида айрим одамлар ўртасидаги гаплар эшитилиб турилишини ва бу гаплар жамики тафсилотлари билан стенографисткалар томонидан ёзиб олинишидан хабардор бўлдим.

Ҳозир мен буларнинг бари қандай содир бўлганини айтиб бераман.

Хаютина-Ежова “Национал”да Шолохов билан тушлик қилган куннинг эртасига Шолохов яна журнал таҳририятига боради ва Хаютина-Ежовани ўзининг ҳузурига — меҳмонхонага таклиф қилади. Шолоховнинг ўзи билан жинсий алоқага киришмоқчи бўлаётганини олдиндан сезиб турган Хаютина-Ежова ёзувчининг таклифига рози бўлади.

Хаютина-Ежова Шолоховнинг ҳузурда “Национал” меҳмонхонасида бир неча соат бўлади.

Эртаси куни мен Ежовларнинг чорбоғига борган эдим. Вақт ярим кечадан ошиб қолганда биз Хаютина-Ежова билан ухлашга отландик. Шу пайт Ежов келди. У бизни қайтариб, ўзи билан овқатланишга таклиф қилди. Ҳаммамиз дастурхонга ўтирдик. Ежов овқатланар экан, жуда кўп ичди, биз эса шунчаки суҳбатдош сифатида гаплашиб ўтирдик.

Бундан кейин воқеалар қуйидаги тарзда давом этди.

Тамадди қилиб бўлгач, Ежов кайфи анчагина тарақ ҳолда асабийлашиб ўридан турди-да, портфелидан бир неча саҳифадан иборат аллақандай ҳужжатни олди ва Хаютина-Ежовага ўгирилиб, ундан сўради: “Сен Шолохов билан ётдингми?” хотини “йўқ!” деб ўшқирди-да, унинг юзига ҳужжатларни улоқтирди.

Хаютина-Ежова бу ҳужжатни ўқий бошлаши биланоқ туси ўзгариб кетди, ранги оқариб, қаттиқ ҳаяжонлана бошлади. Мен ишларнинг пачаваси чиқаётганини англадим ва уларни ёлғиз қолдириб чиқиб кетмоқчи бўлдим. Бироқ шу чоқ Ежов дабдурустдан сапчиб Хаютина-Ежованинг олдига борди-да, унинг қўлидан ҳужжатни тортиб олди, кейин шу ҳужжат билан хотинининг башарасига урди-да, менга қараб: “Кетманг, сиз ҳам ўқиб кўринг!” деди. Ежов ҳужжатни стол устига ташлади-да, қаерларини ўқишим кераклигини кўрсатиб ҳам берди.

Ҳужжатни қўлимга олиб, унинг мазмуни билан танишиб чиқдим. Унда жумладан шундай жойлари бор эди: “Бизнинг муҳаббатимиз жуда машаққатли бўлди-ку, Женя!”, “ваннахонага чиқиб кетди”, “ўпишишди”, “ётишди”, кейин эса “аёл кишининг овози: — Мен кўрқяпман...” Шунда англадимки, бу ҳужжат — меҳмонхонада, Шолохов хонасида у билан Хаютина-Ежова ўртасида бўлиб ўтган ишларнинг тўла-тўқис стенограммаси. Ва яна англадимки, бу кузатув Ежовнинг кўрсатмаси билан уюштирилган.

Шундан сўнг Ежовнинг ғазаби тошгандан тошди, у ўзини тутолмай қолди, диваннинг ёнида турган Хаютина-Ежованинг олдига югуриб борди-да, унинг юзлари-ю, кўкрагига ва дуч келган жойига мушт тушира кетди. Фақат мен

уларнинг ўртасига тушганидан кейингина Ежов калтаклашни бас қилди, мен унинг хотинини бошқа хонага олиб чиқдим. Бир неча кундан кейин Хаютина-Ежова эри юқорида зикр этилган ҳужжатни маҳв этганини айтди.

Шу воқеадан кейин Ежов Шолоховни жуда ёмон кўриб қолди, Шолохов бир неча бор унинг қабулига кирмоқчи бўлганида Ежов уни қабул қилмади.

Хаютина-Ежова билан Шолохов ўртасидаги ишқий можаролар фош бўлиб қолгандан кейин тахминан икки ойча ўтгач, Ежов менга Шолоховнинг Л. П. Берия қабулида бўлганини ва ундан, яъни Ежовдан шикоят қилганини айтиб берди. Шолохов Л. П. Берияга “Ежов менинг орқамдан махсус таъқиб уюштириб юрипти, охир-оқибатда бу ишнинг тафтиши билан шахсан И. В. Сталиннинг ўзи шуғулланыпти, деганмиш. Уша пайтдаёқ Ежов мени ишонтириб, Шолоховнинг кетидан таъқиб уюштириш ишига менинг мутлақо дахлим йўқ, деди ва уни бўралаб сўқди...”

Агар Шолохов билан Ежовнинг муносабатлари фақат шу воқеа билан чекланганда, “ҳа, энди, ошиқ-маъшуқликми, ўйнашликми ҳар кимнинг кўнгил иши-да”, деб бу масалани тилга олмай қўя қолса бўларди.

Аммо КГБ архивида ёзувчи билан жаллод ўртасидаги жанглар ишқ-муҳаббат майдонидан бошқа жойда ҳам давом этганидан далолат берувчи ҳужжатлар бор. Шундоқ бўлгандан кейин Гликина айтганидек, Сталин Ежов билан Шолохов ўртасидаги ишқий можарони тафтиш қилмаган бўлса керак (бу можародан дохийнинг хабари ҳам бўлмаган бўлса керак). Сталин жиддийроқ масала билан шуғулланган. Ежов Шолоховни ёмон кўриш учунгина эмас, ундан кўрқиб учун ҳам жиддий асосларга эга бўлган.

Гликина ҳикоя қилган 1938 йилнинг ўша баҳорида Шолохов Москвага жуда зарур бир иш билан келгани — у Сталиннинг ўзига мактуб олиб келган эди. Бу Шолоховнинг Сталинга йўллаган биринчи мактуби эмас эди. Шолохов мактубда Ежов раҳбарлигидаги НКВДга жиддий айб қўйганди.

Бу айб Партия Назорат Комиссиясининг аъзоси М. Ф. Шкирятовнинг КГБ архивидан топилган мактубида келтирилган (мактуб 1938 йил майда ёзилган).

“Ўртоқ Шолохов Сталин номига йўллаган мактубида Ростов вилояти НКВД ходимларига қарши бир қатор айбларни олға суради. Булар, асосан, қуйидагилардан иборатдир.

1. Ростов вилояти НКВД Бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари Шўро ҳоқимиятига садоқатли ва ҳалол одамларга қарши жиноий ишлар кўзгаганлар ва ҳамон кўзгашда давом этмоқдалар. “Партия ва халқ душманлари томонидан қамоққа олинган юзлаб коммунистлар ҳозирга қадар турмалар ва сурғунларда азоб чекиб ётишибди” (ўрт. Шолоховнинг мактубидан).

2. Ростов вилоятининг НКВД органларида қамоққа олинганларга нисбатан жисмоний зўрликлар қилинади, улар узундан-узоқ қийнаб сўроқ қилинади, бунинг натижасида маҳбуслар бегуноҳ одамларга туҳмат қилишга ёхуд қилмаган жиноятларини қилдим деб, ўзларини ўзлари қоралашга мажбур бўлишади. “Маҳбусларни қийноққа солишдай шармандали ишларга чек қўйиш керак,” — деб ёзади ўрт. Шолохов.

3. Шолоховга қарши сохта материаллар йиғилган ва ифвогарона миш-мишлар тарқатилган. Бундан кўзда тутилган бирдан-бир мақсад ёзувчинини обрўсизлантириш бўлган. “Вешенскоеда вужудга келган шароитда самарали ишлаб бўлмайди ва умуман, яшаш жуда оғир бўлиб қолди. Менинг теварагимда ўргимчак тўрларини тўқишда ҳамон давом этишмоқда” (ўрт. Шолоховнинг мактубидан).

Ўрт. Шолохов ўз мактубида ана шу жиноятларда айбдор бўлган Ростов вилояти НКВД Бошқармаси ходимларини жавобгарликка тортишни талаб қилади.

Ўртоқ Шолохов ёзади: “Ростов вилояти бўйича ўтган йили ҳам, бу йил ҳам қамоққа ҳукм қилинганларнинг ишларини синчиклаб текшириб чиқиш керак, чунки уларнинг кўпчилиги қамоқда бекорга ўтирипти... Бегуноҳ қамоқда, айбдорлар эса айшини суриб юрипти, ҳеч уларни жавобгарликка тортишни хаёлларига ҳам келтиришаётгани йўқ” (ўрт. Шолоховнинг мактубидан).

Бир эслайлик — бу гаплар 1938 йилда катта қирғинбарот роса авжига чиққан кезларда содир бўляпти. Мамлакат қўрқув исқанжасида. Бундай шароитда Шолоховнинг маҳкамалар шаънига шундай гапларни айтиши таваккалига қилинган жуда катта жасоратга ўхшайди — бу ўз устидан ўлим ҳукмига имзо чекиш билан баробар эди. Ҳўш, кейин нима бўлган? Шолохов Сталин билан учрашди. Бу тўғрида адиб Сталин вафот этгандан кейингина “Литературная газета”-нинг Вешенскоеда меҳмон бўлган мухбири Вадим Соколовга гапириб берган, у эса бу воқеани ёзувчининг вафотидан кейин ва ҳаттоки, Шўро ҳокимиятининг ўлиmidан кейин 1994 йилнинг охиридагина эълон қилиш имконига эга бўлди. Журналист суҳбатдан кейиноқ унинг матнини ёзиб қўйган. Воқеа шу қадар жонли ва таъсирчанки, уни ўзгартирмай, аслидай берган маъқул.

— 1938 йилнинг баҳорида мен яна Сталинга мактуб йўлладим, — деб ҳикоя қилади Шолохов. — Биз райкомда бюро аъзолари тўққиз киши эдик. Ундан икки кишини аввалроқ қамашган эди, энди яна икки кишини қамашди. Хотиним Мария Петровна менга бундай деди: “Навбатда сени қамашди, Миша. Ортиқ пайсалга солиб бўлмайди. Мактубни ёзгину, уни Поскребишевга (Сталиннинг ёрдамчиси) ўзинг олиб бор. Жавобини меҳмонхонада кутиб ўтир, жавоб олмай, бу ерга қайтиб келма”. Шундай қилдим: “Москвага келдим, тўғри Марказий Комитетга бориб, қондага биноан мактубни топширдим, “Гранд-отель” меҳмонхонасига тушдим. Бир кун кутдим, икки кун кутдим, ҳафта ўтди. Телефон жимжит, юракларим тарс ёрилиб кетай дейди, хаёлимда “нима бўларкин?” деган ўй. Бор ҳақиқатни рўйи рост ёзганман — қамалган йигитларнинг икковини ҳам кўпдан бери биламан, фуқаролар уруши чоғларида Фоминнинг тўдасини бирга така-пука қилганмиз. Тўсатдан кечга яқин кўнғироқ бўлиб қолди — Саша Фадеев. Билмадим, қандай қидириб топдйкин? “Ҳа, ит, қачонгача дўстларингдан яшириниб юрасан? Ё танимайдиган бўлиб кетдингми?” дейди. Мен унга Москвага нега келганимни ва нимани кутиб ўтирганимни айтиб бердим. У бўлса ҳадеб ҳиринглаб кулади, ўзининг ингичка овози билан “классиклар маслаҳатига биноан айти: “Жар”да лўлилар улфатида тамадди қиладиган фурсат-да!” — дейди.

Мен дарров кўнақолганим йўқ. Тўсатдан шу бутун жавоб чиқиб қолса-чи? Мен эса айш қилиб юрсам? — деб ўйладим. Лекин Фадеев ҳам тутган жойидан кесадиган одам. На илож, деб ўйладим, — бунақа аҳволда борса-келмас сафарига жўнайдиган бўлсам, жиндай отамлашмасдан кетаверамми? “Борса-келмас” деяпман-у, аслида олиб борадиган жойлари унча узоқ эмас — Лубянка билан “Гранд-Отель”нинг ораси бир қадам йўл. Кел, нима бўлса бўлар, кетар жафосига бир ичишайлик. Тўппа-тўғри ресторан олдида учрашадиган бўлдим. У ерда ҳозир “Светская” меҳмонхонаси жойлашган.

Роса мириқибмиз. Сашани Москвада яхши кўришади, танишади, анча-мунчалари ёнимизга келиб ўтиришди. Саша сочлари оппоқ бўлса ҳам, ўзи ҳали ёш, жуда келишган. Роса гурунглашдик, ичимиздагини тўкиб солдик, мен жуда мириқдим, ҳатто ўзимнинг дарди-ҳасратларимни ҳам унутиб юборибман. Бир маҳал бизнинг столимиз томон бутун зал орқали Мэтр йўрғалаб қолди, у тўғри Фадеевнинг олдида келиб, “Шолохов қаердайкин, топишга ёрдамлашиб юборинг, жуда зарур бўлиб қолди” деди. Саша иккимизни таништирди, у бўлса дудуқланиб қолди: “Те-ле-фон-га!” Унинг хонасига кирдим, гўшак стол устида кутиб ётипти. Қўлимга олиб, қулоғимга тутишимни биламан, гўшакдан “Онангни...” деб сўккан ҳайқирик эшитилди. “Қаёқда санғиб юрибсан? Ишрат қиляпсанми? Сиёсий бюро уч соатдан бери сенинг ишингни кўряпти. Дарҳол эшикнинг олдида чиқ, машина кутиб турипти!”

Шундоқ деб Поскребишев гўшакни илиб қўйди.

Кремлга етиб бордик, сакраб-сакраб юқорига — Поскребишевнинг хонасига чиқдик. У бўлса бошини ҳам кўтармайди: “Роса ичибсан-ку, лўттибоз!” Кейин қандайдир эшик томон итарди. У ер ваннахона экан, дарров душ тагига турдим. Сув қайноқ эди, кайфим бир оз тарқагандай бўлди. Поскребишев мени душнинг тагидан чиқариб олди-да, қандайдир шишачадан менга алланимабало

сепди — лимон ҳиди келди. Мен шимимни кийиб улгурмасимдан у менга қордай оппоқ елим қоғоздан ичёқа тикилган янги гимнастёрка узатди. Ваннахонадан у мени каттакон эшик томон судради ва кабинетга киргазиб юборди. Бу кабинетни авваллари фақат кинода кўрган эдим. Паркет ялт-ялт қилади. “Т” шаклида қўйилган стол томон эшикдан ипак гилам тўшалган. Қарасам, стол теграсида менга ўгрилган қолда ҳарбийлар ўтиришипти. Генераллар... Тикилиб қарадим — биронта ҳам таниши йўқ. Лекин биттасини таниб қолдим — пак-пакана, меникидақа гимнастёрка, фақат енги ва ёқасида белгилари йўқ. Башараси таниш, тулки башара. Ҳамма деворларда суврати илиғлиқ. Демак, халқ комиссари шу ерда экан.

Генераллар ўтирган қаторнинг рўпарасида эса менга орқа ўтириб ноҳарбий одамлар ўтиришипти. Мен уларнинг орқасидан қараб, иккитасини таниб қолдим — ўзимизникилар, вешенскоеликлар. Уларнинг орасида бир стул бўш турипти — тўғри Ежовнинг рўпарасида. Бу жой менга аталганини фаҳмладим. Бўлганича бўлди дедим-да, “поп” этиб стулга ўтирдим. Стол устида генераллар билан бизнинг оралигимизда аллақандай хариталар, бўялган картонлар.

Мен тик туриб гапираётган ҳарбий бошлиқ нималар деяётганига кулоқ тутдим, қўлидаги қалам билан харитадан нималарни кўрсатаётганига разм солдим. Аста-секин фаҳмлай бошладим: гап Дондаги оқ казакларнинг аксилинқилобий фитнаси тўғрисида бормоқда эди. Фитнакорлар мустақил казак республикаси тузишга аҳд қилишипти, омборларга анча қурол йиғишипти, фитнани анча-мунча тайёрлаб қўйишипти. Улар келажакда Шолоховни ўзларига президент қилишни чамалашаётган экан. Буни эшитиб, ўтирган жойимда сапчиб тушдим.

У ёқ-бу ёққа аланглаб, бу гапларни кимга гапираётганини билмоқчи бўлдим. Ана шу “Т” шаклида қўйилган столнинг тўрида ўтирганларга гапираётган экан. Уларни сувратлари бўйича таниб олдим. Сиёсий бюронинг ҳамма аъзолари шу ерда экан. Боя менинг стулим бўш турганидек, битта ўриндиқ бўш.” Мўйлов” қанийкин? Фақат шу топдагина бизнинг орқамизда кимдир гилам бўйлаб юрганини, унинг қадам товушлари зўр-базўр эшитилаётганини пайқадим. Елкам оша назар ташладим, ҳа, ўша, трубкасини қўлида ўйнаб, столдан эшиккача, кейин эшикдан столгача одимлаб юрипти. Тўсатдан қадам товушлари тиниб қолди, у тўппа-тўғри менинг орқа томонимда тўхтади, ҳансираб нафас олди, бурун парраклари кенгайгандай бўлди. Кейин бирдан осмондан тушгандай “Жуда кўп ичармишсиз, ўртоқ Шолохов!” деса бўладими? Мен бўлсам, кўрққанимдан, иягимни муштумимга қўйиб, ўтирган жойимда ўйлаб-нетиб ўтирмай, таваккал жавоб бердим: “Ўлганингни кунидан ичасан-да, ўртоқ Сталин”. Қарасам, яна одимлай бошлади. Тўрда ўтирганлар бир оз бесаранжом бўлиб қолишди. Кўриб турибман — Молотов бармоқлари билан мўйловини силаяпти, унинг ёнида ўтирган Каганович эса ботинкасининг ипи ечилиб кетгандай стол остига эгилиб олипти — стол остида елкалари силкиняпти. Бу гал омон қолдим, шекилли!

Сталин ўриндиқ ёнига келиб, мажлис охиригача турмайдиган тарзда ўрнашиб ўтириб олди-да, “нима қилдик, ўртоқлар, масалани ҳал қиламизми?” — деди. Орага жимлик чўкди. “Сизларга ижозат...” Ҳамма бир зумда бошини буриб, Сталиннинг бармоғи қай томонга ишора қилаётганини кўрмоқчи бўлди. Бироқ бармоқ ишора қилаётгани йўқ эди. Генераллар сапчиб туришиб, худди сафдагидек, чап елкалари оша ўтирилиб, эшик томон йўналишди. Биз — вешенскоеликлар ҳам шошиб қолдик, апил-тапил генераллар кетидан ошиқдик, уларга етиб олгач, сал-пал ўзимизни босиб олдик, ҳовлиқиб, “биринчи чиқаман” деб ўзимизни эшикка урмадик, тайсалланиб қолдик.

Орқадан яна ўша грузинча оҳангдаги овоз эшитилди: “Йўқ, сизлар қолинглар...” Бирдан ўтирилдик, яна бир бора бармоққа қараб, кимни қайтараётганини кўрмоқчи бўлдик. Ежов билан генералларни қайтараётган экан. Биз бир зумда Поскребишевнинг хонасига чиқдик. Қарасам, йигитларнинг ҳаммасига — Лубянкадан олиб келинганларига ҳам, Вешенскоедан келганларига ҳам поезд билетлари тахт қилиб қўйилипти, менга эса меҳмонхонага “муддатсиз

жойлаштирилсин” деган фармойиш билан қоғоз ёзиб қўйилипти... Лекин мен кўп турмадим, эрталаб Фадеевга қўнғироқ қилдим-да, кундуз кунни уйга — Мария Петровнанинг хузурига йўл олдим...

Ежовнинг ўша 1938 йилда НКВД раҳбарлигидан четлаштирилгани эсланилса, бунга Шолоховнинг Сталинга мурожаат қилгани ҳам бир даражада баҳона бўлмадимикен, деган савол туғилади.

Шолоховнинг ҳаёти ўшанда қил устида турган эди. “Сталин ва Ежовнинг бўйруғига” орқа қилиб иш юритган ростовлик чекистларнинг қора кирдикорларидан Сталин ёзувчини қандай асраб қолганини кўрсатувчи бошқа далиллар ҳам бор. Ежов иштирокида Шолохов билан қилган суҳбатда дохий сўрапти:

— Биз билан орангиз бузилишидан кўрқмайсизми? — Шундай деб ҳазиллашиб ҳам қўйипти: — Нима қилдик, Николай Иванович, бир оз полугини пасайтириб қўямизми?

Пўписани ўринлатиб қўйиб кейин мурувват қилипти:

— Улуғ рус ёзувчиси Шолоховга самарали ишламоғи учун ҳамма яхши шароит яратилиб берилмоғи зарур!

ҚУВНОҚ ЙИГИТЛАР

1933 йилнинг кузида Қора денгизнинг илиқ соҳилида жойлашган Гагра шаҳрида “Кувноқ йигитлар” фильмини сувратга олиш давом этмоқда эди. Бу фильм шўролар даврида яратилган биринчи музыкали кинокомедия эди. Унинг одамлар ўртасида шухрати жуда катта бўлган. Фильм теварағида Любовь Орлова ва Леонид Утесов каби бўлғувси экран юлдузлари, режиссёр Григорий Александров, бастакор Дунаевскийлар тўпланган эди. Комедиянинг умри турли тузумлар умридан узун бўлди — у бугунги кунда ҳам яшашда давом этмоқда, у бугун ҳам томошабинларнинг илиқ муносабатига сазовор.

Аммо шу фильмни мириқиб томоша қилган одамлардан: “Унинг сценарийсини ким ёзган?” деб сўрасангиз, бунақа саволга камдан-кам одам жавоб беради. “Кувноқ йигитлар” фильмининг тарихи замирида қувноқликдан анча йироқ ғуссали воқеалар ётади. Сценарий муаллифларининг номлари нафақат фильм титрларидан ўчириб ташланган эди, балки улар жиноятчи деб аталиб, узоқ йиллар мобайнида нормал ҳаёт кечириш имкониятидан ҳам маҳрум қилинган эди. Бу фильм шўро турмушига сингиб кетган мунофиқлик ва иккиюзламаликнинг кишини лол қолдирувчи тимсоли бўла олди — бир томондан, кўзни қамаштирувчи бардам маршлар садоси остида порлоқ келажак сари серғайрат шоввозлар дадил қадам ташлайди, айни чоғда эса шу макону, шу замоннинг ўзида миллионлаб маҳбуслар саф тортиб милтиқларининг шақир-шуқури, соқчиларнинг сўкишлари, кўриқчи итларнинг тўхтовсиз акиллаши остида — ўз ажаллари сари “гулаг”¹ дўзахларига томон боришарди. Ақл бовар қилмайдиган бу машмашаларнинг бош режиссёри эса кундуз кунни бир неча минг кишини отиш ҳақидаги қарорга имзо чекиб, оқшом кезлари эса “Кувноқ йигитлар”нинг ғаройиб саргузаштларини кўриб, мириқиб қаҳ-қаҳ уриб ҳордиқ чиқаради.

Олдимизда бу фильмнинг икки сценарий муаллифи Николай Эрдман ва Владимир Масснинг жинойи иши ва унга илова қилинган тинтув вақтида олиб қўйилган уюм-уюм қулёзмалар. Бу уюмлар орасида ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган, ҳали ҳеч ким ўқимаган саҳифалар...

“Нечук сўз кўрқинчли бўлмасин? Сўз чумчуқ эмас, қафасдан чиқиб кетса, ушлай олмайсан. Ана шунақа, билиб қўйинглар, — чиқариб юборсангиз, ушлаёлмайсиз, бунинг учун ўзингизни ушлаб олишади-да, чиқаришмайди.. Ҳай, майли!..

¹ Гулаг — лагерлар бош бошқармаси.

Ассалому алайкум! АБВдан, ибтидодан, яъни тухумдан бошлайлик. Карл Маркс бир гап айтганида беқиёс даражада ҳақ эди... Э... тўғриси айтсам, унинг нима дегани аниқ эсимда йўқ, лекин шуниси аниқ эсимдаки, у ниманики деган бўлса, ҳамини беқиёс ҳақ бўлади...

Бизда мафкура нимада ўз ифодасини топади? Репертуарда! Репертуарда. Репертуарлар қиёмига етган ва куракда турмайдиган бўлади. Қиёмига етган репертуарни ортиқ қиёмига етказиб бўлмайди, куракда турмайдиган репертуарни эса куракда тургазиб бўлмайди...

Шўро жамоатчилиги унга хос бўлган адолат билан тасдиқлайдики, инқилобнинг ўн иккинчи йилида ҳар хил кўнгилочар пьесалар пролетариатга зарарлидир. Шунинг учун биз инқилобий пьесани танладик ва биз қатъий ишонч билан айтишимиз мумкинки, инқилобнинг ўн иккинчи йилида бу пьеса ортиқ ҳеч кимни хушвақт этолмайди..." (Н. Эрдман. Жиноий ишга адабий иловадан. Д. Ленскийнинг "Лев Гурич Синичкин" деган водевилга саҳна).

1933 йилнинг кузида эса Қора денгизнинг илиқ соҳилида "Кувноқ йигитлар"ни суврагга олиш авж паллага қадам қўйган. Иш қизигандан қизиб бормоқда. Ҳамма кўтаринки кайфиятда. Режиссёр Александров журналистларга интервью бермоқда:

— Бизнинг фильмимиз биринчи кувноқ шўро фильмини яратиш борасидаги уринишдир. Бу фильм ижобий кулги қўзғашни керак. Фильмни рўёбга чиқармоқ учун биз янги шаклдаги сценарийни жорий этмоқдамиз. Сценарий муаллифлари Н. Эрдман ва Вл. Масс. Бу сценарийда ҳаётга кенг қамровли нигоҳ сюжет ва интрига билан бирикиб кетади...

Николай Эрдман билан Владимир Масс истеъдодли закий одамлар бўлиб, улар аллақачон санъат дунёсида танилиб қолган. Икковлари ҳам ҳозир ижодий кўтарилишда. Меерхольд театрида Эрдманнинг "Мандат" деган пьесаси зўр тантана билан саҳнага қўйилди, бошқа театрда — Арбатдаги Форьегер устахонасида Масснинг буффонадаси қўйилмоқда. Эстрада саҳналарида ҳар иккала муаллифнинг қўшиқлари, ҳазил-мутуйибалари, лапарлари жаранглаб турипти. Уларнинг ҳазил-мутуйибалари саҳналарни тарк этиб Москва кўчалари ва хонадонлари бўйлаб кезиб юрипти, улар том маънода халқ тилига тушган.

"Биронта ажнабий ёхуд вилоятдан келган одам Москвага келиб қолиб, постда турган милиционер бир қарашдаёқ шаҳар ҳаракати китобини ўқиб ва уқиб, ўзининг қизил таёқчаси билан уни бошқаришга киришганини кўрса, ҳали билмайдики, у Москва марказидан қирқ дақиқалик масофага бориб, чўнқайиб ўтирса, унинг орқасидан қалин ўрмон кўриниб туради. Шаҳар марказида баланд иморатлар, кенг майдонлар бор. Шаҳар майдонларида бир-бирларининг оёқларини босиб-эзиб, тинимсиз ҳаракат қиладиган йўловчилар метрополитен ҳақида борган сари кўпроқ ўйлашмоқда. Москва чеккаларида болалар ҳали асфальт ётқизилмаган кўчаларда ўйнашади, ҳовлиларда ғозлар тўла ҳуқуқли фуқаролар янглиғ бемалол сайр қилиб юришади. Мен ҳам шу ерда туғилганман ва йигирма беш йилдан бери шу ерда яшайман. Комедияларимнинг қаҳрамонлари ҳам шу ерда туғилиб, шу ерда яшади. Менинг онам рус аёли, отам — немис. Мен Петропавловск реал ўқув юртида ўқиганман. Ўшанда биринчи шеърим босилиб чиққан, кейин Археологик институтга кирганман, аммо орадан кўп ўтмай шогирдлик китобини ва шоирлик қаламини қизил аскар милтиғига алмаштирдим. Таҳдидли ва гўзал 1919 ва 1920 йилни фронтда ўтказганман. Қўналғаларда турганимизда қўшиқлар тўқирдим, сафар чоғларида эса уларни рота билан бирга куйлардим. Бетакрор замонлар эди — ўша кезларда ҳар бир қўшиқ айтаётган одамнинг назарида гўё унга бутун Россия жўр бўлаётгандай туюларди. Москвага қайтгач, бир гуруҳ иманижинист шоирлар даврасига қўшилдим. У пайтларда Москвада қоғоз танқис эди, иманижинистлар шеърларини деворга ёзишар эди. У пайтларда оч москваликлар оёқларида дабдаласа чиққан кигиз этикларда бир неча қақиримлаб йўл босиб Политехника музейининг иситилмаган залига тўпланишар ва бизнинг янги шеърларимизни тинглашар эдилар. Ҳеч ким ҳеч қачон шеърни ана шу оч одамлардек эшита билган эмас. Улар хуштак чалганда

қулоқлар қоматга келар, қарсак чалишганда деразалар дирилларди. Кейин мен театрларда ишлай бошладим, инқилоб туфайли туғилган кичик театрларда хизмат қилдим. Бу театрларда мен машаққатли ва айни чоғда қувончли драматурглик санъатини эгалладим. 1924 йилда мен ўзимнинг биринчи йирик драматик асарим “Мандат”ни ёздим. Бу пьеса “заства ортида” яшайдиган ортиқча одамлар ҳақида эди. Пьесани иқтидорли режиссёр Всеволод Эмильевич Мейерхольд ўзининг ажойиб театрида саҳнага қўйди, у шу театр саҳнасида ҳозир ҳам муваффақият билан ўйнамоқда. Асарни Мейерхольд саҳнага қўйгандан кейин, уни украин ва туркий тилларга таржима қилишди. Кейин у бепоеъ ватанининг 120 театрида саҳнага қўйилди. Икки йил бундан муқаддам мен Германия ва Италия бўйлаб сафар қилдим. Сафар баҳона бўлиб, мен Берлин саҳналарида жуда ажойиб немис актёрларини кўрдим. Ҳозир мен янги пьесани тугатяпман, уни тугатишим билан роман ёзишга ўтираман. Кўп вақтдан бери бу роман учун материал йиғаман ва унинг баъзи жойларини қоралаб ҳам қўйганман...” (Н. Эрдман. Жиноий ишга адабий иловадан).

Ҳамиша ҳаммани унинг дастхати қойил қолдирар эди — у хуснихатда маржондай бир текис, майда босма ҳарфларда ёзарди. Ҳар бир ҳарфи дона-дона бўлиб ажралиб турарди — улар унинг ижобий услубига ўхшаб кетарди — ижодий услуби эса равшан, ихчам, тагдор эди.

Эрдман автобиографиясини 1927 йилда ёзган эди. Бу чоғлар унинг ижодий омади чопган йиллар эди. Станиславский, Мейерхольд, Луначарский, Горький йигирма етти яшар ҳажвиётчининг истеъдодидан завқланишар, уни Гоголь, Сухово-Кобилин, Шедринлар анъанасининг давомчиси деб ҳисоблашарди. Эрдманнинг “Мандат” деган биринчи пьесасиёқ шўро драматургиясининг чўққиси деб тан олинганди. “Мени пьеса ёзишга ўргатиб қўйсангиз-чи”, деб унга мурожаат қилганди Маяковский.

Лекин томошанинг ташқи ҳашами тагидаги теран моҳиятни ҳамма ҳам кўра билгани йўқ эди: Эрдман одамларнинг жузъий нуқсонларини эмас, репрессив-бюрократик системанинг ўзини фош қилган эди. “Қоғозсиз коммунист бўлмади”. Қолаверса, қоғозсиз инсоннинг ўзи ҳам йўқ. “Ўзимни ўлдираман” деб совуқдан-совуқ ном билан аталган янги комедияда эса асосий қаҳрамон кўркув бўлади. Бироқ ҳали бу асар ёзиб битирилганича йўқ, ёзиб битирилгач эса галва билан ман этилади. “Юрак сенга ором бегона, Юрак, мунча яшамоқ яхши!” деб куйлайди “Қувноқ йигитлар” фильмининг бош қаҳрамони. Фильм муаллифлари ҳам худди шу кайфият билан яшашади. Фильм, албатта, муваффақият қозонмоғи керак. Одамларнинг чеҳрасидан табассум аримайди. Аммо дилларни аллаловчи бу шуқуҳли дақиқаларга бир нарса ёриб кирди-ю, кайфиятларни хира қилди. Бу Масснинг Москвадан яқин ошнаси актриса Соня Магарилдан олган мактуби бўлди (мактуб жиноят ишида сақланиб қолган).

“Азизим Владимир Захарович!

Бир неча кун муқаддам Н. Н. Акимов (ленинградлик таниқли рассом ва режиссёр — В. Ш.) ҳақидаги китоб ман этилди. Китобнинг ҳамма тиражи тайёр бўлган эди, шунга қарамай ман этишди. Китобнинг ман этилишига сабаб шу бўлдики, унда Сизнинг ва Николай Робертовичнинг сувратларингиз бор эди... Москва Главлитининг¹ талаби бўйича китобдан нафақат сувратларингиз олиб ташланиши керак... балки сизларнинг исми-шарифларингиз тилга олинган саҳифалар ҳам йўқотилмоғи шарт.

Бу шу даражада қабиҳ бир ишки, ҳатто изоҳнинг ҳам ҳожати йўқ. Бу ерда фақат Михаил Кольцовнинг фельетонигина жоиз бўлур эди. Мен бу воқеадан сизларни огоҳ қилиб қўйишни лозим деб ҳисобладим, чунки менинг назаримда бу сассиқ ишнинг тафсилотларини суриштириб тагига етмай, индамай кетавериш тўғри бўлмаса керак... Менинг дўстона маслаҳатим — ҳеч қанақа сабаб билан бу ишни ташлаб қўйманглар. Агар буни қилган кимса дўппи олиб кел

¹ Главлит — цензор.

деса, бош олиб келадиган бирон тентак бўлиб чиқса, бошлаб унинг таъзирини бериб қўйиш керак...

Агар лозим топсангиз, бу хушхабарни менинг самимий саломларим билан бирга Николай Робертовичга етказарсиз...

Фақат кўнгилчанлик қилманг ва бу воқеанинг тагига етмай ташлаб қўйманг..."

Мактубни ўқиб чиқишди, муҳокама қилишди ва қўл силтаб ташлаб қўйишди: қандай бемаънилик! Москвага борганда суриштирамиз. Бу хабар Гаградаги "Гулрипш" меҳмонхонасидаги қувноқ кайфиятга доғ солмади. Икки закий дўст аввалгидай ҳамманинг диққат марказида — улар ҳаммага манзур эди. Кечқурунлари уларнинг столи тевагагида яқин дўстлари тўпланишар, узлуксиз қаҳқаҳа янграрди. Меҳмонхонага маҳаллий бошлиқлар ҳам келиб туришар, улар билан бирга ГПУ бошлиғи ёқимтой Геладзе ҳам улфатчилик қиларди — у қоврилган какликлар, "Абхазия гулдастаси" номли вино буюрарди, қадаҳлар айтарди, усти очиқ машинасида артист жувонларни сайр қилдирарди...

11 октябрь куни кечқурун вақт анча кеч бўлиб қолганди, шу машинанинг ўзи меҳмонхонага келди — хушчақчақлик бирдан тинди-қолди. Бир неча дақиқадан кейин Владимир Массни машинага олиб чиқиб ўтқазилди, унинг икки ёнида чарм камзуллик, тўппонча таққан кишилар ўтирарди.

Бу воқеа ҳамманинг кўз ўнгида содир бўлди.

— Владимир Захарович, плашсиз қаёққа кетяпсиз? — деб деразадан қичқирди Утесов ва дўстига ўзининг плашини ташлади.

Массни олиб кетишди. Бир соатдан кейин эса Эрдманга келишди.

Агар тасвирчилар бу саҳнани тасмага туширишганда у жуда ҳам таъсирчан чиққан бўларди. Тўғри, унда фильмнинг жанри бутунлай ўзгариб, сиёсий детектив жанрга мансуб бўлиб қоларди. Бундан ташқари фильмнинг номини ҳам ўзгартиришга тўғри келарди.

— Менинг нима иложим бор эди? — деб ўзини-ўзи оқлашга тушди Геладус эртасига эрталаб дарғазаб артистлар уни ўртага олиб таъна қилишганда.

— Менга кечаси Москвадан "қамоққа олинсин" деган телеграмма келди. Мен бўйсунмаслигим мумкин эмас эди-ку!..

Эрдман билан Масс эса аллақачон олисларга етиб боришган эди. Уларни пойтахтга олиб кетаётган поездда ҳаммуаллифларни бир-биридан ажратишди: уларнинг ҳар қайсиси алоҳида купеда ўтирар, эшик олдида эса қуролли соқчи турарди.

Гагранинг ўрнини Лубянкага берди, кинога оладиган майдонча билан ресторани ўрнига турма камераси ва терговчи кабинети, "Кувноқ йигитлар" сценарийси ўрнига эса — устига "2685-номерли иш" деб ёзиб қўйилган туссизгина папка...

Эрдман билан Масснинг қариндош-уруғлари, ошна-оғайнилари, таниш-билишлари бир оғиздан уларнинг қамалишига Кремлда Сталин ҳузуридаги зиёфатлардан бирида рўй берган машмаша сабаб бўлган дейишади. Ўша зиёфатда машҳур артист Качалов ўзининг мафтункор овози билан классиклардан нималарнидир ўқиб берган экан.

— Бизга бирор янгироғидан ўқиб беринг. Қизиқроқ бўлсин! — деб илтимос қилипти Хўжайин.

Тузуқкина кайф қилиб қолган артист Эрдман билан Масснинг масалини ўқий бошлабди. Қайси масални ўқиганини ҳеч ким эслолмайди.

Эҳтимолки, Качалов мана бу масални ўқигандир:

ГПУ ёрайин деб Эзопнинг ўтин —
 Чўқилай бошлади унинг ҳам кетин.
 Масаллар мазмуни энди сир эмас,
 Сен жуда ҳадингдан ошиб кетдинг, бас!

Качалов ўқиган, ҳамма кулган, кейин бирдан ҳамманинг дами ичига тушиб кетган. Артист ҳам ўқишдан тўхтаб қолган.

— Бу шеърларни қайси безори ёзган? — деб янграган товуш бир зумда ҳаммани ҳушёр торттирган.

Шўро подшоси масхарабозларни ёқтирмас ва саройига яқин йўлатмас ҳам эди.

Айтишларича, Эрдман билан Масс қамоққа олингандан кейин шўрлик Качалок ўзини ўзи ўлдириб қўйишига сал қолган, ичкилик ича бошлаган, қамалганларнинг қариндош-уруғларига бориб, пул билан ёрдам бермоқчи бўлган.

Лубянкада масалнавислар ўзлари учун янги жанрда — кўрсатмалар жанрида ишлашига тўғри келган. Бу ишда уларга Махфий-сиёсий бўлимнинг тезкор вакили тажрибали Николай Христофорович Шиваров ҳаммуаллиф бўлган. Шиваров адабий ишлар бўйича моҳир терговчи ҳисобланган. Тергов қайдномаларида унинг ҳаммуаллифлигини луғатига қараб осонгина ажратиб олса бўлади: луғат, асосан, “аксилнқилобий”, “аксилшўровий”, “синфий душман” деган ушта иборадан ташкил топган.

15 октябрда Шиваров Эрдманни сўроқ қилган қайдномада ўқиймиз:

“Мен бир қатор аксилнқилобий адабий асарларнинг муаллифиман. “Масал” деган нарсаларни кўп ёзганман. Улар Москва бўйлаб ва Иттифоқнинг бошқа шаҳарларида махфий тарзда анча кенг тарқалган. Бу масалларни ёзган ва махфий тарқатгани учун масъулият менинг ва ҳаммуаллифим Владимир Масснинг бўйнига тушади. Биз уларни нафақат яқин ошна-оғайниларимиз даврасида ўқиганмиз, балки бутунлай нотаниш одамлар даврасида ҳам ўқийверардик. Бу масалларнинг кўпчилигининг аксилшўровий йўналиши шу қадар аниқ ифодаланганки, уларни ошқора тарзда бемалол эълон қилиб бўлмас эди, улар аввалданок махфий тарқатишга мўлжаллаб ёзилганди.

Бу масалларнинг кенг тарқалиши туфайли бизнинг зиммамизга тушадиган сиёсий масъулиятни, шунингдек, улар муайян жамоатчиликка душманлик руҳида сиёсий таъсир ўтказишини жуда равшан англаганман. Шунингдек, бу масалларни ўзимиз тарқатганимиз учунгина эмас, масалларни биздан эшитиб ёки қўлёзмаларини биздан олиб бошқалар тарқатгани учун ҳам жавобгарлик менинг бўйнимга тушишини илгари ҳам билганман ва ҳозир ҳам биламан. Таъкидлаб ўтмоқчиман — шахсан мен бир нечта масални артист Качаловга фақат бир марта берганман.

Яна шунини эътироф этаманки, мен ўзим (ёхуд Масс билан биргаликда) ёзган аксилшўровий характердаги масаллар учунгина эмас, балки мен томонимдан Масс билан бирга яратилган жанрга тақлидан бошқа одамлар яратган масаллар учун ҳам жавобгарлик менинг устимга тушади.

Аксилнқилобий мазмуни учун аввал бошданок эълон қилиш керак эмас деб ҳисоблаганим масаллар сирасига киради: “Хунаса”, “Қиз ва гул”, “Бир куни мен томон эгилди қиз”, “Ароқ тайёрлаш ускунаси”.

Мен эълон қилиш мумкин деб ҳисоблаган аксилшўровий масаллар сирасига қуйидагилар киради: “Маймон ва кўзойнак”, “Палён ва болта”, “Туя”, “Матн парчалари ҳақида”, “Ижод изтироблари”, “Термометр”...

Терговчи маҳбуснинг қоғозлари ичида таниқли одамларнинг фамилиялари ёзилган рўйхатга дуч келади. Фамилиялар чиройли қилиб, бир қатор ёзилган экан. Бу нима бўлса экан? Яширин ташкилотми? Терговчи рўйхатнинг маъносини чақаолмади, берилган изоҳларга эса ишонмади:

— Бир вақтлар мен ўз-ўзим билан бир ўйин ўйнаганим — менинг дафн маросимимга кимлар келиши мумкинлигини аниқламоқчи бўлгандим. Рўйхат анчагина узун чиқиб қолди. Кейин мен рўйхатни қисқартира бошладим — менинг дафн маросимимга ёғин-сочинли кунда келиши мумкин бўлганлар рўйхатини туздим. Бу гал рўйхат анча мухтасар бўлди...

Мен терговчига бу рўйхатнинг қанақа рўйхат эканини, мен — аҳмоқ, мен — эшшақ, бир вақтлар ўзим билан ўзим шунақа бемаъни ўйинлар ўйнаганимни минг уриниб уқдира олмадим. Рўйхатдагиларнинг деярлик ҳаммасини сўроққа

чақиришди. Ёгинли-сочинли кунда келадиганларини эса ҳатто бир неча марта-лаб чақиришди...

Эрдман ҳазилларига хос бўлган ўткирлик Лубянкада хатарли тус олди.

Сўнгра терговчи Массни сўроқ қилди.

У ҳам Эрдманга ўхшаб ҳеч нарсани яширгани йўқ. Уларнинг жавоблари деярлик бир-бирларига тўғри келади. Ҳаммуаллифлар бу ерда ҳам яқдил эдилар, улар тергов билан ҳарб олишишни эп кўрмадилар, дарҳол “қуролсизланиб” қўяқолдилар.

“Мен Николай Эрдман билан бирга кўпдан-кўп шеърӣй, ҳажвий асарларнинг муаллифиман. Бу асарларни масал дейишади... Бу масалларнинг кенг тарқалиши, шак-шубҳасиз, муайян жамоатчилик доираларига аксилшўровий таъсир кўрсатган. Бу ҳам етмагандай, аксилинқилобий масалларга бағишланган кўплаб танқидий асарлар юзага келди. Аксилинқилобий мазмунга эга бўлган бундай масаллар махфӣй тарзда жуда кенг тарқалдики, уларнинг муаллифлари биз учун қоронғи бўлиб қолди, лекин уларнинг муаллифлигини бизга тўнкашди...”

Бу ўринда мен томонимдан айтилган гапларнинг ҳаммаси учун яъни аксилинқилобий масалларга муаллифлигим учун, уларни ўзим ҳам, бошқалар ҳам хуфия йўллар билан тарқатгани учун, шунингдек, аксилшўровий ҳажвиётнинг махсус жанрини яратганим, бу жанр эса пролетариат диктатураси душманларининг қўлида таъсирчан қурол билиб қолгани учун жавобгарликни ўз зиммамга оламан”.

Буни қаранг-а — адабиётда бутун бошли бир жанр яратишган эмиш! Бунинг учун фахрланиш керак-ку! Эҳтимол, улар ичларида фахрланган бўлсалар бордир, лекин юзларида пушаймонлар чекиб, тавбалар қилишди.

Чиндан ҳам бу юксак баҳо эди — ахир бундай қудратли, тепса тебранмас ҳокимиятки уларни жуда хавфли душман деб ҳисобласа, чакана гап эмас...

Лубянкада Эрдман яна бир ўта гаройиб, ақл бовар қилмайдиган воқеани бошидан кечирди: у бир аёлни севарди, лекин бу севги жуда пинҳон тугилар, ундан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Бу аёл МХАТ театрининг актрисаси Ангелина Степанова эди. Қўрқув нималигини билмайдиган бу довжорак аёл Кремлдаги кўзирлардан бири Авель Енукидзе орқали Эрдман билан учрашишга муваффақ бўлди.

— Бу даражада ўйламай хато ишни қилишингизга сизни нима мажбур қилди? — деб сўради лол қолган ЦИК¹ Президиумининг котиби.

— Муҳаббат! — деб жавоб берди актриса.

Ҳажвчиларни овлаш Эрдман ва Масс билан чеклангани йўқ. Ўша кезларда Москвада шу жанрнинг яна икки вакили — Михаил Вольпин ва Эммануил Герман (Эмиль Кроткий) қамоққа олинди.

Қамоққа олингандан кейин “Қувноқ йигитлар”, яъни масалнавислар уч йил муддатга олис Сибирга бадарга қилиниб бўлинган эди. Эрдман Енисейскда, Масс Тобольскда, Герман Камень шаҳрида жазони ўтадилар. Вольпиннинг қисмати янада оғир бўлди — унинг ГПУ билан аллақандай эски ҳисоб-китоблари бор экан — шунинг учун концлагерга қамашди.

Эрдман Сибирдан онасига юборган биринчи телеграммадаёқ “Мамин-Сибиряк” деб имзо чеккан эди. (Бу ўринда сўз ўйини бор — Мамин-Сибиряк атоқли ёзувчи, шу билан бирга бу ўринда “Онасининг сибирлик ўғли” деган маънони ҳам англатади. — Таржимон). Масс Лубянкага Утесовнинг плашида келган эди. Эрдман эса Сибир совуқларидан унга Меерхольд совға қилган пўстинга ўралиб нажот топди.

Масалнавислар иши шўролар замонидаги кулги маданиятини тор-мор келтириш ишини бошлаб берди. Ҳажвиётнинг найзасини суғуриб олдилар. Ҳажвиётчиларни омон қолдиришди, лекин ўлғудай қўрқитиб, юракларини олиб қўйишди. Улар беозор кулги даргаларига айланиб қолди. Улар ўз истеъдодларини, ўз иқтидорларини қурбон қилиш эвазига тирик қолишди. Бундан буён улар одамлар ўртасида фақат “ижобий кулги” уйғотишгагина маҳкум эдилар.

¹ Марказий Ижроия Қўмита.

“— Хўш, қалай?
 — Йўқ, бўлмайди. Сира бундоқ эмас.
 — Нега?
 — Сезилмаяпти.
 — Нима?
 — Алоқа.
 — Қандай алоқа?
 — Мустаҳкам.
 — Нима билан?
 — Асосий нарса билан!
 — Аммо биз моҳиятни очсак дегандик.
 — Сиз моҳиятни очмоқчимидингиз?
 — Ҳа.
 — Ёмон.
 — Нима учун?
 — Юқмайди.
 — Нимаси?
 — Бир нимаси.
 — Яъни, масалан?
 — Бермайди.
 — Нимани бермайди?
 — Ҳеч нарса бермайди.
 — Кимга?
 — Уларга.
 — Улар ким?
 — Омма.
 — Қанақа омма?
 — Бу ерда йўқ омма.
 — Биз нима қилайлик?
 — Курашмоқ керак.
 — Нима мақсадда?
 — Бартараф қилмоқ учун.
 — Нимани?
 — Шуни-да.
 — Нимани “шунда-да”?
 — Бўлиб ўтганларни.
 — Нима мақсадда?
 — Бўлмасин-да. Биз бўлган нарса бўлмаслиги учун ва бўлмаган нарса бўлмоғи учун курашмоғимиз керак”. (Н. Эрдман. Жиноий ишга адабий иловадан).

Николай Эрдманнинг бундан кейинги биографияси мамлакат бўйлаб дарбадар юришдан иборат. Бадаргани у Енисейск, Томскда ўтказди, кейин “ўнтаси минус” бўлди, яъни мамлакатнинг белгилаб қўйилган ўнта йирик шаҳаридан бошқа жойларда бемалол истиқомат қилмоғи мумкин эди. Москвага эса ғайриқонуний тарзда апил-тапил бориб келинарди.

1938 йилда Эрдманнинг дўсти Михаил Булгаков вазиятни ўзгартирмоқчи бўлиб, Сталинга мактуб йўллади. Бу машҳур мактубнинг асл нусхаси 2685-рақамли жиноий ишда сақланади. Мактубдаги муҳрлар ва ажримномаларга қараб, унинг ВКП(б) Марказий Комитетининг Махсус бўлимидан НКВДга ўтганини ва бу ерда гўрга кўмилгандай қолиб кетганини аниқлаш мумкин.

Булгаковнинг мурожаати ёрдам бермади — Эрдманнинг пойтахтга қайтишига рухсат берилмади. Унинг, М. Д. Вольпиннинг ва Александровнинг сценарийси асосида яна бир машҳур фильм — “Волга-Волга” экранга чиқди. Бу гал ҳам муаллифлар рўйхатида Эрдманнинг фамилияси йўқ эди.

— Адашиб бошқа мамлакатда ва бошқа замонда туғилиб қолган-да, — дейишарди дўслари унинг туғрисида.

Калинин — Вишний Волочек — Торжок — Рязань — Ставрополь... Унинг умри ўтган шаҳарлар булар. Бир вақтлар у Масс билан бирликда Ленинград

Мюзик-холл театрида қўйиш учун афсонавий юнон қаҳрамони тимсолини яратган эди. Жуда кулгили чиққан эди. Чунки муаллифларнинг хоҳиши билан Одиссей уларнинг замондошига айланиб, “одессалик” бўлиб қолган эди. Кейин қўлдан Лубянкага тушди. Тушди-ю, шу қўйи ғойиб бўлди...

Жиноий ишга адабий илова.

“Одиссея”дан. Ҳомердан олинган уч пардалик томоша. Н. Эрдман ва В. Масс қайта ишлаган ва таҳрир қилган”.

“Ёпиқ парда олдида режиссёр ёрдамчисининг кириш сўзи:

— Қимматли ўртоқлар! Ҳозир сизлар “Одиссея” томошасини кўрасизлар. Ўз даврида анча шуҳрат қозонган бу асар сўқир адиб Ҳомернинг томошасидир. У довруғи оламини тутган “Илиада” асарининг ҳам муаллифидир. Нима учун, ўртоқлар, Ҳомер бизга яқин? Чунки у аллақачон ўлиб кетган. Мен ўйлайманки, ўлим ҳар бир муаллиф учун бениҳоя зарур бўлган хислатдир. Бизда тирик муаллифни асарининг ҳар қўйилишидан кейин кўмишади, чунки унинг узоқроқ яшаш нияти бўлса, у дарҳол ўлмоғи керак. Тўғри, ўртоқлар, Ҳомер йўл қўйиб бўлмайдиган катта хатога йўл қўйган — у Октябрь инқилобидан уч минг йил аввал ўтиб кетган. Бунинг учун пролетариат уни зинҳор кечирмайди. Лекин менинг ишончим комилки, агар у ҳаёт бўлганида, у, албатта, биз билан бирга бўларди ва театр соҳасида эришган ютуқларимизни бошқалардан кўра яхшироқ кўрган бўларди, негаки у кўр эди. Лекин бир нарсани сизлардан яширишга ҳаққим йўқ — баъзи олимлар Ҳомер ҳеч қачон бўлган эмас деб ҳисоблашади. Шундай қилиб, қимматли ўртоқлар, Ҳомер бўлган эмас. “Нима учун?” деган савол туғилади. Чунки ўз-ўзидан маълумки, даҳшатли капитализм шароитида ҳеч қанақа Ҳомернинг бўлиши мумкин эмас эди. Эндиликда эса, ҳеч шак-шубҳа йўқки, ўртоқлар, Ҳомер бўлади. Қачон бўлишини билмайману, лекин, албатта, бўлади. Аммо, келажакда бўлажак Ҳомер ҳали йўқ бўлгани учун бизга йўқ Ҳомернинг томошасини саҳналаштиришга тўғри келди...”

“Ёпиқ парда олдида режиссёр ёрдамчисининг иккинчи нутқи:

— ... Одиссейнинг ўзи ким, ўртоқлар?.. Нега у бизда қаҳрамон эмас? Чунки бизнинг қаҳрамонона давримизда қаҳрамонлар бўлмаслиги керак. “Қаҳрамон” дегани қанақа одам? Қаҳрамон — оммадан ажралиб қолган мутлақо масъулиятсиз бир кимса бўлиб, ҳамиша ёлғиз ўзи ҳаракат қилади ва ўзи учун ўзи жавоб беради. Биз бу сиймони йириклаштиришга аҳд қилдик. Бизда Одиссей масъулиятсиз қаҳрамон эмас, балки масъулиятни биладиган одам. Ҳар қандай масъулиятли одамда эса, маълумки, котиба бўлади, чунки у ёлғиз ҳаракат қилмайди ва унинг учун бошқа одам жавоб беради...”

Одиссейнинг гап-сўзларидан:

“— Ҳозир биз номаълум мамлакатга яқинлашиб келяпмиз. Биз бу мамлакатда нимани кўришимиз мумкин? Бу мамлакат гуллаб-яшнаб ётганини кўраемиз. Биз бу мамлакат ҳақида нима деёламиз? У чириб-ириб кетган. Эсингизда бўлсин — бу мамлакатда нимаики сизга манзур бўлса, уларнинг ҳаммасидан жирканмоғингиз керак...”

(Момақалди роқ гулдурайди.)

Момақалди роқни гулдурос қарсақлар, деб қайд қилиб қўйишни сўрайман.

— Ўртоқлар! Мана, йигирма йилдирки, биз сувдан қуруқ чиқмоқдамиз ва Пасейдон таъқиби остида жонажон Итакамиз сари талпиниб келяпмиз. Биз Сцилла билан Харибда ўртасидан ўтдик, биз ёвуз Киконлар ҳамласини даф этдик, Цирцеяни лақиллатдик. Хўш, нима мақсадда қилдик биз бу ишларни? Итакага етишмоқ учун. Итакапарастлик нуқтаи назаридан қараганда биз киммиз? Итакапарастлик нуқтаи назаридан биз ижодкор ва яратувчилармиз. Биз ўз қўлларимиз билан нималар яратдик, биродарлар? Биз ўз қўлимиз билан Трояни вайрон қилишни яратдик.

(Яшин чақнайди. Момақалди роқ.)

Момақалдиروقни гулдурос қарсақлар тарзида қайд қилишни сўрайман.

Томоша шу билан тугайдики, “қоғоз бўронига тушиб қолган бюрократизм кемаси сиёҳ денгизида ҳалок бўлади. Янги шамол эпкини кемани ағдариб юборади”.

Сунгра “бадантарбия тариқасида умумий рақс” бўлади.

1941 йил. “Волга-Волга” фильмига Сталин мукофоти берилди. Эрдман эса урушда, сапёр, ўз қисми билан бирга немислардан чекини, олти юз километрга яқин масофани пиеда ўтади ва Саратов шаҳрида госпиталга тушиб қолади. Бу ерда тўсатдан кутилмаганда Москвага чақириб қолишади.

Дўстлари ҳаракат қилишипти — уни янги ишга олишади. Нима ишга денг — НКВДнинг кўшиқ ва рақс ансамблига. Санъатнинг энг иқтидорли кучлари, энг атоқли намояндалари: бастакор Дмитрий Шостакович, режиссёр Сергей Юткевич, актер Юрий Любимов, рассомлар Риндим ва Вильямс, балетмейстер Асаф Мессерерлар ҳам ансамбль ишига жалб қилинган эдилар. Либретто ёзадиганлар камлик қилиб турган эди.

Лубянка клубида озгин, ҳолдан тойган Эрдман ўзи билан бирга ғойибдан келиб қолган Михаил Вольпин билан бирга кўзгу олдида туриб чекистлар берган янги шинелни кириб кўряпти.

— Тасаввуримда шунақаки, Миша, — дейди Эрдман, — гўё мен ўзимга ўзим соқчи бўлиб ўзимни олиб келгандайман...

Уларнинг икковини ҳам шу ерга, клубнинг ўзига Лубянкага жойлаштиришади.

НКВДнинг кўшиқ ва рақс ансамбли бутун мамлакат бўйлаб донг таратади, фронтларга бориб концертлар беради, бирин-кетин “Ватан”, “Рус дарёси” ва ниҳоят, “Ғалаба баҳори” каби театрлаштирилган томошалар кўйилади. Бу вақт мобайнида эса ҳали оқланмаган сценариячи Москва НКВДнинг паноҳи остида худди аждаҳо комида яшагандек ғайриқонуний яшашда давом этади.

— Ахир, гестапонинг рақс ва кўшиқ ансамблини барпо этиш кимнинг ҳам хаёлига келиши мумкин эди? — гусса билан ҳазил қилганди кейин Эрдман.

Бир кунни темир нарком Берия тўғрисида кўшиқ яратишга топшириқ бўлади.

— Шунга мос келадиган кўшиқ ҳам, матн ҳам бор, — деб кимдир ҳазил қилади: — Ҳиди хушбўй дашт гули, Лаврентий Павлич Берия...

— Қани, даф бўлларинг ҳамманг бу ердан! — деб ўшқиради Эрдман. — Нима бало, жинни-пиннимисан?

Москвада яшаш ҳуқуқини унга фақат 1949 йилга келиб — кўшиқ ва рақс ансамбли тарқатиб юборилгандан кейингина берадилар. Орадан кўп ўтмай эса “Довжрак одамлар” фильми экранга чиқади. Бу фильмининг сценарийсини ҳам Эрдман билан Вольпин ёзган, бу фильм ҳам СССР Давлат мукофоти билан тақдирланган. Бу гал титрларда уларнинг фамилиялари пайдо бўлди — бу индамай оқлаш билан баробар эди (расман эса, расман яна ярим асрдан кейин 1989 йилда оқланади).

Николай Эрдман ҳаётининг сўнгги йиллари тўғрисида нималар маълум? Жуда кўплаб фильмлар, мультфильмларнинг сценарийсини ёзган, оперетталарга либреттолар, цирк ва эстрада учун сахналар ижод қилган, Юрий Любимовнинг Таганкадаги театри учун классиклар асарлари асосида инсценировкалар ёзиб берган. Биринчи хотини вафот этгандан кейин иккинчи марта, сўнг учинчи марта уйланган. Ҳамиша улфатчиликнинг гули бўлиб, жуда зукко суҳбатдош бўлиб қолаверган. Пойғаларда пул тикиб ўйнаган, ўзини “долгопроигрывающая пластинка” деб атаган (бунда сўз ўйини бор — “узоқ чаладиган” эмас, “ҳамиша ютқазадиган” деган маъно бор). Кўп ичган. “Пьеса ёзипман” деб кўп гапирган, лекин ёзган эмас. Ёшлиқда яратган зўр асарларидан кейин уларга тенг келадиган ҳеч нарса ёзган эмас. “У” Эрдман бир афсонага айланиб қолди, “буниси” эса тишини тишлаганча, истъёдини тириклай кўмиб ўтди.

Хастахонада ўлим тўшагида ётиб Любиновга айтган гапида ҳаётига қайгули яқун ясаган:

— Афтидан, Юра, сиз доимо мени ўйинга жалб қилганингизда мутлақо ҳақ бўлгансиз. Мен эса узоқ вақт мобайнида пойғаларда пул тикиб ўйнадим, лекин

нима учундир санъатдаги ўйиндан чиқиб қолдим. Қисмат шунақа бўлган бўлса керак-да! Ҳар ҳолда, охиригача ўйнамоқ керак эди.

Николай Эрдманнинг “Мандат” ва “Ўзимни ўлдираман” деган пьесалари биринчи марта қайта қурилиш йилларида нашр этилди, унинг биринчи китоби муаллифнинг вафотидан кейин йигирма йил ўтганда — 1990 йилда дунё юзини кўрди. Худди “Ўзимни ўлдираман” пьесасида айтилгандай: “Ҳозирги пайтда тирик одамнинг дилидаги гап фақат ўлик одамнинг тилига чиқиши мумкин”.

Биз осойишта, мутаносиб ҳаёт кечирардик.

* * *

“Янги авлодни мен билмайман. Эски авлод мени билмайди”.

* * *

Сен билан учрашувдан бирор манфаат кўришга уринишлар (бунақа уринишлар кўп бўлган эди) беҳуда кетди. Цензорнинг қизил қалами ҳаётимнинг ҳаммасини сатрма-сатр ўчириб ташлаётганга ўхшайди. Баъзан менга қоғоз дош беролмай йиртилиб кетадигандай туюлади.

* * *

Ер юзида биз соат миллари янглиғ яшаймиз. Бир жойда айланаверамиз, умр эса ўтиб кетади.

* * *

Пушкин ким ўзи? Пушкин ерга кўмиб ташланган истеъдодми? (Н. Эрдман. Жиний ишга адабий иловадан).

Шоир Мариенгоф инқилоб йилларида Сергей Есенин билан Николай Эрдман ўртасида ўтган гапни эслайди:

— Шухрат бобида қолиб кетдинг-ку, Николайжон, — деди Есенин. — Сен Моссовет олдида турган “Эркинлик” ҳайкалига “Имажинист Николай Эрдманга” деган бир тахтача қоқиб қўй. Тахтачанг, барибир, бир соатдан ортиқ турмайди. Бунинг баробаринда беш йилга етадиган гап-сўз бўлгани қолади. Фақат бунинг учун сени Чекажонга ўтказиб қўйишмаса бўлгани...

— Ҳамма гап шунда-да! — деб жавоб берипти Эрдман. — Чекажонда ўтиришга ҳеч ҳушим йўқ-да. Ундан кўра машҳур бўлмаёқ қўяқолай.

Эрдман барибир машҳур бўлди — у Чекажон кучоқларидан қутила олмади. Ўша пайтдан бери у номашҳур бўлишни афзал кўради.

ПАСТЕРНАК ТЕВАРАГИДАГИ ГАПЛАР

“Мен дўстларим ва танишларимнинг қисматини ўйлаганимда ҳеч қанақа мантиқ тополмай хуноб бўламан, — дерди Илья Эренбург. — Нега Сталин ҳаммаша ўзини мустақил тутадиган Пастернакка тегмади-ю, нимаики топширилса, ҳаммасини сидқидилдан, астойдил бажо келтирадиган Кольшовни йўқ қилиб ташлади?”

Дарҳақиқат, нега?

Борис Пастернак ҳукмдорларнинг қаттиқ назорати ва зулми остида ҳаётини яшаб ўтди. Истаган дақиқада бошига ҳалокатли зарба тушмоғи мумкин эди. Жазоловчи органлар бир неча бор уни чоҳнинг лабига келтириб қўйишган — бу тўғрида Лубянка архивларида ўнлаб гувоҳликлар бор.

Пастернакни 1933 йилда қамоққа олишлари мумкин эди. Ўшанда унинг эски дўсти ёзувчи Сергей Бобровни қамашган эди. Қамаганда ҳам уни далил билан, яъни “Яқин теваракдаги номаълумлик” деган “аксилшўровий, аксилинқилобий” қиссанинг қўлёмаси билан қўлга олинганди. Бобров бу қиссани бир гуруҳ одамларга ўқиб берганини ва улар асарни “СССРдаги аҳвол ҳақида ёзилган

ҳажвия” деб қабул қилишганини айтган. Бу одамлар қаторида у Пастернакнинг номини ҳам тилга олган. Бобровнинг ишида яна бир далил бор — бу Пастернакнинг унга ёзган номаълум мактубининг дастхати. (Мактубнинг санаси қўйилмаган, аммо уни Бобров қиссасини ёзиб тугатган кун билан қамоққа олинган куни ўртасида, яъни 1931 йилнинг 5 октябри билан 1933 йилнинг 28 декабри ўртасида ёзилган деб тахмин қилиш мумкин).

“Арбат. Катта Николо-Песков тор кўчаси, 5-уй, 9-хонадон С. П. Бобровга. Азизим Серёжа!

Марҳамат қилиб, бугун эмас, эртага (8-нчида) кечқурун соат 9 ларда келсанг. Зелинский билан Динамов (“Лит. газета”нинг муҳаррири) ҳам бўлади. Марҳамат қилиб, “Яқин теварақдаги номаълумликлар”нинг қўлёмасини олиб келсанг. Қўлёмза шу куни оқшомда ўқиладимиз ёки бошқа куни ўқиладимиз — аниқ айтолмайман. Шундоқ бўлса ҳам қўлёмза ёнингда бўлишини жуда истардим. Бироқ унинг тўғрисида Д. нинг иштирокида гап бошлашни истардим. Бу — бир. Иккинчидан эса, уни Зина билан Гемр. Густ. билишмайди. Қўлёмза эсингдан чиқмасин. Олиб кел. Агар вақти бўлса, албатта, Мария Павловнани ҳам олиб кел.

Сенинг Борисинг”.

Хатарли қўлёмза билан танишлиги аён кўришиб турипти, бунинг устига уни тарғиб ҳам қиляпти. Пастернак қиссанинг йўлини очмоқчи, уни ўқишни уюштиряпти. Бунга бугун бошли бир гуруҳ одамларни — Зелинский ва Динамов деган адабий танқидчиларни, таниқли пианиночи Генрих Густавович Нейгаузни хотини билан, Бобровнинг хотини таржимон Мария Павловна Богословскаяни тақлиф қилмоқда.

Пастернакни 1937 йилда ҳам қамашлари мумкин эди. “Ашаддий жиноятчи” адиб Борис Пильнякнинг кўрсатмаларини рўқач қилса бўларди. Борис Пильняк Пастернакни энг яқин дўстим ва ҳамфикрим деб атаган. Ўша йилнинг ўзида Пастернак ёзувчиларнинг Якир Тухачевский ва бошқа саркардаларнинг қатл қилинишини маъқуллаган коллектив хатига имзо чекишдан бош тортган.

Пастернакни 1939 йида ҳам бир кунда суд қилинган ва отиб ташланган Михаил Кольцов ва Всеволод Меерхольдларнинг кўрсатмаларига биноан қамашлари мумкин эди.

Кўп ойлар давом этган даҳшатли қийноқлардан кейин 23 март куни Кольцов Пастернакнинг Фарбдаги буржуа ёзувчилари билан жуда хатарли алоқалари ҳақида кўрсатма беради. У гапни 1935 йилда Париждаги Халқаро ёзувчилар конгрессида содир бўлган можародан бошлайди:

“Конгрессда раислик қилган Андре Жид ҳар хил йўллар билан СССРга ва коммунизмга қойил эканини намоёиш қилишга уринди, бироқ айни чоғда мажлислардан ҳоли вақтларда у совет вакилларига ва хорижий коммунистларга ўзининг душманлигини ва хушламаслигини ошкора намоён қила бошлади. Андре Жид ва французлар томонидан вакил қилинган Эренбург уларнинг ва ўзининг номидан совет вакилларининг таркибидан норозилик изҳор қилди, жумладан, у вакиллар сафида Пастернак ва Бабель йўқлигидан ранжиди ва Эренбургнинг фикрича, фақат Пастернак билан Бабелгина ҳақиқий ёзувчи ва фақат уларнинггина Парижда рус адабиётининг вакили бўлишга ҳақлари бор. Совет ёзувчиларининг биринчи чиқишларидан кейиноқ А. Жид СССРда ёзувчиларнинг яхши турмуш кечириётганини мадҳ этиш Конгрессда жуда ёмон таассурот қолдираётганини айтди. “Шундай бўлиб чиқяптики, Россияда ёзувчилар фаровон турмуш кечирувчи имтиёзли тоифа бўлиб, улар ўзларининг тор шахсий манфаатлари йўлида шўро тузумини қўллаб-қувватлайдилар”. Конгресснинг учинчи куни Жид Эренбург орқали кескин талабномасини маълум қилади — ё Парижга дарҳол Пастернак билан Бабель чақирилади, ё А. Жид билан унинг дўстлари Конгрессни ташлаб чиқиб кетишади. Айни чоғда у Париждаги Совет ваколатхонасига бориб, у ерда ҳам худди шу талабини айтади. Пастернак билан Бабелни чақиридилар. Улар Парижга Конгресснинг сўнгги кунда етиб келишади. Пастернак ва Бабель билан, худди шунингдек, Эренбург билан А. Жид ва бошқа буржуа ёзувчилари ўртасида бир неча йилдан бери алоҳида алоқалар мавжуд.

Жид СССРдаги аҳвол тўғрисида ахборотни фақат шу ёзувчилардан ишониб олишини айтди: “Фақат уларгина ҳақиқатни айтишади, бошқалари — сотилган...” Пастернак ва Бабелнинг Жид билан алоқаси 1936 йилда Жид Москвага келгунига қадар узилгани йўқ. Совет арбоблари билан учрашувдан бўйин товлаб, СССРдаги ҳаёт тўғрисида ҳамда шўро қурилиши ҳақида ахборот олишдан бош тортиб, Жид айни чоғда Пастернак билан унинг чорбоғида учрашгани махсус кунлар ажратди. Чорбоғда улар ҳамманинг чиқиб кетишини талаб қилиб, кўп соатлар мобайнида яккама-якка гурунглашишди. Пастернакнинг аксилшўровий кайфиятларини билгани учун айтиш мумкинки, Жиднинг бўҳтонларга тўла ёзганлари ва айниқса, СССРдаги маданий ҳаёт тўғрисидаги мақолаларнинг кўпчилиги қисми Пастернакдан илҳомланиб ёзилгани аниқ...”

Кольцовнинг кўрсатмаларига орган ходимлари дарҳол муносабат билдиришган: “Унинг кўрсатмалари бўйича аксилшўровий ташкилотнинг Кольцов тилга олган аъзоларини зудлик билан қўшимча равишда қамоққа олиш керак”.

Меерхольднинг иши бўйича ҳам худди шунақа хулосалар чиқарилган: “Унинг алоқалари тафсилотини ва Б. Пастернак билан Ю. Олешанинг аксилинқилобий ташкилотга қандай жалб қилинганини аниқламоқ лозим”.

Меерхольд эса зарур аниқликлар киритадиган кўрсатма берган. Тўғри, қийноқлардан кейин бир оз ўзига келгач, бу кўрсатмасини қайтиб олган.

“Мен Б. Пастернак билан... партия ва ҳукуматга қарши ҳеч нарса гапирган эмасман... Мен на Б. Пастернакдан, на Ю. Олешадан, на Д. Шостаковичдан троцкийчилар ташкилотига киришни талаб қилганман. Бу шахслар зиммасига мен ҳеч қанақа топшириқлар юклаган эмасман. Бу гурҳ ёзувчилар ва санъаткорлар санъат соҳасидаги қарашларининг муштараклиги заминида жипслашганлар. Уларнинг ҳеч қайсиси троцкийчилар таъсирига берилган эмаслар. Мен томонимдан Б. Пастернакка трокийчи ташкилот учун аксилшўровий кайфиятдаги ёзувчилардан танлаш тўғрисида ҳеч қандай топшириқ берилмаган. Б. Пастернак гўё С. Кирсанов ва О. Брикларни аксилшўровий троцкийчилар ташкилотига жалб қилгани тўғрисида менга ҳеч қачон ҳеч нарса деган эмас...”

Қатл қилинишидан бир ой олдин Меерхольд худди шулар тўғрисида Молотовга ҳам ёзган: у қийноқлар остида “трокийчи” Б. Пастернак, И. Эренбург, Шостакович ва бошқа маданият арбобларига қарши кўрсатма берган, лекин “нисбатан мутаносиб бир ҳолга” келгач, куракда турмайдиган бўҳтон сифатида уларни инкор қилган.

Ажаб эмаски, Меерхольднинг унга зўрлаб ёпиштирилган ёлғондан кескин бўйин товлаши Пастернакни муқаррар бўлиб қолган маҳбусликдан халос этган.

Уни қамашга тайёргарлик кўрилган. Лекин шунга қарамай, уни қамамадилар. Уни қамаш тўғрисида Хўжайиннинг фармони олийси бўлмади.

Пастернакни кейинроқ ҳам қамоққа олишлари мумкин эди.

1947 йил. Пастернак бу даврда Петефи ва Шекспирнинг таржимаси билан банд, роман устида иш олиб борарди. Тўсатдан “Маданият ва ҳаёт” газетасида Алексей Сурковнинг мақоласи чиқиб қолади: “Замондан ташқарида яшовчи таркидунёчилик мавқеида турди... Субъектив-идеалистик позицияси... Янги воқелик билан айри тушган ҳолда яшайди... Совет инқилоби тўғрисида ошкора хушламай ва ҳатто қаҳр-ғазаб билан гапирди... Янги воқеликка тўғридан-тўғри бўҳтон ёғдиради...”

Сўнг хулоса: “Совет адабиёти унинг мавқеига тоқат қилиб индамай туролмайди”.

Мақола эмас, марказий матбуотда эълон қилинган сиёсий чақув. Бу айбловларни бошқа газеталар ҳам илиб олишади. Пастернакни мажлисларда “маънавий қувватларининг қашшоқлиги” учун, “улар катта шеърят яратишга ноқобил бўлгани” учун ланатлашади.

Хўрлашнинг яна бир янги ҳалқаси. Пастернак бунақа ошкора ҳужумларга кўникиб қолган. Унга ҳар қанча оғир бўлмасин, у зоҳиран босиқлигини йўқотмайди, ҳатто ўзидан баттарроқ аҳволга тушганларга мадад бермоқ учун куч ҳам, вақт ҳам топади.

Лубянка архивида, иттифоқо, Борис Пастернакнинг яна бир номаълум мактубининг асл нусхаси сақланиб қолган. Бу мактуб Фрунзе шаҳрига таржимон Елена Дмитриевна Орловскаяга ва унинг дўсти балқар шоири Қайсин Кулиевга йўлланган. У пайтларда Қайсин Кулиев Сталин томонидан ўз юртидан ҳайдалган туғишган балқар халқининг қисматини баҳам кўрмоқ учун ихтиёрий тарзда сургунни бўйнига олган эди. Мактуб чекистларнинг қўлига қандай тусиб қолган — почтада олиб қўйилганми, тинтув вақтида олиб кетилганми ёхуд шунчаки ўғирлаб олинганми — буни аниқлашнинг иложи бўлмади.

“Буюртма мактуб.

Фрунзе. Почтамт. Сўраб олинадиган. Елена Дмитриевна Орловскаяга. 1947 йил 22 ноябрь.

Азизим Елена Дмитриевна!

Мактубингизда бир ой муқаддам менга мактуб ёзганингизни тилга олибсиз. Лекин мен у хатни олганим йўқ. Сўнги хатингизга ҳам дарҳол жавоб бериб, биронта откритка юбормоқчи бўлдим, кейин бу фикримдан қайтдим. Шундай қилсам сизга бу мактубда айтаётган гапларим чала-чулпа бўлиб қоларди.

Ўша куниеқ Скосиревга кўнғироқ қилиб, Сиз “Дружба”га жўнатган шеърларнинг тақдирини суриштирдим... (П. Г. Скосирев-адиб, “Дружба народов” мажмуасининг ходими. — В. Ш.) Улар босилмас экан. Аммо бунинг сабаби Сиз айтгандай “сизнинг таржимон сифатидаги ночорлигингиз” эмас. Аксинча, уларни босмасликларига сабаб шуки, улар жуда ҳам маъқул, ҳатто керагидан ортиқ даражада маъқул, бу эса ҳозирги шароит тақозосига сира тўғри келмас экан.

Сиз менга меҳрибонлик кўрсатиб, ҳамма нарсада муболаға қиляпсиз. Шундоқ бўлса-да, мактубингиз жуда зийраклик билан битилган. Ундан мана шу катта нарсаларнинг ҳаммасидан бохабарлигингиз яққол кўриниб турипти. Шунинг учун мен сизга миннатдорлик айтишимдан кўра, сизга қойил эканимни айтсам яхшироқ бўлар.

Бироқ тасаввур қилингки, бир масалада сиз адашяпсиз. Нима учунлигини билмайман — менинг жамики қусурларимни унутган ҳолда ва қилган ишларимнинг арзимаслигига қарамай, бу дунёда менга жуда катта жойни саришта-лаб, тайёр қилиб қўйишипти. Менинг ишим энди шу жойни эгаллаш ва шу эъзозни оқлаш.

Бу жойни тўлдирмоқ учун қилишим зарур бўлган иш романни ёзиб битиришдир (бирок рўзгор тебратмоқ учун ярим йилга роман устидаги ишни тўхта-тишга тўғри келди), лекин амалда, ҳар бир одамнинг кўзига кўриниб турган кундалик турмушда мен ўзимга аталган бўш жойни эсанкираш ва изтироб билан тўлдирмоқдаман. Бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки бузуқлик ва сафсата бўронлари шу қадар кучли қутурмоқдаки, нафаслар бўғилиб кетяпти. Лекин шуниси яхшики, мени қўрқоқликда айблаб мулзам қилганларида ҳам бу тўғрида ортиқ гапиришимга тўғри келмайди. Зарур бўлса, менинг оёқларим ва қўлларим гапиради, чунки ҳаммаси аён, ҳаммаси равшан.

Руҳингизни туширманг, зерикиб сиқилишни хаёлингизга ҳам келтирманг. “Суронли” пойтахт билан овлоқ жойнинг тафовути ҳозир унчалик катта эмас, шунчаки номигагина. Ҳамма жойда ҳам озми-кўпми бир хил. Ахир, ҳақиқий маскан шаҳарлар эмас, қалб ва виждондир. Столим устида мактубингиз ётипти, шу сабабдан сиз менинг назаримда юзлаб мен ёмон кўрадиган лауреатлардан кўра салмоқлироқсиз. Ҳозир мен фикран ҳам, қалбан ҳам икковингиз билан биргаман.

Менинг тузуккина сувратим йўқ, бори ҳам қолмади. Лекин битта суврат бор — ҳар қанча сифатсиз бўлмасин (қайта ишлаганда қанақа чиқишини худо билади), шуни “Советский писатель” чиқараётган танланган шеърлар китоби учун ажратиб олишди. Китоб босмадан чиқиши билан. Сизга ҳам, Қ. Кулиевга ҳам бир нусхадан жўнатаман. (Пастернак “Танланган асарлар”и тўлалигича босмадан чиққандан кейин йўқ қилиб ташланди ва китобхонларга етиб бормади. — В. Ш.) Сизда ва унда менинг таржимамда чиққан “Ҳамлет” ва “Грузин шоирлари” борми?

Қайсинга айтиб қўйинг — уни бу ерда ҳамма суйиб эслаб туришади. У бошига тушган воқеаларга енгилроқ муносабатда бўлсин. Есениндан кейин мен учратган одамлар ичида жонли истеъдоди ва уни бениҳоя самимий ифодалашига кўра хотирамда қолган энг ёрқин сиймо Қайсиндир. У шунини билмоғи керакки, унинг бошидан кечаётган ҳозирги машмашалар жуда арзимас нарсалар, улар ўтиб кетади. Кулфат ҳам орому фароғат каби омонат ва ўткинчи нарса. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мабодо у ҳозир шон-шухрат кўкида парвоз қилиб юрган бўлса, нечоғлик бемаъни гапларни такрорлашга мажбур бўларди.

Чинакам жасоратдан руҳланган, яъни ҳар қандай маҳрумийатларга тайёр турган катта шахснинг ижодий ҳуқуқлари чегара билмайди. Дунёда қалб тарихи бир хил ва ҳар нима деганларида ҳам халқнинг кўз ўнгида кечади. Ҳеч нарса йўқ бўлиб кетмайди, ҳеч нарсага пушаймон қилиш керак эмас, ҳеч нарсадан кўрқмаслик керак.

Сизга йўл-йўлакай, шоша-пиша ёзаётганим учун узр. Бу ёзганларимнинг ярмини силлиқроқ ва аниқроқ ифодаласам бўларди, аммо бунга вақт қани?

Саломат бўлинглар! Икковингиз ҳам шунақа чин инсон эканингиз билан бахтиёр бўлинг.

Бирор нарса жўнатишнинг иложи бўлиб қолса, албатта, жўнатаман.

Ҳамиша ҳақларингга дуодаман.

Сизнинг Б. Пастернак”.

Пастернакни 1949 йилда ҳам қамашлари мумкин эди — ўшанда Яҳудийларнинг антифашист қўмитаси тор-мор келтирилиб, яҳудий зиёлиларидан анча-мунча одам қамоққа олинган ва “беватан космополитларга” қарши аёвсиз кураш бошлаб юборилган эди.

Қурбонлардан бири — профессор, филология фанлари доктори, адабий танқидчи Исаак Маркович Нусиновни 19 апрель кунини Пастернак тўғрисида махсус, батафсил ва қийноқ билан сўроқ қилишади. Терговчи шоир тўғрисида бир неча фактни кўлга киритишга муваффақ бўлади. Бу фактлар уни “халқ душманлари” қаторига қўшиб қўйиш учун етиб ортар эди.

Жумладан, Нусиновнинг маълумот беришича, Пастернак 1941 йилда яҳудийларнинг антифашистик қўмитаси раиси, артист Михольснинг таклифи билан митингда қатнашишга даъват этилган. Пастернак аввалига рози бўлган, кейин эса қатнашишдан бош тортган. Нусинов сўроқда қуйидагича кўрсатма беради: “Пастернак нафақат митингда ўзининг нутқ сўзлашини мақсадга номувофиқ деб ҳисоблашини, балки, умуман, шу митингнинг ўтказилишини нотўғри деб билишини айтган, чунки бу митинг Германиянинг ҳукумат доираларида нотўғри акс-садо бериши ва қай бир даражада яҳудийлар тақдирида салбий таъсир кўрсатмоғи мумкин...”

1941 йил октябрида немислар томонидан қамал қилинган Москвадан ёзувчилар эвакуация қилинганда Нусинов Пастернак ва мунаққидлар Шкловский ҳамда Гурвичлар билан бир вагонга тушиб қолган экан. Нусиновнинг кўрсатмасига кўра, йўлда Шкловский билан Гурвич партия ва ҳукумат раҳбарларига қарши ғазаб билан аксилшўровий гапларни гапиришган ва уларга туҳматлар қилишган. Хўш, Пастернак-чи? “Пастернак гарчи сукут сақлаган бўлса ҳамки, унинг айрим луқмаларидан аксилшўровий гапларга хайрихоҳ экани кўриниб турар эди”.

Кейин тақдир Пастернак билан Нусиновни Кама дарёси бўйидаги чоққина Чистополь шаҳрида бир-бирига рўпара қилади. Кўпгина ёзувчилар эвакуацияни шу шаҳарчада ўтказишган эди. Шу ерда шоирнинг душманлик қиёфаси тўлалигича намоён бўлади.

У “шўро шароитида катта адабиёт яратишнинг имкони йўқлиги ҳақида гапирган... шўро цензурасининг қаттиққўлигидан афсусу надоматлар чеккан, “бир балоси чиқиб қолиши” мумкинлигидан кўрқиб оқибатида ҳамма муҳаррирлар ва ноширлар ёзувчилар учун чидаб бўлмайдиган шароит барпо этишганини таъкидлаган... Шундай аҳволнинг натижаси ўлароқ кўпгина ёзувчилар ё бутунлай ёзишни йиғиштириб қўйишган ёки арзимас асарлар ёзиш билан ўзларини четга тортганлар”.

Кейин гап янада кўпаяди. Терговчи шоирнинг адабий қарашларидан сиёсий қарашларига ўтади ва ҳолдан тойган маҳбус бу борада унга бой озуқа беради:

“Пастернак иккинчи жаҳон урушининг охирига бориб Совет Иттифоқида муҳим демократик ўзгаришлар амалга оширилади, деб ҳисоблайди. Бу ўзгаришларга буржуа — парламент тартиблари намуна қилиб олинармиш, уларнинг асосида эса Атлантика хартияси ётармиш... Шундагина фақат Пастернак эмас, балки ундан бошқа ҳам “оғзига сув солиб олган” бошқа кўпгина адиблар ўзларининг ёзувчилик истеъдодини намоён этиш имкониятига эга бўлар эмиш”.

Сайр қилиб юрганларимизнинг бирида Пастернак менга “Бир оз кечикиб бўлса-да, Россияда бир вақтлар Фарбий Оврupo давлатларининг бошидан кечган воқеалар такрорланди, деди. Францияда — Робеспьер, Англияда эса Кромвель диктатура ўрнатган эдилар. Бу диктатура мамлакат ҳаётини тўхтатиб қўйди. Бироқ бу диктатуранинг умри узоқ бўлмади, шунинг учун ҳам у халққа катта зарар етказиб улгурмади. Бизда — Россияда эса, — деди Пастернак, — диктатура даври ҳаддан зиёд чўзилиб кетди ва шунинг учун мамлакат халқлари маданиятининг ўсишига салбий таъсир кўрсатди...”

... ниҳоят, 1959 йилга келиб, хорижда романининг эълон қилиниши муносабати билан СССР Бош прокурори Руденконинг ўзи шоирни икки соат мобайнида сўроққа тутиб, дағдага қилган. “Сизнинг ҳаракатларингиз алоҳида хавfli давлат жинояти сирасига киради ва қонун бўйича жинoий жавобгарликка тортилмоғингиз керак...”

Пастернакнинг бутун умри қамалиш хавфи остида, ҳамиша ҳушёр Органларнинг нигоҳи остида ўтди.

Андрей Платонов жуда аниқ таъриф бериб айтган “Бутун жаҳон Коммунизми номидаги Инқилобий кўриқхона” етмиш йилдан ортиқроқ давр сурди. Шу давр мобайнида унда ақл ва истеъдод муҳрига эга бўлган одамларни овлаш, таъқиб қилиш бир кун ҳам тўхтагани йўқ. XX аср рус адабиёти диктатурага қарши тенгма-тенг олишиб улғайди.



Туркиялик олим тухфаси

Хорижда, айниқса араб мамлакатларида ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорийга бағишланган юзлаб китоблар, тадқиқотлар эълон қилинган. Алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида туркиялик олимлар ҳам салмоқли ишларни амалга оширганлар. Таниқли олим, доктор Фуод Сезгин бундан қирқ икки йил (1956) муқаддам Истамбулда нашр этилган “Бухорийнинг қўлёзмалари тўғрисидаги араштирмалар” номли илмий тадқиқотида буюк аллома қаламига мансуб асарларнинг қўлёзмалари ҳақида фикр юритади. Бу йирик тадқиқотда дунёнинг турли шаҳарларида сақланаётган Имом ал-Бухорий асарларининг қўлёзма нусхалари ҳар томонлама теран таҳлил қилиниб, илмий ва амалий аҳамияти очи берилган. Мазкур тадқиқот буюк муҳаддис асарларига бағишлаб туркий тилда яратилган дастлабки тадқиқотлардан ҳисобланади.

Яна бир китоб Туркия Диёнат вақфи томонидан “Ислом буюклари тезиси” рукни остида чоп этилган доктор Мустафо Ўгурнинг “Имом Бухорий” номли рисоладир. У 1994 йилда Анқарада нашр этилди. Бу асар буюк аллома ҳаёти ва ижодини ёритувчи илмий-оммабоп нашрлардан саналади. Ҳажм жиҳатидан муъжазгина ушбу рисола, энг аввало, тилининг содда, равлонлиги, кўпчилик тушунадиган оммабоп услубда ёзилганлиги билан диққатга сазовор.

Рисоланинг кириш қисмида Имом ал-Бухорий туғилган юрт Бухоро ҳақида, VIII—IX асрларда унда зироат, тижорат

ва илм-фаннинг юксалгани, шаҳар Буюк Ипак йўлини боғловчи марказий савдо йўлларидан бири бўлганлиги ёритилади. Муаллиф Бухорога таалуқли маълумотларни ёзма манбаларга, айниқса йирик муаррих Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарига таяниб ҳикоя қилади.

Рисоланинг биринчи боби “Ал-Бухорийнинг ҳаёти” деб аталган, у бир неча бўлим ва қисмлардан иборат. Уларда алломанинг туғилган йили, оиласи, отаси — ўз даврининг етук ҳадисшунос олими бўлган Исмоил ал-Бухорий ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилади.

Маълумки, Имом ал-Бухорий ёшлик чоғларидан диний ва дунёвий илмларни, айниқса пайғамбаримиз Муҳаммад алай-ҳиссаломнинг ҳадисларини алоҳида бир меҳр-муҳаббат билан ўрганган, илм чўққиларини эгаллашда мингдан ортиқ устозлардан сабоқ олган.

Доктор Мустафо Ўғир ўз рисоласида Имом ал-Бухорийнинг мана шу устозларини бирма-бир санаб ўтади.

Яна бир муҳим нуқта шуки, Имом ал-Бухорийга бағишланган қатор тарихий манбалар ва ҳозирги замон тадқиқотчиларининг асарларида алломанинг хорижий мамлакатларга қилган сафарлари умумий тарзда тавсифланади, аммо ана шу санага алоҳида эътибор берилган. Масалан, аллома 828 йилда Шом (Сурия)да бўлгани, 832 йили Мисрга боргани, сўнгра Басрага қайтгани ва бу мамлакатлар ва шаҳарларда қайси олимлар билан мулоқотда бўлгани аниқ келтирилган. Алломанинг Балх, Марв, Нишопур, Рай

каби йирик шаҳарлардаги фаолияти ҳам батафсил ёритилган.

Имом ал-Бухорийнинг қувваи-ҳофизаси инсон ақли бовар қилмайдиган тарзда кучли бўлган. Баъзи олимлар бунга ишонқирамай, уни имтиҳон қилишга уринганлар ҳам. Мана шундай имтиҳонлар Бағдодда ва Самарқандда ҳам уюштирилган. Мазкур рисолада муаллиф Имом ал-Бухорийнинг турли синовлардан ўтиши батафсил ҳикоя қилинади.

Биринчи бобда Имом ал-Бухорийнинг Нишопурда беш йил давомида мадрасада ҳадис илмидан дарс бергани, ҳадисшунос олим Муҳаммад ибн Яҳё аз-Зухлий билан ўргаларида ихтилоф чиққандан кейин Бухорога келгани, ўз она юртида амир Холид ибн Аҳмад аз-Зухлийнинг таъқибига учрагани, оқибатда Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига келиб қолгани, қариндошлариникида бир неча ой яшагач, 870 йилнинг 31 август кунини 62 ёшида вафот этганлиги ёритилади.

Рисоланинг навбатдаги боби “Имом ал-Бухорийнинг шахси ва фикҳ қарашлари” деб аталган. Бу бобда Имом ал-Бухорийнинг шахсияти, табиати ва феъл-атворига доир маълумотлар келтирилган. Улар билан танишар эканмиз, буюк аллома юмшоқ табиатли, очиқ кўнгил, ғоятда саҳий, адолатпарвар бир инсон бўлганлигига гувоҳ бўламиз.

Муаллифнинг кўрсатишича, олим асарида ўз фикрларини баён этиш жараёнида бировни кескин қоралайдиган танқидий ибораларни ишлатмаган. Кўнгилни оғритмайдиган, беозор сўзлар воқитида мулоҳаза юритган. Ҳатто камчилиги очиқ-ойдин кўриниб турган одамларга нисбатан ҳам самимий ҳолда “бу масалани яхшилаб ўйлаш керак эканда”, “бу ривоятни шундоқ қолдирганлар”, “бу хусусда ҳеч нарса демаганлар” каби гапларни ишлатганлар. Имом ал-Бухорий нафақат ҳадис илми, балки фикҳ (ислом қонуншунослиги) илми бўйича ҳам йирик олим ҳисобланадилар. Шу боис бу бобда алломанинг фикҳ соҳасидаги хизматлари ҳақида тўла фикр юририлган.

Саҳийх (ишончли, тўғри) ҳадисларни аниқлашда Имом ал-Бухорий қўллаган услублар ҳамда бу борада у ишлаб чиққан тартиботлар ҳақида ҳам айнан шу бобда ҳикоя қилинади.

Рисоланинг охири — учинчи боби “Имом ал-Бухорий асарлари” деб аталади. Бу бобда аллома қаламига мансуб йигирмадан ортиқ асарлар, уларнинг мазмун-моҳияти, қўлёзмалари, бошқа тилларга қилинган таржималари ҳақида фикр юритилган. Албатта, алломанинг шоҳ асари “Саҳийх ал-Бухорий” номи билан машҳур бўлган “ал-Жомъе ас-саҳийх”нинг қўлёзма нусхалари, бошқа тилларга таржималари, шарҳлари, мазмуни ва бошқа маълумотлар ҳам катта қизиқиш билан ўқилади.

Туркияда алломанинг “Саҳийх ал-Бухорий” асарини оммавий тарзда ўрганиш борасида амалга оширилган ибратли, маърифий ишлар ҳам рисолада кенг баён этилган. Унда қайд этилишича, Туркияда кўпдан буён бу муҳим асарни ўрганиш ва ўзлаштиришни осонлаштириш учун кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган кичик-кичик, ихчам, оддий тилда ёзилган китобчалар кўплаб нашр қилинар экан. Шунингдек, мамлакатнинг барча мадрасалари, жомеъ масжидлари ва турли-туман олий ва ўрта ўқув юртлари ҳамда махсус ташкил қилинган кўплаб тўғарақларда “Саҳийх ал-Бухорий”ни чуқур ўрганилиши диққатга сазовордир. Туркиялик уламолар ва дин пешволари ўртасида Қуръон ҳофизлари (Қуръонни тўлиқ ёдлаганлар) кўп бўлганлиги каби ал-Бухорий ҳофизлари ҳам бўлиб, улар жамиятда алоҳида ҳурмат-эътиборга эга шахслар ҳисобланар экан.

Рисолада турли табиий офат (зилзила, ёнғин, сув тошқини, уруш ва ҳоказо) юз берган пайтларда ҳам турклар орасида “Саҳийх ал-Бухорий”ни ҳатм қилиб, Оллоҳга илтижо қилиш одати азалдан мавжуд бўлганлиги таъкидланади. Йирик илоҳиятчи олим ал-Ҳасан ал-Басрий (642—728) хотирасига бағишланган Туркия Буюк Миллий Мажлисининг (1920 йил 23 апрелда) анжумани иш бошлашидан олдин Мустафо Камол Отатуркнинг фармонида кўра мамлакатдаги қатор жомеъ масжидларида Қуръони Карим ҳатмидан кейин Имом ал-Бухорийнинг “Саҳийх ал-Бухорий” асари ҳам ўқилган. Шунингдек, Мустафо Камол Отатурк кўрсатмасига биноан ҳар хил воқеалар муносабати билан ҳам бир неча марта Онатўлининг барча жомеъ масжидларида “Саҳийх ал-Бухорий”ни мутолаа этиш маросимлари ўтказилган.

Бу маълумотлар “Саҳийҳ ал-Бухорий” қардош Туркияда башарият томонидан яратилган энг улуғ асарлардан бири сифатида юксак ёзозланиб, алоҳида меҳр ва қизиқиш билан ўрганилганидан далолат беради.

Доктор Мустафо Ўғур рисоласи Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ибратли ҳаёти ва бой маънавий мероси ҳақида кўп қимматли маълумотларни ўзида мужасамлаштирган. Ушбу рисолаи ёзишда муаллиф Имом ал-Бухорий ва унинг илмий мероси ҳақида муҳим маълумотлар берувчи ўрта аср араб муаллифлари асарларидан ғоятда унумли фойдаланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Улар жумласидан Ал-Ҳатийб ал-Бағдодий (“Бағдод тарихи”), Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий (“Бухоро тарихи”), Тожуддин ас-Субҳий (“Ат-Табақот ашшофиъийа ал-кубро”), Шамсиддин Муҳаммад ибн-Аҳмад аз-Заҳабий (Сийар аълом ан-нуабало”, “Тазкират ал-ҳуф-

фоз”), Ёкут ал-Ҳамавий (“Муъжам ал-булдон”), Ҳожи Халифа (“Кашф аз-зунун”), Ибн Имод ал-Ҳанбалий (“Шажарат аз-заҳаб”), Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қасталоний (“Иршод ас-сорий шарҳ Саҳийҳ ал-Бухорий”), Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (“Ҳадиюс-сорий Муқаддимат Фатҳ ал-борий”, “Таҳзийб ат-таҳзийб”) кабиларни кўрсатиш мумкин. Рисолада шунингдек Имом ал-Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабийр” (“Катта тарих”) “ат-Тарих ас-сағийр” (“Кичик тарих”) каби асарлари бирламчи манба сифатида қайд этилган. Ҳозирги замон тадқиқотчиларининг Имом ал-Бухорийга бағишланган тадқиқотларидан (масалан, Фуод Сезгин, Меҳмед Акиф, Аҳмед Наим) ҳам унумли фойдаланилган.

Туркиялик доктор Мустафо Ўғурнинг мазкур рисоласи буюк бобокалонимизнинг ҳаёти ва меросини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этувчи асар сифатида қимматлидир.

*Убайдулла УВАТОВ
филология фанлари номзоди.*



Жеймс Хэдли ЧЕЙЗ

Гонконгдан келган тобут

Роман¹

Кечув ёнидаги майдонда ўн беш дақиқача у ёқдан бу ёққа югуриб, Лейлани ахтардим. Кейин ташвиш тўла ҳис билан такси тўхтатдим-да, меҳмонхонага бордим.

Кекса нозим ўз ўрнида мудраб ўтирарди.

— Лейла келдими?— сўрадим ундан.

У қовоғини кўтариб, менга бепарвогина қаради-да, “инглизча гапирмайди”, деди. Яна кўзларини юмди.

Лейла хонасининг эшиги берк эди. Дастанни бурадим, эшик очилди, хона қоронғи эди. Чироқни ёқдим. Кичкинагина хона бўм-бўш, Лейла йўқ.

Чироқни ўчирмадим, эшикни очиқ қолдириб, ўз хонамга ўтдим. Эшикни ёпмадим. Каравотга ўтириб чекдим, кута бошладим.

Бир соатдан ошиқроқ вақт кутдим. Кейин каравотимга чўзилдим. Яна ярим соатлардан кейин ухлаб қолдим.

Диққинафасликдан уйғониб кетдим. Терга ботиб кетибман. Парда ортидан эрталабки қуёш нури сизилиб кирарди. Бошимни кўтариб қўл соатимга қарадим: йигирма диққа кам саккиз. Ўрнимдан туриб Лейланинг хонасига кўз ташладим. Хона бўм-бўш. Елкамдан совуқ сув қуйилгандай бўлди. Лейлага нимадир бўлган. У мени ташлаб қочмаган бўлса керак. Уни ўғирлашган. Нега ўғирлашганини тушуниш қийин эмас. Афтидан, кимдир унинг кўп нарсани билишидан ва жуда кўп гапиршидан хавфсираганга ўхшайди.

Мен ўйга толдим. Каравотдан туриб, эшикни ёпдим. Соқолимни олиб, ювиндим. Тоза кўйлакни кийиб, ўзимни анча тетик сездим. Даҳлизга чиқиб эшикни қулфладим-да, зинапоёга қараб юрдим.

Нозимнинг ўрнида бир хитой болакай ўтирарди. Хўжайиннинг набираси бўлса керак.

— Лейла қайтиб келмадими? — деб сўрадим мен.

Болакай нимадир ғулдиради ва таъзим қилди. Гапимга тушунмади, шекилли.

Таксини кўп кутишга тўғри келмади. Ўтирдим-у, “полиция маҳкамасига ҳайда”, дедим.

Ишим ўнгидан келди. Мен етиб келган пайтда бош инспектор Маккарти машинасидан тушаётган эди. У мени полициячилар ошхонасига бошлаб кирди. Катта оқ финжонда аччиқ чой қуйиб беришди.

Мен бор гапни айтиб бердим.

Лекин унинг муносабати ғазабимни келтирди. Менинг Британия полицияси билан илк бор тўқнашувим эди. Унинг бепарволиги қонимни қайнатиб юборди.

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

— Аммо, унга нимадир бўлди, — дедим мен бақириб юборишдан ўзимни зўрға тийиб. — Ахир шундоққина ёнимда эди, бирданига йўқ бўлиб қолди. Меҳмонхонага ҳам қайтиб келмади.

Маккарти сархонали мундштугини олди-да, унга тамаки жойлай бошлади.

— Сиз бу ерда ишламагансиз, ошна. Мен бўлсам ўн беш йилдан бери ана шу ойимтиллалар билан шуғулланаман. Улар бугун бор — эртага йўқ. Балки ҳамёни катгароқ бирортасини илингиргандир. Бунақаларга илакишмаган маъқул. Бор будингизни қоқиштириб олишади-да, қочиб қолишади.

Чойдан бир ҳўплаб, сал ўзимга келдим.

— Гап бундамас. Биз меҳмонхонага қайтиб келаётгандик. Ё тавба. Кимдир у кўп гапиряпти деб ҳисоблади, шекилли. Уни ўғирлаб кетишди.

— Нимани кўп гапирди?

— Менга бир қотилликнинг сири керак эди, — дедим қизишиб. Лейла менга баъзи маълумотларни айтганди.

Маккарти менга тутун пуркади. У кулимсиради. Афтидан нимадир деб алжирётган ўғилчасининг гапига кулаётган отага ўхшарди. Мени навбатдаги америкалик фитначи деб ўйлади, шекилли.

— Америкада юз берган қотиллик ҳақида у сизга қандай маълумот бериши мумкин? — сўради у.

Лейла Герман Жефферсон Репала-Бэйда ҳашаматли кошонани ижарага олганини айтди. Уйланганидан кейин уч ой ўтгач, Германда пул пайдо бўлиб, хотинини ташлаб кетганини ҳам Лейла гапирди.

Полициячи илжайди. Инглизларга хос бу ажойиб илжайиш чексиз сабрбардошли мени ҳам ғазаблантириб юборарди.

— Ол-а, сиз мис чақани тилла танга деб ўйлабсиз. Қандайдир хитой фоҳишанинг гапига ишониб ўтирибсиз-а. Сизга ҳайронман.

— Жа сиз айтганчалик содда эмасдирман. У мени алдаб, уйига қайтиб бормаган, мени бир қайғурсин, деб шундай қилган деб ўйлайсизми?

— Фоҳишаларнинг иши шунақа ўзи. Жазманларини чалғитиш учун уйига ётгани боришмайди.

— Сиз Репала-Бэйда яшовчи бирор америкаликни биласизми?

— У ерда яшаётган бир нечасини танийман.

— Агар Жефферсон ўша ерда яшаган бўлса, бу сизга маълум бўларди-ку?

— Маълум бўларди, лекин Герман у ерда яшагани йўқ.

— Демак, Лейла мени алдаб кетибди-да?

У сиёсатдонларга хос тарзда тиржайди.

— Шундай деб ҳисоблаймиз.

Мен ўрнимдан турдим. Бекорга вақт сарфлашни истамадим.

— Чой учун раҳмат. Учрашгунча.

— Ёрдам беришга ҳамиша шайман.

Такси тўхтатиб, меҳмонхонага бордим.

Кекса нозим ўрнида ҳозир у нозир эди. Менга таъзим бажо келтирди. Ундан кўп нарсани сўраб билгим келар, лекин тил билмаслик катта тўсиқ эди. Қаерга бош урма, таржимон керак бўлади. Шунда бирдан эсимга аэропортда менга шахсиятномасини берган Вонг Хон Хо тушди. У ёрдам берса керак.

Лейла хонасининг эшиги берк эди. Тақиллатдим. Жавоб бўлмади. Дастани бураб кўрдим. Эшик қулфланганди. Яна тақиллатдим, қулоқ солдим, ҳеч нарса эшитилмади, ўз хонамга жўнадим.

Нима қилишни билмай бир оз турдим-да, пиджакни ечдим. Ботинкани оёқдан чиқардим-да, каравотга чўзилдим. Бошим гўнғиллар, миямга ҳеч нарса келмасди. Тез орада уйқуга кетдим.

Соат ўнларда эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетдим. Каравотдан сакраб тушиб, эшикни очдим. Остонада кечаги хитой болакай турарди. У тиржайди-да, паства қақиршаётганини имо-ишора билан тушунтирди. Мен оёғимга ботинкани илиб болакайга эргашдим.

Кекса нозим менга телефон гўшагини тутди.

Бош инспектор Маккарти қўнғироқ қилаётган экан.

— Кеча менга гапириб берган қиз хусусида, — деган овози эшитилди унинг. — Ўтган оқшом унга нефритдан ясалган узук олиб бергандим, дегандай бўлвдингизми?

Қотиб қолдим.

— Ҳа, нефритга ўхшатиб ясалган.

— Сиз такс олиб, тезда Четхэм-Роуддаги полиция маҳкамасига етиб келолмайсизми? Бу Каулунда. У ерда битта қиз бор — балки сиз айтган қиз шудир. Унинг бармоғида сунъий нефритдан ясалган узук бор.

— Ўликми? — сўрадим ҳовлиқиб.

— Шунақа, — менга у чекаётган тамакининг ҳиди келгандай бўлди. — Мурданинг кимлигини аниқлаб берсангиз. Сержант Хемишни сўранг.

— У ҳам шотландияликми?

— Худди шундай. Бизнинг полицияда шотландияликлар анчагина.

— Демак, маҳаллий тартибларни сақлашга Шотландия ўз ҳиссасини қўшаётган экан-да.

Қирқ дақиқалардан сўнг Четхэм-Роуддаги полиция маҳкамаси зинапоясидан кўтарила бошладим. Кенгина даҳлиз деворида каттақон тахта осилганди. Унда абжаги чиққан мурдаларнинг суратлари илинган. Ўлдирилган бу хитой эркак ва аёлларнинг кимлигини аниқлаш — инглиз ва хитой тилларида илтимос қилинарди.

Навбатчи сержант менга мўъжазгина бир хонани кўрсатди. У ерда полициячига хос бепарво нигоҳли бир йигит тикилган қозоғларни титиб ўтирарди. Мен ўзимни таништирдим. У саломлашди ва ўзини сержант Хемиш, деб таништирди.

— Сиз менга жасадни кўрсатишингиз керак, — дедим мен.

У чўнтагидан арчагулдан ясалган сархонали мундштугини олди. Гонконг полициясида ашаддий чекувчилар ишлашади, шекилли. У мундштугининг сархонасига тамаки тўлдирди. Яшил кўзлари совуқ ва эҳтироссиз эди.

— Тўғри. Бош инспектор сиз уни танишингиз мумкин, деб ўйлапти. Жасад ўтган кечаси, тахминан соат иккида бўғозда топилган. Танийдиган даражада эмас. Уни кечувда ишлайдиган денгизчилардан биттаси кўриб қолиб, сувдан чиқариб олибди.

Баданимни совуқ тер босди.

— Бу шайтонваччалар ўзларини ўлдиришади, — сўзида давом этарди сержант. — Биз ҳар куни ўнлаб жасадларга дуч келамиз. Хитойлар ўз ҳаётларини қадрлашмайди.

Биз даҳлиз орқали ҳовлига чиқиб, ўликхонага бордик. Столларда бўз чойшаб ёпилган мурдалар ётарди. Сержант мени қалин резина чойшаб ёпилган столга бошлаб борди. Ёпингич четини сал кўтариб, мурданинг саргайиб кетган қўлчасини очди. Унинг бармоғида нефритдан ясалган узук бор эди.

— Эрталабқи нонуштамга бекон¹ли тухум қуймоқ тайёрлаттиргандим, — қувноқ бир оҳангда деди у. — Агар сиз уни таниб берсангиз, вақтида овқатлаишига улгураман.

Мен узукка, нозик бармоқларга қарадим.

— Ҳа, ўша узук, — кўнглим ғалати бўлиб кетди.

Сержант мурданинг кўлини ёпингич билан беркитди.

— О'кэй, бош инспекторга шундай дейман...

Мен мурдага яқинроқ бориб резина чойшабни очдим. Олдимда Лейланинг қолдиқлари ётарди. Унга сўнгги бор “кечир” демоқчи бўлдим, лекин бунга мажолим келмади. Мен чойшабни қайта ёпдим. Унинг кечкурунги овқат пайтидаги қувноқ хитобларини эсладим. Хайрлашув хитоблари экан-да, шўрликнинг. Бизнинг танишлигимиз узоқ чўзилмади, лекин унинг қиёфаси хотирамга чуқур ўрнашиб қолди.

Нариги соҳилда мени терговчи кутарди. У Мак-Ферсон фамилияли қипқизил гавдали киши эди. Ҳаммаёқни шотланд полициячилар босган экан-да, деб ўйладим. Биз жип²да меҳмонхонагача бордик.

¹ Бекон — дудланган ёш чўчка нимтаси.

² Жип — енгил машина.

Полициячи дарбон билан хитойча алламбалоларни гаплашди-да, Лейла хонасининг калитини олди.

Биз даҳлиз бўйлаб борарканмиз:

— Содда муғомбир, — деди Мак-Ферсон. — Бу фоҳишахонани бир текшириб кўриш керак. У ўзича Лейлани фоҳиша эмасди, деяпти, умуман мен уни тушуниб турибман.

Мак-Ферсоннинг бу гапи менинг гашимни келтирди. Лейланинг қабрига муносиброқ сўзларни ёзса арзийди, деб ўйладим. Кўпол шотланд аскарининг бемаъни гапидан жирканиб кетдим.

Мак-Ферсон эшикни очиб, мўъжазгина хонага кирди. Мен даҳлизда қолдим. У касб-корига хос синчковлик билан хонани титкилай бошлади. Жавонда учта кўйлак илиғлиқ турар, қутиди эса биргина ички кийим ётарди. Шўрлик Лейланинг бор бисоти шугина эди.

Бир маҳал Мак-Ферсон нимадир деб манғирлади ва жавоннинг тагини кўздан кечириб бошлади.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим... — деди тўнғиллаб, энгашиб фольга парчасини олди-да, синчиклаб кўздан кечирди. Афтидан, фольгани сигарет қутисидан олишганга ўхшайди.

— Биласизми, бу нима?— сўради у менга фольгани кўрсатиб. Унинг ўртасида доғ бор эди.

— Нималигини айтинг, — дедим.

У жавонни синчиклаб текшириш учун яна энгашди. Бу сафар у кичкинагина ярми ёнган шамни топиб олганди.

Кўлида шам билан фольгани тутганича каравот четига ўтириб, валдираб кетди.

— У гиёҳванд экан. Бу офат ҳар куни кўплаб шўрликлар умрига завола бўлади.

— Нималар деяпсиз?

— Агар сизда мана бундақанги қурилма борми, тамом, сиз гиёҳвандсиз, — деди Мак-Ферсон. — Уни қандай ишлатишни биласизми? Героинни фольгага ўраб, ёниб турган шам устида ушлаб туринг-да, ҳидини искаб кўринг. Буни тайёрлашга бир неча сония кетади, холос. Ҳукумат афъюн чекувчиларга қарши кураш очиб аҳмоқона иш қилди. Тақиклаш энг осон йўл деб ўйлашади. Қаёқда дейсиз! Авваллари гиёҳвандлар учун бино, каравот, чилим керак бўларди. Чилимлар катта бўлар ва қиммат турарди. Бангхонани аниқлаш ва қурилмаю чилимларни синдириб ташлаш ҳеч гап эмасди. Чилимнинг ўзи анча қиммат туради. Гиёҳванд ундан тортгач, каравотга чўзилади. Шунда уларни чилим билан бирга қўлга тушириш жуда осон. — Мак-Ферсон менга қараб қўйди. — Гиёҳвандлар афъюндан героин олишни ўрганишди. Бунинг учун фольга билан шам бўлса бас. Бу зормандани дуч келган ерда ҳидлаб кетавериш мумкин. Кинотеатрларда, ҳожатхоналарда, трамвай, автобус, таксиларда дейсизми, барибир. Ўтибор бериб қаранг-а, энг қутилмаган жойда ҳам чарвидан тайёрланган шамларни кўрасиз. Демак, бу ерда героинни ҳидлашган. Афъюн чекувчи гиёҳванд, у қотил эмас. Лекин адашманг: героин ўлдиради. Хитойларга афъюн чекишни қўйиб берсанг борми, тамом, гиёҳвандларни эплаб бўпсан.

Терлаб кетган иягимни артдим.

— Ваъз учун ташаккур. Лекин мен Лейла ўзини ўлдирган деб ўйламайман. У гиёҳванд ҳам эмасди. Уни ўлдиришган. Мана бу нарсаларни эса бизни чалғитиш учун ташлаб кетишган.

Мак-Ферсоннинг тунд юзи заррача ўзгармади. У бамайлихотир ёнидан сархонали мундштугини олди-да, тамаки тўлдира бошлади.

— Шундай деб ўйлайсизми? — сўради у киноя билан. — Бошлигимнинг айтишича, сиз хусусий изқувар экансиз. Чандлер ва Хамистни ўқиганман, жа олиб қочишади-да. Аммо ҳақиқий ҳаёт бўлак.

— Эҳтимол. Лекин сиз ташвишланманг. Булар унчалик муҳим ҳам эмас.

— Нега энди сиз уни ўлдиришган деб ўйлайсиз? — сўради у бепарволик билан.

— Сизни ишонтириш қийинга ўхшайди. Унинг буюмларини нима қилмоқчисиз?

— Маҳкамага олиб кетаман. Балки бирортаси сўраб қолар. Кекса нозим унинг қариндошлари борми, йўқми, билмас экан. Мен у билан гаплашдим — мутлақо ҳеч нарса билмайди. — Мак-Ферсон ўрнидан турди. — Бехудага бошингизни қотирманг, — деркан, у Лейланинг буюмларини чемоданга тикди. — Агар биз билан ишлаганингизда бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмасдингиз.

— Эҳтимол, фикрингиз ёмонмас.

У ҳайратланиб менга қаради.

— Қанақа фикр?

— Унинг қотиллари ҳам айнан шуни ҳисобга олишган. Шундаймасми?

— Кўйсангиз-чи, — деди у заҳархандалик билан. — Биз юзлаб бунақа ўзини ўлдирганларнинг ишини кўрганмиз...

— Мен бўлсам бундай ишга биринчи бор дуч келиб турибман, — дедим-да, ўз хонамга йўналдим. — Бу ерда яна бир неча кун бўламан, балки сизларга керак бўлиб қоларман.

У менга галати қараш қилди.

— Нега энди керак бўлиб қоламан, деб ўйлаяпсиз?

— Нима десам экан, детектив романларни ўқиш билан шуғулланишимиз мумкин, — дедим-да, эшикни ёпдим.

4

Кекса Жефферсон пулларини сарфлаш пайти келди. Меҳмонхонанинг кекса нозими унча-мунча нарсдан хабардор эканини ич-ичимдан ҳис қилардим. Мак-Ферсонга гапирганидан кўпроқ нарсани айтиб бериши мумкинлигини сезиб турибман. Фақат унинг дил қулфини очолсам бўлгани.

Мак-Ферсон жўнаб кетганига ишонч ҳосил қилгач, пастга, чол ўтирган нозимхонага тушдим. Кекса нозим менга шубҳали қараб қўйди. Мен телефонни кўрсатдим.

Вонг Хон Хо дарров жавоб берди. Худди менинг қўнғироқ қилишимни кутиб тургандек.

— Мени эслайсизми?— сўрадим телефон орқали. — Сиз аэропортда менга ўз шахсиятномангизни бергандингиз. Менга таржимон керак.

— Жоним билан, тақсир.

— Ярим соатдан кейин Шанхай ва Гонконг банки олдида мен билан учраша оласизми?

— Бажонидил, тақсир, мен тайёрман, — деди у.

— Менга машина керак бўлади, — дедим.

Вонг Хон Хо менга хизмат қилишдан хурсанд эканлигини айтиб, бутунлай сизнинг ихтиёрингиздан, деди.

Мен унга ташаккур билдириб гўшакни қўйдим. Нозимга таъзим бажо келтирдим. У ҳам жавобан икки букилди. Шундан кейин меҳмонхонадан чиқдим-да, такси тўхтатиб, банкка йўл олдим.

Жаннет Вест таъминлаган аккредитив бўйича пул олдим-да, кўчага чиқиб Вонг Хон Хонинг келишини кутдим. Шимимнинг орқа чўнтаги гонконг долларини билан тўла эди.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас у ялтироқ “Паккард”ида етиб келди. Саломлашдик. Унга ўз исимини айтдим. У ўзини Вонг деб аташимдан бахтиёр бўлажанини айтди. Барча америкалик мижозлар уни шундай қақришаркан, менинг ҳам шундай аташим унинг учун шараф экан.

— Мен турган меҳмонхонага борайлик. Нозимдан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Лекин у инглизча билмаскан. — Вонг ҳайрон бўлиб менга қаради. — Мен хусусий изкуварман, бир ишни аниқлашим керак, деб тушунтирдим.

У севиниб кетди.

— Мен кўплаб детектив романларни ўқиганман, — деди Вонг тилла тишларини ялтиратиб. — Чинакам детективни учратиш мен учун жуда қувончли, тақсир.

— Мана бу сизнинг кундузги ҳақингиз бўлади, — дедим унга эллик долларни берарканман. — Афтидан, сизни вақти-вақти билан безовта қилиб турадиганга ўхшайман.

Вонг бу пул етарли эканлигини айтди. Лекин машина учун алоҳида тўлашим кераклигини таъкидлади. Мен савдолашиб ўтирмадим, зеро, ҳамкорликда қурумсоқлик панд бериши мумкин.

Биз меҳмонхонага етиб келдик. Машинани соҳилда қолдириб, тепага кўтарилдик.

— Бу яхши меҳмонхонамас, — деди йўл-йўлакай Вонг. — Сизга бу ерда яшашни маслаҳат бермасдим, тақсир. Агар истасангиз, бошқа меҳмонхонага жойлаштиришим мумкин.

— Гап бу ҳақда эмас. Баъзи бир қиладиган ишим бор...

Кекса нозим менга таъзим қилиб, Вонгга бепарвогина қараб қўйди. Вонг ҳам унга худди шундай бепарво назар ташлади.

— Унга айтинг, бир неча савол бермоқчиман, — дедим Вонгга. — Агар менга ёрдам берса, ҳақини тўлайман. Уни хафа қилмайдиган тарзда айтинг.

Вонг чолга узоқ тушунтира кетди. У гапираркан, мен чўнтагимдан пул олдим, ундан ўнга беш долларлик ажратдим-да, қолганини олиб қўйдим. Қўлимдаги пул чолни Вонгнинг гапидан кўра кўпроқ қизиқтириб қолди. Ниҳоят, маълум бўлдики, чол ҳар қандай саволимга жавоб беришга тайёр экан.

Мен унга Жо-Эн мурдасининг суратини узатдим.

— Сўранг-чи, ушбу қизни танирканми?

Дарбон суратни узоқ ва жиддий кўздан кечирди. Кейин нимадир деб гулдурди. Вонг бу қиз шу меҳмонхонада яшаган экан, деб таржима қилди. Ўн беш кун бурун ётоқхона ҳақини тўламай кетиб қолган экан. Меҳмон унинг учун ҳисоб-китоб қилмасмикин? Мен “йўқ” деб жавоб бердим.

Узоқ суриштиришлардан кейин Вонг давом этди;

— У бир америкалик йигитга турмушга чиққан экан. Ўша билан бир хонада яшашибди. Унинг исми Герман Жефферсон экан. Автомобиль фалокатида ҳалок бўлибди, қиз бўлса меҳмонхона ҳақини тўламай жўнаб қолибди.

Мен Жефферсоннинг суратини кўрсатдим.

— Сўранг-чи, мана бу кимлигини биларканми?

Вонг сўради. Нозим кўзини қисиб суратга обдан тикилди-да, нимадир деди.

Вонг таржима қилди:

— Бу айнан шу меҳмонхонада яшаган америкалик экан.

— Бу ерда кўп яшабдими?

Нозим Вонг орқали тушунтирди:

— Америкалик то ўлимигача шу ерда яшаган экан.

Бу биринчи чалкашлик эди. Лейланинг гапига қараганда, Жефферсон меҳмонхонани тўққиз ой бурун тарк этган экан. Чолнинг таъкидлашича, у ўлимига қадар шу ерда яшаган.

— Менга Жефферсон бу ерда атиги уч ой яшаган дейишганди. Кейин хотинини ташлаб қаергадир кетибди. Ўшандан бери орадан тўққиз ой ўтган.

Менинг гапларим Вонгни ҳайратга солди. У нозим билан гаплашиб, қатъиятсиз:

— Чол, мутлақо ишончим комилки, америкалик йигит бу ерда умрининг охиригача яшаган, деяпти.

Агар нозим ҳақ гапни айтаётган бўлса, демак Лейла алдаган.

— Унга айтинг, Лейланинг гапларига қараганда Жефферсон меҳмонхонани тўққиз ой бурун тарк этган. Айтинг, ўйлашимча у алдапти.

Вонг билан нозим бир-бирининг сўзини бўлиб чуғурлай кетишди. Бирдан Вонг тиржайганча менга ўгирилди.

— У алдаётгани йўқ, жаноб Рейн. Қиз янглишган. Жефферсон жуда барвақт кетар ва уйга кеч қайтаркан. Шунинг учун ҳам қиз уни кўрмаган ва кетиб қолган деб ўйлаган.

— Ундай бўлса, нега энди Жо-Эн Лейлага эрим ташлаб кетди, деб айтган?— сўрадим қатъий.

Чол жавоб бермади. У худди қўрққан тошбақа мисол бошини елкалари орасига олди, кўзларини пирпиратиб менга қаради.

Унинг хатти-ҳаракатига қараб, дарди пулни олишу четга чиқиш эканини тушундим.

— Бу саволга у қандай жавоб беришни билмаяпти, тақсир, — деди Вонг.

— Жефферсон нима билан кун кўрарди, — мен масалага бошқа томондан ёндашишга ҳаракат қилдим.

Нозим “билмайман”, деб жавоб берди.

— Унинг олдига қандайдир европаликлар келармиди?

— Йўқ.

— Жо-Эн олдига дугоналари келармиди?

— Йўқ.

Ундан бирор нарса аниқлаш амри маҳолга ўхшайди. Бу фикр мени янада ташвишга солди. Лейла айтганидан бўлак бирор пичоққа илинадиган маълумот йўқ.

— Жо-Эн кетаётганида ўз хонасида бирор буюм қолдирмадими?

Бу атайлаб қўйилган тузоқ эди ва чол унга илина қолди.

— Йўқ, — деди Вонг орқали. — У ҳеч нарса қолдиргани йўқ.

Шунда мен унга ташландим.

— Юки билан қандай қилиб чиқиб кетади, ахир, меҳмонхона ҳақини тўламаган эди-ку.

Вонг саволни адолатли баҳолаб, чолга ўшқириб берди. Бир оз ўйлаб тургач, Жо-Эн чемоданини қолдириб кетганини ва бу қонунга зидлигини айтди.

Мен ўша чемоданни кўриш истагини билдирдим. Чол нимадир деб тўнғиллади-да, ўрнидан туриб, мени Лейланинг хонаси ёнидаги ётоққа бошлаб борди. У эшикни очиб, каравот остидан арзон клеёнка қопланган чемоданни олди.

Бизни кузатиб кирган Вонг аниқлик киритди.

— Мана ўша қизнинг чемодани, тақсир.

Чемодан қулфлог эди.

— Даҳлизда кутиб туринглар, — дедим мен. Улар чиқишгач, эшикни ичкаридан беркитиб олдим. Чемодан қулфини очиш унча қийин кечмади.

Жо-Эннинг сепи Лейланикига қараганда анча бойроқ экан. Буюмларини титкилаб, излаган нарсамни топдим. Чемодан тагида ёпиштирилмаган катта-кон оқ конверт ётарди. Унда Герман Жефферсоннинг ажойиб сурати — Жанет Вест менга берган суратнинг нусхаси. Сурат остига: “Рафиқам Жо-Энга” деб ёзилганди. Ушбу қўпол, ёвуз чехрага диққат билан қарадим-да, суратни яна ўз жойига қўйдим. Каравотга ўтириб, чекдим. Қизиқ, Пасаденадаги Жанет Вест ва Гонконгдаги Жо-Энда айнан бир хил сурат қаёқдан пайдо бўлган? Эҳтимол, уларни Жефферсон тақдим этгандир. Шунда миямда бир савол туғилди.

Лейла билан суҳбатимизни эсладим. Нозимнинг гаплари Лейла айтганларига сира тўғри келмасди. Улардан бири алдаганди. Лекин Лейлага алдаш нима учун керак бўлдийкин?

Бир оз ўйлаб ўтиргач, бу ташландиқ меҳмонхонада яшашимнинг асло ҳожати йўқ, деган қарорга келдим. Алқисса, бу сирли фожианинг ечимини бошқа жойдан излашга тўғри келади.

Мен даҳлизга чиқдим.

Вонг деворга суянганча, чекиб турарди.

Мени кўриши билан қаддини ростлади ва таъзим қилди. Нозим жойига қайтган бўлса керак, бу ерда йўқ эди.

— Қоникдингизми, тақсир?

— Албатта. Мен бу ердан кетаман. Репала — Бэйда бирор меҳмонхона борми?

У бир оз ҳайратланди.

— Албатта, тақсир. У ерда “Репала-Бэй” меҳмонхонаси бор. Жуда зўр. Жой буюрайми?

— Агар мумкин бўлса, ўша ерга дарҳол кўчиб ўтардим.

— Биласизми, тақсир, бу меҳмонхона анча узоқда. Агар Каулунни кўрмоқчи бўлсангиз, анча ноқулай.

— Ҳечқиси йўқ. Анави кекса қўриқчига айтинг, менинг ҳисоб-китобимни берсин.

— Сиз ундан бошқа нарса сўрамоқчи эмасмисиз? — сўради Вонгнинг ҳафсаласи пир бўлиб.

— Йўқ. Яхшиси бу ердан кетайлик.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас бизнинг “Паккард” хушманзара кўча бўйлаб Репала-Бэйга учиб борарди.

5

Репала-Бэй ажойиб гўша экан. Меҳмонхона бўлса шу атроф манзарасига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган эди. Тоғлар денгизга туташиб кетган, зумрад — яшил сувлари мавж ураётган кўрфаз менга жуда ёқиб тушди. Мен жуда кўп жойларда, курорту оромгоҳларда бўлганман. Лекин ҳеч қайси бири бунчалик манзур бўлмаганди.

Вонг меҳмонхонадан деразаси денгизга қараган хона олишга муваффақ бўлди. У “Паккард”ни менга қолдириб, зарур бўлиши билан хизматингизга ҳозир нозирман деган ваъдаларни куюқ қилиб, юз минг таъзиму тазарру билан жўнаб кетди.

Буюмларимни жойлаштирдим-да, аввало телефон китобини варақлаб чиқдим. Герман Жефферсонга олиб борувчи бир ип калавасининг учини топишга уриниб нозимдан сўраб-суриштирдим. На телефон маълумотномаси, на нозим у ҳақда бирор хабар беролмади.

Шунда дарбон билан гаплашишга қарор қилдим. Чунки, одатда, нуфузли меҳмонхоналардаги дарбон ҳар нарсадан хабардор бўлиши керак, деган назария бор. Ундан “кичик бандаргоҳ соҳилидаги қайиқли, денгизга туташ кошона кимники?” — деб сўрадим.

Жавоб беришдан аввал, дарбон менга ўйчан қараб қўйди.

— Сиз Лин Фэн кошонасини айтаяпсизми, жаноб? Ҳозир уни жаноб Энрайт ва унинг синглиси эгаллаб турибди, улар америкалик.

— Мабодо қулофингизга чалинмадимми, у ерда Герман Жефферсон деган йигит яшамаганмикан?

У бошини сарак-сарак қилди.

— Жефферсон? Йўқ, жаноб. Унақа одамни эшитмаганман.

Бир оздан сўнг чўмилиш кийимида одам ғуж-ғуж қумлоқ соҳилга чиқдим. Ижарага сув велосипеди олдим-да, денгизга сузиб кетдим. Зўр бериб соҳилдан анча узоқлашдим, бу ердан бутун соҳил кафтдагидек кўриниб турарди. Лин Фэннинг кошонасини дарҳол танидим. У хилват гўшада, қалин дарахтлар билан қопланган бурунда жойлашган экан. Тоғ ёнбағрида яратилган боғ гуркираб турибди. Нафис зинаполяр мўъжазгина бандаргоҳга олиб тушади, у ерда эса тезюрар катер боғлиқ турибди.

Мен шу атрофни яхшироқ кўздан кечириш учун бандаргоҳга анча яқин сузиб бордим. Лейла айтганидек, агар Герман Жефферсон чиндан ҳам ушбу ҳовлибоғни ижарага олган бўлса, унда пул ишлаш имконияти туғилгани табиий. Бу қанақа имконият бўлдийкин? Балки, Жо-Эн мақтаниш учун Лейлага шундай дегандир. Баъзан аёллар ана шундай уйдирмалар билан бир-биридан ўз устунлигини намоиш қилмоқчи бўладилар.

Кутилмаганда юқориги қават деразасида иккита кичик-кичик нуқта пайдо бўлди. Уларни кўриб, сув велосипедини ҳайдаб кетдим. Ўн дақиқача соҳил бўйлаб сузим. Линзаларида қуёш нури акс этаётган дала бинокли мени диққат билан кузатишаётганидан дарак берарди. Велосипедни буриб, орқага қайтдим. Сезиб турибман, мени ҳамон кузатишяпти. Мен велосипедни соҳилга қараб ҳайдадим.

Кошона ёнидан сузиб ўтаётиб, унга кўз ташлаб қўйдим. Менга қаратилган биноклнинг линзалари ҳамон ўша деразада икки нуқта бўлиб ялтираб турарди. Ўзимни зериккан сайёҳ қилиб кўрсатишга уриндим, лекин мени, кимни бунчалик қизиқтириб қолдим, деган савол қийнади. Соҳилга қайтганимда қуёш

ботаётганди. Меҳмонхонага бораётиб, йўл-йўлакай кейинги режаларимни ўйлай бошладим.

Эртасига қиладиган ишим тайин эмасди. Шу боисдан эрталабданоқ соҳилга йўл олдим. Денгизда бир оз чўмилдим-да, қумга чўзилдим. Миямда ғужгон ўйнаётган Герман, Жанет Вест, қария Жефферсон ва бечора Лейла ҳақидаги хотираларимни хаёлимдан чиқаришга уриндим. Гонконг майин қуёши, тўлқин шовқини билан ром этади ва инсон бундай саховат олдида ожиз бўлиб қолади.

Офтобга товланиб, бирор соатча чўзилиб ётганимдан сўнг ёнимдан кимдир ўтиб кетганини сездим, истамайгина кўзимни очдим.

Баланд бўйли, келишган қиз. Офтобда товланиб тилларанг тус олган. Тўқ қизил чўмилиш кийимида бўртиб турган кўкраклари уни тагин ҳам жозибали кўрсатарди. Қумлоқда ётган барча эркаклар у томонга қайрилиб қарашди... Нима, менинг улардан қаерим кам?

Офтоб қиздира бошлаган қум узра юриб, улкан соябонли шляпасини қўлида силкитганича денгизга етиб борди. Сочлари етилган бошоқлар рангида жил-валанарди. У чинакам гўзал ва мафтункор эди.

Шляпасини қумга улоқтирди-да, ўзини денгиз бағрига отди. Бир неча кучли қулоч отган қиз энг четки солга етиб олди. Унинг сол устига чиқишини, оёгини сувга осилтириб ўтиришини кузатиб турдим. Бу нотаниш қиз шунчалик ёлғиз ва ҳимоясиз бўлиб кўриндики, унинг ёнига бориб ҳамдард бўлгим келиб кетди.

Ўзимни сувга отдим-да, солга қараб сузиб кетдим. Масофа анчагина олис экан, етиб боргунча чарчаб қолдим. Бир тўхтаб нафас ростлаб олдим-да, сузишда давом этдим. Бир амаллаб сол устига чиқиб олдим. Қиз ёнбошлаб ётарди.

— Агар халақит берсам, қайтиб кетишим мумкин.

У менга ғалати термилди. Ўта тажрибали аёлга дуч келдим, шекилли, ўйладим. Ҳарҳолда, у менда шундай таассурот қолдирди. Шунчалик соддадиллик ва ишвали нигоҳ эркакларнинг кўпини кўрган аёллардагина бўлиши мумкин.

— Кўпдан бери яхши одамлар даврасига тушишни орзу қилардим, — жилмайди қиз. — Кимсиз? Сиз яқинда келдингиз, шундайми?

— Мен Нельсон Рейнман. Инглиз адмирал шарафига исмиمنى шундай қўйишган. Отам бутун бўш вақтини Англия ҳарбий денгиз тарихини ўқишга бағишларди. У тушида ҳам, ўнгида ҳам Нельсонни гапиради.

Қиз ўгирилиб чалқанча чўзилди-да, диркиллаган кўкракларини осмонга қилиб ётди.

— Мен Стелла Энрайтман, шу ерда яшайман. Янги чехрани кўриш қандай ёқимли. Сиз бу ерда анча вақт бўласизми?

Одамнинг иши шунчалар ҳам юришадими, ҳайрон қоласан киши. Буни қаранг-а, менинг рўпарамдаги қиз кошонани ижарага олган Энрайтнинг синглиси экан. Кеча бинокл кўзгусида ўйнаган офтоб нури эсимга тушди. Балки, бу омад эмасдир. Эҳтимол, ушбу учрашув қандайдир нозик ва сирли сабабларга кўра юз бергандир?

— Қанийди... Эҳтимол бирор ҳафтагадир, — дедим мен сув ўтмас чўнтагимдан сигарет қутиси ва чақмоқ тошни чиқариб, — омадингиз бор экан, шундай жойда яшаркансиз. Мўъжиза маскан.

Унга сигарет таклиф этдим, биргалашиб чекдик.

— Жуда соз... Ҳозир энг яхши палла. Лекин бу йилги ёз унча яхшимас, — деди ҳамроҳим сигарет тутунини осмонга пуфларкан. — Акам Гонконг ҳақида китоб ёзаяпти. Мен бўлсам ҳўжалик ишлари билан шугулланаман. — У бошини кўтариб, менга қаради. — Сиз меҳмонхонага жойлашдингизми?

— Ҳа. Сизнинг уйингиз борми?

— Биз кошонани ижарага олганмиз. Унинг соҳиби хитойлик бир қартабоз.

— Лин Фэнми?

Унинг кўзларида ҳайрат чақнади.

— Худди шундай. Сиз қаердан биласиз?

— Эшитувдим. — Бир оз ўйлаб таваккал қилдим. — Бу боғқовлини Герман Жефферсон ижарага олган, деб ўйлагандим.

У тилларанг қошларини чимирди — чинакам ҳайратланганди.

— Герман Жефферсон? Сиз уни танийсизми?

— Биз бир шаҳарчаданмиз.

— У ўлди... Автомобиль фалокатида ҳалок бўлди.

— Мен бу ҳақда эшитгандим. Сиз уни танирмидингиз?

— Менинг акам Гарри танирди. Мен уни бир ёки икки бор кўрганман. Сизлар таниш экансизлар-да? Бу Гаррини қизиқтириши мумкин. Аянчли тақдир... Унинг хотини — хитой аёлининг тақдири.

— Сиз уни ҳам танирмидингиз?

— Ҳалиги, унчаликмас. Учрашганмиз. Ажойиб аёл, — у сигарет кулини қоқди. — Хитой аёллари жуда ёқимтой бўлишади. У ҳам шунақа эди. Германнинг унга шайдо бўлиб қолгани бежиз эмас. Жуда офатижон эди-да. — Унинг овозида фахр ва алам уйғунлашгандай бўлди. Аёллар ўз дугоналарининг шаъни ҳақида гапирганда ҳамиша шундай бўлади. — У эрининг жасадини Америкага олиб кетди. У ўша ерда қолади, деб ўйлайман. Ахир Германнинг отаси миллионер-ку. Аёлга гамхўрлик қилса керак.

Мен Жо-Эннинг ўлганини гапириб беришдан ўзимни зўрға тийиб турардим.

— Менга Герман бойиб кетди, хотинини ташлаб, анави кошонани ижарага олди, дейишганди.

— Бўлмаган гап! Ким айтди сизга бунни?

— Кимдир айтувди, — дедим мен истамайгина. — Нима, нотўғрими?

— Ҳалиги, биласизми... бўлмаган гап, — деди у менга оқкўнгиллик билан жилмайиб. — Бу бўлмаган гап. Герман... ҳалиги... — нима дейишни билмай жимиб қолди, яланғоч елкаларини қисди. — Биласизми, очигини айтганда, Герман ҳурматга лойиқ эмасди. У менга ёқмасди, лекин уни Гарри хуш кўрарди. Бошқа ҳеч қанақа фазилати йўқ эди унинг. Хитойларга ўхшаб яшарди. Унда ҳеч қачон пул бўлмасди. Бечора хотини ҳисобига яшаб юрипти, деган гап ҳам тарқалганди. Лин Фэннинг кошонасини ижарага олишга қўли калталиқ қиларди. Бўлмағур гап. Бунни сизга ким айтган бўлиши мумкин?

Тез юрар катер¹нинг товуши мени денгизга қарашга мажбур этди. Учқур қайиқ тўлқинларни ёриб, сув сачратганча бизларга қараб сузиб келарди.

— Ана, Гарри ҳам келди, — Стелла ўрнидан туриб, липиллаётган солда мувозанатни сақлашга уринаркан, қўл силтади.

Катер тезлигини пасайтирди, кейин тўхтади. Оқим уни солга яқинлаштирди. Офтобда қорайган баланд бўйли йигит Стеллага жилмайди. Унинг оқ-зангори кўйлаги терлаб кетганди. Чиройли чехрасида кўп ичишнинг асорати сезилиб турарди.

— Сени олиб кетай дегандим. Нонушта пайти бўлди. — У сўроқ аломати билан менга юзланди. — Танишингми?

— Бу киши Нельсон Рейн. Герман Жефферсонни биларкан. — Стелла мен томонга қаради. — Акам Гарри.

Биз саломлашдик.

— Сиз Германни танирмидингиз? — сўради Гарри. — Шунақа денг... Уни яхши билардингизми? Бу ерда кўп бўласизми?

— Бир ҳафта, кўпмас.

— Менга қаранг, бугун кечқурун биз билан бирга овқатлансангиз қандай бўларкин, агар имконингиз бўлса, албатта. Сизни катерда олиб кетардим. Акс ҳолда бизни кига етиб боришингиз қийин. Бўладими?

— Жоним билан, лекин сизни ташвишга қўяманми, деб ўйлапман.

— Ҳечқиси йўқ. Соат саккизга соҳилга тушинг. Мен ўша ерда бўламан. Нонуштадан сўнг катерда сайр қиламиз. Кечаси денгиз ажойиб бўлади-да, — у Стеллага юзланди. — Кетдикми?

— Аввало мени соҳилга олиб бор. Шляпамни ўша ерда қолдиргандим. — Стелла катерга чиқиб олди. Мен унинг офтоб қорайтирган назокатли елкасидан кўз узолмасдим. Кутилмаганда у орқага ўтирилди, менга тикилиб қаради-да, худди сирли ўйларимни илғаб олгандек жилмайди. — Кечқурунгина, — деб қўл силтаб акасининг ёнига ўтириб олди. Акаси ҳам менга бошини лиқиллатди, катер гувиллаб соҳилга йўл олди.

¹ Катер — моторли қайиқ.

Мен чекдим, оёғимни сувга солиб ўтирдим. Анчагина бош қотиришга тўғри келади. Офтоб нуридан мириқиб, яна ярим соатча шу тариқа ўтирдим. Кейин оч қолганимни ҳис қилиб, сувга сакраб, соҳилга қараб сузим.

Соат саккизда қумлоқ соҳилга тушдим. Бир неча дақиқа кутишдан сўнг зулмат ичидан сузиб чиққан катерга кўзим тушди. Уни полвонсифат бир хитой бошқариб келарди. У худди мажруҳни авайлагандай мени катерга чиқариб олди. Айни пайтда кетма-кет таъзим қиларкан, бақувват панжаси билан қўлимни қисиб қўйди. Жаноб Энрайт — деб тушунтирди хитой бузилган инглизчада, келолмади ва узр сўрашимни тайинлади.

Катер сувга тегмасдан, худди учиб бораётгандек сузарди. Орадан беш дақиқа ҳам ўтмай биз Лин Фэн кошонаси остонасидаги бандаргоҳга кириб бордик.

Зинапоя тикка ва анча узун экан. Террасага кўтарилганимизда зўрға нафас олардим.

Стелла ёқаси очиқ кечки оқ кўйлақда, бамбук креслода ёнбошлаганди, кўлида коктейлли финжон, лабида сигарет. Хизматкор ёш хитой бир чеккада ҳар қандай фармойишни бажаришга ҳозир у нозир турарди. Гарри Энрайт кўринмасди.

— Келдингизми? — Стелла менга қўлини силкитди. — Нима ичасиз?

Мен содали виски сўрадим, хизматкор ўша заҳоти тайёрлаб берди.

— Гарри ҳозир келади. Мана бу ёққа ўтиринг, шунда сизни бемалол кўраман.

Террасага катта меҳмонхона туташиб кетганди. У хитойча дид-ла безатилган, кўплаб жавонлар билан жиҳозланган, деворда қизил ипақда тикилган расмлар, ўртада улкан садаф стол.

— Жуда шинам экан.

— Ҳа... яхши. Омадимиз бор экан, ажойиб кошонага жойлашдик. Ўзи бу ерга келганимизга бир неча ҳафта бўлди... Аввал Каулунда хонадонимиз бор эди. Бу ер бизга жуда маъқул.

— Сизлардан олдин бу ерда ким яшаганди? — сўрадим мен.

— Менимча, ҳеч ким. Хўжайин уни ижарага беришга яқинда рози бўлди. Ўзи ҳозир Макаода яшаяпти.

Шу пайт Гарри Энрайт келиб қолди. Биз сўрашдик, у менинг рўпарамда ўтирди.

Хизматкор коктейл тайёрлади.

Биз одат бўйича гапни табиатдан, кошонанинг ажойиблигидан бошладик. Шундан кейин у:

— Сиз бу ерга иш билан келганмисиз? — деб сўради.

— Дам олгани келувдим. Мундоқ қарасам, бир ҳафта бўш эканман, шундай жойларни кўриш бахтидан маҳрум бўламанми, дедиму шартта келавердим.

— Жуда тўғри қилгансиз, — деди у менга кулиб қараркан. — Мен Гонконгни жуда ёқтириб қолдим. Стелланинг айтишига қараганда, сиз Пасаденадан экансиз. Сиз Герман Жефферсонни яхши танирмидингиз?

— Мен унинг отаси билан яхши танишман. Қария жуда қайғураяпти. Бу ёқларга келишимдан хабар топиб, ўғли ҳақида суриштиришимни илтимос қилди.

Энрайт қизиқиб қолди.

— Ростданми? Нимани суриштиришни сўради?

— Биласизми, Германнинг бу томонларга келганига беш йил бўлаяпти. У жуда кам хат ёзарди. Отаси ўғлининг бу ерда нима билан шуғулланаётганидан беҳабар эди. Герман осиелик аёлга уйланганини ёзганида эса чол бутунлай гангиб қолди.

Энрайт Стеллага қаради.

— Буни қаранг-а...

— Менимча, қария ўғлига ғамхўрлик қилмаганидан эзиляпти. Бу ерда у қандай яшадийкин, нима билан тирикчилик қилди, сизнинг хабарингиз йўқми?

— Менимча, ҳеч қандай, — деди чўзиб Энрайт. У қандайдир сирли шахс эди. Менга у ёқарди, лекин ҳеч кимни қойил қолдирган эмас. — Гарри Стеллага ишора қилди. Манавининг, масалан, уни кўришга тоқати йўқ эди.

Стелла норозилик билдиргандай қўл силтади.

— Жа ошириб юбординг. Рост, унча ёқтирмасдим. Гарри ҳар қандай аёл унинг олдида тиз чўкади, деб ҳисобларди. Бунақаларни мен ёқтирмайман.

Энрайт кулди.

— Лекин сен унга тиз чўкмадинг, — акасининг товушида киноя бор эди. Балки, пуф сассиқдир? Нима бўлганда ҳам, у менга ёқарди.

— Демак, сен ахлоқсизсан, — уни чўрт кесди синглиси. — Сенга ҳар қандай кийшанғи ёқаверади.

Бизнинг суҳбатимизни хизматкор хитойнинг кириши бўлди. У дастурхонга овқат тортилганини айтди. Биз меҳмонхонага кирдик.

Хитой пишириғи жуда зўр тайёрланганди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Энрайт хурсандчилик қиларди. Лекин Стелланинг тушуниб бўлмас ташвиши мени бефарқ қолдирмади. У негадир сўзларимизга унчалик эътибор бермаётгандек эди.

Зиёфат тугагач, кутилмаганда Стелла сўраб қолди:

— Жаноб Рейн, Герман ушбу кошонани ижарага олган деб сизга ким айтди?

— Герман ижарага олганди? — хитоб қилди Энрайт. — Ё Худо! Ким шундай дейиши мумкин? — Гарри ҳайратланиб менга қаради.

— Битта хитой қиз. Мен уни “Самовий салтанат” отели¹да учратгандим. Жефферсон ўша ерда яшаган экан. Менга ўша қиз айтди.

— Қизиқ, нима учун? — Стелла қошини чимирди. — Ўйлаб топган нарсасини қаранг-а.

— Балки у менинг устимдан кулгандир? — кутилмаганда мени кузатишаётганини ҳис қилдим. Алангладим. — Мен ундан Герман ҳақида сўрагандим. Афтидан у менга бирор нарса гапириб бергиси келди, шекилли. Мен ваъда қилган пулни ундириш учун шундай қилган бўлиши ҳам мумкин, — рўпарамда катта кўзгу турарди. Унга разм солсам, орқамда, даҳлизда қандайдир гавдали қора шарпа пойлаяпти. У европача кийинган хитой эди. Диққат билан мени кузатарди. Қандайдир сонияда бизларнинг кўзгуда акс этган нигоҳларимиз тўқнашди. У ўша заҳоти ўзини панага олди. Баданимда кумурсқа ўрмалагандай бўлди. Қандайдир ёвузлик ва даҳшат уфурарди бу шарпанинг қиёфасидан.

— Хитойлар ҳамиша сиз нима эшитмоқчи бўлсангиз ўшани айтиб беришадди, — деди Энрайт. У диққат билан менга қаради. — Хитой қизлари эса дунёда энг моҳир уйдирмачи бўлишади.

— Ростданми? — дедим мен яна кўзгуга нигоҳ ташлаб. — Ҳар ҳолда...

— Ташқарига чиқайлик, — таклиф этди Стелла, ўрнидан тураркан. — Коньяк ичасизми?

Мен рад этдим ва биз шошилмай тоза ҳавога чиқдик. Анча баланд кўтарилган ой денгизни ёритиб турарди.

— Мен шошилишч телефон қилишим керак эди, — эслаб қолди Энрайт. — Мени кечирасизлар. Кейин катерда сайрга чиқишимиз мумкин. Қарши эмас-мисиз?

Мен Стеллага қарадим.

— Яхши бўларди, агар хўп десангиз.

— Хўп бўлади, — деди Стелла итоаткорона. — Гарри катерисиз ўзини қўлсиз-оёқсиздек ҳис қилади.

Энрайт кўнғироқ қилгани шошилди. Стелла менинг қўлимдан ушлаб устунлар томон етаклади. Биз ўша ердан туриб денгизни томоша қилдик.

— Маълум маънода бу қизнинг омади бор экан, — деди ўйчанлик билан Стелла. — Германнинг отаси уни таъминлайди, деб ўйлайман. Уни жуда бадавлат деб эшитганман.

— У эридан маҳрум бўлди, — дедим мен, ҳануз Жо-Эннинг ўлими ҳақида гапиришга ботинолмай.

Стелла сабрсизлик билан гапимни бўлди:

— У эридан қутулди. Энди у эркин, пули бор, Америкада яшаяпти, — Стелла уҳ тортди. — Қани энди мен ҳам Нью-Йоркка қайтсам эди!

— Нью-Йоркданмисиз?

— Ҳа-да. Бир йилдан ошяпти у ерда бўлмаганимга. Жуда соғиндим.

¹ ОТЕЛЬ — меҳмонхона.

— Нима, сиз кетолмайсизми? Бу ерда қолишингиз шартми?

У ниманидир тушунтира бошлади-ю, бирдан жим қолди. Анча жимликдан кейин давом этди:

— Йўқ, шарт эмас. Лекин мен акам билан ишлашга ўрганиб қолганман.

Стелла узоқда савлат тўкиб, ой нурида ёришиб турган тоғни кўрсатди.

— Беқийс, гўзал, шундаймасми?

У суҳбат мавзусини ўзгартиргани тасодиф эмаслигини тушундим. Қизиқ, нега шундай қилдийкин? Эрайт пайдо бўлганда биз ҳамон ажиб манзарани мароқ билан томоша қилардик.

— Хўш, кетдикми? Абердинни кўришни хоҳламайсизми? Бу шу атрофдаги балиқчилар қишлоғи. Эътиборга лойиқ жой.

— Майли, кўрайлик, — дедим унинг таклифига жавобан. Биз зиналардан бандаргоҳга тушдик. Эрайт рулга ўтирди. Биз Стелла билан орқага жойлашдик. Катер гувиллаб денгиз ичкарисига қараб сузиб кетди.

Моторнинг кучли шовқини гаплашишга имкон бермасди. Стелла мендан нарироқ сурилиб, ой шуъласини кузата бошлади. Унинг чеҳраси ҳорғин кўринарди. Қандайдир фикрдан кўнгли ғашга ўхшарди. Менинг миям ҳам бекор турмаганди, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш билан банд эди. Мен ҳалиям Лейланинг мени алдаганига ишонгим келмасди. Ёки Эрайтларнинг ўзини кимдир чалғитганмикан? Ёхуд улар мени алдашаётганмикан? Лекин, нима мақсадда?

Абердин қишлоқчаси чинакам гўзал бир жой экан. Бандаргоҳда бир-бирига қадалиб ётган жонкалар тўлиб кетганди. Уларда хитойлар оиласи, бола-чақаси билан гуж-гуж. Бандаргоҳга кириб боришнинг сира иложи йўқ. Эрайт катерни тўхтатиб, лангар ташлади ва биз бир солга ўтиб олдик. Ўн уч яшар қизча бошқараётган ана шу солда соҳилга етиб олдик. Бир соатча қишлоқни айланиб, томоша қилдик. Ниҳоят, Стелла чарчадим, деди ва биз катерга қайтдик.

— Сиз ҳали оролларда бўлганингиз йўқми? Уларга, албатта, бориш керак. У ерга паромда бориш мумкин, — деди Стелла.

— Йўқ, оролларда бўлганим йўқ.

— Эртага мен Сильвер-Майн-Бэйга бораман. Агар бўш бўлсангиз, бирга боришимиз мумкин. Биттасига учрашишим керак эди. Сиз эса шаршарани томоша қилардингиз. Кўрса арзийдиган мўъжиза. Кейин бирга-бирга қайтиб келамиз.

— Сингилгинам жуда саҳоватли қалб соҳибаси-да, — деди Гарри. — Биз бу ерга келган пайтимизда бизда бир оқсоч аёл бор эди. У жуда кеқсайиб қолганди. Унинг хизматидан воз кечишимизга тўғри келиб қолди. Ўша аёл ҳозир Сильвер-Майн-Бэйда яшайди. Стелла ҳар замонда бориб, ундан хабар олиб туради. Ғамхўрлик қилади.

Гарри моторни юргизди. Шовқинда гапириб бўлмади қолди. Йигирма дақиқалардан сўнг биз қошонага етиб келдик. Стелла катердан тушди. Акаси мени меҳмонхонага ташлаб қўйишни таклиф этди.

— Хайрли тун, — жилмайди Стелла. — Паром соат иккида жўнайди. Пристан²да кутиб тураман.

Мен ажойиб кеча учун унга миннатдорчилик билдирдим, Стелла қўлини силкитганича зиналардан юқори кўтарила бошлади.

Мотор гуриллади ва катер меҳмонхона томон сузиб кетди.

— Қачон қайтиб кетаман, деяпсиз? — сўради Гарри мен катердан тушаётганимда.

— Бир ҳафтадан кейин... Тагин, билмадим.

— Жуда соз, ундай бўлса бизникига яна келасиз. Сиз менга ёқиб қолдингиз.

Биз хайрлашдик ва катер тун қоронғисига чўмган денгизда кўздан ғойиб бўлди.

Мен соҳил бўйлаб аста юриб кетдим. Кўзгуда акс этган касофат пакана хитой хаёлимдан нари кетмасди. Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур, деганларидек, шубҳам орта борарди.

¹ Жонка — кичик кеманинг бир тури.

² Пристанъ — бандаргоҳда кемалар тўхтайдиган махсус жой.

Кейинги куни эрталаб Америка ваколатхонасининг учинчи котибига учрашдим. Мени унинг олдига ҳадеганда қўяверишмади, қария Жефферсон номидан фойдаланишимга тўғри келди, шундагина унинг ҳузурига киритишди.

Товуқни эслатувчи бу семиз амалдорни дипломатик дахлсизлик муҳити қуршаб турарди. У менинг шахсиятномамга шундай жирканиб кўз қирини ташладики, гўё ундан бедаво дардни юқтириб оладигандек.

— Нельсон Рейн... ҳм... хусусий айғоқчи, — минғирлади у креслосига ястанаркан қошларини нафратона чимириб. — Сиз учун нима қилишим мумкин?

— Мен Ж.Вильбур Жефферсон топшириғи билан иш олиб боряпман. Унинг ўғли Герман Жефферсон хусусида маълумотлар тўплаяпман. У бундан ўн етти кун муқаддам автомобиль фалокатида ҳалок бўлганди.

У бўрсилдоқ лабларига сигарет қистирди.

— Шунақами?

— Герман Гонконгда яшарди, рўйхатда қайд қилинган бўлса керак.

— Тўғри.

— Унинг сўнги манзилини айтиб беролмайсизми?

Амалдор семиз бармоғини ҳўллади-да, чап қошини силаб қўйди.

— Хўш, айтийлик, мен буни қилишим мумкин, лекин бу шунчалик зарурми? Унинг иши ўлганлар рўйхатига киритилган. Уни архивдан қидириб топиш учун вақт керак бўлади.

— Жаноб Жефферсонга шундай деб айтийми? Америка ваколатхонасининг учинчи котиби унга ёрдам бериш учун жонини койитгиси келмади, деган гапни эшитиб, қария роса қувонса керак, деб ўйламайман.

Амалдорнинг бирдан попути пасайди. Эҳтимол, қария унинг бошига не ташвишларни солиши мумкинлигини тасаввур қилди.

Бесаранжомлик билан телефон гўшагини кўтарди:

— Девенпорт хоним, менга Герман Жефферсон ишини олиб киролмайсизми... Ҳа, Герман Жефферсон. Ташаккур. — У гўшакни жойига қўйди, хомсемиз юзини табассум қоплади. — Ҳа, Ж.Вильбур Жефферсон. Эслагандай бўляпман, миллионер. Қариянинг аҳволи қалай?

— Ҳали тетик ва керак бўлса истаган одамнинг таъзирини беришга қодир, — дедим мен. — Ҳалиям қўли етмаган жойи йўқ.

Учинчи котиб, уни Гарри Вилкокс дейишарди, бирдан тиши оғриб қолгандек афтини буриштирди. Кейин худди янги куёв қайнонасини илк бор кўрганда тиржайгандек ғалати кулди.

— Бу кекса корчалонлар жуда яшовчан бўлишади-да, — деди у. — Эҳтимол, бизлардан ҳам кўп яшайди ҳали...

Икки дақиқача биз бир-биримизга қараб ўтирдик, кейин эшик очилиб Девенпорт хоним кирди. Ҳаракатчан, қадди-қомати келишган, йигирма уч ёшлардаги бу қиз жаноб Вилкокс олдидаги стол устига юпқагина бир жилдни қўйди. У шу қадар юпқа эдики, ичида бирор нарса борлигига ҳам шубҳаланиб қолдим. Хоним менга бир қаради-да, сонларини диркиллашиб чиқиб кетди. Ҳа, бунақа назокатли юришни фақат котибаларгина эплайди. Биз иккаламиз ҳам унинг орқасидан қараб қолдик. Эшик ёпилгач, Вилкокс жилдни очди.

— Барча қоғозлар майит билан бирга жўнатилган, — деди у, гўё ўзини оқлагандек. — Лекин нимадир қолганга ўхшайди.

Вилкокс жилд ичида ётган ёлғизгина қоғозга қаради. — Бор-йўғи шугина... Унинг сўнги манзили “Самовий салтанат” меҳмонхонаси. Гонконгга 1956 йилнинг учинчи сентябрида келган ва шу пайтгача мазкур меҳмонхонада яшаган. Ўтган йили бир хитой аёлга уylanган.

— Қандай маблағ эвазига кун кўрган?

Вилкокс яна қоғозга қаради.

— Бу ерда айтилишича, у экспорт билан шуғулланган. Лекин, менинг ўйлашимча, унинг доимий даромади бўлмаган. Балки қандайдир шахсий маблағи бўлгандир, аммо анча қийналиб яшаган.

— Агар сизга у Репала-Бэйдаги ҳашаматли кошонани ижарага олиб турган десам, ҳайратланмайсизми?

Вилкокс довдираб менга қаради.

— Ижарага олган? У ҳолда Герман манзили ўзгарганини қайд қилдириши керак эди-ку. Ишончингиз комилми? Қанақа кошона?

Лин Фэнга қарашли кошона.

— Йўқ, жаноб Рейн, ўша кошонани мен яхши биламан. Жефферсоннинг ҳамёни уни кўтармайди. Бу кошона Англия пулида ойига камида тўрт юз фунт туради.

— Ҳозир бу кошонани Гарри Энрайт ижарага олган, ўша ерда синглиси билан бирга яшаяпти.

Вилкокс бошини лиқиллатди. Унинг юзи жонлангандай бўлди.

— Тўғри. Энрайтгача у ерда бир инглиз яшаганди. Фамилияси эсимда йўқ. Аломат йигит... мен Энрайтни гапиряпман, синглисини айтмайсизми! — унинг кўзларида ҳирс оташи ёнгандай бўлди. — Гонконгдаги энг гўзал аёл.

— Демак, Энрайт ижарага олгунга қадар кошона бўш ётган.

— Йўқ. У ерда бир инглиз яшарди. Мен у билан учрашмаганман.

— Жефферсон билан ҳалиги хитой аёл ростдан ҳам уйланишганмиди?

У менга кўзларини бақрайтирди.

— Бўлмасам-чи. Улар бу ерда никоҳдан ўтишди. Агар истасангиз, никоҳ қоғозининг нусхасини кўрсатишим мумкин.

— Бир кўрсам яхши бўларди.

У қаёққадир қўнғироқ қилди. Жавоб кутарканмиз, у қўшимча қилди:

— Мен уни яхши эслаيمان — ажойиб қушча эди. Унинг ҳужжатларини тай-ёрлаб, тобутни жўнатиш менга топширилганди... Оғир мажбурият, — унинг башараси гамгин тус олди. — Мен ўша хонимга ҳамдард бўлгандим.

Девенпорт хоним югуриб кирди, Вилкоксга гувоҳномани берди-да, қайтиб кетди. Котиба чиқиб кетгач, Вилкокс гувоҳномани менга узатди. Мен ҳужжатни диққат билан кўздан кечирдим. Унда қайд қилинганидек, бир йил бурун Жефферсон Жо-Энга уйланган. Никоҳ маросимида Фрэнк Беллинг ва На Хай Тон иштирок этишган.

— Фрэнк Беллинг ким?

— Хабарим йўқ. Эҳтимол Жефферсоннинг оғайнисидир. Инглиз бўлса керак. Бизнинг рўйхатда бунақа одам йўқ.

— Қиз-чи?

— Билмадим. Жефферсон хонимнинг дугонаси бўлса керак, — у кўз қирини стол устида турган соатга ташлади.

Мен бошқа ҳеч нарсага эриша олмаслигимни тушуниб, ўрнимдан турдим.

— Майли, ташаккур сизга. Бошқа вақтингизни олмайман.

Вилкокс мен билан учрашганидан мамнунлик изҳор этди. Лекин кўзларидан мендан тезроқ кутулгани янада мамнунлик бахш этганини ҳис қилдим.

— Сиз Герман Жефферсонни ҳеч кўрганмидингиз? — сўрадим эшикдан чиқаётиб.

— Ростини айтсам, кўрмаганман. У кўпроқ хитойлар билан муомала қиларди. Менинг доирамга ҳеч қўшилмаганди.

Мен бинодан чиқиб, аста ўз “Паккард”имга йўл олдим. Қаршимдан икки хитой полициячи бир тиланчи ва йиғлаётган болани судраб келишарди. Бунга ҳеч ким эътибор ҳам қилмасди. Бу мўъжазгина оролни қочоқлар оқими тўлдирган палла бунақа томоша ҳеч кимни қизиқтирмайди, шекилли. Лекин бу манзара менинг юрагимни эзди.

Машинада хабар топган нарсаларимни бир-бир фикрладим. Унча кўп эмас, аммо илтингирса бўладиган. Ҳалиги На Хай Тон деган қиз ва албатта, Фрэнк Беллинг билан гаплашсам ёмон бўлмасди.

Полиция маҳкамасида мен бош инспектор Маккартини сўрадим. Айрим “ади-бади”лардан кейин мени унинг ҳузурига киритишди.

Бош инспектр менга стулни кўрсатди ва ўзи чекиш тараддудига тушди.

— Бугун сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

— Мен битта одамни қидиряпман. Унинг исми-шарифи Фрэнк Беллинг. Бу борада менга ёрдам беролмайсизми?

Маккарти чекиб, мени тутунга кўмиб ташлади.

— Фрэнк Беллинг дейсизми? — Унинг юзи ўзгармаса ҳам, кўзлари пирпираб қолди. — Нега энди у сизни қизиқтириб қолди?

— Э, ўзим ҳам билмайман. У Герман Жефферсоннинг никоҳида гувоҳ сифатида қатнашган. Сиз уни танийсизми?

Маккарти довдираганча менинг орқамдаги деворга қараб турди-да, бошини лиқиллатди.

— Ҳа... биз уни биламиз. Жефферсоннинг тўйида ўша куёв жўра бўлганми-ди? Қизиқ. Ҳозир у қаерда экан?

— Буни мен сиздан сўрадим, эсингиздами?

— Мен ҳам сиздан шуни сўраяпман, — у олдинга энгашиб стол устидаги қоғозларга кўз ташлади. Бизлар ҳам сиз сўраётган одамнинг изига тушиш пайидами. Бу одам гиёҳванд моддалар жўнатиш билан ўта фаол шуғулланаётган ташкилот иштирокчиси бўлади. Биз энди қўлга туширай деганимизда гойиб бўлди-қолди. Ҳозир уни қидириб топишга уриняпмиз. Гаров ўйнайман, у ё Макао ёки Кантонга қочиб кетган.

— Ўша жойларда уни қидириб топса бўлмайдими?

— Макаодан баъзи маълумотларни олдик, лекин Кантонда уни топишнинг имкони йўқ.

Менда қандайдир умид учқунлади.

— Фрэнк Беллинг, инглиз эмасми?

— Ҳа, инглиз, — Маккарти мундштуги сархонасидаги тамакини босиб қўйди. Бизга катта ташвиш орттираётган бир ташкилотга аъзо эканлиги ҳам маълум. Кантондан яширин йўллар билан кўплаб миқдорда героин олиб келинади. Икки ҳафта бурун Беллинг ана шу героинни Гонконгга олиб келиш жараёнида қатнашган эди. Биз бир муддат каттагина юк келишини кутиб уни кузатиб юрдик, — у босиб-босиб тамаки чекди. — Бизнинг айғоқчиларимиздан бири юк шу ойнинг биринчи санасида жўнатилганини хабар қилди. Шунда Беллинг гойиб бўлди. Эҳтимол, уни огоҳлантиришгандир ва у ё Макаога ёки Кантонга қочиб қолган.

— Шу ойнинг биринчи санаси... Жефферсон ўлимидан икки кун олдин?

— Ҳа, шундай, — Маккарти ҳайратомуз менга қаради. — Бунинг бирор аҳамияти борми?

— Мен далилларни қиёслаяпман, холос. Тўй куни На Хай Тонг деган хитой қиз келиннинг ёнида бўлган. Бу ном сизга таниш эмасми?

— Йўқ...

— Нима, Жефферсон гиёҳванд юкни олиб ўтишда қатнашган деб ўйлайсизми?

— Эҳтимол, — елкасини қисди Маккарти. — Биз уни сира қўлга туширмаганмиз. Бунақа дейишимизга далилимиз ҳам йўқ. Лекин у Беллинг билан ошна бўлса, бу эҳтимолдан ҳоли эмас.

— Сиз менга ўша қизни топишимга ёрдам бера оласизми?

— Картотекамизни бир титиб кўрай. Агар бирор нарса топсам, сизга хабар қиламан. — У хайрихоҳлик билан менга қаради. — Сиз “Репала-Бэй” отелига ўтиб олганмисиз?

— Ҳа.

У ҳасад билан бошини чайқади.

— Ўҳ-ҳў. Сиз айғоқчиларнинг ҳаёти жуда таралабедод-да. Сарф-харажатлар ҳаммаси мижозлар ҳисобигами?

Мен тиржайиб, ўрнимдан турдим.

— Бўлмасам-чи. Яхши, учрашгунча. Ҳаммаси учун ташаккур. Ҳузурингизга яна кирарман.

Мен гавжум Квинз-Роуд-Централга чиқдим, “Паккард”га ўтириб, Вэнчай соҳилига йўл олдим. Соат ўн бир ярим бўлганди. Барга киргим келди. Мен билан бирга чақчақлашиб, сут ичган хонимни шу барда учратган эдим.

Мижозлар кўринмасди. Икки официант пештахта олдида суҳбатлашиб туришарди. Улар мени танишди. Биттаси илжайганча ёнимга келди.

— Хайрли кун, жаноб. Сизни яна кўрганимдан жуда хурсандман. Ичасизми ёки бирор овқат...

— Яхшиси ром билан кока-кола. Хоним шу яқин орадами?

У барда осиглиқ турган соатга қаради.

— Ҳозир келиб қолади.

Бекорчиликдан ичимлик қуйилган қадаҳни стол устида наридан-бери суриб ўтирганча унинг келишини кутардим. Орадан ярим соатча ўтди, хитой хоним ҳамон кўринмасди. Лекин хитойлар учун бу вақт ҳисобланмасди. Хоним келгач, мен ишора қилдим. Ёнимга келиб саломлашди-да, қаршимга ўтирди.

— Сизни яна кўрганимдан хурсандман. Ҳалиги қиз сизни қониқтирган деган умиддаман.

Мен зўраки тиржайдим.

— Ўтган сафар мени алдадингиз. У Жо-Эн эмасди ва сиз буни яхши биласиз.

Официант ярим литрли финжонда сут қўйиб кетди.

— Сиз янглишяпсиз. Бу қиз Жо-Эндан жозибалироқ эди. Сизга ёқса керак деб ўйловдим.

— Ҳозир менга бошқа қиз керак. Унинг исми На Хай Тон. Танийсизми?

Хонимнинг юзи қилт этмади. У бошини лиқиллатди.

— Бу менинг энг яхши қизларимдан биттаси. У сизга жуда ҳам ёқиши турган гап.

— Лекин бу сафар у менга ҳужжатларини кўрсатиши шарт. Мен у билан гаплашишим керак.

Хоним ўйланиб қолди.

— Айтганингиздай бўлади. У билан нима ҳақда гаплашмоқчисиз?

— Бу сизнинг ишингиз эмас. Уни қачон кўрсам бўлади?

— Ҳаммасини эплаштираман. У билан қачон учрашасиз? Ҳозирми?

— Йўқ. Кечга яқин. Мен бу ерга соат саккизга келаман. Маъқулми?

— Маъқул.

— Агар ўша қиз келса ва мен билан гаплашишга рози бўлса, сизга эллик доллар тўлайман.

— Бу сиз айтган қиз бўлади ва у сиз билан бажонидил суҳбатлашади, — деди хоним қатъий ишонч билан.

Мен қадаҳни охиригача сипқордим.

— Демак, кечқурун соат саккизда. Лекин билиб қўйинг, алдасангиз, ўзингизга қийин бўлади.

Хоним жилмайди.

— Ҳаммаси жойида бўлади.

Мен меҳмонхонага қилган ишимдан мамнун бир кайфиятда қайтдим.

УЧИНЧИ БОБ

I

Биринчи класс палубасининг четига суянганча, пастки палубанинг зинасига ёпирилаётган “учинчи классчилар”ни кузатардим. Фаройиб манзара. Хитойлар, ўзи бу ерда улардан бўлак ҳеч ким йўқ эди, шошилишар, худди паром жўнаб кетаётгандек бақришар, асабийлашишарди. Ҳолбуки, унинг жўнашига ҳали камида чорак соат вақт бор. Елкаларига қўйилган бамбук таёқларга осилган оғир юкдан гандираклар бораётган ҳаммоллар бир-бирини туртиб, уриниб-суришиб, нарвон бўйлаб шундай чопишардики, гўё улар одам тўла палубадан жой олиб қолиш учун эмас, балки ҳаёт-момат учун жон куйдиришаётгандай. Чақалоқларини елкаларига боғлаб, жангари болақайлар қуршовида ўтганни итариб, кетганни туртиб, бақриб-чақираётган аёллар сон-саноксиз. Ана, қора куртка ва шим кийиб олган икки озгин қизча шошганча нарвонга ўрмалашяпти. Улар орасида бамбук таёққа илинган новдалардан тўқилган сават силкиниб боряпти. Унинг ичида чўчқа боласи. Юк ташийвериб елкасининг яғири чиқиб

кетган ярим яланғоч йигит бир тўда болани етаклаб олган. Яхшигина кийиниб олган икки полициячи қўлларини белларига тираганча ўтган-кетганни кузатиб турибди.

Нигоҳим биринчи класс палубага тўпланган оз сонли йўловчиларга кўчди. Стелла улар орасида кўринмасди. Унинг энг сўнгги дақиқада бўлса ҳам етиб келишига шубҳам йўқ эди. У шунақа аёл эди. Бундай одамлар ҳеч қачон кеч қолишмайди. Лекин барвақт ҳам келишмайди.

Европача қора костюм кийган, қўлтиғига оғир портфелни қистириб олган пакана ва бақувват хитой нарвон билан биринчи классли палубага кўтарилди.

Тепадан ана шу бақувват одамга қараб кеча Энрайтларнинг ижарага олишган дала ҳовлисидаги кўзгуда аксини кўрганим кишини эсладим. Ўша оқшом мени пойлаган одам шу бўлса керак, деб ўйладим. Ёши қирқлардан ошган бўлишига қарамай, гавдасидан куч ёғилиб турарди. У жуда дадил ва энгил ҳаракат қиларди.

Барча хитойлар бир-бирига ўхшайди-ку, деб ўзимни оувтмоқчи бўлдим. Ёки ҳамма нарсдан гумонсираш касалига чалиндиммикин? Ҳар ҳолда кўнглим ташвишда эди. Бу туйғу ўша хитой шундоққина ёнимдан менга қарамай ўтиб кетганида ҳам мени тарк этмади. У ўриндиққа ўтириб, газетани очди-да, ўқишга тушиб кетди.

Стелла паром жўнашига бир дақиқа қолганида етиб келди. У яшил олма рангида энгил кўйлак кийган, қўлида похол сават бор эди. Нарвон ёнига келгач, қўл силжитди. Стелла энг сўнгги йўловчи эди. Пастга тушиб, унинг қўлидан саватни олдим. Буни кўриб нарвонни тортиб олишга шайланаётган икки денгизчи хитойнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Хеллоу, — деди Стелла. — Мана, мен ҳам келдим. Ҳар доимдагидек, энг сўнгги дақиқада.

Биз палубага кўтарилдик, паром оҳиста ўрнидан жилди. Курсига жойлашиб, қизғин гапга тушиб кетдик. Суҳбатимиз олди-қочди гаплардан иборат эди. Жефферсон номи тилга олинмади ҳам. Лентао ороли кўзга ташлангач, Стелла эҳтиёткорлик билан, бугун эрталаб нима иш қилдингиз, деб сўради. Гонконгнинг жин кўчаларини айландим, деб жавоб бердим.

— Мана, етиб келдик, — деди Стелла, паром тумшуғи билан Сильвер-Майн бекатига бориб урилгач. — Мен мана бу нарсаларни олиб бориб бераман. Бир кампир билан учрашишим керак. Бунга икки ярим соат вақт кетади. Унгача сиз шаршарани томоша қилиб қайтмайсизми? Жуда ажойиб манзара-да.

— Жуда соз. Шу ерда учрашамизми?

— Паром соат олтига яқин қайтиб келади. Сизни мана шу ерда кутаман. Ҳозир эса ҳув анави сўқмоқ билан Батерфляй-Хиллни айланиб ўтасиз, кейин кўприккача борасиз, — деб менга йўлни кўрсатиб қўйди. — Шаршара иккинчи кўприк ёнида. Шаршара — бу ерларнинг энг ажойиб томошагоҳларидан бири.

— Яхши, — дедим мен.

Стелла нарироқда кўриниб турган кулбалар томон йўналди. Ҳаммаёғига ювилган кийим-кечак осиб ташланган уйлар гаройиб манзара кашф этганди. Стелла энгил юриб борар, оғир одимлаётган хитой деҳқонларини орда қолдириб, олға интиларди.

Пакана хитой қаёққадир ғойиб бўлганди. Мен уни паромдан тушаётганда кўргандим, кейин қаерга йўқолди, худо билади.

Соат олтигача қиладиган ишимнинг тайини йўқ эди. Шунинг учун ҳам сайр қилгим келди. Бунинг устига кун жуда яхши, ҳаво очик, кўёш чарақлаб турар, шошадиган жойим йўқ. Стелла кўрсатган йўлга тушиб олдим-да, юриб кетдим. Ўн дақиқалардан кейин соҳил орда қолди, мен кимсиз сўқмоққа чиқиб олгандим. Чанг-Хоу деган қишлоқдан (буни кейин билдим) сўнг яна бир ўзим ёлғизоёқ йўл билан юришда давом этдим. Ўнг томонда Батерфляй-Хилл тепалиги, чап томонда эса очик дала ястаниб ётарди.

Шаршарага олиб борувчи йўлда ҳеч кимни учратмадим, бундан қайтага хурсанд эдим. Энди орқага қайтсам ҳам бўлади, деб ўйладим. Ҳаммаси шу пайт бошланди. Нимадир, катталиги нақ ёввойи аридек келадиган нарса қулогим тагидан визиллаб учиб ўтди. Узоқдан ўқ овози эшитилди.

Ўйлаб ўтирмай ерга ётиб олдим, кейин думалаб сўқмоқдан четга чиқдим. Пиёдалар сафида хизмат қилган пайтларим бу усулни яхши ўрганиб олгандим. Иккинчи ўқ мендан бир неча қадам нарида ерни чангитиб юборди.

Йул четида ўсган қалин ўт мени пана қилиб турарди. Сукунатни учинчи ўқ овози бузди. У бошим ёнгинасидан чийиллаб ўтди. Юрагим гупиллаб урар, қора терга ботгандим. Ерга қапишганча ўрмалай бошладим. Ҳозир ерни ёриб кириб, беркинишга ҳам тайёр эдим. Ниҳоят улкан қоятошга етиб олдим. Ваҳима босиб, унинг орқасига сирғалиб ўтдим-да, тошга ёпишганча кута бошладим.

Атроф жим-жит эди. Сал-пал ўзимни босиб олдим. Кимдир тепалик чўққисидан туриб, менга қарата ўқ узарди. Ўқ товушига қараганда мерган бу ердан анча олисда эди.

38-калибрли тўппончамни олмаганим учун ўзимни лаънатлай бошладим. Тўгри, калта энгли куйлак ва кенг шимда эдим. Бу кийимлар тўппонча учун асло мос эмасди. Ўқ узувчи менинг қаердалигимни яхши биларди. Унинг қиладиган иши кутиш. Бошимни кўтардимми — тамом. Жуда эҳтиётлик билан бошимни кўтардим. Тепкининг шиқиллагани эшитилди, ўқ юзимни ялаб ўтди. Яна ерга қапишишга мажбур бўлдим.

Демак, улар икки киши экан. Сўнги ўқ овози орқа томондан келди. Бу мерган биринчисига нисбатан анча яқинроқда эди, жин ургур.

Улар менинг қуролсиз эканимни яхши билишарди. Узоқдан теккизолмагач, турган гап, энди яқинроқ келишади. Яқиндан эса нишонга олиш унча қийин эмас.

Соат бешдан йигирма дақиқа ўтганди. Келишилган жойдан мени топмагач, Стелла излаб келармикин? Агар у манави икковига дуч келиб қолса-чи? Уни ўлдиришмасмикин? Ахир мени ўлдиришмоқчи бўлишди-ку!

Мен аста-секин ўрмалаб, қоя тошдан узоқлаша бошладим. Ҳарбий малакам қўл келди. Баланд ўсган ўтлар орасидан қияликдан пастга қараб илондек ўрмалай кетдим. Беш дақиқа ичида юз қадамча жойни босиб ўтдим. Кейин қаердалигимни аниқлаш учун бошимни кўтардим. Юзимнинг ёнгинасидан яна ўқ визиллаб ўтди. Тагин ерга қапишиб олдим. Бу иккови ё мен ўйлагандан кўра айёрроқ эдилар, ёки менинг ҳарбий малакам бир чақага арзимасди.

Аста илгари силжидим-да, ўзимни ён томонга олдим. Вақтида улгурган эканман. Чийиллаб келган ўқ мен ҳозиргина турган ерга санчилди. Зўр мерган экан, деб қўйдим ичимда. Кутилмаганда ўнг томондаги ўсиқ ўтлар тугади. Анчагина ерга чўзилган тошлоқ майдонда ўт ўсмаган, тик қиялик эди. Афтидан тепаликка туташ дала шу ердан бошланарди. Жим ётганча қулоқ солиш ва кутишдан бошқа иложим йўқ эди. Ҳеч нарса эшитилмасди. Бошни кўтармай туриб ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

Ҳиндиларнинг эски одати эсимга тушди. Қулоғимни ерга қўйиб диққат билан тинглай бошладим. Анчагача ҳеч нарса эшитилмади. Кейин эшитиб қолдим. Афтидан мерган эллик қадамлар нарида, ўнг томонда эди. Ўсиқ ўтларни пана қилиб эмаклар келарди. Агар бирор чора кўрмасам, ҳозир етиб келади.

Қаердалигини аниқламоқчи бўлдим, лекин эплай олмадим. Фақат қайси томондан яқинлашиб келаётганинигина билардим. Кутиб турдим. Вақт жуда имиллаб ўтар, мени эса ваҳима босарди. Бирдан ўтлар орасидан ирғиб турдимда, чап томонга сакрадим, кейин ўзимни ўнг томонга отдим, шу тариқа ганимни нишонга олишдан чалғитмоқчи эдим. Милтиқнинг шиқиллаши қулоққа чалинар, ўқ гоҳ ўнг томонимдан, гоҳ чап томонимдан физиллаб ўтарди. Олдинда, олти қадамча масофада майсазор қимирлади. Ўзимни ўша жойга отдим.

Ўт устида чўзилиб ётган зангори куртали хитой сакраб ўрнидан турди ва менга ёвузларча ишшайди. У чуваккина, озғин, чайир эди. Қўлидаги пичоғи офтоб тиғида ялтираб кетди. Лекин пичоқни ишга солишга улгурмай қолди. Шиддат билан унга ташланиб, ўнг қўлим билан пичоғини ушладим, чап қўлим билан кекирдагига чанг солдим. Елкам билан кўкрагига урдим, иккаламиз ҳам майсазор устига ағдарилиб тушдик. Суяқларимиз қисирлаб кетди. Хитой бармоқлари билан кўзларимни ўймоқчи бўлди. Лекин бошимни юзига босдим. У хириллай бошлади. Унинг бошқа иложи йўқ эди — зеро, мендан анча кичик ва нимжон эди. Пичоқни қўлидан уриб туширдим-да, иккала қўлим билан то-

моғига ёпишдим. У тагимда типирчилаб бир оз ётдию, жимиб қолди. То кўзлари косасидан чиқмагунча бўғиб туравердим. Танаси бутунлай бўшашгач, нафасимни бир оз ростладим-да, устидан тушдим. Лекин ўрнимдан туришга юрагим бетламади. Чунки шериги етиб келиши мумкин эди.

Бир муддат кўтиб турдим, бирдан хитой қимирлаб қолди. Ерда ётганимча уни тепага кўтардим. Унинг бош кийими учиб кетганди. Шунинг учун ҳам уни узоқдан кўрган шериги мен деб ўйлаши мумкин эди. Худди шундай бўлди. Ўқ овози эшитилди ва мен устимда кўтариб турган хитойнинг афти башараси қонга беланди. Мерган нишонга аниқ урган эди. Лапшайган тана ўт устига қулади. Мен орқага қараб ўрмалаб кетдим. Ўн беш қадамча эмаклагач, қулоғимни ерга босдим. Узоқ кутдим. Соат миллари олти яримни кўрсатарди. Тепада турган мерган кутавериб тоқати тоқ бўлди, шекилли, нима бўлдийкин, деб текшириб кўргани пастга тушди.

У мени ўлган деб ўйлаб бамайлихотир эди. Ўтларни икки ёнга аяририб, сўнгги ўқ овози эшитилган тепалик ёнбағрига қарадим. Уни кўрдим. Европача қора костюмда, милтиғини қўлтиғига қистирганича тепадан тушиб келарди. Бу ўша... Энрайтлар кошонасида мени пойлаган, бугун эрталаб паромда кўрганим хитой эди.

Уни кўришим билан даҳшатли шубҳа чулғади мени. Ахир бу кимсасиз оролга мени бошлаб келиш фикри Стелланинг миясида пишганди-ку! Мен Энрайтлар кошонасига таклиф қилинганимда ҳозир дадил менга қараб келаётган пакана хитой ҳам ўша ерда эди, мени яхшироқ кўриб, таниб олиши учун чақирилмаганимиди у? Тушунарли, мен олдиндан тайёрлаб қўйилган тузоққа илиндим, ундан чиқиб кетишининг эса сира иложи йўққа ўхшайди.

Агар хитой ҳозирги тезлигида ҳаракат қилса, яна ўн дақиқалардан сўнг менга етиб келади. Мен ўтлар орасидан узун тиглик пичоқни қидира бошладим. Пичоқ милтиқ билан тенглаша олмайди. Лекин ҳарҳолда қурол-ку. У ёқ-бу ёққа қараб, муштумидан каттароқ япалоқ тошни кўриб қолдим. Уни дарров қўлимга олдим.

Бу маҳал хитой сўқмоққа тушиб олиб, менга қараб келмоқда эди. У қадамни секинлатди, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қила бошлади. Лекин қўлтиғига кистириб олган милтиғи унга ишончли ҳимоя бўлиб хизмат қиларди.

Эмаклаб, жасаддан анча нари кетдим. Энди бизларни ўсиқ ўтлар билан қопланган йигирма метрлар чамасидаги масофа ажратиб турарди. Пакана хитой мени кўришдан аввал жасадга дуч келади. Энди у шундоққина ёнимда эди. Мен ерга маҳкам қапишиб ётибман, ўнг қўлимда тош, чап қўлимда пичоқ.

Хитой ўзича нимадир деб минғирлади. Мен эҳтиётлик билан бошимни кўтардим. У шеригини кўриб қолди ва устига энгашди. Гап нимадалигини тушунди-ю, бирдан бошини кўтарди. Шунда юзма-юз бўлдик. Милтиқни менга тўғрилади. Мен тошни отган замон у тепкини босди. Учиб бораётган тош унинг нишонни аниқ олишига халақит берди. Лекин барибир ўқ елкамни ялаб ўтди. Мен отган тош ўткир қирраси билан унинг қўлига тегиб, терисини шилди. Милтиғи қўлидан тушиб кетди. Уни оламан деб энгашган заҳоти ўқдек отилдим.

Худди деворга бориб урилгандай бўлдим. У билагимдан ушлади-да, ошириб ерга урди. Жоним узилди, деб ўйладим. Қўлимдаги пичоқни тушириб юборганимни зўрға англадим. Мундоқ қарасам, тепаликнинг нишабида турибман. Пастга юмаладим. Орқамдан қувиб келаётганини эшитдим. Эллик метрлар чамаси юмалаб боргач, пошнамни юмшоқроқ ерга тираб, ўзимни тўхтатдим. Бошим айланар, зўрға нафас олардим. Унинг яқинлашиб келаётганини кўрдим, лекин қўлида милтиғи йўқ эди.

У менга етиб келганида ўрнимдан туришга улгурдим. Аммо ундан пастроқда эдим. Мен жуда ноқулай вазиятда эдим, лекин у шундай тез келардики, ўзини тўхтатиб қололмади. Тўқнашиш пайти мен чап бердим ва бор кучим билан орқасига тепдим. У юзтубан йиқилди. Қўлимга каттагина тош тушиб қолганди. Орқасидан улоқтирдим. Тош гарданига тегди, қон сачради. Шалвираб қолган тана қияликни чангитганча пастга думалаб кетди. Боши ёрилган бўлса керак.

Бу мени ташвишга солмасди. Чунки ҳозир, балки кейин ҳам у менга бошқа таҳдид қилолмасди.

Ҳансираб, елкамдаги яра оғриғидан қийналиб, туртиниб-суртиниб сўқмоқ бўйлаб Сильвер-Майн лангарига бир амаллаб етиб олдим.

2

Вэнчай соҳилидаги барга кирганимда соат роппа-роса саккиз бўлганди. Бунгача ювиниб, кийимимни алмаштириб, елкам ярасига малҳам ёпиштиришга улгурган эдим. Иссиғим кўтарилган, бунинг устига ярамнинг оғриғи азоб берарди. Лекин, худога шуқур, ахир бундан ҳам бадтар бўлиши мумкин эди-ку.

Барда одам кўп эди. Йигирматача америкалик денгизчи ичишар ва рақс тушишарди. Ўттизтача қиз, бари калта хитой кўйлагида денг, вақтихушлик қилишар, ўйнашарди. Бир неча хитой корчалони алоҳида бўлмада ўтириб, виски ичишар, жиддий суҳбатлашишарди.

Мусиқа овозидан қулоқ қоматга келар, ҳеч нарса эшитиб бўлмасди. Эшикдан кирдим атрофга кўз югуртирганча туриб қолдим. Сигарет тутуни орасидан хоним чиқиб келди. У майин жилмайди-да, қўлимдан етаклаб, алоҳида, бўш бўлмалардан бирига олиб кирди.

— Нима ичасиз? — сўради хоним, тепамга энгашиб. Негадир совуқ кўзларини мендан олиб қочишга уринарди.

— Виски... Сиз-чи?

— Мен сизга виски буюраман.

У шундай деди-да, рақс тушувчилар орасига сингиб кетди. Бир оздан кейин ёнимга официант келди, столимга виски билан содали сув қўйди. Бир оз кутиб турдим. Ўн дақиқалардан кейин хитой хоним қайтиб келиб ёнимга ўтирди. Унинг қарашлари негадир ташвишли кўринарди.

— На Хай Тон сиз билан учрашади, лекин бу ерда эмас. У сизни уйимга келсин деяпти.

Янги тузоқми? Қизиқ бўлди-ку. Ҳали мен бугунги саргузаштдан ўзимга келолганим йўқ. Лекин ҳозир тўппончам ёнимда эди.

— О' кэй... Аммо унинг ўша қиз эканини мен қаердан биламан?

— Унда ҳужжатлар бор. У сизга кўрсатади. Бу ўша қиз.

— Ҳозир борсам бўладими?

— У кутиб турибди.

Мен вискимни ичиб тугатиб, ўрнимдан турдим.

— У билан гаплашаман, агар мени алдамаётган бўлсангиз, сизга эллик гонконг доллари тўлайман.

Хоним тиржайгандай бўлди.

— Майли, бориб такси тўхтатаман.

Бир неча дақиқадан сўнг қайтиб кирди-да:

— Шофёр сизни қаерга олиб боришни билади. Хонадон юқори қаватда. Қийналмасдан топасиз, — деди.

Кўча дим эди. Машинага ўтирдим ва биз жўнадик. Одамлар гавжум хитой маҳалласининг тор кўчаларидан бир амаллаб ўтиб олдик. Машина заргарлик буюмлари дўкони ёнида тўхтади. Ҳайдовчи чекка эшикни кўрсатиб, хурсанд илжайди. Мен йўл ҳақини тўладим, чойчақа ҳам бердим. У жўнаб кетаркан, орқасидан қараб турдим-да, ичкари кирдим. Лифтга чиқиб, сўнгги қаватга кўтарилдим. Кўнгилни тинчлантириш учун қўлимни чўнтагимга тикиб, тўппончамни пайпаслаб қўйдим. Юқориги қаватда қизил рангга бўялган эшикнинг кўнги-роғини босдим.

Анча вақтдан кейин эшик очилди. Ичкарида хитой қиз “ким керак?” дегандай менга қараб турарди. Баланд бўйли, озғин, истараси иссиққина. Оқ шойидан ажойиб қилиб тикилган калта кўйлаги, тўқ қизил шиппақлари унга жудаям ярашиб тушганди. Қора сочларига қадалган икки дона нилуфар гули ярқираб турарди.

- Мен Рейнман. Мени кутаётган бўлсангиз керак?
У жилмайди, оппоқ тишлари ярқираб кетди.
— Ҳа, кирақолинг.
Улкан хона, ранг-баранг гуллар, оқиш эмандан ясалган замонавий жавонлар билан жиҳозланган. Катта дераза денгизга қараб очилади.
— Сиз На Хай Тонмисиз? — сўрадим мен у эшикни ёпиб, оҳиста юриб кресло ёнига келгач.
— Ҳа, бу менинг исмим.
У ўтириб, қўлларини тиззаларига қўйди, жилмайди, қошларини чимирди.
— Мен бунга қасдан биламан?
Саволим уни ҳайрон қолдирди, шекилли, қўли билан столни кўрсатди.
— Мана ҳужжатларим.
Мен гувоҳномасини кўздан кечирдим. У Гонконгга беш йил бурун келган экан. Ёши йигирма учда. Касби — раққоса.
Хотиржам бўлиб, рўпарасига ўтирдим.
— Сиз Герман Жефферсонни танирмидингиз?
У жилмайганча бошини кимирлатди.
— Ҳа, мен уни билардим. Икки ҳафта бурун ҳалок бўлди.
— Унинг хотинини ҳам билармидингиз?
— Албатта. Улар турмуш қурганда мен гувоҳ бўлганман.
— Герман қандай пуллар эвазига кун кўрганидан хабарингиз борми?
— Балки мен бу саволларга жавоб берарман, лекин сиз аввал ўзингиз кимсиз, бу ерга нима учун келганингизни айтсангиз яхши бўларди, — деди у хайрихоҳлик билан жилмайиб.
— Жефферсоннинг отаси менга баъзи нарсаларни аниқлашимни топширди, — дедим мен. — У ўғли қандай яшагани билан қизиқяпти.
У савол аломати билан қошини чимирди.
— Нима учун?
— Қасдан билмай. У менга хизмат ҳақимни тўлади, шунинг учун у қизиқаётган нарсаларни аниқлаб беришим керак. Мен айтиб берганларингиз учун ҳақ тўлайман.
У ноз билан бошини эгди.
— Қанча тўлайсиз?
— Олган хабаримга яраша.
— Сизни унинг пулни қаердан топгани қизиқтирадимиз? — у сулув юзини буриштирди. — У пул топмасди. Жо-Эннинг пулини қоқиштириб оларди.
— Сиз Лейла деган қизни танирмидингиз?
— Танирдим. У Жо-Эн билан яшарди.
— Лейланинг айтишича, Жефферсон Репала-Бэйдаги муҳташам кошонани ижарага олган экан.
На Хай Тон бошини орқасига ташлаб хахолаб кулди. Унинг кулгиси жуда чиройли эди.
— Унинг пули ҳатто “Самовий салтанат”даги ҳужрасига ҳам етмасди. Ўзи хурматга нолойиқ шахс эди. Тиланчидан бир туки кам эмасди.
— Айтишларича, у қандайдир гиёҳвандлик моддалари сотувчилари билан алоқада бўлган экан, — дедим эҳтиётлик билан.
Бу сўзларим таъсир қилди, шекилли, ранги бўзарди, юзидаги табассуми ғойиб бўлди.
— Гиёҳвандлик моддалари сотувчилари ҳақида ҳеч нарса билмайман.
— Нима, мен сизга биласиз деб айтдимми? Мабодо уларнинг Кантондан Гонконгга героин олиб келишгани ҳақида эшитмаганмисиз?
— Сира эшитмаганман.
— Фрэнк Беллинг шу иш билан шуғулланган.
— Бу ҳақда ҳеч нарса билмайман, — дея тикилди менга суҳбатдошим афтини буруштириб. Пешонасида ажин пайдо бўлди.
— Ахир сиз Беллинг билан таниш эдингиз-ку!
— Уни бир мартагина, тўйда кўргандим.

— У Жефферсоннинг дўстимида?

— Эҳтимол. У ҳақда ҳеч нарса билмайман.

— Мен кейин Жефферсон хотинини ташлаб, Репала-Бэйдаги кошонани ижара олган деб эшитдим.

На Хай Тон бир оз тараддудга тушиб қолди.

— У ўлимигача хотини билан “Самовий салтанат”да яшади. Репала-Бэйдаги кошонада яшаганмас.

Мен унга сигарета тутдим, у рад этди. Менда, керакли нарсани сўраяпманми, ўзи? — деган шубҳа уйғонди. Чунки Лейладан бошқа ҳамма бир хил гапирарди. Нега энди фақат Лейла тўғри гапиради-ю, бошқалар мени алдайди?

— Келинг, яхшиси Жо-Эн тўғрисида гаплашайлик, — дедим мен. — Сиз уни яхши билармидингиз?

У бошини қимирлатди.

— Жо-Эн менинг энг яхши дугонам. У Америкага жўнаб кетгач, жуда ачиндим. Ундан хат кутяпман. Менинг ҳам у ёққа боришимга ёрдам бераман деганди.

Шубҳаларни йиғиштириб, тўғрисини айтишга қарор қилдим.

— Демак, сиз ҳеч нарса билмайсиз?

— Билмайман... Нимани билмайман?

— Унинг ўлганини-да.

У менга ғалати қаради. Кўзларини катта-катта очиб, қўллари билан кўксини гижимлади. Уни диққат билан кузатиб турардим. Йўқ, — ўйин қилмаётганди. Гапларим уни эсанкиратиб қўйганди.

— Ўлди? Нега ўлади? — деди бўғилиб. — Нима бўлди?

— Уни ўлдиришди. Пасаденага бориши билан.

Қизнинг юзи хиралашди. Бу ҳолатни бошқача сўз билан таърифлаш қийин. У бужмайди. Ундаги жозибаторликдан асар ҳам қолмаганди.

— Сен алдаяпсан! — деди тушкун овозда.

— Рост айтаяпман. Полиция қотилни қидирипти.

У йиғлаб юборди. Қўллари билан кўзларини беркитиб олди.

— Кетинг, — ингради у, — кетинг бу ердан.

— Тинчланинг. Бундай машъум хабарни айтганим учун мени кечиринг. Мен ҳам унинг қотилини қидириб юрибман. Сиз менга ёрдам беришингиз мумкин. Менга қаранг...

У ўрнидан сакраб турди-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб, қўшни хонага чиқиб кетди. Анча вақтгача нима қилишимни билмай туриб қолдим. Кейин ташқари чиқдим, эшикни ёпиб, лифтни чақирдим. Пастки қаватга тушиб, лифтдан чиқдим-да, тепага қулоқ солдим. Унинг эшикни очганини, яна ёпганини эшитдим. Мен товуш чиқармай зинадан тепага кўтарилдим-да, унинг эшиги олдида қотиб турдим. Бир неча дақиқа ўтди. Телефоннинг жиринглагани эшитилди. На Хай Тон жуда паст овозда тез-тез гапирарди. Нима деяётгани эшитилмасди. Гўшакни қўйгач, мен зинадан пастки қаватга тушдим, лифтга чиқдим-да, биринчи қаватга етиб олдим. Одамлар билан гавжум, шовқин тўла кўчага чиқдим. Йўлнинг нариги томонида қатор кетган дўконлар. Улардан бирига кириб, турли фотоаппаратларни кўздан кечира бошладим. Уларни арзонлаштирилган нарҳда сотишарди. Мен вақти-вақти билан қаршидаги ўйнинг эшигига разм солардим. Чунки қаршимдаги улкан кўзгудан у шундоққина кўриниб турарди. Минг хаёлга бориб турганимда у пайдо бўлди. Деярли танимай қолибман. На Хай Тон бутунлай бошқача кийиниб олибди. Худди далада ишлайдиган деҳқон қизи дейсиз. У ёқ-бу ёққа аланглади-да, соҳилга қараб кетди. Мен унинг изидан тушдим. Қиз жуда энгил юриб борарди. Унинг орқасидан аранг улгурардим. Таксилар бекатида бир шофёр билан гаплашди-да, машинага ўтирди. Ҳайдовчи эпчиллик билан машиналар оқимига қўшилиб кетди.

Менинг омадим бор экан. Кейинги машинанинг шофёри инглизча сал-пал биларди. Мен унга ҳозиргина жўнаб кетган такси орқасидан боришни буюриб, йигирма долларликни кўрсатдим. У хурсанд тиржайди ва мен ўтиришим билан газни босди.

Паром кечувида На Хай Тон машинадан тушди. Мен унинг сал нарироқ боришини пойлаб, ҳайдовчига ҳақини бериб, қизнинг изидан тушдим. На Хай Тон учинчи класс палубага чиқди, мен биринчига. Паром бизни Каулун лангарига элтиб қўйди. Бу ер Кай-Тэк аэропортига яқин эди.

Паромдан тушган На Хай Тон рикша ёллади. Мен хавфсиз бўлар деган умидда унинг изидан пиёда боравердим. Лекин рикшанинг тезлигини ҳисобга олмаган эканман. Қиз илгарилаб, кўринмай кетди. Мен уни бутунлай йўқотиб қўймаслик учун чопа бошладим. Хитойлар бу жинни шекилли деб менга ҳайрат билан қараб қолишарди.

Тор кўчаларнинг бирида қиз рикшага жавоб берди. Бу ерда мева-сабзавот сотувчи боққоллар, рикшалар, ҳаммоллар гуж-гуж эди. Хитой қиз боши берк йўлакдан бирига кириб кўздан ғойиб бўлди. Гонконгнинг бу қисми чинакамига хитойларники ҳисобланарди. Британия маъмурлари бу ерга кириш ҳуқуқидан фойдаланмас эдилар. Бунинг натижасида бу жойлар жиноятчилар ва гиёҳвандлар уясига айланганди. Ҳозирги пайтда аҳвол шу қадар ёмонлашгандики, муттасил равишда полиция соқчилик қилар, хитой томони ҳам бунга норозилик билдирмасди. Лекин бирорта европалик бу ерларга ўз ихтиёри билан қадам ранжида қилмасди.

Мен ҳамон қизнинг изидан борардим. Турли ахлатлар уюмларидан сасиб ётган бу тор кўчаларда яширинишнинг ҳам иложи йўқ эди. Ҳозир қиз агар орқасига қараса, мени кўриши турган гап эди. Лекин бундай бўлмади. Орамиздаги мосафа йигирма-ўттиз қадамлар келарди. У бир эшик олдида тўхтади, очиб ичкари кирди. Мен бир оз кутдим. Атрофда бир неча хитой чўккалаганча деворга суяниб ўтиришарди. Юзлари сарғиш, кўзларининг қорачиғи қотиб қолганди. Улар мени сездиларми, йўқми, билмайман, лекин қотиб қолган нигоҳларидан этим жимирлаб кетди.

Мен эшикни очдим. Зинага кўзим тушди. Ичкари кириб, тинглай бошладим. Тўппончамни қўлга олиб зинадан юқори кўтарилдим. Рўпарада бир эшик кўринди. Унг томонда яна биттаси.

Тўхтаб қулоқ солдим. Қандайдир эркак гапирарди:

— Бу ёққа қара, сариқтумшуқ қанжиқ, агар алдаётган бўлсанг, сени ўлдираман, — деди овоз эгаси америкача талаффузда.

— У шундай деди, — бақирди На Хай Тон, — у Пасаденага келиши билан ўлдириши, деб айтди.

Орқамдан мулойим товуш эшитилди:

— Қимирламанг, жаноб Рейн. Агар қийин бўлмаса қўлингизни кўтариб туринг...

Таниш овоз, хитой талаффузида.

Мен жойимда қотиб қолдим. Мулойим овозда гапирилишига қарамай, дўқ оҳанги сезилиб турарди.

— Марҳамат, эшикни очиб, ичкари кириб. Менинг қўлимда қурол бор.

Мен илгари одимладим, эшик дастасини буриб, итардим. Эшик ланг очилди.

Хона бўш эди. Ерга ҳеч нарса тўшалмаган. Рўпарамда кенг курси турарди. У каравот сифатида, ёғоч кунда эса ёстиқ бўлиб хизмат қилса керак. Тўнкарилган қути устида металл чойнак, чой дамланадиган кичик чойнак, бир неча кир финжон турарди. Девордаги илғичда қорайиб кетган сочиқ, унинг тагида ювиниш ашёси ва сув учун катта кўза бор эди.

Ерда чўккалаб икки киши ўтирарди. Улар ўгирилиб менга қарашди. Мен На Хай Тонни танидим. Бошқа бирови тор елкали, озгин эркак эди. Аввалига мен уни хитой деб ўйладим. Диққат билан қарагач, европалик эканини сездим.

На Хай Тон кўрққанидан қичқириб юборди. Эркак қўли билан унинг оғзини беркитиб, қаттиқ итариб юборди. Қиз оёқларим остига узала тушди.

— Лаънати қанжиқ! — ўшқирди эркак ўрнидан тураркан. — Сен уни бу ёққа бошлаб келдингми? Йўқол кўзимдан!

— Марҳамат, кириб, — деди орқамда турган эркак енгилгина елкамга туриб.

Қиз хўнграганича ердан турди-да, эшикка отилди.

Мен ичкари кирдим. Эркак менга хунук ёвқараш қилди. Кўзлари совуқ ва ҳиссиз эди.

Пайтдан фойдаланиб орқага ўтирилдим. Вонг Хон Хо — инглиз тилини билувчи гид — мулойим кулиб турарди. Ўнг қўлида 45-калибрли тўппонча. Эшикни ёпиб, орқаси билан унга суянди.

Мен рўпарамда турган кишига зимдан қарадим. Кўриниши касал ва ҳорғин эди. Соқоли олинмаган, ифлос, ундан сассиқ ҳид анқирди.

— Қара-чи, тўппончаси йўқмикин, — буюрди у.

Вонг тўппончасини елкамга тираб, чап қўли билан мени тимирскилади. Тўппончамни топиб, олиб қўйди. Кейин чеккага чиқиб турди. Рўпарамда турган киши Фрэнк Беллинг бўлса керак, деб ўйладим.

— Сен Беллингмисан? Кўпдан бери сени қидириб юрибман.

— О' кэй, мана топдинг ҳам дейлик, — деди нотаниш киши. — Лекин, жин ургур, бундан қандай наф сенга?

Мен Вонгга қарадим, у ҳамон мулойим тиржайиб турарди.

— Мени бошлаб тузоққа илинтирдинг, — дедим унга захархандалик билан. — Сен мени аэропортда ҳам атайлаб кутиб олган экансан-да. Менинг бу ёққа келишимни сенга ким хабар қилди?

Вонг хихилади.

— Олашақшақ думида олиб келди бу хабарни. Бунчалик синчков бўлиш керакмас, жаноб Рейн. Буёққа келишингизнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

— Лекин мен келдим. Нима қилай, мен ахир шунақа синчков бўлсам, синчковлик менинг касбим.

— Сенга нима керак ўзи? — сўради Беллинг.

— Жо-Эн Жефферсонни нега ўлдиришганини билмоқчиман. Менимча, ишни шу ердан бошлаш керак, излар эса керакли жойга бошлаб боради.

Унинг рангпар юзи менга бўри башарасини эслатди.

— Уни ўлдиришгани ростми?

— Ҳа, ўлдиришди.

У бошидаги ёпинғичини ечиб, бир чеккага улоқтирди. Унинг сарғиш қум рангидаги сочлари кўпдан бери қайчи кўрмаганга ўхшайди. Ифлос бармоқлари билан сочини тараб, лабларини қисди.

— Унга нима бўлди ўзи? — сўради у. — Қани, гапир-чи.

Мен сирли нотаниш Жон Хардвик ҳақида, мени қай тарзда алдашгани ва ишхонамга қайтиб келиб Жо-Эн жасадига дуч келганимни айтиб бердим. Унга қария Жефферсон ҳақида, унинг қотилни топиш учун мени ёллагани тўғрисида гапирдим.

— Ўғлим хотинини ким ўлдириганини билмагунча тиниб-тинчимасди, — деди чол. — Шунинг учун ҳам мен унинг сўнгги истагини бажаришим керак.

— Полиция нима қилапти? Нима, улар қотилни топишолмаяптими? — сўради Беллинг.

— Топишолмаяпти. Мен ҳам тополмаяпман. Шунинг учун ҳам мен сени қидира бошладим...

— Нега энди мени сенга ёрдам беради деб ўйлайсан? — У кўзларини олайтирди. Озгин юзини тер қолади. У кўзимга ўлгудай юрагини олдирган ва ёвуз бўлиб кўринди.

— Сен Жефферсон ҳақида бирор нарса гапириб берсанг яхши бўларди. У ҳам сенга ўхшаб гиёҳвандлик билан шуғулланармиди?

— У ҳақда ҳеч нарса билмайман! Сенинг ҳам бурнингни тикмаслигингни маслаҳат бераман! Жўна бу ердан! Жефферсон ўлган. Унинг руҳини безовта қилма. Мана бунга жўна деяпман! — У икки оёғи орасини шапатилади.

Мен унинг маслаҳатига амал қилишим керак эди-ю, лекин шундай қилмадим ва жазоландим. Беллинг Вонгга қаради. Унинг нигоҳи мени тешиб ўтгандай бўлди. Мен орқамга ўтирилдим. Вонг тўппончаси билан қорнимга туширди. Қаттиқ оғриқ сездим. Гарданимга тушган кучли зарбдан гандираклаб йиқилдим.

3

Мен ўз овозимни эшитгандай бўлдим: “Фрэнк Беллинг инглизми?” Бош инспектор Маккартининг овози жавоб берди: “Ҳа, инглиз”. Мана шу ўзини Фрэнк Беллинг деб атаган махлуқ кучли америка талаффузида гапирарди. Инглизда шунақанги ғалати талаффуз пайдо бўлиши мумкинми? Йўқ, деб ўйлайман.

Бошим қаттиқ оғриб, ўйларимга чек қўйди. Бехосдан инграб юбордим.

— Яхши, яхши, — дедим мен баланд овозда. — Хуноб бўлишнинг нима кераги бор. Бир-икки марта бошга туширишган бўлса нима қилипти. Касбинг шунақа бўлса, нима қиласан, чидайсан-да! Ҳали соғ-омон қолганингга шукур қил.

Теварақда ҳеч нарса кўринмасди. Лаҳимдаги сингари зимистон. Эсимда қолган ҳид бўйича ҳамон ўша Вонг зарбасидан гангиб қолганим хонада эканимни ҳис қилдим. Зўрга ўрнимдан турдим. Қаттиқ оғриқдан бошим тарс ёрилай дерди. Бир неча дақиқа ўтирдим, кейин куч тўплаб оёққа турдим. Эшик орқа томонда, чапроқда бўлса керак. Тимирскилаб эшикни топдим. Дастанни бурадим, эшик очилди. Йўлакда ёнаётган хира чироқдан кўзларим қамашди. Мен тўхтаб қулоқ тутдим. Пастда, кўчадаги ғала-ғовурдан ҳеч нарса тушунмадим. Қўл соатимга қарадим. Вақт ярим тундан оғибди. Хушсиз ётганимга ярим соатча бўлибди. Беллинг билан Вонг қочиб қолишлари учун етарли вақт ўтган.

Менинг бирдан-бир истагим мана шу лаънати жойдан тезроқ чиқиб кетиш эди. Зинадан тушаётиб кимдир юқорига чиқаётганини сездим. Ёнимни пайпасладим. Тўппонча филофи осиглиқ турарди. Лекин, афсуски, у бўш эди. Бирдан юзимга ёруғ урилди.

— Сен бу ерда нима қиляпсан? — эшитилди таниш шотланд овози.

— Сайр қиляпман, — дедим мен. — Ўзинг-чи?

Зинадан сержант Хэмиш ва хитой полициячиси кўтарилиб келишарди.

— Сени шу ёққа қараб кетди, дейишди. Шунинг учун бу ёққа келяпмиз.

— Бир оз кечикдингизлар. Мен ҳозиргина ошнанг Фрэнк Беллинг билан гаплашган эдим.

— Сенми? — унинг ҳайратининг чеки йўқ эди. — Қани у?

— Қочиб кетди, — мен бошимдаги ғуррани кўрсатдим. — Мана бунинг унинг шериги қилди.

У менинг гарданнимни ёритаркан, хуштак чалиб юборди.

— Вой-бўй. Сени чақиринганмиди бу ёққа! Ахир бу ер Гонконгда энг хавфли жой-ку!

— Чирофингни нари олсанг-чи, — дедим инграб. — Бошим тарс ёрилай деяпти.

У хонага кирди, деворларни ёритиб текширди. Қайтиб йўлакка чиқди.

— Бош инспектор сен билан гаплашмоқчи экан. Кетдик.

— Яхшиси, у На Хай Тон деган хитой қиз билан суҳбатлашсин, — дедим мен ва қизнинг манзилени айтдим. — Қочиб кетмасидан ўшани топинглар.

— Бунга унинг нима алоқаси бор?

— Беллингга мени ўша бошлаб келди. Шошилсанг-чи, бўлмаса уни қўлдан чиқарасан.

Хэмиш ёнидаги полициячига хитойчалаб нимадир деди. У пастга қараб чошиб кетди.

— Кетдик, — деди Хэмиш менга ва биз қоронғи, хавф-хатар тўла йўлакка чиқдик.

Орадан ярим соат ўтгач, мен оролга қайтдим. Бош инспектор Маккарти хонасига кирдим. Унга қўнғироқ қилиб ётган жойидан турғизиб келишган экан. Шунинг учун ҳам кўриниши унча қувноқ эмасди. Бир финжондан аччиқ чой ичдик. Бошимнинг оғриғи сал босилгандай бўлди.

Сержант Хэмиш деворга суянганча мисвокни чайнади. Маккарти бўш сархонали мундштугини сўрганича менинг ҳикоямни тингларди.

Мен унга Сильвер-Майн Бэйдаги сайру саёҳатим ҳақида гапириб ўтирмадим. Унинг жаҳли чиқмасин, дедим-да. Лекин На Хай Тон билан суҳбатлаш-

гим келиб уни қидириб топганимни, бунда менга Вэнчайдаги барда танишганим хоним ёрдам берганини, Жо-Эннинг ўлими ҳақидаги хабарни айтганимда у нақадар шошиб қолганини гапириб бердим.

— У бу хабарни ким биландир баҳам кўрса керак, деб гумонсираб кўчада кутиб турдим. Кейин изидан бориб ўша ерга кириб қолдим... Кейин кутилмаганда Вонг пайдо бўлганини, Беллинг билан суҳбатимни ва ниҳоят Вонг мени бошлаб урганини ҳам айтдим.

Узоқ сукутдан кейин Маккарти:

— Ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз, — деди. — Менинг олдимга келишингиз керак эди.

Мен индамадим.

У бир неча дақиқа эшитганларини таҳлил қилиб турди. Телефон жириглаб, ўйларини бўлиб юборди. У гўшакни олиб эшитди-да, жавоб қилди:

— Бўпти. Излашда давом этинглар. Менга жуда керак.

— У уйига қайтиб бормапти, — деди менга Маккарти. — Менинг одамим унинг уйини кузатапти, қидиряпмиз.

На Хай Тон то полиция қидириб, қўлга туширгунча кутиб ўтиради, деб ўйлаш ўта гўллик бўларди. Ҳар ҳолда у ҳам Лейла сингари портада топилиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

— Сизда Фрэнк Беллингни бирор сурати йўқми? — деб сўрадим мен. — Мен билан гаплашган йигитнинг Беллинг эканига шубҳам бор. У кўпроқ америкаликка ўхшаяпти.

Маккарти ёзув столининг тортмасини чиқариб, ундан катта бир жилдни олди. Ундан бир суратни ажратди-да, менга узатди. Суратга қараб мени совуқ тер босди. Худди шу суратни менга Жанет Вест ҳам берган, уни Герман Жефферсон деб атаганди.

— Шунинг Беллинг эканига ишончингиз комилми? — сўрадим мен.

Маккарти ҳайратомуз менга қаради.

— Бу бизнинг полициядаги сурат. Биз уни газеталарда босганмиз, уни қидираётганимда тарқатганмиз. Албатта, бу Фрэнк Беллинг.

— Лекин мен бу одам билан гаплашганим йўқ. Ўзини Фрэнк Беллинг деган одам бутунлай бошқа эди.

Маккарти чойдан ҳўплади ва сархонали мундштугига тамаки жойлай бошлади. Кўз ифодасидан унинг жиғига тега бошлаганим сезилиб турарди.

— У ҳолда сиз ким билан гаплашдингиз?

— Сиз Герман Жефферсон билан сира учрашганмисиз?

— Учрашганман. Нимаиди?

— Сизда унинг сурати борми?

— Йўқ. У Америка фуқароси бўлса, бизга сурати нима учун керак?

— Уни таърифлаб беролмайсизми?

— Озгин, қирра бурун. Сочи сийрак, кум рангида, — бидирлаб кетди Маккарти.

— Мен билан гаплашган ва ўзини Фрэнк Беллинг деб таништирган одам худди шу қиёфада эди.

Орага узоқ жимлик чўди, кейин Маккарти сукунатни бузди:

— Жефферсон ўлган. У автомобил фалокатида ҳалок бўлган. Унинг жасади Америкага жўнатилган.

— Жефферсон тирик... Бундан икки соат олдин тирик эди, — дедим мен. — Сизнинг таърифингиз айнан ўшанинг қиёфасига мос келади.

— Машинада топилган жасад Жефферсон бўйига тўғри келарди, — дея мулоҳаза қиларди Маккарти. — Жасад шу қадар куйиб кетгандики, уни асло таниб бўлмасди. Хотини уни қўлидаги узуги ва чўнтагидаги сигарет қутисидан таниди. У Жефферсон эмас эди, дейишга бизда ҳеч қанақа асос йўқ.

— Агар у Жефферсон бўлмаса, мен бунга шубҳа қилмайман, жин урсин, унда ким бўлиши мумкин эди?

— Мендан сўраяпсизми? — деди Маккарти. — Нима десангиз денг-у, менда Жефферсон тирик дейишга ҳеч қандай асос йўқ.

— Озгин, новча, кўзлари яшил, сийрак, сарғиш қумранг сочли, лаблари юпқа киши, — мен бир оз ўйлаб давом этдим. — Унинг ўнг қўлининг жимжилоғи қийшиқ. Ўйлашимча, бир вақтлар бармоғи сингану қийшиқ ўсган.

— Бу Жефферсон, — гапга аралашди Хэмиш. У боядан бери суҳбатга қўшилмай турувди. — Унинг қийшиқ жимжилоғини мен яхши эслайман. Шубҳасиз, бу Жефферсон.

Маккарти бурқситиб тамаки чекди.

— Унда биз кимни дафн этдик? — ишончсиз тўнғиллади Маккарти. — Америкага кимнинг жасадини жўнатдик?

— Фрэнк Беллинг жасадини бўлса керак, — дедим мен. — Жефферсон ўзини Беллинг қилиб кўрсатиб, мени аҳмоқ қилишга уринганининг сабаби бўлса керак.

— Бу унга нима учун керак бўлиб қолди?

— Билмасам, — бошимдаги гуррани пайпаслаб кўрдим-да, афтимни буриштирдим. — Агар сизда бош инспектор, менга бошқа савол бўлмаса, бориб ухлайман. Бошим зирқираяпти.

— Кўриниб турибди, — деди у. — Вонгнинг кўриниши қанақа?

— Оддий хитой. Пакана, семиз, тилла тишли.

— Тўғри, — деди Маккарти эснай туриб. — Бизлар учун уларнинг ҳаммаси бир хил. Улар учун биз ҳам шунақа. — У Хэмишга ўгирилди. — Қанча одам керак бўлса олгин-да, хитой даҳасини тинтиб чиқ. Яхшилаб қара, эҳтимол Жефферсонни топарсан. Яхшилаб кўринглар.

Кейин менга ўгирилди:

— О' кэй, Рейн. Бориб ухла. Буёғини ўзимиз ҳал қиламиз.

Мен “жуда хурсанд бўлардим” дедим-да, Хэмиш билан бирга хонадан чиқдим.

— Жефферсонни хитой даҳасидан қидириш кўринмас одам кетидан қувиш деган гап, — минғирлади Хэмиш. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Ҳамма бири-бирини яширади, Жефферсон ёнгинангда бўлиши мумкин. Лекин сен уни билмайсан.

— Ноумид шайтон, — дея унга далда бердим, — сен ёшсан, устунлигинг ҳам ана шунда.

У оҳ-зор қилишда давом этди. Мен “Паккард”га ўтирдим-да, “Репала-Бэй” меҳмонхонасига жўнадим. Ўлгудай чарчаган эдим.

Лифтда бешинчи қаватга чиқиб олдим. Менинг хонам айни шу қаватда эди. Навбатчи хитой табассум қилиб, икки букилди-да, қўлимга калитни тутқазди. Унга миннатдорчилик билдириб, хонамга йўл олдим. Эшикни очиб меҳмонхонага кирдим. Бу отелдаги кўпчилик хоналар меҳмонхонага эга эди. Хонанинг ётоқхона қисми парда билан тўсиб қўйилган эди. Чироқни ёқиб пиджакни ечдим. Кондиционер ишлаб тургани учун хона салқингина эди.

Бирдан-бир истагим муздек сувда чўмилиб, мириқиб ухлаш эди. Афсуски, ниятим амалга ошмади. Пардани тортиб ётоқхонага кирсам, қаравот ёнидаги чироқ ёниб турибди. Менинг ўрнимда эса аёл киши чўзилиб ётибди. Мен Стелла Энрайтни танидим. Устида тунги базмлар учун кийиладиган зарли қора кўйлак. Туфлилари ерда ётибди.

Бу манзарадан гангиб қолдим. Аввалига уни ўлган деб ўйладим. Кейин қарасам кўкраги кўтарилиб тушяпти. У нафас олаётганди. Ҳайронман, Стелла бу ерда нима қилаяпти? Менинг хонамга қандай кириб олган экан? Навбатчининг тиржайганини эсладим, демак, Стелла уни пул билан кўндирган.

Стелла аста кўзини очди. Мени кўриб, бошини кўтарди. Қаравотдан оёқларини осилтириб ўтирди.

— Кечирасиз, — жилмайди Стелла. — Ухлайман деб ўйламагандим. Сизни кутавериб, толиқибман шекилли, кўзим илинибди.

— Кўп кутдингизми? — сўрадим мен нимадир айтиш керак бўлгани учун. Креслога ўтирдим. У туфлисини кийди, сочини силади, ўрnidан туриб меҳмонхонага чиқди.

— Соат ўндан бери кутаяпман. Сиздан ташвишландим. Менинг бу ерга келишимга қаршимасмисиз? — Кейин менинг бирор сўз айтишимга имкон бермас-

лик учун шоша-пиша қўшиб қўйди: — Нима бўлди? Паромга кечикишимга сал қолди. Мени нега кутиб турмадингиз?

— Мени ушлаб қолишди, — қўлида пичоғи бор нимжон хитой ҳам милтиқли пакана хитой кўз олдимга келди. — Энди мен сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Мени Сильвер Майн-Бэйга таклиф қилиш ўзингиздан чиққан гоями?

— Фоя? — у қаршидаги креслонинг қиррасига ўтирди. — Бу билан нима демоқчисиз?

— Нега бунақа чўчиб кетдингиз? Менга шаршарани томоша қилишни айтганда... Бу ўзингизнинг гоянгимиди, ёки сизга кимдир маслаҳат берганмиди?

Стелла қовоғини уйди, менга диққат билан тикилди.

— Буни нега сўраётганингизни билмайман. Сизни таклиф қилишни акам айтганди. У ёлғиз, сен билан бирга бўлса хурсанд бўлади, деди.

— У чиндан ҳам сизнинг акангизми?

Стелла хўрсинди, менинг кўзимга қаради ва нигоҳини дарҳол олиб қочди, индамади. Мен саволимни қайтардим.

— Ғалати нарсаларни сўрайсиз-а, — деди Стелла, кўзимга қарамасликка уриниб.

— Сизлар бутунлай бошқа-бошқа одамларсиз. Менинг ўйлашимча, сиз сингари қиз ўз акасининг ёнида яшашни асло хоҳламаса керак.

Стелла узоқ жим қолди, нимадир дейишга ботинолмай елкаларини қисди.

— Йўқ, у акам эмас. Бир-биримизни таниганимизга икки ойгина бўлди. Уни учратиб қолганимдан жуда афсусланаман.

Ухлаш ҳақидаги фикрим бутунлай хаёлимдан кўтарилди. Сигарет қутимини очдим, чекдик. Стелла кресло қиррасидан сирғалиб тушди-да, жойлашиб ўтириб олди, орқасига ястаниб, кўзини юмди, сигаретни чўзиб-чўзиб тортди.

— У билан қаерда учрашгансиз?

— Сингапурда. У ерда мен тунги клубда стриптизда¹ қатнашардим. Нью-Йоркдан эндигина келгандим... Ҳавойи бир қиз эдим. Клуб синди, пул ололмадим, аҳвол жуда оғирлашди. Шунда Гарри учраб қолди. У бир неча бор томошаларимда қатнашганди. Мен билан бўлгин, деб айтди. Унинг пули кўп, маълум даражада ёқимтой эди... Бир сўз билан айтганда, мен у билан бирга Мак-Ричи сув омбори ёнидаги хилватгоҳда бирга яшай бошладик. Ҳаётимиз ёмон эмасди. Яхши десам ҳам бўлади. Одамлар ғийбат қилгунча яхши эди. Гап-сўз, миш-мишлар эса яхшиликка олиб бормайди. — Стелла кўзини очиб, сигаретининг кулга айланаётган учига қаради. — Мен уйимга кетишга аҳд қилдим. Лекин Гарри менга пул бермади. Кейин бирданига буёққа кўчиб ўтди. Менга сохта паспорт топиб берди. Биз худди ака-сингилдек бу ерга жойлашдик. — Стелла менинг кўзларимга термудди. — Бирам уйга кетгим келяптики... Бир оз пул қарз беролмайсизми? Икки ойдан кейин қайтариб бераман.

— Сиз учун сохта паспортни қандай топиб бердийкин?

Стелла бошини сарак-сарак қилди.

— Билмайман... Қизиқиб ҳам кўрмаганман. Қарз бериб турасизми?

— Ҳеч қачон қарзга пул бермайман.

— Бунинг аҳамияти йўқ, биз бирга кетишимиз мумкин, — у зўрма-зўраки жилмайди. Миямга у нимадандир кўрқаяпти деган фикр келди. Кўзларида ташвиш бор эди. — Биласизми... йўл харажатлари...

— Ичгим келяпти. Сиз-чи?

Стелла қадини ростлади, кўзлари катта очилди.

— Бу ёққа ҳеч кимни киритманг, — товуши жаранглаб чиқди унинг. — Мени бу ерда кўришларини хоҳламайман.

— Навбатчи билади. Ахир сизни ўша киритган, шундай эмасми?

— Йўқ. Мен сиз яшаётган хона рақамини билиб, жавондан калитни ўзим олдим. У ерда калит иккита экан. Менинг бу ерга келганимни у билмайди.

— Нимадандир кўрқаяпсиз-а?

¹ Стриптиз — яланғоч рақс тури.

— Кўрқаятганим йўқ. Фақат бу ердан тезроқ кетгим келяпти. Уйга боргим келяпти.

— Намунча шошмасангиз?

— Нимага мунча сўрайверасиз? Пул қарз бериб турасизми? Агар истасангиз ҳозир сиз билан ётаман, сиз менга пул берсангиз бас.

— Мен сизга пул бераман, Гарри Энрайт ҳақида билганингизни айтиб берсангиз бўлди.

Стелла безовталанди:

— У ҳақда кўп нарса билмайман, — деди ҳовлиқиб. — Бор-йўғи маишатпаст бир одам.

Ўта ҳорғинлик хотиржам бўлишга имкон бермади.

— Майли бўлмаса, агар билганингиз бор-йўғи шу бўлса, демак, пулим ёнимда қолаверади. — Мен ўрнимдан туриб, телефон гўшагини кўтардим. — Ҳозир ичишга бирор нарса буюраман, кейин тўйиб ухламоқчиман... Бир ўзим. Сиз эса, официант келмасидан кетганингиз маъқул.

— Йўқ... Тўхтанг.

Мен хизмат бюросига қўнғироқ қилиб муз билан бир шиша виски келтиришларини буюрдим. Гўшакни қўйган чоғим Стелла ўрнимдан турди.

— Энрайт тўғрисида гапириб берсам, ростдан ҳам пул берасизми?

— Бераман.

— Ўйлашимча, у гиёҳвандлик моддалари контрабандаси билан шуғулланади, — деди Стелла.

— Нега шундай деб ўйлайсиз?

— Кечаси унинг ҳузурига ҳар хил одамлар келади. Биз Сингапурда яшаганимизда у тез-тез док'ларга борар, денгизчилар билан учрашиб турарди. Бир сафар полиция уйимизга бостириб кириб, тинтув ўтказди. Ҳеч нарса топиша олмади. Бу ерда ҳам уйимизга кечаси одамлар тез-тез келиб туришади. Кўпинча хитойлар келишади. Гарри уларни саҳарлаб ўз катерида элтиб қўяди.

— Сизлар кўчиб келганда, Жефферсон кошонада яшармиди?

— Ҳа. Гарри буни сизга айтмаслигимни буюрди. Жефферсон ҳалок бўлгач, Сингапурдан унинг ўрнига Гаррини юборишди. Бу кошона жуда қулай ерга жойлашган. Гиёҳвандлик молларини кемага бемалол ортиб, тушириш мумкин.

Эшикни астагина чертишди.

— Бу официант. Ювиниш хонасига киринг-да, жим туринг.

Стелла кириб кетиши билан официант келди деб эшикни очдим.

Эшик ортида тиржайганча Гарри Энрайт турарди. Унинг қўлида 38-калибри тўппонча. Менга тўғрилаб турарди.

— Бехуда уринманг, ошна. Хонага киринг.

Мен орқага тисарилдим.

— Хомхаёл бўлманг. — Энрайт эшикни ёпиб, уни орқаси билан босиб турди. — Мен официантга фикрингиздан қайтганингизни айтдим... У қайтиб кетди.

— О' кэй, демак ўтирса бўладими? Бунчалар ҳаяжон бир кун учун кўплик қилади.

Мен ўтириб, қўлларимни тиззамга қўйдим. Диққат билан уни кузата бошладим. Афти ҳамон тиржайиб турарди. Ҳиссиз, бешафқат кўзлари огоҳлантирарди: ниҳоятда эҳтиёт бўлиш кераклигини унутма. Қўлидаги тўппонча нақ қаншаримни пойлаб турарди.

— Сиз жуда эпчил экансиз, — деди Энрайт. — Қанчалик эпчил эканлигингизни ўзингиз ҳам билмайсиз, жин урсин. Мен сўнги уч ҳафта давомида бехуда уринган нарсани сиз осонгина амалга оширдингиз-қўйдингиз.

— Нима қилдим?

— Жефферсонни топдингиз. Мен бу итваччани кўпдан бери қидираман. Қидиравериб жинни бўлай дедим. Буни қаранг-а, сизни ўлдиришимга озгина қолди! Демак, сиз ўлмасдан қутулиб кетибсиз, яна уни қидириб топибсиз.

Во ажаб!

¹ Док — кемаларни тузатиш корхонаси.

— Тушунмай қолдим. Менга тўппонча ўқталиб туриш шартми? Бугун ўзи кун жуда оғир бўлди, сизнинг тўппончангиздан эса кайфият сира кўтарилмайди.

Гарри тўппонча ўқталганча хонага ўтди. Ҳозиргина Стелла ўтирган креслога ўтирди.

— Ташвишланманг. Тўполон қилмасангиз, пешонангиздан дарча очиб ўтирмайман.

— Исковучларга нима дедингиз?

— Уларга бир нарса деган деб ким айтди сизга?

— Бизнинг кошонамиз билан қизиққанингиздан бошлаб кетингиздан ўз одамимизни кўйганмиз. Мен сизни сув велосипедида кўриб қолдим. Ўшандан эътиборан биз сиздан кўз узганимиз йўқ.

— Биз деганингиз ким? Қорадори ташиш билан шуғулланувчи ташкилотни назарда тутяпсизми?

— Худди ўшани, ошна. У билан ўйнашиб бўлмайди. Э-э, сиз буни тушунмайсиз. Биласизми, анави иккови сизни ўлдириб кўйганда нима бўларди. Ўйласам, эгим жунжикиб кетади. Бу менинг хатоим. Сизни деб овора бўлишнинг ҳеч ҳожати йўқ экан. Сиз Жефферсонни таъқиб қилаётганингизни ҳеч ҳаёлимга келтирмабман.

— Мен таъқиб қилганим йўқ... Уни ўлган деб ўйлагандим.

— Биз ҳам шундай ўйлардик. У бизни бошлаб аҳмоқ қилиб кетган экан-да. Биз Беллингни “овлаб” юргандик. Сиз пайдо бўлдингиз-у, бизни тўғри Жефферсонга олиб чиқдингиз.

— Демак, сизлар уни топибсизлар-да! Хитоб қилдим мен, ювиниш хонасидаги Стеллани ўйлар эканман.

— Ҳа, биз уни топдик, — деди Гарри тишларини ғижирлатиб, — Вонгни ҳам топдик.

— Вонг ким ўзи?

— Гуруҳимиз аъзоси. Лекин у Жефферсон билан боғланиб, қаттиқ адашди. Ҳозир уларга яхшилаб ишлов беришяпти, кейин улардан бирор нарса қолгудай бўлса, денгизга чўктирилади.

— Уларнинг гуноҳлари не?

— Биз қотилларни ҳаммаша бир ёқли қиламиз. Бўлмаса иш чатоқ. Сиз исковучларга нима дедингиз?

— Улар билганидан бошқа ҳеч нарса деганим йўқ, — дедим бамайлихотир. У узоқ вақт менга тик қараб турди-да, ўрнидан қалқди.

— Сиз ҳозир мен билан бир оз айланасиз, кейин машинада сайр қилиб келамиз. Пастда менинг тўртта одамим кутиб турибди. Сал-пал нотўғри ҳаракат қилсангиз, тамом, ўзингиздан кўринг. Бу сўнгги қадамингиз бўлади. Йигитларимнинг пичоқлари жуда ўткир. Уларга қирқ қадамча масофадан одам ўлдириш ҳеч гап эмас. Билиб кўйинг. Қани, кетдикми?

— Биз айланиб, машинада сайр қилганимиздан кейин нима бўлади?

— Кўрасиз. Ўрнингиздан туринг, ошна. Эсингизда бўлсин: мен сизни огоҳлангирдим-а.

Мен турдим, у тисарилиб эшиккача борди. Эшикни очиб ташқари чиқди.

— Навбатчидан умид қилманг. У менинг одамим. Аҳмоқлик қилиб ўтирманг, — деди Энрайт. Биз зинадан тушамиз. Пастда йигитларимдан бири кутиб турибди. Агар жонингиз керак бўлса, ҳеч нарса билмагандай бораверинг.

Биз даҳлизга чиқдик. Энрайт тўппонча ушлаб турган қўлини чўнтагига тикди. Навбатчи орқамиздан истеҳзоли тиржайди. Энрайт мени зинага қараб итарди.

— Биринчи бўлиб тушинг, — буюрди у.

Мен маъюс ҳолда пастки қаватга тушдим. Катта пешайвон бўм-бўш эди. Мижозлар учун мўлжалланган креслоларда икки эркак ўтирарди. Улардан бири сержант Хэмиш экан. Иккинчисини аввал кўрмаган эдим. Уларга яхши қараб улгурмаган ҳам эдимки, орқамдан ўқ овози гумбурлади. Мен йиқилдим, юрагим гупиллаб ура бошлади. Устимдан иккинчи ўқ пақиллаб ўтди.

Бир оздан кейин кимдир биқинимга туртди.

— Энди турса бўлади, — деди Хэмиш.

Мен ағдарилдим, унга қарадим-да, аста ўрнимдан турдим. Энрайт чалқанча ётарди. Юзидаги жароҳатидан қон сизарди. Пиджаги қонга беланган. Шубҳа йўқ: у ўлган эди.

— Уни сен ўлдирдингми?

— Шундай қилмасам у сени ўлдирарди, кейин мени отиб ташларди, — деди Хэмиш.

— Бу ерда бошқалари ҳам бор, — дедим мен, — биттаси бешинчи қаватдаги навбатчи.

Полициячи лифтга қараб юраркан, Хэмиш таъкидлади:

— Қолганларини қўлган олганмиз. Қандайдир бир аёл бизга қўнғироқ қилди.

Мен ҳайрон бўлиб унга қарадим.

— Аёл дейсизми?

— Ҳа-да, агар ўша аёл огоҳлантирмаганда биз бу ерга қандай келардик? — деди қони қайнаб Хэмиш. — Қандайдир бир аёл сим қокди. Ким ўша аёл?

— Билмайман. Эҳтимол, хушторларимдан биттасидир.

Пешайвонда хитой полициячилари гимирлаб қолишди. Хэмиш уларга ниманидир буюрди-да, менга ўтирилди.

— Кетдик, — деди у. — Бош инспектор билан гаплашиб олиш керак.

Полициячилар Энрайтнинг жасадини олиб кетишди. Хэмиш билан мен бизни кутиб турган машинага чиқдик.

4

Полиция маҳкамасида уч соатдан кўпроқ қолиб кетдим. Яхшиям сўри бор экан, бир оз мизғиб олдим. Эрталаб соат тўртга яқин Хэмиш мени силтаб уйғотди:

— Тур ўрнингдан.

Мен инграб, ўрнимдан турдим. Бошим ҳамон зирқираб оғрирди.

— Яна нима бўлди?

— Сени бош инспектор чақиряпти. Нима, бу ерга ухлашга келганмисан?...

Маккарти тамаки бурқситарди, олдида бир финжон чой. Полициячи менга ҳам чой олиб кирди. Мен ўтирдим. Хэмиш эснаганича деворга суянди.

— Денгиз полицияси Энрайт катерида қочишга уринган бир одамни қўлга туширди, — деди Маккарти.— Ўша билан анча овора бўлдик. Барибир қўлга тушди.

— Америкаликми?

— Хитой, Кантонлик. Сиз Жефферсон иши билан шуғулланяпсиз, шунинг учун бизга қўшилсангиз яхши бўларди.

— Ташаккур. Жефферсонни ҳали топишадими?

— Ярим соат бўлди кўрфаздан топишганига. — Маккарти пешонасини тириштирди. — Ўзиям ўтган сафар ўлмаганига минг пушаймон еган бўлса керак. Таниб бўлмайдиган ҳолга келтиришибди. Энди биз учун ҳаммаси ойдинлашди. Демак, Жефферсон бу ёққа келганидан кейин Жо-Эннинг нопок йўллар билан топган пули ҳисобига кун кўрган. Ҳайронман, унга нега уйланган экан? Эҳтимол, ошиқча гап-сўзлар бўлмаслиги учун шундай қилгандир. Ҳарҳолда Фрэнк Беллинг билан учрашганидан сўнг Жо-Энга уйланган. Маълумки, Фрэнк Беллинг гиёҳвандлик моддалари контрабандасининг асосий ташкилотчиларидан бири бўлган эди. Беллинг Репала-Бэйдаги кошонани ижарага олганди. Билмадим, Лин Фэн хаёлига ўз кошонасидан фойдаланиш қаёқдан келган экан. Мавриди келса буни билиб оларман. Кошона гиёҳвандлик моддаларининг катта туркумини тушириш учун жуда ўнғай. Кемалар тўхташига мослаб жиҳозланган, қайиғи ҳам бор. Беллинг контрабандани авж олдириб юборди. Бизга уни ҳибсга олиш тўғрисида фармойиш келди. Лекин уни кимдир огоҳлантирган экан, Кантонга қочиб ўтишга қарор қилди. Кошонада унинг ўринбосари қолиши керак эди. Беллинг Жефферсонни у ерга боришга кўндирди. Ҳарҳолда Жеф-

ферсон бунга жон-жон деб рози бўлди. Бундай мухташам кошона унинг жондиди эди. У Жо-Энни ташлаб кошонага кўчиб ўтди. Беллинг Кантонга жўнади. У ерда героиннинг каттагина туркумини жўнатишни ташкил қилди. Кечаси Беллинг кошонада пайдо бўлди ва Жефферсонга ортилажак юк ҳақида гапириб берди. Икки минг унция¹ героин — жуда катта бойлик эди. Жефферсон уни ўмариш пайига тушди, бироқ уни пуллаш йўлини билмай гаранг эди. Бунинг устига контрабандачилардан кўрқарди. Буни қарангки, тақдирнинг ўзи унга кулиб боқди. Героин олиб келиниб кошонага яширилди. Беллинг Жефферсон билан Кантоннинг шаҳар четидаги даҳаларидан Деки-Пассга қараб машинада йўлга чиқишди. Йўлда фалокат юз берди ва Беллинг ҳалок бўлди. Жефферсон бундай имкониятни бой бермади. У Беллинг бармоғига ўз узугини тақиб, унинг чўнтагига ўзининг сигарет қутисини солиб қўяди-да, машинани ёқиб юборди. Фалокат кимсасиз жойда, эрталаб соат тўртда юз бергани учун уни ҳеч ким кўрмайди. Жефферсон кошонага ўғирланган велосипедда қайтиб келади. Героинни “Самовий салтанат” меҳмонхонасига олиб ўтади. Мен, албатта, буларни ўз тахминимча айтаман. Лекин ишончим комилки, Жефферсон ўз хотинини Беллинг жасади ҳақида сохта гувоҳлик беришга мажбур қилган. Кейин ўзи Каулуннинг хитойлар яшайдиган даҳасида яширинган.

— Бу унга нима учун керак бўлиб қолдйкин?

— У шошмашошарлик билан иш кўрган. Имкон бўлиши билан иш бошлаб юборган-у, ўзи вазиятнинг қурбони бўлган. Контрабандачилар ҳам қараб туришмаган. Автомобиль ҳалокатидан кейин улар кошонага ўз одамини юборишган. Натижада героиннинг изсиз йўқолгани маълум бўлиб қолган. Табиий, улар героинни Беллинг ўғирлаган деб ҳисоблашиб уни қидира бошлашади. Жефферсонга бу жуда қўл келди. Контрабандачилар Беллингни қидиришаётган пайтда у ташвиш тортмасди. Лекин Гонконгдан чиқиб кетиши керак эди. Бироқ бунинг иложи йўқ эди. Уни ўлган деб ҳисоблашарди. Шунинг учун ҳам сохта паспорт олишнинг йўлини қилолмади. Шундай қилиб панд еди.

— Героин нима бўлди?

Маккарти қошларини чимирди.

— Буни ҳеч қачон билолмайсиз, деб ўйлайман. Жефферсоннинг жасади дабдала қилиб ташланибди. Контрабандачилар героин қаердалигини сўраб роса қийнашган кўринади. Баданида соғ жойи йўқ.

— Ҳайронман, нима учун Жо-Эн Беллинг жасадини Жефферсоннинг отасига олиб бордйкин?

— Унга Гонконгдан чиқиб кетиш зарур эди. Пули йўқ эди. Ўғлининг жасади учун эса чол яхшигина тўлаши мумкин эди.

— Гапингизда жон бор. Вонг-чи?

— Вонг контрабандчилар тўдасидан. Лекин Жефферсон билан боғланиб қаттиқ янглишди.

— Мени аэропортда ўша кутиб олганди. Менинг келишимни қаердан билган экан? Кимдир хабар қилган бўлса керак. Лекин ким? Мен унинг хизматидан фойдаланганимда бутунлай тескари томонга олиб борди. Афтидан, менинг Жефферсон билан учрашувимга халақит бериш ҳақида кўрсатма олган кўринади. У бунга қарийб муваффақ бўлди ҳам. Агар Лейла бўлмаганида Энрайт ҳақида ҳеч нарса билмас эдик.

— Жефферсон жасаднинг Америкага жўнатилишини хоҳлаганмиди?

— Ҳа. Мен Америка ваколатхонасидаги Вилкоккс билан гаплашдим, барча ҳужжатларни кўздан кечирдим. Вонгнинг жасади топилмади?

— Қидиряпмиз. Биз қўлга туширган хитойнинг гапига қараганда иккала жасад ҳам сувга бир жойда ташланган.

— Уни жуда тез “тилга” киргизибсизлар-да!

— Ҳа, бу бизнинг қўлимиздан келади... — Бу мавзу уни зериктирди шекилли, айёрлик билан сўради. — Дарвоқе, Сильвер-Майн-Бэйда отиб ўлдирилган хитой ҳақида ҳеч нарса билмайсизми? Уни Ли-Энфильд милтиғидан отиб ўлдиришган. Ўқ бошига теккан экан.

¹ Унция — 29, 86 граммга баробар ўлчов бирлиги.

- Шунақами? Ҳарбий хизматни тугатганимдан бери Ли-Энфильдга ишим тушмаган.
- Уни сиз отгансиз, деган фикрдан йироқман. Лекин ўша куни сиз шу томонларга боргандингиз-ку?
- Инкор этмайман. Бордим. Шаршарани томоша қилдим.
- Жасадни худди ўша жойдан топишган.
- Шунақасиям бўларканми?
- Сиз ўқ товуши эшитмадингизми?
- Ҳеч қанақа.
- Маккарти менга диққат билан қаради-да, елка қисди.
- Шубҳа қилмайман. Агар сиз бирор нарса эшитганингизда бизга хабар берган бўлардингиз.
- Сиз ҳақсиз.
- Орага узоқ жимлик чўқди.
- Энрайтнинг синглиси бор, — деди ниҳоят Маккарти. — Хушрўй аёл. Сиз унинг ҳозир қаердалигини биласизми?
- Кошонада, юмшоқ кўрпада ётган бўлса керак деб ўйлайман. Мен ҳам ўша кўрпада жон-жон деб ётган бўлардим.
- У кошонада йўқ. Биз текшириб кўрдик. Сиз уни сўнгги бор қачон кўрувдингиз?
- Сильвер-Майн-Бэйга кетаётиб паромда кўргандим. Ўзининг собиқ кекса оқсочига озиқ-овқат олиб бораётган экан. Биз бирга кетувдик.
- Ўшандан бери уни кўрганингиз йўқми?
- Аниқ бир нарса дея олмайман.
- Ўйлашимча, Энрайт сизнинг хонангизда экани ҳақида хабар берган ўша аёл бўлади.
- У шундай қилиши мумкин. Жуда софдил аёл.
- Маккарти кутилмаганда жилмайди.
- Гапни чалгитмасангиз-чи, Рейн. Бизга ҳаммаси аён. Унинг исми Стелла Мэй Тиан. Ўзи раққоса, Сингапурдаги клубда ишлаган. Энрайт билан ўша ерда танишган. Бу ерга сохта паспорт билан келган.
- Ҳўш? — сўрадим ундан кўзимни узмай.
- У бизга кўнғироқ қилганида аниқладик; меҳмонхонадан сим қоқди. Бизга унинг сиз турган хонанинг ювиниш бўлмасидан сим қоққанини хабар қилишди. Соат ўнларда сизнинг хонангизга кўтарилганини кўришган. Ўйлашимча, ҳозир ҳам ўша ерда.
- Эҳтимол... Ҳар ҳолда шунга умид қиламан, — дедим мен. — У менинг ҳаётимни сақлаб қолди. Нима, уни сизларга топшираман, деб ўйладингларми?
- Полицияни алдаш ақлдан эмас, — деди Маккарти тиш ковларкан. — Лекин у сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолди, бизга эса контрабандачилар тўдасини тугатиш имконини берди. Шунинг учун уни безовта қилмасак ҳам бўлади. Унга айтинг, эртага кечқурун бу ердан кетсин ва бошқа кўринмасин. Биз унинг йўлини тўсмаймиз. Унинг бу ердан кетиши учун йигирма тўрт соат вақт бор. Агар бу ерда ушланиб қоладиган бўлса, уни таъқиб қилишимизга тўғри келади.
- Ташаккур. Буни унга айтаман. Ўзим ҳам кетмоқчиман. Бу ерда қиладиган ишим қолмади. Аммо Жефферсоннинг хотинини ким ўлдирганини ҳали аниқлаганимча йўқ. Ким бўлишидан қатъи назар, қотил ҳозир Пасаденада. Бу ерда олган маълумотим қотилни топишга ёрдам беради. О' кэй, кетишга рухсатми?
- Марҳамат, — жавоб берди Маккарти.
- Тезроқ меҳмонхонага бориб, ухлагим келяпти!
- Ўша оймагилла хонангизда экан, ухлашингизга сира ишонгим келмайди, — истеҳзоли тиржайди Маккарти.
- Э-э, хаёлингизда шуми ҳали, — дедим ўрнимдан тураётиб. — Меҳмонхонагача машина олиб боришини келиша олмаймизми?
- Маккарти Хэмишга ўтирилди.
- Уни олиб бориб қўй. Кўрмайсанми, шошиб турибди, — деди-да, яна қоғозга кўмилиб ишга киришди.

Меҳмонхонага қайтганимда офтоб кўтарила бошлаганди. Бешинчи қаватга кўтарилиб, навбатчи хитой (уни аввал кўрмаган эдим)дан хонаминг калитини олдим-да, эшикни очдим.

Чироқ ўчирилмаганди. Стелла креслода мудраб ётарди. Киришим билан уйғонди. Ташвишланиб менга қаради.

— Ташвишланманг, — дедим эшикни ёпиб. — Энди қўрқмасангиз ҳам бўлади.

— Нима бўлди? Ўқ овозларини эшитдим. Сизни ўлдиришдими, деб ўйладим.

Креслога чўкдим.

— Жуда олижаноб иш қилдингиз-да. Раҳмат, сизга.

— Нимадир қилиш керак эди-да. Телефон қилаётганимни эшитиб қолади, деб бирам қўрқдимки...

— Шундай қилиб, орзуйингиз рўёбга чиқаяпти. Шу кеча-кундузда уйингизга кетишингиз мумкин. Харажатни ўзим тўлайман. Полиция сизни таъқиб этмайди. Яхшиси, ҳақиқий паспортингиздан фойдаланинг. Сиз уни ҳали йўқотганингиз йўқми?

Стелла енгил тин олди.

— Йўқотганим йўқ. Гарри қани?

— Омади келмади. Полиция моҳирона отди. Шундай бўлгани балки яхшидир. Қамоқхонада жуда қийналарди.

Стелла сесканди.

— Уни ўлдиришдими?

— Ҳа, ўлдиришди. Уйқум келяпти. Бориб ювинай. Кўрпага ётаверинг, мен креслога жойлашаман.

Ювиниб меҳмонхонага чиқдим. Стелла мени кутиб турарди. Устини ечди-да, кўрпага чўзилди. Мен унга, у менга қаради. Кўзларимиз тўқнашди. Стелла қўлини узатди... Бир оздан кейин мен унинг иссиқ оғушида мириқиб уйқуга кетдим.

ТЎРТИНЧИ БОБ

I

Буларнинг ҳаммаси менга таниш эди: тер ва дезинфекциянинг зах ҳиди, ташвишли ҳаяжон, яшил бўёқ билан бўялган даҳлиз, оғир этиклар дупури, менга эътибор ҳам қилмай, наридан-бери ўтиб турган тунд юзли полициячилар.

Лейтенант Ретник эшиги ёнида тўхтадим, аста тақиллатдим. Эшик ортида нимадир деб тўнғиллашди. Дастанни бурадим, эшикни очиб ичкари кирдим.

Ретник стол ёнида ўтирар, сержант Пальский деворга суянганча тикка турар, гугурт чўпи билан тишини кавлаётган эди. Иккаласи ҳам менга бақрайиб қараб қолишди. Ретник қўлини пақиллатиб столга урди.

— Ана холос, қаёқдан келиб қолдинг? — деди Ретник бор овоз билан. — Мана буни кутилмаган совға деса бўлади. Агар келишингни билганимда шаҳар оркестрини таклиф қилардим. Ўтир-чи... Хитой фоҳишаларидан татиб кўрдингми?

— Йўқ, — дедим ўтираётиб. — Бунинг учун вақт ҳам бўлмади. Ишлар қандай, қотиллик аниқландими?

Ретник портсигарини чиқарди, ундан бир сигарани олди-да, учини тиши билан узиб ташлаб, лабига қистирди.

— Ҳали аниқлаганимизча йўқ... Ўзинг-чи, бирор нарсанинг ҳидини билиб келдингми?

— Баъзи нарсалар аниқланди. Сизларда ҳеч нарса йўқми? Ретник чекди, қовоғини уйди.

— Хардвикни топишга урияпмиз. Ўзингда нима бор?

— Жо-Эн олиб келган тобутда мурда бор эди. Лекин у Жефферсоннинг жасади эмас экан.

Ретник ҳайкалдек қотди. У сигара тутунидан йўталди, сўқинди, сигарани столга қўйди-да, кир дастрўмолига бурнини қоқди.

— Менга қара, ифлос, агар шу сўзларинг тасдиқланмаса, балого қоласан, билдингми...

— Герман Жефферсон икки кун бурун ўлдирилди. Унинг жасадини Гонконг яқинида денгизга ташлашибди. Британия полицияси майитни топибди. Жасадни ҳафтанинг охирида самолёт билан юборишади.

— Ўзинг асра, ё Тангрим! Тобутдаги ким эди бўлмаса?

— Фрэнк Беллинг деган кимса. Гиёҳвандлик моддалари контрабандаси билан алоқадор инглиз.

— Қария Жефферсон билан ҳали гаплашганинг йўқми?

— Йўқ ҳали. Биринчи бўлиб бу ёққа келдим, кейин у ёққа бораман.

Ретник Пальскийга қаради. Пальский унга ланж нигоҳ ташлади. Шу боис Ретник нигоҳини яна менга қадади.

— Майли, гапир бўлмаса, — деди у. — Эй, тўхта, ёзиб олиш керак. — У телефон гўшагини кўтариб стенографист юборишларини тайинлади. У келгунча асабийлашиб, сигарани чайнаб ўтирди.

Ниҳоят ёш полициячи кирди. Ён дафттарини очиб, Ретникка, кейин менга қаради.

— Қани, бошла, лаънати, — деди бўғилиб Ретник. — Бир четдан, ҳеч нарса ни яширмай. Ҳар бир сўзингни текшириб кўраман. Ёлгон гапирсанг, ўзингдан кўр.

— Овозингни ўчир, Ретник, — дедим жаҳлим чиқиб. — Жефферсон сенинг ёрдамнинг кутяпти. Менинг битта гапим сенга катта фойда бериши мумкин.

Кутилмаганда Пальский қапишиб турган девордан ажралди. Ёш полициячи кўрқиб қаради. Лекин Пальский менга мушт туширишга улгурмади. Ретник унинг йўлини тўсиб, нари итариб юборди.

— Ўпкангни бос, — бақирди у Пальскийга. Кейин менга юзланди: — Тинчлан, гўрсўхта. О' кэй, гапимни қайтиб олдим. Мунча нозик бўлмасанг. Келакол, қани. Бир четдан бошла-чи...

Мен унга узоқ тиклидим. У кўзини мендан олиб қочди. Бир оз ўзимга келдим. Чекдим ва гапира кетдим. Гонконгда мен билан юз берган барча воқеаларни бир четдан айтдим. Фақат Стелла ҳақида, иккаламиз Нью-Йоркка бирга келганимиз тўғрисида гапириб ўтирмадим. Уша ерда биз ажралишдик. Менинг ундан ажралгим келмас, у бўлса мен билан хайрлашгиси йўқдай кўринарди. Аммо унинг ўз ташвишлари бор эди ва бизнинг дўстлигимиз ана шу ташвишлар доирасига сиғмасди. У менга яхшилик қилди, мен ҳам яхшилик билан жавоб қайтардим. Стеллага икки юз доллар бердим, бу унинг янги ҳаёт бошлаши учун жуда зарур эди. Бу пуллар ўзимники эди. Унга Жефферсон пулидан берганим йўқ. Стелла менга маъюс ҳолда жилмайиб боқди ва биз хайрлашдик. Балки, энди сира кўришмасмиз.

Мен гапириб берарканман, Ретник иккита сигарани чекиб бўлди. Мен сўзимни тутатгач, у ёш полициячига менинг кўрсатмаларимни кўчиришни буюрди. Йигит чиқиб кетгач, Пальскийга айланиб келишни айтди.

Кейин мендан:

— Бу сариқ хонимни нега отишганини барибир билмаймиз-а, — деб сўради.

— Билмаймиз.

— Бу итвачча Жефферсонга унинг ўғли гиёҳванд эканини айтганингда, сенинг ўрнингда бўлишни истамасдим.

— На чора.

— Биз тобутни очиб кўришимиз керак, — Ретник учинчи сигарани чека бошлади. — Қарияга бу нарса ёқмаса керак.

— Нега энди? Тобутдаги унинг ўғли эмас-ку.

— Тўғри, — Ретник ўйга толди. — Яхшиси, бу ишни тез ва шовқин-суронсиз қилиш лозим. Чолдан рухсат олинса яхши бўларди. Ахир оилавий даҳмани очишга тўғри келади.

— Рухсат оламан.

— Газеталар бунақа нарсани пайида бўлишади, — Ретникнинг юзи хира тортди. — Шов-шув кўтаришади.

— Рост.

У ўйга толди, портсигарни чиқарди, менга узатди.

— Менга сигара мумкинмас. Упкамда саратон касали бошланиш хавфи бор.

— Ҳа-я... Эсдан чиқибди, — Ретник портсигарни енгига артди. — Кўнгилсизлик бўлишини истамайман, Рейн. Бор умидим сендан. Балки, тобутни кўмдирмасдан олдин текшириш керакмиди.

— Ўтган ишга салавот.

— Шундай.

Орага узоқ жимлик чўқди. Мен ўрнимдан турдим.

— Жаноб Жефферсон билан гаплашиб кўраман.

— Демак, кўнғироғингни кутаман. Рухсат олсанг, бас, тобутни очдираман.

— Бўпти.

— Эсингда бўлсин, Рейн, полиция маҳкамасида ишончли дўстинг бор. У билан ҳамиша тил топиша оласан. Унутма.

— Агар сен эсдан чиқармасанг, мен ҳамиша ёдда тутаман. Биз ишлашиб кетамиз, шундай эмасми?

Мен ташқари чиқдим, ташвишли шубҳалар хуружида машинага қараб юрдим. Рулга ўтириб, сигарета чекдим, ўйланиб қолдим. Аввалига идорага боришга қарор қилдим. У ерда ҳеч нарса бўлмаганмикин, олдин билиш зарур. Идорадан Жанет Вестга сим қоқиб, чол мени қабул қиладими, йўқми, аниқлаш мумкин.

Идорага келдим, машинани пастда қолдирдим-да, бешинчи қаватга кўтарилдим. Эшикни очарканман, нариги хонадан Жей Вейднинг овози эшитилди. У котибасига ниманидир айтиб ёздирарди. Ерда анча хат сочилиб ётарди. Уларни йиғиштириб, чанг босган столга ташладим. Хонанинг ҳавоси димиққан эди. Деразани кенг очишга тўғри келди. Қулоққа яна Вейднинг овози чалина бошлади. Столимга ўтириб, хатларни кўздан кечира бошладим. Фақат учта хат ишга алоқадор экан. Қолганларини саватга ташласа ҳам бўлади.

Кейин Ж. Вильбур Жефферсон қароргоҳига сим қоқдим. Саркаш дарбон “кўнғироқ қилаётган ким?” — деб сўради. Мен ўзимни танитдим. Бир оз жимликдан сўнг гўшакдан Жанет Вестнинг овози жаранглади.

— Жаноб Жефферсоннинг котибаси гапиряпти. Жаноб Рейн, сизмисиз?

— Ҳа, менман. Жаноб Жефферсонни кўрсам бўладими?

— Албатта, бўлади. Сиз бугун соат учда келишингиз мумкин.

— Бўпти, келаман.

— Бирор нарса аниқлай олдингизми? — унинг овозида на ташвиш, на саросималик бор эди.

— Бораман, — дедим-да, гўшакни илдим.

Соат бирга йигирма дақиқа қолганди. Ичим гўлдуради. Пасаденага келгач, Гонконгни кўмсаб қолдим. Бу ерда хитой овқатлари етишмасди. Спарроу сэндвичлари унча ўзига тортмас, лекин меъдам овқат сўрарди.

Жефферсонга нималарни гапириб беришни ўйлаб олдим-да, идорамни ёпиб, қаршидаги емакхонага тушдим. Спарроу йигирма дақиқа давомида мени ёш хитой қизлари ҳақидаги ҳикояси билан овунтирди. Хитой овқатларидан кейин пиво билан гамбурглар меъдамга ошиқча юкдек бўлиб туюлди.

Қоринни тўйгазгач, уйга қайтдим. Соқолни олдим, ювиндим, кийимимни алмаштириб, йўлга чиқдим.

Ҳамон ўша саркаш ва индамас дарбон эшикни очди. У мени тўғри Жанет Вест хонасига бошлаб борди. У жуда ранг-рўйсиз, уйқудан қолганга ўхшаб, кўзлари тагида қора доиралар кўринарди. Фақат лаблари жилмайган Жанет мени ўрнидан туриб қарши олди.

— Кираверинг, Жаноб Рейн. Марҳамат, ўтиринг.

Мен таклифни такрорлатиб ўтирмадим. Дарбон жимгина ғойиб бўлди. Саҳнада Гамлетнинг отасининг руҳи шундай ғойиб бўлади.

Жанет ўтирди, нимжон кўлларини қоғозлар устига қўйди-да, ташвиш билан кўзимга қаради.

— Яхши бориб келдингизми? Жаноб Жефферсон сизни ўн дақиқадан кейин қабул қилади.

— Ҳа, сафарим яхши ўтгандай бўлди, — мен ҳамёнимдан Фрэнк Беллинг суратини чиқариб, унинг олдига ташладим. — Буни менга сиз бергандингиз, эсингиздами? Бу Герман Жефферсоннинг сурати дегандингиз.

Жанет суратга қаради. Юзи қилт этмади. Менга боқди.

— Ҳа, эсимда.

— Мен бу суратни жаноб Жефферсонга кўрсатмоқчиман, мени чалғитганингизни айтмоқчиман.

Жанет кўзини мenden олиб қочиб, ўз қўлларига қаради.

— У тирик эмасми? — деб сўради.

— Германми? Ҳа, энди тирикмас.

Бир сесканиб тушди, қотиб қолди. Нигоҳини аста кўтарди. Ранги оқариб кетган, қараши маъюс эди.

— Нима бўлди?

— Сиз унинг гиёҳвандлик моддалари олиб-сотиш билан шуғулланишини билармидингиз?

— Билардим.

— Уни фош қилишди. Қаллоблик қилмоқчи бўлди, лекин эплай олмади. Сиз қаердан биласиз?

Жанет анча вақт жим қолди.

— У менга айтганиди, — деди Жанет ҳорғин товушда. — Биласизми, мен тентак уни яхши кўриб қолгандим. У бундан фойдаланиб қолди. Мен аҳмоқона иш қилдим. Аёллар баъзан эркакларни деб жиннилик қилишади. Ўша эркак бунга арзимаса ҳам.

— Мени нега алдадингиз?

— Жаноб Жефферсонни авайламоқчи бўлдим. У жуда олижаноб инсон. Бошқа бунақа одамни учратмаганман. Контрабандачи ўғли ҳақида унга ҳақиқатни айтишга ботинолмадим.

— Бу сурат қўлингизга қаердан тушиб қолди.

— Уни менга Герман юборган эди. Отасига йилда бир мартагина хат ёзарди, мен эса ундан тез-тез мактуб олиб турардим. — У тугилиб қолди, кейин куч тўплади-да, давом этди. — Ўзингиз билсангиз керак, биз бирга яшар эдик. Ундан болам бор эди. Ўта ярамас одам эканини билсам ҳам уни севардим. У менга ўзи учрашиб турган кишилар суратини тез-тез юбориб турарди. Улар орасида хитой қизларнинг суратлари ҳам бўларди. Менинг қийналишимни, куйишимни яхши биларди. Биларди-ю, шундан завқланарди. Бирдан менга Беллингнинг суратини юборди. Иккаламиз бир иш бошламоқчимиз деб ёзди. Иш бошлаш учун минг доллар қарз беришимни сўради. Мен юбормадим. Кейин бошига ташвиш тушганини ёзди. Хатида контрабандачилар билан ўралашиб қолганини, улар ўлдирмоқчи бўлишаётганини ёзди. У яшириниб яшашга мажбур экан. Герман менга Беллинг ўлганини хабар қилди. Лекин гиёҳвандчилар Германни ўлди деб ҳисоблашаркан. Хотиним Беллингнинг жасадини олиб боради, деб мени огоҳлантирди. Бу контрабандачиларни Германнинг ўлганига ишонтиришнинг бирдан-бир имконияти экан. Улар шундагина Германни таъқиб қилишмас эмиш, — Жанет ожизона қўлларини силкиди. — Унинг бу қадар паст кетгани менга катта зарба бўлди. Жаноб Жефферсон бундан хабар топишини сира истамасдим. Бундай қилиш яхшимас. Лекин нима ҳам қила олардим?

Мен индамадим, Жанет сўзида давом этди:

— У менга бир хитойнинг манзилини маълум қилди. Уни Вонг Хон Хо деб аташаркан. Бирор нарса юз берса ўша одам номига хат ёзишимни тайинлади. Унинг хотинини ўлдиришгач, жаноб Жефферсон сизни Гонконгга юбораётганини айтди. Мен Вонгга хат ёзиб уни огоҳлантирдим. Сизга Беллингнинг суратини бериб юборганимни ҳам айтганман. Жаноб Жефферсонга бор гапни айтолмаслигимдан ўзим даҳшатга тушардим.

— У ҳозир буни билиб олади. Мен ҳақиқатни яшира олмайман.

— Нега яширолмайсиз? — у менга томон сурилди. Улими олдидан ўз ўғлининг яхши одам эканига бўлган ишончни барбод қилишнинг нима кераги бор?

— Бу унчалик оддий иш эмас. Тобутни текшириш керак. Полиция шундай қилмоқчи. Буни яшириб бўлмайди, — синов назари билан Жанетга қарадим. — Сизнинг ёнингизни оламан — қўлимдан бошқа иш келмайди.

Эшик тақиллади. Дарбон кирди.

— Жаноб Жефферсон сизни қабул қилишга тайёр, — деди у. — Юринг.

Мен унга эргашидим. Жанет ғамгин деразага қараб қолди. Ж. Вильбур Жефферсон ҳамон ўша биринчи учрашувимиздагидек гилдиракли креслода ярим ётган ҳолда ҳаракатсиз ўтирарди. У ёнидаги стулга ишора қилди.

— Мана, бориб ҳам келдингиз, — деди у, — демак, менга бирор нарса айта оласиз.

Мен ўтирдим.

— Айта оламан... Лекин, афсуски, сиз эшитишингиз маъқул бўлмаган нарса. Бу машғум фожианинг сабабини билиш учун сиз мени Гонконгга юборган эдингиз. Мен сизнинг топширигингизни бажардим.

У синов назари билан менга қаради, елкаларини қисди.

— Қани, гапиринг бўлмаса. Нималарни билиб келдингиз?

Мен Гонконгга юз берган воқеаларни, Германнинг аянчли қисматини умумий тарзда гапириб бердим. Унинг ҳалокатига батафсил тўхталиб ўтирмадим. Полиция денгиздан жасад топиб олибди, деб қўя қолдим.

Жефферсон яхшилаб парвариш қилинган гулзоридан кўзини узмай, гапларимни тингларди. Мен гапимни тугатмагунча индамай турди. Кейин:

— Энди нима қилиш керак экан? — деб сўради.

— Полиция тобутни очиш керак деяпти. Сизнинг рухсатингиз керак экан.

— Майли. Калитни сизга Вест хоним беради.

— Мен ўғлингиз жасадини бу ёққа юборишлари ҳақида келишганман. У ҳафтанинг охирида етиб келади.

— Ташаккур, — деди қария лоқайдлик билан.

Орага узоқ жимлик чўқди. Мен оёғим остига қараганча кутардим, чол олислардан кўз узмасди.

— Менинг Германим шу қадар паст кетади деб сира ўйламагандим, — деди у ниҳоят. — Гиёҳванд — қора дори сотувчи... Жирканч махлуқ.

Мен ғинг демадим.

— Нима ҳам дердим? Эҳтимол, ўлим гуноҳларини ювиб кетар. Энди унинг хотини ҳақида. Уни ким ўлдирганини аниқлай олмадингизми?

— Ҳозирча йўқ. Мен бу иш билан шуғулланишимни хоҳлайсизми?

— Бўлмасам-чи? — Албатта, ўғли ҳақидаги хаёллар уни қийнаётгани. — Агар сизга бирор нарса, айтгайлик пул керак бўлса, Вест хоним топиб беради. Шу ишни охирига етказинг. Қотилни топинг.

— Менга даҳманинг калити керак эди. Яна бир савол, жаноб Жефферсон. Сизнинг ўғлингиз ҳалок бўлди — меросхўрингиз ким бўлади?

У сесканиб тушди. Менга ғазаб билан қаради.

— Сизнинг нима ишингиз бор?

— Бу сирми? Ундай бўлса, кечирасиз.

Жефферсон хўмрайди, креслонинг тирсагига суяниб турган қўллари қалтирарди.

— Ҳеч қанақа сир-пири йўқ, лекин сиз нега бу ҳақда сўраяпсиз?

— Агар Германнинг хотини тирик бўлганида, сиз ўз васиятномангизда унинг номини тилга олармидингиз?

— Албатта. Ўғлимнинг хотини унинг ҳиссасини тўлиқ оларди.

— Бу катта маблағми?

— Мулкимнинг тенг ярми.

— Ҳа, каттагина ҳисса. Қолганини ким олади?

— Вест хоним.

— Демак, энди унинг ҳақи икки баробар кўпаяркан-да?

У ўйчан кўзларини менга тикди.

— Жуда тўғри. Лекин сиз менинг шахсий ишларим билан нега бунча қизиқиб қолдингиз, жаноб Рейн?

— Ишим ўзи шунақа, — дедим-да, уни тарк этдим.

Вест хоним ишга кўмилиб ўтирган экан. Мени кўриб, ишдан бошини кўтарди.

— Келинг, жаноб Рейн, — унинг овози бегона ва совуқ эшитилди.

Мен кирдим.

— Менга даҳманинг калити керак. Полиция тобутни очиб кўрмоқчи. Мен лейтенант Ретникка калитни олиб келаман деб ваъда бергандим. Жаноб Жефферсон рози бўлди.

Жанет стол тортмасидан калитни қидириб топди-да, менга узатди.

— Мен унга ҳаммасини гапириб бердим. У бунга жуда оқилона ёндашди.

Жанет елкаларини қисди.

— Энди-чи?

— Энди у Жо-Эннинг қотилини топишимни талаб қиляпти. Шу иш билан шуғулланишга тўғри келади.

— Нима қилмоқчисиз?

— Ҳар қандай қотилликнинг маълум сабаби бўлади. Ушбу қотилликнинг ҳам сабаби борлигига шубҳа қилмайман. Бу борада менинг баъзи мулоҳазаларим ҳам йўқ эмас. Бўпти, бошқа вақтингизни олмайман. Ишларни тугатгач, калитни қайтариб бераман.

Жанет яна қоғозларга шўнғиди. Дарбон эшикни очди. У менга ҳеч нима демеди. Менинг ҳам унга айтадиган гапим йўқ эди. Машинага қараб борарканман, деразадаги парданинг энгилгина тебранганини сездим.

Вест хоним мени кузатарди.

2

Лейтенант Ретник ва сержант Пальский машинадан қабристон эшиги олдида тушишди. Мен уларни шу ерда кутардим.

— Мозорларга киришни жинимдан ёмон кўраман, — деди Ретник, оғзидан сигарани олмай туриб.

— Эртами ёки кечми, ҳаммамиз шу ерга келамиз, — дедим мен. — Мана шу ер сенинг келажагинг ва доимий умргузаринг.

Биз дарвозадан ичкари кирдик ва ҳар икки томонида салобатли ёдгорликлар савлат тўкиб турган кенг йўл билан юриб кетдик.

— Ҳув анави ерда, — деди Пальский ўнг томондаги хиёбонни кўрсатиб. — Четдан тўртинчи.

Биз ўша хиёбонга бурилиб, ўта салобатли мрамар сағанага яқинлашдик.

— Мана, — деди Пальский, мен узатган калитни оларкан.

— Қария Жефферсон ўзини қандай тутди, — сўради Ретник, сағанага қараб бораётган Пальскийга зимдан қараб. — Гаров ўйнайман, ярамас, у сенга бир неча ёқимли сўз айтгандир.

— Вой-бўй, — бақирди Пальский бизга серташвиш юзини ўгириб. — Бу ерда бизгача кимдир бўлганга ўхшайди.

Ретник олдинга чопиб кетди. Мен унинг орқасидан югурдим. Пальский даҳманинг эшигини очиб юборди. Кулф синдирилган эди. Эшикда мисранг излари қолганди. Мрамар синдирилган, ерда парчалари ётарди.

— Ҳеч нарсага тегма, — огоҳлантирди Ретник Пальскийни. — Кўриш керак.

У қўл чироғи ёруғида сағананинг ичини ёритди. У ерда супачаларда тўртта тобут турарди. Биттаси — энг пастдагисининг қопқоғи ёпилмаганди. Қопқоқ деворга суёғлиқ турарди. Биз сағананинг ичига кириб, тобутга мўраладик. Унинг тагида кўрғошин гўла ётарди. Бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

— Вой, Худойим-эй, — минғирлади Ретник. — Кимдир жасадни ўғирлаб кетганга ўхшайди!

— Балки у ерда жасад умуман бўлмагандир? — дедим мен.

У менга ўгирилди, юзи ғазабдан бужмайиб кетганди.

— Нима деяпсан? Сен мендан нимани яширяпсан?

— Билган нарсамнинг ҳаммасини сенга айтиб бердим. Лекин, сал-пал мияни ҳам ишлатиш керак-да.

Ретник газаб билан Пальскийга қаради.

— Мана бу қутини маҳкамага олиб бор, у ердагилар ҳам бир кўришсин. Балки бармоқ изларини топишар. Ҳозирча мен мана бу доно палид билан сайр қиламан, — деди у ва қўлтиғимдан олди. Биз сағанадан чиқдик. Пальский хиёбон бўйлаб машинага югуриб кетди, у рация орқали полиция маҳкамаси билан боғланиш ниятида эди. У биздан анча узоқлашиб, гапимизни эшитмайдиган масофага етгач, Ретник қандайдир мазор устига чўкиб, оғзига сигара қистирди.

— Қани, ярамас, гапир-чи, нимани ўйлаяпсан?

— Ҳеч нарса ни ўйлаётганим йўқ. Лекин ҳозир сен кимнингдир хотини, эри ёки онаси қабри устида ўтирганингдан ташвиш тортмаяпсанми?

— Кимнинг устида ўтирганим билан неча пуллик ишинг бор? — тўнғиллади Ретник. — Бугун эрталаб менга ҳоким, амалдор қайнағам кўнғироқ қилди. Бу ишни қачон бирёқлик қиласан, деб шоширяпти, — у афтини буриштириб сигарасини чайнади. — Бу нарса сенга ёқадими? Ҳатто ўз қариндошим ҳам менга зуғум қилади.

— Алам қилади.

— Сен нима деб ўйлайсан, тобутда нега жасад йўқ?

— Умуман, шундай бир тасаввурим бор. Беллингнинг жасади деярли ёниб кулга айланганди. Уни ўғирлашнинг нима кераги бор? Барибир уни ҳеч ким таний олмасди. Сағанани бузиб, жасад қолдиқларини ўғирлаш кимга керак бўлиб қолди? Умуман, бу жасад ҳаётни хавф остида қолдиришга арзирмиди? Ўйлашимча, тобутда жасад бўлиши керак эди, лекин кимнинг жасади? Мен биламан, унда Германнинг жасади йўқ эди. Энди ишончим комилки, тобутда умуман жасад бўлмаган. Тобутга қўрғошин солишган. Жасад бўлмаган.

Ретник ўйланиб қолди.

— Унда, менга айт-чи, бу ерга бурнини тиқиштириш қайси масхарабозга керак бўлиб қолди?

— Рост айтяпсиз, — дедим мен. — Лекин сизни бунчалик миясиз деб ўйламаган эканман. Бу шундоққина кўриниб турган нарса-ку!

Ретник алам билан менга қаради.

— Нимага қувонаяпсан? — бақирди у.

— Тобутда героин бўлган! Икки минг унция. Бу, ахир, ажойиб махфиятхона-ку! Гонконгдан бу ёққа яширин мол юборишнинг ажойиб усули-ку, бу!

Ретник ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа, бу гапингда жон бор! Биз жиноятнинг изига тушганга ўхшаймиз!

— Жефферсон гиёҳвонни ўғирлайди, лекин қалтис ишга қўл урганини тушуниб қолади. У Гонконгдан чиқиб кетолмайди. Чунки контрабандачилар уни пойлаб юришибди. Шунча миқдордаги героин эвазига бир қоп тилла олиш мумкин. Жефферсон ташкилотни алдамоқчи бўлади. У бир ўқ билан икки қаргани уришга муваффақ бўлади. У Жо-Энни эрининг жасадини юртига олиб келиш учун отасидан пул сўрашга мажбур қилади. Эслагин, унинг ўзида пул йўқ эди. Героинни тобутда юбориш учун кекса отасининг маблағидан фойдаланиш, айна чоғда контрабандачиларни ўзининг ўлимига ишонтириш — катта гап, Германнинг зукколигига тан бермай иложинг йўқ. Тобутга Беллинг жасадини қўйишади, Америка ваколатхонаси уни жўнатишга рухсатнома беради. Маълум бир пайтда тобутдан жасадни олиб, денгизга ташлаб юборилади. Унинг ўрнига гиёҳвон билан қўрғошин солинади. Жефферсон Гонконгдан чиқиб кетолмаган. Лекин у хотини ва героин хавфсиз жойдалигига ишонч ҳосил қилади.

— Бу сабилни ким ўғирлаши мумкин? — сўради Ретник.

— Мен қаёқдан биламан? Маккартининг айтишига қараганда, Жефферсоннинг жасади таниб бўлмас даражада дабдала қилинган. Эҳтимол, ташкилот ундан героиннинг қаердалигини билиб олган ва бу ерга ўз одамини юборган. Сағанани ўша одам бузган ва гиёҳвонни ўғирлаб кетган бўлиши мумкин. Яна билмадим.

Ретникнинг юзи ёришгандай бўлди.

— Оқилона гап. Унда бу менинг ишим эмас-ку, нима қиламан бошимни оғритиб. Гиёҳвандлик моддалари бўлиши бош қотирсин бу ҳақда. — У яйраб жилмайди. — Кучни беҳуда сарфлашнинг ҳеч маъниси йўқ. Баъзан ўзингни тентак қилиб кўрсатсанг ҳам миянг зўр ишлайди сенинг.

— Лекин ҳалиги хитой аёл нега менинг идорамга келгани ва уни нега ўлдиришганини ҳануз аниқлаганимиз йўқ.

Ретникнинг юзидаги табассум сўнди, қовоғи осилди.

— Ҳа, бу ёғи бор.

— Менимча, қотилликнинг героинга асло алоқаси бўлмаган. Жо-Эн қария Жефферсон пулининг тенг ярмига эга бўлиши керак эди. Бугун у буни ўзи ҳам тасдиқлади. Шунингдек, мен шуни ҳам аниқладимки, чол ўлгач, унинг котибаси Жанет Вест Жефферсоннинг ягона меросхўри бўлиб қоларкан.

Ретник менга хўмрайди.

— Жанет ўлдирган деб ўйлайсанми?

— Йўқ, ундай деб ўйлаётганим йўқ, лекин унда бунинг учун ўн миллион долларлик асос бор эди. Мен сенга айтган эдим-ку: унинг шуҳратпараст шериги бўлиши мумкин эди. Аммо бундай тасаввур у қизнинг менинг идорамга қандай келиб қолганини ойдинлаштирмайди.

Ретник бошини қашиди.

— Балки, хитой хонимнинг бу ерда шериги бор-йўқлигини аниқлаш керакдир, — деди қатъиятсизлик билан Ретник.

Уни Пальский чақириб қолди.

— Тўхтаб тур, ярамас, чақирингиз, — у шундай деди-да, хиёбон бўйлаб тез юриб кетди. Пальский унга телефон гўшагини тутқазди.

Соат беш ярим бўлганди, лекин мен идорага бордим. Нега бундай қилдим, ўзим ҳам билмайман. Идорада ишим йўқ эди, аммо уйга ҳам қайтгим келмасди. Мен эшикни очиб ичкари кирдим, дераза олдига бориб, унинг табақаларини очиб юбордим. Ўтириб чекдим, девордаги тақвимни кўздан кечира бошладим.

Жанет Вест эсимга тушди. Кейин сирли Жон Хардвикни эсладим. Балки, ўзини Хардвик деб атаган одам Жанетнинг шеригидир. Балки, Герман Жефферсоннинг хотинини ўша ўлдиргандир? Агар шундай бўлса, нега энди у бу ёвуз иши учун менинг идорамни танлади ва мени ўз жиноятига аралаштиришга уриндийкин?

Мен негадир Жанетни қотиллик иштирокчиси сифатида сира тасаввур қилолмасдим. Жанет унақа одам эмас. Лекин ўн миллион доллар хўрак бор эди-ку, ахир. Эҳтимол унинг шериги ўз ниятларини айтиб ўтирмагандир. Эҳтимол...

Жей Вейднинг овози эшитилди. Хаёлларим бўлиниб кетди.

— Мен кетяпман, — деди у. — Эртагача, — очиқ деразадан унинг гапи аниқ эшитилди. Унинг хонасидан чиқиб кетганини ҳам эшитдим. Менинг хонамга мўраласа керак деб кутиб турдим. Лекин у бундай қилмади. Оғир-оғир босиб хонам ёнидан ўтиб кетди. Бир оздан кейин лифтнинг юргани эшитилди.

Хаёлларим яна мени чулғаб олди.

Мен терсайиб ўтирар, мени қийнаётган жумбоқларга жавоб топишга уринардим. Бирдан қулоғимга узоқдан самолёт двигателининг овози эшитилгандай бўлди. У кучайиб борди-да, кейин эшитилмай қолди. Ўтирган жойимда бутун вужудимни қулоққа айлантириб тинглай бошладим. Ердан парвозга кўтарилаётган реактив лайнернинг шовқини эшитилди. Эсимга тушди. Жон Хардвик Коннот хиёбонида бўш ҳовли ёнида айғоқчилик қил деб телефон қилганида айни шундай овоз эшитилганди. Мен чаққонлик билан ўрнимдан турдим-да, қулоқ солдим. Деразамдан аэропорт шовқини бостириб кирди. Шубҳа йўқ. Бу шовқин Вейднинг хонасидан эшитиларди. Мен даҳизга чиқдим, юрагим гупиллаб ура бошлади. Секин, овоз чиқармай Вейд идорасининг эшигига яқинлашдим, дастанни бураган эдим, у очилиб кетди.

Вейднинг котибаси, каламуш башарали, кўзойнак таққан қиз магнитофон устига энгашиб турарди. Айни шу магнитофонни мен Вейднинг столида кўрган эдим. Тасма галтакка ўралар, хона учиб кетаётган ва аэропортга кўнаётган самолётлар шовқинига тўлиб кетганди.

— Мен идорани аэропортга айлантирибсизлар деб ўйлабман, — дедим мен.

Котиба шошиб магнитофонни ўчирди-да, менга ўгирилди. Кўрққанидан ранги қув оқарганди.

— Мен сизни кўрқитмоқчи эмасдим, — дедим мен кулиб, — қандайдир шовқинни эшитиб, қизиқиб қолдим.

— Ҳалиги... У бир оз тинчлангандай бўлди. — Мен... Мен бу ерда нима ёзилганини билмоқчи эдим. Жаноб Вейд ҳозиргина уйига кетди.

— Қайта кўйинг-чи, ажойиб ёзув экан.

Котиба каловланиб қолди.

— Йўқ. Мен... Мен қўймаганимиз маъқул деб ўйлайман. Жаноб Вейд уришади.

— У уришмайди, — мен столга яқинлашдим. Котиба ўзини четга олди. — Ажойиб машина бу. Ўраш тугмачасини босдим, лента қайта ўралди. Овоз бериш тугмасини туртдим. Аэропортга хос таниш овоз эшитилди. Икки дақиқача эшитдим-да, магнитофонни ўчирдим. Котиба қизга қараб жилмайиб кўйдим.

Мен жуда ҳам ҳаяжонланиб кетдим: ниҳоят, сирли Жон Хардвик топилган эди. Бу жумбоқ тақдирнинг беадад муждаси ва кўрқувдан қалт-қалт титраётган мана бу қизнинг қизиқувчанлиги туфайли очилди.

— Жаноб Вейд эртагача қайтмайдами?

— Йўқ.

— Жуда соз. Демак, мен уни фақат эртага кўраман. Хайр.

Мен Вейд идорасидан чиқиб, ўз хонамга қайтдим. Стол ёнига ўтириб, ҳаяжондан қалтираётган қўлларим билан гугурт чақиб, сигаретни тутатдим.

Шу тахлитда ярим соатча ўтирдим. Кейин, соат миллари олтидан ошганидан сўнг котиба қиз идорани беркитганини эшитдим. Даҳлизда пошналар тақиллаши эшитилди. Лифт очилиб-ёпилди. Мен кутиб турдим. Даҳлизда турли идора ходимларининг овозлари эшитилди. Яна бир оз кутдим. Шундагина бино бутунлай бўшаб қолганини ҳис қилдим. Ўрнимдан туриб даҳлизга чиқдим. Кўшни хоналарда чироқ кўринмасди. Ҳаракат қилиш пайти келди.

Хонамга қайтиб, столим тортмасидан калитлар боғламини олдим. Вейд идорасини очишга бир дақиқа ҳам кетмади. Ичкари кириб, эшикни ёпдим. Ҳамма ёқни кўздан кечирдим. Девор ёнида каттагина яшил темир жавон турарди. Қулфини қарадим. Мендаги калитларнинг ҳеч қайси бири унга тушмасди. Ўз ишхонамга қайтдим, асбоб-ускуналарни олиб, яна Вейднинг хонасига кирдим.

Жавонни очишга ўн беш дақиқача уриндим, қулф сира бўй бермасди. Уни бузсаммикан деб ўйладим. Кейин бу фикримдан қайтдим. Бошқа хонани кўздан кечирдим. У ерда стол, ёзув машинкаси, кресло ва айланувчан қути бор эди. Қутига қарадим, қоғозга тўла. Мен излаётган буюм ўша темир жавонда бўлиши керак. Магнитофондан аэропорт шовқини ёзилган кассетани олдим. Қутилардан биридан топилган бошқа тасмани магнитофонга кўйдим. Кетишдан олдин чироқни ўчирдим, эшикни очик қолдирдим.

Кейин кассетани яхшилаб яширдим, телефон китобидан Вейднинг манзилини топдим. Унинг хонадони Лауренс-авенюда, идорадан ўн дақиқалик йўлда жойлашган. Кўнғироқ қилдим, уйдан ҳеч ким жавоб бермади.

Ретникка кўнғироқ қилсам-чи? Лекин ўлжани унга бергим келмасди. Бунинг устига хато бўлса-чи? Тўғри, бунақаси бўлиши қийин. Аввал Вейд билан гаплашишга, кейин Ретникка сим қоқишга қарор қилдим.

Вейдга қайта-қайта телефон қилавердим. Соат тўққизлардан кейин менга жавоб беришди.

— Бу Нельсон Рейн.

— Алло, бу сизмисиз? — ҳайратланиб сўради у. — Қандай хизмат бор. Яхши бориб келдингизми?

— Нимасини айтасиз, жуда зўр бўлди. Мен ҳозир идорамдан. Бир нарса ни эсдан чиқарган эканман, шунга қайтиб келувдим. Бундоқ қарасам сизнинг эшигингиз очиқ, чироқ ўчган. Котиба кетибди. Эшикни беркитишни унутганга ўхшайди. Агар ҳўп десангиз, қоровулга айтаман, эшикни беркитсин.

— И-е, ғалати-ку, — деди у анча жимликдан кейин, — яхшиси ўзим бораман.

— Ўғрилар кирмаган бўлса керак.

— Менда магнитофон ва машинкадан бўлак ўғирланадиган ҳеч нарса йўқ. Яхшиси, ўзим тезда бора қоламан.

— Ўзингиз биласиз. Агар истасангиз, қоровулга айтишим мумкин.

— Йўқ, кераги йўқ. Ўзим бораман. Ҳайронман, қандай қилиб ёпишни унутган бўлиши мумкин. Аввал ҳеч бунақаси бўлмаганди.

— Эҳтимол, ошиқ бўлиб қолгандир? — дея кулдим мен. — Майли, мен кета-япман. Мендан бирор ёрдам керакмасми?

— Йўғ-е, ташаккур сизга. Қўнғироқ қилганингиз учун раҳмат.

— Ташвиш тортманг, ҳозирча.

Мен гўшакни илиб, чироқни ўчирдим, ўз идорамни беркитиб, Вейд хонаси-га ўтдим. Котиба хонасидаги столга ўтирдим. Тўппончамни олдим, сақлагич тепкисини суриб қўйдим.

Ўн дақиқа ҳам ўтар-ўтмас, лифтнинг тепага кўтарилаётгани эшитилди. Ўтирган жойимдан сакраб турдим-да, эшик орқасига беркиндим, қўлимда тўппонча шай турарди. Шошилаётган қадам товушлари. Чироқ ёнди, эшик ёпилди. Мен ички хонада, ёпиқ эшик тирқишидан қараб турибман. У тўхтади, уёқ-буёққа аланглади. Мен яширинган хонага қараб юра бошлади. Очилган эшик мени пана қилди, у хона ичига мўралади-да, ўз иш жойига қайтди. Калит шиқирлади, қулф “ширқ” этди. У темир жавонни очди, чамамда.

Мен эшик ортидан чиқиб келдим. У жавон ёнида тиз чўкиб турарди. Жавоннинг икки қават қопқоқлари очиқ. Унинг ичи турли-туман нарсалар билан тўла эди.

— Героинни ўғирлашмаптими? — сўрадим хотиржамлик билан.

У сесканиб кетди, шошилмасдан ўғирилди, менга кўзи тушди. Мен тўппончам билан ўқталиб, тур ўрнингдан деган ишорани қилдим. Ранги оқариб кетди. Инқиллаб ўрнидан турди.

— Сиз бу ерда нима қиялпсиз? — сўради Вейд хирилдоқ овозда.

— Жавонни очмоқчи бўлдим, лекин қулфи жуда маҳкам экан, — дедим мен ундан кўз узмасдан. — Шунинг учун ҳам сизни чақирдим, мен учун очиб бермайсизми деб. Энди бир чеккага туринг-да, қимирламанг.

— Нега энди? — чинқирди у столга томон сурилиб, сўнг креслога ўтирди. Қўллари билан юзини беркитиб олди. Мен жавон ичига мўраладим. Унинг ичиде элликтча яхшилаб ўралган боғлам ётарди.

— Булар Жефферсон ўғирлаган гиёҳвонларми? — сўрадим мен стол четига ўтирарканман.

У тер босган юзини артди.

— Ҳа. Улар менда эканлигини сиз қаердан билдингиз?

— Сиз магнитофонда аэропорт ёзувини эсдан чиқардингиз. Котибангиз уни қўйган эди, мен эшитиб қолдим. Шунда ҳамма нарса жой-жойига тушди-қўйди.

— Хотирам ҳамиша менга панд берарди. Тақдирга хато қилиш ёзилган бўлса, албатта, янгилишасан. Гонконгга боришингизни эшитгандаёқ ишим пачавалигини сезган эдим. — У ҳорғин кўзларини менга қадади. — Менга олиб келадиган сўқмоқни, албатта, топиб келишингизни ўшандаёқ билгандим. Сизнинг жўнаб кетишингиз аниқ бўлгач, шу қадар телбалашдимки, ҳатто қотил ёлладим. Менинг қанақа ҳолатда бўлганимни сиз яхши тушунсангиз керак. Лекин қотил ҳам ҳеч нарса қилолмади. Мен вақт ўтиши билан барибир фош бўлишимни тушуниб етдим. Аҳмақона ўжарлик, умид қилиш ва кутишдан бошқа иложим йўқ эди.

— Агар бу сизга далда берадиган бўлса, айтишим мумкин, сиз хоҳлаган нарсангизга қарийб эришдингиз. Мен Жефферсоннинг котибасидан гумон қилиб юргандим. Қаттиқ янгилишимга салгина қолганди.

— Мен ҳам шуни ҳисобга олгандим-да. Шу боисдан сизга унинг Герман билан бўлган севги саргузаштларини гапириб бергандим. Лекин мен Гонконгда сиз уни ахтариб топишингизни ва дарҳол мендан шубҳаланишингизни ҳам тушунардим.

— Жо-Эн героионни олиб келишини сиз қаердан билардингиз?

— Ҳаммаси ташкиллаштирилганди. Мен сизга Герман ҳақида гапириб берганларим ҳаммаси ҳақиқат эди. Фақат бир нарсани — Германни ёқтирмасдим деб ёлгон гапиргандим. Биз қалин дўст эдик. Ҳамиша алоқа боғлаб турардик. Сўнги икки йил ичида мен корхонамни зўрға асраб турардим. Ишбилармонлик соҳасида ўта нўноқ эдим. Шунинг учун ҳам Герман билан дўст тутиндим. Унинг қўлидан ҳам ҳеч нарса келмасди. Ишларим борган сари чатоқлашиб борар, мен пулга жуда зор бўлиб тургандим. Шунда бирдан Германдан хат келиб қолди. У қўлида анчагина героин борлигини хабар қилганди. Уни сотиб олмайсанми, деб сўраганди. Менинг кимё саноати билан алоқадорлигим героинни пуллаш имконини берарди, лекин пулим йўқ эди. Герман ўз қийинчиликларини айтиб, ўйламасдан иш қилган эди. У агар Жо-Эн сохта паспорт учун пул тополмаса, бир неча ҳафта ичида уни ўлдиришлари мумкинлигини ёзганди. Унинг хабар қилишига қараганда, уни контрабандачилар таъқиб қилишаётган экан. Героинни асли ўшалардан ўмарган экан-да. Энди улар агар Германни топишса, ўша заҳоти ўлдиришлари турган гап экан. Шунда мен тақдир қўлимга мўмай даромад бераяпти-ку, деб ўйладим. Зеро, героинни жуда катта фойда билан сотиш мумкин эди. Шу сабабдан мен молни сотиб олишга тайёрман деб ёздим. Биз келишиб олдик: Жо-Эн аэропортдан тўғри менинг олдимга келади, молни топширади-да, пулни олади. Герман унинг қайси самолётда келишини айтмади. Унинг изига тушишмасин деб, мен ҳам сўрашга журъат этмадим. Ахир қотиллик қилиш керак эди-да! — ўзининг қалтираётган бакувват қўларига қараб қўйди.

— Тан оламан, хитой аёлни ўлдириш ножўя иш эмас деб ҳисоблагандим. Лекин жасадни қаерга қўйишни ўйлаш керак эди. Шунда мен уни сизникига ташлашга қарор қилдим. Сизнинг идорангиз меники билан ёнма-ён, бу анча осон кўчади. Сиз хусусий айғоқчисиз. Аёл сизнинг мижозингиз бўлиши мумкин. Полиция тергов олиб боради, сизни қотил деб гумон қилишади, мени ҳеч ким эсламайди ҳам деб ўйладим. Фақат у келганида сиз идорада бўлмаслигингиз керак эди. Менда ғалати бир ёзув бор эди. Уни магнитофонни янги сотиб олганимда ёзган эдим. Аэропортга боришдан кўрқдим, чунки мени сезиб қолишлари мумкин. Шу боис магнитофондан фойдаланишга қарор қилдим. Шу тарихи сизни чалғитдим. Сиз чиқиб кетганингиздан кейин роса кулдим. Хитой аёл энди келмаса керак деб ўйладим. Ниҳоят, у келди. У ҳеч нарсадан шубҳа қилмасди. Героин тобутда эканлигини айтди. Уни ўлдиришга сира кўзим қиймасди, — кўзларини юмди. — Шунақа хушрўй эдики... Мен сизнинг хонангиздан тўппончани олдиндан олиб қўйгандим. У ўз сафари ҳақида гапириб бераркан, мен билдирмасдан стол тортмасидан тўппончани олдим. Кутилмаганда у пул талаб қилиб қолди. Бу менга дадда берди. Тўппончани кўтардим-да, шартта отиб ташладим, — у бир сесканиб тушди, тер босган юзини артди. — Мен унинг жасадини сизнинг хонангизга олиб ўтдим, креслога ўтқазиб қўйдим. Шундай қилиб, ҳамма иш бўлди, энгил нафас олиш мумкин. Лекин мен ухлай олмадим. Ҳатто героинни ҳам пуллаш олмадим. У тўлалигича сейфда турибди. Сизнинг келишингизни зориқиб кутдим. Қайтиб келганингиздан кейин эса сиз билан учрашишга мадорим қолмаганди, — у раҳм-шафқат қилишни сўрагандай термулди. — Энди нима қилмоқчисиз?

У аянч ҳисси уйғотмасди. Бу одам ўз жиноятининг бутун оғирини менинг елкамга ортмоқчи бўлди. Каллакесарни ёллаб, мени ўлдиртирмоқчи бўлди. Германнинг хотинини шафқатсизларча отиб ташлади. Шунинг ўзиёқ унга қаттиқ жазо бериш учун кифоя эди. У Лейланинг ўлимида ҳам, гарчи буни ўзи билмаса-да, айбдор эди. Унинг очкўзлиги ва совуққонлигининг чек-чегараси йўқ эди. У ўз дўстини сотди, гарчи дўсти ҳам ўзига ўхшаган муртад бўлса ҳам, унинг қилмиши ўзини оқлашга асос бўлолмасди.

— Полицияга бу ифлос қилмишингизни қандай гапириб берасиз?

Мен телефон гўшагини кўтардим. Телефон рақамини терарканман, Вейд ўрнидан турди-да, қатъиятсиз бир ҳолда эшикка йўналди. Уни оёғидан отиб, тўхтатиш мумкин эди. Лекин мен бундай қилмадим. Барибир узоққа боролмайди. Яхшиси, Ретник етиб келгунча героинни пойлаб турганим маъқул.

Мен полиция маҳкамасидаги навбатчи сержантдан Ретникни қидириб топишни ва менга аскарлар билан машина юборишни илтимос қилдим. Бу пайтда лифт Вейдни биринчи қаватга олиб тушганди. Полиция машинаси сал кеч қолган эди. Лекин ярим соат ичида уни қидириб топишди. Бич-Драйнинг энг нариги чеккасида, машинада экан. У цианли калий ичибди: кимё саноати ўз ходимларига ғамхўрлик сифатида унга бериб қўйган экан. Шу тариқа у бу дунёни тез ва қайноқларсиз тарк этди.

Мен бўлган воқеаларни гапириб берарканман, Ретник чеҳрасини қайғу ифодаси тарк этмади.

— Умуман, омадим бор экан, — дедим мен ҳикоямни тугатиб. — Жефферсоннинг котибаси бу жинойтга алоқадор деб қаттиқ ишонган эдим. Кутилмаган тасодиф Вейдни фош этди. Агар у магнитофондан аэропорт шовқини ёзилган тасмани олишни унутмаганда ва унинг котибаси бунчалик қизиқувчан бўлмаганида, мен Вейд ҳақида ўйламаган ҳам бўлардим.

Ретник менга сигара узатди.

— Майли, Рейн, — деди у, — сенга имтиёз бераман. Менинг портсигаримдан фойдаланавер. Менинг обрўйим ошди — сеники йўқ. Агар келгусида ҳам мен билан ҳамкорлик қиламан десанг, панада юрганинг маъқул. Шон-шуҳратимга сени шерик қилмоқчи эмасман.

— Сен мени унутмайсан, мен сени эслаб тураман. Биз иккаламиз ҳам бир мусиқага ўйнаймиз, лекин қўпол ҳаракатлар қилишдан эҳтиёт бўл, лейтенант. Қария Жефферсон ёпиғли қозон ёпиғлигича қолишини истайди. Ўз ўғли ҳақида гап-сўз тарқалиши унинг манфаатига мос келмайди. Агар шуҳратпарастлигинг бундай қайғули далилларни элга ёйишга ундаса, ҳеч ким ҳавас қилмайдиган шон-шуҳратга эга бўласан, холос. Ҳали ўзини-ўзи ўлдиргани учун Вейдга раҳмат де.

У нодонларча ерга тикилиб қолди. Мен унинг ўйларига халақит бермадим. Фақат кичкина, оққўнгил хитой қиз Лейлага чин юракдан ачиндим. У ҳеч эсимдан чиқмасди. Кўчани кесиб ўтганимда ҳам, Сапарроу емакхонасига кирганимда ҳам, бир ўзим овқатланганимда ҳам унинг ёрқин хотираси мени тарк этмасди.

Русчадан
Файзи ШОҲИСМОИЛ
таржимаси



Тошлар тилга кирганда...

ТЕМУР ЁҚУТИ

Олти юз йилдан ортиқ вақтдан бери бу тош “Темур ёқути” номи билан машхур. Айни пайтда унинг номланишида анчагина чалкашликлар ҳам мавжуд. Эни уч сантиметрга яқин ўйма шаклли, қуюқ тўқ қизил тусли соф ва шаффоф бу биллур тош ёқут бўлмай, балки XIX аср охирида Англия сарой заргарлари томонидан аниқланганидек, қизил шпинель ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш тарихий воқеа 1762 йилда Екатерина II учун тайёрланган Россия тожининг маҳобатли “ёқути” билан ҳам боғлиқдир. Асримизнинг 20-йилларида академик А. Е. Ферсман бу ёқутнинг ҳам шпинель эканлигини аниқлаганди.

Лотин тилида “рубер” — қизил рангни ифодаловчи сўз бўлиб, Фарбий Европада барча оч қизил тусли шпинеллар рубин — ёқут деб аталган. Шарқда эса улар арабча “лаъл” қизил тош номи билан юритилади. Узоқ йиллар давомида “лаъл” сўзи славян тилларидаги ёқут, шпинель, гранат — /ёқутнинг бир тури/, турмалин — /мураккаб таркибли, чиройли қимматбаҳо тош/ каби қизил шаффоф тошларнинг умумий номини ифодалаган. Ҳали ҳануз рус тилида тўқ ва оч қизил рангни қирмизи деб юритилади.

Қадимги Бирма афсонасида балеанд тоғларда яшовчи Лаъл исмли бургут ҳақида ҳикоя қилинади. У жуда кўркам ва кучли бўлиб, кийик ва бугу гўшти билан озиқланар экан. Йиллар ўтиб Лаъл қариб қолибди ва бир кун мовий осмонга кўтарила олмабди.

“Наҳотки бундан буён менинг овқатим сичқон ва илонлар бўлса?” деб ўйлапти бургут. “Наҳот ўша қари қарга ҳақ: ўлик арслон бўлгунча, ўрмалаб, юрувчи чумоли бўлган яхши?.. Йўқ, ўз вақтида туғилиб, ўз вақтида ўлиш керак”.

Бургут шундай ўй суриб, ўз юртини тарк этмоқчи бўлибди. Бор кучи билан кўкка кўтарилибди-да қанот қоқмай қўйибди. Шунда у тик қоя устига қулаб тушибди. Атрофга сачраган қонлари эса, қизил шаффоф тошларга айланибди. Шу тариқа ер юзиде лаъллар пайдо бўлибди. Дарвоқе, қизил заррали шпинелларнинг энг муҳим қонлари ҳам айнан Бирма ва Шри Ланкададир.

Донишмандлар лаълнинг табиати иссиқ ва жозиб, уни тақиб юриш касалликлардан, айниқса бел оғриғи хасталигидан асрайди, шунингдек, одамни шайтондан, ёмон туш кўришдан сақлайди, дейдилар.

Қадимги рус тиб қўлланмаларидан бирида таъкидланишича, лаъл “инсон танини ҳар қандай касалликлардан фориг қилади, ёвузликлардан кўриқлайди, одамлар ўртасида эзгулик яратиб, бахт келтиради”. Шунингдек, мазкур китобда лаъл оғизга солинса, чанқоқни босади, лаълни малҳамга аралаштириб кўзга сурилса кўзни ўткир қилади, дейилади.

Ўрта асрнинг машхур табиби Парацельс ўз беморларига лаълни шароб ёки сувга қўшиб ичишни тавсия қилган. Бу ҳақда М. И. Пиляев ўзининг “Қимматбаҳо тошлар, уларнинг хусусияти, кони ва қўлланилиши” деган китобида ҳазиломуз бир тарзда “Парацельс ўз ғояларида мавҳум ва тушунарсиз, бироқ уларни амалда татбиқ этишда дадил ва тезкор эди. У беморларини ё даволарди ё ўлдирарди: негадир унинг ютуқлари ҳақида кўп фикр билдирилиб, камчиликлари тўғрисида жуда оз гапирилди. Тузалган одам тезда унинг муҳлисига айланарди, ўлган одамга келсак, бу бахтсиз ҳодисани бир ҳовуч тупроқ абадий ёпиб юборарди”.

Энди “Темур ёқути” тарихига қайтайлик. Унинг тавсилоти XIV аср охиридан бошланади. Ушбу тош Деҳли султонлари хазинасига қандай ва қаердан (ватани бўлмиш Ҳиндистон ёки Бирмаданми, балки Афғонистондан) тушгани номаълум. Ўша давр Деҳли султонлари учун жуда мураккаб эди: Ҳитой ва Эронга қарши муваффақиятсиз юришлар туфайли хазина бутунлай бўшаб қолганди. Натижада деҳқонлардан олинадиган оғир солиқларни купайтиришга тўғри келади — авом халқ

ўртасида бутун мамлакат бўйлаб қўзғолон кўтарилади. Бундай вазиятдан ўз ерларига ҳоким бўлишни истаб, доим норози бўлиб юрган беклар фойдаландилар. Салтанат таркибидан аввал Бангол кейин Деккан ажралиб чиқади. Инчунун, 1398 йилнинг кузида энг даҳшатли хабар келади. Мамлакатнинг шимоли-ғарбий томонидан ўз қўшини билан Соҳибқирон юриш бошлаган эди. Ҳа, бу Самарқанд — Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур эди.

Деҳли ҳукмдори Султон Маҳмудга Соҳибқироннинг қўшинлари ёз ойларидаёқ Амударёни кечиб ўтиб, Кобулни ишғол қилгани ва эндиликда Ҳиндистон томон йўл олгани маълум бўлади. Ушбу юришида бирин-кетин зафар кучган Амир Темур 1398 йилнинг декабр ойида Деҳлига кириб келади.

Темур Кўрагоний мулозимлари орасида “Дунё ҳукмдори”нинг зафарли Ҳиндистон юришини қайд қилиб бориш ишлари топширилган муаррих Гиёсиддин Али Деҳли остоналарида кечган бу шиддатли жангни қуйидагича тасвирлайди:

“Жангда ўлганлар тоғ ва тепаликлар ҳосил қилган эди. Ҳалок бўлган душманларнинг бошлари худди отлар оёғи остида думалаб ётган човган тўплари каби эди”. Ҳиндларга урушда қўллаган ҳарбий филлари ҳам наф бермайди. Деҳли охир-оқибатда ғолибга тиз чўкади. Зафар кучилган кун Темур қароргоҳи узра кўтарилган қора байроқ шаҳар навкарлар ихтиёрига топширилганини билдирарди.

Ҳар бир навкар шуни яхши билардики, қўлга киритилган ўлжанинг ўндан бир улуши, чунончи, энг яхшиси шахсан Амир Темурга топшириларди: Акс ҳолда яширганни ўлим жазоси кутарди: оддий навкарга ҳам, юзбошига ҳам, лашкарбошига ҳам ҳеч қандай шафқат йўқ эди. Шунинг учун, ҳинд султонларининг хазинасидан оддий бўлмаган катта қизил лаъл топилган куннинг ўзидаёқ, Амир Темурга етказилган эди.

Қизил тошлар Шарқда яхши баҳоланарди, бироқ бу — қуюқ қон ранглиси — ҳукмдорга бебаҳо бўлиб туйилди ва унинг хаёлидан ушбу нодир тошга ўз муҳрини мангуга ёзиб қолдириш фикри кечди. Заргарга тошнинг бир қиррасига ҳукмдорнинг машхур муҳри — Соҳибқирон, деб ўйиб ёзиш амр қилинади. Бу ишни у олмос ёрдамида бажо келтиради: ўнгай бир қиррасини танлаб, уста ёқутга, аввал, мум сурди, кейин кескир олмос нина тортиб буюрилган матнни ўйиб ёза бошлади. Анча вақт ўтгач, заргар ҳозирлаб қўйган мой, темир ва ёғочдан ясалган ўткир учли нил ва таёқчаларни ишга солиб, эҳтиёткорлик билан зеб беришга киришди. Нинанинг учига олмос кукунидан олиб ёқутнинг чеккаларини тинмай қирди. Ниҳоят бир неча кунлик машаққатли меҳнатдан сўнг, ёзувнинг биринчи қисми тайёр бўлади. Ушбу ёзув ҳозир ўчиб кетган... Бироқ бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

1405 йилнинг аёзли қишида, музлаган чўлда Темур тўсатдан вафот этади. Жуда улкан салтанат ҳукмдоридан айрилади. Темурнинг ўғиллари ва қариндош-уруғлари ўртасида ҳокимият учун ўзаро низо бошланади. Ака укага, ука акага қарши курашга отланади. Қарийб 100 йил давом этган бу алғов-далғов урушлар куюнида ёқутнинг кейинги тақдирини кузатиш бирмунча қийин бўлади. Шунга қарамай, ёқутнинг баъзи соҳиблари ҳақида аниқ, баъзилари ҳақида эса тахминий фикрлар юритиш имкониятига эгамиз.

Узоқ давом этган ўзаро курашлардан сўнг, 1409 йилда Темурнинг ўғилларидан бири Шоҳруҳ Мирзо тахтга чиқади. Унинг асосий мақсади отасининг вафотидан кейин теурийлар ўртасида бўлиниб кетган салтанат бирлигини қайта тиклаш эди.

Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида давлат икки қисмдан иборат эди. Бири маркази Ҳирот бўлмиш Хуросонни Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи, Иккинчиси маркази Самарқанд ҳисобланган Мовароуннаҳрни Мирзо Улуғбек бошқарар эди.

Шоҳруҳ Мирзони ҳокимиятни идора қилиш ишлари унча қизиқтирмас, у вақтини, кўпинча тоат-ибодат ва диний сўхбатлар билан ўтказишни хуш кўрарди. Бироқ ҳар қандай шарқ ҳукмдори каби Шоҳруҳ Мирзо ҳам қимматбаҳо тошларнинг қийматини яхши биларди. Қанчалар диёнатли ва тақводор бўлмасин, отасидан мерос қолган ярқираб турувчи ёқутга ўз исмини ёзиб қолдиришдан тийили олмайди.

Ўз навбатида Улуғбек Мирзо ҳам ота мерос ушбу ёқут тошга ўз номини ёздирарди. Мирзо Улуғбекдан кейин ёқутнинг изи йўқолади. Афтидан, у Шайбонийхон теурийлар ҳокимиятини қўлга олгунга қадар теурий ҳукмдорларининг қўлида мерос қолиб келган.

Шайбонийхон ҳарбий юришларидан бирида Марв атрофидаги жангда мағлубиятга учраб, рақиб қўлига асир тушади. Ғалаба қозонган янги Эрон давлатининг

асосчиси Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни қатл эттиради ва унинг калла суягидан қадаҳ ясаптириб тантанали маросимларда ушбу қадаҳда май ичади.

Ёқут эронликларнинг қўлига олдинроқ тушган бўлиши ҳам мумкин. 1477 йилда эрон ҳукмдори Узун Ҳасан саройига ташриф буюрган Венеция элчиси — Иосафот Барбаро ўзининг “Форс ўлкасига саёҳат” номли китобида ушбу ёқутни эслатувчи нодир тош ҳақида маълумот беради.

Шоҳ Узун Ҳасан Барбарога ўзининг хазинасини кўрсатади. Элчининг диққатини у ердаги жавоҳирлар орасида алоҳида ажралиб турувчи “баласлар” (балас ёқутнинг эскирган русча номи) ўзига тортади. Бошқа қимматбаҳо тошларга нисбатан у ушбу тошларнинг оғирлигига, катталигига ва ажойиб ранги, ўзига хос шаклига эътибор беради.

Ниҳоятда нафис рангли, чеккасига майда араб ҳарфлари битилган, йирик бир балас венециялик билимдонни ўзига жалб қилади. Узун Ҳасан Барбародан ушбу тошнинг қийматини сўрайди:

“Мен жилмайдим, у ҳам менга жилмайиб қаради ва яна бир бор сўради:

— Айт-чи, сен қандай баҳолайсан.

— Жаноби Олийлари, мен бу каби нодир тошни сира учратмаганман, — деб жавоб бердим. — Ўйлайманки унга тенг келадигани бўлмаса керак. Мен агар унинг нархини айтадиган бўлсам, балас тилга кириб, эҳтимол, мендан “ҳақиқатан ҳам менга ўхшаш бошқа бирорта нодир тош учратганмисан?” — деб сўрарди ва менинг унга йўқ, деб жавоб беришдан бошқа иложим қолмаган бўларди. Шу боис ушбу нодир тошни тилло билан ўлчаб бўлмайди. Балки унга бутун шаҳарни бадал қилиш керак бўлар...”

Барбаро, эҳтимол, “Темур ёқути”ни эмас, бошқа қимматбаҳо тошни кўрган бўлиши ҳам мумкин.

Эрон ҳукмдорларидан шоҳ Аббос Сафавий давлатнинг пойтахтини хазина билан бирга Табриздан Исфохонга кўчиради. Бу маърифатпарвар шоҳ бир қанча йўллар, кўприклар ва карвонсаройлар қурдиради, шунингдек, Фарбий Оврупа мамлакатлари билан денгиз йўли орқали ипак савдо-сотих алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилади. Бироқ Аббос Сафавий қанчалик маърифатпарвар шоҳ бўлмасин, унинг шафқатсизлиги катта ўғлини фитна уюштиришда айблаб қатл эттиришга ва бошқа икки ўғлининг кўзларига мил тортиришгача бориб етади.

Ушбу ҳукмдор, бир томондан, “Темур ёқути”даги кейинги ёзувнинг соҳиби бўлиши, иккинчи томондан эса, ўзининг қудратли шарқ қўшнисини Буюк Мўғуллар (Бобурийлар) сулоласидан Шоҳ Жаҳонгирга мазкур ёқутни совға қилганлиги билан диққатимизни тортади. Шундай қилиб, ёқут яна ўз ватани — Ҳиндистонга ва асл вориси бўлмиш — Темурийлар авлодига қайтарилади.

Тарихда ҳукмдорлар нафақат тожу тахт учун курашганлар, балки шону шуҳратга ҳам интиланлар. Бобуршоҳнинг невараси Жаҳонгиршоҳ ҳам ушбу ёқутга ўз номини ва отаси — Акбаршоҳнинг номини ёзиб қолдиради. “Темур ёқути” Буюк Мўғуллар сулоласининг ҳокимият рамзи бўлганидек, Жаҳонгир Мирзо, табиийки: ўзидан олдин ёзиб қолдирилган муҳрларни ўчиртиради. Ёқутдаги бугунги кунгача қаланиб қолган энг сўнги ёзув “Шоҳ Акбар: Шоҳ Жаҳонгир, 1021” ҳисобланади.

Жаҳонгир шоҳнинг вафотидан сўнг тахтга ўғли Жаҳон Шоҳ ўтиради. У тахтга чиқиши биланоқ ўз акалари ва жиянларини қатл эттиради. Янги ҳукмдор шу тариқа тахтни эгаллаш мумкин бўлган рақиб — ворисларини йўқ қилганини намойиш этади. Ўз пайтида замондошлари уни золим ҳукмдор деб тилга олган бўлсалар, кейинги авлод уни ёрига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати сабабли ҳурмат билан эслашади. Хотини Мумтоз Маҳалнинг вафотидан сўнг, Жаҳон Шоҳнинг ҳукми билан Аграда қордек оппоқ мақбара қурилади. Ушбу Тож Маҳал дунёдаги мўъжизалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Деҳлида Жаҳон Шоҳнинг буйруғи билан подшо саройининг қабул залида улкан Товус ҳайкалли тахт ўрнатилади. Тахтнинг асосий безаги олтиндан ясалган Ҳиндистоннинг миллий рамзларидан — товус ҳайкали бўлиб, унинг кенг ёйилган патлари ўрнини оч ва тўқ кўк-ложувард тусли ёқут ташкил қилади. Товуснинг танасини марварид безаб туради. Кўз ўрнида порлаб турувчи каттакон олмос — Кўҳи Нур ўрнатилган бўлиб, кўкрак қисмида эса, бизга таниш бўлган “Темур ёқути” нур таратиб туради.

Ҳокимият ишларидан холи қолган вақтларида Жаҳон Шоҳ саройдаги устахонага кириб, ёқут пардозлаш ишлари билан шуғулланарди. “Темур ёқути”ни безаб

турувчи форсча “Соҳибқирони Соний 1038” (мелодий 1628 й.) ҳаттотлик ёзувини, эҳтимол, шахсан унинг ўзи амалга оширгандир. Илгари буюк аждоди Амир Темурга оид бўлган ушбу ёқут тошга ўз муҳрини босиб “Иккинчи Соҳиб” номини олган шахс айнан Шоҳ Жаҳон ҳисобланади.

Шоҳ Жаҳон яна шуниси билан машҳурки, унинг номи Россия олмос фондида сақланаётган тарихий “Шоҳ” олмосини ҳам безаб турибди.

Шоҳ Жаҳон тахтга чиқиб, ака-укаларини, жиянларини қатл эттиргач, шоҳона ҳаётини рақиблардан хавфсизлантирдим деб ўйлайди. Бироқ у янглишган эди. Йиллар ўтиб, 4 ўғли вояга етганини ўзи ҳам сезмай қолади. Уларнинг қониди йиғитлик шижоати ўши урар экан, оталари каби тожу тахтга эга бўлиб, дунёни ларзага солишни истаб қоладилар.

Ниҳоят, 1658 йилда жангда қўли баланд келган Шоҳ Оламгир тахтни эгаллайди. Ўзига муҳолифлик қилган тахт даъвогарлари — ака-укаларини отаси каби қатл эттиради. Отасига эса, бир оз шафқат кўрсатади: Аградаги қалъага қамайди. Қалъадаги торгина ҳужранинг хира нур тушиб турадиган деразасидан энди, у хотини дафн этилган ва кейинчалик ўзи ҳам дафн этилажак Тожмаҳал саройини 8 йил, умрининг охиригача ҳасрат ўтида ёниб, узоқдан томоша қилиши мумкин эди, холос.

Оламгир шоҳ отасининг хазинасини ўз тасарруфига олгач, кўп ўтмай 1659 йилда “Темур ёқути”га навбатдаги “Шоҳ Оламгир, 1070” битигини ёздиради. Олтин товусли тахтни эгаллагач, Оламгир шоҳ Аврангзёб (Тахт зийнати) номини олади.

“Тахт зийнати”нинг ўлиmidан сўнг Буюк Мўғуллар (Бобурийлар) салтанати ўзининг куч ва қудратини йўқотади. Қўшни султонликлар ундан қолган-қутган сўнги бисотларни бўлиб олишади: Бобурий ҳукмдорлар қарамоғига фақатгина шимолий-ғарбий Ҳиндистон ва жанубий шарқий Афғонистон ҳудудларигагина қолади.

Кейинги алғов-далғовли даврлар қуюнида яна бир шоҳ — сулоланнинг охириги ҳукмдоридан олдингиси, мелодий тарихи 1713 йилни кўрсатувчи “Подшоҳ Ҳазрат Муҳаммад Фарук Сийяр 1125” ёзувини битиб қолдиради.

Ушбу воқеадан кўп ўтмай, бошига бахт қуши қўнган Нодиршоҳ Шимолий Ҳиндистонни босиб олади. Икки йил давом этган жангу жадаллардан сўнг, у Буюк Мўғуллар давлатини тўла тор-мор келтиради. 1739 йилда салтанат пойтахти — Жаҳон Ободни эгаллаб, Нодиршоҳ жуда катта ўлжани қўлга киритади. Шоҳ саройи ва хазиналардан барча ёқут-олмос, зумрадга лиқ тўла бўлган 60 та сандиқ олиб кетилади. Қимматбаҳо безакли тошлар билан бирга шамширлар, ханжарлар, қалқонлар, узуклар, дастор-саллалар буларнинг барчаси 21 қопга аранг сиғади. Машҳур олтин товусли тахт шу қадар буюк эдики, уни ташиш учун 8 та туяга боғлаб тортишга тўғри келади. Жавоҳирлар қаторида “Темур ёқути” ва “Кўҳи Нур” олмоси ҳам қопга солиб олиб кетилган эди.

1740 йилда Нодиршоҳ ҳарбий юришини тугатиб, Исфаҳонга қайтади. “Темур ёқути” деярли бир ярим асрдан сўнг, яна эрон давлатининг хазинасига тушади. Бироқ энди “Кўҳи Нур” билан бирга Нодиршоҳнинг омборхонасида сақланади.

Ушбу ҳукмдор ёқут тошнинг бир қиррасига қачонлардир Темурга оид бўлганини билдириб турувчи узун бир матн ёзишни буюради:

“1153 йилда Ҳиндистон хазинасидан топилган ушбу ёқут шоҳлар шоҳи — Амир Темурнинг 20 минг асл жавоҳирларидандир”.

Нодиршоҳ салтанати унинг ҳаётлиги давридаёқ қулай бошлаган эди. Сарой зодагонлари томонидан бир неча бор уюштирилган муваффақиятсиз суиқасддан сўнг, у 1747 йилда қатл этилади. Тахт учун кураш бошланади. Натижада саройда вужудга келган тартибсизлик ва ғалаёнларнинг бирида хазинадаги жавоҳирлар, шу жумладан “Темур ёқути” ва “Кўҳи Нур” йўқолиб қолади. Кейинчалик маълум бўлганидек, афғонистонлик Аҳмад Абдолий тахт учун курашдаги мағлубиятидан сўнг, хазинага ҳужум қилган. Қўлга киритилган жавоҳирлар қаторида мазкур икки ёқут (тоши)ни Қандаҳорга олиб кетган. У Ҳиндистон ва Эрон давлатларининг кучсизланганлигидан фойдаланиб, Афғонистонда ўзининг подшолик сулоласини барпо этади ва “Дурри Даврон” номини олади. Ёқутга ўз номи “Аҳмад шоҳ Дурр-и Даврон 1168, 1754”, илова қилинганлиги сабабли, тош, ушбу ҳукмдор учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

Аҳмад Абдолийнинг ўлиmidан кейин, қатл навбати ўғли — Темурга етади. Темур Афғонистон пойтахтини Кобулга кўчиради ва ёқутларни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. У каттагина ҳарамга эга бўлган: унинг ўлиmidан сўнг 23 та ўғли мерос учун

курашади. Бу ўзаро курашлар гоҳ сусайиб, гоҳ кескин тус олиб 20 йил давом этади. Ниҳоят, улардан бири хазинани қўлга киритиб, Лаҳор шаҳрига, Панжоб ҳукмдори ёнига қочиб боради, ундан сиёсий паноҳ истайди.

Раж Ранжит Сингх уни қабул қилади, бироқ бунинг эвазига барча жавоҳирларни, шу жумладан, “Темур ёқути”ни ва “Кўҳи Нур”ни беришини талаб қилади.

1849 йилда инглизлар Шарқий Ҳиндистон савдо компанияси — ширкати байроғи остида Панжобни ишғол қиладилар ва барча жавоҳирларни қўлга киритадилар. Ўлжа шу даражада катта эдики, ҳатто уларни синчиклаб текширишга вақт етмас эди. Фақат хат-хабар етказувчи махсус зобит орқали қиролича Викторияга совға тариқасида юборилган каттакон олмосни ҳамма танир эди.

Афтидан, Жаҳон Шоҳнинг шону шуҳрати қироличага тинчлик бермай, уни ҳасад ўтида ёндирганга ўхшайди. Заргарлар раҳнамолигида у тошни шахсан ўзи тарашлаб сайқал беришга аҳд қилади. Пардозлаш натижасида каттагина олмос 2 марта кичрайиб, эски шаклини йўқотади. Ҳозирги кунда “Кўҳи Нур” қиролича Елизавета учун тайёрланган тожни безаб турибди.

Ўш, “Темур ёқути” қаерда қолди? 1849 йилда унинг тақдири номаълум эди. Бошқа ёқутлар қаторида уни ҳам қутига солиб, оддий юклар билан бирга Шарқий Ҳиндистон ширкати орқали Англияга жўнатишади. Кейинги соҳиблари томонидан Панжобда ёки Афғонистонда ушбу ёқут бошқа тошлар қаторида маржондек терилган эди. Шунинг учун 1851 йилда Лондонда англия тожининг нодир тошлари намойиш қилинган Катта кўргазма ўтказилганда, ёқут қуйидаги ёзувлар билан расмий рўйхатга олинган эди: “Тўртга йирик шпинель — ёқутдан иборат қисқа маржон”. Ҳинд усулида сайқаланган ва унда сақланиб қолган “Темур ёқути” ёзуви, ниҳоят, 1912 йилда аниқлангунга қадар, мазкур тош ва у билан боғлиқ узундан-узун романтик-ишқий тарих яна деярлик 60 йил мавҳумлигича қолиб кетди.

Бугунги пайтда маржон Лондондаги Букингем саройининг Ҳиндистон хонасида сақланади. Устига араб ёзувида “Темур ёқути” сўзи битилган энг катта тўқ қизил маржон, ўзининг 600 йиллик тарихи давомида кўплаб соҳибларни кўрди. Уларнинг энг биринчиларидан Темур Кўрагоний бўлиб, ушбу ёқут унинг номи билан аталади. Ҳозир эса у Британия тожининг ноёб ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

НЕФРИТ ҚАБР ТОШИ

“Темур ёқути”дан фарқли ўлароқ, Темурнинг нефрит қабр тоши ҳақида ниҳоятда кўп ёзилган. Шунингдек, ушбу қабр билан боғлиқ қатор афсона ва ривоятлар мавжуд. Унга оид эълон қилинган ҳар бир янги мақола аввал ёзилганларининг сонини янада ошириб бораверади.

Ўш, Темурнинг қабр тоши нимадан иборат? Оқ юмшоқ оҳақли тош-тахта устида тўқ кўк рангли, яхшигина силлиқланган ва чирмашиқ араб ёзувли, паралеллопипед шаклидаги яхлит тош ўрнатилган. Бу ёдгорликнинг ўртасидан ўтган ёриқ тошни деярли тенг икки қисмга бўлиб туради. Ушбу тошнинг топилган жойи нафақат ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, ҳатто жуда катта бўлган собиқ Темур салтанатидаги бошқа давлатларда ҳам номаълумлигича қолиб келмоқда. Тоштахтанинг ўлчами 192-37-30 сантиметрни ташкил қилади ва дунёда нефритдан ясалган энг катта ёдгорлик ҳисобланади.

Ўш, бу тош қаердан топилган ва Самарқандга қаердан олиб келинган?

“Нефрит” сўзининг ўзи юнонча “нефрос” яъни буйрак деган маънони англатади. Оврупа, Осиё ва Америка халқлари ўртасида бу тош буйрак хасталигига даво деб билинган. Нефрит, асосан, оч ва тўқ кўк рангли бўлади, бироқ кул ранг, оқ, жигарранг ва бошқа тусларда ҳам учраши мумкин. Бу тош ибтидоий жамоа тузуми даврида кенг қўлланилган. Тош асридаёқ одамлар ундан найза ва ёй учи ясаганлар. Кейинги пайтларда эса, нефрит, кўпроқ, Хитойда катта аҳамиятга эга бўлган: император саройида муҳр ва ажратиб кўрсатувчи ишорали белгилар, ёқимли оҳанг таратувчи нефрит қўнғироқчали ҳар турли мусиқа асбоблари ясалган. Шунингдек, диний маросимларда ундан сеҳрли тош сифатида фойдаланилган. Ҳатто Хитой халқ миллий дини олий маъбудасининг номи — Юй Ди нефритли санам деган маънони билдирган.

Келинг, Самарқандга қайтайлик.

1404 йилнинг ноябрида Самарқандда оби-ҳаво иссиқ ва очиқ бўлди. Осмон шу қадар мусаффо эдики, ҳатто шаҳарнинг осмонўпар феруза гумбазларини кўк юзидан ажратиб бўлмай қолган эди. Темурнинг яқинда қурдирган иморатлари: Биби-хоним номи билан машҳур бўлган ҳашаматли жоме мечити ва ҳукмдорнинг севиқли невараси Муҳаммад Султон мақбарасининг кунгураси куёшда олтиндек порлаб, деворларидаги мрамар тошлар товланиб турарди.

Пойтахт атрофидаги боғлардан бирида куй таралиб, дастурхонларга куз неъматлари ва буғи чиқиб турган шарқона таомлар тортилган эди.

Ушбу базм Кастилия қироли Генрих IIIнинг бир неча кундан бери Самарқандда меҳмон бўлиб турган элчилари Рюи Гонзалес де Клавихо, Алонсо Паэса, Гомес де Самасар шарафига уюштирилган эди. Элчилар 21 ноябрда Самарқанддан тантанали тарзда чиқиб кетишади.

Орадан уч ой ўтгач, элчиларга Соҳибқироннинг тўсатдан вафот этгани ҳақда хабар етиб боради. Клавихо бу ҳодисани ўз кундалигига қайд қилади, бироқ қизиғи шундаки, элчининг қайдномасида Темурнинг Самарқандда ўлганлиги ҳақида гап боради-да, Хитойга юриши тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмайди.

Темур ўзининг сўнгги юришига жуда катта тайёргарлик кўрган эди. Унинг қудратли қўшини Кастилия қироли элчилари кузатилган кундан 6 кун ўтгач, шаҳардан чиқади. Жуда катта ҳарбий юриш элчилардан шу тариқа сир сақланган эди.

Темур ўз қўшинига Жунгария қумликлари ва тошлоқ Гобидан кечиб ўтиш анча қийинчилик туғдиришини яхши биларди. Секин юрувчи савдо-сотик қарвонларининг сабр-тоқатли туяларига нисбатан ҳарбий отлар ва юк ташувчи ҳайвонларга жуда кўп ем-хашак керак эди. Кузнинг охирларида Самарқанддан чиқаётиб, Соҳибқирон қўшинини эрта баҳорнинг дастлабки кунларидаёқ чўлга олиб чиқишни кўзлаган эди. Аммо кечиккан куз қутилмаганда қаҳратон қишга айланади. Аввалига навкарлар хурсанд бўлишади. Чунки улар аёзнинг илк кунларида ерлар музлаб, нафасни қайтарувчи чанг ва тўзонлардан халос бўлган эдилар.

Музлаган ер узра юриб бораётган отларнинг тақаларидан “Цзин, цзин” деган сас чиқарди. Живолар ва аслаҳаларнинг силкинишидан чиққан садолар ушбу товушга қўшилиб кетиб, қандайдир ёқимли оҳанг ҳосил қиларди. Суворийлар садолар оғушида бир-бирларига маъноли боқиб қўйишарди. Чунки уларнинг кўпчилиги “Цзин” — чин тилида олтин эканлигини яхши билишарди.

Тошкентнинг шимолий чўлларида шу даражада изгирин эдики, на йўлларда ёқилган гулханларнинг тафти, на иссиқ тугувчи наматли ўтовлар кишини совуқдан сақлай оларди. Бўрон бошланиб, қўшин Ўтрорга бориб тўхтади. Олдинга йўл йўқ. Қор кўп ёққанидан, отлар қулоғигача ботиб кетарди.

Темур 18 феврал кuni Ўтрор ҳокимининг уйида вафот этади. Буюк саркарда ҳаётининг кўп қисми ҳарбий юришларда ўтгани каби, ўлими ҳам йўлда содир бўлган эди.

Амир Темур ҳаётлиги чоғида туғилган жойи Шаҳрисабзда ўзига сағана қурдирган эди. Бироқ қўшин бошлиқларининг ўзаро маслаҳати билан яқинда вафот этган суюкли невараси Муҳаммад Султон мақбараси ёнида дафн этишга қарор қилинади. Совуқ бир кечада унинг жасади салтанат пойтахти Самарқандга жўнатилади. Темурнинг жасади ортилган тобут Самарқандга олиб келингач, шарият аҳқомлари бажо келтирилиб, халқдан сир тутилган ҳолда дафн этилади.

Ушбу воқеадан бир ой ўтгач, тахтга Султон Халил чиқади. Унинг фармони билан Соҳибқироннинг вафотига бағишланган дабдабали мотам маросими ўтказилади. Маросимда Соҳибқироннинг қариндош-уруғлари-ю мулозимларигина эмас, балки бутун халқ қатнашади. Кўй, ҳўкиз, отлар сўйилиб, халққа бир неча кун худойи берилади, камбағалларга хайр-эҳсон тарқатилади.

Темурнинг жасади қора дарахтдан ясалган тобутга солиниб, қабр ичига қўйилади. Мақбара деворларига Соҳибқироннинг қурол-яроқлари ва шахсий қимматбаҳо анжомлари осилади, шунингдек, ерга қимматбаҳо гиламлар тўшалади. Шифтда гўё юлдузлар осилиб тургандек, олтин ва кумуш қандиллар атрофга нур таратиб туради. Кейинчалик, жасад Шероз усталари томонидан тайёрланган пўлат тобутга олиб қўйилади.

Темурнинг вафотидан 5 йил ўтгандан кейингина тахтга ўғли Шоҳруҳ чиқади. У отасининг қабрини зиёрат қилади ва яна қайта мотам маросими ўтказишга амр беради.

Дахманинг деворларига осиб қўйилган барча қимматбаҳо жиҳозлар, асбоб-анжомлар ва қурол-яроқлар унинг фармойиши билан хазинага топширилади. Темурнинг жасади пўлат тобутдан олиниб, арча дарахтидан ясалган тобутга қўйилади. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси диннинг шарият аҳкомларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Соҳибқироннинг мақбараси устидаги тоштахта Улубек ҳукмронлиги даврида ўрнатилган бўлиб, атрофдаги мақбараларнинг устидаги тошларга нисбатан ўзининг тўқ кўк, деярли, қора рангга мойиллиги билан ажралиб туради. Тоштахта ўрнатилгандан бери кўпсонли зиёратчилар, кейинчалик эса, олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, XIX асрнинг охиригача зиёратчиларга мақбаранинг ички жиҳозларига ташқаридан кўз югуртиришга рухсат берилган, холос. Тепа қисмда жойлашган нақшинкор панжарали кичик деразалардан хира нур тушиб турганлиги сабабли, ички хонада доим ярим қоронғилик ҳукм сурган.

Дахма устидаги тоштахта ҳақида илк маълумотларни Оврупа олимлари ёзиб қолдиришган. Г. Радлов 1868 йилда Туркистонда бўлиб, тоштахтани қора мрамар тош деб изоҳласа, 1873 йилда Можаристон сайёҳи Вамбери тўқ кўк рангли харсангтош деб баҳолайди. Мазкур санадан бир йил ўтгач, Санкт-Петербург кон тадқиқотлари институти профессори Н. П. Борбот де Марни тоштахтани синчковлик билан ўрганиб чиқиб, нефрит эканлигини аниқлайди. Геолог И. В. Мушкетов 1879 йилда ушбу тош устида жиддий изланишлар олиб боради. Олим тошдаги ёзувлардан нусха кўчириб олиб, рус тилига таржима қилиш учун Фанлар Академиясига жўнатади. Натижада битикларнинг аниқ таржималари амалга оширилади, бироқ бизни тош тахтанинг ўзи қизиқтирганлиги сабабли бу ерда уларга тўхталиб ўтишга ҳожат бўлмас керак.

И. В. Мушкетовнинг таъкидлашича, нефрит тоши маҳаллий халқ орасида хосиятли хусусиятга эга деб билинган. Мақбара ходимлари тоштахтадан кичик бўлақчалар синдириб олиб, уларни кукунга айлантиришган ва турли хил хасталикларга даво деб, аҳолига тумор ҳамда дори сифатида сотишган. Унинг анча шикаст етказилган қирралари ва учларини XIX аср охирида ганч билан суваб, таъмир қилганликларини худди шу воқеа билан изоҳлаш мумкин.

Мақбарани зиёрат қилувчиларнинг диққатини нефрит тоштахтани тенг икки қисмга бўлиб турувчи ёриқ жалб қилади. Ушбу ёриқнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бир қанча нақл ва ривоятлар мавжуд. И. В. Мушкетов ўзининг “Туркистон” номли монографиясида Гўри Амир мақбараси ходимдан эшитганларини келтириб ўтади. Ходимнинг айтишига қараганда XVIII аср охирида ёзилган “Тарихи Самарқанд” асарида Ҳиндистондан тўқ кўк рангли улкан нефрит тоши олиб келинганлиги ҳикоя қилинади. Тош шунчалар катта аҳамиятга эга бўлганки, ҳатто уни Самарқандга олиб келишганда, шаҳар бўйлаб тошнинг ичида олтин бор, деган гап тарқалади. Тунларнинг бирида тоштахтани қароқчилар ўғирлаб кетишади, бироқ туяга ортаётганларида тушиб кетиб ёрилади. Қароқчилар олтин йўқлигини кўргач, ташлаб қочишади. Мақбара ходимлари ўртасидан ёрилган тоштахтани олиб келтириб жойига қўйишади.

Шунга ўхшаш бошқа бир нақлни рус шарқшунос олими Н. Ханиковнинг “Бухоро амирлигининг тавсифи”да учратиш мумкин. У 1843 йилда Ўрта Осиёда бўлиб, жуда кўп этник, жуғрофий ва тарихий манбалар йиғади. Олим ўз қайдларида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор ёдгорликларини таърифлар экан, шу билан бирга тоштахтани ҳам тилга олади ва қуйидаги афсонани келтириб ўтади. 1740 йилда Самарқандни қўлга олган эронликлар Темурнинг қabri устидаги тоштахтанинг ичида беҳисоб хазина бор деб ўйлашади. Нодир шоҳнинг буйруғи билан тоштахта синдирилади, лекин ичидан ҳеч қандай хазина чиқмайди.

Эронликларнинг Ўрта Осиёдаги ҳаракати ҳақида ҳинд Абдул Карим Кашмирӣ ҳам маълумот беради. У Амир Темурнинг қabri устидаги тошни Самарқанддан Машҳадга олиб келиш топшириғини олган Нодир шоҳнинг жиёани — Лутф-Али-Хонни Самарқандга кузатиб боради. Абдул Каримнинг таъкидлашича, Эронга олиб кетилаётган тош йўлда тушиб кетиб синади. Чунончи, тоштахта тўрт бўлаққа бўлинади ва ҳинд муаррихи кичик бир бўлагини ўз ватани — Ҳиндистонга олиб кетади.

Худди шу воқеани Марв вазири Муҳаммад Козим янада кенгроқ ёритади. Унинг айтишига қараганда, Луфт-Али-Хонга 20000 кишилик қўшин бошчилигида “Амир Темур Кўрагоний қабри устидаги бир бўлак нефрит тоштахта”ни Эронга олиб келиш топширилади. Тоштахта замбарак ўрнатиладиган аравага ортилиб, Бухоро, Марв ва Сарахс орқали Машҳадга олиб кетилади. Нодиршоҳ нефритли тоштахтани кўриб, “Бундан буён бутун дунё менинг қўлим остида айланади. У (Амир Темур) нефритдан қабр тоши” ясаттирди; биз... нефритдан кўк гумбазли бинонинг пойдевори ва қўйи безакларини ясаттирамиз” дейди. “Кўк гумбазли бино” — Нодиршоҳ ўзига атаб қурдирган мақбара. Аслида, у бу мақбарани Озарбойжондан олиб келинган қора мрамар тошдан ясаттиришни ният қилган эди.

Муҳаммад Козимнинг ёзишига қараганда, Самарқанддаги нефрит тоштахта Нодиршоҳнинг мақбарасини безаш учун олиб келинган. Гўё ҳамма нарса табиийдек туюлади, бироқ Нодиршоҳнинг кейинги ҳукм фармойишлари кишини лол қолдиради. Муҳаммад Козим буни шундай изоҳлайди: “У вилоят амирлари ва ақибларига тоштахтани келтириб ўрнатилган “муқаддас” жойдан олиб, қайта Бухорои шарифга элтишни ва у ердан, Абулфайзхоннинг амрига асосан, салтанат пойтахти Самарқандга олиб бориб, ўз жойига қўйишни буюради”.

Самарқандга олиб кетилаётганда, тоштахта тушиб кетади ва тенг икки бўлакка бўлинади.

Нодиршоҳнинг замондоши, бухоролик муаррих Муҳаммад Вафо Карманавий ушбу шоҳнинг фаолияти ҳақидаги ёзувларида нефрит тоштахтани Бухоро орқали на Машҳадга олиб кетилганлиги ва на Самарқандга қайта олиб келинганлиги ҳақида сўз юртади. Бироқ шунини айтиш керакки, муаррихнинг қўлёзма асарига кейинчалик номаълум шахс томонидан илова қилинган Темурнинг нефрит қабр тоши Машҳадга олиб кетилганлиги ва йўлда тушиб кетиб синганлиги ҳақидаги ривоят учрайди.

Маълум бўлганидек, мазкур тоштахтанинг тақдири билан боғлиқ турли даврларда битилган бир қанча ўхшаш ривоятлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳақиқатга яқинлигига шубҳа бўлмаса керак...

Ёзма манбаълардан ташқари янада ишончли бўлган ҳужжат тоштахтанинг ўзи ҳисобланади. Бу нефрит ёдгорлик устида нафақат шарқшунос олимлар, балки Н. П. Барбот де Марни, И. В. Мушкетов, А. И. Рябинин каби геологлар ҳам тадқиқот олиб боришган.

Хўш, минерология нуқтаи назаридан нефрит нимадан таркиб топган? Олиб борилган тадқиқотлар унинг ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Нефритнинг майдаланган тош қукуни микроскопда бир неча бор катталаштирилганда, намат толалари каби бир-бирига боғланганлигини кўриш мумкин. Бу хусусият унинг жуда мустақкам жисм эканлигидан далолат беради. Академик А. Е. Ферсман XIX асрдаги қизик бир воқеани мисол келтиради:

Оврупа ширкатларидан бири ўзининг ишлаб чиқарган тош майдаловчи босқонини Байкалорти заводларидан бирига сотишга тақдим қилади ва ушбу заводдан реклама тарикасида оммавий (синов) — намойиш ўтказишни сўрайди. Намойишда босқон, аввал гранит тоши бўлагини осонлик билан майдалайди. Нефрит тоши устида олиб борилган тажрибада эса, биринчи, иккинчи зарбада ҳам тош бўлаги бутунлигича қолади. Синов давом эттирилганда босқон қийшайиб, нефрит тош бўлагидан майда тош парчалари тўкилади, холос. Чунончи Темурнинг қабри устидаги нефрит тоштахта туядан ва ёки замбарак ташувчи аравадан тушиб кетиб синганлиги даргумон. Аммо эронликлар ушбу ёдгорликни хазина илинжида ёриб кўрган бўлишлари мумкин. Бу нақдга ҳам танқидий кўз билан қарашга тўғри келади.

А. И. Рябинин 1897 йилдаёқ тоштахтадаги ёриқни изоҳлашга киришади. Қабр тошини ўрганиб чиқиб, у асосан, ўртадаги ёриқнинг ўнг ва чап томонидаги симметрик жойлашган кичик чизиқларнинг тузилишига эътиборни қаратади. Иккала томоннинг асослари туташтирилганда чизиқлар ўзаро тенг тушади. Тадқиқотчининг тахминига кўра, ёдгорликни тайёрлаш чоғида нефрит тоштахта узунлигига қараб деярли тенг ўртасидан икки қисмга арраланган ва энлари туташтирилиб тик ҳолатда ўрнатилган. Тоштахтанинг арраланмасдан олдинги асл узунлиги — 1,2 метрни; эни — 0,8 метрни ва бўйи — 0,5 метрни ташкил қилган.

А. И. Рябининнинг тахминий фикрлари асримизнинг 40-йилларида қабртоши — тоштахта устида тадқиқот ишлари олиб борган геологлар жамоаси томонидан ўзи-

нинг илмий тасдиғини топади. Бинобарин, эрон навкарларининг тошдаги ёриққа ҳеч қандай дахли йўқ. Шунга қарамай, ҳали-ҳануз кўпсонли маълумотномаларда, йўл кўрсатувчи қўлланмаларда ва матбуотда эълон қилинган мақолаларда ёриқнинг пайдо бўлиши воқеаси Нодиршоҳнинг ёки қароқчиларнинг ёвузлиги билан изоҳланади.

Хўш, Темурнинг қабр тошидан бир парчани Абдул Карим ўзи билан Ҳиндистонга олиб кетганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи маълумотини қандай тушуниш мумкин? Чамаси, бу гап ҳақиқатга яқин кўринади. XIX аср охирида Туркистон генерал губернаторлиги бошқармаси Самарқандни ободонлаштиришга қарор қилди. Гўри Амир мақбараси яқинидаги кўчаларда лойиҳалаштириш ишлари олиб борилаётган пайтда Темур қабр тошининг ранги ва тузилишига ўхшаш анчагина нефрит тоши парчалари топилди. (Лойиҳалаштириш ишлари раҳбари З. Э. Жижемский ҳисоботи). Эҳтимол, тоштахта ёдгорликни тайёрлаш ишлари олиб борилган устахона мақбарага яқин атрофда жойлашган. Абдул Карим тоштахтанинг ортиб қолган қисми — кесиб ташланган нефрит тош бўлақларидан бирини 1740 йилда айнан шу ердан олган бўлиши ҳам мумкин.

Тоштахтадаги ёриқ билан боғлиқ муаммони ҳар тугул ҳал қилдик. Энди ушбу қабр тоши ҳақиқатан ҳам Машҳадга олиб кетилганми ёки йўқлиги масаласига тўхталиб ўтайлик.

Нодиршоҳнинг ҳарбий юришларига қайтсак. 1739 йилда унинг қўшинлари Деҳли султонлари хазинасини қўлга киритади ва голиб ҳукмдорнинг қўлига Амир Темур ёдгорликларидан бири тушади: гап машҳур “Темур ёқути” ҳақида бормоқда. Ушбу ёқутнинг кўпгина соҳиблари: Темур, Шоҳруҳ, Улуғбек, Аббос Сафавий ва бошқалар ёқутга ўз номларини муҳрлатишга ҳаракат қилганлар. Аммо, бошқаларидан фарқли ўлароқ, Нодиршоҳ ёқут тошига шахсан ўзининг эмас, Амир Темурнинг номини абадийлаштиради. Унинг ҳукми билан қуйидаги ёзув битилади:

“Ушбу ёқут шоҳлар шоҳи бўлмиш султон Соҳиб Қироннинг 25 минг энг қимматбаҳо жавоҳирларидан бўлиб, 1153 йилда Ҳиндистон хазинасидан Исфаҳонга олиб келинган”.

Кўриниб турганидек, Эрон ҳукмдорининг Амир Темурга нисбатан ҳурмати чексиз бўлган. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Нодиршоҳ ўзининг мақбарасини безаш учун нефритли тоштахтани Самарқанддан Машҳадга олиб келтирган деган сўзга асло қўшилиб бўлмайди. Фақат, шунини айтиш керакки, эҳтимол, Нодиршоҳ тоштахтани кўрмоқчи бўлгандир. Бироқ бунинг учун уни Машҳадга олиб келтиришнинг ҳеч ҳам ҳожати йўқ эди, чунки 1740 йилда ушбу эрон шоҳининг қароргоҳи Бухорода бўлган пайтда тоштахтани Самарқандга бориб кўриши мумкин эди. Хуллас, мавжуд маълумотлар қабр устидаги ёдгорлик Эронга олиб кетилганми деган саволга бир хил жавоб бермайди.

Нефрит тоши ёдгорлик ҳолига келтирилмасдан олдин Самарқандга қаердан олиб келинган деган саволга эса, тоштахтадаги битикдан жавоб топиш мумкин. Унинг топилган жойи ҳақида Темур ва Улуғбекнинг замондошлари — Ҳофиз Абу ва Абдураззоқ каби тарихчилар ҳам маълумот бериб ўтишади. Аммо, ҳужжатлар рус тилига таржима қилинмасдан олдин И. В. Мушкетов ушбу масалани янада кенг асослайди. У нефрит тоштахтанинг таркиби ва тузилишининг ўзига хослигини дунёнинг энг машҳур нефрит конларидаги бошқа минералогик намуналар билан қиёслайди. Натижада олим тоштахта Хўтандаги қазилма конларининг биридан яъни ҳозирги шимоли-ғарбий Чин атрофидан қазиб олинган деган қарорга келади. Бир пайтлар худди шу ердан нефрит Қулжа, Қашғар, Ёркент ва дунёнинг бошқа савдо марказларига сотишга олиб кетилган.

“Буюк ипак йўли” атамаси таниқли географ К. Рихтгофен илмий тадқиқотларининг натижаси ўлароқ, 1877 йилдан қўлланила бошлаган. Илгари бу савдо йўли “Нефрит йўли” деб аталган. Бу йўлдан нефрит, асосан, муқаддас тош деб баҳоланувчи жойлар — Янцзи ва Хуанхе дарёси ораллиғидаги бозорларга олиб кетилган.

Чин императорларининг рақиблари “Кўкостин салтанати”нинг ғарбий чеккаларида яшовчи кўчманчи мўғуллар тўқ кўк рангли улкан нефрит тошга эга бўлганлар. Тош ҳамини чин императорларининг ҳасадини уйғотиб келган. Шунинг учун ҳам улар мўғуллардан ушбу тошни сотиб олиш учун, бир неча бор унинг оғирлигига тенг миқдорда олтин таклиф қилганлар. Лекин кўчманчи мўғуллар ҳар гал рад жавобини берганлар. Тахминан XIII асрда ундан ўзларининг буюк хонлари учун тахт

ясаганлар. Бу тахтнинг шуҳрати мўғул хоқонлигидан ташқаридаги давлатларга ҳам кенг тарқалган. Ўз пайтида Амир Темур ҳам бу тошни қўлга киритишга ҳаракат қилган, бироқ бунга эриша олмаган.

1425 йилда Темурнинг невараси Улуғбек Мўғулистонга қарши зафарли юришга отланади. Унинг қўшинлари Ил дарёсининг юқори қисмидаги ёзги қароргоҳда кўчманчи мўғуллар қўшинини тор-мор келтириб, узоқ йиллар давомида буюк мўғул хонлари савлат тўкиб ўтирган нефрит тахтни қўлга киритадилар. Мўғуллар муқаддас деб билган нефрит тоши — тахтни Самарқандга олиб кетиш учун отлар ва ҳўкизлар дам-бадам тортиб борувчи — махсус аравага ортилади. Самарқандга олиб келинган ёдгорлик тайёрланиб, Амир Темур қабри устига ўрнатилади.

Бироқ нега юқорида зикр қилинган “Тарихи Самарқанд” асарида нефрит тоши Ҳиндистондан олиб келинган деб кўрсатилади? Буни шундай изоҳлаш мумкин: XV асрда Хитойдан Ўрта Осиёга иккита асосий йўл ўтган. Булар Қашғар — Ўш — Фарғона водийси — Тошкент орқали Самарқандга олиб борувчи шимолий йўл ва Қашғардан Кашмир, Кобул, Ҳиндикуш орқали Термизга ва у ердан тоғ дараси “Темур дарвозалар” орқали Самарқандга элтувчи жанубий йўллардир.

Улуғбек оғир юк йўл ҳаракатини секинлаштиради деб ўйлаб, асосий қўшини билан Самарқандга шимолий йўлдан қайтади. Нефрит тош эса, 2 мингга яқин махсус қўшин ҳимоясида Ҳиндистон орқали узун, аммо ишончли йўлдан жўнатилади.

Улуғбекнинг кўрсатмаси билан нефрит тоши ҳозирги (шакли) ҳолатига келтирилади. Тош аввал арраланиб силлиқланади, кейин унга ёзув битилади, шунингдек, Макка томонини кўрсатиб турувчи белги — чизиқ тортилади.

5 ярим аср олдин ушбу ёдгорлик Амир Темур дафн этилган Гўри Амир мақбарасидаги қабр устига ўрнатилади.

* * *

Мана, Амир Темур номи билан боғлиқ икки машҳур тош ҳақидаги ҳикоямиз ҳам ниҳоясига етди. Улардан бири чўддек қизил рангли, иккинчиси қорага мойил тўқ кўк рангли тош.

Қизил ёқут ҳокимият, куч-қудрат ва ҳаракат рамзи бўлиб, Англияда сақланаётган “Темур ёқути” соҳиби мазкур сифатларнинг барчасига эга бўлганини эслатиб туради.

Ўрта асрларда Чинда қорамтир нефрит абадиёт ва мангулик рамзи ҳисобланган ва ҳукмдорларнинг қабри устига қўйилган. Соҳибқироннинг қабри устида ўрнатилган ёдгорлик нефрит тоштахта Амир Темурнинг буюклигини эслатиб турувчи, авлодлари томонидан қолдирилган хотира рамзидир.

Шермурод СУБҲОН
таржимаси



Фахриддин Али САФИЙ

Латифалар

(“Латоиф-ут-тавоиф” дан)

Бир кишининг хотини жуда хунук экан. Бир куни хотин эридан:

— Қариндош-уруғларингиз кўп экан, қайси биридан юзимни берки-тишни ҳам билмай қолдим, — дебди. Шунда эри:

— Ҳаммага юзингни очиб юравер, фақат мендан беркитсанг, кифоя! — деб жавоб берган экан.

* * *

Бир ясовулнинг гўзалликда тенги йўқ хотини бор экан. Унинг исми жисмига муносиб — Ҳур экан. Ясовул урушга бориб, мағлубиятга учрабди-ю, орқасига қарамай қочибди.

— Ҳой номард, қайт орқангга! Душманни ўлдирсанг фозий бўласан, ўлсанг шахид бўлиб, қиёмат куни ҳурларга қўшилиб кетасан, — дейишипти шериклари. Шунда ясовул:

— Менинг ҳурим уйимда, бошқа ҳур учун ўзимни ўлдиришим шарт эмас! — дебди.

* * *

Бир содда киши рўзанинг йигирма еттинчисида ойга қараса, ойнанинг ранги синиқиб, ингичка тортиб қолибди.

— Худойимдан ўргилай, — дебди содда киши, — сен менинг қорнимни ичкарига киргизиб, силламини қуритиб қўйган эдинг, мана энди худо ҳам сенинг жонингни олиб, гавдангни қилтириқ қилиб қўйибди-ку!

* * *

Бир куни бир гуруҳ деҳқон халифа Маъмун-ур-Рашиднинг ҳузурига келиб, унга амалдорининг золимлигидан шикоят қилишибди. Халифа уларнинг арзини эшитиб, дебди:

*Кибриё
ҚАҲҲОРОВА
таржимаси*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг рафиқаси Кибриё Қаҳҳорова билимдон матншунос, моҳир таржимон, форс адабиётининг нозик билимдони ҳам эдилар. У киши форс классиклари Муҳаммад Авфий, Убайд Зоқоний, Абул Фараж, Али Сафийларнинг ижод намуналаридан кўплаб таржима қилганлар. Опа умрларининг охиригача Абдулла Қаҳҳор уй-музейида катта илмий ходим бўлиб ишлаб келдилар. Кибриё Қаҳҳорова ҳаёт бўлганларида бу йил 85 ёшни қаршилар эдилар. Ҳурматли журналхонлар эътиборига Кибриё Қаҳҳорова таржима қилган, Фахриддин Али Сафий қаламига мансуб “Латоиф-ут-тавоиф” ҳикматларидан намуналар ҳавола этмоқдамиз. Али Сафий Жомийга замондош ва ул зотнинг яқин ҳамсуҳбатларидан бўлган.

*Муҳаррам НАЗАРОВА,
Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори*

— Менинг амалдорларим орасида адолат ва инсоф бобида ундан ўтадигани йўқ. Унинг аъзойи бадани инсофга тўла.

Деҳқонлар орасида шўхроқ биттаси бор экан, бу гапни эшитиб шундай жавоб қилипти:

— Халифам, ундоқ бўлса, унинг аъзоларидан битта-битта кесиб, бошқа вилоятларга ҳам юборинг, токи сизнинг хукмингиз остидаги шахарларнинг аҳолиси ҳам адлу инсофдан баҳраманд бўлиб, роҳат-фароғатда яшаса.

* * *

Бир ҳақимдан:

— Овқатни қай маҳалда еган маъкулроқ? — деб сўрашган экан, у:

— Бой қорни очқанда, камбағал овқатга етганда, — деб жавоб берибди.

* * *

Шароб ичмайдиган ҳақимдан:

— Нега сиз шароб ичмайсиз? — деб сўрашса, у шундай жавоб қилипти:

— Мен ақлимни ейдиган нарсадан ҳазар қиламан.

* * *

Бир подшоҳ азон пайти овга чиққан экан, тасодифан сўхтаси совуқ бир кишига рўпара келиб қолибди ва ови барор олмабди. Буни ўша кишининг касофати деб билибди ва дарҳол топиб жазо беришларини буюрибди. Буни қарангки, пешиндан кейин ови барор олиб, яхши кайфият билан овдан қайтибди. Эрталаб бир бечорани сабабсиз хафа қилгани эсига тушиб, дарҳол уни топдирибди ва қилган гуноҳи учун узр сўраб, унга зарбоф тўн ва минг дирҳам олтин ҳадя қилмоқчи бўлибди. Шунда калтак еган киши:

— Эй шахриёри олам, ҳеч қанақа тўннинг ҳам, пулнинг ҳам кераги йўқ. Агар рухсат берсангиз, икки оғиз гапим бор, шуни айтсам, — деб илтимос қилибди.

Подшоҳ рухсат берибди. Халиги одам шундай дебди:

— Эрталаб Сизга биринчи рўбарў келган одам мен, менга биринчи рўбарў келган одам сиз эдингиз. Сизнинг овингиз бароридан келиб, бутун кунни айшу ишратда ўтказдингиз, ме-

нинг бутун куним ранжу меҳнатда ўтди. Энди ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, қайси биримиз ҳосиятсиз одам эканмиз?..

* * *

Бир ҳозиржавоб кишини гуноҳкор қилиб, подшоҳ олдига олиб келишибди.

— Бу бети қоранинг бурнини тешинглар! — деб амр қилибди подшоҳ. Шунда ҳалиги киши шундай илтижо қилипти:

— Эй дини исломнинг шоҳи, бурнининг иккита тешиги бор, шу етар, учинчисига на ҳожат?

* * *

Бир куни ёз фаслида Султон Маҳмудни пашшалар талайвериб жонидан безор қилибди. Султон Талхақдан:

— Пашша бўлмайдиган бирор жой йўқмикин? — деб сўради.

— Одам бор жойда пашша бўлади, одам йўқ жойда пашша бўлмайди, — дебди Талхақ.

* * *

Биров Жўхийни қозихонага олиб бориб, ундан ўн дирҳам даъво қилибди. Жўхий инкор этибди. Қози даъвогардан гувоҳ талаб қилса, даъвогар гувоҳим йўқ, дебди.

— Бўлмаса қасам ич, — дебди қози.

— Мен унинг қасамига ишонмайман, — дебди даъвогар.

Шунда Жўхий:

— Эй мусулмонлар қозиси, бу шахарда сиздан диёнатли ва эътимодли одам йўқдир. Модомики у менинг қасамимни инobatга олмас экан, мен учун ўзингиз қасам ича қолинг, шояд шу билан бу даъвогарнинг қўнгли жойига тушса, — дебди.

* * *

Бир ҳазилкаш бошқа бир ҳазилкашнинг уйига меҳмон бўлиб борибди, уч кечаю-уч кундуз қолиб кетибди. Ишидан қолган мезбон аччиқланиб хотинига ёрилган экан, хотини меҳмонга йўлиқиб депти:

— Иним, уч кунлик ризқи-насибангиз бизникига сочилган экан. Сиз хурсанд бўлган бўлсангиз, биз ҳам мамнунмиз... Шу, эрим менга қўп зулмлар

қилади, кетишингизда насихат қилиб қўйсангиз?..

Шу он эр эшикдан кириб қолибди. Мехмон унга қараб;

— Эй дўстим, худойи таоло қирқ кунлик ризқимни сенинг дастурхонингга сочган чоғи, мен кетгунча хотинингга ҳаргиз озор берма, — дермиш.

* * *

Бир куни уч-тўртта ҳазилкаш атайлаб чиқимдор қилиш учун хасис бойнинг уйига боришибди. Бой уларнинг дарагини эшитиб, қулига:

— Чиқиб айт, хўжайин кеча оламдан ўтдилар, узр, дегин, — дебди.

Қул чиқиб хўжайинининг гапини айтса, ҳазилкашлар:

— Эҳ, аттанг, у киши бизнинг валинеъматимиз эдилар. Улардан қарз ҳам эдик. То жанозалари ўқилиб, дафн қилишмагунларича қайтмаймиз энди, — дейишибди-да, остонадан ҳатлашибди.

* * *

Бир ҳазилкаш хасис одамнинг дастурхонидаги қовурилган товукни кўриб шундай дермиш:

— Бу товукнинг ўлганидан кейинги умри тириклигига қараганда анча узунроқ бўлса керак...

* * *

Бир ҳазилкаш Ғўр вилоятига қарашли қишлоққа бориб қолибди. Қараса, қишлоқнинг шимол томонида баланд бир тоғ бўлиб, тоза ҳаво йўлини тўсиб турганмиш.

Ҳазилкаш қишлоқ аҳлига:

— Шу тоғни қишлоқларинг рўпарасидан кўтариб ташлаб, сизларни тоза ҳаводан баҳраманд қилсам нима дейсизлар? — дебди.

— Кошки эди, — дейишибди қишлоқ аҳли, — ҳаво етишмаганидан қачон қараманг турли касалликларга чалиниб юрамиз.

— Бўпти, — дебди ҳазилкаш, — фақат битта шартим бор: бир йил мени боқасизлар, кўнглим нимани истаса шуни муҳайё қиласизлар. Тоғни узоқроққа жилдирганимдан кейин йўл харажати учун минг динор пул берасизлар.

Ғўрликлар уни бир йил боқишибди. Бир йилдан кейин, қани, ваъдага вафо қилмайсизми, деб унинг олдига келишибди. Шунда ҳазилкаш:

— Боринглар, кимнинг уйида бир газдан тортиб юз газгача ипми, арқонми бўлса барисини йиғиб келинглар, — дебди.

Ғўрликлар арқон топиб келишибди ва ҳазилкашнинг амри билан арқонларнинг учларини бир-бирига боғлашибди.

— Энди бу узун арқон билан тоғни ўраб олинглар, қишлоқнинг эркак-аёл, ёш-қари — ҳаммасини йиғинглар, — дебди ҳазилкаш.

Ҳамма йиғилибди.

— Ана энди, — дебди ҳалиги киши, — тоғни орқамга юкланглар, мен уни бирор чуқурга олиб бориб ташлайман.

— Овсармисан?! Биз қанақа қилиб бу улкан тоғни кўтариб орқанга қўямиз? — дейишса, ҳазилкаш шундай жавоб қилибди:

— Овсар менми, сенларми? Икки-уч минг одам бўла туриб сиз кўтаролмаган тоғни мен бир ўзим қандай кўтарай?

* * *

Бир табиб икки хил таомни еб ўтирган одамни кўриб:

— Ҳой биродар, бу таом бир-бири билан келишолмайди, — дебди.

Иккинчи куни ҳалиги одам касал бўлиб табибнинг олдига борибди.

Табиб:

— Кеча бу овқат бир-бири билан келишолмайди, демаганмидим? — дебди.

Бемор:

— Аксинча, тақсир. Иккаласи бир-бири билан шунақанги келишиб олдики, энди мени ўртадан кўтармоқчи, — деб жавоб берипти.

* * *

— Онам иккаламиз топқир мунажжим бўлсак керак, — дебди Жўхий. — Негаки фолимиз доим тўғри чиқмоқда.

Эшитганлар ажабланиб, елка қисиб қўйибди. У шундай жавоб қилипти:

— Ажабланманг, агар осмонни булут қопласа мен ёмғир ёғади, дейман, онам, йўқ, ёғмайди, дейди. Турган гап,

ё ёғади, ё ёғмайди. Демак ё унинг гапи тўғри чиқади, ё менинг гапим.

* * *

Жўхийдан:

— Бирор ишда биров билан мусобақалашганмисан? — деб сўрашса, у шундай дебди:

— Намоздан кейин мачитдан чиқишда ҳаммиша намозхонларни орқада қолдирганман, чунки мен доимо ҳаммадан кейин кириб, ҳаммадан олдин чиқаман.

* * *

Шўхроқ бир йигит ўтиришларда доим ҳаммани кулдириб юраркан. Тақводор бир одам унга:

— Умрингни масхарабозликда ўтказаяпсан. Бунақада қиёмат куни сени дўзахга оёгингни осмондан қилиб осишади, — дебди.

— Ҳечқиси йўқ. Бу ҳам масхарабозликнинг бир тури, — жавоб қилибди йигит.

* * *

Бир шўх йигит уйланган экан, хотини тўрт ойдан кейин ўғил туғиб берибди. Шунда хотини эридан:

— Боланинг отини нима қўямиз? — деб сўраса, эри:

— Тўққиз ойлик йўлни тўрт ойда босиб ўтгандан кейин нима қўярдик, Учқур қўямиз-да, — дебди.

* * *

Хунук бир аёл бетоб бўлиб қолибди ва эридан:

— Ўлиб қолсам нима қиласан? — деб сўраса, эри бунга жавобан:

— Ўлмай қолсанг нима қиламан?! — дебди.

* * *

Шариат пешволаридан бирининг жуда маҳмадона хотини бор экан. Бир куни ўша одам хотинини нарвонга чиқаётганини кўрибди ва нарвоннинг ўртасига борганида:

— Ҳой хотин, шуни билиб қўй: шу ердан юқорига чиқсанг ҳам, пастга тушсанг ҳам, шу жойингда турсанг ҳам бари бир уч талоқ қиламан, — дебди.

Хотини дарҳол ўзини нарвондан ташлабди.

— Фаҳму фаросатинга тасанно, хотинжон, — дебди эри. — Мен тополмаган шариат масалаларига сен фатво топасан-а?!

* * *

Букир бир кампирдан сўрабдилар:

— Худодан эгилган қоматингни рост қилишини сўрайсанми ёки бошқаларнинг ҳам ўзингга ўхшаш букир бўлишини сўрайсанми?

— Албатта букир бўлишини, — депти кампир, — негаки, улар менга қайси кўз билан қарашган бўлса мен ҳам уларга ўша кўз билан қарашни истайман.

* * *

Биров бешта эрга тегиб чиққан аёлга уйланибди. Тўсатдан олтинчи эр ҳам касал бўлиб қолибди. Хотин куюниб, эрининг ёстиғи бошида йиғлаб ўтириб:

— Вой бегим, мени кимга ташлаб кетасиз? — деса, эри:

— Еттинчи эрингга! — дебди.

* * *

Араблар орасида хасислиги туфайли тилларда дoston бўлган Шаммомо олдига бир камбағал илтимос билан келибди.

— Яхши, — депти Шаммомо. — Агар менинг бир илтимосимни бажарсанг жоним билан адо этаман.

Камбағал жон деб кўнипти.

— Илтимос шуки, — жавоб қилибди Шаммомо, — мендан бирор нарса тилама.

* * *

Бир хасис ўғлига шундай насиҳат қилибди:

— Болагинам, кумуш танганинг қаноти бор, қўлдан чиқардинг, учади-кетади. Олтин танганинг иситмаси баланд бўлади, сарф қилсанг, ўлади-колади.

* * *

Бир кун Хорун ар-Рашид қози Абу-юсуфдан:

— Ёғли ҳолва яхшими, бодомли ҳолвами? — деб сўраса, қози:

— Мен қозиман. Ўз кўзим билан кўрмагунимча ҳукм чиқармайман, — дебди.

Икки хил ҳолва келтирилибди. Қози гоҳ унисди, гоҳ бунисидан хотиржам ея бошлабди.

Ҳорун:

— Ҳа, нега индамайсан, чиқар ҳукмингни, — деса, қози:

— Ё амирал мўъминин, умрим бино бўлиб ҳузуримга даъво қилиб келган бунақанги икки зийрак душманни сира кўрмаганман. Бери ҳақида энди ҳукм чиқараман деса, иккинчиси ҳужжати-ни оғзимга тутади ва мен нима дейишимни билмай қоламан, — дермиш.

* * *

Бир ўғри бировнинг тўнини ўғирлаб, бозорга олиб бориб даллолга берган экан, ўғрини қароқчи урди, деганларидек даллолнинг қўлидан ҳам тўнни ўғирлаб кетишибди.

Уртқлари ўғрини кўриб:

— Тўнни қанчага сотдинг? — деб сўраса, ўғри:

— Ўз нархига, — дебди.

* * *

Бир ғилай кишининг кўзи олдида боғлоғлиқ хўроз турган экан. Биров ундан:

— Ғилай одамларнинг кўзига битта нарса иккита бўлиб кўринади, дейишади, шу ростми? — деб сўрабди.

— Бўлмаган гап! — дебди ғилай. — Шундай бўлганда, мана бу икки хўроз кўзимга тўртта бўлиб кўринмасмиди?!

* * *

Бир ғилай киши ғилай табибнинг олдида бориб:

— Бир киши кўзимга иккита бўлиб кўринади. Бир илож қилиб мени бу балодан қутқаринг?! — деса, табиб:

— Тўрттовингиз ҳам шу касалга мубталомисиз? — дебди.

— Вой дод! — бақирибди ғилай. — Бошқа табибга бормасам бўлмайди. Менинг кўзимга иккита бўлиб кўринган нарса бунинг кўзига тўртта бўлиб кўринаркан.

* * *

Сайёр исмли кўр араблар орасида энг машҳур кўр экан. Бир куни кўчада биров унга тегишиб:

— Ҳой Сайёр, худодан тила, кўзинг эвазига сенга бирор нима берсин, — дебди.

— Сўрадим, берди, — дебди кўр.

— Нима берди?

— Сенга ўхшаган аҳмоқларнинг башарасини кўрмасликни!

* * *

Бир кўрнинг хунук хотини бор экан, хотин эрига:

— Қани энди кўзинг бўлса-ю менинг ҳусну жамолимни кўрсанг, — деса, эри:

— Оғзингни юм. Ҳусну жамолинг бўлганда менга ўхшаган кўрга тегармидинг! — дебди.

* * *

Бир бола давлат арбобларининг бири олдида одобсизлик қилибди. Бу хабарни амакисига етказишибди. Амакиси урмоқчи бўлган экан, бола:

— Амаки, мен-ку ақлсизликдан бу ишни қилиб қўйибман. Наҳотки, сиз ақлу ҳушингиз жойида бўла туриб шу ишни қилсангиз, — дебди.

* * *

Лайснинг ўғли Ёқуб камбағалгина одам экан. Салтанат тахтига ўтирган-дан кейин сижистонлик бир бойнинг мол-мулкани тортиб олиб, ўзини бир бурда нонга зор қилибди. Кунлардан бир кун ўша одам Ёқубнинг ҳузурига келибди. Ёқуб ундан:

— Бугун аҳволинг нечук? — деб сўраса:

— Кеча сенинг аҳволинг қандай бўлса, бугун менинг аҳволим шунақа, — дебди ҳалиги одам.

— Кеча менинг аҳволим қанақа эди? — сўрабди Ёқуб.

— Кеча сенинг аҳволинг менинг бугунги аҳволимга ўхшар эди, — дебди сижистонлик киши.

* * *

Халифа барра кабоб емоқчи бўлиб энди дастурхонга қўл узатаётган экан, қишлоқдан бир араб келиб қолибди. Халифа уни дастурхонга таклиф қилибди. Араб қорни очроқ экан, зўр иштаҳа билан барра кабобни ураверибди. Халифа ҳазил тариқасида:

— Нима бало, бу кўзичоқнинг отаси мени сузганмиди, бир пасда гўшти-

ни юлиб-ямлаб ташладинг? — деса, араб:

— Ўзинг-чи, раҳму шафқат билан термулиб қараб туришингдан онасининг сутини эмиб катта бўлганга ўхшайсан-а, — дебди.

* * *

Бир хўжа билан бир фуқаро уришиб қолибди. Хўжа:

— Во Муҳаммадо! — деб фарёд кўтарибди. Фуқаро эса:

— Хой одамлар, — деб дод солибди.

Одамлар таажжубланиб:

— Во Муҳаммадо, деганинг нимаси, — деб сўрасалар, фуқаро шундай дебди:

— У ўз бобоси Муҳаммадни ёрдамга чақириб: “Во Муҳаммадо!” деди. Мен ўз авлодим — одамларни ёрдамга чақириб “Хой Одамлар!” деб қичқирдим. У Муҳаммад авлоди эканини исботлаш учун қанча тер тўкиши керак. Менинг одам фарзанди эканлигимга ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ.

* * *

Луқмони ҳаким қоп-қора киши экан. Биров уни танимасдан қулликка олиб, бирмунча вақт эшигида хизмат қилдиради. Хизматкори илму ҳикматдан хабардор одамга ўхшаганини пайқаб қолгач, имтиҳон тарзида бир кун:

— Қўйни сўйиб, энг яхши жойини менга келтир! — деди.

Луқмон қўйни сўйиб, юрак ва тилини хўжасининг олдига келтирибди. Бошқа бир кун:

— Қўйни сўйиб энг ёмон жойини пишириб кел, — дебди.

Луқмон яна бир қўйни сўйиб яна тили билан юрагини хўжасининг олдига келтириб қўйибди.

— Бу нима қилганинг? — деб хўжаси сўраса, Луқмони ҳаким шундай дебди:

— Эй хўжам, агар пок бўлса тил билан юракдан тоза нарса йўқ, гар нопок бўлса тил билан юракдан ифлос нарса йўқ!

* * *

Бир ҳакимдан:

— Энг улуғ одам деб кимни била-сиз? — деб сўрасалар:

— Умр бўйи ишим тушмаган одамни, — деб жавоб берибди.

* * *

Бир ҳаким уйлангандан кейин шундоқ деган экан:

— Биз бўйдоқ бўлган чоғларда уйланганлар гунг эдилар, яъни бу ишни қилма деб бизга насиҳат қилмасдилар. Энди биз уйлангандан кейин бўйдоқлар кар бўлиб қолдилар.

* * *

Бир ҳаким:

— Уйланиш кудуққа тушиб кетиш демакдир, — дебди.

— Кудуқдан чиқишнинг иложи борми? — сўрашибди ундан.

— Кудуқнинг оғзига харсанг тош бос-тиришмаса қутулса бўлади, — жавоб берибди.

— Харсанг тошинг нимаси? — деб сўрашса:

— Туғилган ҳар бир фарзанд ўша кудуқнинг оғзига босилган харсанг тош бўлади, — жавоб берибди ўша киши.

* * *

Бир ҳакимдан:

— Қайси таом лаззатлироқ? — деб сўрашса, ҳаким:

— Қорнинг оч бўлса ҳар қанақа таом ҳам лаззатли бўлади, — дебди.

* * *

Бир ҳазилкаш табибдан:

— Бўса иссиқликми, совуқликми? — деб сўраса, табиб:

— Қайдам, лекин кўпи кўнгилни айнитишини биламан! — дебди.

* * *

Ҳозиржавоблик даъвосини қилиб юрадиган бир хасис Абдурахмон Жомий олдида ҳазил тарзида:

— Уч пулим бор, қандай қилиб бир нима олиб тўйгунча есаму қолганини яна уч пулга сотиб танини қилсам деб ўйлаб ўтирибман, — дебди.

Бунга жавобан Жомий шундай жавоб қилипти:

— Кушхонага бориб, уч пулингни берсанг битта қорин беради, ичидагини еб, қолганини яна пулга сотасан қўясан-да!

* * *

Тўст яманий шундоқ ҳикоя қилади: Ҳажжож Юсуф олдида бир одамни кўрдим. У Ҳажжож билан дадиллик-ла муомила қилар, унинг саволларига мардонавор жавоб қайтарар эди. Ҳажжож Яман вилоятида ҳокимлик қилаётган биродарларининг ҳолини сўради.

— Қани, айт-чи, сизларнинг ҳокимларингиз, менинг биродарим Муҳаммад бинни Юсуфнинг аҳволи нечук?

— Ўзи семиз, қадди-басти филдай, ранг-рўйи хўроздай! — деди.

— Мен сендан унинг ранг-рўйини эмас, адл-инсофини сўраяпман, — деди Ҳажжож.

— Бераҳм, қонхўр, золим, фосиқ.

— Нега бўлмаса ундан каттароғига арз қилиб, зулмидан қутилмайсизлар?

— Ундан каттароғи ундан беш баттар бўлса-чи?

— Мени танийсанми?

— Албатта танийман. Сен Ҳажжож бинни Юсуфсан, у сенинг биродаринг бўлади.

— Нечук кўрқмасдан-нетмасдан бу гапларни менга айтаяпсан?

— Ҳақ одам ноҳақ одамдан ҳеч қачон кўрққан эмас.

* * *

Хисрав Парвез фуқарога зулм қилган бир амалдорини хузурига чақиртирибди. Амалдор ҳа деганда келавермабди. Шунда Парвез ўша элнинг ҳокимига:

— Келишга гавдаси оғирлик қилаётган бўлса, енгилроқ аъзоси — калласини юборақол, — деб ёзиб юборган экан.

* * *

Сўхтаси совуқ бир шайх ўзига ўхшаган беш-олтита совуқ муриди билан бир давлатли кишининг эшигига бориб:

— Бу кеча отанг тушимга кирди, одамларга ҳалим ош улашаётган экан, — дебди.

Давлатли киши ҳалим ош қилиб шайхни меҳмон қилибди. Келаси ҳафта шайх яна ўша бойнинг эшигини қоқиб:

— Отангни туш кўрдим, паловга ҳаваси келибди, — дебди.

Бой палов пишириб, шайх ва унинг муридларини меҳмон қилибди.

Келаси ҳафта шайх яна келиб:

— Отангни туш кўрдим, яхна гўштига ҳаваси келибди, — дебди. Давлатли киши гўшт қайнатиб, шайхни яна зиёфат қилибди.

Шайх янаги ҳафта келиб яна:

— Отангни туш кўрдим, барра кабоб билан шакарли ҳолвага ҳавас қилганмиш, — деган экан, давлатли киши:

— Бор, отамга айт, ўзи келсин, — деб жавоб қайтарибди.

* * *

Бир нўноқ шоир Абдурахмон Жомийга:

— Шу кеча Хаста Хизрни туш кўрдим, муборак тупукларини оғзимга суриб кетдилар, — дебди. Жомий:

— Янглишибсан, Хаста Хизр сенинг башарангга тупурган, сен оғзингни очиб ётганинг учун тупуги оғзингга тушган, — деган экан.

* * *

Бир шоир хасис бир бойни мақтаб қасида ёзибди ва бойга ўқиб берибди. Орадан бирор ҳафта ўтибди, аммо бой ҳеч қандай илтифот кўрсатмабди. Шоир яна инъом кутиб, қитъа ёзибди, яна бойдан садо чиқмабди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин ноумид бўлган шоир бой ҳақида ҳажвия ёзибди. Бу гал ҳам бой парво қилмабди. Ноилож қолган шоир бойнинг эшиги олдига келиб чўккалаб ўтириб олибди. Бой ташқари чиқса, шоир остонада чўк тушиб ўтирибди:

— Ҳа, беор махлуқ, мақтадинг индамадим, тама қилиб ёздинг, парво қилмадим, ҳажвия ёздинг, ўзимни билмаганга солдим, энди нима умидда эшигимда ўтирибсан?

— Ўлсанг марсиянгни ҳам ўзим ёза қолай деган умидда ўтирибман-да! — дебди шоир.

* * *

Шоир Саълабий халифа Мансур пойтахтининг шоирларидан экан. Унинг ҳақида шундоқ бир воқеани нақл қилишади.

Бир куни шоир Саълабий катта инъом умидида бир қасида ёзиб, халифа хузурига олиб борибди ва унга ўқиб берибди. Қасида халифага жуда маъқул бўлибди ва шоирга:

— Қани, айт-чи, бу қасиданг учун уч юз динар олтин берайми ё ҳар бир юз

динор олтинга арзийдиган учта ҳикматли сўз айтайми, — дебди. Шоир хушомадгўйлик билан:

— Сарф бўлиб кетадиган неъматдан кўра боқий қоладиган ҳикматли сўз афзалроқ, жаноби олийлари, — дебди.

— Биринчи ҳикматли сўзим шуки, — дебди халифа, — тўнинг эскирса, янги этик кийма, кўзга хунук кўринади.

— Оҳ, эсиз юз динор, — деб юборибди шоир.

Халифа мийиғида кулиб:

— Иккинчи ҳикматли сўзим шуки, соқолингга мой сурганингга эҳтиёт бўл, иягингга тегмасин, бўлмаса ёқанг кир бўлади.

— Ха, аттанг, икки юз динор қўлдан кетди-я, — дебди шоир бутунлай тарвузи қўлтиғидан тушиб,

Халифа жилмайиб:

— Учинчи ҳикматли сўзим шуки, — деган экан, шоир бор товуши билан қичқириб дебди:

— Эй жаноби олийлари, худо ҳақи, учинчи ҳикматли сўзингизни сақлаб қўйинг-да, қолган юз динорни беринг, сўзингиздан кўра динорнинг ҳикмати кўпроқ керак бўлиб турибди менга!..

* * *

Кимдир Бағдод халифаси ҳузурига пайғамбарлик даъво қилиб келибди. Халифа:

— Пайғамбар бўлсанг қандоқ мўъжиза кўрсата оласан? — деб сўраган экан, ҳалиги одам:

— Нимани истасангиз, дарҳол ўша нарсани муҳайё қила оламан, — деб жавоб берибди.

— Бўлмаса менинг кўз олдимда қовуннинг уруғини экасан, ўша заҳоти кўкариб гулласин, ҳосил қилсин ва пишсин, — дебди халифа.

— Бўпти, фақат тўрт кун муҳлат берасиз, — дебди ҳалиги киши.

— Йўқ, бир кун ҳам муҳлат йўқ! — дебди халифа.

Шунда даъвогар халифага қараб:

— Эй ноинсоф! Шунча қудратга эга бўлса ҳам қовун пишиғи учун Худоба тўрт ой муҳлат берасану мендек бир ожиз бандага тўрт кунни ҳам қизгана-санми?! — деган экан.

* * *

Бир куни Аббосийларнинг бешинчи халифаси Ҳорун-ар-Рашид қабристондан ўтиб кетаётган экан, қараса икки мажнунсифат одам — Бахлул билан Улайё ўша жойда суҳбатлашиб ўтирганмиш. Ҳорун-ар-Рашид уларга тегишмоқчи бўлиб шундай дебди:

— Бугун девоналарни ўлдирадиган кун. Қани, жаллодлар, шайланинглар! Жаллод ҳам дарров ҳозир бўлибди ва Улайёни ётқизиб, бўғзига шамшир тортмоқчи бўлибди.

— Эй Ҳорун, нима қилмоқчисан? — дебди Бахлул.

— Девоналарни ўлдирмоқчиман дедим-ку, — дебди Ҳорун.

— Субҳоноллоҳ! — дебди Бахлул, — бу шаҳарда биз иккита девона эдик, энди учта бўлдик. Сен бизни ўлдирсанг, сени ким ўлдирари?

* * *

Бир яхудий мусулмон динини қабул қилибди ва шунда домла имом:

— Болам, энди онадан янги туғилгандай бўлдинг, — дебди.

Олти ойдан кейин ҳаммаҳаллалари:

— Бу намоз ўқимайди, — деб уни домла имомнинг олдига судраб келишибди.

Домла имом:

— Нега жамоат намозига келмайсан? — деб сўраса, ҳалиги одам:

— Эй, домла почча, мусулмон динига кирганимда, ўзлари “онадан янги туғилгандай бўлдинг” деган эдилар. Ўшанга кўпи билан олти ой бўлгандир, олти ойли бола намоз ўқисин деган гап қайси китобда ёзилган? — дебди.

* * *

Бир файласуф саҳрода айланиб юрган экан, қараса бир йигит мерганликни машқ қилиш ниятида ўқ отмоқда ва отган ўқлари нишонга тегмасдан ўнг-сўлга кетмоқда эди. Файласуф ўқ тегишидан кўрқиб, тўғри нишоннинг рўпарасига бориб турибди ва шундай дебди:

— Шу ердан хавфсизроқ жой йўққа ўхшайди, чунки унинг ўқи ҳеч қачон нишонга тегмаслигига аминман.